

Тимоти Ж. Уиттер
(Абдулжинн Мурод)

ХХІ АСРДА ИСЛАОМ

Постмодерн
аудиа
цифрови
төслии



Timothy J. Winter
(Abdal-Hakim Murad)

Тимоти Ж. Уинтер
(Абдулҳаким Мурод)

ISLAM
2001

XXI АСРДА
ИСЛОМ




**Timothy J. Winter
(Abdal-Hakim Murad)**

ISLAM

2001:

**Finding the Qibla
in a Post-Modern
World**



**Тимоти Ж. Уинтер
(Абдулҳаким Мурод)**

XXI АСРДА ИСЛОМ

**Постмодерн
дунёда
қиблани
топиш**



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2005



БИСМИЛЛОХИР РАХМОНИР РАХИМ

Гапнинг ибтидоси...

Мухтарам китобхон!

Кўлингиздаги ушбу китоб *a la grande cuisine*¹ нинг тўлақонли мазали таомини эмас, балки танланма *hors d'oeuvres*² ни эътиборингизга ҳавола этади. Ундаги мақолаларнинг баъзилари ихтисослашган ва илмий, бошқалари эса оммабоп қилиб ёзилган, ҳар бир бўлимдаги аннотация ва китобнинг мунозара услуби ва даражаси айнан шу мақсадга қаратилган. Биз буни тушуниб олиш учун янги минг йиллик тасодифан дунё мусулмонлари тарихидаги бурилиш нуқтасига тўғри келганидан вokiф бўлишимиз керак. Янги замонга хос сиёсий даъватлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган экстремистик тангликларни ва қанақа оқибатларга олиб келиши мумкинлигини билиб бўлмайдиган бефарқликни урчитиб юбормоқда. Аммо биз ваҳимага тушмай, уларнинг барчасини мушоҳада қиласидиган бўлсак, ўзимиз иштирокчиси бўлиш баҳтига муюссар бўлгучи эътиқод ва ҳаётнинг буюк ташвиши учун келажакни белгилаб ола бошлишимиз мумкин. Иншооллоҳ!

Тимоти Ж. Уинтер
Илоҳиётшунослик факультети
Кембриж университети

Муаллифлик ҳуқуки тўғрисидаги қонун билан муҳофаза қилинади ©.Т.Ж.Уинтер. Бу қўлёзмани инглиз тилида кўпайтириб тарқатиш тақиқланади, факат ўзбек тилига таржима қилиш учун.

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2005

¹ *A la grande cuisine* (*фр.*) – улкан ошхона. – Тарж.

² *Hors d'oeuvres* (*фр.*) – газак. – Тарж.



*Иноятга шукр қилмаган
Иноятдан маҳрум бўлгуси,
Шокир банда ҳар иноятни
Ўз ити-ла боғлаб олгуси.*

Ибн Отауллоҳ

I б о б

МИНГИЙЛЛИК АЛОМАТ СИФАТИДА

Дасти күтөхимизни эттамиши Аллоҳрасо,
Лутфи манбасин ўйқса құлымиз-ла тұтардик.
Бизга берсінму худо оби ҳаёти тавғиқ,
Зулматда Хизр топсак, кулоҳидан тұтардик.

Иzzat Мулла

Ислом ва янги мингийллик”: *caveat lector*³. Биз мусулмон сифатида ишга киришишдан олдин камидә иккита тараддуға әхтиёж сезамиз.

Бириңчидан, гарчи мустақил бұлмаган тамаддун аъзолары сифатида 2000 йилдан қочиб кутуломасак-да, янги минг йиллик бизнинг мингийллигимиз эмаслигини тан олишимиз керак. Бугунги кунда ҳар бир мусулмон давлати шошилинч бир тарзда милодни ва шунга асосан, авлиё Григорий тузган, христианлик асос қилиб олинган тақвимни тан олади. Ислом тарихининг Мұхаммад пайғамбар ҳижратидан ундан олдин үтган пайғамбар тауаллуди билан боғлиқ жорий тақвимга мосланғани туфайли күпгина исломий давлатлар янги аср бошланишини қайсиdir даражада нишонлашни режалаштириб ҳам қўйди. Мусулмон мамлакатларидағи шошиб қолған ва дунёвийлашган аҳоли ушбу вокеа муносабати билан ғалати бир ҳаяжонга тушиб қолди: ҳатто Туркияда “*Iki bin'e dogru*” (“Икки мингинчи йил сари”) ҳафталик журнали ҳам чоп этила бошлади. Бундай асабий ҳаяжон бизга ғалати туюлиши табиий: биз мусулмон сифатида ўз тақвимимизга ва тарихий мезонларимизга әгамиз. Аслида 2000 йил ҳижрий 1420 йилда бошланди. Шундай экан, бу сана эътиборга молик дейишга арзийдими? Бу одамнинг ғазабини күзғовчи ва номақбул Farb таъсирининг яна бир күриниши эмасми?

³ *Caveat lector* – “Ўқувчи әхтиёт бўлсин” дегани. – Тарж.



Айрим замондош олимлар (Е.П.Сандерз, Жеза Вермес ва х.к.) нинг тадқиқотларига асосан, Исо (а.с.) милоддан олдинги 6-йилда таваллуд топганини инобатга олсак, ушбу фикр янада қатъийлашади. Агар шу гаплар рост бўлса, қўёш тақвимига кўра, учинчи минг йиллик 2000 йилда эмас, 1994 иили бошланган бўлиб чиқади, 2000 йилни нишонлаш аслида беҳуда бир иш, яъни янги замон байрами экани маълум бўлади. Лондондаги Мингийллик куббаси сингари кинояомуз ва гуманистик лойиҳалар билан танишган киши бир нарсага амин бўлади: одамлар Исо Масихнинг таваллудини эмас, балки бемаъни факт – учта нолнинг ёнма-ён келишини нишонлашмоқда. Хуллас, бу воқеа бугунги кун христианлари учун беҳуда нарсалар тизими, бемаъниликлар юбилейи бўлди, холос.

Иккинчи, ташвишли ҳол бизнинг келажак хусусида ишонч билан гапириш қобилиятимизга дахлдордир. Мен ушбу боб ва бутун китоб давомида (ўқувчиларни) исломнинг Буюк мингийлликдан сўнг олиши мумкин бўлган йўналиши ҳақида бот-бот мулоҳаза юритишга дайвват этмоқчиман. Бироқ Ашъарий ва Мотуридий нуқтаи назаридан қараганда, илоҳиётшунослик нозик масаладир: биз унга ҳалол йўл билан ечим топишмиз мумкинми? Келажак кўздан олис нарса, уни кўриб бўлмайди, у фақат ал-Қодир ал-Олим, яъни ягона билгувчи зот – Аллоҳгагина аён китобдир. Эҳтимол, бани башар ўз умрининг интиҳосига етиб бораётгани яхшидир. Қодир ва қаҳхор Аллоҳ қиёмат кунидан олдин соатларни тўхтатиб кўйиши ҳам мумкин. Биз – инсон болалари, илоҳий адолатнинг бир кўриниши сифатида бу ишда шунчаки восита булишимиз мумкин, холос: бундай пайтда, бир замонлар Россияга биринчи бўлиб ядрорий зарба бериш керак, деб туриб олган президент Кеннедининг стратегик бомбардимон кучларига эга бўла туриб ҳам иккиланганини эслаш кифоя. Бироқ бу – мушоҳада юритишни талаб этадиган мавзуу. Жаброил фаришта ҳақидаги ҳадисда у (Муҳаммад) пайғамбар (с.а.в.) нинг олдига келгани, Расулуллоҳ фариштадан, ўша соат қачон келади, деб сўрагани, у (Жаброил) эса “саволга тутилган ҳам савол берувчидан кўпроқ нарсани билмайди”, деб жавоб бергани ривоят қилинади. Бироқ Куръони каримда айтилга-

нидай, “фалак шу саволга ҳомиладордир”. Инсон қўли билан ёки ўзи келадиган оғат сиз ушбу китобни ўқиб тутгатмасингизданоқ рўй бериши ҳам мумкин.

Ислом тарихида қисман Қуръон қаромати билан инсон ҳаётидаги асосий мавзуга айланган қиёмат қойимни кутиш ҳоллари янгилик эмас. Қизифи шундаки, охират куни ҳақидаги гаплар ислом ташкил топганининг минг йиллиги олдидан ҳам пайдо бўлган эди. Мисрнинг ўрга асрлардаги буюк олим Имом ас-Суютий кўплаб мусулмонларнинг ҳижрий 1000 йилни қўрқув ва ҳаяжон билан кутиб олгани хусусида ташвиш билан ёзган эди. Ҳуш, бу ҳам кўплаб Қоҳира воизлари минбарлардан туриб таъкидлаганидай, охиратдан дарак берадими?

Ас-Суютий ўзининг эҳтиёткор ва нарсаларни атайлаб мураккаблаштиришдан йироқ машғулотига содик қолиб, ушбу умматнинг ҳаётига оид барча ҳадисларни синчиклаб ўрганиб чиққач, ҳеч қандай қўрқувга асос йўқ эканини аниқлаган. У бу ҳақда “Умматларнинг минг-йилликдан омон-эсон ўтиб олиши исботи” деган кичик бир китоб ҳам ёзган. Ушбу китобда муаллиф, исломнинг илк мингийиллиги инсоният тарихининг интиҳоси деб ваҳима қўтаришга ҳеч қандай асос йўқ, деган хуло-сага келган. У ўзига маълум ҳадисларни ўрганиб чиқиб, уларда Исо (а.с.) ва Антихрист (ал-Масиҳ ад-Дажжол) нинг қайтиши исломий 15-асрда, яъни бизнинг кунларимизда рўй беради, деган тұхтамга келади. Бу фикр бизнинг замондошларимиз учун ҳам ўзига хос огоҳлантириш эмасми?

Бироқ, Имом ҳазратларининг мазмунан тұла аник бўлмаган ҳадисларни талқин қилиши, келажакни Аллоҳ-гина билиши мумкин, пайғамбарларга эса факат ваҳий келади, деган теологик тушунчаларига асосланган.

Мен ушбу китобининг кейинги сахифаларида тахминларга эмас, мавжуд далилларга таяниб мулоҳаза юритмоқчиман. Аллоҳ таоло тарих йўналишини бирор табиий оғат, ҳалокатли урушлар ёхуд ҳарбий лабораториядаги микроб тұла идишни кимдир тасодифан тушириб юбориши орқали бутунлай ўзгартириши мумкин. Ул зот молики замон сифатида тарихни, гүё дараҳтдан бир япроқни узиб олгандай, оёқлатиб қўйиш кудратига эга. Бордию,

бу ҳол яқин ойлар ичида рүй берадиган бўлса, бу тахминларга ўрин ҳам қолмайди. Бу ўринда менинг вазифам — ҳозирги замон ҳақида сўзлаш. Модомики, мавжуд тамойиллар шу кунгача бирор фалокат туфайли барбод булмаган экан, улар келгуси йиллар ва ўйнилликларда исломнинг эҳтимол тутилаётган келажаги томон давом этиб бораверади.

Хўш, ушбу тамойилларга шубҳа билан қараш нима учун фойдадан холи эмас? Чунки, биринчи навбатда, барча исломий дискурс⁴ да аҳли муслим 20-аср, аслида эса сўнгги уч аср мобайнида ўртага қўйган муаммоларни ҳал этиш борасида сусткаш ва муваффақиятсиз жавоб ҳаракати қилгани рўй-рост айтилиши керак. Фарбинг устунлиги билан рўбару келарак, биз шу вақтгача қайси эврилишлар муқаррар ва уларнинг қайси бирига қаршилик кўрсатишими мумкин эканини аниқлай олмадик.

19-аср бошларида Усмонлилар салтанати Россияга қарши бир қанча ҳалокатли урушларда ютқазиб қўйди. Бунинг асосий сабаби Россия армияси Улуғ Пётр амалга оширган фарблаштириш ва технократик ислоҳотлар туфайли эришган қурол-яроғлар ва темир интизом эди. Бироқ уламолар ва яничар⁵ларнинг аксарияти ҳар қандай ўзгаришга қаршилик кўрсатар эди. Улар жангларда фақат эътиқод билан ғалабага эришиш мумкин, ўқотар қуроллар ва ўқув машғулотлари мусулмонларнинг самурайларнига ўхшаш **футувват**нинг — ҳар бир мусулмон жангчисининг индивидуал ясоғи аҳамиятини пасайтиради, деб ҳисобларди. Уларнинг назарида душманнинг кўзига тик қараб, қилич савашиш ёки содда пилта милтиқ билан жанг қилиш ўrniga унга қаратса олис масофадан ўқ отиш қўрқоқлик бўлиб туюлган. Шундан сўнг

⁴ Дискурс (франц. discours — нутк) — кенг маънода тил практикаси ва экстравербаль омйлар (хиссий идрок қилиш шаклларида зухур бўлувчи маълум бир аҳамиятта эта бўлган хулк-автор)нинг матнини тушуниш учун керак бўладиган мураккаб бирлиги. Бу омиллар мулокот иштирокчилари, уларнинг тутган йўли ва мақсади, хабарни бериш ва идрок қилиш шароитлари хусусида тасаввур беради. Дискурс — аввало, ижтимоий контекстга йўналтирилган маъруздир. — Тарж.

⁵ Яничарлар [туркча янги армия]. Тарихий. Турк сultonлигига жазоловчи кисмлар сифатида фойдаланилган маҳсус пиёда қўшин. — Тарж.

Усмонлилар салтанати яхши қуролланган христианлар армиясидан кетма-кет мағлубиятга учрай бошлади.

Матбаа масаласи бундан ҳам баттар ахволда эди. Уламоларнинг аксарияти 18-асрга қадар матбаа — китоб чоп қилишни ҳаром иш деб ҳисоблаган. Динга тегишли ҳар бир матн муқаддас саналган, шунинг учун у хаттот томонидан аста-секин, меҳр билан кўчирилиши ва муқовалиниши керак бўлган. Уламолар айни китобларни осон йўл билан кўпайтириш ислом таълимотининг аҳамиятини пасайтиради, шунингдек, диний матнларни ёдлашда талабаларни дангаса қилиб қўяди, деб билган. Боз устига, саҳифаларни териш ва босиш жараёни бутун оламнинг яратувчиси номи битилиши эҳтимоли бўлган матнларга нисбатан хурматсизлик деб баҳоланган.

Асли мажаристонлик бўлиб, исломни қабул қилган Иброҳим Мутафарриқа бундай қарашларнинг барчасини ўзгартиришга муваффақ бўлган эди. У дунёвий ва илмий китобларни чоп этиш учун сulton Голибининг руҳсатини олган ва 1720 йили Истанбулда ислом оламидаги илк матбаа дастгоҳини ишга туширган. Мутафарриқа ҳамма нарсани дунёвийлаштириш тарафдори бўлган бадният киши эмасди, аксинча, мусулмонликни қабул қилган савимий инсон бўлиб, ўз таржимаи ҳоли ва диний эътиқодини “Рисолайи Исломия” китобида баён қилиб берган. Мутафарриқа Усмонлилар салтанатининг техник ва маъмурий қолоқлигидан қаттиқ ташвишда эди. Шундан сўнг у “Умматларни бошқаришда ақл-заковат билан иш юритиш усуллари” (**“Усул ул-ҳиком фи низом ул-умам”**) деган китоб ёзиб, 1731 йили чоп эттирган. Ушбу мўъжазгина дастурий асарида у Европада урф бўлган ҳукуматлар ва ҳарбий тизимларнинг тавсифини келтирган ва мустақил мусулмон давлатларини нафакат Европанинг ҳарбий технологиясини, қолаверса, маъмурияти ва илмий тадқиқотларидан ҳам зарурларини ўзлаштириш орқалигина омон қолиш мумкинлигини айтиб огоҳлантирган.

Аммо муаллифнинг Европа тамаддуни тараққиёти түғрисидаги огоҳлантиришларига етарли эътибор берилмайди ҳамда Усмонлилар давлати ўз-ўзини ислоҳ қилиш ва шу билан биргаликда исломий ўзига хослигини сақлаб

қолишдай бир-бирини истисно қиласынан ишларга құл уради; шундай қилиб, янги шароитта мослашиш жараёни бугунғы кунда ҳам күпгина мусулмон давлатлари олдида турған долзарб масалалардан бири булып қолмоқда.

Можаристонлик бу олимнинг ибратли ҳаёти доимо биз мусулмонларга асримизнинг глобал тамойилларини англаб етмай туриб, унинг технология ва ускуналарига мослашмай туриб, мағлублигимизча қолиб кетавериши-миз мүмкінлегини эслатиб туради. Ўжар консерватизм сабаб вужудга келган рухий устунлик мағлубият ва ҳаёт оқимидан четда қолиб кетиш тажрибаси келтириб чиқа-радиган маънавий инқироз туфайли тезда барбод бұлади. Бугунғы кунда ислом давлатларыда яшайдын мусул-монлар аксарият ҳолларда ўткинчи сиёсий масалаларга маҳлиә булып қолиб, ҳаёт-мамотта дахлдор улкан тамойилларни ўжарларча писанд қилишмаяпты. Ваҳолан-ки, уларнинг олдида турған ўша сиёсий масалалар эрта-индин ҳеч нарсага арзимай қолади.

Бундай менсимаслик баъзан кишини ажаблантиради. Шу үринде биз үз-үзимизга, бугунғы замонга том маъно-да куч бериб турған ғоялардан ислом дунёсидаги уйго-ниш ҳаракатлари етакчиларидан қанчаси воқиғ, деган савол беришимиз керак. Бундай етакчиларнинг қайси бири замонамизнинг ҳал құлувчи аҳамиятта молик интеллек-туал тизимлари номини айтаб бера олади? Улар учун структурализм, постмодернизм, аналитик фалсафа, тан-қидий назария тушуниб бўлмайдигаң мураккаб ва ёпик китоблардир. Улар бунинг үрнига “Халқаро сионизм-нинг масонларча фитнаси” ёки “Янги салб юриши” ва шунга ўхшаш уйдирмалар ҳақида сафсата сотишни аф-зал билишади. Агар биз дунёда нега бу қадар кўп исло-мий ҳаракатлар барбод бўлаётгани сабабини англаб ет-моқчи бўлсак, ишни, эҳтимол, уларнинг раҳбарлари ис-ломий бошқарувдаги тўсикларни муваффакиятли енгиб ўтишнинг асосий шарти бўлган янги дунёни ақлий билиш қобилиятига эга эмаслигини тан олишдан бошлашимизга тўғри келади. Замонавий мафкуралар нима эканини бил-майдиган бугунғи ашаддий мусулмонлар аслида уларни ентиш тўғрисида хомхаёл қилишдан нарига ўтмайди.

Тугаб бораётган 20-асрнинг мафкурадан холи тамо-



йилларида ундан-да кам бўлмаган қайгули апория — муаммони ҳал этишдаги енгиб бўлмас зиддият устун келади. Бу тамойиллар янги мингийилликда ҳам устуворлик қилиши эҳтимолдан холи эмас. Шу боис европалик мусулмонлар, худди бундан уч аср илгари яшаб ўтган Иброҳим Мутаффариқа сингари, бошқа мусулмонларни дунёга ўзгача тартиб берадиган янги глобал воқеликлардан огоҳ қилишни ўз зиммасига олиши керак, акс ҳолда уларнинг анъянавий дискурслари ҳеч кимга керак бўлмай қолиши мумкин. Ушбу воқеликлар бизни четлаб ўтади, деб ҳисоблаш ўзингиз ўтирган шохга болта уриш билан баробар; биз ўртадаги масофалар тобора қисқариб бора-ётган ягона дунёда яшамоқдамиз, маданиятларнинг муштарақлашуви кун сайин жадаллашмоқда. Бугунги кунда Жаҳон банкининг бош қароргоҳида масжид бўлганидек, Маккада Макдоналдс емакхонаси шохобчasi фаолият юритмоқда. Тарихий ватанидан Фарб мамлакатларига келган мусулмонлар эътиқод ва тушунчалар борасида ўзини эмин ҳис қилиши мумкин, бироқ ёшлар-чи? Америка университетида ўқиётган мусулмон толиби илмининг тафаккурида қандай ўзгаришлар юз беради? У постмодернизм ва постструктурализмни, ушбу мафкураларнинг замонавий Фарбга, шунинг баробарида янги глобал тизимга таъсири катта эканини ўргана бошлагач, ўзи ислом фаоллари раҳбарларига мурожаат этиб, унинг онгига ислом нуқтаи назаридан мутлақ ҳақиқат сифатида сингдирилган қарашларни рад этиш мумкинми, йўқми, деб сўрайди, улар бу қарашларни далиллар асосида рад этолмагач, толиби илм тараддулланиб қолади. Унинг Исломнинг вақт ҳукмига бўйсунмайдиган ҳақиқат экани хусусидаги ишончига путур етади. Бундай шароитда ғақиқат ақл-заковати суст бўлган кишигина мусулмон бўлиб қолади: бу замонавий илмдан йироқ айrim фаоллар ишида кўзга ташланаётган дилни хира қилувчи саралаш жараёнидир.

Шунинг учун ҳам бизнинг атрофимиизда ва бизсиз жадаллашиб бора-ётган глобаллашув жараёнларини тушуниш диний бурчимиз, яъни *фарзидир*.

Ушбу бобда асримизга хос барча илфор тамойилларни ислом нуқтаи назаридан таҳлил қилмоқчи эмасмиз.

Шунинг учун ҳам биз бу ўринда фақат бир нечта масалага асосий эътиборни қаратамиз. Бунинг сабаби — уларни ечиш осонлигига эмас, аксинча, ислом умматларининг келгуси икки-уч ўйилликда дуч келиши мұкарар пар бүлган мұаммолар хусусиятини очиб беришда. Булар демография, диний ўзгаришлар ва атроф-мухит масалаларидир.

Демография масаласи биринчи навбатда эътиборни талаб этади, чунки у мұқаррардир. Аҳоли сонининг ўсиш тамойилини англаб олиш қийин эмас ва бу борада камидан кейинги юз йиллик статистик маълумотлар тұлибтошиб ётибди. Лекин бундай ҳисоб-китоблар фақат бирор фалокат, дейлик, даҳшатли эпидемия, ёки атом, ёхуд биологик урушлар рўй бермагунча ишончли бўлиши мумкин.

Келинг, яхшиси, оддий рақамларга бир назар солайлик: 1880 йилда дунё аҳолисининг 13,7 фоизи мусулмонлар эди. 20-асрнинг 80-йилларига келиб бу кўрсаткич 16,9 фоизга, мингийлликнинг охирига келиб эса, тахминан, 21 фоизга етди. Бошқа динларга мансуб аҳолининг ўсиш даражаси барқарорлигича турибди ва, ажабланарлisisи шундаки, 1970 йилдан бошлаб дунёдаги даҳрийлар микдори бир оз камая бошлади.

Бу рақамлар мухим аҳамиятга эга. Бир аср давомида дунё мусулмонларининг сони кескин ошиб кетди. Кўпчиликнинг ислом динига ўтгани ҳам бунга сабаб бўлди, бироқ энг асосий сабаб — табиий ўсишdir. Боз устига, мусулмон дунёсидаги бундай демографик портлаш бу динга эътиқод қилувчилар сони келгусида ҳам ўсиб боришини кўрсатади. Семюэл Ҳантингтон “Тамаддунлар тўқнашуви” номли машхур рисоласида дунёда христианларнинг сони камайиб бораётгани ва 2025 йилга бориб, улар дунё аҳолисининг, тахминан, 25 фоизини ташкил этиши ҳақидаги маълумотни келтирған эди. Уша вактга бориб мусулмонларнинг сони дунё аҳолисининг 30 фоизини ташкил этар экан⁶.

Нега айнан бундай ҳол юз бераётганини англаш қийин эмас. Америка ва Европа аҳолиси жадал суръатлар

⁶ Samuel Huntington, *The Clash of Civilizations* (London 1997), pp. 65 – 66



билин кексайиб бормоқда. Янги мингийилликнинг энг муҳим маънавий муаммоларидан бири кексаларни боқиш учун етарли маблағ топиш билан боғлиқ бўлиб қолади. Бугун кун тиббиёти эришган муваффакиятлар ўртacha ҳаёт кечириш даражаси 70 ёшдан анча юқори бўлишига замин ҳозирлаб бермоқда, бироқ фаол ҳаёт кечириш муддати ҳали бу қадар тез ўсгани йўқ. Тасаввур қилинг, 20-асрнинг бошларида Фарб кишиси ўртacha 2 йиллик умрини оғир хасталик билан кечирар эди. Бугунги кунда бу кўрсаткич 7 йилга етди. Иван Ильич исботлаб берганидай, тиббиёт факат умрни узайтириши мумкин, бироқ у одамнинг фаол ҳаёт кечириш муддатини узайтира олмайди. Оқибатда мункиллаб қолган бундай кишилар саломатлигини сақлаш жамият елкасидаги оғир ижтимоий-иктисодий юкка айланади. Бундай аҳоли сони вақт ўтган сайн ошиб бораверади. Яқинда Буюк Британия Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Миллий соғлиқни сақлаш хизматидан Альцхеймер хасталиги⁷ни даволай оладиган дорининг рецептини олиш мумкин, деган хабарни тарқатар экан, унинг нархини факат айрим bemорларнинг чўнтағи кўтариши мумкинлигини тан олди.

Фарб аҳолиси кексайиб бораётган бир пайтда ислом дунёсида бунинг бутунлай тескарисини кўриш мумкин. Масалан, Ливия аҳолисининг ярмидан кўпи бугунги кунда 20 ёшга ҳам тўлмаган. Бундай манзарани бошқа ислом мамлакатларида ҳам кузатиш мумкин. Маълумки, вақти келиб, ушбу ёш аҳоли ўз-ўзидан кўпаяди ва шутариқа келгуси минг йилликда ҳам мусулмонларнинг сони янада ортиб кетади.

Шу ўринда Хантингтон тилга олган яна бир мисолга эътибор қиласлик. Мағрибда 1965 йилдан 1990 йилгача аҳоли сони 29,8 миллиондан 59 миллионга ўсган. Ўша вақт мобайнинда Миср аҳолиси 29,4 миллиондан 52,4 миллионга кўпайган. Ўрта Осиёда 1970 – 1993 йиллар оралигида аҳолининг йиллик ўсиши Тоҷикистонда 2,9 фоиз, Ўзбекистонда 2,6 фоиз, Туркманистонда 2,5 фоиз ва Кирғизистонда 1,9 фоиз бўлган. 20-асрнинг 70-йилларида

⁷ Альцхеймер хасталиги — марказий асад ситетасининг емирилиш хасталиги бўлиб, у билан оғриган кишида хотира сусайиши баробарида мияннинг билиш кобилияти йўқола боради. — Тарж.



Совет Иттифоқида демографик мувозанат кескин ўзгариб кетди, яъни русларниң ўсиши 6,5 фоиз, мусулмонларники эса 24 фоиз бўлди. Бу ҳолни Россия империясинг инқирозига олиб келган сабаблардан бири дейиш мумкин: Москва мусулмонлар кўп яшайдиган минтақаларни улар сони христианларнидан кўпайиб кетмасидан бурун ажратиб ташлашга мажбур бўлди. Ҳатто Россиянинг ўзида ҳам мусулмонлар (татарлар, бошқирдлар, чувашлар, шунингдек, Ўрта Осиё ва Кавказдан бориб у ерда яшовчилар) анча кўзга ташланиб қолган, улар Москва ва Санкт-Петербург аҳолисининг 10 фоизини ташкил этади.

Бу ҳол бизга мусулмонлар кўпчиликни ташкил қиласидиган жойларда аҳоли сонининг ўсиши мусулмонлар кам яшайдиган ҳудудларга ҳам таъсир этишини эслатиб туради. Танзания ва Македония сингари мамлакатларда мусулмонлар 20 йил ичида кўпчиликни ташкил этадиган бўлади. АҚШнинг мусулмон аҳолиси 1972 – 1990 йилларда асосан, кўчиб келишга йўл берилмаётган мамлакатларда ҳам ўсиш давом этмоқда. 1999 йили Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда дунёга келган чақалоқларниң 7 фоизи мусулмонлар эди. Брюсселда бу рақам 57 фоизни ташкил этди. 1992 йилда Римдаги энг машҳур исм Жованни ёки Луижи эмас, аксинча, Мухаммад бўлди. Ислом деярли барча Европа мамлакатларида (христианлардан сўнг) иккинчи ўринда турадиган динга айланди. Бундан аҳолисининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этадиган Озарбайжон ва Албания мустасно. Мабодо мавжуд тамойиллар давом этадиган бўлса, 2020 йилга бориб барча Европа мамлакатлари аҳолисининг 10 фоизини мусулмонлар ташкил этадиган бўлади.

Бундай глобал ўзгаришнинг қандай аҳамияти бор? У диний нуқтаи назардан мухим аҳамиятга эга бўладими? Абу Довуднинг Тоубан (Thawban)га асосланиб, шундай кун келадики, мусулмонлар “кўпчиликни ташкил этади, бироқ улар фавқулодда юз берган тошқин юзидағи кўпик ва хас-хашакка ўхшаб қолади”, деган ҳадиси бор.

Шуни ҳам тан олиш керакки, бугунги кунда микдор устунлиги бундан икки аср олдинги ҳарбий ғалабалар

технологиядан кўра микдорга боғлиқ бўлгани сингари мухим аҳамиятга эга эмас. Наполеонгина: “Худо қўпсонли батальонлар тарафида” деб айтиши мумкин эди, бироқ айни замонда сон-саноқсиз аскарларни қуролларнинг тутгачасини босиш йўли билан йўқ қилиб ташлаш мумкин, энди микдор ғалабага сабаб бўлолмайди, бунга Саддам Хусайннинг 90-йилларнинг бошида Форс қўрфазидаги нефт захиралари назорати юзасидан келиб чиқсан урушда аҳмоқона тарзда ўз кучини кўрсатиб қўймоқчи бўлганини мисол қилиб келтириш мумкин.

Мусулмонларнинг сони кескин ўсишининг мухим жиҳати ҳам бор. Бироқ БМТ 1994 йилги Аҳоли конференциясини ўтказиш учун дунёдаги энг катта мусулмон шаҳар Қоҳирани фақат шунинг учунгина танламаган эди. Микдорнинг ҳозир ҳам ишончлилик жиҳати бор. Бироқ аҳолининг руҳий-динамик хусусияти микдордан кўра мухимроқ аҳамиятга эга. Кекса аҳоли пассив ва интроспекция — ўз-ўзини кузатишга, ёшлар эса сергайрат ва миллий-сиёсий қатъиятлиликни кўллаб-кувватлашга мойил бўлади.

Мусулмон дунёси устида янги минг йиллик тонги отганда унинг аҳолиси номутаносиб равишда ёш ва шахарлар салмоғи ўсиб бораётган бўлади. Тарихий нуқтаи назардан бундай вазият ҳамиша бекарорлик, тўс-тўполон ва ислоҳотни келтириб чиқаради. 16-асрда Германияда ёш аҳоли микдорининг ҳаддан зиёд ўсиб кетиши Европада протестант ислоҳотларига ҳамда қишлоқ хўжалиги ва сиёsatда ўзгаришлар қилишга сабаб бўлган эди. 20-асрнинг 30-йилларида Марказий Европада фашизмнинг пайдо булиши ҳам қисман ёш аҳоли микдорининг ўсиб кетиши билан боғлиқ. Ислом тарихига назар ташланадиган бўлса, Усмонлиларнинг янги ҳудудларни забт этишини тұхтатиши 16–17-асрларда жалолийларнинг қўзғолонларига сабаб бўлганини кўриш мумкин, бу ҳол кўплаб ёшларни ишсиз қолдирди, натижада улар Анатолиянинг аксарият ҳудудларини вайрон этган кичик ёки ижтимоий норозилик ҳаракатларини бошлаб юборди.

Кейинги бир-икки йил ичидағи исломий қайта тикла ниш шу тамойилнинг тўғри эканини кўрсатди. Ҳантингтоннинг таъкидлашича, мусулмон мамлакатлари ичидা

биринчи бўлиб 20-асрнинг 70-йиллари охирида Эрон ёш аҳоли миқдорининг кескин ошиб кетишини ўз бошидан кечирди ва 1979 йили инқилоб рўй берди. Бошқа мамлакатларда бу хол кейинроқ содир бўлди, Жазоирда 1989 йили Исломни кутқариш жабҳасини қўллаб-кувватловчилар сони кескин кўпайиб кетди.

Келгуси мингийилликда кўпгина мусулмон мамлакатларида ёш аҳоли сонининг кескин ортиши кузатилади. Йигирма ёшнинг нари-берисидаги ёш аҳоли миқдори ўсиши Миср, Марокаш, Сурия, Тунис ва бошқа мамлакатларда кузатилади. 1990 йилга таққослаганда 2010 йилда кўпчилик араб мамлакатлари меҳнат бозорига келиб ишловчилар миқдори 50 фоиз ўсади. Долзарб ишсизлик муаммоси ҳадди аълосига етади.

Аҳолининг тез ўсиши баъзи мамлакатлардаги бошқарув тизимиға хавф туғдиради. Қоҳира ва Жазоирдаги режимлар шу пайтданоқ соғ демографик, шунингдек, маънавий ва диний ўлчамларга эга бўлган исёнларга дуч келмоқда. Шундай килиб, дунё келгуси мингийилликда қўйидаги қўринишга эга бўлади: Фарбда кекса ва суст аҳолининг барқарор, ўз-ўзи билан овора сиёсий маданияти; ислом дунёсида демографик портлаш ва ҳар жойда ўрнатилган режимларнинг радикал кучлар исканжасида қолиши.

Навбатдаги кўзда тутилган савол режимларнинг омон қолиш-қолмаслиги хусусидадир. Гарчи ислом дунёсидағи кўпчилик олимлар қизиқиш билан бу саволга жавоб топишга уринган бўлса-да, уни шарҳлаш қийин. Янги даврдан олдин исёнчи деҳқонларнинг муваффақиятга эришиш учун яхши имкониятлари бор эди, чунки иш кучи хукмдорлар армиясига қарши иш ташлаши мумкин эди. Бироқ айни пайтга келиб, технологиянинг илдамлаб кетиши ҳарбий режимларнинг, аҳолининг ялпи норозилигига қарамай, анча вақтгача яшовчалигини таъминлаб бермоқда. Етарли маблағи бўлган диктатор пухта ўйланган фитнани ёки минг-минглаб аҳоли иштирок этадиган исённи ҳам бостириши мумкин. Бу технология тобора арzonлашиб бормоқда ва кўпинча Фарб ўзининг учинчи дунёдаги суюкли мижозларини ёрдам сифатида у билан таъминлаб қелмоқда. Худо

NAMANGAN DAVLATI

UNIVERSITETI

Ahborot-resurs markazi

Имом Фаззолий “Файсал ат-тафриқа байн ал-ислом вал-зандақа” (“Исломни худосизликдан фарқлашнинг аниқ мезонлари”) асарида дунёда “Ло илоҳа иллаллоҳ Мұхаммадун расулуллоҳ” деган кишини мусулмон эмас, деб эълон қилишдан ҳам қийин ва мурракаброқ ишнинг ўзи йўқ, деб тушуниради. Бугунги кунда эса кўпгина мамлакатлардаги сунний мактаб ўқувчилари имом ал-Лаққанийнинг “Жавҳарат ут-тавхид” асаридаги қоидага айланиб кетган қуйидаги сатрларни ҳануз эслаб юришади:

إذ جائزون غفران غير الكفر
فلا نكر مؤمنا بالوزر

(*idh caizun gufranu gayri'l-kufri
fa-la nukaffir mu'minan bi'l-wizri*)

Модомики, куфрдан бошқа барча гуноҳлар кечирилар экан,

Биз гуноҳ қилган кишини коғир дея олмаймиз.

وَمِنْ يَمُوتُ وَلَمْ يَتُوبْ مِنْ ذَنْبِهِ
فَأَمْرُهُ مَفْوَضٌ لِرَبِّهِ

(*wa-man yamut wa-lam yatub min dhanbihi
fa-amruhu tufawwadun li-rabbihi*)

Гуноҳига тавба қилмай ўлган кишининг ишини Аллоҳнинг ўзи ҳисоб-китоб қилади.

Фикъдаги тафовутларни қонунийлаштириш ижтиходни тушунишга асосланади. Сўфийлар маънавиятлардаги тафовутларни *al-turuq ila'Llah bi'adadi anfas al-khala'iq* (Аллоҳга боришнинг йўли одамнинг нафас олишидай кўп) деган фикр билан оқлашади. Сарагоса (Испания)нинг таникли сўфий шоири ибн ал-Баннаъ уни қуйидагича тушуниради:

عَبَارَ اتَّا شَتَّ وَحْسَنَكَ وَاحِدٌ
وَكُلُّ إِلِي الْحَقِّ الْجَمَالُ يَسِيرٌ



Бизнинг фикримиз ҳар хил, лекин сенинг ҳуснинг бир,

Барча ўша гўзаллик сари интилур.

Ислом маданиятларига, ўрта асрлардаги қўплаб христиан маданиятлари ранг-барангликни қисувга олганидан фарқли ўлароқ, бу ҳусусият ҳамиша хос бўлиб келган. Бироқ бугунги кунда мусулмонлар ўртасида исломнинг тоталитар шаклларини қўллаб-қувватлаш тамойили юзага чиқмоқда. Исломнинг ёш фаолларидан бири: “Кимки менга қарши бўлса, гунохга ботади ва жаҳаннамга тушади”, деб ҳайқиради.

Бундай қўзқараш хорижийлик намояндаларининг **такфирини** эсга солади, бироқ бу нега айнан бугунги умматлар орасида қўпайиб бораётганини тушуниш учун нафақат тарихнинг ўзини, қолаверса, ушбу вазиятимизнинг руҳий тарихини ҳам англаб етишимиз керак. Диний ҳаракатлар нафақат доктриналар ва муқаддас китобларнинг, шунинг баробарида жамоалариниг умидлари ва қўрқувлари ифодаси ҳамдир. Ўзаро ишонч ҳукм сурган вазиятда илоҳиётшунослик фанлари бағрикенглик ва тинчликсеварликка мойил бўлади. Бироқ диндошлар жамоасига бирор ҳавф туғилгудай бўлса, кескин ҳаракатлар вужудга келади. Умматлар ўзини ҳеч қачон бу қадар ҳавф-хатарли ҳолда хис қилмаган эди.

Ҳатто Европанинг мусулмонлар яшайдиган геттоларида ҳам **такфир** феномени аста-секин илдиз отиб бормоқда. Сизу биз яшайдиган шаҳарларда ҳам, фақатгина биз жаннатга тушамиз, дегувчи гуруҳлар пайдо бўлди. Уларнинг наздида, ўзини мусулмон деб хисобловчи кишиларнинг 99 фоизи гўё илоҳий ахлоқий тушунчани бемаъниларча ҳақорат қилаётгани туфайли мусулмонликка мутлақо нолойикдир.

Биз ушбу руҳий ҳолат универсал тарзда мавжуд эканни инобатга олсак, уни осонгина тушунишимиз мумкин. Фақатгина ислом динида эмас, қолаверса, христианлик, иудаизм, ҳиндуизм ва буддизмда ҳам айрим гуруҳларнинг ўзини бошқалардан устун қўйиш тамойили қўзга ташланади. Бундан З йил олдин христиан динига мансуб Дэвид Корешнинг Давидийлар шуъбасининг Техасдаги

ранчосини АҚШ құшинлари забт этмоқчи булишган эди. Ўша пайтда шуъба аъзоларидан 89 киши ҳалок бұлганини эсга олиш кифоя. Давидийлар үзларини ҳақиқий христианлар, бошқалар эса жаһаннамда күйіб күл бұлади, деб билишган. Оклахома шаҳридаги Алфред Мерра биносини портлатиб юборған христиан фундаменталисти Тимоти Маквей ҳам сұzsиз шу фикрда бұлған.

Биз янги мингийилликка теранроқ кириб борганимиз сари режимларнинг репрессияси оқибатида йўқ бўлиш ўрнига ривожланиб кетган исломий кўринишдаги ушбу тамойилнинг аҳамияти ортиб боришини тахмин қилишимиз мумкин. Гарчи у сўзда бўлмаса-да, амалда мингийиллик довондан ошаётгандай иш тутмоқда. Режимларни ҳолдан тойдириш ўрнига баттар қутуртирадиган сайёхларга ўқ отиш ёки кичик нишонларга игнали бомбалар билан хужум қилиш сингари бундай хатти-ҳаракатлар ислом номини булғайди. Бу ҳол исломий ҳаракатни бўлиб юборишидан ташқари, режимлар қўлига жамиятдаги динни таъқиб қилишга ва уни бир четга суриб қўйишга баҳона туғдириб беради.

Исломга бундай хавф туғдираётган неохорижийлик-нинг хато қарашлари бугунги кунда реал кучга айланди. Китобнинг кейинги бобларидан бирида бу хавф тадқиқ қилинади. У, доимий ташвишга соладиган ўзгаришларга қарамасдан, яшаб қолади.

Энди мавзуларимизнинг учинчиси: бугунги куннинг улкан исломий масалаларидан бири, бальзан энг муҳим деб юритилаётган табиий мухитнинг бузилиши муаммосига назар ташлаш вақти етди. Қуръонда осмонлар ва уммонларнинг қўзғалиши охир замон белгиси сифатида талқин этилади ва бу ҳол узок асрлар давомида инсонни бокиб келган экосистеманинг айни пайтдаги бузилиши-нинг поэтик ифодасига ўхшаб кўринади.

Бу ерда жавоб берилиши лозим бўлган кўплаб саволлар бор. Биз тарқ этаётган иккинчи мингийилликда сайёрамиз 1000 йил билан солиштирғанда анча қашшоқлашган жисмоний кўринишшага эга бўлиб қолди. Инсоннинг маърифий фантазия туфайли жисмоний тартиб устидан ҳукмронлик қилишига йўл очиб берган материализм, протестантлар капиталистик ахлоқининг маълум бир кури-

ниши, Шарқда эса саноатлаштиришни илохий мақомга күттарган коммунизм она заминнинг жинояткорона зурла-нишига олиб келди. Ҳамма жойда Ер юзи яра-чақа бўлиб кетди. Минг-минглаб тонна заҳарли ахлат океанларда у ёқдан-бу ёққа сузуб ёхуд стратосферада айланиб юрибди. Ҳар куни 12 та маълум (биологик) тур йўқолиб кетмоқда. Ўз хайётимиз ва айрим уй хайвонларини ҳисобга олмагандা, ҳар бир шаклдаги ҳаёт янгиланиш ёнғинидан зарар кўрмоқда. Қорамолларнинг қутириш касали ҳалокати келгусида нималар рўй бериши мумкинлигига бир ишорадир: Буюк Британия ҳукумати таҳлилчилари заарланган гўштни истеъмол қилиш оқибатида 30 минг нафар британиялик қутириш хасталигини юқтириши мумкинлигини қайд этишган. Технология тўхтовсиз ривожланиб бораётган бир пайтда кўпол бир илмий хато инсониятнинг каттагина қисмининг ҳаётига зомин бўлмаслигига кафолат йўқлигини инкор этиш бемаънилик бўлур эди. Таракқиёт, ҳар доимгидай, улкан қимор ўйинидир.

Бироқ биз янги минг йилликка олиб ўтаётган ўта муҳим ва рад этиб бўлмас атроф-муҳит муаммоларидан бири об-ҳавонинг ялпи исишидир. Биз неча юз йиллар давомида парник газларини ҳавога чиқариб келдик, фаяқат бугунги кунга келибгина, ўша фаолият учун товон тўлашимиз муқаррарлигини тушуниб етапмиз. Мусулмонлар ушбу масалага, унинг Farbdan кўра мусулмон мамлакатларига кескин таъсири кўрсатиши мумкинлигини ҳисобга олиб, жиддий эътибор қаратиши даркор. Мусулмонлар орасида ушбу масалага жуда оз кишилар қизиқиши билдираётгани ташвишли ҳолдир.

Узок йиллар давомида ҳукумат синчилари об-ҳавонинг ялпи исиши фикрига панжа остидан қараб келишибди. 1992 йили Рио-де-Жанейрода атроф-муҳит масаласига бағишилаб ўтказилган саммит дунёда вужудга келган вазият ташвишли эканини илмий далиллар билан исботлаб берди. Атмосферага чиқарилаётган саноат газлари сайдерамизни газ камераси ва печкага айлантироқда.

Англияда ҳозирги кунда оддий фуқаролар ҳам об-ҳавонинг ялпи исиб бораётганини қайд этишмоқда. Об-ҳаво ҳарорати 300 йилдан бери ёзиб борилади, бироқ энг иссиқ 10 йил 1945 йилдан сўнг, шулардан энг ис-

сиқ З иили (1989, 1990 ва 1995 йи.) сүнгти 12 йил мобайнида қайд этилган. Ёмғир ёғиши ҳам бундан-да ғалати, 1997 йилнинг январ ойи сүнгти 200 йилдаги ёмғир энг кам ёқсан ой бўлди. Океанлардаги тӯфонлар шиддати тобора ошиб, нефт ташувчи кемалар учун хавфли бўлиб бораётгани туфайли Шимолий дengиз нефт саноати нефт қувурларини сув остидан ўтказишга мажбур бўлмоқда.

Аниқ рақамларнинг ниҳоятда камлити ажабланарлидир. Ҳисоб-китобларга қараганда, 1990 – 2050 йилларда Ер юзида ўртача ҳарорат Целсий шкаласи бўйича 1,5 градусга кўтарилади. Бироқ сўнгги муз давридан то бугунги кунгача, яъни 4 минг йил мобайнида ўртача ҳарорат, бор-йўғи, 0,5 градусга кўтарилган эди. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, кутблардаги муз қалпоклари эрий бошлаган, шунинг учун ҳам ҳар йили дengиз сатҳи 5 мм кўтарилиб бормоқда. Европа Иттифоки Шимолий Норфолк кирғоги сингари жойларда дengизни ўз жойида ушлаб туриш учун керак бўладиган темирбетон тўсиқларга миллионлаб фунт стерлинг маблағ сарфламоқда, шу билан биргаликда, қасоскор табиатга қарши энг мукаммал тўсиқлар қачонгacha чидаб бериши қизғин муҳоммақама қилинмоқда.

Фарб учун бундай нохуш хабарнинг яхши жиҳати ҳам бор. Кўпчилик аҳоли ҳароратнинг кўтарилишидан хурсанд бўлади. Орадан 30 йил ўтиб, Жанубий Англияning баъзи бир туманларида апелсин ўстириш имкони пайдо бўлади. Фермерлар иссик ёз ва куруқ қиши мавсумларини мўлжаллаб ҳосил етиштириш учун уруғ сотиб олишмоқда; улкан фалокат хавф solaётганга ўхшамайди.

Ислом дунёси учун умумий манзара ташвишлироқдир. Рио-де-Жанейро саммитида ислом мамлакатлари ушбу масалага бефарқ эканини намойиш этишди; атроф-муҳит назоратига қарши бўлган мамлакатларнинг кўпчилиги Форс кўрфази мамлакатлари, Бруней ва бошқа мусулмон мамлакатлари эди. Бунга сабаб бўлган ҳол улар иқтисодиётининг нефт ва газга боғлиқлиги эди. Фарб мамлакатлари йўлларида заҳарли газлар ажralиб чиқишини камайтириш ёки электр ишлаб чиқаришда шамол, дengиз сувининг кўтарилиши сингари анъанавий манбалар-



дан фойдаланишга ўтиш ўша мамлакатлар иктисодиётини бир зумда барбод қиласы.

Кисман бундай қиска муддатли манфаатни ўйлаб иш күраётгани туфайли мусулмон доиралар келгуси мингийлликда иқлим ўзгариши билан боғлиқ рўй бериши мумкин бўлган улкан талофатларни деярли ҳис қилмаётганга ўхшайди. Бироқ фалокатнинг айрим аломатлари пайдо бўлганини бир кўз олдингизга келтириб кўринг. Африканинг аҳолисининг 90 фоиздан ошиги мусулмонлар бўлган Чад, Мали, Нигер каби мамлакатларида ёғингарчилик ҳар 10 йилда 10 фоиз камайиб бормоқда. Саҳрои Кабирнинг кум океани кенгайиб бормоқда, кум барханлари саҳронинг жанубий чеккаларидаги яйлов ва экин ерларига босиб келаётир. Иқлим бошқа томонлама ҳам ёмонлашиб бормоқда: 20-асрнинг 80-йилларида Суданни ҳалокат ёқасига келтириб қўйган қурғоқчилик бундан ҳам баттар сув тошқини билан ҳаммаёкни вайрон қилди.

Ҳар қандай иқлимий харита кўпгина мусулмон мамлакатларида қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришнинг жуда оз қисмини ташкил этишини кўрсатиб беради. Ҳисобкитобларга қараганда, Жазоирда ёғингарчиликнинг 15 фоиз қисқариши дехқончилик қилинаётган ерларнинг ишдан чиқишига ва шаҳарларга кўчиб келувчилар сонининг ошишига сабаб бўлади. Шунга ўхшаш вазиятни Марокашда ҳам кўриш мумкин. У ерда 1995 йилдагина барҳам топган қурғоқчилик ҳали ҳеч кимнинг ёдидан кўтарилигани йўқ. Яман эса Хинд океанидаги муссонлар структураси ўзгаргани туфайли катта зарар кўрди, бу ҳам об-ҳавонинг ялпи исиши билан боғлиқдир. Бангладешда эса муаммо сув этишмаслигидан эмас, аксинча, унинг ҳаддан зиёдлигидан келиб чиқмоқда. Бу ерда ҳар 3–4 йилда рўй берадиган тошқинлар, муссонларнинг структураси ўзгаргани баробарида, Ҳимолай тоғлари даги улкан ҳудудларда тупроқдаги намликни тутиб қоладиган ўрмонларнинг аёвсиз кесилиб кетиши билан ҳам боғлиқдир.

Оксфорд университети муаллими Норман Майернинг башорат қилишича, 2050 йилга бориб, “денгиз сатхининг кўтарилиши ва қишлоқ ҳўжалигига юз берадиган ўзгаришлар оқибатида 150 миллион киши ўзи яшаб турган

жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлади. Бундай кишиларнинг 15 миллионини бангладешликлар ва 14 миллионини мисрликлар ташкил этади.

Бироқ бу рақамлар иқлим ўзгаришининг иккиласми оқибати келтириб чиқарадиган мигрантларни акс эттирамайди. Инсониятнинг бундай улкан тўлқинлари хукуматларни бекарор қиласди ва урушларга сабаб бўлади. Ҳеч бир ҳозирги давлат миграцияга шарт-шароит яратиб бера олмайди: бангладешликлар 1948 йилгача Хиндистоннинг бошқа қисмларига кўчиши мумкин эди, бироқ бўлинишдан сўнг улар ўз мамлакати чегарасидан четга куча олмайдиган бўлиб қолди. Эпидемияларнинг кенг тарқалиш хавфи бор. Денгиз сатхининг кўтарилиши оқибатида Малдив ва Коморош сингари мусулмонлар яшайдиган ороллар сув остида қолиб кетади, ороллар аҳолиси эса бошқа жойдан бошпана қидиришга мажбур бўлади.

Яна бир нарсани унутмаслигимиз керакки, бу башоратлар қиёмат куни сценарийси эмас, балки ундан ҳам баттгардир. Юқорида келтирилган рақам ва мисоллар илмфан далилларига асослангандир, улар Европа Иттифоки ва Буюк Британияда атроф-муҳитга тегишли ахборотномалардан олинган. Шуни ҳам тан олиш керакки, парник газларининг атфосферага чиқишини чеклаш бўйича баъзи бир тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ бундан буён атмосферага умуман газ чиқарилмаган тақдирда ҳам унда айланиб юрган газларнинг ўзи ҳароратнинг камида юз йилда кўтарилишига сабаб бўлади.

Дастлабки боб юқорида қайд этилган учта мавзуга оид бир неча мулоҳаза билан пойнига этади.

Биз бир-бирига қарама-қарши бўлган ушбу ҳолларни некбинлик ёки кўркувга сабаб деб билишимиз керакми? Биламики, жаноби пайғамбаримиз (с.а.в) некбинликни хуш кўрар эди, шунинг учун ҳам ул зот **таваккул** – Аллоҳнинг иноятига суюнишга даъват қиласр эди. Ул зот яна ўз түянгни боғлаб қўйгандан сўнг ҳам уни Яратган измига тоғширишинг лозимлигини таъкидлар эди. Биз келгуси ўн йилликларда қайси түяни боғлашимиз керак?

Бу ерда яна бир неча масала бор. Улардан энг муҳими ҳамма нарсадан хабардор бўлган раҳбариятни тарбиялаш бўлса ажаб эмас. Мен олдинроқ мусулмон раҳбар-



ларнинг аксарияти ёшларга бугуннинг муаммоларини ҳал этишда зарур бўлган йўл-йўрикни кўрсатишга қодир эмаслигини айтиб ўтган эдим. Муқаддас китоблардан хабардор ва уларга эътиқод қилган ўртacha мусулмон фаолидан постмодернистнинг фикри нотўри эканини қандай исбот қиласиз, деб сўрасангиз, бирор нарса деб жавоб қайтариши гумон. Бошларимиз қумга тиқилган. Бироқ бундай гурухлар кўриб кўрмасликка олаётган нарсалар фақат интеллектуал тамойилларгина эмас. Атроф-муҳитнинг бузилиши ҳам бизнинг ерни зўрлашдаги гуноҳларимиз учун яқинлашиб келаётган, бироқ эътибор қилмаётганимиз рўзи Махшардир. Эҳтимолки, фаолларимиз ўз мамлакатидаги сўнгги кислороддан нафас олаётиб, ҳали ҳам ибодат пайтида қўлни қандай ушлаш тўғри экани, соқолнинг узунилиги қанча бўлиши кераклигидан баҳс қилиб, томоқ йиртаётгандир.

Уларнинг аҳволи кулгили бўлгани каби устувор карашлари ҳам тепса тебранмасдир.

Булар барчаси ўзгариши керак. Ислом дунёсига саёҳат қилган ҳар бир сайёҳ ёшлар ўртасида исломни ўрганишга бўлган муazzзам файратни ва ўша мамлакатлар раҳбариятига нисбатан шундай хавотир ҳакида гапириб бериши мумкин. Анъанавий уламолар бизга зарур бўлган хушхулқлик ва мўътадиллик фазилатларига эга, бироқ динамизмдан йироқ; радикал гурухлар пешволари эса ўзини ҳаммадан устун қўйиш, таассуб ва такfir тузогига илинган; айни пайтда аксарият қайта тикланиш ҳаракати пешволари, очиғини айтганда, ўз ўрнига муносиб эмас. Иккаласи ҳам оғиркарвон ва омонат; исломга мафкуравий нуқтаи назардан қарашга одатланиб қолган, улар бугунги дунё мураккабликларини тушунмайди — серғайрат ёшлар эса буни жуда яхши кўриб турибди.

Шунинг учун биринчи навбатда йигит-қизларга ҳам анъанавий шаръий илмларни, ҳам бугунги дунё маданий ва интеллектуал тилини ўргатадиган муассасалар ташкил этилиши лозим. Шунга ўхшаш саъй-ҳаракатлар ўтмишда ҳам бўлган: Бағдоддаги Низомия мадрасаси Фаззолий туфайли машҳур бўлиб кетган эди, ўша мадрасада **фиқҳ** билан бир қаторда юонон анъаналари асосидаги

фалсафий илоҳиётшунослик ҳам ўқитилар, шунингдек, ўша вақтдаги раҳнамоларни рақиб мағкураларнинг оёғини осмондан қиласидиган зарур қурол билан таъминлар эди. Бизга янги мингйилликда **мужаддид**, мұътадил, бағрикенг, рухоний қўзқараашга эга, дунёвий тафаккурни танқид қилибгина қолмасдан, уни тушунадиган ва у билан баҳсга кириша оладиган даҳо Фаззолий керак. Хусусан, бундай шахс янги замонга ўз ҳукмини ўтказаётган маънавият, санъат ва атроф-муҳит масалаларини пухта билиши даркор.

Фарб кишисига нима таъсир этиши ва уни нима ҳаралтлантираётганидан хабардор фарблік мусулмон мутафаккирлар биладики, мабодо ислом дискурси ушбу масалаларга эътибор қаратиб, муваффакиятга эришадиган, экстремизмнинг ёвуз руҳини қувадиган бўлса, динимиз нафақат гуллаб-яшнаши, қолаверса, янги асрнинг диний курашларида марказий ўринни қайта эгаллаши ҳам мумкин. Фақатгина Аллоҳ келажакни билгувчидир. Бироқ биз чорраҳада турганимиз равшан, шунинг учун ҳам мингйиллик фавқулодда рамз сифатида айни муддаодир. У ё интеллектуал ва маънавий жиҳатдан бой анъаналарга эга бўлишига қарамасдан, аҳолиси тобора кўпайиб бораётган ва бошбошдоқлик зонаси бўлмиш исломнинг осонгина рўй берган сўнгги инқирозидан дарак берувчи нуқта бўлади. Ёки мусулмонлар ўз фаолиятини танқидий баҳолаб, бефойда мутаассиблиқдан воз кечишади ва дунёда ўзига хос бўлган ахлоқий ва маънавий намуна ролини ўйнай бошлиди.

Шарққа ҳам, Фарбга ҳам қараб, анъанавий умматларнинг пароканда бўлиб кетаётганини кўриб, биз бунга чек қўйиш имкони борми, деган саволни берамиз. Биз яшайдиган замонда келажакни бемалол мухокама қилиш мумкин. Илгари исломга қаршилик кўрсатган ёки уни таъқиб қиласидиган христианликнинг муросасиз қаноти, миллатчилик ва коммунизм сингари мағкураларнинг умри тугаб бормоқда. Шафқатсиз ва ҳарбий-фашистик дунёвий қарашлар 20-асрнинг ўрталарида тарих култепасидан жой олди. Кембриж университетининг антропологи Эрнест Желлнер исломни “сўнгги дин” деб атаган эди. II бобда ўша “сўнгги дин”нинг фавқулодда вужудга келган тар-



моқларини унинг энг янги давр — постмодернизмга жа-
воби контекстида тадқиқ қилишга харакат қиласиз.

Некбинлигимиз мерос қилиб олган ёки танлаган нар-
самизнинг асосий талабларига ишонсаккина, ўзини оқлайди.
Мусулмонлар бўлар-бўлмасга асабийлашавермаса, ра-
қиблари чизиб берган дунёвийлашиш йўлидан ва реакци-
он хорижийликка кўр-кўrona иттифоқчиликдан қочса,
дунё империяларига қайта эгалик қилиши ва Аллоҳ лаш-
карлари деган муборак номни қайта тиклаши мумкин.
Умматлар янги замон дискурси билан боғлиқ мавжуд
танглика қарамасдан, дунё миқёсидаги мавхумлиқдан
келиб чиқкан парокандаликка йўл бермай, “*ва қали-
матуллоҳи ҳийаал-улийа*” — “*Аллоҳнинг қаломи
ҳамма нарсадан устундир*” деган вақтга бўйсунмай-
диган ва даъваткор сўзларини яна бир карра тасдиқла-
шига ҳеч қандай шубҳа йўқ.



II б о б

МОДЕРНИЗМ ИНТИҲОСИГА ИШОНЧ

*Қулаб тушган миноралар таркиби
ахлатдан иборат.*

Филип Ларкин

Ушбу боб тарихга оидdir: у тарих узлуксизлиги синиш нуқтасининг асосий жиҳатига теран назар ташлайди. Унинг олдимизга қўндаланг бўлаётган синифи айни пайтдаги билиш танглиги билан боғлиққа ўхшаб кўринади. 2000 йил мусулмонлар учун минг йиллик аҳамиятига эга бўлмаган оддий бир сана булиши мумкин эди, бироқ у ўқ аспи ва кенг маънода Farb рационалистик анъанасида устуворликни таъминлаб берган Суқрот инқилоби билан бошланган интеллектуал тарихнинг улкан бир даврига хотима берганини қайд этишимиз мумкин. Бутун мавжудлиги давомида сомийларнинг хилма-хил вахёна билиш назариясининг эътирозларига сабаб бўлиб келган ушбу анъана Маърифат lumières¹ шаклида ўзининг энг юқори нуқтасига етди. Сўнгра у нафақат дин, қолаверса, немис идеализмининг турли шакллари томонидан танқидга учрай бошлади. Бироқ мингйилликка келиб, ўзининг ниҳоясига, емирилиш даврига етган Маърифатнинг кашшофлик сафари қариганга ўхшайди. Farb тафаккурининг эски ва гўзал ҳикояси ечим топмай, сир очилмай, унинг ривожига ёрдам берган бош қаҳрамонлари у ёки бу даражада аҳмоқ ва йўлидан адашган бир

¹ Lumières (фр.) Siécle De Lumières (“Маърифатпарварлар аспи”) – 17 – 18-асрларда Европадаги зиёлилар харакатининг номи бўлиб, унда худо, сабаб, табиат ва инсон тушунчалари бир дунёқарашга синтез килинган ва уни купчилик матькуллаган. Ушбу дунёқараш санъат, фалсафа ва сиёсатда инкилобий ўзгаришларга сабаб бўлган (“Британника”). – Тарж.



ҳолда ниҳоясига етган кўринади. Фарб постмодернист гуру Жан-Франсуя Лотар “ожизланиш даври”² деб атаган ноаниқ ва ўта чигал бир кўринишда *tabula rasa*³ янги мингийилликка кириб боряпти. Унинг ҳамроҳлари орасида на Иброҳим, на Аквинский ва на Хум бор.

Ушбу инқироз кеңг тарқалмоқда, гарчи ислом дунёси рад этган бўлса-да, кескинлашиб бормоқда. Немис файласуфи Гадамер инсоннинг мияси табиат билан диалог тарзида тузилганини исботлаб берди. Исломнинг ўз-ӯзини тушуниши эса тарихий нуқтаи назардан асосан унинг иккита муқобил парадигмадан хабардорлиги асосида вужудга келган: христианча инкарнационизм⁴ ва юнон интеллектуализми. Иккаласи ҳам Яқин Шарқда исломнинг пайдо бўлишидан олдин вужудга келган эди. Ушбу иккита андоза исломий ойкуменанинг жисмоний чегаралари ичидаги ундан ташқарида барқарор ва реактив — акс ҳаракатли андозалар сифатида мавжуд бўлган, сўнгра уларнинг ҳозирги инқирози исломга муҳим таъсир кўрсатади. Ҳишам Жуаййтнинг таъбири билан айтганда, Фарб дунёнинг “суперэго”⁵сига айланди ва унинг “сайёра миқёсидаги ҳалоскорлик вазифаси” ҳам унинг барча кўринишларини ўзгартириши керак. Ушбу бобнинг охирларига бориб, етарли тарзда жавоб беролмасак-да, ушбу саволларнинг баъзи бирларини кўриб чиқамиз. Бироқ, аввало, бизни бугунги зиддиятли аҳволга солиб қўйган жараёнларнинг умумий кўринишини ва ушбу асрнинг интиҳосига кимнинг ғалабаси тўғри келганини аниқлаб олишимиз керак.

Иккинчи мингийиллик билимга нисбатан сомий ва эллиник ёндашув ўртасидаги фарқни енгишга янгидан-янги уринишлар даври бўлди. Ислом дунёсининг энг улкан намояндаларидан бири иби Сино ҳамда Бақиллоний ва Фаззолий каби олимлар Аристотелнинг мантиқ ва мета-

² Jean-François Lyotard, *The Postmodern Condition: A Report on Knowledge* (Manchester, 1987), 71

³ *Tabula rasa* (лот.) — тоза сахифа.

⁴ Инкарнация (лот.) — қайта жонланиш, тимсол, тажассум топиш маъносида. — Тарж.

⁵ Суперэго (лот. “супер”, юқсак, уст, “эго” мен) — З.Фрейд ўз психоанализида неврозни тушунтириш учун қўллаган ид (онгсиз), эго (ботиний онгта оид) ва суперэго (онгли) категорияларидан бири. — Тарж.



физикасини асосий илоҳиётшунослик дискурсига олиб киришди. Саъдя Файумий эллинизм билан ўзаро таъсирашган мұтазалий рационализмни қарантлар⁶га қарши раввинлик далили сифатида иудаизмга олиб кирди. Кейинчалик христиан оламида Ансельм⁷ платонизмни рационаллаштиришни бошлаб берди ва бу ҳол Аквинский ва Скотусдай манбаларга әлтүвчи занжир реакциясига сабаб бўлди. Аквинский ва Скотус араб фалсафаси ва, бинобарин, сомий-эллинистик синтез олдида бурчлидирлар.

Иккинчи минг йилликнинг ўрталарига қадар ислом, яхудий ва христиан тафаккури симбиотик⁸ қариндошлик хусусиятига эга бўлиб келди. Ренессанс давридан бошлаб Фарбнинг ўсиб бораётган рационализми моҳияттан ўзига қарама-қарши бўлган қонуний-мистик синтезга амал қилувчи иудаизм ва исломдан ажralган бўлса-да, 17-асрнинг охирларига келиб қатъий бир шаклга бўлди. Ўшандан олдин Ренессанснинг атоқли вакилларидан Пико делла Мирандола ва Марсилио Фичино бир оз вақт схоластик ўтмиш билан орани очиқ қилиб, номушоҳадавий ва интуитив билиш назарияси ни қуллаб чиқишган эди, бу ҳол иудаизм (сўнгги кабалистлар⁹) ва исломдаги (Шахразурий, Мулла Садра ва Мир Домоднинг неоплатонизми) илмий қарашларга ҳамоҳанг эди.

Бироқ 17-асрдан бошлаб христиан дунёси мисли кўрилмаган траектория бўйлаб ҳаракатлана бошлади. Баъзи бир сабабларга кўра -- улар орасида сезиларлиси Монтен ваҳима билан тилга олган пост-Реформация етказган жароҳатлар туфайли Европада вужудга келган эътиқоднинг исломда ҳам, иудаизмда ҳам кузаган.

⁶ Қарантлар — урта асрларнинг ilk даврида пайдо бўлган яхудийлар сектаси. — Тарж.

⁷ Ансельм (1033/1034 — 1109) — Италиянинг етук файласуфи, илоҳиётшуноси ва схоластиканинг машҳур вакили.

⁸ Симбиоз (юнон.) — “бирга яшаш” сўзидан, биологияда турли организмларнинг бирга яшаши. — Тарж.

⁹ Кабалистлар (қад. ях. — ривоят деган сўздан) мукаддас ёзув “Таврот”ни изохловчи яхудий диний-мистик таълимоти вакиллари. — Тарж.



тилмаган ижобий танглигидир — Декарт ва Порт-Роял мантиқшунослари моҳиятни фалсафани диннинг ёрдамчиси деб билган анъанавий билиш назарияларини эллиник рационализмга қурбон қилиш хисобига ўзгартиришга эҳтиёж сезган.

Бу ерда Фарб тафаккурининг шундан сўнгги тарихини батафсил ҳикоя қилишга зарурат йўқ, бироқ Маърифат даври тафаккурининг етарли ёритилмаган бир жиҳатига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бундан Ж.Ж.Кларк мустаснодир, у ўзининг “Шарқ маърифати” номли янги китобида ўша даврни ҳар бир дақиқасигача батафсил хужжатлаштириб беради. Бу Маърифатнинг Фарбники бўлмаган тафаккур тизимларидан олган қарзи эди. Фарб мингийилликнинг биринчи ярмида исломдан, ислом орқали Юнонистондан кўп нарсанни ўзлаштириди. Ренессансдан сўнг (гарчи Паскал ва Малбранш, яна балки Лейбниц ислом меросидан баҳраманд бўлган бўлса ҳам) Узок Шарқдан келган фояларга қизиқиши бошланди. Бу жараёнга денгиз кашшофлик сафарлари, иезуит миссияси ва шарқшуносликнинг вужудга келиши имкон яратиб берди.

Кларкнинг таъкидлашича, 18-асрда Хитой Европани деярли эгаллаб бўлди. Диdro ва Волтер адолатли, барқарор ва меритократик — одамлар ўз куч-қобилияти билан истаган нарсасига эришиши мумкин бўлган Хитой империяси обрусидан тушкун ва симониак¹⁰ христиан дунёсининг пўстагини қоқадиган калтак сифатида фойдаланади. Волтернинг “Essay sur les Moeurs” (“Ахлоқ ҳакида рисоласи” “Хитой ахлоқ фалсафасига хос бўлган устунликдан баҳс юритади” ва Хитой тажрибасига рационал деизм¹¹ сифатида қарашни таклиф этади.

18-аср хитойпарастлик асири бўлган бўлса, 19-аср Европанинг Хиндистонни кашф этиши ўтиши билан ха-

¹⁰ Симония сўзидан — католик ва бошка черковларда лавозимларни сотиши ва сотиб олиш амалиёти. — Тарж.

¹¹ Деизам (фр.) — 17–18-асрларда тарқалган бўлиб, худонинг дунёнинг яратувчиси сифатида мавжудлигини тан олган холда, шахс сифатида мавжудлигини инкор этган диний-фалсафий таълимот. — Тарж.



рактерланди. Европанинг ахлоқ фалсафаси Хитой билан куттимаган учрашувдан сўнг кескин ўзгаришга юз тутди. Хиндистон таъсири Фарб метафизикаси ва билиш назариясини ўзгариши керак эди. Виллиам Жоиснинг “Шарқий Хиндистон компанияси” розилиги билан “Упанишадлар”ни таржима қилгани катта шов-шувларга сабаб бўлди. Р.Шваб сузи билан айтганда:

Хинд олимлари асарларининг Калкулттада нашр этилиши айрим немис ёшларининг гайратини қўзитиб юборди. Улар фалсафада Шопенҳауэр ва Шлайермахерни ҳисобга олмагандан, Шеллинг, Фихте ва Хегелни, шеъриятда Гёте, Шиллер, Новалис, Тик ва Брентанони ўз ичига олар эди.¹²

Шу маънода “Упанишадлар” Германияда фалсафа ривожига янги туртки берди, деб айтиш мумкин. Шанкара ва Рамаяна тафсирий хазинаси қўл етмай жойда эканига қарамасдан, немис романтиклари баъзан ҳиссий билиш орқали қабул қилинган ғайришуурый мавжудлик хато экани ҳақидаги бош идеалистик қарашни аниқлаган ведалар¹³ метафизикаси хусусида маълум тушунчага эга эди. Донишмандинг вазифаси ҳақиқий ўзлигини Брахман орқали англаш экани хусусидаги тушунчани немислар *geist*¹⁴ фоясига айлантиришди.

Шваб ва Кларк сингари илғор маданият тарихчиларининг, немис идеалистлари ўзларининг Веда тафаккури олдидағи қарзларини узиши қийин, деган акидасини бундан бўёнги тадқиқот тақкосларни олди-қочди өядан ба-тафсил далиллар ҳокимииятига кўчирмагунча тўла исботланган деб бўлмайди. Идеалистлар ўз фикрларининг “Упанишадлар” билан ўхшашлигини айтиб жар solaётган бир пайтда бу фикрнинг келиб чиқиши уларга дахл-

¹² J.J. Clarke дан иктибос *Oriental Enlightenment: The Encounter between Asian and Western Thought* (London, 1997), 58.

¹³ **Ведалар** — хиндуларпинг қадимги муқаддас китоблари. — Тарж.

¹⁴ **Geist** (нем.) — рух, ақл дегани. — Тарж.



дор эмаслиги аёнлигини билиб олиш қийин эмас. Баризир, у *prima facie*¹⁵ да яхши таъсир кучига эгага ўхшаб кўринади.

Агар шу тўғри бўлса, биз Европанинг ушбу минг йилликдаги зеҳният тарихини бир неча босқичларга бўлишимиз мумкин: уч асрлик араблар таъсири, юнонларнинг икки асрлик бевосита таъсиридан сўнг яна икки асрлик бижфиш даври, сўнгра мўттадил синофилия асли ва ундан кейин браҳманлар онтологияси ҳаммаёқни забт этган 19-аср.

Биз айнан шунда 20-асрнинг билиш назарияси инқиризининг асосий сабабини топишимиз мумкин. Табиатан ксенофобик¹⁶ характерга эга бўлган Farb интеллектуал анъанаси ислом, хинд ёки хитой маданиятларидан қўра ташқи уруғланишга кўпроқ муҳтоҷ эканини намойиш қилди. У учала маданиятнинг ҳам интегратив қобилиятини сарфлаб бўлгач, ўз-ўзини ҳам тута олмайдиган бўлиб қолди.

20-асрдан бошлаб мафкуралар Farbda ҳам, унинг ислом дунёси ва бошқа жойлардаги диаспораси ичida ҳам билиш таним¹⁷ини илоҳиётдан инсон субъекти томон буриб юборди. Шу туфайли у колектив инсон субъектига айланди: масалан, кишилик жамиятлари телеологияси¹⁸нинг объектив, миқдорий хусусиятини таъкидлаб кўрсатадиган марксизм ёки уни ривожлантирган вориси Франкфурт мактабини мисол қилиб келтириш мумкин. Адорно ва Хабермасдан иборат сўнгги Франкфурт мактаби Россия ва Германиядаги кучли модернистик фалсафий ва ижтимоий асосга эга бўлган дистопик, яъни мудхиш тоталитаризм ҳеч бир шубҳа қолдирмаган “воситали сабаб танқиди”ни ривожлантириди. Раци-

¹⁵ **Prima facie** (лат.) — бир қарашда, илк таассуротга асосланган дегани. — *Тарж.*

¹⁶ **Ксенофобия** (юнон.) — хорижилклардан ҳеч бир сабабсиз хорижлик бўлгани учун кўркиш ёки нафратланиши. — *Тарж.*

¹⁷ **Танимоқ** сўзидан, формулировка маъносида.

¹⁸ **Телеология** (юнон.) — табиат ходиса ва жараёнларига максадларни (максадга мувофиқлик ёки бирор максадга йўналиш қобилиятини) сабаб қилиб кўрсатувчи ва бу максадлар худо томонидан белгиланишини қайд этувчи таълимот. — *Тарж.*



онализм турли ҳамлаларга дучор бўлди, хусусан, Адорно уни классик скептицизм билан эмас, “танқидий назария” билан алмаштиришни тарғиб қила бошлайди. “Танқидий назария” ҳақиқатнинг ўрнини тарих ва жамиятнинг мавжуд шарт-шароитидан келиб чиқиб белгилайди, метафизика ва анъанавий аналитик тафаккурни менсимайди.

Англо-саксон ва немис зиёлилари ўртасида оммалашиб бораётган танқидий назариянинг ривожланиши француз фалсафа анъанасининг ундан-да каттароқ таъсир кутига эга бўлган, бироқ маъноси бир пулга қиммат постмодернизм номига сазовор бўлган мактабга тарқалиб кетиши билан бир вақтда рўй берди. Бу ҳол ва иттифоқдош тизимлар асл маънони фарқлаш учун курашмасликка, бироқ шу билан бир вақтда унинг йўқлигини, аслида эса ҳаддан зиёдлигини нишонлашга ҳаракат қилишади. Метанаррация¹⁹ ларнинг сомий, марксистик ва гегелча кўринишлари тасдиқланмагани учун рад этилиши керак. Франкфурт мактаби ҳозирги дунёning тегишли муқобилини топиш борасида жазавага тушиб қолган эди; постмодернистлар эса барча муқобилларни тенг қийматга эга деб билишади. Бизга, объектив ҳақиқатнинг ўрнини герменевтик ҳақиқат эгаллаши керак, муқаррар равишда вужудга келган, этноцентрик ва ўз вақтида англанган сабаб ҳеч қачон бетараф бўла олмайди, дейишади. Эстетик ва интеллектуал қиймат ҳақидаги қарашлар ижтимоий воқеликлар тимсолидир. Фридрих Ницшенинг янги “Асарлар тўплами”да бир вақтлар унинг кулогига чалинган мана бу сўзлар келтирилади: “Мен шамсиямни

¹⁹ Метанаррация (ёки «метахикоя», «катта тарих») – постмодернизм фалсафасининг мазмунан универсалликни, маданиятда устунликни, илмни “конунийлаштириш”ни дэъво қилувчи концепциялар мавжудлиги феноменини, турли ижтимоий институтларни ва маълум бир фикрлаш тарзини кайд этувчи тушунчасидир. Бундан ташқари, Интернетдаги <http://jamesfaulconer.byu.edu/definitions.htm> вебсайтда у “буюк назария”, ривоятлар тўғрисидаги ривоят деб берилади. Шунингдек, у ерда метанаррация бизнинг ўзимиз, килаётган ишимиз ва кутилаётган нарсаларимиз ҳакида тўкиган ривоятимиз экани айтилади. Метанаррация кичик ривоятларимизни ўзаро боғлаб, бирлаштириб туради ва бизга ижтимоий, психологияк ва интеллектуал бирлик ато этади. Модернизмнинг тараккиёт, одамларнинг глобал эманспилясиияси, кам сонли этник гурухлар каби бир кичка метанаррациялари мавжуд. – Тарж.



упутиб қолдирибман”²⁰. Маърифат рационализмининг тутилиши (ой, қўёш тутилишига муқояса қилингани. — Тарж.) шунчалик мукаммалки, Лиотар постмодернизм ҳозирги куннинг ўтмишдоши деб хитоб қиласи, унинг назаридаги воқеликни текис ва узук-юлуқ ҳис қилиш ихтиёрийгина эмас, хом-хатала хулоса ҳамдир, у ибтидий одамнинг интуициясини тўғри деб мақтайди, чунки уни ишонч билан субъектив деб баҳолайди.²¹

Барча дискурсларнинг радикал тенгқучлилиги бизнинг ҳозирги шароитда анча кўзга ташланиб қолган маданиятнинг глобаллашуви билан боғлиқ асабийлашуви мизга таскин беради. Лиотар: “Эклектизм бугунги маданиятнинг 0 даражасидир”, деб жар солади.

Бугунги кун кишиси регга²² ни тинглайди, вестерн киносини томоша қиласи, тушликка Макдоналд таоми, кечки овқатга эса маҳаллий ошхона таомини истеъмол қиласи, Токиода Париж атрини сепади ва Хонг-Конгда “ретро” кийимларни кияди.²³

Тафаккур биқиқлашуви ва оммавий ахборот воситаларининг оддий халқ савияси даражасига тушиши оқибатида адабиёт ва санъатнинг қадрсизлангани учун ўтган авлодларга ўхшаб кўз ёш тўкиб ўтириш керак эмас, дейди Лиотар. Бугунги куннинг саволи “Гузалик нима?” эмас, аксинча “Нимани санъат деб аташ мумкин?” дир ва бу саволга исталганча жавоб олса бўлади. Нарсаларнинг ялпи сийқалашуви бир тўхтамга келди ва у ҳамма нарсани шоҳ асарга айлантира оладиган хусусий герменевтик танловлар қонунийлиги туфайли чидаб бўладиган бир ҳолга айланди. Шундай қилиб, Йейлдаги инглиз адабиёти толиблари Ниу Хейвн

²⁰ A.K.M.Adam, *What is Postmodern Biblical Criticism?* (Minneapolis, 1995), 10.

²¹ Lyotard, 12.

²² Регга — клаипсо ва рокн-ролл коришмасидан иборат оммавий Ямайка мусикаси услуби. — Тарж.

²³ Lyotard, 76.

телефон маълумотномасини ўрганиш мумкин бўлган матн сифатида баҳолаши ва факультет (маъмурияти) бунга рози бўлиши мумкин. Маънонинг йўқлиги ёки мушкуллик мавжудлиги ўрганилаётган нарсанинг эмас, ўрганувчининг хатосидир.

Маърифатдан сўнгги “сабабдан парвоз қилиш”нинг эпистемологик (билиш назарияси) барбод бўлишини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин. Унинг илоҳиётшунослик ва этикага оид тусам – истаклари равшанлиги баробарида ташвишли ҳамдир. Гадамер “Маърифатнинг олдиндан чиқарган ҳукми олдиндан чиқарилган ҳукмнинг ўзига қаршидир” деган мулоҳазасини олдиндан ҳукм чиқаришини эркинлаштирувчи деб ҳисоблаган Деррида ва Лиотар сингари муаллифлар йўққа чиқаришган эди, чунки у ҳамиша эстетика ва маҳаллий тафакурга асосланади, бусиз хаёт қуруқ бўлади ва кўнгилни айнитади. Салмон Рушдий сатирага раблеча қўл урганидан буён қуруқ таҳлилдан кўра юмор ва истехзо мавжуд қотиб қолган қарашларга қўпроқ зарба берадиган бўлди. Рушдий намунаси барчасидан муҳимдир, чунки у абсурд даражасига тушироқчи бўлган метанаррация асосий ва тотал логоцентризмни кўллаб-куватлашда ўта ўжар, тўлқинлардан юксак турувчи, ўткир ва ҳатто хавфли қоядир.

Мусулмон мутафаккирлари учун постмодернизмнинг аҳамиятини бир қанча ёзувчилар, шу жумладан, Британияда Акбар Аҳмад асослаб беришиди. Сайид Хусайн Наср унинг тактик устунликларини тавсифлаб берди, у бу ҳол шарқшунослик учун хатарли оқибатларига олиб келиши мумкинлигини таъкидлайди. Ислом тафакурига оид фарб тадқиқотлари яқин-яқингача далилнинг Европада поёнига етиб бораётган телеологияга эга бўлгани муҳимдир, деган фаразга суюниб келди. Бироқ Маърифатнинг барбод бўлиши евроцентризмнинг тугашига сабаб бўлди. Постмодернизмнинг диалог характерга эга ва ялтироқ “бир неча муаллифлик утопияси” шуни талаб этадики, янги минг йилликда Шарқни тадқиқ қилаётган Фарб олими “номавжуд” тазкирачи бўлиб қолади, илм излаши уни хайрат ҳолатидан олиб ўтиб, ҳақиқатнинг



ўзидан эмас, барча хақиқатларга талабгорликдан фано ҳолатига етказади. Исломга оид илмий тадқиқотлар бугундан эътиборан қадриятларга қозилик қилишга ёхуд ҳечқурса уларни мазахомуз тан олишга чек қўйиши ва анъянанинг ўз-ўзига берган баҳоси шарқшуносининг баҳосидан кам эмаслигини, ҳатто баланд эканини кўрсатиб бериши керак, чунки кўпчилик унга герменевтик нуқтаи назардан риоя қиласи ва у ижтимоий жараёнларга таъсири кўрсатади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Декарт: “Ер юзида қалбаки текстуал устунликка эришиш учун асбоблар ясаган” империалист эди. Бугунги тафаккурга нисбатан кучли аксил-евроцентрик бир ёқлама қараш мавжуд, у Фарни, Ричард Рорти таъбири билан айтганда, “барча маданиятларни ямламай ютадиган ебтўймас маҳлук” қа ўхшатади.

Шундай қилиб, постмодернизм шарқшунослик ва исломофобик таълимотнинг интеллектуал асоси барбод бўлади, деб ваъда беради. Метанаррациялардан узоқлашиш оқибатида пайдо бўлган ҳуқуқий дискурслар ўртасидаги зиддиятлар, масалан, ислом ва феминистик тафаккур ўртасидаги қарама-қаршилик кескинлигича қолаверади, бироқ бундай баҳслар ўзини у ёқдан-бу ёқка уриш ёки Рорти айтмоқчи, “осмон қароқчилари”дан фойдаланиш -- юксак билиш назариясига мурожаат қилиш орқали ҳал этилмайди, аксинча, камсонли миллатлар қарашларини инкор қилиши мумкин бўлган утилитар ҳуқуқлар хартиясининг муросага оид моддалари орқали кўриб чиқилади.

Бу БМТ хартиясини тузишга жалб этилган халқаро ахлоқшуносларнинг кўзқарашидир; улар эндиликда БМТнинг моҳиятан евроцентрик эканини таъкидлашмайди; бу ташкилот глобал жиҳатдан ўзаро келишув асосида фаолият юритишга интилмоқда.

Фарб прескриптивизми²⁴ нинг исломга қарама-қарши

²⁴ Прескриптивизм (ингл.) ахлокка оид муроҳазаларни баён қилиш фикргина бўлиб қолмасдан, бошқалар ўша ахлоқий қарашга қўшилиши ва рози бўлиши керак, деган ахлок назарияси. Бу назария тавсиф ахлоки ва маълум бир маънода эмотивизмга қарама-қаршидир. – <http://www.r.bowie.blinternet.co.uk/ethics/glossary.html>

ўлароқ емирилиб бориши ғалати қўринади ва амалий нуқтаи назардан умид уйғотади. Шарқшуносларнинг энг янги авлоди орасида Жон Ренар сингари “кўп маданиятларга мансуб” олимлар эски евроцентризм ғояларини кескин рад этишини таклиф этади, бошқа фанларга қараганда, шарқшунослик тадқиқотлари, хусусан, Ўрта Шарқ тадқиқотлари умумий интеллектуал тамоҳиллардан бутунлай узилиб қолмоқда ва қўпчилик ҳолларда Бернард Лиюсга ўхшаш кишиларнинг ҳамма нарсани ўз қаричи билан ўлчаш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Бироқ келгуси йилларда ғарбий ислом тадқиқотлари унга нисбатан ҳурмат билан қараса ва уни ўз қаричи билан ўлчаш фикридан йироқ бўлса, ҳурсандчилик билан қарши олинадиган эврилишга сабаб бўлган кескин интеллектуал ўзгариш кўпинча муаммоли қўринишга эга бўлган оддий муроса ва ҳурматдан ташқари цивилизацияларнинг ҳақиқий диалогига замин ҳозирлаб беради. Биз яшаб турган минг йилликнинг биринчи ярмида мусулмонлар, яхудийлар ва христианлар асосан, бир тилда, юонон тафаккури категорияларида ифодаланган сомийча ваҳийлар воситасида сўзлашибган, щунинг учун ибн Рушдни монастирларнинг лотин тилига равон таржима қилиш мумкин эди. 17-асрдан сўнг ислом ва Ғарб оғма траектория бўйлаб ҳаракат қила бошлади. 19-асрда ва 20-асрнинг аксарият қисмida икки дунё ўртасидаги узок қариндошлик Европанинг, мусулмон тафаккури бирор жиддий ишни қилгани йўқ, қабилидаги империалистик таъкидлари билан ниқобланиб келди. Бундан империя-парастлик дардига мубтало бўлмаган Швейцарияга ўхшаш айрим мамлакатлар мустаснодир. Тарих ва постмодернизм империализмни бир четга супуриб ташлади, бироқ у билан бирга диалог учун мавжуд бўлган билиш асоси ҳам йўқ бўлиб кетди, эндиликда Ғарбдаги етакчи тафаккур мактаби дин билан қандай муносабат ўрнатишни билолмай гаранг.

Шундан бери постмодернизм, янги, глобаллашган мингийиллик бошланмоқда, маданиятлар ҳақиқий диалог

имкониятидан маҳрумдир, деб уқтиради. Модомики, христианлик ва бошқа анъаналар аксилреалистик мавқени эгалламаган экан, улар билан ўзаро диалог мумкинлиги-ча қолаверади, Ҳанс Кунг таъкидлаганидай, замонларга хос бўлган теизмлар ўртасидаги инкор руҳини инкор қилиш учун биргалашиб курашиш энг долзарб вазифадир. Бироқ Фарид Эсакк даъво қилаётганидай, диалог фақатгина эркин ва бир-бирига яқин анъаналари ўртасидагина эмас, консерватив ва логоцентрик²⁵ эътиқод сохиблари ўртасида ҳам муваффақият қозониши мумкин. 1994 йили Қохирада бўлиб ўтган Ахоли конференциясидаги маданиятлараро муваффақиятли ҳамкорлик диндор либераллар²⁶ ўртасида эмас, аксинча, иштирокчиларнинг энг консерватив қисми бўлмиш мусулмонлар ва Ватикан вакиллари ўртасида бўлди. Модомики, давримизнинг ахлоқий релятивизми муросасизлашиб бораётган экан, тури динга мансуб анъаначиларнинг бундай ҳамкорлиги фойдадан холи бўлмайди.

Агар ҳозирги пайтдаги мусулмон ва христианларни айни бир девор томон тисарилишга мажбур этаётган умумий хавф мавжудлиги туфайли диалогга имкон туғилган бўлса, бу имконни постмодернизмни, ундан ҳам аҳамиятлиси, рационализмни қабул қилиш йўққа чиқарди. Христиан мутафаккирларини, баъзи ҳолларда ўз илоҳиётшунослигини Маърифат лойиҳасига боғлаган Мусо Менделсон сингари яхудий мутафаккирларини бугун ҳеч ким билмайди. Бултмани, Ранер ва, хусусан, фон Балтасар вақти-вақти билан Маърифат лойиҳасига ҳужум қилган ўтмишдошларидан кам аҳамиятга эга бўлмаган тарзда уни ҳимоя қилишга мажбур кишилар сифатида пайдо бўлиб қолади. Илоҳиётшунослар “янгиликчи”, айни

²⁵ Логоцентризм (лат.) – Постмодерн фалсафа истеъмолдаги киритган бу атама мумтоз маданий анъанани тавсифлаш учун ишлатилади. Бу анъананинг йўналишлари исталган жойга кириб борувчи Логос (дунёвий акл)нинг имплицит (назарда тутилган) ғоялари сифатида танқидий баҳоланади. Айни хол адекват бўлмаган, постмодернизм нуктаи назаридан борликни имманент мантиқка эга ва линияли детерминизмга бўйсунган деб тушунишни англатади. – Тарж.

²⁶ Либерал – эркин, хур фикрловчи ва муросасоз киши деган маънода. – Тарж.



пайтда дунёвий мутафаккирлар, Лиотар таъбирини эсга олиб айтганда, апоретик²⁷ эскиликчи бўлиб қолишиди.

Анас Кариж, Нажиб ал-Аттас сингари айрим мусулмон мутафаккирлари Фаззолийнинг юон лойиҳаси хусусидаги шубҳасини уни ҳимоя қилиш деб тушуниши ва бу тушунча муҳим аҳамиятга эга эди. Фаззолий рационал ҳақиқат даъвосининг гўёки фундаментал ҳақиқатлар биз уларни англаб оладиган жараёнларга қоришиб кетганига оид исбот қилиб бўлмайдиган мақомини белгилаб беради. Салжук зиёлилари ва сўнгра усмонлилар ва мӯғул тафаккури шаклланишида улги вазифасини ўтаган Фаззолий ҳатто Иброҳим Мадкур сингари баъзи мусулмон мутафаккирлари томонидан ҳам Декартнинг ўтмишдоши деб тан олинган. Бироқ Фаззолийда ўзликни англашга декартча ишониш кўзга ташланмайди, бинобарин, у инсон шуурининг тушуниб бўлмайдиган ва тутқич бермас табиатини батафсил баён қилиб бера олмасди. Гарчи Фаззолийни ўқиган ёки ўқимаган Лейбниц уни хотирлаб ўтсада, унинг руҳий эмпиризм деб тавсифлаш мумкин бўлган завқни афзал билиши билан, Декартнинг фактнинг ilk асослардан келиб чиқиши ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўк.

Фаззолийнинг ўрта асрлар исломининг илмлар доирасида доимо теологик парадигма домидан қутулиш пайида билиш назариясининг бус-бутун лойиҳасига солинажак хавф эҳтимолини бартараф этиш йўли билан юон рационализмини ассимиляция қилгани тўғрисидаги фикрни кўпчилик иқтибос қилиб келтиришни хуш кўради. Уни умумлаштирувчи таққос сифатида тушунтириш мумкин: христиан мутафаккирлари гапни Сабабдан, мусулмон мутафаккирлари эса Борлиқдан бошлашга мойилдирлар. Боз устига, ушбу Борлиқ, олдин дамашқлик Жоннинг интеллектуал коинот ва ундан яралган файри-табиий олам ғояси сингари икки бўлакка бўлинмайди. Бу

²⁷ Апория — [юон. аргія ўтиб бўлмайдиган, ўтиш мушқуллиги, қийинчилик]. Фалсафада Антик давр фалсафасида: мантикий қийинчилик. Муаммони ҳал этишда енгиг бўлмайдиган зиддият. — Тарж.



кояни Дунс Скотус²⁸ шубҳа остига олади, бироқ Фома Аквинский тӯри деб ҳисоблайди. Мувакқат жараён сифагида яратилган борлиқни **вужуддан** кўра **мавжуд** деб ашъарийларча²⁹ окказионал³⁰ оёқ тираб туриб олган калом мутафаккирлари охиригача тафриқ этилмаган борлиқ тушунчасини асосий деб билади.

Оқибатда кўпгина Фарб мутафаккирларидан фарқли ўларок, мусулмонлар, худо ва олам — борлиқнинг турли тарзлари, қабилидаги кўп қиррали муаммолар билан бошини қотирмасликка мойил булиб қолишиди. Боз устига, уларнинг 4-асрдан бошлаб қарор топган эпистемологияси борлиқдан ташқарига чиқиши ва шу орқали унинг мавжудлигини билиш ёки шу масалада баъзи бир хуласаларга келишга оид рационалистик уринишларга теран шубҳа билан қараб келди.

Ислом тарихининг иккинчи ярмида баъзан теософик ёндашув деб аталувчи атама “рационализм”ни қўллаб-кувватловчи фалсафа тамойилининг оёғини осмондан қилди. Шамсиддин Шаҳразурий (вафоти милодий 1288 йил) нинг “Аш-шажара ал-илохийя” номли нуфузли асари бунинг ёрқин намунасиdir. Шаҳразурий Аристотелнинг ёрдам берилмаган ақл ҳеч нарсани била олмайди, деган ақидасини кескин танқид қиласиди ва руҳнинг фаолияти орқали Борлиқнинг мавжудлиги ва табиатини интуитив билишнинг бевосита қайта тикланиш назариясини ривожлантиради. Хусайн Зиёй таъбири билан айтганда, “қайта тикланган ёки билувчи субъектнинг ички нигоҳи орқали кўрилган билим барча кейинги фалсафий конструкциялар учун асос булиб хизмат қиласиди.³¹

²⁸ Дунс Скотус (1265–1308) — шотланд схоластик илоҳиётшуноси. — Тарж.

²⁹ Ашъария — Калом илмининг ашъария мактабига ўз номини берган илоҳиётшунос олим Абулҳасан Али бин Исмоил (873–935) ал-Ашъарий номидан. — Тарж.

³⁰ Окказионализм (лат.“occasio” — “хол” сўзидан) — 17-асрда тан ва руҳнинг ўзаро англаб бўлmas муносабатини англашга харакат килган диний идеалистик доктрина. — Тарж.

³¹ Hossein Ziai, “The Illuminftionist Tradition”, in S.H.Nasr and O.Leaman (eds.) History of Islamic Rhilosphy (tehran, 1375 solar), 476.



Тақлидни таҳқиққа әлтувчи йўл деб билувчи ушбу равшан фидеизм³² (“мистика” атамаси жуда кўп саволларни ўргага қўяди) барча исломий билиш назарияларининг асоси бўлиб хизмат қиласди; бу Шаҳразурийнинг ақидасидир, бироқ бу калом илмига оид кейинги, масалан, Шаҳристоний тадқиқотларида очиқча кўзга ташланмайди, у Шаҳразурий, Мулла Садра, Шайх Голиб ва 18-асрда яшаб ўтган мусулмон маърифатпарварлари ижодида аниқ тавсифлаб берилади. Унинг муваффақияти мұтазалийларнинг *исалат үл-ақл*, яғни ақлнинг бирламчилигиғояси таназзулга юз тутиши ва алал-оқибат Аристотел издоши бўлган араб файласуфларининг ўз дин дошларига нисбатан Европага кўпроқ таъсир ўтказгани билан асосланади. Бу ҳам вахийларга, Қуръонга ва ҳадисларга кўпроқ эътибор берилгани натижасидир. Оқибатда улардан ибн Синодан кўра, Ишрақий кўпроқ иқтибос ола бошлади. Фаззолий тафаккурининг батафсил ва қониқарли баён қилиниши натижасида қонун, илоҳиётшунослик ва маънавий дискурс, ушбу учта тушунчанинг сўнггисида қатъий қарор топган эпистемология ўртасидаги баркарор муносабатлар бутун ислом дунёсида то шу кунгача давом этиб келди.

Бугунги исломнинг тобора ортиб бораётган кучига замондошларимизнинг ҳайрат тўла ишончи билимни бундай классик тушунишга мослаштирилиши керак. Айни ҳол Аллоҳнинг ижозати ва марҳамати билан янги мингйилликда ҳам давом этажак. Farb метафизикаси ва эпистемологиясининг Гадамернинг герменевтик лойиҳаси ва постмодернистлар қўллаб-қувватлаган инқирози Farb тафаккурида бўшлиқ пайдо қилди ва буни Фаззолий олдиндан кўра билган дейиш мумкин. Феноменал инсон ўзини факат феномен деб билади, фикр ва метанаарракциянинг манбаи бўлган ноумен³³ ни оддий мантиқий билиш машинаси сифатида эмас, интеллектус ёки ақл сифатида

³² **Фидеизм** (лат. Fides – эътиқод сўзидан) – барча ёки баъзи билимлар эътиқод ёки вахийга боғлиқ деган қараш. – Тарж.

³³ **Noumeton** (ингл.) – ноумен “феномен” сўзининг антоними, тажрибага орқали англаш мумкин бўлмаган обьект. Кант ноумен тушунчасини хиссий тажриба сарҳадларидан четта чиқувчи сферани тушунтириш учун кўллаган. – Тарж.



анъана орқали тушуниш мумкин. Миянинг ўзи ҳеч нарса қила олмайди: у худди бола каби ранг-баранглиқдан бошқа нарсани ёза олмайди. Аммо эмпирик нуқтаи назардан кўпроқ тушунарли ва чексизлик нуқтаи назаридан кўпроқ объектив бўлган, Ниёзий куйлаганидай, алалоқибат тушунишга олиб борувчи юксак қобилият мавжуд:

*Ақлим шошар унинг важхини кўрсам,
Зулфи шул туфайли муқтадо бўлди.*

Барча фикрий ифодаларнинг манбаи ал-Хаққа бўлган ўзгарувчан муҳаббатdir. Ўша Манба ҳақиқат ҳодисаси билан ажр беради; унингсиз Қуёш системасида қуёшнинг ўзи бўлмайди, бирор нарсани фарқлаб бўлмай қолади. Бундай зулмат ичра ҳеч нарсани кўрмаймиз, бир-биримизни ҳам таний олмаймиз; юзлардаги нурни кўра олмаймиз. Айнан шу нур бизга ҳар нарсадан кўпроқ борлиқнинг онтологик моҳиятини англатиб туради.



III б о б

СУННАТ БИРЛАМЧИЛИГИ

*Нигра сам, сед формоса...
Мен қораман лекин гүзалман...
(Күшиқларнинг қўшиғи, Тавротдан)*

Замонавий Фарб санъати мусулмонлар вақтини сарфлаб ўтирадиган соҳа эмас. Бизни ташвишга солаётган ҳол Фарб христиан дунёқарашининг таназзули ва унинг ўрнини Ренессанснинг муazzам хаёл кучи – фантазия эгаллай бориши абсурд ялангоч фигуralар инсон яратувчалиги қиёмига етган дейишга ундаётган эди, икки жаҳон урушидан сунг Фарб пешволари инсон яратувчалиги янги даврда ўз ҳолига ташлаб қўйилгани учун ер юзида жаннат яратишга уриниб, аянчли ахволга тушиб қолганига амин бўлди. Бугунги кунда Британиянинг расомларидан бири Демиен Хёрст формалдегидда сузуб юрган қўйни кўргазмага қўйгани билан машхур бўлиб кетган эди. Машхурлик бобида ундан кам бўлмаган кулранг Марк ва Спенсер костюмини кийиб олган ўрта ёшлардаги гомосексуалистлар Жилберт ва Жорж ўз тана суюқлигидан фойдаланиб, катта матоларга сурат чизишиади. 1998 йили Британиядаги санъат оламида юксак мавқега эга бўлган Тёрнер мукофотига сазовор бўлган сурат филнинг ахлати билан ишланган эди. Эҳтимол, биз мусулмонлар, шунинг учун бўлса керак, модерн Фарб санъати билан келиша олмаймиз ва уни ўзимизнинг қарашларимизга номувофик деб топамиз; модомики, санъат тамаддуннинг қаймоги экан, Тейт галереяси залларида соллана-соллана одим отиш билан ташвишли англам бирбирига зид келиши лозим. Маданият элитаси христианликка жиддий ёндашган чоғлар яратилган муҳим асар-



ларни мусулмонлар яхши кўрган нарсасига бўлган муҳаббатига туғилажак хавф-хатарга қарамасдан, гузал деб тан олиши мумкин. Маърифат деб аталмиш нарса христианликнинг қонини сўриб олди; эндиликда маърифат ўз йўлида давом этиши ва сўниб, постмодернизмга айланиши мумкин, Фарб замини, унинг энг зиёли ва муҳтарам бадиий ижод вакиллари таъкидлаётганидай, ўз фаолиятини руҳдан фикрга, танага — инсоннинг ички дунёсига, энди эса унинг кераксиз маҳсулотлари, масалан, одамнинг кайфиятини бузувчи траектория томон бурди. Бироқ, шунга қарамасдан, ташазулнинг давомийлигини кузатиш учун галереяларга боришининг ўзи улкан сабоқдир. У бизга нафақат янги дунёни ёқтиरмаслигимизни, қолаверса, уни ўзимиз ёқтирмаслигимизни хуш кўрмаслигимизни ҳам эслатиб туради. Биз ўзимизнинг дунёқарашибашимиз билан Farb элитасининг дунёқараши ўртасида ҳақиқий боғлиқлик мавжудлигини ҳис қиласиз: бироқ бундай боғлиқликнинг умри қиска кўринади. Биз муросасиз эмасмиз ва ўртадаги кўприкни бузиб ташлаганимиз йўқ. Биз инсониятнинг 99 фоиз тарихи давомида тан олинган меъёрларга риоя этяпмиз. Бу ўринда ақлдан озар даражага етган Farb муросасизлик қиляпти. Ва яна бемаза визуал какофония, нарсалар моҳиятини тасодифий англай билишни ҳам кузатиш ва бу ҳол тахминан ваҳиёна шиддат бўлиши ҳам мумкин. Farbnинг 20-асрда яшаб ижод килган деярли барча бадиий ижод намояндалари ўзларининг дунёдаги диний қарашларнинг қароқчиси ва унинг бошбошдок, муайян шаклсиз ва бемаъни ворисини тасвирловчи сифатидаги маданий ахволидан етарли даражада воказиф эдилар. Бироқ уларнинг айримларигина муқобил йўлларнинг ҳам ишончли эканини тан олишди, холос ва Европа маданиятининг ирқчилик ва исломофобияси таъқибидан омон қолган ундан ҳам озроқлари исломнинг улуғворлиги ва теранлигини англаб этишди.

Шундай кишилардан бири, рус рассоми Каземир Малевич эди. Малевич 20-асрнинг 20-йиллари бошларида Иосиф Сталин шайтоний ҳокимиятининг харобалардан оёққа туришига хизмат қилиш учун ўзаро тўқнаш келган минглаб диний, мистик, атеистик ёки эстетик исён ҳара-

катлари авж олган рус инқилоби пайтлари яшаб ижод қилди. У вақт бир неча қисқа ва шиддатли мавсум давомида мамлакатнинг ўтмишдан мерос бўлиб қолган диний ва шохона иерархиясининг лоши нафақат адолатли, қолаверса, маънавиятга асосланган қарашларга йўл очиш учун йўлдан супуриб ташлангандай туюлган эди.

Ёш сўлқанот рассомлар ҳокимият олдига рассомликнинг барча репрезентатив¹ шаклларини йўқотиши хусусида талаб қўя бошлади. Улар тўғри таъкидлаганидай, тасвирий санъат томошибинга босим ўтказади. У ёшлини қарилекдан, бойликни йўқчиликдан устун қўяди. ўзининг диний моҳиятига кўра, одамларга жинси ва ирқига қараб жаннат ваъда қиласди. Ўшанда қуйидаги инқилобий қўшиқ тўқилган эди:

Оқ офицер қўлга тушса,
Уни урасиз
Рафаэлга келсак,
Музейлар деворларин
Нишон олмоқ мавриди келди,
Тўплар оғзидан
Ўтмиш сарқитига ўтлар очайлик!

Бундан большевикларнинг ўзи ҳам даҳшатга тушган эди. Улар ишлаб чиқариш санъатини оммавий тарғибот воситаси қилиб олганди. Ўша вақтда Сталин ва унинг ворислари социалистик реализмдай қўпол услугуга ва социализм тонгига нигоҳ ташлаётган бақувват дехқон эркак ва аёлларнинг тасвиirlарига ҳомийлик қилган ва уни қўллаб-кувватлаган эди. Ренессанс даврининг одамга сифиниш ва титанизми қайта тикланди; ҳатто эркинлик истаги ҳам йўқ қилинди.

Бироқ эски замон Кишки сарой ва Қозон кафедрал жомеси билан биргаликда яксон қилинган, ҳаммаёқ ўтичидаги қолган, совет гигантоманияси кўринишидаги янгиллик ҳали зафар қучмаган бир пайтда Европа маданияти қисқа, аммо эсда қоларли лаҳзаларда ислом маърифатини тан олган эди.

¹ Representational art (ингл.) — нарсаларни ўз холича тасвиirlаш санъати. — Тарж.



Россияйнг аксарият қисми мусулмон тамаддуналари харобалари устида қад ростлаган. Руслар серблар билан биргаликда Европанинг бошқа халқларидан фарқли ўлароқ, ўзларини исломга қарши урушдаги муқаддас лашкар деб билган. 16-асрнинг бошларида бугунги Украина-нинг деярли бутун ҳудуди мусулмонлар яшайдиган жой бўлган. Уни қосимий амирлар бошқарган, амирликнинг бетакорр пойтахти Москванинг жанубида бўлган. Ер юзидағи аҳоли энг тифиз жойлашган ва энг гуллаб-яшнаған ҳудудлардан бири Крим усмонлилар халифалигига иттифоқдош мусулмон давлати бўлган. Кора ва Каспий денгизи ўрталаридаги чўллар асрлар давомида мусулмонларнинг ери бўлиб келган. Москвадан шарқ томонда, Волга дарёси бўйларида пойтахти ўша пайтлар Москвадан 20 марта катта Қозон шаҳри бўлган улкан мусулмон шаҳарлари қад кўтарди. 1555 йили Иван Грозний Европадаги мусулмон империялари бўлинниб кетганидан фойдаланиб, Қозонни босиб олди ва талон-торож қилди. Саккиз минорали улкан Қул Шариф Оқ Масжиди бузиб ташланди ва унинг тошларидан Москвадаги Авлиё Василий кафедрал жомесини қуришда фойдаланилди. Гарчанд Қозон хонлари христианлик амалларини бажаришга рухсат берса-да, рус босқинчилари исломни тақиқлаб қўйди ва аҳолининг қолган қисмини мажбурлаб чўқинтирди. Казакларга мусулмонлар яшайдиган қишлоқларда эркинлик берилди, музликлардан иборат шимолдан келган йигитлар мусулмон аёлларини тутиб олиб, қуллик домига ташлашди ва улардан янги кўринишдаги салб юриши мутаассиблари ўргиди — туғилиб, кўпайди. Бу жараён хусусида Шолоховнинг “Тинчоқар Дон” романида эслаб этилади. Исломнинг маърифийлашган дунёси билан ўртадаги зиддият шу қадар кучли эди, 18-асрга қадар рус армиясида нофоралар учун мусулмонларнинг териси ишлатилиши табиий ҳол эди.

Нафрат мероси рус маданиятининг асосини ташкил этади. Иван Грознийнинг қирғинбаротидан олдин Европа заминининг ярми мусулмонларники эди. Ўзини этник жиҳатдан тозаловчи деб билган рус подшоларининг қақшатқич зарбалари оқибатида омон қолган мусулмонлар хочни кўрганда тиз чўкиб таъзим қиласидиган бўлди.

Рус инқилобидан олдинги ва кейинги йиллар анъанавий рус тафаккури хусусидаги тахминларга, айниқса, энг асосий тахмин: исломни паст даражали дин деб билишга нисбатан хавф туғдира бошлади. Зиёлилар ва шоирлар ҳамиша ислом маданиятига ҳурмат билан қараб келди. Санкт-Петербургнинг ёрқин қизил рангдаги рококо ҳашамларидан безган ва жирканиб кетган меъморлар ўз нигоҳини мусулмон шаҳарлари Бухоро ва Самарқанд меъморлигига қаратишиди. Уларнинг фикрича, у ерда инсон ва табиат уйғунлиги, гўзлаликнинг тантанаси каттабинликда эмас, аксинча, мушоҳадада эди. Самарқанддаги Шоҳизинда мақбарасидаги жума масжидининг мовий кошинлари, худди Европа санъати қилганидай, осмонга мушт дўлайтириш эмас, қайтанга, жаннатий бир осо-йишталикни заминга чорлаш эди. Россиянинг Мелниковга ўхшаш меъморлари ўзбекча мотивларни ўз уйларига олиб киришди. 1925 йили Парижда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада Мелниковнинг Совет павильонига берган безакларини бунга ёрқин мисол қилиб келтириш мумкин. У Марказий Осиёдаги мақбара миноралари безагидан нусха олиб ишланган эди. Худди шу каби ишлар орқали Ле Корбузега ўхшаш гарб меъморлари ўз безакларида ислом мотивларини истифода этишди.

Ушбу таъсир визуал санъатда ҳам кўринади. Акметизм, кубизм, конструктивизм сингари қўпинча инсонни ақлдан оздирадиган бошқа оқимлар ҳам мавжуд эди. Бироқ ўша санъаткорлар орасида маънавиятга кўз тиккан, исломнинг кўзларни қамаштирас даражада гўзаллик ҳисси жозибасига асир кишилар бор эди. Шундан меъморлардан бири Андрей Буров ўз авлоди хусусида: “унга исломнинг, ундаги ортодоксал исломнинг таъсири кучли бўлган эди”, деган эди.

Шу ўринда Казимир Малевич пайдо бўлади. Мушоҳадакор ва мистик Малевич Европа репрезентатив раскомлигини пушти лабларини қаҳрамонона воқеликдан четга бурган қўпол ва bemaza ҳукқабозликдан деярли фарқ қилмайди, деб ҳисоблар эди.

Малевичнинг буюк асари “Кора квадрат” деб номланади. Бу қора ранг билан чизилган квадратнинг четлари оқдир. У ушбу асарини “модернизмнинг мутлақ тимсоли”

деб атайди. Унинг назаридағи модернизм 19-асрдаги қотиб қолған Фарб материализми түшкүнлигига қарама-қарши ұларқ, соф ва маънавий (оқим) булиши керак эди.

Унинг қора квадратни танлагани сабаби Фарбнинг дунё-нинг оғриқли ранг-баранглигини қайд этиб бориш анъясини бутунлай үзгартыриш эди. У кейинчалик қора квадратни чизаётіб, “унинг ичида қора тунларни” ва “құркүв билан ёнма-ён тортинчоқлик”ни хис қилганини ёзған эди. Бирок у суратни нихоясига етказаётіб, “хис-сиётдан бошқа ҳеч нарса реал бұлмаган чүлга судраб элтиб ташланишнинг саодатли ҳиссини ва ҳиссиёт ҳаётимнинг мазмунига айлаб қолганини” туйганини қайд этади.

Бу Ер юзида нимани англатиши мумкин? Исломдан яхши хабардор бұлған замонавий инглиз ёзувчиси Брюс Четвин уни қуидагича изохлаган эди:

Бу ашаддий марксистнинг эмас, аксинча, Майстер Экхартнинг ёки, бұлмаса, Мұхаммаднинг шу масалага оид тилидір. Малевичнинг “Модернизмнинг мұтлақ рамзи” деб аталған “Қора квадрати” Аллоҳнинг олдіда барча бандалари баробар бұлған стерил түпроқлы водийдаги мұқаддас ибодатгоҳ — Маккадаги Каъбанинг кисваси суратига мосдір.²

Биз шу ерда Малевичнинг асарини тушунишга калит топғандай бұламиз. Мусулмонлар учун 20-аср санъатидаги әнг улуғ асар бұлған бу суратда маданий рус кишиси алал-оқибат қотиб қолған воқелик косасини синдиради ва асл ҳақиқатни ич-ичдан хис қилади. Оддийлик гүзәлдір. Ва унинг теран ҳамда умидбахш титроғи йиғлоки ҳиссиётдан кура ишончліроктір.

Малевич маданият бетартиб ривожланаёттан хозирги шиддатли лаҳзаларда ёрқин истеъоди орқали соф гүзәлдік принципіга дуч келади. Фақат реал нарса реалдір; манифест ва унинг турли құринишлари хомхаёлдір. Мана бу иккі сатр оралиғидаги мазмун олмосдан ҳам кескирдір: “Воқелик келдиу сунъийлик йўқ бўлди, дегин, сунъийлик ҳамиша ўткинчи деб айт”. Нихоят, бу пайғамбар

² Bruce Chatwin, *What am I doing here?* London, 1990, pp.163-4.



алайхиссаломнинг Каъба атрофида отда юриб, ўз ҳассаси билан 360 та бутнинг ҳар бирини туртганида улар чилпарчин бўлиб кетганидан сўнг айтган **оятидир**.

Ислом динининг маркази Каъбадир. У илоҳий гўзаллик ва маҳобатни ўзида жамулжам этган “инсонлар саждагоҳи ва хавфсиз жойи”дир. У Иброҳим Халилуллоҳ ўз ибодатлари чоғида “Аллоҳим, сен бу заминни саждагоҳ қилгин”, деб илтижо этган ҳолда ҳимоясига олган шаҳарда жойлашган.

Каъбанинг турфа маъноси бор. Улардан бири Қора тош — ал-Ҳажар ал-асвадга тегишилдири. Зиёратчилар унинг олдига борганда тошнинг мӯъжизавийлигини ҳам яқиндан ҳис қиласди.

Али ибн Абу Толибнинг ривоят қилишича, Аллоҳ аҳд³ юбормоқчи бўлганида унинг ёзувларини қора тошга жойлаган, шунинг учун кимки Кўҳна уйнинг атрофини айлананаётib, Қора тошга қўл теккизса, қуйидаги мазмунда илтижо қилган бўлади: “Эй, Аллоҳим! Бу сенга бўлган эътиқод, сенга тавба қилиш ва ҳақиқат сенинг ёзувларингда эканини таъкидлашдир!”.⁴

Шунинг учун Каъба ўз ҳолича ҳеч нарса эмас, факат тош ва қоришмадан иборат тўртбурчак иморатдир. У зиёратчиларга ўзлигининг ибтиносини танишидири ва эслатиб туради. Аллоҳ дунё яратилмасидан бурунги замон ҳақида бундай дейди:

Раббингиз Одам ўғилларининг беллари (пушти камарлари)дан зурриётлари (руҳлари)ни олиб, уларни ўзларига гувоҳ қилиб туриб: Мен раббингиз эмасманми?” (деди). (Улар): “Йўғе! (Раббимизсан!) гувоҳлик бердик”, — дедилар. Киёмат куни: “Биз бундан гофил (бехабар) эдик” ёки “Олдиндан ота-боболаримиз мушрик бўлганлар. Биз улардан кейин келган зурриёт бўлдик. (Ўша) ноҳақ кишиларнинг феъллари сабабли бизни ҳалок қиласанми?” дейишларини (билганимиз учун шундай қилдик)⁵.

³ Аҳд (ингл. covenant) — муаллиф бу ўринда пайғамбарларга нозил бўлган вахийларни ва китобларни умумий ном билан “аҳд” деб атайди. — Тарж.

⁴ Имом Абдуллоҳ ал-Ҳаддаднинг “Сабил ал-Иддикар” китобидан иқтибос.

⁵ Куръон, “Аъроф” сураси, 172—173-оятлар.



Биз Аллоҳнинг уйини зиёрат қилганимизда, биз Яратувчининг барча мавжудот ва тафаккур манбай эканини англаган ҳолда, ўзимизни унинг измига топширган лаҳзаларда Буюк Аҳдни эсда тутишимиз керак бўлади. Имом Термизий келтирган ҳадисга кўра, Қора тош ҳақида “**“йа-қутатун мин йавақут ал-жанна”**”, яъни жаннатдаги ёқутларидан бири, дейилади.

Ҳаж пайти Каъбани зиёрат қилувчилар ёки унга юзланаб салот айтувчилар тасаввурида Байтуллоҳнинг вазифаси — Ер юзидағи турли-туман нарсаларнинг маркази ва пайдо бўлган жойи бўлишдир. Компаснинг тўртала асосий мили ҳам Каъба жойлашган ерни кўрсатади. Унинг қоралиги тунги осмоннинг, жаннатнинг қоралигини, бандалар раббисининг биру борлигини эсга туширади. Аллоҳ фалаларда ва ерда биз учун белгилар борлигини айтади. Яқинда астрономларнинг аниқлашича, қора туйнуклар атрофида спиралсимон галактикалар айланар экан. Кўркам коинотга, руҳий гирдобрларга ёзилган қудратли рамз бизни квант механикаси ҳамда вақт ва макон ўз аҳамиятини йўқотадиган номаълумликлар сари чорлайди.

Шунинг учун мусулмонларнинг Каъбага нисбатан тудиган шавқи унинг биноси туфайли эмас. Албатта, бу муқаддас бино яратилган бошқа нарсалардан кам эмас. Шавқ эса ўзимизнинг келиб чиқишимизга, яратганинг хузурида бўлган вақтдан ташқаридаги шавкатли замонларга бўлган соғинчдир, энтизищдир.

Шавқ исломнинг асосий ҳиссисидир. У юракникидир: юрак Каъбанинг улуғворлигини билади, ақл эса буни тушунмайди, уни бор-йўғи баландлиги 12 кубометр, деб ўлайди. Жалолиддин Румий шундай деган экан:

*Ақл, дунёда бор-йўғи б та ўйналиш бор, шундан бошқа
йўл йўқ, дейди.*

*Мухаббат, йўл бор, мен кўп марта саёҳат қилиб
келдим, дейди.*

У кейинчалик шундай деган эди:

*Ақл ҳаж қилиш учун тую топгунча, мухаббат
Каъбани бир марта айланиб бўлди.*



Ислом динининг асосий ҳиссияти аслида **фитрат**, яъни инсон табиати бирламчилигининг бир бўлаги, бизни дунёга келтирган иноят ҳолати — муҳаббатdir, минг бир мashaққат билан ўзимиз сўйган Аллоҳга қайтиш истагидир. Куръонда: “Имон келтирғанларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари эса (уларнидан) кучлироқдир”⁶, дейилади. Бир нарсанинг аслини билмок уни севмоқдир.

Келиб чиқиши нуқтасига қайтиш соғинчли шавқдир. Бунинг учун Каъба ердаги рамз ва эслатмадан бошқа нарса эмас. У Исломнинг гўзал ва инжа поэтик анъана-сига хос умумий мотивга айланиб қолди. Алишер Навоий Каъбага қараб ибодат қилиш ақл дарвозаларини очади, деган эди:

*Биҳамдик фатҳи аввоби маъни,
Насиб эт кўнглима фатҳ ўлмак ани.*

Айни пайтда Ҳожи Байрам Вали марказга интилган холда бўшлиқ томон чиқиб боришни бундай тасвирлайди:

*Ён, эй кўнгил, ён, ён, эй кўнгил, ён,
Ёнмоқдин ўлди дардингга дармон:
Парвона киби, парвона киби
Шамъига ошиқ ёнди бу кўнглим.*

Демак, ислом “**Аласту бираффикум**” — “Мен сизнинг раббингиз эмасманми?” деган даяватга имон келтирғанлар динидир. Биз майда, маҳаллий, миллий аҳдларга амал қилувчи олдинги динлар ворисларидан фарқли ўлароқ, Буюк Аҳдга амал қиласиз. Каъба вақт ва маконда ўзлигимизни топиш, барча курсатмалар ибтидоси бўлмиш илоҳий мавжудотга тўғридан-тўғри мурожаат қилиш йўлини бизга кўрсатиб беради.

Биз унинг тимсолида мавжуд бўлган илоҳий дониш-мандлик ҳақида мулоҳаза қилиб куришимиз керак. Ислом ҳеч қандай тамаддун бўлмаган вақт ва маконда пай-

⁶ Куръон, “Бақара” сураси, 165-оятлар.



до бўлди. Курайший (лар қабиласига мансуб бирор) араб ўз турган жойидан 500 километр шарққа, ғарбга, шимолга ёки шарққа юргандагина ривожланган маданиятга дуч келиши мумкин эди. Бироқ Арабистон у пайтда ибтидоий соддалик үчоги эди. Ва Аллоҳ субхонаҳу ва таоло ўзининг сўнгги хабари учун ушбу бўшлиқни танлади. Бу аҳдларнинг сўнггиси ва қайта тиклангани эди. У Ер юзасидаги барча миллатларни бирлаштириш учун юборилган эди.

Исломнинг соддалиги ўрганилиши керак бўлган тे-ран донишмандликдир. Бизнинг ақидамиз тўпори бўлмаслиги лозим. Энг соф, юксак ва муросасиз монотеизм Аллоҳнинг мавжуд ғоялар ичидағи энг тушунарли ғоясидир. Унинг ибодат тизими хоч, ибодатхона, коҳин ёки бутлар сингари ошиқча нарсаларни талаб этмайди. Ибодат учун фақаттинга инсон ва унинг Раббиси бўлса кифоя. Ҳаж ва умра бизни қадим замонларга қайтаради. Биз энг оддий кийимни киямиз ва энг мусафро бино атрофида ўзимизни рамзий марказ билан қайта боғлайдиган ибтидоий маросимни адо этамиш. Рамазон рӯзаси ҳам маълум бир вақтда бўлмайди, у бизни энг қадимги диний ибодат ва давомийлик анъаналари билан боғлайди. Аслида, баъзи бир уламоларнинг айтишича, рӯза тутиш диний рукнларнинг энг қадимийсидир. У Одам Ато билан Момо Ҳавонинг маълум бир дараҳт мевасини ейишдан тийилиш хусусидаги амрга итоат қилиб юрган даврларга бориб тақалади.

Инсон исломнинг ҳимоя доираси ичига қадам қўйиш билан кўхна соддалик ва юксак мақомга дохил бўлади. Ислом бизга ўзимизнинг халифалик, Аллоҳнинг ердаги ноиби мақомимизни қайтариб олишга ижозат беради.

Бироқ бу ҳол фақат ибодат вақти билангина чегараланиб қолмайди. Бир қарашга асосан ибодат қилиш ва бошқасига асосан яшаш руҳиятда зиддиятни вужудга келтиради. Бугунги кунда баъзи бир динлар ўз тарафдорларига кўнгил тусагандай яшашига йўл беради, бироқ 20-асрга хос турмуш тарзи ибодатгоҳдан ташқариладир. Ислом бундай ҳайётнинг бемаъни эканини билади. **Салом** вақтида илохий мавжудотга қаратса эътиборни жамлаш



бизнинг бошқа нарсаларга бўлган қарашимизни ўзгартириб юборади. Каъбадан бошқа томонга юзланганимизда сўз ичимида акс-садо бериб туради, биз ўнгга ва чапга қараб “Ассалому алайкум”, деймиз. Тугал ва муқаддас марказ билан қайта боғланиш ҳаётимизнинг қолган қисмига бўлган муносабатимизни ўзгартириб юборади. Китобда: “салот бузуки ва қўпол тийнатга изн бермайди”, дейилади. Агар у **хузур** — ақл ва рух иштирокида адо этилса, тийнатимиз аста-секин покланиб боради. Бемаза хатти-ҳаракатлар, қўпол сўзлаш, ўзгаларга ҳамдард бўлол-маслик бизнинг намозни нотўри ўқиётганимиз, бутун эътиборимизни Аллоҳга қаратмаётганимиз билан боғлиkdir.

Бунинг маъноси шуки, ислом бизнинг эътиқодимиз билан турмуш тарзимиздаги нарсаларни бир-биридан ажратмайди, яъни ибодатни йўлга қўйиш барча мусулмон жамоалари ислоҳотининг ибтидоси ва у бизни фақат масжидда жамoa бўлиб намоз ўқиган пайтда эмас, балки доимий бирлаштирадиган нуқта томон йўналтириши керак бўлади. Тўғри, ибодат амалларини эътибор қилмасдан ҳам бажариш мумкин, бироқ улар сарик чақага ҳам арзимайди. Ҳадисда: “Намоз ўқиётган киши бутун дикқат-эътиборини хис қилаётган нарсасига жамлаши керак”, дейилади. Ҳасан Басрий эса: “Қалб иштирок этмайдиган ҳар қандай ибодат мақтову мукофотга эмас, жазога лойикдир”, деган эди.

Биз дуч келаётган ҳамда турли руҳий ва ижтимоий шаклдаги барча мушкулотларга сабаб бўлаётган азалий муаммо — кўр-кўёна ибодат қилишимиздир: биз оғзимизни тўлдириб, Аллоҳу акбар деймиз, бироқ шу вактнинг ўзидаёқ бунинг маъноси нима эканини билмаслигимизни фош қилиб қўямиз.Faflat уйқусидан уйғониб, бир неча дақиқадан сўнг саломлашгач, автопилот ҳолига тушиб қоламиз.

Бу яхши эмас. Тананинг ҳаракатлари ва тилнинг танглай остида ракс тушиши ҳеч қандай фойда келтирмайди. Аслида **салот** сўзи мулокотни англатади. Электртга уланмаган чирокнинг бир чақалик аҳамияти йўқ ва электр **хушуъ** — дикқат бир ерга жамланган ҳолда тавозе қилиш ҳамда раббимизнинг буюклигини,



Ул зотнинг яқинимиизда турганини, илохий гўзаллик ва улуғворлик тажассуми бўлган Муқаддас Каъбанинг ақлни шоширадиган рамз эканини англаш орқали намоён бўлади.

Намоз бизни уйимиз — ерга олиб келади. Одам алайҳиссаломнинг исми адим — ер, лой маъносини англатар ва Аллоҳ: “Мен уни лойдан яратдим”, деган экан. Биз манглайимизни ерга босиш орқали аксилинсоний модернизм зўр бериб тиқишираётган мавҳум хомхаёллардан холи бўламиз ҳамда Аллоҳ яратган ва фоний ҳаётимизни эсга оламиз: “Сизни ўзимиз яратган нарсага қайтарамиз ва сизни ундан яна бир карра тирилтирамиз”. Ер билан уч марта тўқнаш келишнинг бирортасидан ҳам қочиб кутуломмаймиз.

Хадисда: “Бандаси ўзини ерга урган сари Раббисига яқинроқ боради”, дейилади. Биз фиръавнча фуур ва манманлик рамзи бўлган манглайимизни ерга қўйганимизда ва юрагимиз бошимиздан кўра баландрок бўлганида Аллоҳнинг **хулафоси** — ердаги ноиблари ва вакилларига айланамиз.

Ер юзидағи уммат бўлмаганлар мусулмонларчалик Аллоҳ яратган дунёга намоз ўқиши пайтидагидек интим муносабатда була олишмайди. Биз дунёни рамз ва ишоралар олами сифатида биламиз, вахий уни бизга қуйида-гича ўқишини ўргатади:

Осмонлар ва Ернинг яратилишида, тун ва куннинг ўрин алмашиб туришида ақл эгалари учун аломатлар бордир. Улар туриб ҳам, ўтириб ҳам, ётиб ҳам Аллоҳни зикр этадилар ва осмонлару Ернинг яратилиши ҳақида фикр юритадилар: “Эй раббимиз! Бу (коинот)ни беҳуда яратмагансан” ...

Намоз **зикр**нинг бир кўринишидир. Аллоҳ жанобимиз Мусо алайҳиссаломга амр қилди: “Бас, менгагина ибодат қил ва мени зикр қилиш учун намозни тўқис адо эт!” Аллоҳни ёд этиш Ул зотнинг инсоният учун ибтидо

⁷ Куръон, “Оли Имрон” сураси, 190—191-оятлар.

манбай эканини ва Ул зотнинг қўлланмаси Буюк Аҳд ва **базми аласт** – аласти бираффикум даъватини эсда тутишdir. Бизнинг жисман соф гўзаллик рамзи бўлмиш Каъба томон юзланишимиз унинг ибтидоий уйимиз эканига икрор қиласди, ўзимиз берган ваъдага содиклигимиз тасдири эканини намойиш этади ва эсга туширади. Бинобарин, намоз инсонлигимиз белгисидир.

Намознинг гўзаллиги, шарафи ва азалий ҳузури сабаби ана шундадир. Биз шу тариқа тасбех, таъзим ва сажда орқали Раббимизнинг шон-шуҳратига иймон келтирамиз. Шу тариқа биз Ул зотнинг олдида ичган онтимизни тасдиқлаймиз. Шу тариқа биз саййидимиз Мухаммад **саллаллоҳу алаихи вассаллям** қандай ўргатган бўлса, худди шундай ибодат қилишни зиммамизга оламиз. Шундай қилиб, ибодат суннатнинг энг юқори нуқтасига айланади. У диннинг рукнидир – “Кимки уни рад этса, динни барбод қиласди”. Бусиз ибтидоий манбамизни ва келиб чиқишимизни эсга олишнинг маъноси ҳам, аҳамияти ҳам бўлмайди.

Маълумки, ибодат инсониятга Меъроj кечаси ҳадя этилди. У Расулуллоҳнинг пайғамбарлик фаолиятидаги энг муҳим воқеадир: чунки пайғамбаримиз шу кеча Аллоҳ таолонинг улуғ аломатларини англамоқ учун Ул зотнинг ҳузурига чиқишдай буюк шарафга ноил бўлди. У Аллоҳ бизга иноят қилган ваҳий, яъни хиссият орқали англанган воқеиликнинг ифшосидир.

Пайғамбар (с.а.в.) Аллоҳнинг ҳузурида бўлганида унга танлаш имкони берилди. Унинг олдига шароб ва сут қўйиши. У сутни танлаганида Жаброил алайҳиссалом: **“Ҳудийта лил-фитра”** – “Сен фитратга ҳидоят қилиндинг”, деди. Фитрат инсоннинг ибтидоий, соф, табиий майлидир.

Бундай фавқулодда воқеа эҳтиёткорлик билан ёндашибшини талаб этади. Пайғамбарлик фаолияти, бинобарин, инсоният тарихининг фақат Аллоҳ билан бўлган олиймақом учрашув онларида фитрат ҳусусида сабоқ берилади ва у бизга суннатнинг бир қисми ва мағзи сифатида кўрсатилади.

Шароб ва сутдан бирортасини танлаш бузуқчилик ва софликдан бирини танлаш демакдир. Қуръонда сут **ҳо-**

лисан — соф деб таърифланади. Шароб эса, уни тайёрлаш жараёнидан ҳам маълумки, табиатдан узоқлашишини англатади. У ҳам табиий суюқлик, бироқ айниган ҳолатдадир. Шуниси ажабланарлики, янги дунёда хўрандалар айниган таом ейишни истамайди, бироқ айниган ва бузилган суюқликни истеъмол қилишни ёқтиради. Кайфсафо жараёни ҳам айнишдан ўзга нарса эмас. Шароб шишалари камдан-кам ҳолларда товарнинг сотилиш муддатини реклама қиласди.

Шундай қилиб: “**Худийта лил-фитра**”. Меърожнинг фаришта ривоят қилган пайғамбарлик кўрсаткичларидан муҳими шуки, фитрат унинг хусусиятларидан биридир. Ва у кенгайган сари суннатнинг хусусиятларидан бирига айлана боради, шу боис барчамиз унда иштирок этишга ҳаракат қилишимиз зарур.

Ислом хусусидаги қарашларимиз шу ерга етганда анча равшанлашди. Расулуллоҳ (с.а.в.) сахродаги оддий кўхна шаҳар — Маккада таваллуд топди. У оддий деҳқончилик шаҳри бўлмиш кўхна Мадинага ҳижрат қиласди. Унинг динидаги салотда қиёмига етган маросимлар мусаффолик ва қадимги инсоният нафасига ўхшаш нарсалар тилга олинади. Улар сизу биз яшаётган замонга хос эмас: улар бизнинг кунлардаги одатларни заиф ва шарафсиз қилиб қўяди.

Янги дунё табиатдан йироқлашаётгани учун саросимага тушиб қолган. Саноат булғаётган денгизлар, ҳаво ва дарёлар инсоннинг очкӯзлиги ва оддийликка нисбатан нафрати ифодасидир. Альцхеймер хасталиги, нафас қисиши, СПИД ва эркакларнинг бепуштлиги — турларнинг йўқолиб бораётгани хусусидаги жиддий огоҳлантиришдир. Рио-де-Жанейро конференцияси иссиқлик ажralиб чиқишини, бинобарин, айrim маҳсулот турларини ишлаб чиқариши камайтириш талабини илгари сурди, бироқ у динлари жозибасини йўқотгани туфайли кўнгил эрмаги билан шуғулланишга ва ўзи учун ибодат қилишга ўтиб олган одамлар эътиборини тортиши мумкин бўлган унтиқ **зүҳд**нинг аҳамиятини тушунтириб бера олмади. Оддий кишилар органик маҳсулот сотиб олиш, алоэвера шампунидан фойдаланиш, синтетик буюмларни ишлатишдан имкон борича қочиш орқали ўзларининг бу

борадаги хавотирини намойиш этмоқда. Бироқ бу ҳали мазмунга эмас, шаклга қайтишдир. Бирор киши ўз манбай ва тақдирига эга бўлган ҳамда инсониятнинг ибодатдан иборат ҳаётини қўллаб-кувватлаш учун яратилган коинотни ва Биру Борни астойдил тан олиш ўрнига “табиий турмуш тарзи”ни фақат ҳаёт тарзи деб билса, унга буни тушунтириб ўтиришнинг кераги ҳам йўқ. Биз мусулмонлар сифатида габийй яшаш тарзини афзал биламиз ва бу хўжакўрсинга қилинадиган иш эмас. Буюк Аҳднинг қайтиши ўзимиз учун яратилган меъёрлар асосида яшашимиз зарурлигини талаб этади. Шоҳ Валиуллоҳ ҳар бир тур учун шариатни жорий қилганини айтади. Ҳар бир тур янги одам босим ўтказмаган тақдирида ўша шариатга содик қолади. Бироқ инсоният ўз генлари, гормонлари, жинси, яратганга бўлган интим – ичкин ҳисларини унтишга, бузишга қодирдир. Бу дисфункция⁸нинг асл сабаби **куфр**дир, чунки биз куфр жараёнида асл табиатимизни ўзимиздан яширамиз.

Ўзимизнинг табиий меъёрларимизни тузатиш йўли суннат кўринишидагина очиқдир.Faқат мусулмонларгина ўз дини асосчиси сингари ибодат қиласи. Пайғамбар шаҳри Мадина ибтидоий шаҳар эди. Биз унинг юzlаридан нур ёғиладиган аҳолисининг намунали турмуш тарзига эргашиб, аслимизга қайтамиз. Бинобарин, суннат бизга янги замоннинг заҳарланган денгизидан бундай булғаниш пайдо бўлишидан олдин ғамланган маҳсулотлар билан озиқланиб, хавф-хатарсиз сузуб ўтишга имкон берадиган ҳаёт қайиғидир.

Келинг, Пайғамбаримиз (с.а.в) нинг турмуш тарзини эсга олайлик. Биз “турмуш тарзини танлаш” замонида яшаяпмиз, лекин биз фақатгина битта “турмуш тарзини танлаш”имиз мумкин. Модернизм улги олишимиз мумкин бўлган турли хил идеалларни намойиш қиласи: биз Мадонна ёки Моника Левински, ёки президент Елцин, ёхуд Майкл Жексонга ўхшашимиз мумкин. Муқобил номларни истаганча келтириш мумкин. Бироқ Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг нурли шахсиятини улар-

⁸ Дисфункция [нем. Dysfunktion < юнон. —]. биол., тиббиёт. Танадаги қайсиdir бир аъзо ёки система фаoliyatining бузилиши. — Тарж.



нинг ёнига қўйиб кўрсангиз, умуман, муқобилга ҳожат қолмайди. Пайғамбар учун инсонийлик Одам Ато комиллигиdir. Унда ва унинг турмуш тарзида бизнинг шароитимиз учун юксак имкониятларни қўриш мумкин. Шунинг ўзи гўзалликдир: Ул зотнинг исмларидан бири бўлмиш **жамил** – “гўзал” сўзи ҳам фазилатларидан биридир. Пайғамбарнинг Аллоҳ билан уйғунлик ҳолатини ифодаловчи **эҳсон** сўзи **хусн**, яъни гўзалликнинг хосиласидир.

Эътиборингизга пайғамбар гўзаллиги хусусида оғзаки суратга ўхшаш хотираларни ҳавола этамиз. Улар Имом Фаззолийнинг **Иҳия улум үд-дин** – “Диний илмларни жонлантириш” асарининг 19-китобидан олинган парчалардир.

“Аллоҳнинг расули кишиларнинг энг ҳалим табиатлиси, шунинг баробарида жасури ва адолатпарвари эди. Ул зот одамларнинг тақводори бўлиб, ўзининг **маҳрами** бўлмаган аёлнинг қўлига қўлини ҳам теккизмас эди. Ул зот ўта саҳиё бўлгани учун уйида бир кечада ҳадя қилинмай қолиб кетган на тилло, на кумуш танга бўлар эди. Мабодо, бериш учун бирор одам тополмай, бирор нарса қолиб кетсаю кеч кириб қолса, уйдан чиқиб кетиб, бирор эҳтиёжмандга бермагунча қайтиб келмас эди. Шунинг учун Аллоҳ унга оддий ва енгил таомлар: хурмо ва арпани тановул қилишни, қолган нарсаларнинг барчасини Аллоҳ йўлида ҳадя этишни раво кўрган эди. Ул зот ўзидан сўралган ҳадяни бермай қолмас эди. Чориги ва кийимини ўзи ямар, рўзғорига қарашар, оила аъзоларига гўшти майдалашда ёрдам берар эди. Ул зот одамларнинг ўта уятчани, бирор кишининг юзига кўп тикилиб қолмас эди. Озод киши ёки қулнинг таклифи ва ҳадясини, ҳатто у бир ютим сут ёки қўённинг бир оёғи бўлса ҳам, қабул қилас, ўрнига бошқа бирор нарса берар эди. Ул зот **садақага** берилган ҳеч бир нарсани ишлатмас ёки тановул қилмас эди. Жорияга жавоб қайтарадиган даражада мағрур ҳам, жанда кийим киядиган даражада камбағал ҳам эмасди. Ул зот фақат яратганинг номидангина ғазабланар, ўзига ва яқинларига зарар етган тақдирда ҳам ҳакиқат ва адолат устувор бўлиши учун қурашар эди”.

“Ул зот очлик туфайли белига тош боғлаб юрар эди. Ул зот келтирилган овқатни ер, ейиш мумкин бўлган бирор таомни қайтармас эди. Мабодо, хурмони нонсиз келтиришса, қайтармас, қовурилган гўшт бўлса ҳам ер эди; агар дағал арпа нон бўлса ҳам, асал ёки бошига бирор ширин нарса бўлса ҳам ер эди; мабодо, нонсиз фақат қатиқ бўлса ҳам қаноат қилгувчи эди”.

“Ул зот камбағаллиги ёки зиқналиги учун эмас, балки бошқаларни ўзидан устун қўйгани учун Аллоҳ билан учрашишдан олдин қаторасига уч кун, ҳатто, арпа нон ҳам емади”.

“Ул зот тўйларга борар, беморларни бориб кўрар, жанозаларда иштирок этар, ҳатто душманларининг орасида ҳам кўриқчиларсиз юрар эди. Ул зот энг тавозели, энг кўнгли очиқ ва кибрни билмайдиган зот эди. Ул зот узундан-узок сўзлашни ёқтиргмайдиган сўзга уста эди. Ул зот энг оҳанраболи зот эди. Ул зот **дунё**да ҳеч нарсадан қўркмас эди. Ул зот Яман жуббаси ёки жун чакмон, яъни кийиш мумкин ва қўлида бўлган кийимларни кийиб юрар эди. Ул зот нима гури келса, баъзан тuya, баъзан от, баъзан хачир ва баъзан эшакни ҳам миниб кетаверар эди. Ул зот баъзи вақтлар ялангоёқ ва салласиз ялангбош яёв юрар эди. У Мадинанинг бошқа бир чеккасидаги беморларни ҳам зиёрат қиласр эди. Ул зот мушк-анбарни яхши кўрар, қўланса ҳидларни ёқтиргмас эди”.

“Ул зот ўз қариндошларига нисбатан мушфиқ ва содиқ муносабатда бўлар эди, бироқ улардан ҳеч бирини иккинчисидан лавозимига қараб устун қўймас эди. Ул зот ҳеч кимни ҳақорат қиласр эди. Ул зот кечирим сўраган кишини кечирарди. Ул зот ҳазил қиласр, бироқ ҳеч қачон ёлғон сўзламас эди. Ул зот ҳеч қачон шарақлаб кулмас эди. Ул зот ижозат этилган ўйинлар ва спорт турларини томоша қиласр, аммо уларни танқид қиласр эди. Ул зот ўз заифалари билан пойга қиласрди. Ул зотнинг атрофидагилар овозини баландлатиб гапирган тақдирда ҳам сабр қиласр эди. Ул зотнинг битта қўйи булиб, оиласи учун унинг сутини соғарди. Ул зот ҳамроҳлари билан далаларни кезгувчи эди. Ул зот ҳеч қачон одамлардан камбағаллиги ёки хасталиги учун ҳазар қил-



мас, бирорта шоҳдан фақат шоҳлиги учун қўрқмас эди. Ул зот бойларни ҳам, камбағалларни ҳам ажратиб ўтири-
масдан Аллоҳга даъват қиласр эди”.

“Гарчи на ўқиш, на ёзишни билган бўлса-да, жоҳили-
ят ва қашшоқлик хукм сурган заминда на ота, на онаси
бўлган ҳолда етим ва чўпонлик қилиб камбағал кун ке-
чирган бўлса-да, Аллоҳ ул зотнинг табиатида барча эзгу-
ликларни жамулжам этган эди. Бироқ Аллоҳ ул зотга
инсон табиатининг энг гўзал жиҳатларини ва ҳар қандай
мақтодан юқори усулларини, анча олдин ва кейин ўтган
пайғамбарлар тарихини, охиратдаги нажот ва зафарни,
дунёнинг завқи ва фонийлигини, бурч бўлган рўза ту-
тишни ва кераксиз нарсалардан тийилишни ўргатган эди.
Аллоҳ барчамизга унинг измида бўлишни ва суннатига
риоя этишни насиб қилган бўлсин. Омин, ё Раббиль-
оламин!”

Имом Фаззолий чизган бу жонли сурат биз улти оли-
шимиз керак бўлган андозани, мутлақ гўзаллик соҳиби
бўлган инсон комиллигини тасвирлаб беради. Унинг
ҳаёти мукаммал яшалган ҳаёт эди. Инсоний комиллик-
нинг ул зот билмаган ва баён қилмаган бирор жиҳати
қолмаган эди. Ул зотнинг комиллиги эркакларнинг ко-
миллиги табиатан қандай бўлиши кераклигини кўрсатиб
беради. Ул зот буюк жангчи бўлган, Имом ал-Дарий-
мийнинг (ҳазрати) Алига асосланиб келтирган ҳадиси-
да шундай дейилади:

*Мен иштирок этган Бадр кунларидан бирида
биз Расууллоҳ (с.а.в.)нинг ҳузурида бошпана
тодик, ваҳоланки, у барчадан кўра душманга
яқин эди. Ўша куни ул зот барча жангчилар
орасида энг кучлиси эди.*

Ул зотга ҳамроҳлик қилган кишилардан бири унинг
от минишини тасвирлаб, қизил салла ўраган, қўлига
қилич тутган пайғамбар ҳақида мен ҳеч қачон бундан
гўзал манзарани кўрмаган эдим, деган экан.

Орадан 23 йил ўтиб, ул зот Арабистоннинг ҳақиқий
хукмдорига айланди. Ул зот ўзининг даҳоси ва Аллоҳ
инъом этган қобилияти, шахсиятининг жозиба қуввати

билин тарихда илк марта араб қабилаларини бирлаштириди. Ул зот раиятни қон-қонига сингиб кетган бутларга сифиниш ботқоғидан соф яккахудоликка олиб чиқди. Ул зот илк марта халқыга қонун асосида яшаши үргатди. Ул зот Мадинадаги масжидда ибодат қилиш тизими, үзни тийиш ва маънавий баракага асос солди. Бу ҳол кейинги сон-саноқсиз авлод мўминларига ва дин пешволарига илҳом ва таомил ҳадя этди. Ул зот Каъбанинг гўзаллигини таъкидлаш билан гўзалликни ҳамма нарсадан юксак қўйди; ул зот қилган ҳар бир иш гўзал эди.

Буларнинг барчасига эришганини фақат Аллохнинг марҳамати деб билар эди. Имом Фаззолий ёзганидай, ул зот энг сертавозе инсон эди. Ул зот сабр-тоқатли, хушмуомала, сахий ва ҳалим киши эди. Ул зот кишиларнинг ташки қўринишига эътибор бермас, аксинча, уларнинг руҳий дунёсини қадрлар ва ҳар доим кечирувчан эди. Ул зот Ер юзидағи энг кўпол ҳалқ бўлмиш Марказий Арабистоннинг содда бадавийларига ҳам тоқат қиласр эди. Улардан бири пул истаб, жаноби Расулуллоҳнинг бўйнига ўз жуббасини солиб кескин тортиб олган ва бунинг натижасида бўйни қизариб кетганда ҳам табассум қилиб, унга истаган нарсасини беринглар, деб амр этганлар.

Буларнинг барчаси ул зотнинг сабр-тоқатли экани туфайлидир. Ўзлик ва чалғиши ниқоби йитди: ул зот ҳар бир нарсани ҳақиқат воситасида қўрадиган бўлди. Ул зот ўзининг пайғамбарлик мақомини билар, лекин бу мақом билан фурурланмас эди. Ул зот: “Замин қиёмат куни биринчи бўлиб менинг қошимда ёрилиб очилади, мен бу билан мақтамоқчи эмасман”, деган эди. Ул зот ўз қадрини, Яратганини билар, бироқ мағурурланмас эди.

Ул зотнинг суннати дунёдан кетишини эмас, унда яшаши фарз қилган. Ул зот Ҳиро тоғидаги ваҳий келиши билан боғлиқ гаройиб ҳолатдан сўнг Каъбага юзланиб, Макка жамоаси томон тушиб келди. Ул зот узундан-узоқ тунлар ёлғиз ўзи Раббиси хузурида бўларди, **таҳажжуд** шакллари узоқ ва аниқ бўлар, Ул зот ҳамроҳларига ўзига тақлид қилишни тақиқлаб қўйган эди. Ул зот рўза тутишда ўзига нисбатан жуда-жуда талабчан эди, аммо бошқаларга бунга изн бермас эди. Ул зот ўз ҳаётида ҳам, ўзи бошқарган дунёда ҳам бафоят қаноатли эди.

Ул зот ҳақиқий **халифа** эди. Халифанинг “мен” и йўқ, у гапирса ҳам, бирор ишни қилса ҳам, хукмдорлик қилса ҳам фақат Аллоҳ учун, Аллоҳ номидан қиласди.

Шунинг учун суннатга амал қилиб яшаш одамнинг ички ва ташки комиллигининг ўзаро мусобақасини англатади. Суннатни енгил ва табиий тарзда ўзлаштиришимиз, биз улги оладиган нормал ҳаёт тарзи булиши керак. Ул зот: “Модомики, сизнинг орзу-истакларингиз, ниманидир афзал билишингиз, **ҳавоингиз** мен намуна қилиб кўрсатган тарзда бўлмас экан, ҳеч бирингиз **иёмонли** бўла олмайсиз”, деб тайинлаган эди.

Бугунги кунда мусулмон жамоаларида ушбу сабоқдан хуолоса чиқармаган кишилар кўпчиликни ташкил этади. Баъзи бир йўлидан адашган ҳамоқат ахли суннатга риоя килмай туриб ҳам руҳий комилликка эришиш мумкин деб ҳисоблайди. **Ислом**из ҳам **эҳсон** булиши мумкин, деган исломнинг ибтидосидан эътиборан барча мусулмонлар ва сўфийлар рад этган тушунча қалбакидир. Масалан, Имом Жалолиддин Румий бундай деган:

Токи руҳим бор экан, Қуръон хизматкориман.

Муҳаммаднинг йўлида ётган хоку хориман.

Кимики бул сўзимни ўзга талқин айласа,

Ул кишини янарман, сўзларин раффориман.

Бинобарин, биз ички комилликка интилиш бўлмай туриб, ташки суннатга амал қилишга даъво қилолмаймиз. Аксарият мусулмонларнинг хатти-харакатлари ушбу ички комилликка эътибор бермаслигини фош этиб қўяди. Модомики, биз ички дунёмизни тартибга келтириш устидага тер тўкмас эканмиз, ибодат килиш, ҳалол нарсаларни тановул этиш ва ташки суннатнинг бошқа жиҳатларини эътибордан қочирмаслик мусулмонликнинг бирёқлама ва чала кўриниши булиб қолаверади. Биз, мушук сичқоннинг уяси олдида пойлоқчилик килганидай, **нағсимиз** ва “мен”имизга эҳтиёт булишимиз лозим. Биз нурдай пок булиш учун уни не-не машақкатлар билан бўлса-да, вужуддан йўқотишумиз керак.

Саҳобалар миллионлаб чин христиан, буддавий, яхудий ва зардуштий эркак ва аёлни, ҳатто улар би-



лан сўзлашмай туриб ҳам мусулмон қилдилар. Куръон уларнинг тилларига таржима қилинмаган чоғлар айримлари маҳаллий тилларни ўргандилар. Бироқ улар борган жойдаги ҳақиқий самимият ва илтифотли, юксак мақомдаги ҳамда тамкин суннатнинг табиий гўзаллиги унга шоҳид бўлганларнинг юракларини асир эта бошлади.

Бугунги кунда қалбларини суннатга чоғламаётган, балки уни рад этаётган, шу билан бирга, унинг ташқи кўришиларига амал қилаётган мусулмонларни кўплаб учратиш мумкин. “Агар дағал, тошбағир бўлганингизда, албатта, (улар) атрофингиздан тарқалиб кетган бўлур эдилар”⁹. Муқаддас Куръоннинг ушбу оятини ўзимизча таҳрир қилгандай бўламиз. Мабодо, тўпчилар нимчасини, Док Мартин пойабзалини кийиб олган ва тажовузкор хулқ-атворли фаолларимиз 7-асрга бориб қолса эди, христианлар, буддавийлар ва бошқалар улардан жуда мутаассир бўлиши даргумон эди. Улар ва саҳобаларнинг ўзи бундай фаолларни ғазаб ва қолоқлик ҳиссига қул бўлган ва асл номи **ҳилм** эмас, тажовузкорлик бўлган диний оқим таъсирига тушиб қолган омадсизлар деб атаган бўлур эди. Ҳалимлик Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг юксак фазилати бўлиб, бунингиз ул зот хеч қачон бунчалик кўп қалбни забт эта олмас эди.

Хулоса жуда оддий. Исломнинг ўзи оддий дин. Бу дин бизни табиат ва Аллоҳ билан қайтадан бирлаштиради. У инсон табиатига босим ўтказмайди, аксинча, уни шарафлайди. У бизга Одам Атонинг муҳташам қувватини намойиш этади ва уни барча исмларни ўзида жамулжам этган зот сифатида кўрсатиб беради.

Қай биримиз табиатдан, гўзалликдан, авлиёлардан йироқ яшасак, юракларимиз ғазабнок, жоҳил ва бесаранжом бўлади. Бироқ суннат дегани бу эмас. Суннат дунё одамнинг кўзига қанчалик коронфи кўринмасин, зулм қанчалик кучли бўлмасин, хеч бир япроқ Аллоҳнинг иродасисиз узилиб тушмайди, деб ишонищdir. Ниҳоят, ҳамма нарса яхши бўлади. Коинот ҳам, тарих ҳам ишончли кўлдадир.

⁹ Куръон, “Оли Имрон” сураси, 159-оят.



Бу Расулуллох (с.а.в.) нинг эътиқоди эди. У бизнинг ҳам эътимодимиз бўлиши керак. Кўпчилигимиз Каъбадан тараладиган ҳаловат ва гўзалликка мутлақо алоқаси бўлмаган маънавиятсизлик, ахлоқсизликка ёки ваҳимага, экстремизмнинг бемаъни ва чиркин кўринишларига етаклайдиган тушкунликка мубтало бўлганмиз. Бироқ ислом донишмандлик ва мувозанатга буюради. Бу ўрта йўлдир. Қандай вазиятга тушиб қолганимиздан қатъи назар, бунинг иложи бор, унга амал қилишимиз мумкин. Биз бугунги дунёнинг баҳтли умматларимиз. Баҳтимиз шундаки, фарбликлардан фарқли ўлароқ, бизни ҳалиям гўзалик бирлаштириб туради. Бошқа сўз билан айтганда, биз ким эканимизни ва нима қилишимиз кераклигини яхши биламиз.



IV б о б

МАДИНАНИНГ ҚОРИШИҚ ТАРОВАТИ

Тинчлик — худонинг иродаси.

(Т.С. Элиотнинг “Farb адабиётининг теран йўналиши” асарига Дантедан олинган иқтибос)

Ислом ўз асосчисининг ҳаёти хусусидаги маърузаларда гоҳ ажралган, гоҳ қўшилган кенг миқёсли анъаналар мажмуудир. 20-аср Расулуллохни турли-туман, баъзи ҳолларда ақл бовар қилмайдиган йўллар орқали қайтадан кашф этди: тинчликпарвар Ҳасан Аскарий, ашаддий социалист Мустафо ас-Сибойй, учинчи дунё вакили, мустамлакачиликка қарши қурашган қаҳрамон Али Шариатий фаолияти мисолида буни қўриш мумкин. Шунингдек, араб миллатчиси (Мишель Афлақ), нищечча ёки камида бергсонча суперодам (Аллома Иқбол), эко-жангчи (Фазлун Холид), феминист (Фотима Мернисси), архиконсерватив (Қирол Фахд), олим (А.Зиндоний ва Морис Букаилле), метанаррацияларнинг постмодерн душмани (Фарид Эсакк), тарихдаги илк демократ (Мухаммад Асад). Динларнинг таниш ва эҳтимол ўзини бутунлай бошқатдан танишга бўлган буҳронли салоҳиятини ўзида акс эттирувчи, юзаки қараганда, асрлар ўтса-да, ўзгармай қолувчи кишиларнинг бундай рўйхатини истаганча давом эттириш мумкин. Лекин ранг-баранглик алалоқибат иерархияга эмас, ҳокимиятга, тарихчиларга, энг мушкули, ислом тарихида такрорланиб турадиган, эҳтиёткорона бир тарзда қилиниши право деб тавсифланадиган пайғамбарга бўлган садоқат намунасига мос бўлиши керак. Мен Мадинанинг ўзига хос таровати хусусидаги тавсифларга ўтишдан олдин баъзи бир иқтибосларни келтириш орқали, ушбу намуналарни мисол қилиб кўрса-



тишни таклиф этмоқчиман. Исломнинг файридинлар учун жуда оз таниш бўлган жихати саналмиш бундай намуналар ҳиссий самимиятнинг бир куринишидир, бу ҳол динга хос бўлмаган нарсадай туюлади¹. Бундай мисоллардан бири Расулуллоҳнинг олдинги бобда зикр этилган мънавий комиллигидир. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Расулуллоҳ шафоат сохиби сифатида

Расулуллоҳнинг қиёмат куни гуноҳкорларнинг гуноҳини сўраб оловчи бўлишига оид ақидасини барча анъанавий ҳокимиятлар тан олади. Кўплаб диний асарларнинг яратилишига айнан ана шу мавзу – шафоат масаласи асосий сабаб бўлган. Мен бу ўринда шоир Абдураҳмон Жомий (вафоти 1492 й.) нинг шу мавзуга бағишланган шеърий достонидан мисралар келтирмоқчиман. У форс ҳамдлариининг барчасини қофозга тўқади, лекин шунга қарамай, сўзларининг самимийлиги яққол сезилиб туради.

О пайғамбарлар мұхри, сахий эътиборингизни дариг тутмангизким, Аллоҳнинг расули вафотидан сўнг дунё етим қолди.

Сиз уларнинг ва улар мұхрларининг сўнгги-си эдингиз.

Сиз нега баҳтсизлик домига чўккан ва омад юз ўғирган умматларингизни назар-писанд қилмай ташлаб кетдингиз?

О, расули акром, сиз ўзингизнинг абадий навқиронлигиниз билан бу дунёнинг кўркисиз, ором уйқусидан турингиз, бизнинг юракларимизни йўлбошлик нурингиз билан тўлдирингиз.

Ҳаёт ва кундузнинг нури бўлган, Аллоҳ ёрлақаган сиймонгизни кўрсатмоқ учун нигоҳингизни Яман жуббасидан кўтарингиз.

¹ Бунинг ваххобийлик билан анча мос келадиган жихатлари бор.

Бизнинг пушаймонларга тўла тунларимизни (Аллоҳ) ёрлақаган кундузларга айлантирингиз, кундузларимизга омаддан тож кийдирингиз.

Энди эса эгнингизга хушбўй атиrlар анқаган кийимларингизни, бошингизга эса оқ дасторни кийингиз.

Сочингизнинг қорамтири ва бебаҳо жингаллари осилиб турсин, уларнинг сояси муборак пойингизга тушсин.

Оёқларингизга Тоиф тогининг чоригини киинг ва уларнинг ити ўрнига сизга садқа бўлган жонимизни боғлангиз.

Бутун коинот сизнинг оёқларингиз остига сочилмоқ истайдур ва у сизнинг босиб ўтишингиз шарафига мұяссар бўлмоқ илинжиладир.

Ўз қабрингиздан туриб, расуллуллоҳ масjidига ташриф буюрингиз, токим бизлар пойи қадамингизга бошимизни қўйиб, лабларимизни босайлик.

О расули худо, эҳтиёжманделарга боштана бериб, сизга бўлган муҳаббатга лиммо-лим ўракларга тасалли берингиз.

Бизлар – гуноҳларимиз уммонига гарқ бўлаётган гуноҳкорлармиз. Сизнинг ҳидоятингизга амал қилишга бўлган интилиш чанқоги босилмайдур.

Сизнинг хоки пойингизга келиб, кўзимни Мадина тупроғи билан поклайдиган кун мен учун энг муборак кундир.



Сизга бўлган мұхаббат жазавасидан ҳушимдан айрилиб, юрагим тўлқинланиб, вужудим ҳис-ҳаяжонга тўлиб, қабрингиз ва Яшил гумбаз атрофини кезажакман.

Сизнинг шарафли меҳробингизга бориб, сизга бўлган мұхаббатимдан оқариб кетган юзимни унга қўяман ва у саргайиб, тилло рангини олади.

Сўнгра ўз қалбимниңг амрини адо этариқ, сиз салот қилган жойга бориб ва у ерда туриб, қадамжонгиизни қоним билан юважакман.

Гарчи айни пайтда вужудим сизнинг ҳузурингизда ҳозир бўлмаса-да, Аллоҳга шукрлар бўлсинким, руҳим мен учун ўша жойдадир.

Аллоҳум сизни кўпгина ёмон гуноҳларимизни сўраб олгувчи қилди, акс ҳолда биз йўқ бўлиб кетар эдик.

Биз ўз гуноҳларимизга ўралашиб қолгани мизда, сиз салот учун бошингизга (салла) ўраб: “Менинг умматларимни кечир, Аллоҳум, уларни кечир!” дея хитоб қилганча қиёмат майдонига етиб келасиз.

Шоядки, Жомий ҳам сизнинг муборак саъи ҳаракатларингиз ва улуг зотларнинг ёрлақаши туфайли шафоатга эришганлар ва афв этилганлар сафида бўлса.²

Расулуллоҳ шахсий намуна сифатида

Аксарият илоҳиётшунослар пайғамбар айни пайтда ўз қабрида **барзах**, яъни ушбу ва нариги дунё орали-

² Shaikhul Hadith Maulana Muhammad Zakariyya, *Virtues of Salaat Alan Nabi* (Johannesburg: Waterval Islamic Institute, 1983), 197 – 200.

ғида — “бўғиз” да истиқомат қилаётганини тан олишади. Мусулмонларнинг улуғларга хурмат юзасидан пайғамбарнинг йўл кўрсатиш учун руҳонийлар тушига кириб туришига ишониши кўп учрайдиган ҳолдир. Мана бу қирқ кунлик чилла ўтиришда юритилган кундаликнинг замонавий мисолидир:

Мен салот қилишим билан кўз олдимда аниқ ва тиник бир қиёфа намоён бўлади: ул зотнинг нозик, айни пайтда бақувват, териси бир оз қорайган қўллари, худди шундай яланг оёқларини ва қўнгир чармдан тикилган чоригини кўраман. Жуда яқин турганим туфайли бўлса керак, юзи ва бошини кўра олмайман. Бироқ ўзимни кўраман. Ул зот мени қизалоқлик пайтимда бувам тиззасига олиб ўтиргандай тиззасига олиб ўтиради ва бағрига босади. Пайғамбарнинг тиззасида ўтирган ҳолатимга нигоҳим тушиши билан мен ўзимнинг кўз ўнгимда яшарив кетаман. Ниҳоят, узоқ йиллар олдинги жамалаксоч қизчага айланиб қоламан. [...]

Мен ул зотдан ўз юрагини кўрсатишни, мени юрак ҳасби ҳоли ва фақирликка ўргатишни илтимос қиласман. Ул зот кўкрагини кўрсатиш учун кўксини очади, унинг юраги шуъла таратувчи ва акс эттирувчи кўзгуга, ўзининг оташин тафти билан ҳар қандай нарсани куйдирив кул қилувчи, тасвирига тил ожиз даражадаги тоза, кумушдай шаффоф нур таратувчи қуёшга ўхшар эди. Унинг оташига чидаб бўлмас, шу билан бирга, қаршилик ҳам кўрсатиб бўлмас эди гўё. У ҳар бир ортиқча нарсани кулга айлантирас ҳамда бўм-бўш ва тоза нарсаларни ёқиб юборар эди. Мен ул зотнинг порлок, ҳар бир нарсани тешиб ўтувчи нурли қиёфаси олдида ҳамда кучли қўлларида ўзимни анча вақт бехатар сездим.³

³ Michaela Izelsel, *Forty Days: The Diary of the Traditional Solitary Sufi Retreat* (Brattleboro, 1996), 84–5.

Сирлиликнинг прототипи сифатида

Айтишларича, Румий Америкада энг кўп ўқиладиган шоир экан⁴, бироқ унинг янги асрда таржима этилаётган шеърлари, тўғрироғи, шеърий “версиялари” ҳам Американинг исломни астойдил ёмон кўришини инобатга олиб, амалга оширилмоқда, яъни бу таржималарда ислом шоир қараашларининг асоси сифатида асарларидан чиқариб ташланган. Унинг асарлари аслиятда мағрур жаранглайди, у бизга экзотерик⁵ хуқушунослик докторининг гапларини маъқуллаб бош иргаши каби эмас, аксинча Румийнинг идеали, “Аллоҳнинг устурлоби”, комил авлиёнинг руҳий даъвати бўлиб жаранглайди. Румий: “Ул зот — менинг ҳабибим, ул зот менинг табибим, ул зот менинг устозим, ул зот менинг дардимга дармондир”, деб хитоб қиласди. “Ул зотнинг ҳаёти бир қатор тасвирлардан иборатдир, уни тушуниш кузатувчини бутунлай ўзгартириб юборади, ул зот “файласуфнинг тоши” бўлиб, кўрошин юракларни олтинга айлантиради.

Бир неча узун ҳадисларда пайғамбарнинг Куддусдан Меърожга чиққани хусусида ҳикоя қилинади. Хусусан, Жаброил Аллоҳнинг хузурига борганида Мухаммадга ҳамроҳлик кила олмагани қайд этилади. Румий пайғамбарнинг маслагида энг илохий лаҳза сифатида унинг сирли парвозини кўрсатади:

Муҳаммад Лот дарахти, Жаброилнинг қўриқчилик марраси, мақоми ва ҷегарасидан ўтгач, Жаброилга: “Юринг, менинг ортимдан учинг!” деди. Жаброил: “Бораверинг! Бораверинг! Мен сизнинг тенгингиз эмасман”, деди. Ул зот: “Келинг, о пардаларни ёқувчи зот! Мен ҳануз зира — энг юқори нуқтага етмадим”, деди. Жаброил: “О, сизга ҳамду санолар бўлсин! Мен

⁴ Coleman Barks, introduction to *Lion of the Heart* (London: Penguin Arkana, 1997).

⁵ Экзотерик (юнон. exoterikos — ташки) — диний маросимларнинг оммага мўлжаллангани маъносида. — Тарж.



ушбу чегарадан нари ўтсам, қанотларим күйиб күл бўлади”, деб жавоб қайтарди. [...]

Муҳаббатнинг машаққатли бўронида ақл пашшага айланади. Ақллар у ерда қай тарзда сайди қилиши мумкин?

Саёҳат Лот дарахтидан ўтгач, Жаброил Мұхаммаддан ортда қолди: “Агар мен саёҳатни давом эттирасам, куйиб күл бўламан, у жойда фақат муҳаббат ва йўқлик бор”.

Румийга кўра, Жаброил – ақл тимсоли, ақл, барча мистик қараашларнинг кўхна ташбеҳига асосан, Аллоҳга етиб бора олмайди. Фақат пайғамбарнинг муҳаббатдан иборат бўлган сирли оти – Буроқ Лот дарахтидан кейинги манзилларга бўлган саёҳатни амалга ошириши мумкин.

Ушбу *sacrificium intellectus*⁶ дан сўнг Расулуллоҳ янаям мўъжизавий бир тарзда дунёга қайтади, ул зот мусулмон авлийсининг асл намунасиdir. Эсингизда борми, буддавийликда ҳам боддҳисатва⁷ нирванага эришганидан сўнг орқага қайтади. Чунки юксак ҳамдардлик ҳисси уни маърифатсиз кишиларнинг хизматида бўлиш учун қайтаради, айни шу ҳол пайғамбарни мистикага – **фанодан** сўнг **бақо** парадигмасини яратиш учун ерга қайтишга ундаиди.

Унинг пайғамбарлик иши “ошиқча юкни елкага олишдек азиятли ва изтиробли”дир, зоҳидона ва мистик хаётни севишнинг баҳоси шу. Румийнинг айтишича, пайғамбар ҳаётининг Маккадаги заҳматлардан бошланган журофияси руҳий саёҳат намунаси сифатида муҳим аҳамиятга эга:

*Расулуллоҳ Мадина тарафга сафар қилмади,
Бироқ бир подшолик топиб, юзлаб заминлар
ҳукмдори бўлди.*

⁶ *Sacrificium intellectus* (лот.) – “аклни курбон қилиш”.

⁷ *Боддҳисатва* – Махаяна буддизмидаги нирвана – олий лаззатга эришган, бироқ изтироб чекайтган кишиларга ҳамдардлиги туфайли ундан қайтган киши. – Тарж.



Макка пайғамбар таваллуд топған жой, бөг-роғлар ватанидир. Сұғиілар ундан ям-яшил воҳага етиб бориш учун саҳрода йўл олишади. Бу воҳа – жаннат нишонаси, у сұғиі(лар)нинг рухий подшолиги, биродарлик макони ва мангаликни кутиш жойига айланади. Бироқ пайғамбар бутларни вайрон қилгани ҳамда унга йўлдош бўлмаган ва ҳануз “сояда яшаб юрган” кишиларга подшолик ҳақидаги хабарни етказгани Маккага қайтиб келади.

Румийга кўра, Мадинаға ҳижрат қилиш *via purgativa*⁸ нинг бир кўринишидир. Ушбу шаҳарда Аллоҳ тартибини ўрнатиш учун кураш уни намоён қилгувчи ҳар бир юракда ҳам худди шу тартибни ўрнатиш билан чамбарчас боғлиқдир. Румий билган Аллоҳ одил, баъзан шафқатсиз, шунингдек, раҳмдилдир. Шунинг учун ҳам унинг ноиби (**халифаси**) бўлган пайғамбар ўз тийнатида Ул зотнинг комиллигини гавдалантириши, шунинг баробарида Ер юзида Улуф Жаноб (**жалол**)нинг илоҳий исмларини ва уларнинг гўзалликлари (**жамол**)ни оммалаштириши керак. Шундан бери Аллоҳ кечиради, пайғамбар ҳам кечиради, Аллоҳ одиллик қиласи, пайғамбари ҳам одиллик қиласи. У “Аллоҳнинг Ер юзидаги яхшилик ва ёвузлик тортиладиган тарозисидир”. Унинг қўлидаги Куръон диндошлирига Ваъда этилган Заминга йўл кўрсатган Мусонинг ҳассаси кабидир, Айни пайтда у мақтандоқлик ва эътиқодсизлик туфайли гуноҳга ботганларни ямламай ютади.

Шундан буён пайғамбарнинг, худди Мусоники сингари, одамларни йўлдан оздирувчи, манман, ёруғликдан шайтонларча қўрқадиган душманлари бор. Бироқ у, гарчи адолатга таянса-да, бутунлай бетарафдир. Унинг ўзи – “ой, ҳамроҳлари эса юлдузлар кабидир, осмон жисмларини итларнинг хуриши ўз йўлидан қайтара олмайди”⁹.

Инсонлар сарвари бўлмиш жаноб пайғамбар Аллоҳнинг буюклигини ўзида мужассам этади. Бироқ Румий

⁸ *Via purgativa* (лат.) — одамнинг ўзини-ӯзи поклаш йўли.

⁹ Schimmel, 284.



бу ҳолни Расууллоҳнинг теоморфик¹⁰ тийнати исботи деб ҳисобласа-да, аслида пайғамбар Аллоҳ раҳмдиллигининг ҳазинабонидир; Аллоҳнинг ўзи эса қаҳҳордир, Ул зот ўз пайғамбарига “менинг раҳмим қаҳримдан кўнроқдир”, дейди.

Муҳаммад “дунёларга раҳмат” қилиб юборилди¹¹ ва у Мутлақ Ҳақиқат Уммонидан дунё аҳлига марваридлар, балиқларга эса осойишталик улашиб туради¹².

Кейинги мулоҳазалар

Баъзан протестантизмнинг муқаддас битикларига ўхшаш нарсалар таъсирида нотўғри шаклланган дунёвий қарашлар замонавий Фарб шарҳловчиларини Румий ва анъанавий ислом тарафдорларига қадрли бўлган мавзулардан йироққа бошлаб кетиб қолди. Бундай шарҳловчилар мусулмонларнинг художўйлигига бефарқ қарашган ҳолда пайғамбарнинг кароматларга тўла маънавиятига қизиқмайди.¹³ Фрейдга кўра, Эрос ва Танатос инсониятнинг эс-хушини банд қилиб олган, бизнинг буюклигимиз ва заифлигимиз учун масъул бўлган эгизак тушунчалардир. Баъзан пайғамбаримизга берилган христианлик ва христианликдан кейинги давр баҳолари иккала ҳолда ҳам салбий кўринишга эга бўлди.

¹⁰ **Теоморфикс** (юнон.) theos – “худо”, morph – “шакл” сўзларидан.
Тарж.

¹¹ Куръон, “Анбиё” сураси, 107-оят.

¹² Schimmel, 283.

¹³ Миссионер муаллиф Кеннет Креттнинг пайғамбарни Инжил кўзгусида талқин этиши ғалати чалкашликларни келтириб чиқаради. Худди Авлиё Павел каби у ҳам Асосчининг ҳаётига најкотни кутиши нуктаи назаридан ёндашади ва Асосчи аслида нима деганига эътибор ҳам берииб ўтиrmайди. Шундан сўнг Кретт ўзининг пайғамбарга баишланган китобида уни гапиртиrmайди. Шунинг учун муаллиф пайғамбардан иктибос келтиришдан ўзини тийган ягона биограф бўлса ҳам ажаб эмас. У пайғамбар маънавиятини тан олишни истамайди, унинг яқинда чоп этилган салотлар тўпламида пайғамбарнинг Аллоҳга муножотлари уларни йиккан марҳум улуғларга нисбат берилади. Масалан, пайғамбарнинг: “Э, Аллоҳ, менинг юрагимни нуринг билан мунааввар этган...” деган машҳур муножоти Имом Фаззолийга тегишли дейилади. K. Cragg, *Common Prayer: A Muslim Christian Spiritual Anthology* (Oxford, 1999), 18. Шунингдек, Кретт пайғамбарга нисбат бера олмайдиган, лекин унга тегишли бўлган ‘God, Thou art peace ...’ (Р.69) (Аллоҳ, тинчлик сенинг санъатингдир...) салотига ҳам каранг.



Эрос

Ибн Арабий сингари мистикларга кўра, пайғамбарнинг муборак жинсияти Аллоҳ билан муштаракликнинг нуҳта ва аниқ эротик рамзи экани христианликка қарши тангрининг ўзи бошлаган риторик мунозарадир. Бу ҳол Расулуллоҳ замонига келиб жинсий фаолликни ҳақиқий гуноҳ деб, бокираликин эса фаришталарга хос фазилат деб хисоблаш одатга айлангани билан изоҳланади. Пайғамбар қўпчилик ҳолларда зоҳидона турмуш кечирар, 24 соатлик “Довуд рӯзаси”ни тутар, лекин буни саҳобаларига тақиқлар эди. Бизга айтишларича, унинг уйи деразасиз, шифти паст, қопнинг бир бўлағи эшик вазифасини ўтар эди. Ҳозирги кунда ровийларнинг маълум қилишича, пайғамбар осойишта лаҳзаларда намоз ўқиётиб, ёш хотини Ойшага танбех бериш мақсадида унинг оёқларини четга суриб қўяр экан. Бу ўз уйида танҳо курашаётган саҳро оталари садоқатининг олис хайқириғидир.

Ҳанс Кунг пайғамбарнинг “хиссий турмуш тарзи”ни миссияга қарши ҳақиқат деб баҳолайди ва минг йиллик христиан мунозарасини заиф бир шаклда давом эттиради. Анъянавий мусулмонлар қўпхотинлик Расулуллоҳ комиллигининг шубҳага ўрин қолдирмайдиган белгиси ҳамда Иброҳим ва Сулаймон пайғамбарларнинг фавқулодда гўзал патриархати давом эттирилгани исботи деб билади. Бироқ ўрта асрларда яшаган христианлар ҳам авлиёлик, ҳам жисмоний етуклик мужассам бўлишини тасаввур қилиша олмас эди. Пайғамбар ўз умматларини “табиат боғи”да яшашга ундар, у *les venerea* жума куни (жамоа бўлиб) намоз ўқишини Венера — Зухро сайёраси кунидан олган эди.¹⁴

Ўрта асрларнинг шунга үхшаш мунозаралари жинсиятга бўлган муносабатнинг христиан дунёсини саросимага соладиган тарзда кескин ўзгариши оқибатида тумандай тарқаб кетди. Бугунги кунда ҳар бир киши инсон табиатининг тарихан кўкларга қўтариб мақталган никоҳ-

¹⁴ Norman Daniel, *Islam and the West: The Making of an Image* (Edinburgh University Press, 1960), 145.

сизлик ваъдаси туфайли бузилиши оқибатида қанчалар надомат чекканини қўриши мумкин¹⁵ ва Кунгнинг тараддуланиши ҳозирда йўқолиб бораётган беҳуда уятчанлик сарқити бўлиши мумкин. Бу ўринда гап жинсий бақувватликнинг маънавият билан уйғунлиги хусусида эмас — ислом бу мунозарада ғалаба қилган кўринади — аксинча, кўпхотинликнинг ахлоқий мақомига бориб тақалмоқда. Мен бу ўринда Босниянинг маданият вазири билан бўлган суҳбатимни эсга олмокчиман. Бундан бошқаси гапимни тасдиқлаш учун далил бўла олмайди. Унинг айтишича, Босния ҳукумати муслима аёллар гурухлари нинг кўпхотинликни қонунийлаштириш билан боғлиқ кучли босими остида бўлган, бироқ маҳаллий христианлар ва ҳалқаро кузатувчилар бунга қарши бўлгани учун уларнинг талаби амалга оширилмаган. Боснияда рўй берган уруш аёллар сонининг эркакларга нисбатан ошиб кетишига сабаб бўлган. Айтишларича, Ироқда бундай тенгсизлик бир миллион кишидан иборат экан. Менга ҳам суҳбат бўлган босниялик вазир: “Ҳар доим токчада тургандан қўра ярим эркакка эга бўлиш яхшироқ”, деган эди.¹⁶

Исломдаги кўпхотинлик ҳам ундан олдин қарор топган яхудийлар кўпхотинлиги каби қабилаларнинг ўзаро урушлари оқибатида вужудга келди. Бундай кўпхотинлик бева аёлларнинг жамиятга қайта қўшилишини таъминлаб берган ягона механизм эди. Пайғамбар араб йўлбошчисига хос фаолият қўрсатар эди. Ул зотнинг

¹⁵ Марина Уорнернинг Мариянинг бокиралиги хусусидаги китоби “*Alone of All her Sex*” назарда тутиляпти.

¹⁶ Фарб норматив никохи ва муносабатлар кодексининг барбод бўлишига дуч келган замонавий мутафаккирлар ушбу ибтидоий тутим (кўпхотинлик) га йўл-йўрик сифатида амал кильмоқда. Брин Мор университетининг антропология профессори Филип Килбрайд якинда чоп этилган *Plural Marriage for Our Times: A Reinvented Option* (“Бизнинг замон учун кўпхотинлик: қайта кашф этилган танлаш”) китобида бу масалага бўлган қизикишини ошириб юборди. Одрей Чэлман *Man-Sharing: Dilemma or Choice* (“Инсонни бўлиши: дилемма-ми ёки танлашми?”) деб номланган янада қизикроқ тадқикот яратди. 1996 йили аёлар ҳукуклари фаоли Адриана Блейк *Women Can Win the Marriage Lottery: Share Your Man with Another Wife* (Аёллар никоҳ лотереясини ютиб олишлари мумкин: ўз эрингизни бошка аёл билан баҳам кўринг”) деган китобини чоп этирди. Христианлар (мормон бўлмаганлар)нинг кўпхотинлик харакати кучайиб бормоқда. Масалан, www.polygamutpage.comга каранг. Унда Британия черковларига келувчилар орасида бир эркакка икки ўндан зиёд аёл тўғри келади.



битта хотинидан бошқа барчаси бева аёллар әди. Ўша вакт нұқтаи назаридан қараганда, аксарияттинг ёши анча үтиб қолган әди.

Замонавий апологетика¹⁷ нинг табиати шунақа: бирок анъянавий мусулмонлар бундай талқинни тан олмаслиги мумкин, чунки бундай талқин фактнинг ортига яширинган бир нұқтани эътибордан қочириши мумкин. Бу нұқта үша аёлларнинг қайта никохга кириш билан ҳаворий ва ҳақиқий диндорга айланиши, үз ҳаётини “махлукларнинг сардори”, яъни әрқаклар билан баҳам қуриб, “таквадорларнинг онаси” бўлишдай гўзал баҳтга мушарраф бўлишини англатади.

Танатос

Албатта, Ҳамлетни “шафқатсиз омаднинг камон ва ёйларидан азият чекиб туриб ҳам хаёлан аслзода бўлиш мумкинми ёки ӯзингни мушкул аҳволга солган денгизга кўл кўтариб, мушкулотларни қунпаякун қилиш керакми?” қабилидаги иккиланиш қийнайди. Бу ердаги ӯзини курбон қилиш учун аслзодаликни танлаган христиан (ва баъзи бир дунёвий) ҳукмлар салбийдир. Лютеранларнинг дин тарихига “икки подшолик” деб аталган принцип асосидаги ёндашуви таъсирида бўлган Кеннет Крэгг бу ҳолни Мұхаммаднинг ӯзини тинч йўл билан курбон қилган Исо Масихга нисбатан қўйироқ мақомдаги рухоний бўлганининг бош исботи сифатида келтиради. Унга кўра, Румийнинг ҳижратга оид маънавий талқини фалати ва тарихийликдан холи бўлган терс бир нарсадир. У пайғамбарнинг “жамоа учун, қарши туриш учун, ташқи фалаба учун, тинчлантириш ва бошқариш учун” сочмасига кўзи тушиб, айюҳаниос солади.¹⁸

Пайғамбари ӯзини Исо Масихнинг издоши деб била-диган ва уни ҳурмат қиласидиган мусулмонлар Крэгнинг бир-биридан кескин фарқ қилувчи иккита чигал вазиятга

¹⁷ Апологетика [нем. Apologetik < юнон.]. 1. Илохиётшуносликнинг бир бўлими бўлиб, унда асосий диний тасаввурларнинг тўғрилиги исботи баён қилинади. 2. Бирор киши ёки нарсани химоя қилиш, кўкларга кўтариб мақташ. – Тарж.

¹⁸ Cragg, *Call of the Minaret* (OUP, 1956), 93.

илохий ечим топиб бериш учун юборилган икки кишини бир-биридан ажрата олмаганига ҳайрон. Христианлар, исошунослик нұқтаи назаридан, Исони устун деб эътироф этишга мажбур. Бирок асл вазиятдан хабардор булиш үзаро солишириш чоғида, ҳеч бұлмаганда, оғмачиликка йўл қўйишдан қочишга хизмат қилиши керак-ку. Яқинда илохиётшуносликда рўй берган бурилишлар бу үзгаришини тасдиқлайди. Пайғамбарнинг жинсияти билан боғлиқ мунозаралар сунгти 50 йил ичида жимиб кегди, энди унинг сиёсий ҳаёти билан боғлиқ тортишувлар ҳам орадан кўтарилиши мумкинми? Барча христианлар Крэггнинг қарашларига қўшилмаслигини англаған ҳолда, дунёнингadolatsizliklariiga ахлоқий жиҳатдан энг тўғри жавоб ҳаракатсиз ва таҳаммулли гувоҳликдир. Бугунги кунда Қайсар оёқости қилган деб хисобланаётган ишларнинг амалий оқибатларини қайта баҳолаш истаги кучайиб бораётиди. Энг даҳшатлиси, XX асрнинг энг катта таъсир кучига эга бўлган черков арбобларидан бири Паюс XII нинг айби “даврнинг энг қора кучлари билан ҳамтовоқлик”¹⁹ да эди. У хижратнинг қайси фаол, мардона наррациясидан баҳра олганки, сиёсати бундай чекловларга дучор бўлган?

Бунга ӯхшаш тахминлардан фойда йўқ, бирок биз ӯз-ӯзимиздан, йигирманчи асрнинг мослашувчанлик сўқмоқлари ва “Яратганинг қунини кутиш” оқибатлари бизни сўроқ қилдими ёки йўқми, ёхуд саррофларни қамчи билан ҳайдаб солган Исо Масих үрнига: “Унга қаршилик кўрсатма, у ёвуздир” деб амр этган кишига Павелнинг кўрсатган кўзбоялмачилигини бекор қилдими, ёки йўқми деб қайта-қайта сўрашимиз мумкин. Ҳозирги кунда кўпгина Инжилга оид тадқиқотлар Исо таълимотидан фаол ва мутаассиблик ришталарини юлиб ташлайди. Уларни Рим инквизициясидан қурқан маъруzanavislар эҳтиёткорлик туфайли лом-мим демаган ёки маърузаларидан чиқариб ташлаган эди. Бундай қараш ҳар қандай “икки подшолик” илохиётшунослигини безовта этиб, камқон викториан мессияларининг Ҳолман Ҳантча турли-туманлигини кунпаяқун қиласи.

¹⁹ John Cornwell, *Hitler's Pope* (London, 1999), x.

датхоналарни яна тозаловчисини ҳурмат қилишига ёрдам берадими?

Замонавий христианлар Исони қайтадан яҳудийлаштирмай туриб ҳам қуидагича ўзгаришга юз тутмоқда:

*Мен христиан Тавроти ва худомиз бўлган Исо
Масих Инжили барча адолатсизлик ва ёвуз-
лик, зулм ва эзишни йўқотиши ва... ул зот
барча ҳижрат қилганларни озод қилувчи Аллоҳ
эканини кўрсатмоқчиман. Ул зот ўз бандала-
рини ҳар қандай тутқуниликдан эмин қиласди.²⁰*

Халослик, яъни эмин бўлиш мавзуси Лотин Америка-
сидаги озодлик курашчилари ва замонавий католик чер-
кови ўртасида баъзи ҳолларда кескин зиддиятларга са-
баб бўлган шароитда вужудга келган босимни мавҳум
йўл билан қайта тақсимлашдан, яъни христианликдан
кўра кўпроқ кўзга ташланади. Бу ҳол, Шаббир Ахтар
шубҳа билдираётганидай, исломдаги тахминларга қизи-
киш уйғотиши керак бўлган христианликнинг янги имко-
ниятлари туғилиши олдидан бошланган тўлғоқлари бўли-
ши мумкинми? Ҳижрат, Румийда бўлгани каби, дунё
нуқтаи назаридангина эмас, балки, унга дахл қиладиган
золимлар наздида ҳам озодлик нишони бўлиб кўринади.
Аслида мусулмонларнинг Таврот хусусидаги энг умумий
иддаоларидан бири унда янги Мусонинг келиши башорат
қилинганидир.

*Мен улар учун ўзларининг орасидан сенга
ўхшаш янги пайғамбар етишитираман ва ўз
сўзларимни унинг оғзига жойлайман; у одам-
ларга мен амр этган нарсаларни сўйлайди. (Тав-
ротнинг 5-китоби, 18:18)²¹*

У башорат қилинган ва муқаддас битик нозил қили-
нажак янги озодлик пайғамбари эди.

²⁰ Desmond Tutu, *The Rainbow People of God: South Africa's victory over apartheid* (Doubleday, 1994), p.56.

²¹ М а с а л а н, мусулмон тафсири учун Сиддикийнинг машҳур мuloхозасига
каранг: F. Siddiqui, *The Bible's Last Prophet* (Alexandria, VA, 1995), 12 – 21.

Ҳиндистонлик бир мусулмон ўз китобини “Озодлик мафкураси”²² деб номлар экан, “Агар Мусо кул қилинган истроилликларни озод этган бўлса, Муҳаммад бутун инсониятни унинг заифларини озод этиш орқали эмин килувчи зот эди”, деб иддао қиласди. Кретт кўз ёш тўкиб кўмсаётган оммавий қочкин, олдинги қочқинларга ўхшаш хомхәёл эмас, ҳақиқий дунёвий озодлик эди, у пировардида чўлга эмас, Куддусга ва Аллохнинг буюклиги тажассум топган жойга олиб боради.

Мовий ва заррин жилоланган Учинчи ибодатхона япянти Учинчи салтанатнинг қоқ марказида қад ростлаб турибди. У Куддуснинг олдинги динларига расуллulloҳ Меъроздан олиб тушган илохий дуолардан нималарни дир ато этади. Мехмединг 1453 йили Бобил хукмдорлигига датвогарлик қилганида буни ошкор этди. Бироқ Учинчи салтанат шу маънода қурара кўринишида эди: у муқаддас салтанат ва муқаддас жинсият эҳтимолига изн берар эди. Бинобарин, у Тавротдаги энг гўзал мезонларнинг зухур бўлиши эди. Шунга кўра, Ислом иудаизмнинг монотеизми, ҳарбий жасорати ва жинсларни ўта нозик фахмлашининг ажойиб тантанасига айланди. Иудаизмни инкор этиш орқали такомиллаштиришига даъво қилган Павел христианлигидан фарқли ўлароқ, исломнинг яхудий номасидан илдамлаб кетиши ҳам унинг универсаллашуви белгисидир.

Учинчи салтанат Ҳенрик Ибсеннинг ажойиб мулоҳазаларига асос бўлиб хизмат қиласди. Унинг ўзи нодир асар деб ҳисоблаган “Қайсар ва галилеялик” пьесасида норвег донишманди 19-асрда христианликни ижтимоий тенгсизликка барҳам бериши мумкин бўлган хусусият ва заруратга эга бошқа бир эътиқод билан алмаштиришдай умумий характерга эга муаммони ҳал этиш учун курашади. Пьесада тана ва руҳнинг бир-бирига уруш эълон қилмасидан бурун мавжуд бўлган уйғунлигини дунёга қайтариш учун йўл излаётган Нобакор Юлиан тасвирланиди. У Рим худоларининг эски тушунчалардан холи ва нозик дид эгаси эканини англаш етади. Улар қаҳрамон-

²² Asghar Ali Engineer, *Islam and Liberation Theology: essays on liberative elements in Islam* (Delhi: Sterling, 1990), p.23.



лик ва ирода кучини қадрлашади. “Тананинг тотли ташналиги”ни Бахус ва Элевсин сирларига мос гулчамбар таққан кўйи суратланган қизлар қондиради, Юлиан уларнинг муаммолардан холи ҳиссиётидан мутаассир бўлади. Бу Биринчи салтанатга хос эди; Константин ва Елена кашф этган Иккинчи салтанат эса мавжуд тартибни кескин тарзда тескарисига ўзгартириш, раддиялар дунёси кўринишидадир. Бу салтанат иккилинаётган император қайсариялик Бейзелга айтмоқчи, “рухоний бир оёқда туриб абадиятни кутаётган устун” устида яшар эди. Иккинчи салтанат қаҳрамонлари бу спортчилар эмас эди, бироқ ҳатто Исо учун қурбонлик қилинган мажусийлар ҳам Елена айтганидай: “уларнинг Яратган ҳузурига равона бўлувчи қони ҳам бир хушомадга менгзар эди”.²³

Шунга кўра, Юлиан танлаган йўл маънавий ва ахлоқий жихатдан ўзига хосдир. У кўхна культларни қайта тиклайди ва универсал муроса ахтаради. Бироқ маъжусий идентитет²⁴ га душманлик кўзи билан қараш орқали Вагнернинг ўзликни намоён қилиш хусусидаги орзулари билан ўйнашган Ибсен Юлианнинг Биринчи салтанатнинг тиклаш билан боғлиқ саъй-ҳаракатини фойдасиз деб билади. “Кўхна гўзаллик энди гўзаллик эмас”, деб император Бейзелга ён беради, бироқ у “янги ҳақиқат ҳам энди янги эмас”, дейди. У ўзининг тақдир хусусидағи қарашларига алданган, ҳар бир ишда тартибни ёқтирадиган золимга айланади ва форслар билан улкан жангда мағлубиятга учрайди. Унинг ўтакаси ёрилай дейди ва ўзининг маъжусийлардан бўлган маслаҳатчиси Максимусга ютқизганини тан олади:

- | | |
|--------|--------------------------------------------------------------|
| ЮЛИАН | Менга император ёки галилеялик ютиши ни айтиб бера оласанми? |
| МАКСИМ | Император ҳам, галилеяликлар ҳам йўқ бўлиб кетади. |

²³ *Emperor and Galilean*, in *Ibsen Plays: Five*, edited and translated by Michael Meyer (London, 1994), 191. Мейернинг талкини Би-Би-Сининг З-радиосидан эфирга узатилган, бироқ унинг на кескин кисқартирилган талкини, на аслияти Буюк Британияда саҳналаштирилган.

²⁴ **Идентитет** (лат. *identificare* – ўхшатмоқ, сўнгти лат. *identifico* – ўхшатмани). Ўхаш, айнан ўхаш, айнанлик. Бирор нарса ўзгарувчанлигидаги боғлиқлик ва изчилликнинг ўзаро муносабати. – Тарж.



ЮЛИАН
МАКСИМ

Йўқ бўлиб кетади? Иккаласиямми?
Иккаласиям. Бугунми ёки юз йил кейин-
ми — мен буни билмайман; бироқ бу ушбу
ишни қила оладиган ҳақиқий одам кел-
гач, содир бўлади. [...] Э, келажакка —
икки ёқлама хукмдор туғиладиган Учин-
чи салтанатга қарши қилич яланғочлаган
аҳмоқ.

ЮЛИАН

Учинчи салтанат? Масих? Яҳудийларнинг
Масихи эмас, бироқ икки салтанат Ма-
сихи, дунё руҳи...

МАКСИМ

Пан Логосда — Логос Панда...²⁵

Юлиан ундай киши булиши мумкин эмас; у ўз янгли-
шишларидан енгилади. У Ибсенning аксарият аксиликча-
рамонлари сингари Пэр Гинт наздида ҳам “идеалист”-
дир. Дунё кутаётган киши эса “реалист”дир. Бу акс
ҳолнинг айни атамалар (Берклининг *esse est percipi*
(нарсалар англангандагина мавжудdir)) ақидасига
таянувчи идеализми ва сўнгра Кантнинг “эмпирик” реа-
лизми) ни истифода қиласиган фалсафий жиққамушт-
ликларга ҳеч қандай дахли йўқ. Ибсенning назарида,
атамалар соф этик стратегиялар ўртасидаги чигалликни
англатади. Бернард Шоу ўзининг Ибсенга бағишлиган
тадқиқотида идеалист “реализм манманликни, манман-
лик эса бузуқиликни англатади”, деб ҳисоблашини қайд
этади. Бироқ бу фикрнинг тескариси ҳам мавжуд. Идеа-
лизм ўзликни *ego* сифатида яширин тарзда намоён
қилишдир; бу ҳол Пэр Гинтни чўчқа миниб олган уст-
боши кир аёлни малика деб ҳисоблашга ундан манман-
лик туридир, чунки у маликани тусар эди. “Идеализм”
романтик тасаввурдир. Бинобарин, биз ўйламай-нетмай
Гитлерни ҳам идеалистга, унинг Учинчи рейхини шар-
қий жанг майдонида қайғуга ботган гитлерчи Юлиани

²⁵ Буни португалиялик муаллиф Тейксиеру Паскоаеснинг Мигел Унамуно
билан сувбатда билдирган мулҳазасига таккосланг: “Хар бир кишининг юраги-
да иккита худо гавдаланади: ёки Аполлон ва Христос... ёки Исо ва Пан”.
Ramyn Martínez-López, ‘In Partibus Infidelium’, in Ramyn Martínez-López (ed.),
Unamuno Centennial Studies (Austin: Dept of Romance Languages, University of
Texas, 1966) p.13.



билан биргаликда ҳалокатли эврилишга учраган Учинчи салтанатга чиқарыб қўйишимиз ҳам мумкин.

Ибсенning назарида инсонийлигимизни (бу ўринда Фрейднинг таъсири бўлган бўлиши ҳам мумкин) гунох структуралари қарисидаги мўртлигимиз ва жинсий алоқа борасидаги тайсаллашларимиз туфайли заха еган *livsglaede* – ҳаёт лаззатининг “реалистик” қайта кашф қилиши юзага келтирган. *Rosmersholm*²⁶ нинг омадсиз қаҳрамони Пастор Росмер ижтимоий фаоллик йўлида оиласининг сиёсий консерватизмидан воз кечади ва жайдари хотинининг майли қўзғалмайдиган жинсий табиатини кашф этади. Шоуга кўра, Англия руҳонийси христианликни йўқотиш, ўзининг жисмоний қобилиятини рўёбга чиқариш ва жамиятга сахийлик уруғини сепиш кераклигини англаган ҳолда зиммасидаги вазифани адo этиш йўлини излайди. Шоу: “У дунёга Учинчи салганатни олдиндан фира-шира пайқаб назар ташлайди”²⁷, дейди.

Шоу Ибсеннинг ўз асарларига катта таъсир кўрсатганини қайд этади ва бу ҳол бошқа ҳеч қаерда муаллиф “идеализм”ининг “реализм”га муҳолифлигичалик яққол кўзга ташланмайди. Ёзуви учун пацифизм (тинчлик-парварлик) ёки милитаризм ва ёки жинсий алоқадан ти-йилиш идеализмнинг яққол кўринишлари, ушбу диалектикани осиб қўйиш мумкин бўлган қозиқ вазифасини бажарган нарса унинг дастлаб ёзилган аксарият пьесаларининг мавзуси эди.

Албатта, Шоу ўзининг фабий²⁸ча хурфикрлик билан йўғрилган жавобининг талабга жавоб берга олмаслигини яхши билар эди. Хурфикрлилик бўлмасдан туриб жинсий алоқа эркинлигига қандай эришиш мумкинлиги у машфул бўлган соҳада чиндан ҳам ҳал этилган бир-икки масаланинг бири эди²⁹. Бироқ Ибсенга унинг “Кайсар ва

²⁶ *Rosmersholm* — Генрик Ибсеннинг пьесаси номи.

²⁷ G.B. Shaw, *The Quintessence of Ibsenism* (London, 1891), 101.

²⁸ **Фабийлар** — Кадимги Римда энг кўп сонли ва катта таъсир кучига эга бўлган уруғ аъзолари. – Тарж.

²⁹ Хар бир киши Августус Жон, 0165.Г.Уэлс, Эрик Жилл, Оттолайн Морелл ва деярли бутун бошли Блумбери тармоги сингари замондошларининг даҳшатли хилма-хиллиги хусусида ўйлади. Шоунинг пост-христиан жинсий ахлокининг мавхумлигидан хабардорлиги “Дон Жуан дўзахда” асарида акс эттирилган.

галилеялик” пьесаси қанчалик қадрли бўлган бўлса, Шоу ҳам ёзилажак энг зўр пьесасида суперодамни яратиши фоясини ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Ҳескет Пирсон ёзганидек:

Шоу кўп йиллар давомида (бу 1913 йил эди) пайгамбар ҳақида пьеса ёзишни ўйлаб юрар эди. Унинг табиатига кўпроқ мос келадиган қаҳрамон жангари вали эди, бу қаҳрамонни у чин дилидан хуш кўрар ва шунинг учун уни событ интуиция билан тасвирлаши мумкин эди. Бутун тарих давомида унинг талабларига тўла жавоб бера оладиган бирдан-бир мукаммал соқолли қаҳрамонга Мухаммадгина прототип бўлиши мумкин эди³⁰.

Шоу 1913 йилги кундалигида мана бундай деб ёзади: “Мен анча вақтдан бери Мухаммаднинг ҳаёти хусусида драма ёзишни ният қилиб юрар эдим. Бироқ Туркия элчисининг норози бўлиш эҳтимоли — ёки норозиликдан хавфсираш — лорд Чемберленнинг бу пьеса қўйилишига лицензия бермаслигига сабаб бўлиши мумкинлиги мени тұхтатиб қолди”. Айнан шу сабабдан, Пирсон ёзганидай, у “Авлиё Жон” пьесасини яратади.

Шоу ҳам, худди Ибсен сингари худони севар, бироқ христианлик унинг ғазабини қўзғар эди. У буни “ўсиб бораётган нарса алал-оқибат хочга михлаш билан оёқости қилинди”³¹, бу хол гуноҳлардан фориғ бўлишдан сафсата сотиб, “бир пулга қиммат гуноҳдан фориғ бўлиш билан сотиб олинган аҳмоқона қасос эди”³², дея тасвирлаган эди. Унинг қаршилик кўрсатмаслик ҳақидаги мафкураси золим ҳукмдорлар учун айни муддао эди, у ҳатто одатда ўзининг дин учун макон ҳозирлашдай мақсадини ҳам ерга урар эди. “Ижтимоий нажот индивидуал адолат қарор топмасидан

³⁰ Hesketh Pearson, *Bernard Shaw* (London, 1942), 45.

³¹ Holroyd, *Bernard Shaw* (Abridged edition, London, 1997), 411.

³² Prologue to *Major Barbara*. See George Whitehead, *Bernard Shaw Explained: A Critical Exposition of the Shavian Religion* (London, 1925), 12.

бурун юзага чиқиши керак”³³. Бинобарин, Жанна д’Арк ёки Мұхаммаднинг чизгилари пьесанинг сатрлари орасидан элас-элас күзга ташланиб туради. У түфма пешво бўлиб, унинг худодан эшитган овозлари аслдир (бу Шоунинг ёлғонни фош қилишга дебоча бўлмаган яккаю ягона файритабий режиссёрлик санъатидир)³⁴; Жанна “норозилик билдираётган пайғамбар, ҳамма нарсанни кунпаяқун қилувчи, Ҳаёт Кучининг фаол агенти”дир³⁵, уни “идеалистлар” (черков) қоралайди, у муроса қила олмайди, бироқ сиёсий донишмандликни муқаддас деб билади, чунки, Шоу астойдил ишонганидай, “хукумат динсиз мавжуд бўла олмайди”³⁶.

Ислом дунёсининг жавоби етарли даражада равшан. Биз Шоунинг “Авлиё Жон” пьесаси Т.Э.Лоуренснинг арабларнинг жасурликлари хусусидаги эртакларни ўз ичиға олган “Донишмандликнинг етти рукни” асарини таҳрир қилаётган пайтда ёзилганини билиб қолиб ҳам ҳайратланмаймиз³⁷. Гарчи Лоуренс ўлимига қадар Мұхаммаднинг таржимаи ҳолини ёзиш ниятидан воз кечган бўлса-да, икки дўст бу масалани муҳокама қилганига шубҳа йўқ.

ХХ асрдаги мусулмон пайғамбари билан Европанинг христианликдан кейинги идеаллари ўргасидаги бундай ўхшашликларнинг романтизм билан умумий жиҳатлари кўп. Бу ерда Маърифатнинг “сахий ёввойи” тушунчасини ёдга олиш ўринли бўлади, у исломга ҳам буткул бегона эмас. Ўрта асрда яшаганлар пайғамбар эълон қилган “Табиат боғи” гоясини қоралаган эди; ибтидой гуноҳ хусусидаги ақидаларни ўзи учун ёт деб билган мутафаккирлар унинг натурализмини (“реализм”дан кўра тузукроқ калима) нимагадир зўр деб тан олишган. Меъроҳ пайти Жаброил унга бир коса шароб ва бир коса сут тутади. У сутни танлайди ва фаришта хитоб қиласи: “Сиз табиатга мойил экансиз”. Расулуллоҳ Аллоҳ нейматларининг бузилган ва айниганидан

³³ Whitehead, 59.

³⁴ Жанна “дастлаб овозлар келади, сунгра мен сабабни топаман”, дейди.

³⁵ Holroyd, 522

³⁶ Whitehead, 43.

³⁷ Holroyd, 525-6.



эмас, бевосита табиат етиштирганларидан баҳраманд булишга даъват этади ва бу билан дунёнинг бутунлай теофаник³⁸ хусусиятга эга эканини ва бизнинг у билан уйғуллашиш баробарида Аллоҳ билан уйғуллашишимиз кераклигини тасдиқлайди. Бу ҳодиса сакраментализм³⁹ни инкор этишни билдиради. Расулуллоҳнинг холосаси “Одам Замин билан тинч-тотув яшashi учун осмон билан муроса қилиб яшashi керак” лигини англатади⁴⁰.

Яна бир сўнгги ташвиқ. Расулуллоҳ танани, руҳни ва дунёни озод этиш орқали нажоткор илоҳиётшуносликка асос солади. Бироқ ул зот бу ишни исмоилийлар байроби остида амалга оширади. Гутерреш суюкли ўғлон Исҳоқнинг аҳди билан иш юритади; ваҳоланки, ислом жамоадан ажралиб қолган, ёввойи “одам”нинг ҳимоячисидир. Исломнинг аксарият Учинчи дунё кишилари, шунингдек, Фарбаги бечораҳол одамларнинг эътиқоди сифатида тенгсизлик хукмрон бўлган бизнинг асримиздаги исмоилий идентитети унинг илоҳий хусусиятга эга эканини тасдиқлайди. Аллоҳ бир оятда: “Мен кўнгли яримталар билан биргаман”, дейди. Расулуллоҳ эса, мени факирларнинг орасида қайта тирилтиргин, дея муножот қилади. Барчасидан сўнг:

“Кўринг, сизнинг қардошларингиз бўлмиш Иброҳимнинг ўғиллари уст-боши кир-чир, очликдан ўлаётган бир пайтда сизнинг уйингиз ноз-неъматлар билан тўла, уларга ҳеч нарса берилмайди”⁴¹.

Эҳтимол, Амос Ознинг энг эсда қоларли қаҳрамонларидан бирининг сўнгги сўзлари шундай бўлгандир:

У (Аллоҳ) улар (яҳудий бўлмаганлар)ни нима мақсадда яратди? Нега Ишмаил, маъжусий Ис-

³⁸ Теофания (юонон.) — Худонинг тажаллиси ёки одамга аён бўлиши. — Тарж.

³⁹ Сакраментализм (лот.) — “муқаддас”, “ањанавий”, диний маросим билан боғлиқ нарса. — Тарж.

⁴⁰ Seyyid Hossein Nasr, *Man and Nature*, 14.

⁴¹ Mt 10:16-30.



моил бино бўлди? Бунинг маъноси — “У Парвардигорнинг гапларига қулоқ солади”, деганидир. Биласизми? Йўқ, мен сизга айтиб бераман. У акаси, устози Исҳоқнинг буюрганлари га қулоқ солиши керак эди? Нима учун яхудий Исҳоқ — “У кулади” деб аталди? У одамлар қараганда доим кулиб турар эди, чунки одил кишиларнинг меҳнатини бошқа бирорлар қилишган эди⁴².

⁴² Amos Oz, *In the Land of Israel*, tr. Maurice Goldberg (Jerusalem, 1984), 12.



V б о б

ОИЛА ИНҚИРОЗИ

Абдул Вадид Шалабий, ижтимоий мунозаралар чонида “инқироз” сүзи принцип сифатида мутлақо тилга олинмаган кезларда жамият чин маънода инқирозга юз тутади, деган эди. Мусулмонлар ва христианлар ўзларини олдинги авлодларнинг қадр-қиммати, аввалги олтин асрлар мукаммаллиги ва муқаддаслиги билан солиштирганди, ҳеч нарсага арзимаслигидан хавотирга тушиб қолишган эди. Бироқ ўз-ўзимиздан кўнглимиз тўқ бўлиб турган даврда инқироз тоғисига ҳатто шпенглерчасига мурожаат қилиш ҳам тушкун романтизм айбловларига ўзни тутиб бериш билан баробардир: у худди декаденс – инқироз каби нотўғри англангандир.

Фарбга танқидий, аммо ҳамдардлик кўзи билан қароётган мусулмонлар кўпинча, эски замонларда бўлгани каби, ўз-ўзини тадқиқ қила олмаслиқдан ноқулай ахволга тушиб қолишади. Биз шу нарсага эътиборни қартишни истардикки, бундан буён ҳеч бир ҳукмрон маданият ўтмишдаги ахлоқий ва маданий устунлигини пеш қилиш орқали ўз ўрнини сақлаб қола олмайди; бугун муттасил ўзгариб турувчи либерал муроса ушбу парадигмага мос келади. Ўз нафсига банди бўлган талотўплар дунёси учун ўтмишдаги ҳеч нарса улги бўла олмайди, факат келажакгина андоза вазифасини ўташи мумкин. Дарҳақиқат, аҳолининг ихтиёрий муросаси туфайли юзага келган деб ҳисобланадиган ялпи либерализмни таҳқирлайдиган жамиятлардан фарқли ўлароқ, модерн жамиятларда разил (“куфр”) сухбатларга ўрин қолмайди. Бироқ бундай либерализмни амалда кичик, шахсан ахлоқсиз, аммо шунга қарамасдан, мафкура ботқоғига ботиб кетган, оммавий ахборот воситаларига



эгалик қиласынан да жамоатчилик фикрини ғаройиб да мисли күрилмаган шаклларга солаёттан әлита — хос гурухлар таҳқиrlайди.

Бугун дунё оиланинг мақоми тұғрисидаги мунозаралар авж олган даврда яшамоқда, У “түшкүн” Шимол ҳамда тараққийпарвар, лекин қашшоқ Жануб үртасидаги мафкуравий тұқнашувлар марказида турибди. Бу тұқнашувларниң қоқ марказида бұлған Европадаги мусулмонлар жамоаси үз үрнини топиш да омон қолишига уринмоқда. Маданиятлар тұқнашуви тарафлар учун үзликни англаш маъносида мұхим ҳәеттій аҳамиятта эга, бугунги кунда ҳеч ким бу жараёндан четда тұра олмайды. Хар сафар телевизорни ёқиб қўйиб, томоша қилар эканмиз, шимолнинг қотиб қолган қарашлари ва қатый тарзда оилада яшашга үрганған Учинчи дунёning хасталиклари, у ерда истиқомат қиласынан ахолининг либерал демократик жамиятлардаги каби ижтимоий ақидаларға мос тарзда яшашни мутлақо истамаслиги хусусидаги ҳужжатли фильмларниң интиҳосиз да жиғдий гуманитар пархези аллалаган таҳликасини кузатишига мажбур бўламиз. Үртача ғарб кишиси бундай бир ёқлама мунозарадан қаноат ҳосил қиласы да уни табиий ҳол деб тушунади. Натижада у, үзим яшаёттан шароит Учинчи дунёга нисбатан яхшироқ, деган холосага келади да унинг жамиятдаги муаммолардан асабийлашуви камаяди. Бундай вазият шундай жамоатчилик фикрини шакллантирады, унга кўра, фалас-тинлик, босниялик ёки запатисталарни жуда оз миқдорда айбдорликни ҳис қилиш билан (бироқ үзини ҳақ деб билган ҳолда) йўқотиш мумкин бўлади. Аслида, мунозара қилувчилар феминизм да гомосексуализмни Учинчи дунёни савалаш учун калтак үрнида ишлатаётганидай, модерн Фарбнинг ижтимоий ақидалари мингийилликнинг сунгти йилларида империалистик мафкураларға айланиб қолди. Бундан юз йилча муқаддам европаликлар теологиялық дөгма да тијорат билан ҳамманинг жонига теккан эди, эндиликда эса ижтимоий дөгма да тијорат билан худди шундай қилишшапти. Бироқ асосий муносабат бўлмиш нафрат жуда секинлик билан үзгармоқда.

Фарбда яшайдиган мусулмонлар ушбу масалада қизиқ бир устунликка эга. Күргина ислом илоҳиётшунослари мусулмон дунёсидаги “фарблаштириш жараёни” ва унинг оила ҳаётига шармандаларча таъсири хақида ёзаётган бир пайтда, улардан айримлари қайд этганидай, кўхна дунёвий элита бу жараённи химоя қилгани чин ҳақиқат бўлиб, унинг маданий қурилмалари эски империалистик давлатлар кўлга киритган ютуқ эди. Ўртача дунёвий сурялийк ёки туркнинг турмуш тарзи замонавий европаликнинг турмуш тарзидан, унинг қуракда турмайдиган тескари даъвосини ҳисобга олмагандан, ўзаро фарқ қилади. Унинг кийимлари, шароити, никоҳ билан боғлиқ маросимлари ва бошқа икир-чикирлари бугунги Фарб турмуш тарзи воқелиги билан солиштирганда, 40–50-йилларни эслатади. Шундай қилиб, мусулмонларнинг оиласидаги ўзгаришларга оид асосий мунозаралари “эркинлашган Farb”нинг қоқ марказидаги биз яшаб турган вазиятга мос бўлишга бир оз мойилдир.

Фарблик мусулмонлар ўз шароитини назарийлаштиришга ҳаракат қилаётган шароитда тақдирнинг ғалати бир ҳазилига дуч келяпмиз: биз кўшилиб кета бошлаган маданият эндиликда йўқликка юз тутди. Ҳатто яқин-яқинларда: XX асрнинг 50-йиллари ва 60-йилларининг бошида ҳам оиласпарвар Иброҳим заминига илдиз отган улуғ диний анъанага асосланган Европадаги оиласий қадриятларни таниб олиш мумкин эди. Ислом ва христианлик ўртасидаги доктринага оид баҳслар кескинлигича қолган пайтда, мусулмонлар ва христианларнинг ахлоқий ва ижтимоий қарашлари аксарият ҳолларда бир-бирiga жуда яқин эди.

Бугунги кунга келиб, бу ўхшашликдан ном-нишон қолмаёди. Ҳатто черковлар ҳам, неча асрларга гувоҳ бўлган метин қоя эркинликларнинг қум бўронига дош беролмай, тобора дарз кетиб парчаланаётгани каби, мутлақ маънавий ҳақиқатларнинг изчил ва ишончли жарчиси бўлишга даъво қилмай қўйди, Британия католикларининг одатда соғлом фикрловчи вакили кардинал Хюм ҳам яқинда ҳомофилия (эркак билан эркакнинг жинсий



алоқаси) хусусида муросали мулоҳазалар билдири; тору таранг жинси шим ва чарм куртка кийиб олган англикан епископи ўзининг бошқа бир эркак билан алоқаси хусусида очиккасига гапирди. Лондондаги оила қадриятлари хусусида ваъз айтувчи 900 нафар руҳонийнинг 200 нафари гомосексуализмга мойил экани ҳақида турли гапсузлар оралаб юрибди. Содомнинг “фазилатлари”ни қўшиқ қилиб куйлаётган бир қатор христиан ва яхудий ташкилотлари, алоҳида шахслар, дунёвий жамият тарафдорларининг қўллаб-куватлаши туфайли анъананинг қолган овози ҳам учгунча кундан-кунга қўпайиб бораверадиган кўринади. Европанинг бошқа ўлкалари ҳам унчалик ортда қолаётганий йўқ.

Бу шундан далолат берадики, Европанинг қўпгина жойларида синф, ирқ ва иқтисодиёт нуқтаи назаридан четга сурилиб қолган мусулмон жамоаси бегоналашувнинг бундай кескин кўринишига қарши туриши керак бўлади. Европанинг олдинги авлодлари қонуний деб эътироф этган қадриятларнинг яккаю ягона ҳимоячиси бўлмиш камчиликни ташкил этувчи фуқаролар, яъни бизлар йўлидан адашган киши қўйига тушиб қолганмиз. Қўпчилигимиз ваҳима қўзғаш, кенг дунёни ифлос ва зулмга тўла деб айюҳаннос солиш ҳамда турли гуруҳларга, сажда қилувчиларга бўлиниб кетиш гуноҳидан ўзимизни тия олмаймиз. Бундай ҳаракатлар университетлар шаҳарчаларида кенг қулоч отмоқда. Бироқ бундай бефойда ва юзаки эрмакнинг йўлини тўсиш керак. Модомики, эътиқодимиз бизни йўлдан оздирмоқчи бўлганлар тасаввур қилганидай кучли экан, унга Европа ҳаққи-хурмати қаршилик кўрсатишмиз зарур. Айни пайтда пост-модерн ва пост-христиан ҳолатида бўлган Европа билан ўзаро муносабатларимиз қалин ва самарали бўлиши лозим.

Бироқ бундай позиция — туримни тушунтириш стратегияси мусулмон традиционализми тасалли берувчи эс-сенциал¹ “метанаррация”ни дастак қилиб олмаслигини

¹ Эс-сенциал — транстарихий, биологик. <http://www.man.ac.uk./Science/Engineering/CHSTM/teaching/2001–2002/hs2201/lect-2201-1.htm>.



билишга таяниши зарур. Чунки эссециал “метанаррация”-нинг объектив ҳақиқатга даъвоси унинг маданий идентитетнинг аниқловчиси мақомидан кўра камроқ аҳамиятга эга. Бу национализм ва фашизм сингари рақиб эссециализмларнинг 20-асрдаги фожиаси эди; бу аксарият ҳолларда мусулмон фаолларининг безовталиги руҳий воқеекликка бўйсунган ёки ҳатто сохта руҳий ҳақиқатдан тасалли излаш билан ўрин алмашган хатоси ҳамдир. 20-асрнинг 70-йилларига қадар Мусулмон биродарлиги ва янги ренессансчиларига илҳом берган ислом цивилизацияси ҳақидаги ривоят тасодифан, салаф қонуннинг булинмас мактаби давомчисидир, деган муаммоли даъвога кўра, “Салаф” ҳақидаги хомхаёл ривоятга йўл берди, бироқ биз бу икки туримнинг на унисини, на бунисини тутгандар орасидан — ҳақиқий эътиқод мевасиз бўлмайди — тўғридан-тўғри ва ҳассос эътиқодни, сурункали равишда покдомон булишдан кўра, ҳамдардлик ва ташвишлиликка таянган маънавиятни топишимиз мумкин.

Бунинг маъноси шуки, европалик мусулмонлар, бальзи мусулмон давлатларида рўй берганидек, исломнинг қашшоқлашиб бораётган ва якто “мафкураси”га қарши турба билмаса ва раҳмдил Аллоҳ раҳнамолигида инсоният баҳт-саодати учун бевосита ва самимий ташвишланишга асосланган эътиқод шаклу шамойилини қайтаришга харакат қилмаса, биз реал вазият юзасидан муайян масала бўйича кенг баҳсларга ўз ҳиссамизни қўша олмаймиз. Бу эксклюзивистлар² елкасини қисиши учун етарли эмас: “Эътиқодсизлар нима ҳакда ўйлаши билан кимнинг иши бор?” Куръонда мусулмонларнинг бошқаларга намуна булиши буюрилган. Агар маданият кулбаларида яшириниб ўтирсак ва тасаввур этишимиз мумкин бўлганидан кўпроқ билишидан гўзал бир лаззат тудиган кишиларга нисбатан қўпол ва жоҳил муносабатда бўлсак, биз намуна бўла олмаймиз, ёки Аллоҳ нозил этган хабарни бошқаларга етказа олмаймиз. Бунинг ўрнига ушбу жамият-

² Эксклюзивизм (ингл. exclusive<лом. excludere истисно қилмоқ, тан олмаслик] – бирон нарсани қабул қила олмаслик амалиёти. – Тарж.

нинг мавжуд муаммоларини тушунишдай мاشаққатли, сўнгра чинакам нажоткор чора сифатида ундан ҳам қийинроқ йўлни танлашимиз керак.

Хозир айни шундай ҳимоя пайтидир. Кейинги йилларда британиялик бир неча диний арбоб оиланинг тараққиёт билан боғлиқ инқирози фожиаси хусусида ўзларининг кўпинча изтиробли, умуман олганда, ишончли мулоҳазаларини билдиришди. Ливерпул епископи ва бош раввин ушбу жараён хусусида одатдаги статистик маълумотлар ёрдамида мана бундай хулоса чиқарибди: Британияда болаларнинг 34 фоизи никоҳсиз туғилмоқда; тахминан, шунча микдордаги катта ёшлилар ажрашиш ала-мидан азият чекмокда; келгуси йигирма йил давомида британиялик болаларнинг ярмидан озроғигина ота-она тарбиясини олади ва ҳ.к. Жуда оз кишиларгина қуидаги амалий фалокатларга шубҳа билан қарайди: маълум бўлишича, АҚШда қамалганларнинг ярмидан купи бузилган оилалар фарзандлари экани, ота-онасининг ажрашгани туфайли етказилган кучли руҳий зарба эркак ва аёлларга ўрта ёш, ҳатто кексалик чоғида ҳам салбий таъсир кўрсатиб туриши аниқланган. Епископ ҳам, раввин ҳам бугунги тез ўзгариб бораётган дунёда оила бошпанасиға болалар қатори катталар ҳам ҳеч қачон бу қадар мухтоҷ бўлмаганидан бирдай ташвиш чекади, уни гуноҳларнинг энг оғири – худбинликкина барбод қилиши мумкин, дейди. Ҳеч ким ўзини қурбон қилишни истамайди: барчамиз шахсий эркинлик деб аталмиш маъбудга топинар эканмиз, ҳукуқларимиз ҳақида жарсоламиз, масъулиятимиз борлигидан эса асабийлашамиз. Ҳаётдан олинадиган сабоқ бизни нечоғли асабийлаштирасин, бир нарса кундек равшан: Адам Смитнинг рақобатбардош хусусий манфаат ҳимоясини улуглашини коллектив ижтимоий ривожланишнинг калити деб билган Тэтчер-Рейган эгоцентризми бутун бошли ташаббусга хавф туғдирувчи кўплаб баҳтсиз ҳодисаларни талаб этади. Очкўзлик кўплаб бадавлат кишилар ва молия вазирларини пайдо қиласди, бироқ энди унинг хунини тўлаш учун узоқ вақт керак бўлади, бугун мана шу вақт бошланди.

Кўшимча қўриқчилар, қамоқхоналар, ижтимоий хизматчилар ва ижтимоий таъминот тўловларининг кундан-кунга кучайиб бораётган қор бўрони миллионлаб ижтимоий ва иқтисодий чек қоғозларини учирив юрибди. Социалистик инқилоб барбод бўлди; пировардида капитализмни ўз зиддиятлари бўғиб ташлаши ҳам мумкин.

Шу ергача ҳаммаси равшан. Очкўзликнинг гуноҳлиги диндорлардан бошқаларга ҳам тушунарли экани хусусида баҳс қилиб ўтириш шарт эмас. Ўтган асрларда фидойиликка қайтиш ҳақидаги кўплаб даъватлар одамларнинг энсасини қотирар эдики, уларни бирор қарор қабул қилиш учун етарли деб бўлмайди. Модомики, динлар инсонлар қилган гуноҳлар оқибатини бартараф этар дарражада қудратли экан, “яхши бўлиш” учун ёлвориш камдан-кам ҳолларда таъсир кучига эга бўлади, унга ислоҳотларнинг амалга ошириш мумкин бўлган парадигмаси йўлдош бўлиши керак. Раввин ҳам, епископ ҳам реал ва муайян нарсадан бошқасини таклиф этиши қийин; бу сиёсатчилар ва либерал ОАВ муроса қилган, ҳаттоқи, йўл сифатида танлаган нарса бўлса ажаб эмас. Бироқ биз мақоми муайян ижтимоий, шунингдек, маънавий дастурда “миллатларга сахийлик” деб баён этилган воситачи орқали диний эркинлик билан сийланган мусулмонлар сифатида биламизки, жамиятнинг мавжуд оғир аҳволини ҳеч қачон ваъзгўйлик билан тузатиб бўлмайди. Структурал ўзгаришлар ҳам талаб этилади: биз муаммонинг тортиш кучи таъсирига тушиб қолиб, бундай ўзгаришлар оғриқли бўлиши мумкинлигидан ажабланмаслигимиз керак.

* * *

Оила инқизозининг сабаби хукмрон мафкуралар уни тан олмаётганида экани кундек равшан. Сиёсатчилар ўз шармандаликлари билан бошқаларга ўринак бўлмоқда: очиғии айтганда, президент Клинтоннинг шаҳватпарамастлик билан боғлиқ ўз қилмишларини тан олиши зерикарли ҳодисаларнинг ипга тизилган сўнгги мунҷоғидир, бу эса сиёсий арбобларнинг ахлоқий ҳаёт борасида бошқаларга

намуна бўла олмаслигини кўрсатади. Овал – тухумсиз мон кабинетда, ҳар бир вазир ва парламент аъзосининг кабинетида бизга керакли яширин жиноят белгилари стол тортмасида туради ва уларнинг ҳар бир зерикарли хат ёзиш лаҳзасига лаззат бахш этади, бу ҳол уларнинг, ўзини сипо тутишига қарамай, бир пулга қиммат одам эканини тасдиқловчи тартибсизликдир. Айрим парламент аъзоларининг котибалари иккинчи хотинлари дидир. Аслида улар маҳфий жазманларнинг иккинчисидир. Кўпхотинлик тасодифий истисно эмас, худди мусулмон мамлакатларидаги каби, одатий ҳолдир. Фақат меъёрни билмайдиган телбалик ёки мутеликкина тийиқсиз шаҳватпастликка мубтало бўлган сиёsatдоннинг қарама-қарши жинс вакиласи билан ярим тунгача ишлашини, ўйиндан ўт чиқиши эҳтимолдан холи эмаслигини кўриб, кўрмасликка олиши мумкин. Бундай шароитда мавжуд тизим болалар, эр ёки хотинни ҳимоя қилиш чорасини тополмайди. Оқибатда улар юрагига ўз жонига қасд қиласа даражада жароҳат этади. Шахс хукуқлари оила хукуқларидан баланд туради, деган бузмакор тушунча иккаласи нинг ҳам инқирозига сабаб бўлди.

Бироқ сиёsat мухитнинг энг қайгули намунаси дидир. Эронликлар уни “олов ва пахтанинг апоқ-чапоқлиги” деб атайди. Жинсий тегажоғлик хусусида давом этаётган изтиробли баҳслар интим ҳоҳишлар дастурхон бўлмаётган жамоат жойлар камдан-кам қолаётганини кўрсатмоқда. Илгари ҳеч қачон жамиятда эркак ва аёл ҳар куни аралашиб ишламаган ҳамда шайтон йўлдан уриши ва хиёнат учун имкониятлар шу даражада кўпайиб кетмаган эди, бу ҳолни ахлоқсизлик тарафдори бўлган журналист ҳам, сиёsatчи ҳам ва ижтимоий стратег ҳам кўрмаслиги мумкин эмас.

Томас Вульфнинг машҳур “Манманлик ўти” романида ёш молиячи “шаҳвоний ҳирсларга чўкиб кетган” Нью-Йорк фарзанди бўлгани учун ҳам зино қилиб, хотини ва қизининг ҳаётига зомин бўлади. Унинг тубанлигига сабаб

³ Соҳо – Лондондаги жой номи. – Тарж.



бўлган ҳол жинсларнинг араласиб кетишигина эмас. Унинг олма-кесак терувчи кўзлари ҳар қадамда реклама, порнография, янгиликлар ва тиқмачоқ бичимларни кўради, буларнинг барчаси уни ўз исканжасига олади ва эркин жинсий алоқанинг жозибасидан жар солади. Вульф тасвирлаган зинокор табиатан ёвуз одам эмас: у яшаётган дунёда одамлар шунчаки ўзини идора қила олмай қолади.

Нью-Йорк ҳали Лондон бўлганича йўқ, бироқ Атлантика қирғоқлари тобора бир-бирига яқинлашиб бормоқда, ижтимоий фазонинг шаҳвонийлашуви маданиятимизнинг бир қисмига айланиб қолди. Соҳо³ фоҳишасининг бетартиб саргузаштларини ҳисобга олмагандан, авваллари ўрта ёш хотинлар ўрта ёш эркаклар кўнглини камдан-кам овлар эди. Энди эса улар ҳар муюлишда ўzlари соғинган баданларнинг кўз-кўз қилинишига эътибор қилолмайдиган даражада аҳмоқ ёки ахлоқан пок кучли шахслар сирасига мансуб бўлсагина, ўз жуфти ҳалолига содик қолиши мумкин. Бундай пок кишилар бундан олдин ҳам кам бўлган, ҳозир ҳам жуда оздир.

Ташхис кескин экани кўриниб турган бўлса-да, унинг давоси бормикин? Ислом **хилват** ёки “ноқонуний тарзда ёлғиз яшаш”ни Фарб кишиси тасаввур ҳам қилолмайдиган даражадаги жиноят деб билади. Ҳар бир маънавий фалокатнинг ўз пешрави — даракчиси бўлади; ислом бундай пешравлар пайдо бўладиган ижтимоий сабабларни камайтириш йўлини ахтаради. Шундай қилиб, бизнинг вазифамиз бир кишининг фактат бир киши билан жинсий алоқа қилиши кераклигидан таълим беришдир. Шотландиялик бир мактаб директорининг, ўғил ва қиз болалар “табиатдаги қўзғалиш сабабли” бир-бирига 6 дюйм⁴дан камроқ масофага яқинлашиши мумкин эмас, қабилидаги бемаъни хавотири бизга ётдир. Бироқ мактаблар бошлангич нуктадир. Идоралар аёлларнинг хизмат пиллапоясидан юқори қутарилишига халал бермай, эр-хотинлик ҳуқуқларининг кабинетлардаги ҳар қандай ноқонуний хилватнишинлик эҳтимолини бартараф этиш

³ Дюйм — инглиз узушилик ўлчов бирлиги. 1 дюйм = 2,54 см. — Тарж.



йўли билан ҳимоя қилинишини кафолатлаши керак. Шахсий ёрдамчиси қарама-қарши жинс вакили бўлишини истайтган сиёсатчилар ва иш одамлари бунинг сабабини тушунтириб беришлари лозим. Аёлларни бениҳоя камситадиган ва эр-хотинларнинг ўзаро хиёнатига туртки берадиган порнография ва порнографиясифат реклама масъулият билан цензура қилиниши керак, бу иш ўз жинс дошларининг бундай яланюоч суратларига эътиroz билдираётган феминистлар билан биргаликда амалга оширилиши даркор.

Ишратпараст Европанинг фожиаси шундаки, ўзини секснинг ҳаракатлантирувчи кучи деб ҳисобловчи ушбу иллатни бир кун келиб журналист ва сиёсатчилар ҳайрат ва нафрат билан четга супуриб ташлайди. Ислом жинсларни ўзаро ажратиш сиёсати билан уларни камситишини назарда тутади, деб ҳисобловчи, ич-ичида эса иш вақтида шахвоний қизикишнинг камайишидан, замонавий муносабатларнинг мувакқатлигидан изтироб чекувчи надоматгўй либерал арбоблар уни қўллаб-куватлашни ва ўшандай ижтимоий мухитда яшашни давом эттираверадилар, чунки муаммонинг илдизи мухитдадир. Бироқ ислом табиатан масалага кенгроқ қарайди, бинобарин, биз тушкунликка тушмаслигимиз керак. Оила инқирози жараёни кескин иқтисодий ва инсоний оқибатларни келтириб чиқармоқдаки, бу инқирозни тан олиш ва кескин чоралар кўриш вақти келгани шубҳасиз. Сўнгра бугунги кунда ҳазил-мазах қилинаётган зиёлиларча мусулмон консерватизми ҳаракатга келиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

* * *

Ньютоннинг кузатишича, табиат бўшлиқни ёқтирмайди; ушбу қоида фаннинг мақомига бўлган психологик муносабатни яхшилашга ёрдам бериши мумкин. Дунёвий қараш ҳам англаш мушкул, ҳам мавхум бўлиши мумкин, бироқ диндорлар учун Янги Ижтимоий Ақидалар тез орада янги диний қарашлар шаклини олиши мумкин. Йигирманчи асрнинг улкан эркинликлари купинча дин-

ни ҳаракатга келтирувчи қувватнинг кучли покловчисига ўхшаб қўринади. Дунё ташвишларидан ва “мен”ни тия билишдан қутулишдай туғма истак шахс эркинликлари ни чеклашга қарши қаттиқ ваража — конвулсияга айланётгани ажабланарлидир.

Шу маънода, сиёсий жиҳатдан тӯғри йўл тутаётган Фарб кучли диний жамиятдир. Унинг ўз дормалари, илоҳиётшунослари, руҳонийлари, жабрдийдалари, Америкадаги университетлар шаҳарчаларига ваъз-ахлоқномаларни етказиб борган миссионерлари ва қуфри ер билан яксон қилувчи яхши ривожлантирилган назарияси бор.

Баъзи бир кишилар буларнинг барчасини зарур, чунки одамлар ишонч ва асосга муҳтоҷ, чин эътиқодсиз ўзларини Фарбда идора этолмай қолиши ва қонунбузарлик йўлига кириб кетиши мумкин, деб билади. Аммо, ҳамма бало шундаки, айни пайтда қонунчилик, мактаб ўкув режаси, эшиттириш ва кўрсатуввларни бошқариш қоидаларига айланган янги ақидалар, ҳақиқий янги дин вазифасини ҳам ўтай олмайди ёки унинг ўрнини босолмайди. Диний ахлоқ, мусулмонми, христианми, буддавийми, ёки эскимосми, бундан қатъи назар, ўзига юклangan масъулиятни шараф деб биладиган шахснинг ўзлигини намоён қилиш ғояси орқали жамиятда ҳамжиҳатликни таъминлайди. Бунга мутлақо тескари бўлган Фарбнинг янги дини унга ҳуқуқлардан лаззатланиш орқали эришилади, деб ўргатади.

Ушбу терс ҳолатнинг экстремизмга хос эканини иnobатга олсак, у таъсир кўрсатаётган жамиятлар қийин ахволга тушиб қолишидан ажабланмаса ҳам бўлади. Конор Круиз О’Brienning мулоҳазасини ўзгартириб, дунёвий ижтимоий тиббиёт билан боғлиқ қўнгилсизликлар шундан иборатки, у қанчалик кўп қўлланса, мижоз шунчалик касал бўлиб бораверади, дейиш мумкин. Янги эътиқодлар бизни порлоқ ва эркин ҳомхаёлга етаклаш ўрнига ижтимоий иллатларимизни янада чигаллаштириб юборди, дейиш қуфр билан баробардир. Бироқ айнан шундай бўлгани бор гап. Боз устига, хушмуомалалик ҳукмрон бўлган жамиятда сохта дин бундай бузғунчиликка бош-



лаган тушунчалар танқид қилинмаслигига кафил бўла-
диган даражада кучлидир. Эҳтимол, мусулмонлар буни-
дай хушмуомалалик ҳақида қайфурмайдиган одамлар
бўлса керак.

Ушбу асрда рўй берган эркинлик учун курашларнинг
ўзига хосларидан бири феминизмдир. Баъзилари эҳтиёт-
кор ва далилланган, бошқалари эса жодугарлик ва ўз
жинси вакиласини севиш сингари тасаввур ҳам қилиб
бўлмайдиган сон-саноқсиз дарбадар тамойилларга бўли-
ниб кетган бу ҳаракат хусусида бир неча умумлашмалар
қилиш мумкин. Бироқ буни кузатишни бошлаш учун энг
кулай вақт аёлларнинг ўзлари истамаган ҳолда виктори-
анларнинг⁵ феминизмолди ва йигирманчи асрнинг сўнгги-
даги феминистик қадриятлар қурбони бўлган пайтидир.

Аёлларнинг эрларидан ажралиб молиявий ёки ҳуқуқий
субъект сифатида алохидা яшashi мумкинлигини рад эт-
ган анъанавий христиан маданиятларида хотин-қизлар
қонундан ташқарида қолишдан азият чекар эди. Бу ҳолни
уларнинг аксарияти ҳеч иккilanмай қабул қилиши мум-
кин эди, аммо ижтимоий ёрдам бермай қўйилган аёллар
реал адолатсизлик қурбони бўлишди, оқибатда улар мус-
тақил яшашга эҳтиёжманд эканини англаб етишди. Шу
тариқа аёлларнинг сайловларда овоз бериш ҳуқуқига эга
бўлгани чин маънода адолат излаш натижаси эди. Бу
ҳол Фарб жамиятини христиан анъаналаридан ислом меъ-
ёрлари томон буриб юборди. Унга кўра, аёл ҳамиша,
хатто турмушга чиққанидан сўнг ҳам қонуний субъект
ҳисобланади, унинг мулки, фамилияси, ворислик ҳуқуқи
ва даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуки сақланиб
қолади.

Гўёки сўнгти 30 йил давомидаги янги феминизмдан
мусулмонларнинг пайтавасига курт тушиб қолган, қаби-
лидаги гаплар Фрейден, Греер ва Далининг жангари ва
мафкура суви юритилган дунёқарашидан бошқа нарса
эмас. Ушбу мутафаккирлар нафақат жамиятдаги струк-

⁵ Викторианлар (“victorians”) -- қиролича Виктория (1837 – 1901) тахтда
утирган йиллар ижод қилган инглиз маданият арбобларининг шартли номи.
Тарж.

турал адолатсизлик, қолаверса, әркак ва аёлларнинг идентитети хусусидаги фундаментал қарашларга қарши ҳужум қилиш билан янги бир босқични бошлаб беришди. Симоне де Беово (Beauvois): “Оналик инстинкти бекор қилинмагунча, аёллар қуллигича қолаверади”, деб ёзган эди; янги феминистларнинг бундай бақир-чақирларини ҳар қадамда эшитиш мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, анъанавий тарзда аёл деганда, нозиклик, әркак деганда эса жасорат эсга тушиши биологик ва ахлоқий нуқтаи назардан асоссизdir. У “патриархат” деб аталувчи бутун бошли анъанавий бинонинг таянчи сифатида ҳужум қилиб туриш обьекти бўлган.

Шу ўринда мусулмонлар сакраб кемага чиқиб олиши керак. Куръон ва бизнинг илоҳиётшунослик анъаналаримиз икки жинс коинотга хос қутбланишнинг бир бўлаги эканидан боҳабарликка таянади. Биз ҳар бир жуфт яратилганига ишонамиз, муқобил илк сабаблар ўргасидаги ўзаро тортишиш муносабатлари дунёни ҳаракатга келтиради ва унга қадр-қиммат бахш этади. Қадимги хитойликлар ЎН МИНГ НАРСАни **Ин** ва **Янга** бўлгани сингари, мусулмонлар род — жинс хусусиятига эга бўлган араб тилида вахий келгани ҳодисасини тилга олар экан, жинс келишув эмас, илк сабаб, оддий биология эмас, метафизика эканини яхши билади.

Шундай қилиб, исломнинг туrimi — позицияси инжадир. Метафизик нуқтаи назардан, әркак ва аёл сабаблари teng кучлидир. Ҳодисалар уларнинг ўзаро ҳаракати орқали røy беради: шундай қилиб, яратувчанлик борки, насл қолдириш ҳисси билан боғлиқ. Бироқ Мурата жамиятдаги “шу ерда-қуида” принциплари ўргасида оддий **паритет** — мувозанат ўрнатиш саъй-ҳаракатлари адолатни етарли даражада таъминлай олмаётганини кўрсатиб беради. Ҳар бир илоҳий номнинг ўзига яраша вазифаси бор. Инсоният генетик қулайлик учунгина жинсларга бўлинган. Эркак ҳам, аёл ҳам Аллоҳнинг ердаги **халифа**ларидир, бироқ илоҳий комилликнинг қўшимча жиҳатларини баён қилишда уларнинг “вазирликлари” асосий масалаларда бир-биридан фарқ қилишади.



Исломнинг инсон табиати (*фитрати*) оёқости килишга эмас, парваришт муносибликини ҳамда эркаклар ва аёллар фаолиятнинг бошқа-бошқа турларига мойил эканини тушуниши либералларнинг айюҳаннос ва норозилигига сабаб бўлади. Бу ҳол уларнинг наздида учига чиққан куфр саналади. Бироқ либераллар тез-тез тилга олишни хуш кўрадиган энг содда биологик ва утилитар (фақат фойдани кўзловчи) истилоҳларида ҳам тақдирнинг мутлақ идентитети жумбоқлигича қолаверади. Аммо помақбул жамиятгина аёллар онгини мутлақ тенгхукуқлилик ахтариш истаги билан заҳарлаши мумкин, шунинг баробарида у аёлларнинг фарзандли бўлишидай воқеликдан ҳамда — масаланинг энг жанжалли жиҳати ҳам шунда — уларнинг бола боқищдан ҳузур қилишидан кўз юма олмайди. Улар фарзандларининг жамиятдаги куфр ва файридиний қарашларда айбланишига қарши туриш учун ўзлари эришган мавқедан воз кечишдай жасоратга ҳам, ёки солик идораларининг таъқибига ҳам тайёр; аммо улар ўз эътиқодида событқадам, дунёвий тафаккурни иқи сўймайди, оналар фарзандларини энагалардан кўра яхшироқ тарбиялашади, кўкрак сути сунъий сутдан кўра тузук ва ҳатто — у пировардида файри фикр бўлиб туюлиши ҳам мумкин — бола парвариши суғурта сотиш ёки автобус ҳайдашдан кўра фараҳбахшdir.

Аёллар ўртасида эркаклар билан фаолиятнинг мутлақ тенгхукуқлигини талаб этувчи ортодоксал феминизмга қарши исён белгилари зухур бўлмоқда. Оммавий ахборот воситалари бонг ураётганининг акси улароқ, зиёли аёллар бола боқиш учун “четга чиқиб қолиш”дан ҳазар қилаётгани йўқ. Лекин ҳақиқий зарар етказиб бўлинди. Оталарни бола боқиш ва уй беклигига қайтариш муваффақият қозонаётганга үхшайди; аксарият биноплар уйдан кўра уйқуҳоналарга үхшаб қолмоқда. Овқатланиш вақти ўз қатъийлигини йўқотиб, консерва очиш ишига айланиб қолган; ота-оналар ҳориб, ҳолдан тойиб қолгани учун ҳориш нималигини билмайдиган фарзандлари билан ўз “сифатли вақти”ни бирга үтказа олмайди; афсуски, оила аъзоларининг уйга ва бир-бирига тегиши

лилик ҳисси йўқолиб бормоқда. Айни човда болалар уйни тарк этади, улар ўзларини уйда ҳеч нарса ушлаб турмаётгандай ҳис этади.

Бундай қайрули вазиятда ажрашиш мантиқан түғри бўлади. Ота ҳам, она ҳам ишлайдиган оиласдаги сиқилишни оддий кишилар енга олмайди. Даромаднинг ошиши ва (баъзи бирорлар учун) ишдан олинган лаззат чарчоқ ва тортишувлар эҳтимоли кучайишнинг ўрнини тўлдириши кийин. Аёлнинг оилани ўз меҳри билан иситишидан маҳрум бўлган ота ва фарзандлар ўзини хавфсиз ҳис эта олмайди. Эр-хотиннинг бирдай ишлаши интиҳосиз тортишувлар учун замин ҳозирлайди. Ажрашиш гали келганда эса, аксарият ҳолларда аёл кишига жабр бўлади. Қариётган ёлғиз она сифатида у жамият ўзига мутлақо кизикмай қўйганини англай бошлайди. У “давлатнинг хотини” деб аталувчи янги синф сафига бориб қўшилади.

Яхшиямки, давлат кўпхотинли бўлиши мумкин. Янги Европани ижтимоий жиҳатдан англаш солик даромадларининг кескин кўпайиш даврига тўғри келди. Сиёсатчилар орасида ижтимоий инқироз даражаси йиллик ялпи ички маҳсулот ўсишидан ўзиб кетмаган бир вазиятда бу борада қайнурувчилар камдан-кам топилади. Яна миллионлаб ёлғиз оиласларнинг тақдири ачинарлидир. Даромад манбаи ягона бўлган оиласлар аёлларга бола боқищдай муқаддас бурчни оёқости қилиш эмас, бажаришга изн берилиши либераллар тахмин қилганидан ҳам кўра кўпроқ маънавий аҳамиятга эга эканини яққол тасдиқлаб турибди.

Аммо феминистлар ижтимоий матони кемираётган ягона куя эмас. Яна бошқалари ҳам борки, уларнинг баъзилари ҳаддан зиёд радикалдир. Уларнинг энг кескини гомосексуалистлардир, кизиқ, аммо доимо жирканч мафкуралардир, улар аҳолига оиласлар учун оқибати ҳало-катли бўлган дормаларни тиқиширади.

Худди феминизм сингари гомосексуализмга қарши тенологик ҳолат ҳам бизнинг яратувчанликнинг “диадик”⁶

⁶ Диад (ингл. жуфт) – ижтимоий нуктаи назардан мухим ўзаро муносабатга эга бўлган икки шахс (эр ва хотин). – Тарж.

табиатини қанчалик тушунишимизга бориб тақалади. Инсониятнинг жинсларга бўлиниши коинотнинг Аллоҳ иродасига кўра кутбланиши тажассумидир. Эркаклар ва аёллар қўшимча илк сабаблардир. Жинсият уларнинг илҳий ва насл қолдириш бўйича келишувиdir. Шунинг учун ҳам бир жинсга мансуб кишиларнинг жинсий алоқага киришуви табиий тартиб бузилишининг энг даҳшатли кўринишиdir. Бундай алоқанинг биологик пуштсизлиги Аллоҳ дунёнинг ўрмаги ва арқоғи сифатида истифода этган асосий иккиликини эъзозлашни метафизик барбод этиш аломатидир.

Шунга қарамасдан, гомосексуализмнинг ҳаракатлантирувчи кучи жуда кам ўрганилгани айни ҳақиқатдир. Бу ҳол дарвинизмнинг маълум вақт ўтиши билан аксилрепродуктив хоссаларнинг системали равишда йўқолиб бориши хусусидаги фаразига қарши қатъий далил сифатида пайдо бўлмоқда. Баъзи бир маданиятларда бу ҳол жуда кам учрайди: Вилfred Тезигернинг ёзишича, у ўзининг араб бадавийлари билан узоқ саёҳатлари давомида ҳеч қачон одамни камситадиган бундай амалиётга дуч келмаган. У бошқа жамиятларда, хусусан, замонавий шахар маданиятларида жуда кенг тарқалган. Нега айнан шундай бўлиши кераклиги хусусидаги назариялар тиқилиб ётибди: баъзи бир тадқиқотчилар аҳоли ҳаддан зиёд кўпайиб кетган жамиятларда бу тамойил табиатнинг нуфус ўсиши назорат қилиш усулидир, деб сафсата сотади. Бизга айтишларича, лаборатория каламушлари ҳаддан зиёд ёруғ чироқлар, қаттиқ шовқин ва бир жойга кўп йигилиш оқибатида безовта қилинган тақдирда ҳам гетеросексуалигича қолаверади. Бошқа олимлар эса контрацептив дори истеъмол қилувчиларнинг ичимлик сувига солинган минглаб тонна эстрожен⁷ натижасида “гормонларнинг булғаниши” билан боғлиқ таъсир ҳақида мулоҳаза юритишиади. Бу ҳам ҳали исбот этилмаган.

⁷ **Estrogen** (ингл.) – (биокимёда) аёллар гормонларининг исталган гурухи, у ёшига нисбатан суст ривожланган ва тухумдони олиб ташланган сут эмизувчиларнинг жинсий фаоллигини оширади. – Webster's New Universal Unabridged Dictionary, 1994.



Айрим олимлар яқында ўтказилган тадқиқот натижасида гомосексуал тамойиллар ҳар доим ҳам ҳаёт давомида орттирилмайды, баъзи бир шу дардга муттало бўлган индивидуумлар хромосомаларининг аниқ-таниқ носозлиги билан туғилди, деган хуносага келади. Бунинг ахлоқ илоҳиётшунослиги учун қандай аҳамиятта эга экани аён: Куръоннинг одамлар фақат ўз ихтиёри билан содир этган хатти-харакатлари учунгина жавобгардир, деган қатъий ҳукмини инобатга оладиган бўлсак, гомосексуализм маълум маънода туғма мойиллик сифатида гуноҳ саналиши мумкин эмас.

Албатта, бундан ушбу мойилликка мос ҳаракатларни оқлаш мумкин, деган хуносага келиб чиқмаслиги керак. Шунга ўхшаш тадқиқотнинг далолат беришича, кўпгина инсоний майллар, хусусан, ўт қўйиш ва бошқа жиноий хулқ шакллари ҳам баъзида генетик тартибсизлик оқибати ўлароқ, юзага чиқади; бинобарин, шунинг учун ҳам ҳеч ким хулқ ахлоқий нуқтаи назардан изчил деган хуносага кела олмайди. Биз бунинг ўрнига Аллоҳ одамларга турли-туман жисмоний ва ақлий ҳадялар бергани, ул зот баъзи бирларимизни ахлоқий майлларни бериш орқали синашини, биз уни ўз-ўзимизни ислоҳ қилиш ва интизомнинг бир қисми сифатида курашиб енгишимиз орқали ўрганамиз. Бутун борлиги билан уйларга ўт қўйишни истовчи ақлли мижозга бу истакни енгиш учун ўзига хос ирода берилган. Кучли гомосексуал хоҳиши бўлган эркак ёки аёл худди шундай синовга дучор бўлади.

Тақводор киши учун гомосексуал ишлар ҳам метафизик, ҳам маънавий жиноятдир. Гетеросексуализм эса қарашлар йиғиндиси – концепция сифатида янги ҳаётга, фарзандларга, набираларга ва сўнгсиз авлодларга элтувчи фаройиб иттифоқдир: у чексизлик эшигидир. Бунинг мутлақ зиди бўлган бесоқолбозлик эса жаҳаннамга элтади. Ҳар доимгидай, ғурур ерга урилганда энг ярамас иллат юзага чиқади.

Албатта, буларнинг бирортаси ҳам дунёвий тафаккурни қизиқтирилмайды, чунки у мавжудликда маъни кўрмайди ҳамда энг олий лаззат ва завқ инсон ҳаётининг мақса-

ди булиши мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмайди. Күп slab ватандошларимиз биз дунёга күнглимиzinи поклаш ва илохиёт мавжудлиги туфайли бемисл баҳт хиссими туйиш учун келганимизни мутлақо тушунмайди. Шунингдек, ҳомофилияга қарши дунёвий далиллар ҳам етарли, биз уларни ўз фикримизни далиллашда истифода этишимиз мумкин.

Гомосексуализм никоҳ институти – курими учун кўп зааралидир. Унинг тарғиботчилари бир фактни тан олмаслиги мумкин, аммо у бизнинг энг муҳим яшаш тарзимиз – эркак ва аёл иттифоқи илдизига болта уради. Ваҳоланки, биз айнан шунинг учун дунёга келганимиз ва бу фарзанд ўстириш учун қулай табиий шароитdir. Та-биатнинг илгаригидай нуфузи қолмаган, одамлар мингминг йиллардан бери яшаб келган ҳаёт йўлидан бутунлай чиқиб кетган бизнинг давримизда жамият эркак-аёл иттифоқини кадрлашга арзирлик ягона ҳодиса эканига ишона олмайди. Муқобил йўллар кўп тарқалгани сари муқаддас саналган меъёрлар камайиб бораверади. Гомосексуалистлар тарафдорларининг ҳар бир ғалабаси жамиятнинг яшаб қолиши учун зарур бўлган меъёрларга қарши урилган кучли зарбадир.

Гомосексуализмга қарши кампания – мужодала оиласи муҳофаза этиш учун кураш контекстида ҳамма қилиши керак бўлган ишга айланиб бормоқда. Бақир-чақир қилиб юрган, епископларни кўчага ҳайдаб солаётган ва бесоқолбозликка изн берадиган ёшни пасайтиришни талаб қилаётган мутаассиблар **фитрат**нинг ашаддий душманидир. Ибтидоий меъёр бўлмиш фитрат бани башарнинг ранг-баранглиги ўлида янги авлодни тарбиялаш воситаси ўлароқ, ўзини никоҳ орқали изчил намоён қила борди. Ислом инсон танасининг табиий эҳтиёжларини ҳисобга олар экан, нимаики **фитрат**га қарши бўлса, инсоният ва Аллоҳга ҳам қаршидир, деган аниқ-равshan тушунчада событ туради. Бу тушунча қонунларда ўз аксини топиши керак, у узоқ вақт мобайнида оилани завқли “турмуш тарзини танлаш” диапазонларидан бири сифатида нисбийлаштириш йўлларини излади.



Маълумки, инверсия – қадриятларнинг оёғи осмондан бўлиши ҳам индивидуал, ҳам ижтимоий нуқтаи назардан заарлидир. 1997 йили уч нафар америкалик академик бесоқолбозлик амалиёти ВИЧ инфекцияси тарқалишига сабаб бўлади, деб гомосексуализмни мазах қилгани учун ишдан бушатилган эди. Улар миллиондан ошиқ американкларнинг ҳаётини зимистон қилаётган ушбу вабонинг табиати тўғри ҳаёт кечираётган инсонларга нисбатан замонавий ҳақоратдан бошқа нарса эмаслигини кўрсатиб берган эди. Бевосита аксилжисмлар⁸, бизни микроблар дунёсидан ҳимоя қиласиган инсон иммунитет тизими ядрои ўзимиз ўз танамизни бузишимиз миқёсига қарши турга олмайди. Бу, айниқса, ислом учун тушунарлидир. Имом Малик ҳикоя қилган ҳадис инсоннинг бу танлови нималарга олиб келиши мумкинлигини бизга сабртоқат билан эслатиб туради: “Ахлоқсизлик ҳеч қачон уни одамларнинг ўзи тарқатмагунча пайдо бўлмайди, у ота-боболарга ёт бўлган жазава ва вабо билан бирга тарқалади”. СПИДни илоҳий жазо дейиш жуда қўпол қарашдир. Бу бизга илоҳий *nomos* – қонунларни бузганимизда нималарга дучор бўлишимиз мумкинлиги эслатмасидир. Биз бу қонунларга риоя этиб, инсонийлик меъёrlа-рига уйғун ҳолда яшаймиз, бу меъёrlарнинг асосий мақсади бизни эсон-омон сақлашдир.

Баъзан мусулмонлар Farbdagi оила қадриятлари инқирози инсониятнинг аксарият қисми манфаатларига мос келади, деб ҳисоблайди. Улар тушқунлик Farb танлаган йўл ва у шунга муносибдир; Farb жамиятининг мукарарлар портлаши ахлоқан мустаҳкам бўлган исломга дунёнинг кучли тамаддуни сифатида ўз ўрнини қайта эгаллашига майдон ҳозирлаб беради, дейишади. Бу назариянинг қўнгилни хижил қиласиган жиҳати шундаки, портлаш ялпи инқироз аломатларини зоҳир қилаётганича йўқ. Технология ва бойлик ўсиб бораётган баҳтсиз ҳодисаларга барҳам бера оладиган кузатув ва ижтимоий таъминот

⁸ Аксилжисмлар (антитела) – танада аксилгенлар пайдо бўлиши билан юзага келадиган ва уларнинг таъсирини йўқотадиган моддалар. – Тарж.



тизимини вужудга келтиришга имкон яратмоқда. Тақдир ҳазилини қарангки, Янги Дунё Тартибига посбонлик қилаётган давлат қоронғи түшганды үзининг Марказий хиёбонида тартиб ўрната билмайди. Бироқ биз аҳмоқларча некбин бўлсак ҳам, ёки мутлақ тоталитаризмдан умид қилсак ҳам, Farbdagi ижтимоий тамойиллардан ҳавотирга тушмаслигимиз мумкин эмас. Farb оиласининг омон қолиши мусулмонларни ҳам ҳавотирга соладиган масаладир, биз дўстларимиз ва қўшниларимиз, уларнинг ақидалари ҳақиқий ҳаёт сандонига урилиб синган ва эшишишга ярамайдиган даражада ерга урилган вақт келгунга қадар ўз нуқтаи назаримизни таклиф этишимиз керак.

VI б о б

ИСЛОМ, ИРИГАРАЙ¹ ВА ЖИНС МАСАЛАСИ

Расули акром айтди: аёлнинг ақли эркакнидан
устун,
улар эркаклар юрагининг соҳибидир.
Бироқ жоҳил кишилар аёллардан устун,
улар ҳайвонларга хос ваҳшитлик домига тушив
қолгандир.

Уларда на эзгулик, на шафқат, на севги бор,
чунки улар табиатида ҳайвонийлик устунлик
қиласиди.

Мұхаббат ва эзгулик инсоний фазилатлардир;
жаҳл ва шаҳватпәрастлик ҳайвонларга хосдир.
Аёл сизнинг маҳбубанғыз әмас, Аллоҳнинг
тажаллисидир.

У яратувчиидир – сиз уни яратилмаган деб
айтишингиз мүмкін.

(Ҳазрат Мавлоно)

Люси Иригарай (1932) – француз феминист психоаналитиги, у тилнинг аёлларга нисбатан тўғри ва нотўғри кўлланишини тадқиқ килган. Иригарай Париждаги Жан Лакан ташкил этган Фрейд мактабининг аъзоси эди. У 1968 йилдан 1974 йилда докторлик тезиси туфайли ишдан кетгунга кадар Париждаги Саккизинчи Винсен университетида ўқитувчилик қиласиди. “Бошқа аёлнинг инъикоси” деб аталган тезисда тарих ва маданият патриархал тилда ёзилгани, улар аёлларнинг эхтиёж ва истакларини хисобга олмагани ва Зигмунд Фрейд карашлари аёлларга нисбатан нафарт билан йўғирлганидан баҳс юритилади. Иригарайнинг илк китоби *Le Langage des déments* (“Ақлдан озгандар тили”, 1973) сингари *Parler n'est jamais neutre* (“Хеч қачон бетараф (ўрта) родда гапириб бўлмайди”, 1985) китобида ҳам шизофрениянинг тили тадқиқ қиласиди. Уларда тафаккур орқали жинслар, тарих ва муҳитдаги ўзаро тафовут келиб чикади, деб хулоса килинади. Унинг *Et l'une ne bougeras sans l'autre* (“Бир киши бошқа бир кишисиз ҳаракатлана олмайди”, 1979) асарида она ва қиз ўртасидаги муносабатлардан баҳс юритади ва Фрейдинг Эдип комплекси (балалин чоғларида отага нисбатан душманларча импульсларнинг сикиб чиқарилиши оқибати)га хужум қиласиди. Унинг бошқа асарлари: *Passions élémentaires* (“Дастлабки хиссиятлар”, 1982), *L’Ethique de la différence sexuelle* (“Жинсий тафовутлар этикаси”, 1984);, *Le Temps de la différence: pour une révolution pacifique* (“Тафовут ҳакида ўйлаш: тинч инқиlob учун”, 1989), *Je, tu, nous: pour une culture de la différence* (“Je, tu, nous: тафовут маданияти сарип”, 1990) ва *J'aime à toi: esquisse d'une félicité dans l'histoire* (“Мен сени севаман: тарихдаги саодат учун эскизлар”, 1996). 1991 йилда чоп этилган “Иригарай хрестоматияси” унинг эсселари сайланмасидир. — Британника

² Жалолиддин Румий — Тарж.



1969 йилги бичилган аёл бачадондан иборат эди.
1997 йилги бичилган аёлнинг бачадони ҳам йўқ.

(Жермейн Грир)³

Үшбу боб эҳтимол тутилган ҳақиқат ва анъанани қайта тасаввур қилишга даъват этади. Менимча, бу ўринсиз зўравонликка сабаб бўлмайди, бироқ у айни кундаги тенгхуқуқлилик, ҳурмат ва ушбу бобдаги диннинг эврилишларига оид ҳикоянинг бир қисми бўлишга оид ташвишларга сабаб бўлиши турган гап. Кимдир ушбу лойиҳанинг муҳимлигини қайд этиб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлаши мумкин. Қуръоннинг адолатли худо хусусидаги уқтириши ва кўпгина Уйғониш вакилларининг эркинлик хусусидаги риторик гапларига қарамасдан, ислом кироати бугунги кунда, Афғонистондами ёки Занзибар⁴дами, бундан қатъи назар, камситиш амалиёт диннинг инсониятга хизмат қилишдай олижаноб мақсадини шубҳа остига қўяди.

Муҳтарам ўқувчим, каминага мусулмон дунёсида дин ва жинснинг кескин диалектикасидаги ўйин ҳолати деб ҳисоблаётган мавжуд ҳолатни қисқача баён этишга ижозат бергайсиз. Биз бугунги маданий далилларни мустамлакадан сўнгти энг янги дунёда яшаш белгилари деб тавсифлашимиз мумкин. 20-асрнинг бошларида мустамлакачининг тенглиқ услуби, симбиотик нуқтаи назардан, жинс эмансинацияси услуби билан ҳамоҳанг эди. Жинс эмансифациясининг кўзга кўринарли жиҳатлари Мисрнинг бош муфтийси Муҳаммад Абдуҳ (ваф. 1905 й.)нинг ва Қосим Аминнинг 1899 йили чоп этилган “Таҳрир ул-Маръа” мақоласида сўз юритилган кўпхотинлик ва ило-

³ Жермейн Грир (1939) — Австралияда туттилган инглиз ёзувчиси, аёлларнинг жинсий эркинлиги химоячиси бўлган феминист. — Тарж.

⁴ Занзибар — Хинд уммонидаги Африка китъясининг марказий шаркий кирғоғидан 35 километр олисда бўлган оролдир. Занзибар 1964 йили Пемба ороли ва бошқа кичик ороллар билан биргаликда китъадаги Танганайика билан Танзания бирлашган республикасини ташкил этиш учун бирлашиди. Занзибар оролининг майдони 1651 квадрат километрdir. — Тарж.



хий қонунларнинг кескин тафтиши эди. Кенг омманинг қўллаб-кувватлаши хусусидаги даъволарга қарамасдан, ўша вақтдаги туб ислоҳотларни — хоҳ 1926 йили шаригатга асосланган тузумдан воз кечган камолчилар Туркиясида, хоҳ Ризо Шоҳ Эронида бўлсин — янги миллий киборлар тайёрлаган, улардан кам қудратга эга бўлмаган эркак киборлар эса шаҳар аёлларига озодлик бериш бўйича ижтимоий дастур ишлаб чиқишини тезлаштирган эди.

Аёлларни озод этиш тили⁵ ва сиёсатида эркаклар устунлик қилган пайтлар улар тез-тез икки томонлама бегоналий ҳиссини туяр эди. Аёлларни озод этиш ҳаракати алал-оқибат носиризм ва баасизм сингари ваколатли социалистик миллатчилик жараёнларига қўшилиб кетди. Носиризм исломга хос эди, чунки эркак қонун чиқарувчилар бу озодликни мажбуран жорий этдилар, сабаби, унинг маҳаллий ёки илохий китобларда қайд этилган асоси ўз аҳамиятини йўқотиб бораётган ёки (коммунистик бошқарув домидаги мусулмонлар муҳитида) жангарилик ҳолатида эмас эди. Баасизмни эса давлат юритаётган бўлиб, сўзамоллик ва қонунчиликка қарамасдан, у аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокини етарли эмас деб топди. Демократик ҳисоб бериш ёки анъанавий зодагонларга хос шараф кодексининг йўқлиги туфайли юқори мансаблардаги кишилар ўртасида коррупция ва калондимоғлик урчиб кетди. Бу аксарият ҳолларда меҳнат тақсимотининг анъанавий шаклларини қайта тасдиқлаш устидан ўз назоратини үрнатди. Кўпинча бу кўхна аслзодаларнинг барҳам топиши ва улар ўрнига аёлларга хос тана тузилиши дехқонларга бориб тақаддиган ҳарбий кишиларнинг пайдо бўлишида яққол кўринди.

Мустамлакачиликдан сўнгги инқилобчи авлод биринкетин дунёдан ўтиб кетаётган энг янги даврда бу икки баробар бегоналашув мусулмон аёлларнинг мураккаб жа-

⁵ Тил — бу ерда тилдаги музаккар, мужской род назарда тутиляпти. — Тарж.



воб ҳаракатларига сабаб бўлди. Бу ҳаракатлар уларнинг анъанадан Farb феминизми назариётчиларидан үрганилган схемалар фойдасига атеистларча воз кечиб юборишидан то ўрта асрлар шариатининг кескин маслак тафовутига оид хукмларини ишонч билан қайта тасдиқлашгача бўлган сипехри — снектрида зухур бўлди. Мисрда Зайнаб ал-Фазалий ва Сафиназ Козим сингари аёл ёзувчилар феминизмни маданият мустамлакачилиги сифатида мазах қиласди, Farbnинг ёлғиз оталик ёки оналик ва ажрашиш сингари ижтимоий муаммоларини бир-бир санааб ўтар экан, уларга аёллар ҳаракатига эш бўлган ҳолат деб қарайди ҳамда кўпинча ҳанбаллаштиришни, мусулмонларнинг муқаддас китобларини ўқишини муаммо ечи-ми сифатида тавсия этади.

Ушбу кутблашув йирик маданий кутблашувнинг кичик бир бўлагидир, у замонавий мусулмон маданиятларида гарблашган миллий аслзодаларни ўсиб бораётган кўйи-урта исломчи синфлардан ажратиб туради. Аммо бу кутблашув керак бўлганда нисбатан мураккаб стратегиялар билан бирга яшашга мажбур. Кейинги ўн йил ичида гарб тамаддунига бўйсуниш ва муқаддас китоблар ақидаларини тушунтиришда бўшанглик қилаётганликда айбланиши мумкин бўлган янги мусулмон мутафаккирлари авлоди пайдо бўлди. Улар анахронистик тарзда рисоладаги ўтмишдан ҳам, бошқаларнинг бугунги кунидан ҳам, ислом феминизмидан ҳам нусха кўчиришни истамайди. Турли-туман маҳаллий хусусиятларга мойил бундай муаллифларни таърифлаш қийин. Бироқ баъзан улар собиқ марксистлар бўлиб чиқади. Бунинг ёрқин мисоли Азиза ал-Хибрийдир. Бошқалари эса Туркияда. У ерда 90-йилларнинг бошида коммунизм обрусига птур этиши зиёлилар, ёзувчи ва сиёsat фаолларининг ислом томон юз буришини тезлаштирди. Икки турк жувони: Закия Демир ва Закия Ўғузхон ушбу тамойилнинг вакилалариридир. Закия Ўғузхон “Бир рўмолнинг кундалиги” асарида камолчиларнинг аёлларни янгилик учун анъанадан озод бўлишга мажбур этиши ҳануз уларнинг озодликдан маҳрум бўлиб қолаётганига сабаб бўлгани

киноя билан баён қилинади. Туркия шароитида аёллар диндорлигига университетлар ва хукумат идораларида жиноят деб қаралиши бунга мисолдир. Демирнинг 1998 йили “*Модерн ва постмодерн феминизм*” номи билан чоп этилган китобида феминизм минтақавий бўлакларга бўлиниб кетганини ҳам, туркий-исломий феминизмнинг ваҳҳобийлик кўринишидаги тарихий илдизи бўлмаган ҳарфхўр герменевтикасини ҳам, усмонлилар империясининг сентиментал садоқатини ҳам тан олмайдиган тарзда ривожланиши хусусида фикр юритилади. Бу Демир хоним Куръоннинг асосий озод этиш этоси — хусусияти деб билувчи ҳолатни излаб топиш учун керак. Унинг ишонишича, мусулмон аёллар дастлаб патриархат муаллифлик қилмаган, аммо оғзаки, ҳалқ оғзаки ижодида яшаб келган ҳикояларни эркаклар хукмронлик қилмайдиган ва улар тадқиқ эта олмайдиган салтанатда гапириб бериши ва авайлаб-асраб юриши мумкин. Ушбу ҳикоя қайта тикланиши керак: биз Баҳрия Үчакнинг “*Ҳукмдор турк аёллари*” китобидагидай, фақатгина аслзодаларнинг эмас, бошқа оддий тақводор аёлларнинг ҳаётини ҳам акс эттиришимиз лозим. Унинг таъкидлашича, бу биз ҳам мансуб бўлган ҳикоядир ва биз уни ҳеч қачон сотмаслигимиз керак. Бунинг ўрнига унга манзараси ва иқлими ҳозирги дунё бўлган янги боб ёзимиз зарур.

Исломнинг етакчи тамойилидан оғиб кетишига қарамасдан унинг аслини сақлаб қолишга интилаётган кўплаб исломчиларнинг ўзи ва муслима мутафаккир аёллар герменевтикамага юз бурди. Герменевтика муқаддас қўлёзмаларни андроцентризм⁶га йўл қўймаслик орқали қайта ўқиш имконини беради. Бинобарин, Стенфорд университетининг ҳукуқшунос олимаси Сюзан Окиннинг яқинда “Бостон ревю”да “Аёллар учун кўпмаданиятлилик ёмонми?” номи билан чоп этилган мақоласига жавобан Азиза Ал-Хибрый қарши савол беради: “Фарбнинг патриархал феминизми учинчи дунё ва камсонли (миллатлар) аёл-

⁶ Андроцентризм — эркаклар устуворлигига асосланиш. — Тарж.

лар(и) учун яхшими?" (Ушбу мунозарани Принстон университети бундан икки йил муқаддам чоп этган эди.) Ал-Хибрый айни пайтда мусулмон мутафаккири ва Виржинияда ҳукуқшунос олима бўлиб хизмат қиласи. У Фарбдан ташқарида бўлган феминизм истиқболини кечириб бўлмас империалистик ёки ҳатто миссионерлик ва "бошқаларни кутқариш"га қаратилган калондимоғлик лойиҳаси деб ҳисоблайди. Постмодерн контекстда бошқа бир тизимга ўз чеклашларини жорий қилишга бундай уринишлар Лиотар "терроризм" деб атаган нарсага тұғри келиши ҳали исботланмаган. Ал-Хибрыйнинг таҳлилида Окин диний редукционизм⁷ да нисбатан айбор деб қаралади. У "Ерга тушиш" ривоятидан иқтиbos келтиради ва христианлик, иудаизм ва исломдаги қарашлардан қатъи назар, Ҳавони гуноҳкор деб ҳисоблайди. Муаллиф Куръонда гуноҳ Ҳаво билан биргаликда Одам Атога ҳам баббаробар юкланиши айтилганини таъкидлаб ўтишни ўзига эп кўрмайди. Ал-Хибрыйнинг наздида, Окин "унчалик аҳамиятга эга бўлмаган (фарблик бўлмаган) Бошқа ҳақида барадла гапириши билан" Фарб феминистларининг типик вакиласидир. Ўша Бошқа⁸, ҳатто баҳсга киришган тақдирда ҳам шунчалик аҳамиятсизки, у бошқалардан ажралиб турмайди ва овози ҳам ўзгача жарангламайди. Мунозара чоғида фақат устун тарафнинггина овози ва қарашлари баён қилинишига изн берилади.⁹

Хозирча Ал-Хибрыйнинг таҳлили бақувват кўринади, Окиннинг кечроқ берган жавоби эса ишонарли эмас. Би-

⁷ Редукционизм (*фр. réduction < лат. Reductio* қайтиш, оркага суриси) — мураккаб нарсаларни оддий унсурларга бўлиб таҳлил қилиш тамойили ёки принципи. — Тарж.

⁸ **Бошқа** — боли ҳарф билан ёзиладиган бу атама постмодерн адабиётида кўп учрайди. Бу атама кичик ҳарф билан ёзиладиган "бошқа"дан ўзгача маънони англатади. "Бошқа" сўзи бошқа бирорни англатса, ҳар бир кишининг ўз "Бошқа"си бор. Бу ҳар биримиз ўз-ӯзимизни баҳолаётганимизда эшитиладиган ички овоздир. "Бошқа"миз бизга, "иш аъло даражада бажарилди", ёки "бундай қилмаслигинг керак эди", дейиши мумкин. Одам ўз "Бошқа"си билан баҳслашини мумкин. Ҳаёлан ушбу тасавур килинадиган овозга ўша ишни нега айнан шундай килганини тушунириши мумкин. Бошқа бирор реал одамнинг "бошқанинг овози билан гаплашганини ҳам эшитиши мумкин. Бунинг маъноси шуки, ўша реал одам Бошқанинг ички овози нима деганини (ёки у нима дегани ҳакида ўша одам ўйлаётганини) гапириб бериши мумкин. — Тарж.

⁹ Susan Mokker Okin, *Is Multiculturalism Bad for Women* (Princeton, 1999), 42.

роқ Ал-Хибридийнинг жавоби мусулмон феминистларидан бирининг одатий жавобидир. Унда масалага фиқҳ дарајасида ёндашилади. Мен унинг қарашлари эътиборга молик бўлгани учун каттароқ иқтибос келтирмоқчиман:

Мусулмон феминистлари, жорий этилган ҳуқуқий принциплар ва мусулмонларнинг маслаҳати нуқтаи назаридан мавжуд ислом юриспруденциясини танқидий кўз билан қайта кўриб чиқшиши керак. Натижа уч томонлама стратегиядан иборат бўлади. Биринчидан, диний амалиётдан оддий амалиётни ажратиш. Бу ҳол мусулмонларнинг баъзи бир ўзгаришларга, хусусан, соғ маданий ўзгаришларга бўлган қаршилигини камайтирган бўлур эди. Иккинчидан, мавжуд юриспруденцияни ундан номақбул маданий унсурларни топиш учун тафтиш қилиб кўриш. Учинчидан, ислом юриспруденциясига вақтни, жойни ва мусулмонлар маслаҳатини ҳисобга олган ҳолда ҳисса қўшиш [...] Бундай мураккаб ва кўп вақт талаб этувчи лойиҳани қисқартириш ёки дунёвий феминистларнинг сабрсизлиги туфайли бекор қилиш мумкин эмас¹⁰.

Афсуски, ҳамма бало тафсилотларда: исломий ҳуқуқ назарияси билан қилинадиган герменевтик ямоқчиликдан қайси бири ушбу камчиликларни тўлдириши мумкинлигини ҳеч ким айтиб бера олмайди. Куръонни олдинги матн ўрнига тўрт нафар улкан ва бошқа кўплаб кичик фақиҳлар томонидан қайта ёзилган деб талқин қилиш ислохот учун зарур стратегияни тақозо қиласи, бироқ буни тарихий шароит тақозоси ва деконструкция¹¹ жараёнларини қўшган ҳолда муросасиз йўл билан амал-

¹⁰ In Okin, 43–4.

¹¹ Деконструкция — бу атамани истеъмолга француза файласуфи Жак Дерида кириптган. Унинг маъноси тасаввурларимизга ва нарсаларни кўриш усуllibrimizga ўрнашиб колган муайян бир концепция туфайли пайдо бўлган концептуал тартибни бузуб ташлашдир. — Тарж.



га ошириш юриспруденцияга кескин ўзгаришлар кири-тади, бунга ўхшаш ҳар қандай матн кенозиси¹² ни дунёвийлаштирувчи ва бўлгинч тушунчалар бирор самара бериши даргумон.

* * *

Бу менинг мусулмонларнинг жинс хусусида фикр юритадиган ёзувчилари ўзини қаерда деб билишлари хусусидаги муқаддимамга якун ясайди. Кўпинча замонавий исломда муросанинг пайдо бўлаётгани ҳам кўзга ташланмайди. Бироқ одам ҳар қандай ислоҳот сиёсати, у муносабатларга, тарихга назарга ёки шариатнинг ўзига нисбатан бўладими, бундан қатъи назар, илоҳиётшунослик аниқтиниқ кўрсатма бермаган бўлса, диний ўтмишга дахлдорлик эмас, аксинча, унга бутунлай бегоналиқ ҳиссини тувиш йўли билан чин маънодаги ислоҳотчи бўла олмаслигини тушунмасликдан фақатгина ўзи зарар кўриши мумкин. Бу ҳол, гумон қилишимча, ислом ислоҳотчилигидағи умумий бир ҳатодир: масалан, Шоҳрур ёки Ваил Халлоқ таклиф этаётган юриспруденциядаги исломий тушунчаларни қайта кўриб чиқиши, улар фикҳнинг диний талабларини эътиборга олмаяпти, мерос — *турас*-ни муаммоли нарса деб ҳисоблаяпти, деган қараш билан тан олиш осон эмас. Бироқ шариат хукмларини таnlабтанлаб истифода этарак, пала-партиш гарблаштиришни бартараф этишга уриниб ҳам кўрмаслик диндор оммани ишонтиrmайди, илоҳиётшуносликни моҳиятан ҳар бир шаръий таҳлил учун зарур деб ҳисобловчи жиддий таҳлилга ҳам дош бера олмайди: бундай ҳолатда постфундаментал *усул* хусусида гап бўлиши мумкин эмас. Менимча, Ал-Хибрый, Халлоқ ва бошқа ислоҳот тарафдорларининг одатий овози ислом юриспруденциясини *усул*из жорий этишни таклиф қилмоқда: бунинг маъноси чин маънода дунёвийлаштирувчи қонунни илдиз-пилдизи билан қўпориб ташлашни англатади.

¹² Кенозис (илоҳиётшуносликда) — Исонинг тажаллида илохий табиатдан, қисман бўлса-да, воз кечиши. — Тарж.



* * *

Менинг ушбу илохиётшунослик инкирозига қарши килмоқчи бўлган ишим аксарият ҳолларда исломий тадқиқотларда эътиборга олинмаган назарий феминистик тушунчаларни батафсилоқ шарҳлашдан иборат. Бу ҳол тан олинган исломнинг жинс хусусидаги ҳар қандай дискурсининг маънавий яшовчанилиги хусусидаги кескин мунозараларга бир оз ойдинлик киритиши мумкин. Афсуски, бу ўринда мен вақтимни сарфлай олмайдиган фойдали соҳалар ҳам бор: масалан, исломга асос солиниш тарихини ўқишининг иложизизлиги ёки янги молекуляр биология зарурати.

Мен фақат ўзимни ташвишлантираётган иккита соҳа билангина чекланаман: биринчидан, илохиётнинг жинслардан таркиб топиши; иккинчидан, жинсга оид ижтимоий тафовутнинг қонунларда эмас, балки инсоний муносабатларнинг кўплаб нозик қутблашувида яққол намоён бўлиши. Маърифат даври тушунчасига кўра, мусулмонлар шу орқали Вужудни ҳис этишга ҳаракат қилган. Тажриба сифатида ўtkазилаётган ушбу мунозарада менинг шерикларим замонавий француз феминист файласуфи Люси Иригарай ва 13-асрда яшаб ўтган испан сўфийси Ибн Арабий бўлади. Мен уларни мавҳум билишнинг жинсга оид диалектикасига ечим топиб берувчи бир пулга қиммат ҳимоячилар сифатида танлаганим йўқ. Мусулмон тафаккурида кимдир Бошқанинг қатъий ва эгамен ўзига хослигини тасдиқлаш орқали Маърифат даври *excendence*¹³ ини афзал билиши мумкин.

Мухтарам ўқувчим, менга аввало Иригарай қарши чиқаётган ушбу ҳолатни қандай тушунишимни баён этиш орқали ишга киришишга ижозат бергайсиз. Маданий ўзига хосликнинг фарбча конструкциялари Мартин Хайдеггернинг онтологиясига мос келади ва уларга айнан ўша

¹³ **Excendence** — бу атамани Эммануэл Левинас трансценденциядан ташкирида бўлган нарсани Англияни учун истеъмолга киритган. Левинаснинг назидада, “трансценденция” атамаси мана шу оламга дахлдор деб билади, лекин ҳеч бир атама ҳақиқий худони мана шу дунёга дахлдор деб билиши мумкин эмас, чунки худо моҳиятининг яратилган нарсаларга мутлақо дахли йўқ. — Тарж.

онтология муайян шакл берган. Аксарият ҳолларда қайд этилаётганидай, Ҳайдеггер ўзининг “инсонга олдиндан хеч қандай моҳият берилмайди” деган қатъияти билан (Европа) қитъа(си) фалсафасидаги постмодерн ҳаракатга асос солди. Фарбнинг фалсафий ва илоҳиётшунослик тафаккури объектларга хос бўлган “мавжудлик мулк ёки моҳиятдир” деган ғоядан ҳалос этилиши лозим. Ўзимиз фарқлайдиган ва тасниф этадиган ҳодисаларни тушуниш орқали маълум бир мулк деб ҳисоблайдиган мавжудлик биз унга юклайдиган маънодан бўлак тарзда яшай олмайди. Аслида бизнинг мавжудлик ҳақидағи инсоний тушунчамиз — амалда тушунчалар уни яратади — уларнинг маданий жиҳатдан тузилишига мос эмас; мослик бизни шакллантирган нарса ва тажрибамиз ҳамда фаолиятимиз учун жавобгарлигимизни аниқлаган ва улар билан муросага келган тақдиримиздагина қарор топиши мумкин.

Бу ҳолнинг феминизм учун ҳозирлаб бераётган макони ҳақида кўп гапирилди; айни ҳолатда мослик мавжудлик ҳақида маданият шакллантирган тушунчаларни инкор этишдан эмас, аксинча, уларни тан олишдан пайдо бўлади. Ўз феминизми учун фалсафий асос яратган оз сонли мусулмонлардан бири бўлган Мұхаммад Аркун ушбу истиқболли тушунчани Деррида орқали олар экан, платоник ва сомий онтология ва жинснинг моҳияти бор, деб ҳисболовчи сухбатларни ҳақиқий деб билишни инкор этиш билан бир қаторда меросни тан оладиган олдонтология авра-астарини чиқариб ташлаган мослик харитасини чизади. Аркун ислом тафаккурининг юонларга хос компонентлари — жузларига, яъниким фақат унинг гуманистик жиҳатларига қизиқади. Уни Мискавайҳ сингари мутафаккирлар асарларида зухур бўлган деб ҳисоблайди. Бошқача айтганда, Аркун Ҳайдеггернинг, теизмлар¹⁴ ўзининг юон ва сомий модаллиги¹⁵ билан “ишонч-

¹⁴ Теизм [фр. théisme < юон. theos худо] 1. Яккаю ягона худога борликнинг яратувчиси деб ишониш. 2. Атеизмга қарама-карши ӯларок, худога ёки худоларга ишониш. — Тарж.

¹⁵ Модаллик — билиш назариясида ҳодисанинг унинг воқеликка муносабати нуктаи назаридан макоми, шунингдек, бундай муносабатни билиш имконияти. — Тарж.



сизлик уйқуси”га сабаб бўлди, ундан фақат маданий дентерминизм¹⁶ ни тан олишгина уйғотиши мумкин, деган фикрига қўшилади.

Бундай фикрлашнинг амалий жиҳатдан, албатта, кўп тарафлама ноқулайликлари бор. Энг ачинарли жиҳати шундаки, гарчи феминизм ва бошқа фарқли лойиҳаларга ўзини тенгҳукуқлилик хусусидаги оддий суҳбатлардан авлороқман, дейишга имкон берса-да, умуман маданий бўлмаган мафкураларга ҳам йўл очади. Албатта, Ҳайдеггер нацистлар партиясининг ҳақиқий аъзоси эди. У христианлик ва юонон онтологияси афъюни билан заҳарланган ҳалқнинг дастлабки фаоллигини тилни лотинчадан келиб чиқсан атамалардан тозалаш ҳамда миллий руҳни готик иллюзия ўрнини эгаллаб бораётган геометрик софлик воситасида кўтариш орқали қайта уйғотишига умид қиласр эди. Ҳайдеггер бунинг учун немис фолклор дунёсини ва жамоа тақдирини кўз-кўз қилиш муҳим аҳамиятга эга деб билар эди.

Ушбу лойиҳага энг яқин үхшашликни Отатурк амалга оширган лойиҳада қўриш мумкин. Турк мустабиди маълум маънода Ҳайдеггер назарда тутган ҳукмдорларнинг дастлабкисидир: у лугатларни этник жиҳатдан қайта тозалаш, ялпи дунёвийлаштириш ва янги шаҳарлаштириш усули орқали туркий *dasein*¹⁷ ренессансини амалга оширишга уринган эди. Мустабиднинг Анқарадаги мақбарамаси бунинг ёрқин намунасиdir. Туркияни, шунингдек, сўнгти ҳайдеггерча давлат сифатида баҳолаш ҳам мумкин: 2000 йилда мўътадил исломчи раҳбар Эрбакан ишончлилик доктринаси номи билан ҳукм қилинган эди, бу доктринадан ҳеч қаерда, ҳатто Европада ҳам фойдаланилмаган, энг кулгили жиҳати, турк модернизми ундан улги олиш йўлларини ахтарган. Боз устига, қариб қолган Ҳайдеггер нацизм ҳалокатга учрагач, ўзи *Gelassenheit* — “ўз ҳолига қўйиш” деб атаган тушунча

¹⁶ Детерминизм [фр. déterminisme < лат. déterminare чегаралаш, аниқлаш] — барча воеа-ходисаларнинг ўзаро боғликлиги тўғрисидаги фалсафий таълимот. — Тарж.

¹⁷ Dasein (нем.) мавжудлик дегани. — Тарж.



фойдасига “қатъий ҳаракат тушунчасидан воз кечди”. Умуман олганда, “ўз ҳолига қўйиш” камолчиларники сингари лойиҳаларга хайриҳоҳлик билан қарамайди. “Ўз ҳолига қўйиш” усмонлилар табиатига хос жаранглайди.

Туркия бир вақтнинг ўзида янгиланишдан ташвишда бўлган интеллектуал мұхитга эга ягона давлат эмас, у сўнгги модернизмни қабул қилишга рўйхуш бераётгани йўқ. Баасизм лойиҳаси ҳанузгача Сурия ва Ироқда номигагина амал қилмоқда. Сўнгги 50 йил давомида арабларнинг биргаликдаги уриниши бир неча марта барбод бўлишига қарамасдан, Фуад Ажамийга үхшаш кишилар тавсия этаётган ҳур араб миллатчилигиғояси долзарблигича қолмоқда. Аммо дунёвий миллатчилар таклиф этаётган муқобил ҳақиқатлар интеллектуал жиҳатдан эскириб қолгани баробарида омма кўз ўнгидаги ўз жозибасини йўқотаётгани аён бўлмоқда. Янги ҳақиқат эса, араб дунёсидаги ибн Таймияни қўллаб-кувватловчилар хуш кўрадиган идеаллаштирилган ялпи ўқишда ёки турк дин ҳукуқидаги ўтмишни қўмсовчи усмонлипарастлик шаклида бўлишидан қатъи назар, исломиятдадир.

Пайғамбарлик номақбул иш, бироқ Farb мутафак-кирлари дастлабки пайтда Хайдеггер дунёвий жаҳонга ўз-ўзини таниб олиш учун қатъий ва қаноатланарли тузилма таклиф эта олмаганидан сўнг исломият ўзининг беҳисоб жилвалари билан жозибасини ошириб боравериншини тан олиши ақлдан бўлур эди. *Gelassenheit* ислом дунёсида ахлоқий таназзулни келтириб чиқарди: воиз минбардан туриб дод-вой қилганидай, порнография ва бетартиблик урчиб кетмаган бўлса-да, сиёsat ва тижоратда ҳамма тан олган дунёвий ахлоқнинг йўқлиги анча ташвишлидир. Феминистик ислоҳотлар асосий мақсади космополит Farb маъқуллайдиган миллий обру яратиш бўлган сиёсий киборларнинг оддий услуги ёки руҳий ҳолатидир. Одатда бундай киборлар орасида жиддий ахлоқ инъикоси кўзга ташланмайди. Кўплаб исломчилар миллий киборларни истехзо билан тилга олади, улар кўздан панада сиёсий коррупция ботқоғига ботиб кетган, бироқ бўйин эгишни истамайдиган аҳолига феминизмни кун



тартибидаги масала сифатида тиқишириш пайида бұлишиди. Марокашлик дин фаоли Надия Ясин ярим миллион марокашлик иштирок этган янги қонунларға қарши на-мойища — уни Дунё банки құллаб-қувватлаган эди — жинсга оид шариат қонунчилігінің бекор қилишни так-лиф этган эди. Давлат ҳомиyllигида ўтган феминизмни ёқловчи намойища эса ундан 10 баробар кам одам иш-тирок этди. Яна бир гап: мусулмон оммаси тажрибаси феминизм деганда либерал тузумларни тушунмайды, уни күпинча Марокаш қироли саройи, камолчи Турция, Ризо шох Эрони сингари автократиялар ҳимоя қиласы.

*Gelassenheit*нинг оқибати аслликни сақлад қолиш учун унга муайян тузатышлар киритишни талаб этади ва мусулмон маданиятларининг *тағриб* орқали ассимиляция бўлишига қаршилик кўрсатади. Тағриб исломчилар айни вақтнинг ўзида ҳам гарблаштириш, ҳам бегоналашув маъносида қўллайдиган атамадир. Мусулмон дунёси ушбу атамага Бошқа берган таърифни қабул қилишдан ҳайратланмаслиги керак. Бу керак бўлмаган чекланган позиция — туримдир: либерализмнинг етакчи назариётчиси Раулс маданиятни ўзликнинг кўриниши сифатида сақлад қолиш ҳукуки яшаб қолиши керак, деб ҳисоблайди. Вилл Кимликка “феминистлар “тафовут”га қарши ўнг қанот жавоб юришининг бир қисми бўлаётгани”¹⁸ хавфини қайд этганидай, бу ҳатто авторитаризмга қарши бўлган бир қараш ҳамдир. Франциядаги феминистлар доимий равишда мухожир гурухларга маданий мухторият беришга оид қарама-қарши тадбирларда Миллий фронт билан елкадош бўлиб келмоқда.

Хайдеггер онтологияси ёки постонтологиясининг кескин апоретик сифати баъзи бир талқинчилар орқали Иригарайга ҳам етиб боради. Эътиборга молик шундай талқинчилардан бири Эммануэл Левинаасдир. Левинаас, Талмудга ёзган изоҳларидан маълум бўлишича, яхудийлик нуқтаи назаридан, ўз фалсафасининг ҳаётй тажриба учун керакли эканидан мутаассир бўлади. Бироқ у

¹⁸ In Okin, 36.



Хайдеггерга қарши чиқади. Айнан шу ерда унинг Иригарарайга таъсири яққол кўзга ташланади. У немис мутафаккирига Farb тафаккурининг “ўзнинг Бошқага нисбатан устунлиги”¹⁹ хусусидаги улкан империал хатосини тақорлагани учун қарши чиққан эди. Левинас наздида, бизнинг ўз тажрибамиз бир вақтнинг ўзида ҳам Бошқани билишимизни тақозо этади, ҳам Бошқанинг бутунлай номаълумлигини назарда тутади.

Бинобарин, илохий Бошқадан ахлоқ излаш бефойда ва Прометейга хос Farb агрессияси худони ўзнинг талабларига қушиб юборишни ният қилиб қўйди. Шунинг учун ҳам Левинас ва унга эргашган Иригараий анъянавий тушуниладиган ахлоққа қизиқиши билдирамайди. Кўпинча улар “ахлоқ” деб эмас, **ахлоқий** деб гапиради.

Эндиликда буларнинг барчаси ашъарий акс-садо берди. Ўзининг бошқалиги туфайли маълум бўлган Бошқа тушунчаси асосида худони шахслантириш мумкин эмас. Шунинг учун табиат қонунлари истиқболли эмас.

Шу ерда **усулни** ёқлаб чиққан мусулмон юриспруденциясидаги катта таъсир кучига эга бўлган Жувайнай, Фаззолий, Шерозий сингари алломаларни бирлаштирган ашъарий позиция – турим мавжуд ахлоқий номақбуллик билан боғлиқ мушкулотларни илоҳиётга мурожаат қилиш орқали ҳал этади. Техник нуқтаи назардан, сабаб билан илоҳ ўртасида ҳеч қандай юристик²⁰ тафовут йўқ: Аллоҳнинг фармони шариатнинг аксиологияси²¹ ни белгилаб беради. Қуръонда: “Ул зотдан нима иш қилаётгани суралмайди”, дейилади. Бунинг маъноси шуки, қадриятлар бошдан-оёқ Ул зотнинг эгамен фармонидан келиб чиқади. Бу қарашни Хураний “теистик субъктивизм” деб атаган эди. Ушбу ашъарий нуқтаи назардан, меросни жинсга қараб белгилашга оид қонунлардан шикоят қилиш, ишукрлик, чунончи, яхшилик ва ёмонлик табиатини менсимаслик хусусида жар солишдир. Бу ўринда аксиоло-

¹⁹ Levinas, cited in Colin Davis, *Levinas* (Cambridge, 1996), 21.

²⁰ **Heuristic** (ингл.) – қашф этишга рухсат ёки ёрдам бериш. – Тарж.

²¹ **Аксиология** (юнон.) – қадриятлар хақидаги таълимот. – Тарж.

гия инсонга тегишли эмас: Аллоҳ қадриятларни белгиловчи ягона Зотдир, бизнииг бундай қонунлар ҳаётий эканини тан ола билмаслигимиз, қадриятлар илоҳий асосдан мустақил ҳолда ҳам мавжуд бўлиши мумкин, деган бемаъни даъволаримиз оқибатидир.

Бинобарин, ашъарийлик илоҳий ироданинг эркинлиги ва, балки, мавҳумлиги масаласига ҳам ечим топиб беради: ўзига хос радикал ортодоксаллик мана шу туримда туриш, протестантизм учун Барт чизиб берган чизикдан чиқмай, оддий фидеизмга²² асосланган шариат қадриятларини ҳимоя қилиш, ёки Жон Милбанк ва унинг шогирдлари эълон қилган соф ўзликни ҳақиқий деб билувчи эпистемология кабилар. Дин шу тариқа дабдабали ва монадик²³ изоляцияга тушиб қолади. Бироқ бир қарашда ашъарний деонтология²⁴ кўплаб уйғониш доираларида устувор кўзқараш — ваҳҳобийлик билан бир қаторда постмодерн танглиknинг ечими бўлиб кўриниши мумкин. У оқибатда ҳар қандай табиий қонун истиқболларига қарши туради ҳамда ўзгараётган **масала** ёки **урғфа** асосланган тафтиш қилиш лойиҳасини кескин равища чиппакка чиқаради. Бундай ҳукмрон ахлоқ илоҳиётшунослик нуқтаи назаридан нафис бўлиб туюлади, аммо ахлоқий мазмундаги жинс масалаларига бағишиланган ҳар қандай муҳокамани йўққа чиқариши мумкин.

Биз, қаттиққўл ашъарийлик ҳар тарафлама мақбул илоҳий исмларни инсонлар даражасига тушира олади, деб айтишимиз мумкин. Реал — ноуменал худо номақбул ва номаълумдир; аммо 99 исми бор ва илоҳий ўзгалик сир-синоатларидан хабар беришни ваъда қилувчи феноменал — файришуурый худо одилдир; аммо унинг одиллиги бани одамнинг одиллигидан фарқлидир; худо

²² **Фидеизм** [фр. fidéisme < лат. fidés эътиқод] — барча ва қисман билимлар эътиқод ёки ваҳидига асосланади, деган ақида. — Тарж.

²³ **Монада** (юнон.) — турли фалсафий таълимотларда борлиқнинг асосий унсурларини англатувчи тушунча. Масалан, пифагоризмда сон, неоплатонизмда бирлик; Бруно пантеизмida ягона ибтидо ва ҳ.к. — Тарж.

²⁴ **Деонтология** (юнон.) — этиканинг карз ва карздорлик муаммоларини ўрганувчи бўлими. Ушбу атамани 1834 йили Бентам умуман ахлоқийлик назарияси маъносида муомалага киритган. — Тарж.



рахмдилдир, лекин ўз қонуни максадларини билиш калитини бермай раҳмдиллик қиласи. Илохий қонунларнинг эркинлиги мусулмонларга худога ҳеч бир муболагасиз ибодат қилиш имконини беради, уларнинг ахлоқийлик борасидаги событлиги Ул зотгагина маълумдир, аммо инсон бошидан кечирган укубатлар оқибатида пайдо бўлган муаммолардан келиб чиқиб, пароканда бўлаётган кўринади. Левинаснинг Холокост²⁵ дан сўнгги файласуф сифатида ушбу тушунчадан йироқ эмаслиги равшан.

Аластайр Макинтайр ахлоққа оид ҳукмрон назарияларнинг парадоксини қисман уларнинг калвинизмдаги баёнидан келиб чиқиб қашф этган эди; унинг танқиди ашъарийликка ҳам тегишлидир. Яна ашъарийлик мотуридийлик билан ҳам тинч-тотув яшаб келмоқда. Мотуридийлик сабабнинг кучи ва бирор нарсани кўрсатиб, исботлаб бериш хусусидаги илк ироқий тушунчаларга асосланган анъянадир. Мотуридий нуқтаи назари ислом феминизми учун яхшироқ асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Сабаби, у шаръий тенгсизлик хусусидаги можарони ёвузлик мавжудлиги туфайли илохий эҳтиёткорликни ҳимоя қилиш зарурати деб эмас, аксинча, назарий ечим талаби деб қарайди. Илохий қонуннинг ахлоқий жиҳатдан тушунарлилиги учун жой талаб этилади, шариат меъёрлари Аллоҳ мавжудлиги ва комиллигининг ёзма далилидир, бундай жой, аввало, илохиётшунослик бўлиши керак. Мен айнан шу нуқтада бу тушунчани Люси Ириграйдан қарзга олмоқчиман.

Иригараи Ҳайдегтер онтологиясини узундан-узоқ танқидий таҳлил қиласар экан, немис мутафаккирининг “ҳавони унутиш” одати учун айблайди: Ириграйнинг китоби “Ҳавони унутиш” деб номланади. У “ишончсизлик уйқуси”дан уйғониш шарти сифатида “мавжудликни унутиш”-ни таклиф этади. Феминист бўлган Иригараи наздида бу ҳол унсурларга эркак жинси эгалик қилишини бузиб

²⁵ **Холокост** — иккинчи жаҳон урушидан олдин ва уруш даврида Европа яхудийларининг нацизм лагерларида системали тарзда кирин килингани. — Тарж.

юборди. Хусусан, Ҳайдеггер, гарчи Суқротдан олдинги таълимот, яъниким метафизик интуицияни қайта тиклашни талаб қиласа-да, ерга оёқ тираф туришдан ҳеч қайга қоча олмайди, дейди Иригарай; ер қаттиқ жисм сифатида музаккарга мансубдир, у тұғри чизиқлилик ва назорат хоссасига эга. Унинг таклиф этишича, ҳақиқий мақбуллик тозаловчи ёки очувчи сифатида мавжуддир, у ҳавони эсга олади, ҳавоки – “мусаффо, нурли ва шаффофф”, ҳавоки, (вужудни) “қуршаб олади”. Шундай қилиб, тұрт үнсурнинг қайта тикланиши мавжудот муаммосини тушуниш имконини беради, бу эса инсонларга хос жинс тушунчасига тұғри келади.

Иригарай Ҳайдеггердан сұнг мавжудот муаммолари мажмуини инсонларнинг қариндошлигидан, бинобарин, жинсдан айри ҳолда олиб қарашиб мумкин әмас, деб ҳисоблайди. У: “Хозирча бир киши билан бошқаси, әркак киши билан аёл киши үртасида (бир жинсдан иккінчи жинсга) үтишга йұл үйқ. Инсон үзининг унугиши оқибатида бұлғанидай, ҳалқа бир-бирига туташиб, ёпилиб қолғани туфайли кутишга мажбур бұлади. Мутафаккир үша ерда бемалол жон сақлаши мумкин”²⁶. Әркак киши ҳукмрон бұлғани учун ҳам күприкнинг әгасидир; бироқ у үзига аёл киши зурёд сифатида ҳадя этган илохий тұхфани эсидан чиқарып құяды, у бу илк тұхфа ва қарзни икки дунёда ҳам уза олмайди.

Иригарай учун жинслар үртасидаги муносабатлар мөйерининг бузилиши ҳозирги замоннинг асосий фалсафий муаммосидир. Гарчи унинг үзи, тақдирнинг ҳазилига құра, Лакан²⁷ нинг машхур шогирди бұлса-да, теистик қарашибарларга мойилдир. У үзи яхудий-христиан сотериологиясінинг²⁸ фаллогоцентризм²⁹ и деб атаган нарсаны рад қила-

²⁶ Luce Irigaray, *The Forgetting of Air* (London, 1999), 23.

²⁷ Жак Мари Эмил Лакан (1901–1981) — француз психоаналитиги, Зигмунд Фрейд асарларнинг үзиге хос талқинчеси сифатида дүнеге машхур. — Тарж.

²⁸ Сотериология (юнон. *sôtérion* < нажот + ингл. -logy — шунослик) нажотни, хусусан, Исо Масих амалга оширган нажоткорлыкни ўрганувчи илохитетшүнослик. — Тарж.

²⁹ Фаллогоцентризм — янги сұз бұлғып, мохиятта мавжудлік ва маъно берувчи сұз әркакдир, деган маънени англатади. — Тарж.

ди. Унинг кузатишича, “Фарбда ҳамиша худонинг жинси ҳар бир нарса ва дискурснинг ҳимоячиси бўлган эркак ва отадир”³⁰. Бундай худо жинслар ўртасида кўприк бўла олмайди, у бир томонга иккинчи бир томон номидан гапириши мумкин, шу тариқа эркаклар ҳукмроилигини ёқлади.

Худонинг илоҳий оталиги хусусидаги фикрларни туруқсиз ва мутлақо адолатсиз деб рад этган илоҳиётшунослар ҳам теизмлар тақводорлардан аёл ҳукмронлиги ҳақидаги далилларни яшириб, аёллар устидан ҳукм юргизиб келганига амин бўлди. Шу ўринда аёлларнинг диндаги ўрни ҳақида инглиз тилидаги қилингандар барча тадқиқотларни ўз тоши билан босиб кетган “Ота худонинг ортида” китоби муаллифи Мэри Дэли жуда яхши таассурот қолдиради. Бир вақтлар мўътадил католик илоҳиётшуноси бўлган Дэли ўзини жодугар деб атайди. У ҳатто анъанавий тилнинг ташбеҳлар қўллаш борасидаги имкониятларини ҳам инкор этади. Унинг наздида, худони ота деб аташ, отани худо деб аташ билан баробардир. Шу тариқа муқаддас учлик “эркакларнинг абадий гомосексуал ишрати” экани маълум бўлади: эҳтимол, у лотинча музаккар, яъни мужской роддаги калима — *spiritus*³¹ билан иш кўраётгандир. Аслида, худо дунёнинг яратувчиси сифатида аёл бўлиб чиқади. Жаннатнинг кўзгуси бўлган дунёнинг ўзи эса “мева беради”, бинобарин, у аёлдир. Эркак ибтидо сифатида бегона куч, бузғунчилик, тажовуз ва гуноҳнинг бир бўлагидир. Дэли, худо — аёл, “шоҳли” шайтон эса эркак, деган дуалистик тушунчага яқинлашиб келаётган кўринади.

Худди Дэли сингари Иригарай ҳам илоҳиётшуноснинг ҳар бир ҳисоб-китобини андроцентрик (эркаклар ҳукмронлигига асосланган) ёки “фаллогоцентрик”, деб ҳисобламайди. Ҳатто православ христианлиги ҳам илоҳий зотларнинг рамзий жинси масаласида асосан апоретик, яъни мантиқка бўйни ёр бермайдиган зиддиятли

³⁰ Irigaray, *An Ethics of Sexual Difference*, 6 – 7.

³¹ *Spiritus* – (лом.) “рух” сўзидан. — Тарж.



йўлдан боради. Эл-Греконинг ўзи туғилиб ўсган Крит оролида чизган илоҳий суратларидан тортиб, унинг Венецияда Тинторетто қўл остида ўқиши орқали Аксилреформация³² барқ урган Толедогача бўлган вақтда чизган суратлари муайянлашув жараёнининг ўсиб борганини кўрсатади. Бу жараёнда манзара, ифода ва шаклнинг аниқлиги яққол кўзга ташлана бошлайди. Унинг кейинги пайтларда чизган “католик” суратларида Исо илоҳий зотдан кўра кўпроқ одам сифатида тасвирланади; шунинг натижаси ўлароқ, у инсонлашиб, эркаклашиб боради.

Шу нуқтаи назардан, бошқа қарашлардан фарқли ўлароқ, ислом Ҳожар³³ аҳдидаги сингари, Фарб анъанасининг бир қисмини ташкил этмайди: у Шарққа йўналтирилгандир.

Калом илоҳиётшунослиги бизни худонинг туғмаслигига талаб йўқлигига рўбарў қиласди. Илоҳни (инсон) вужуд(и)да қайта жонланади, деб ҳисобловчи илоҳиётшунослик ҳам уни жинсга нисбат беради ва муқаррар равишда бошқа бир жинсни назарда тутади. Уни китобга жойладиган илоҳиётшунослик эса жинс ҳакида ҳеч қандай мулоҳаза юритмайди; китоблар лавҳлар ва идишлар сингари, бирор жинсга мансуб эмас. Илоҳ илоҳлигича қолаверади, у, гарчи Ер юзидағи бало-қазолардан омон сақловчи деб ҳисобланса ҳам, яккау ягона жинссиз вужуддир. Дарҳақиқат, ушбу феминистларча қарашни далилларнинг анъанавий аслаҳаҳонасига инсон қўли билан яратилмаган Қуръоннинг чинакам илҳоми сифатида қўшиб қўйиш мумкин. Фазлур Раҳмон ва Фарид Эсакк сингари модернистлар таклиф этаётганидай, Расулуллоҳ

³² Аксилреформация – Рим-католик черковида ремормациядан сўнгги ислогоҳ харакати. – *Тарж.*

³³ Ҳожар – Муаллиф уни Тавротга асосан Hagar (Agar) деб беради. Тавротнинг “Ибтидо” китобининг 16-, 21-бобларида айтилишича, Иброҳим алайхиссаломнинг хотини Сара белушт бўлганидан кейин у эрига чўриси Ҳожар билан қовушишга рұхсат беради. Аммо чўри Ҳожар ҳомиладор бўлгач, Сарани менсимиай қўяди ва орада келишимовчилик чикади, Ҳожарнинг ўғли Исмоил 14 ёшга киргач, Сара ҳам ҳомиладор бўлиб, Исҳок туғилади. Шундан сўнг Ҳожарнинг ўғли Исмоил ҳам Иброҳимнинг мулкига ворис бўлишини билган Сара Ҳожарни ўғли билан чўлга хайдаб юборади. Яхудийлар Исмоилни бадавийларнинг, шу жумладан, Мухаммад алайхиссаломнинг аждоди деб билади. – *Тарж.*

матнда канча кўп тилга олинган бўлса, аёллар шу дара жада бегона ўзгалар сифатида қайта тасниф қилинади.

Тақводорлар учун ушбу таълимот манбаси муаммоли эмас. Дунёвий тарихчилар унга бошқача кўз билан, яъни улар бу ҳолга олдинги ислом аҳдда қайд этилмаганинг тасдиғи сифатида қарашади. Илоҳга нисбатан андроморфик³⁴ қарашлар иудаизм учун зарур эди. Чунки илоҳ, жамоа нуктаи назаридан, қўшни илоҳанинг муқобили деб ҳисобланади, шунинг учун ҳам Исройл “худонинг маъшуқаси” қилиб тасвирланади. Айни ҳол христиан черковида ҳам унинг аъёнлари сўнгги антик давр илоҳаларига сиринишга, шунинг баробарида жаннатдан қувилишда айбдор саналган “аёл”га қарши уруш эълон қилган пайтлар “Янги Исройл”, “Исонинг маъшуқаси” тарзида давом эттирилди. Бироқ исломнинг тақводорлар жамоаси, гарчи *уммат* истилоҳи муаннасга тегишли экани ажабланарли бўлса-да, ҳеч қачон ўзини аёл зотига мансуб деб билмаган. Халоскорлик тарихини исломча тушуниш Аллоҳни эркак деб билишни тақозо этмаган.

Ислом аҳдлар, аввало, Буюк Аҳд, барча жонлар дунёга келишидан олдин Аллоҳга содик эканига қасамёд қилгани тавсиф этилган Куръоннинг ибтидоси хусусида шундай фикр юритади. Шунинг учун ҳам унинг аҳди бирор жинсга дахлсиз сифатида ўқилади. Айни шуниси билан у Иброҳим сингари инсонлар ўрнатган аҳдга оид муносабатларга зид келади. Иброҳимнинг ўзи Мухаммаднинг прототипи сифатидаги парадигма³⁵ ўларок, барча мусулмонлар мансуб бўлган аҳднинг асосчиси дебгина эсланмайди: унинг аҳди бўлган ўғил болаларни хатна қилдириш одати билан бирга қиз болаларни ҳам хатна қилдириш одати пайдо бўлдики, айни ҳолни Иброҳим (а.с.)га хос белгиларнинг иккала жинс-

³⁴ Андроморфик — юнон. “андро” — “эркак”, “морф” — “шакл” маъносида. — Тарж.

³⁵ Парадигма — [нем. Paradigma, фр. paradigme < юнон. Paradeigma, намуна, улги]. 1. лингв. Бир сўзнинг шакллари системаси 2. фалсафа. Концептуал установкаларга ва х.к. асосланган ҳамда фан, маданият ва умуман, цивилизацияга хос бўлган тасаввурлар системаси. — Тарж.

га нисбатан ҳам жорий этилишига сабаб бўлди, дейиш мумкин. 9-асрда яшаб ўтган ироқлик илоҳиётшунос ал-Жаҳизга кўра, Ҳожар ҳам, Иброҳим ҳам хатна қилинганд әкан³⁶. Шу тариқа, аёлларнинг хатна қилинишини диннинг қатъий феминистик ҳаракатларидан бири деб баҳолаш мумкин³⁷.

Аҳд тушунчаларидан Куръон илоҳиётшунослигига юз бурадиган бўлсак, илоҳ тимсоли апофатик³⁸ нуқтаи назардан ташбеҳдан холи эканини кўрамиз. Худо Аллоҳнинг ўзиdir. У ҳеч қачон Ота бўлмайди. Илоҳ музаккар отdir: Аллоҳ (*huwa*); сарфу нахв нуқтадонлари ва эззегетлар³⁹ нинг холосасига кўра, у ҳатто мажоз ҳам эмас: араб тилида ўрта ёки бетараф жинс (род)нинг ўзи йўқ, шунинг учун бу ўринда музаккардан фойдаланиш араб тилидаги жинссиз отлар учун оддий ҳолдир. Сарфу нахв қоидасига кўра, аёллар муаннаснинг ўрта ёки бетараф отларнинг кўплигида ифодалангани сингари, бу ўринда эркакларнинг устунлиги назарда тутилмайди.

Иорданиялик замонавий илоҳиётшунос Ҳасан ас-Сақкаф шуни алоҳида қайд этадики, мусулмон илоҳиётшунослиги асрлар ўтиши билан ўзгаришсиз қолди: реал ҳолатда ҳам, ташбеҳ нуқтаи назаридан ҳам Аллоҳнинг жинси йўқ. Куръон кўпчилик ҳолларда Тавротнинг далилларини давом эттиради, бироқ айни ўринда кескин узилиш рўй беради. Худонинг инъикоси янги ва икки кутбли миқёс, яъни 99 исмга кўчади.

Жинс хусусида мушоҳада юритган мусулмон аёллар Аллоҳнинг жинссиз эканини яхши тушуниб олган кўринади. Масалан, Сартаз Азиз шундай хотирлайди:

³⁶ Al-Jahiz, *Kitab al-Hayawan* (Cairo: Mustafa al-Halabi, 1364/1943), VII, 27.

³⁷ Албатта, Шаркий Африкада амал килинадиган хатна кўринишлари таҳкирловчидир. Бундай нобоп амалиётни ислом тақиқлади.

³⁸ Апофатик илоҳиётпунослик (юнон. αροφατικός – салбий), мутлак худонинг моҳиятини унинг барча сифатларини, табиатига тўғри келмайди, деган қараш билан олиб ташлаш (“инкор килиш”) орқали ифода этишга ҳаракат киладиган таълимот. — Тарж.

³⁹ Эззегет (< юнон. εξέγετες муфассир) – илоҳий китоблар, хусусан, Таврот шархчилари, тафсирчилари. — Тарж.



Мен ўзимнинг худо ҳақидаги қараашларим ислом таъсирида шаклланганидан багоят миннатдорман, чунки айнан шу туфайли мен Олий Куч ҳақида мутлақо жинссиз ёки ирқсиз, шунинг учун ҳам патриархал бўлмаган (вужуд) деб ўйладиган бўлдим... Биз бутунлай бирор жинсга мансубликдан юқори, шу тариқа бутунлай патриархат вужудга келтирган қадрияtlар тизимидан ташқарида бўлган илоҳигеёт гояси билан (ишни) бошлайтмиз⁴⁰.

Бу гапларни замонавий католик ёзувчиси Мора О'Нэилл иқтибос қилиб келтиради. У аёллар муаммолари хусусида диалог тарзида ёзди ва мана бундай хулосага келади: “Мусулмонлар музаккар худони жинсларнинг ўрнини белгилашда билиб ҳам, билмай ҳам дастак қилмайдилар”.

Бу ҳол, мусулмон метафизикасида жинс йўқ экан, деган маънони англатмайди. Калом илми нуктадонлари яхши трансценденталистлар⁴¹ сифатида уни самолардан бадарға қилганлар. Бироқ мистиклар тажриба билан чекланиб қолгани кишилар сифатида уни ҳар бир нарсага қўшиб тадқик қиласди. Шуни айтишимиз мумкинки, христианликда бу боғлиқлик учбир (trinity – триединый) илоҳда кўринса, исломда бундай боғлиқлик йўқ. У фақат Аллоҳнинг исмларида такрор ва такрор зухур бўлади. Кантнинг тафовутиши қўллайдиган бўлсак, ноуменал⁴² худо бетарафдир, феноменал худо эса бир эмас, мутлақо teng қийматли иккита жинсга мансубdir. “Қаҳҳор” ва “Раҳмон” исмлари коинотнинг андроген ва эстрогенлариидir⁴³.

⁴⁰ Maura O'Neill, *Women Speaking, Women Listening: Women in Interreligious Dialogue*. Maryknoll: Orbis Books, 1990, p.31.

⁴¹ Трансцендентализм [нем. transzendentale < лат. trānscēndere ўтмок, чегарадан четта чиқмоқ] — идеалистик фалсафада мавхум нарсаларни ҳодисалар тажрибасига боғлиқ бўлмаган равишда билишга интилиш. — Тарж.

⁴² Ноуменал (noūmenon) — Кант фалсафасида “феномен”нинг зиди, “нарса ўзида” маъносига. — Тарж.

⁴³ Андроген — [фр. androgène < юонон. anér (andros) эркак + genos жинс]. Биол. Ҳайвон ва эркак танасигда асосий эркак гормони сифатида ҳаракат қилувчи эркаклар жинсий гормони. Эстроген — [нем. Ostrogen < юонон. oistros эхтирос, шинддат + genes туѓувчи]. биол. Аёллар жинсий гормонлари хусусиятига эга бўлган ва кимёвий таркибига кўра уларга якин бўлган модда. — Тарж.

Сүфий метафизикларининг эътиборини буюклик (**жалол**) ва гўзал (**жамол**) исмлари ўртасидаги азалий тафовут тортиб келган. Аллоҳнинг буюкликка хос исмлари қаторига кучли (**ал-Қавий**), жабр этувчи (**ал-Жабор**), қози (**ал-Ҳакам**) киради ҳамда бу исмлар фақат ва фақат музаккарга хосдир. Гўзалликка оид исмларга эса раҳмдил (**ар-Раҳмон**), ҳалим (**ал-Ҳалим**), севувчи (**ал-Вадуд**) ва кабилар киради: улар муаннасга хосдир. Мухим жиҳати шундаки, уларнинг ҳеч бирини иккинчисидан устун қўйиб бўлмайди, барчаси баб-баробар Аллоҳнинг исмлариdir.

Энди Иригарайга қайтсак. У феминистларнинг яҳудий-христиан теантропизми⁴⁴га қарши далилларини кутариб чиқди ва уни бирмунча чуқурлаштириди. Унга кўра, Ота худо эркак кишига яшашга изн беради, “чунки худо унга ўз жинсини аниқлашга кўмаклашади, унга чексизликда ўзининг чеклангани орқали йўл топиш имконини беради”. Шу тариқа “худо эркак жинсидан яратилди. У ўзининг ичига ҳам ва ўзининг ўртасига ҳам билинрабилинмас чегара қўяди: у ота, ўғил, рух. Эркак ҳеч қачон ўз тақдирини бошқа жинс — аёл белгилашига изн бермаган”⁴⁵.

Иригарайнинг хавотири Руeter ва бошқа христиан мутафаккирларини ташвишга solaётган ҳол — худонинг эркак жинсига мансуб деб қаралиши рўйи Заминда бир жинснинг иккинчи жинсдан устун деб қаралишига сабаб бўлаётганида эмас. Аксинча, у кўпроқ эркак илоҳнинг илоҳийлаштириш жараёнидаги аҳамияти билан қизиқади. У бундай деб ёзган эди: “Илоҳиёт эркин, мухтор ва эгамен бўлиши зарур. Ҳеч бир инсон шахсияти, ҳеч бир инсонлар жамияти илоҳнинг ёрдамилизиз яратилмаган”⁴⁶. Ва яна: “Бундай худони биз аёл

⁴⁴ **Theanthropism** (юнон. худо + одам) 1. Бир вақтнинг ўзида ҳам худо, ҳам одам бўлиши холати. 2. Инсон хусусиятларининг илоҳга ёки политеистик илоҳга берилиши; антропоморфизм. (Webster, 1913) — Тарж.

⁴⁵ Luce Irigaray (tr. Gillian C. Gill), *Sexes and Genealogies*. (New York and Chichester: Columbia University Press, 1993), p.61.

⁴⁶ I r i g a r a y , *Sexes*, 62.



сифатида тасаввур қилишимиз мүмкінми? Биз уни тира-шира бұлса-да, үз шахсиятимизнинг такомилга әришган холати, деб қарашимиз мүмкінми?”⁴⁷, дея мuloҳаза юритади.

Энди дастлабки инсонларға қайтайлик. Илоҳиётда әр-как жинсига алоҳида үрин ажратилиши Ҳавонинг Одамдан ажратилиши хусусидаги ривоятга сабаб бўлди. Ҳаво Одамга қандай бўлса, Одам ҳам худога шундайдир: яратилганини англаш ва яратганига ҳиссий муносабатда бўлиш. Бинобарин, у бир бўлак сифатида үз вужудига боғлиқ этиб қўйилган. Бундай паст-баландлик ислом тафаккурига ҳам хосдир. Ибн Арабий бундай тушунтиради:

Худо Ҳавони Одамнинг қисқа қовургасидан яратди. Бинобарин, унинг даражаси әркакни кидан кўра пастроқ бўлди. Худо айтганидай: “Эркаклар улардан кўра бир даража юқоридир”. Шунинг учун аёллар ҳеч қачон әркакларга ета олмайди. [...] Ҳаво Одамнинг та-насидан ажратиб олинганида худо бўшлиқни аёлга бўлган иштаҳа билан тўлдирди, чунки мавжудлик бўшлиқقا үрин қолдирмайди. Ул зот бўшлиқни “ҳаво” билан тўлдирганида Одам худди үзи томон әгилгандай, Ҳаво томон әгилди, чунки у Одамнинг бир қисми эди. Ҳаво ҳам у томонга әгилди, чунки Одам у яратилган ватан эди”⁴⁸.

Бу христиан ривоятидай туюлади. Бундан ташқари, ибн Арабий үзаро әгилиш нафақат муқаррарликни, қолаверса, жинсият муқаддаслигини ҳам назарда тутишидан типологик⁴⁹ сабоқ ола билади. Аммо Иригарай бу билан

⁴⁷ Irigagay, *Sexes*, 63.

⁴⁸ Сачико Муратадан иктибос, *The Tao of Islam* (Albany: SUNY, 1992), 181.

⁴⁹ Типология [< юнон. τύπος бирор нарсанни изи; намуна + logos фан]. предметлар ёки ҳодисаларни умумий аломатларига караб илмий асосда типларга — гурухларга ажратиш, тасниф қилиш. — Тарж.



кифояланиб қолмайды, у әркакларни теоморфик⁵⁰ жиҳатдан субъективлаштириш өвзига эпистемологик нүктай назардан насл қолдиражак бутунликка әлтүвчи бундай ўзаро инсоний яқынлик хусусида янада құпроқ билишини истайды. Ибн Арабий асарини үқишиңи давом эттирада эканмиз, баъзи бир қызық ҳолатларга ҳам дуч келамиз. Ҳаво – (дараҳтнинг) шох(и), Одам эса илдиздир. Шох илдизни, ўз тупроғини соғинади, шу билан бирга, илдиз шох учунгина яшайды. У ёзганидай: “Бу шох учун эмасди, шохларга озиқ етказиб берувчи бекіёс күч – илдизнинг миннати бұлмайды”⁵¹. Инсон қылған гуноҳ комилликдан айрилиш деб баҳоланиши мумкин, бу гунохнинг сабаби ўзаро яқынликкадаир ва әркаклар аёл – ўзгани истайды: аслида гуноҳ ҳавони унугашынан. Одамга ўзлигини ва чексизликка муносабатини англаш учун худо баробарида Ҳаво ҳам керак. Пайғамбарнинг аёлларни севиши шундан, ўз навбатида ҳажиограф⁵²лари тадқик этишни яхши күрган унинг мұл жинсий құввати ана шундан.

Оддий әзегетик хулосанинг ушбу ноаниқ ўзгариши ёки, ҳечқурса, тұнтарилиши Ибн Арабийнинг жинсларнинг рухий тенглиги хусусидаги яққол қатыяты асосини ташкил этади. Унинг тизимида Иригарай илохийлаштириш деб атаган олий инсоний имкониятлардан аёл ҳам баҳраманд бұлади. Унинг ҳажиологиясида аёл әнг юксак мавқе – **құтб** булиши мумкин. Аёл бұлмиш Ҳаво одамларда бұлмаган фазилатларга ҳам әгадир. Қуръонда: “Әркаклар улардан бир даража юқоридир”, деңгелгани Ҳавонинг Одамдан яратилганига ишорадир; лекин бу, Ибн Арабий назидиа, Ҳавонинг Одамнинг яшашы учун яратилганини англатади. Айни ҳол Қуръон калимаси бұлмиш **маръа** билан белгилаб қўйилган. У шундай деб ёзади:

⁵⁰ **Теоморфизм** – юнон. theos – худо, morphé – шакл. – Тарж.

⁵¹ *Mirata*, 182.

⁵² **Ҳажиограф** (ингл. hagiographer) ҳажиография ёзуучи. **Ҳажиография** – адабий жанр бўлиб, унда христиан авлиёларининг ҳаётини ва уларга ҳурмат баён килинади. Бу таҳминан мусулмончиликда мавжуд бўлган манокибга тўғри келади. – Тарж.



Сиз Аллоҳнинг донишмандлигини Ул зотнинг исмни эркакдан кўра аёлга узунроқ берганида сезмадингизми? Ул зот эркак кишини **маръ**, аёл кишини эса **маръа** деб атайди. Ул зот эркакка берилган **маръ** исмига *a [...] ҳарфини қўшади*. Бинобарин, аёлнинг даражаси бу ўринда эркакнидан юқоридир, эркакнинг даражаси оятда: “Эркаклар улардан бир даражага юқоридир” деб таъкидланганига қарама-қарши ўлароқ, юқори эмасдир⁵³.

Иби Арабийнинг бошқа асарларида аёлларнинг имтиёзи аниқ кўрсатиб берилмаган, масалан, бир жойда у Ҳаво Одамнинг танасида мавжуд бўлган рух билан ўзининг яратилишини тезлаштириди, дейди. У буни ўзининг **раҳмат** теофанияси⁵⁴ мақомига кўра қилди. Иби Арабийга кўра, **раҳмат** атамаси коинот тизимининг динамик принципидир.

Шунинг учун эркакнинг гуноҳи ҳавони унугтишдир: нафосат икки қарама-қарши жинсга мансуб аждоднинг бир-бирига бўлган меҳридан келиб чиқади. Бу *in divinis*⁵⁵, шунингдек, “ўзини ҳамма билишини истаган” худо учун ҳам акс-садо берди.

Илоҳий исмлардан энг кўп қўлланадигани **ар-Раҳмон**, яъни барчага раҳм қилувчидир. Расулуллоҳ бу исмга аёллар нечоғлиқ тиник акс-садо берганини таъкидлар эди. Ул зотнинг ўзи **раҳмат**дан сабоқ берарди, бу сўзниң этиологияси **раҳим** сўзига бориб тақалади, унинг маъноси “бачадон”дир⁵⁶. Шу тариқа вужудлар шакл оладиган коинот қолипи, аксарият ибтидоий тизимларда бўлгани сингари, аёл экани аён, ваҳоланки, Аллоҳ “*an*

⁵³ Murata, 183.

⁵⁴ **Теофания** — (юнон. theophaneia, “худонинг пайдо бўлиши”), илоҳининг тифраккур килувчи тарзида пайдо бўлиши. Умуман олганда, ушбу атама қадимги юнон ва Яқин Шарқ динларида худоларнинг пайдо бўлишига нисбатан қўлланган, бундан ташкири, у Тавротга оид материалларда маҳсус техник сўз сифатида ҳам қўлланган.

⁵⁵ **In divinis** — “илоҳий моҳият нуктаи назаридан”. — Тарж.

⁵⁶ Bukhari, Adab, 13.

*sich*⁵⁷ жинс таснифи ёки ҳар қандай бошқа мулкдан баланд туради.

Бунинг яна бир тасдиғи Маккани ишғол қилиш пайтида жазира маңызда бир аёлнинг боласини ахтариб, у ёқдан-бу ёққа югуриб юргани тасвириланган машхур ҳадисда келтирилган. У фарзандини топади ва уни күксига босиб: “Менинг ўғлим, менинг қўлим!” дейди. Пайғамбарнинг ҳамроҳлари буни кўриб, йиғлаб юборади. Расулуллоҳ уларнинг раҳми келганини кўриб, хурсанд бўлиб деди: «Сизлар бу аёлнинг боласига нега раҳми келганини билишни истайсизларми? Қиёмат кунида менинг жоним қўлида бўлган Аллоҳ таоло ўзининг чин бандасига манави аёл ўз фарзандига кўрсатган меҳрибонлигидан кўра кўпроқ меҳрибонлик қўргизади»⁵⁸.

Яна деди: “Ул зот самолар ва Ерни яратган куни юзта раҳмат яратди, уларнинг ҳар бири Ер билан осмон орасидаги фазочалик улкандир. Ул зот битта раҳматни ерга индириди, ана шу раҳмат билан она боласини сўйди”⁵⁹.

Феноменал илохиётнинг “оналик” жиҳатини *раҳмат*-да деб билишга мойил ривожланган сўғизм анъанаси худонинг яратувчилик жиҳатини “аёллик” ва раҳмдилликда кўради. Яратилган тартиб — *мулк* музаккарга хос бўлганига қарамасдан, итоаткор ва ҳассосдир. Ибн Арабий тизимида хилқат *нафас ур-Раҳмон*, яъни барчага ҳамдард бўлган Зотнинг нафасидир. Шу ерда илохий қудратни иккиласмичи сабаб-оқибат муносабатларини рад этиш орқали асрар қолиш шарт, деб биладиган ашъарий окказионализм⁶⁰ мистик, муҳтарама аёлларга хос қиёфа

⁵⁷ An sich (нем.) — “узидা” маъносида. — Тарж.

⁵⁸ Bukhari, Adab, 18. (Муаллиф бу ерда бир оз иоаникликка йўл қўйган. Сабаби, “Адаб китоби”да келтирилишича, сахобалардан Умар ибн ал-Хаттоб бундай ривоят киласди: “...Жаноб Расулуллоҳ (буни кўриб) бизга: “Нима дейсизлар, анати аёл ўз боласини ўтга ташлай олғайми?” — дедилар. Биз: “Йўқ, асло ташлай олмас!” — дедик. Шунда жаноб Расулуллоҳ: “Аллоҳ таоло ўз бандаларига боласига меҳрибончиллик килаётган манави аёлдан ҳам меҳрибонроқдир” — дедилар...”, Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ. “Комуслар бош таҳририяти”, Тошкент, 1997, 4-жилд, 85-бет.)

⁵⁹ Muslim, Tawba, 21.

⁶⁰ Окказионализм [*фр. occasionnalisme < лат. occasio* ходиса]. Фалсафа. 17-аср фалсафасидаги тан ва ружнинг табиий алоқасини инкор этган ва уларнинг ўзаро харакатини бевосита худонинг аралашуви билан тушунтирган оқим.

касб эта бошлади, бу ерда тажалли дунёси унинг дунёга келтириш вазифасидан пайдо бўлади. Куръонда: “Биз ҳар бир нарсани жуфти билан яратдик”, дейилади.

Рахмдил худонинг “аёллик” хусусияти аксарият сўфий шоирларни Ул зотга нисбатан Лайло — илохий маҳбуба деб мурожаат қилишга унданаган, арабча исм бўлмиш Лайло “тун” маъносини англатади. Лайло юзини ёпган, но маълум худо бўлиб, у ҳаётни яратади, унинг ишқи юракларга бир марта тушса, севувчининг кўзларини кўр қилиб қўяди. Ушбу анъянанинг бир қисмида шоирлар дарвешнинг юздаги ёпинчиқни кўтариб, ўз маҳбубасининг оғушига сингиб кетиш учун жазавага тушганини тасвирилаб бериш мақсадида очикдан-очиқ эротик тилдан фойдаланиди. Ёпинчик ақлдан озиш ва гунохни англатувчи ташбехдир. Бу туркий адабиётда Ошиқ Пошшонинг лирик “Фариднома”сидан бошланади ва Оқ Шамсиддиннинг ўғли Ҳамдийнинг “Лайло ва Мажнун” драмасида ўз такомилига етади. “Лайло ва Мажнун” дахоси Мир Алишер Навоийнинг “Хамса”сидаги дурдонадир. Араб дунёсидағи рух шоирларининг энг буюги, “Севгучиларнинг сultonи” деб ном олган қоҳиралик Ибн ал-Фарид бундай куйлайди:

Гарчи севгилим мендан гина қўлса-да, уни куйламоқ истайман, унинг ҳикоялари мени шаробдай маст қилади.

Менинг жоним унга қурбондир, жонимни уни севишга сарф этдим! Ажалимдан беш кун олдин ажалим келди...⁶¹

Аксинча, кимдир бу ўринда христианларнинг никоҳ тўйи мистицизми⁶² ҳақида ўйлаши мумкин. Авилалик Ав-

⁶¹ Umar ibn al-Fârid, *Dîvân* (Cairo, 1984), 205.

⁶² **Мистицизм** [нем. *Mystizismus*, фр. *mysticisme* < юнон. *mystikos* сирли]. Мистикага асосланган диний-идеалистик дунёкараш шакли ва, умуман, мистикага мойиллик. **Мистика** [нем. *Mystik* < юнон. *mystika* сирли маросимлар]. 1. Файриятбий, сирли нарсалар, одамнинг бошқа дунё билан бевосита мулокотига ишониш. 2. Кучма маънода, сирли, тушунарсиз, тушунтириб бўлмайдиган нарса. – Тарж.

лиё Тереза⁶³ ўзининг Исо билан иттифоқини баён этиш учун ҳассос суратлардан фойдаланган кўринади. Бироқ яна худонинг ўғли бўлмиш Исо эркак бўлиб чикяпти. Ислом мистицизмидаги эса ҳатто эркаклар ҳам кўпинча илоҳий маъшуқа сифатида тасвирланади: бу ҳол Иригайнинг, агар аёл “аёл бўлишни истаса, агар у ўзининг аёллик шахсиятини такомиллаштиришни истаса, у ўз шахсиятини такомилга етказиш учун бир худога эхтиёж сезади”, деган талабини қондирса керак⁶⁴.

Бинобарин, **калом** жинсни тан олмайди; маънавият унга кўпинча ташбиҳ сифатида қарайди. Шу тариқа у **иймон** ва **эҳсон**нинг фарқли жиҳатини кўрсатиб беради. Тахмин килишимиз мумкинки, Иригайнинг талаблари моҳиятан мусулмон метафизикасига мос келади. Энди биз ал-Хибрйни ташвишга солган соҳага қайтсан: анъанавий ислом учлигининг учинчи жузъи Жаброил ҳақидаги ҳадисда баён килинади. Ўша жузъ “Ислом”дир. У диннинг ташқи шаклларини қамраб олади. Бу ҳол ҳам жинс мавжудликнинг асосий сифати эканини тан олади ва тасдиқлайди ҳамда ислом қонунининг кўплаб бандларида ва мусулмонларнинг ҳаётий меъёрларида ўз ифодасини топади.

Буюк Аҳдни тузатиш орқали ислом жорий этган ҳаёт намунаси ибтидоий ва гуноҳлардан холи экани кундай равшан, бинобарин, у ҳаётсевар ва инсониятнинг гормонал, жинсий ва генетик ўлчамларини тасдиқлайди. Кўриб ўтганимиздай, Фома Аквинский Исломни “табиат боғи” деб аташни хуш кўрар эди. “Мусулмонлар учун тана, ақл ва рух айнан ўша яратилган феноменнинг кўринишларидир, уларнинг барчаси ўзаро муносабатлар туфайли вужудга келади”.

Постмодернизм ва постструктурализм “табиат” фояси-ни муаммо сифатида ҳал этишга мойилдир. Ҳатто анъа-

⁶³ Авлиё Тереза (1515 – 1582) Испаниянинг Авила шаҳрида туғилган, 1622 йили авлиё деб эълон килинган. Унинг яна бир номи Исонинг Авлиё Терезасидир. Ҳакиқий исми Тереза Де Сепеда Ахумада, испан зоҳид аёли, Рим-католик чerkовининг улкан мистик ва диндор аёлларидан бири ва чerkов ҳаётига оид таникли асарлар муаллифи. 1970 йили Поп Пол VI Авлиё Терезага аёллар орасида биринчи бўлиб докторлик макомини берган. – Тарж.

⁶⁴ Irigaray, *Sexes*, 64.



навий феминистлар ҳам уни Фрейднинг ҳавас қилиб бўлмайдиган биологизм⁶⁵ ини эсга олган ҳолда, эссенциал⁶⁶ деб ҳисоблайди. Фрейд биологизмининг 1960-йилларда кенг тарқалган конструктив парадигмалари обруси кейинчалик тушиб кетган эди. Аёл ақли “маданий қайд”-нинг оддий бир бўлгадидир, шундай экан, эндиликда қалбаки онгдан воз кечиш эвристик⁶⁷ машқ ҳисобланмайди. Бу Мерниssi ва Лайлo Аҳмад сингари мусулмон феминистлар иш кўрадиган парадигмадир, бу парадигма шариатнинг жинсга оид тенгсизлигига барҳам бериш орқали асл ҳолатни қайта тиклашга қаратилган уларнинг лойиҳасини олға силжитишга кўмак беради. Олдин қайд этиб ўтганимдай, мен бу ёндашувни жуда жўн деб биламан. Бундай ёндашув теологик ва космологик контекстни писанд қиласлиги баробарида гарблик бўлмаган Бошқанинг *телос*⁶⁸ ини ноқонуний қилиб қўяди. Христиан феминизми билан солиширилганда, унинг, маддоҳларнинг ўзларини оқлаш учун қилган аксилҳаракатларига ўхшаб – кимдир бу ўринда Зайнаб ал-Фаззолий ёки Бинт аш-Шатийни кўз олдига келтириши мумкин – саёз экани аён бўлиб қолади; ушбу мавзунинг оддий амалиёт ва ўзига хослик масаласига довур соддалаштирилиши, албатта, чин маънодаги дунёвийлаштириш ҳаракатидир, бу ҳаракат худонинг хусусиятларини писанд қилмайди. Ваҳоланки, айнан шу сифатлар “шу ер – куйидаги” қадриятлар ва институт – қуримларни шакллантириши мумкин.

⁶⁵ **Биологизм** [< биолог(ия) + қўшимча -изм]. *Фалс.* Социологиянинг ижтимоий муносабатлар ва ижтимоний омилларнинг мавжудлигини биологик ҳодиса ва жараёнларга боғлиқ деб билувчи йўналиши. – Тарж.

⁶⁶ **Эссенциализм** – 1. Маданиятга асос бўлувчи ғоя ва тажрибалар вакт синовидан ўтган усуслар ёрдамида ўргатилиши керак, деган таълим назарияси. 2. Пировард вокеликни хис килиш мумкин бўлган нарсаларда намоён бўлган мөхиятта дахлдор деб билувчи фалсафий назария. – Тарж.

⁶⁷ **Эвристика** [< юнон. heurisko топаман]. 1. Қадимги Юнонистонда: жавобга ишора килувчи саволлар бериш орқали ўқитиш тизими. 2. Назарий тадқиқот ва ҳақиқатни излаб топиш зарур бўлган мантикий усуслар ва методик коидалар. – Тарж.

⁶⁸ **Телос** (юнон. telos – интиҳо, максад), қадимги юнон фалсафасида бирор нарсанинг пировард мақсади; Аристотель фалсафасида борлиқнинг тўртта асосий принципларидан бири. – Тарж.



Таъкидлаб ўтганимдай, ушбу мусулмон мутафаккирлари бирмунча эски тузилма доирасида иш кўради. Улар, албатта, қандай қилиб жинсларга бўлинишдан холи илоҳиётшунослик ва салоҳият жиҳатдан аёлларга ён босувчи мистицизм шариатнинг жинслар tengsizligiga орқа манзара булиб хизмат қилишидай файримантикий тушунча таҳлилини барбод қилди. Уларнинг ҳеч бири ўзларича тушунган тенглик маъноси билан боғлиқ жинсга оид яқинда амалга оширилган тадқиқотлар хусусида бонг урмайди. Масалан, тилга оид асосий масалани олиб кўрайлик. Яқиняқинларгача феминизм тафаккури Лакандан унинг ўзи “тил соҳаси, Рамзий тартибни музаккарда бир чизикқа сафга тизиш”⁶⁹ деб атаган нарса билан бот-бот ерга уришда фойдаланар эди. Шунинг учун (аёлларни) озод этиш лойиҳаси тилни ислоҳ қилишга, ёки, Иригарайнинг, ҳар бир тил жинслардан таркиб топган, деган қарашига асосан, тилда муаннас (женский род) учун жой ҳозирлаши, унда эса бундан буён музаккар (мужской род) тадқиқот мавзуси бўла олмаслигига сабаб булиши керак. Бундай бўлгинчилик баъзи бир исломий контекстларда самарали булиб кўринади. Бу контекстларда эркак ва аёл тили нафақат сўзларни талаффуз қилиш, балки синтаксис ва луғат бўйича ҳам кўпинча бир-биридан кескин фарқ қилади. Менинг билишимча, ушбу лингвистик майдон аёлларга ижтимоий диннинг баҳам кўрилган ёки андроцентрик дискурсига ўзларининг хавотир ва тажрибаларини ёзиш имконини бериши мумкинлиги ҳали тадқиқ қилинмаган; бироқ, гумонимча, натижалар Лаканни феминистларча ўрганиш фойдали эканини тасдиқлади.

Биз яқиндаги мустахкам конструктив андозанинг инкристози мусулмон феминизми учун янги макон очиб беришини тахмин қилишимиз мумкин, мусулмон феминизми Аҳмад ва бошқаларнинг рақобатли ва дихотомик⁷⁰ стра-

⁶⁹ Miranda Fricker and Jennifer Hornsby, *The Cambridge Companion to Feminism in Philosophy* (Cambridge, 2000), 70.

⁷⁰ **Дихотомия** — [юнон. dichotomia < dicha икки кисмга + tomé бўлиш]. 1. фалс. Таснифнинг бир кўриниши: кисмнинг икки бўлакка бўлиниши. 2. бот. ўсимликларнинг шохланishi, унда ўқ иккита янги, одатда, бир хил ривожланган шохларга бўлиниб кетади. — Тарж.



тегиясидан ташқарыда мавжуддир. Бу йүлни Закия Демир таклиф қилған эди. Шуниси аниқки, Фрейд биологизми юмшоқ версиясининг Мелани Клейннинг шунга үхшаш артикуляцияси билан биргаликдаги обруси күндан-кунга ошиб бормоқда. Ҳатто бундан 20 йил бурун Клейннинг “жинслар ўртасидаги анатомик тафовут [...] психик оқибатларга сабаб бўлади”, деган қараши феминистик назария учун ҳам кутилмаган ҳол эди. Бироқ энди шу нарсага шоҳид бўляпмизки, Сара Рудикнинг аниқлашиб, эркак ва аёлларнинг фикрлаш тарзи бирбиридан кескин фарқ қиласр экан, яъни аёлларнинг “оналарча фикрлаши” аввало, тинч ва нисбийдир⁷¹. Кэрол Жиллиганнинг қўшган хиссаси эса ҳамон салмоқлидир, унинг 1982 йили чоп этилган **“Бошқа бир овозда”** китобида аёлларнинг овози “бўлакча, аммо тенгҳуқуқли маънавий робита”ни эгаллади. Жиллиганга кўра, аёллар ахлоқий масалаларга “контекстдан келиб чиқиб ечим топади”: Улар адолат этикасидан кўра фамхўрлик этикасига мойилдир... Бунинг сабаби худбинлик генининг тадрижий стратегиясида ёки она ва боланинг ноёб муносабатларида бўлиши мумкин. Жиллиганнинг қарашларидан баҳслидир, бироқ у шу нуқтаи назардан баҳслардан устун туродики, ҳозирги кунда жинсга оид конструктив қарашлар ота ва она исмли илоҳиётни тушунишда мусулмон жинс дискурсига фойдали замин ҳозирлаб бериши мумкин. Илоҳиётнинг ота ва она исмлари дунёда ўзаро мулоқотга киришади, инсон моҳиятида турли кўринишларда намоён бўлади, илоҳиётнинг навбатма-навбат вужудга келган теофанияси сифатида изоҳланади.

Тўғрисини айтганда, шариатнинг жинсга оид кўплаб индивидуал ахкомларига Тўрт Мактабда керакли тарэда жорий этилган ижтиҳод тузатишларига нисбатан феминистларнинг нуқтаи назари ўзгариши аҳамиятини баҳолаб ўтиришга менинг вақтим йўқ. Бироқ мен бу Закия Демир ва Заҳро Раҳноверд сингари мусулмон аёл ёзувчилари ҳимоя қилаётган жинсларни ўзаро ажратиш озод

⁷¹ Richmond, 79.

қилиш стратегияси сифатида қайта баҳолашга сабаб бўлиши мумкинлигини тахмин қиляпман, озод қилиш стратегияси камситувчи бандлик ҳукмига дахлдор бўлмаган пайтда аёллик моҳияти ва насл қолдириш бирдамлигини асраб қолиши мумкин. Мэри Дэли ва бошқалар эркаклар билан мулоқот қилишни исёнкор тарзда рад этиш ва ҳақиқий эгачиликни жорий этиш учун қалья сифатида “аёллар макони”ни яратишни ёқлаб чиқкан эди.

Иригарай “Жинсий тафовут этикаси” китобида эркаклар яратган технологик иш жойларини қоралайди. Унинг фикрича, бундай иш жойлари маълум бир дараҷада қардошлик вужудга келишига сабаб бўлади, [ва] жинсий тафовутни йўққа чиқаради”. Ракобат қилиш учун аёллар эркакларнинг бирор мақсадга эришишини кўзловчи “тор қарааш” усулини ўзлаштириши ҳамда шунинг натижаси ўларак, биоцид⁷², чайқовчилик ва аёлларга, эндиликда эса жинсга қарши бўлган ижтимоий олибостарлик макони ҳаққи-ҳурмати ўзларининг гормонларга жойланган моҳиятидан воз кечиши лозим. Унинг кузатишича, “яқин вақтлардаги жинсий озодлик жинсиятнинг янги бир этикасини яратада олмади”, Грир ҳам шикоят қилганидай, дастлаб аёлларнинг ўзи бундан азият чекди. Бироқ унинг ёзишича, феминистларнинг исён кўринишидаги жавоби “кўпинча бошпана ва ўзларига ҳудуд ҳозирлаш имкониятини ҳам барбод қиласди. Биз қандай қилиб аёлларга айрича бошпана ва ҳудуд барпо этишимиз мумкин?” Бу савол исломга ҳам тегишлидир; бироқ Грининг жавоби одамнинг энсасини қотиради ва бефойда бўлиши ҳам мумкин. У ҳам Левинас⁷³ сингари севишида инқилобни, ўзаро муросага асосланган “ижтимоий ва маданий ранг-баранглик”ни, имо-ишора ва жинсиятнинг янги

⁷² **Биоцид** – (ДДТ сингари) турли организмларнинг кушандаси бўлган модда ёки нарса. – Тарж.

⁷³ **Эммануэл Левинас** – Гуссерл фалсафаси билан таниш бўлган дастлабки француз муаллифларидан бири. Ў Гуссерл ва Ҳайдеггер ғояларини ўзаро чоғиширган плюралистик персонализм (замонавий фалсафанинг дунё олий илоҳиёт томонидан бошқарилувчи маънавий шахсларнинг жамоаси деб билувчи йўналиши) тарафдори. – Тарж.



тилини, эркаклар аёлларнинг бўлакча табиатини қайта баҳолаши кераклигини талаб этади.

Унинг, жинсларнинг ўзаро тафовутига оид янги молекуляр генетик тадқиқотлар туфайли бўлса керак, эркак мижозининг ўзгарувчанлигидан тушкунликка тушишининг кучайиб бориши ҳақидағи қараашлари зўрма-зўраки фикрлашга ўхшаб кўринади. У ҳақиқий ва ўзаро кўнгил яқинлиги учун керак бўлган кун тартибидаги масалаларнинг биттасидан ортиғига ярамайди. Бироқ биз унинг ташхисида анча истиқболли ечимлар калитини топишимиш мумкин. Буни унинг ўзи жуда-жуда истайди. Унинг қайд этишича, “бизнинг жамиятлар **эркаклар-ӯзларининг-орасида** (*l'entre-hommes*) тушунчасига асосланади. Ушбу тартибга кўра, аёллар “тарқоқ ва кувинин атомлардир”. Аммо у ўз эътиборидан соқит қилган рақиб маданий иқтисодиёт ҳам бор.

Анъянага кўра, исломнинг ижтимоий макони, аввало, *l'entre-hommes*, яъни оқ кийимдаги эркаклар томонидан қурилган ва субъектлаштирилган — шахслантирилган. Кора кийган аёллар эса, гарчи мавжуд бўлса-да, мавжуд эмаслик, яъни ҳурматли меҳмон мақомидадир. Ибтидоий ва муайян маънода шариат қардошлиги намуналарига асосланган ислом жамиятини аёлларни “тарқоқ ва кувинин атомлар” мақомига тушириб кўйган деб бўлмайди. ***Entre-femmes* (аёллар-ӯзларининг-орасида)** деган қоидага наараллел макон, муқобил маъно ва мазмун салтанати мавжуддир, у ерда эркаклар меҳмондирлар, у ташки қўринишидан ***entre-femmes*** билан мос тушади, бироқ аслида аёллар ўртасида дўстона муносабатлар, яъни ***nos semblables***⁷⁴ ни ҳурмат қилиши учун макон яратади. Бу модерн ва постмодерн шароитларида ўта тақчилдир. Ва бу Иригарай таклиф этётган аёллар гомосексуализми — лесбианизм академиклари хомхаёлидан кўра инсонларча самимий ва нафисроқдир.

Иригарай айни пайтда баъзи итальян феминистлари орасида урф бўлган янги институт — курим ***affida-***

⁷⁴ *Nos semblables* (фран.) — “бизга ўхшаганлар” дегани. — Тарж.

*mento*⁷⁵ ни тавсия этади. Бу атама фақат эркакларники бўлган ва кескин ижтимоий макондан бемалол аёллар жамияти ичига чекиниш йўлларини ахтаради. Муаллиф наздида, бу “биз учун эҳтимол тутилган ва яшаш учун мос келажакни асрәётган бошқа бир маданият, яъни тарихий юзи ҳали бизга нотаниш бўлган маданият рамзидир”. Унинг тасдиқлашича, курашлар ва аёллар гурӯҳларининг умумий салбий тажрибаси шундан далолат берадики, *affidamento* ҳужайралари аёлларнинг эркаклардан айрича улкан ва барқарор бирдамлигини яратиш учун ўзаро қўшилиб кетиш имконига эга эмас. Аммо баъзи бир маҳаллий, норасмий аёллар ташкилоти уларга ўзига хослик андозаларини бериши мумкин, уларни эса қисмларга бўлиб юборувчи модернизм инкор қилади.

Ислом *entre-femmes*ини бир қанча антропологлар тадқиқ қилган. Чантал Лобато афғон қочқин аёлларига оид тадқиқотида улар ҳаётининг самимийлиги ва опаларча бойлигини мақташ орқали ҳар жойда ҳозиру ноизир бўлган гарбча дунёқарашни тузатишга ҳаракат қилади. Унинг ёзишича, аёлларнинг бундай маконлари маълум маънода уларнинг ўзлари барпо этган тафаккур, анъана ва ривоятлар тизимини қамраб олади⁷⁶.

Хатто эркаклар ҳукмронлиги юқори даражада экани кундай равшан бўлган шароитда бир вақтнинг ўзида ҳам патриархат, ҳам матриархат кўринишида зухур бўладиган жамиятни қайси бир антропология исломий деб атashi мумкин? Ижтимоий макон, аввало, эркакларга тегишли, улар бу маконни хусусийсидан кўра юқорироқ қўйиши мумкин; аммо хусусий маконни аёллар устун деб билади, улар ижтимоий маконни ахлоқий ва маънавий жиҳатдан шубҳали деб хисоблаши ҳам мумкин. Бинобарин, мусулмон урф-одатларининг тавсифини бир сўз билан эркин машғулот деса бўлади. Эркаклар кўпинча

⁷⁵ *Affidamento* (итал.) — 20-асрнинг 80-йилларида фақат аёллардан иборат бўлган феминистик жамоаларда улар ўртасидаги “бирдамлик” принципи.

⁷⁶ Chantal Lobato, ‘Femmes afghanes, femmes musulmanes,’ in Olivier Mongin and Olivier Roy, *Islam, le grand malentendu* (Paris, 199), 170-3.



аёллар хусусида сийқа фикр юритади; аммо аёллар эркаклар ва ҳатто уларнинг шодон лоқайдлиги билан боғлик муносабатларига ҳам парво қилмайди. Улар: “Эркакларни ким ҳам билиши мумкин?” дейишга ҳақли. Эркаклар нуқтаи назарига кўра, уларнинг патриархал эркинлиги нотўғри эмас. Аёлларга етарли баҳо бермайдиган ушбу ҳадис асосида мулоҳазаларни тасдиқлаш, шунингдек, ушбу манзарани тасдиқлаган ҳолда унга нисбий деб қарашиб ҳам мумкин. Эҳтимол, айнан шу ўринда биз Жиллиган лойиҳасининг амалга ошаётганига гувоҳ бўлиб тургандирмиз, у музаккар назариялари “ҳақиқати”ни бошика “ҳақиқатлар” билан қарама-қарши қўяди. Шундай қилиб, Жиллиган ўз перспективаси – кўрими учун даъво қилаётган ҳақиқат худди устувор тушунча “ҳақиқати” ўша кўримга дахлдор бўлгани каби, назарий кўримнинг қамровидаги ҳақиқатдир”⁷⁷.

Мусулмон жамиятлари ҳозирги шароитда макон ва тафаккур нуқтаи назаридан турли қутбларга мансуб бўлган ушбу анъянани қандай юзага чиқариши мумкин? Очифини айтганда, унинг аксарият мусулмон жамоаларидаги ҳаётий воқелиги кулгили ахволда ва бу ҳол эркакларнинг менси-маслигига сабаб бўлмоқда. Бироқ Иригарайнинг бугунги умумий майдон хусусидаги файришуурий қараши унинг яширин имкониятлари ҳаддан зиёд самарадор эканини намойиш этмоқда, дейишим мумкин. Агар биз Лаканнинг фикрлаш тарзида масжидни тўғри чизиқ хоссаси⁷⁸ деб билсак: эркакларнинг тўғри чизиқли бармоғи ақл бовар қилмайдиган худо – миноранинг жамоатчилик оғзидан қўймайдиган, валиларнинг айланалар – Лаканнинг аёллар деб биладиган ноли – билан иҳота қилинган ибодатхона ёки уйда нишонланаётган **мавлуд** маросими – тўғри чизиққа юзланади; уларнинг ички олами меҳроб (айни пайтда минорадан фарқли ӯлароқ, ибодатхонада ёки масжид) да зухур бўлади. У ҳолда биз тенгликни қайта тиклашни масжидда бажариладиган диний амал-

⁷⁷ Susan J. Hekman, *Moral Voices, Moral Selves: Carol Gilligan and Feminist Moral Theory* (Cambridge, 1995), 5.

⁷⁸ Linearity – (ингл.) тўғри чизиқ хоссаси дегани. – Тарж.



ларни кескин ислоҳ қилиш орқали эмас, аксинча, айни пайтда нафратланиш даражасига тушиб қолган ибодат жойи: ибодатхонани қайта тиклаш ва обрусини кўтариш орқали амалга оширишимиз мумкин. Яқинда ижтимоий фанлардан антропология (Клиффорд Гиртз) ва матн шарқшунослиги (Жон Ренард) соҳасида ўтказилган тадқиқотлар сўфиийликни сомий “трансцендентализми”нинг замонавий ваҳҳобийлик мутаассиблиги билан классик шарқшунослик қарашларининг кучли иттифоқидан асрар қолди ва унинг тарихий марказлашуви мусулмон тақводорлиги асосида кечтанини аниқлади. Кўплаб феминистик таҳлиллар — шулар қаторига Лайло Аҳмаднинг таҳлили ҳам киради — расм-русларга асосланган дин нормативлир, деган тушунчадан келиб чиқадиган, масжида диний амаллар бажариладиган пайт орқада турадиган аёллар муқаррар ҳукмнинг қурбонлариdir, деган Farb ва христиан тахминларидан олинган хулоса билан бизнинг кўз қарашимизни нотўғри талқин қиласди.

Тасаввур экранини сўфиизм ва унга ҳаммаслак бўлган машҳур диний тариқатларни киритиш учун кенгайтирсангиз борми, исломнинг классик кўринишлари минг бир жозиба билан пайдо бўла бошлайди. Имомнинг клерикал ва авторитар мақоми ва эркак зотининг норматив фиқхдан келиб чиқадиган ижтимоий қиёфасига оид евроцентрик қарашлар ўрта асрларда яшаган мусулмонлар аксарият ҳолларда назарий жиҳатдан, кўпинча амалда аёл киши бўлмиш сўфиий шайхнинг таъсири ва йўлбошчилигига яшагани ҳақидаги далиллар билан рад этилиши керак.

Жинсни бошқача тушуниш борасидаги диний қарашларнинг тармоқланиб кетиши жинсият мубоҳасасига бориб тақалади. Инсон отлиқ мавжудот бирликда яшайди, мавжудотнинг маънавий моҳияти жинсга бориб тақалади ва шу сабабли ҳар бир жинс даҳосини бошга кўтариш исломга хос хусусиятдир. Расулуллоҳ (с.а.в.) ни бевосита худди шу нуқтаи назардангина тушуниш мумкин: унинг жасорати бирлиги ва бинобарин, кудсийлиги намойишидир. Унинг аёл зотини, завжайи мухтарамаларини бошига кўтариш одати Сулаймон ва бош-



ка яҳудий донишмандлари, ҳатто Кришнанинг жасоратини эсга солади. Тўлақонли ҳаёт кечириш орқали ул зот Аллоҳ таоло фарз қилган насл қолдириш одатини қабул қилди ва уни муқаддаслаштириди. Конунлар ижодкори бўлмиш Расууллоҳнинг якка ўзи учун яратгани **хасоис** – хусусиятлар (уларни Суютий ўзининг “Ал-хасоис ал-кубро” асарида бир-бир санаб ўтади) унинг ахлоқий принципларга риоя этишида қаттиққўл бўлишини талаб этар, аммо умматлари бундан озод қилинган эди. Таҳажҷуд ибодати унга мажбурий бўлса, бошқалар учун ихтиёрий эди. Оддий мусулмонлардан ёрталабдан кечгача рўза тутиш талаб этилган бир пайтда унинг 24 соат ёки ундан ҳам кўпроқ вақт рўза тутиш (ўтар рўза – **савм ул-висол**) га ҳаққи бор эди. Унинг хос хусусиятлари асосан ўзини ҳар нарсадан тийишдай қаттиққўлликдан иборат эди, уларнинг орасида экспансив кўпхотинликни ҳам кўришимиз мумкин. Баъзи бир хотинлари (Савдо, Умм Ҳабиба, Маймуна)-нинг ёши ул зотнидан каттароқ бўлгани ҳам рост; Расууллоҳнинг уларга уйланишини тўғридан-тўғри раҳмдиллик ва сиёсий донишмандлик натижаси деб қараш керак; бироқ унинг бошқа хотинлари анча ёш эди. Расули акром бундай кўпхотинлиги билан танага қарши христианча урушнинг тугаганига ишора қиласа ва яҳудий пайғамбарлари эълон қилган жинсиятнинг муқалласа қадриятини тасдиқлашдан чарчамас эди.

Ул зотнинг жанг майдонидаги жасоратини ҳам бу фазилатларидан ажратиб бўлмайди. Пайғамбаримизнинг маънавий камтарлиги қаҳрамонлиги билан чамбарчас боғланиб кетган эдики, бу ҳолнинг Европада мисли йўқ: оила қурмаган темплар⁷⁹ ҳам, Калатрава⁸⁰ рицарлари ҳам бу борада у билан тенглаша олмайди. Аммо унинг бу фазилати Кришнанинг муқаддас жангчилиги хусусиятла-

⁷⁹ Темплар – 12-асрда Қуддус шаҳрида ташкил этилган католик маънавий жавонмардлик тариқати аъзоси. – Тарж.

⁸⁰ Калатрава ҳарбий ордени (исп. Orden Militar de Calatrava) – Испаниядаги улкан ҳарбий ва диний тариқат. Тариқатга 1158 йили кастилиялик кирол Санчо III Калатрава қалъясини Раймондга кўчирганида асос солинган эди. – Тарж.



ри ёки ўрта асрлар Япониясининг **бүшидо**⁸¹си билан ҳамоҳанг келади. Самурайлар этикаси медитатив сокинлик, ҳарбий устунлик ва аёл билан ўзаро муҳаббатни ўзида мужассам этади; эркакликнинг таъсиран ифодаси бўлган бу ҳол шахсий намуна ҳисобланса-да, аксарият европаликларга суннатнинг жуда узоқ ва қўл етмайдиган ўлчови бўлиб кўринади.

Бу бизни бошқа бир масала сари етаклайди. Феминистларнинг таъкидлашича, дастлабки христиан никоҳлизлиги инсон танасини даҳшатли қийноқларга дучор этганки, Тертуллиан⁸² сўзи билан айтганда, аёллар “шайтоннинг дарвозаси” бўлган. Бу ҳол “Уйланиш – менинг суннатим, кимки менинг суннатимни бажармаса, у менинг умматим эмас”, деган ҳадис туфайли ислом маданиятида чукур илдиз отмади. Никоҳ қадрқимматининг ортиши аёлларнинг ўрнини зимдан юксакларга кутаришга олиб келдики, черков оталари бокира мукаммалликни афзал билиш орқали уни ҳал этиб бўлмайдиган муаммолар сирасига киритиб қўйди. Яна шуниси ҳам ҳақиқатки, никоҳлизликни ҳимоя қилиш баъзи бир иккинчи ва учинчи авлодга мансуб мусулмон таркидунёчилари орасида ҳам урф бўла бошлиди, улардан бири Абу Сулаймон ад-Дараний: “Кимки уйланса, дунё даражасига тушган бўлади”, дейишгача бориб етди. Бироқ бунга ўхшаш ҳиссиётларга энг дастлабки таркидунёчиллик мухитида йўл берилар эди. Топ Андре тўғри кўрсатиб берганидай, никоҳлизликнинг урф бўлиши христиан монастирларининг таъсири эди, уни кейинчалик норматив сўфизм оқими оқизиб кетди. Ислом тараққий этган ўрта асрларда қудсийлик ва никоҳлизлик бирлигини тасаввур этиб бўлмас, худога интилганларнинг жуда оз қисмигина оила қурмас, Ибн Таймия эса нодир истиснолардан бири эди.

⁸¹ Бүшидо (япон. “Жангчининг йўли”), Япониядаги самурайлар синфининг ахлок кодекси. 19-асрнинг ўрталарида бүшидо бутун жамият учун ахлоқий машрутотларнинг асоси килиб олинди. — Тарж.

⁸² Тертуллиан (*Tertullianus*) Квент Септимий Флоренс (160 йил атрофида туғ. — ваф. 200 йилдан сўнг), христиан илоҳиётшуноси ва ёзувчisi. — Тарж.



Қадриятлар тадрижи яна христианликнинг дастлабки пайтидаги вазиятга үхшаб кетади. Олимларнинг курашларда неча марта бурни қонаган далили, илк христианларнинг пайдо булиши аёлларнинг мақомини яхшиладими ёки ерга урдими, қабилида баҳс юритади. Питер Браун ва кўплаб феминистлар, ерга урди, деган қарашга мойилдир. Вен Визерингтоннинг кузатишича, кейинги Инжил материаллари (Лука, “Ҳаворийларнинг ишлари”) аёлларнинг қадр-қимматини ошириш, дастлабки христианлар муносабатларини шакллантирган раввинлар (ва, бинобарин, пайғамбарлардан сўнгги) меъсрларидан қочишни ҳимоя қилиб чиққан эди. Аммо Исо ваҳийга, хусусан, унинг раҳмдиллик тарзида талқин этишга содик яхудий пайғамбар эди, шундан келиб чиққан ҳолда Исо жамоаси ҳаётининг дастлабки пайтларида аёлларни ёқловчи имкониятлар мавжуд бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Ўша жамоа ундан олдин мавжуд бўлган эллинларнинг аёлларга нафрати таъсири остида пароканда бўлиб кетди. Павел номаларининг баъзи бир муаллифлари эллинларнинг аёлларга нафратини, Мишель Фуко “Жинсият тарихи”⁸³ нинг 2-жилдida кўрсатиб берганидай, сирсиноатли динлардан олган.

Исломнинг ижтимоий тарихида ҳам шунга үхшаш занглаш ҳолати рўй берди, дейиш мумкин. Бироқ, танқидий кўз билан қараганда, бу ҳолат бир неча сабабларга кўра кичикроқ бир миқёсда рўй берди, шу боис унга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак бўлади.

Биринчидан, юқорида зикр этилганидай, муқаддас битикларнинг эркак жинсини илоҳга олиб бориб боғлашини инкор қилиш аёлларга бўлган нафратнинг баҳс талаб қилмайдиган асосий анъанасидан маҳрум қилди. Ислмар доктринаси ҳар бир мавжудотнинг жуфт қилиб яратилгани намунасидир, инсониятнинг теоморфизмдан тузалиши жинснинг гермафрордитизм⁸³ фойдасига йўқолиб кетишига сабаб булиши мумкинлиги хусусидагиояни

⁸³ Гермафрордитизм, [фр. hermaphroditisme]. физиол. Бир жонивор танасида эркак ва аёл жинси белгиларининг мавжуд булиши, хунасалик. — Тарж.



истисно қилди. Аксинча, теоморфизмдан тузалиш жинснинг тузалиши экани тушунарлидир.

Иккинчидан, кўпгина черков оталари “аёл” калимасини истакнинг метонимияси (бир сўзни унинг маъносига яқин бўлган бошқа бир сўз билан алмаштириш) деб билган; черков оталари измидағи христианликнинг доимий равишда никоҳсизликни уйланишдан қўра афзал билиши аёлларга бўлган муносабатнинг ўзгаришига олиб келди. Албатта, бу масалада андоза сифатида Исонинг узи олинар, кейин черковни тасаввур ва талқин қилиш учун унинг суратидан фойдаланилар эди. Бунинг мутлақ акси бўлган ислом эса сомийлар пайғамбарлигининг ибтидоий, шунингдек, Сулаймонга хос кўпхотинлик ва қаҳрамонлик андозасини қўллаб-куватлар эди. Жиоф-фрей Парриндер кўрсатиб берганидай, жинсиятга ижобий муносабатда бўлган динлар аёлларга тегишли ахлоқий меъёрларга юқорироқ мақом беришга мойилдир; биз ушбу рисоланинг 4-бобида қўриб ўтганимиздай, аёллар танаси ва рухининг мавжудлиги маънавий ҳаётга ҳеч қандай заҳа етказмаслигини Ислом қадимдан таъкидлаб келади.

Шунингдек, поклик хусусидаги мавжуд қонунларга тузатишлар киритиш ислом ақидаларига хос хусусиятдир. Аёллар кўпинча уларни ўзларига нисбатан қаттиқ нафратнинг ифодаси ёки нафратни авж олдирувчи восита деб билишади. Бундай ҳол христианлик мазҳабларида мавжуддир, буни рус анъанавий православ черковининг ҳайз кўрган аёлларнинг Причастие⁸⁴ га йўлатмай тайсаллашида кўриш мумкин. Бундай одатлар иудаизмда янада мураккаброқдир. Бу динда ҳайз кўрган аёл ҳар ойнинг ярмидагина юқоридаги каби тадбирларда қатнашиши мумкин. Унинг покланиши учун маҳсус ҳаммомга бориб, гусл қилиш талаб этилади.

Бу жуда кўхна ва кенг тарқалган тақиқ кўринишидир ва шунга жавобан қилинаётган ишдир. Баъзи бир

⁸⁴ Причастие (rus.) — причашение деб номланган черков маросими пайтида диндорларнинг Исо Масихнинг қони ва танаси рамзи хисобланган шаробни ичиши. — Тарж.



ибтидоий жамиятларда аёллар ҳайз кўриш пайтида эрининг ҳовлисидаи ҳайдаб юборилади: Эфиопиядаги Галла қабилалари ҳайз кўрган аёлларни маҳсус чайла-ларга жойлаштиради. Айрим давлатлар қонунчилигига ҳатто буғунги кунда ҳам, ҳайз кўриш аёлларнинг хулқ меъёрларини сезиларли тарзда бузади, деб ёзиб қўйилган. Масалан, замонавий француз қонуни ҳайз кўришдан олдин рўй берадиган фавқулодда тангликни вақтингчалик ақлдан озиш кўриниши деб тасниф қи-лади.

Ислом ҳам ушбу кўхна ва, шунингдек, сомийларча тайсаллаш ҳолатини анча кучсиз ва ҳукм бўлмаган бир тарзда сақлаб қолган. “Бақара” сурасининг 222-оятида қўйидагиларни ўқиймиз:

Сиздан ҳайз ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “У кўнгилсиз нарсадир. Бас, ҳайз пайтида аёлла-рингиздан четланингиз ва то покланмагунла-рича уларга яқинлашмангиз!

Бунинг маъноси нима экани суннатда ойдинлашти-рилган. Жумладан, ҳадисда бундай дейилади:

Оиша жойидан сакраб туриб нари кетганида Расулуллоҳ билан бир кўрпада ётган эди. Ра-сулуллоҳ ундан: “Нима бўлди? Қон кетяпти-ми?” деб сўради. Оиша, ҳа, деди. Ул зот: “Бе-лингдаги богични сириб боғла-да, келиб жойингга ётавер”, деди.

Булар ибтидоий одамларнинг турли ҳодисалардан қандай хавотирга тушганини кўрсатувчи белгилар, бироқ улар жуда кам учрайди. Ислом инсон табиатига яқинлиги туфайли қудсийликнинг инсоний майлларни сикувга олиш эвазига пайдо бўлиб қолмаслигини мун-тазам уқтириб келади. Биз тананинг кўрқув орқали идрок қиласдиган табиий ритмларини эътибордан соқит қиласмаслигимиз, қайтанга уларни диний маросимларга



кўшиб кўйиш орқали бошқаришимиз керак. Бинобарин, аёл кишига ҳар ойда бир неча кун ибодат ва рўза тутишни тўхтатиб туришига изн берилади. Баъзи бир феменистлар буни аёл зоти маънавиятигининг пасайиши деб, мусулмон аёл илоҳиётшунослари эса унга нисбатан ҳурматнинг зухур бўлиши деб, Руқийя Максад сингари бошқа бирорлар эса мушкул вазиятда диний мажбуриятларни бажаришни енгиллатиш деб ҳисоблашади. Диний мажбуриятни бажаришдан озод қилиш масаласи ё гумонли, ёки эзгу герменевтика воситасида ҳал этилади ва умумий ҳолда талқин қилишга қаршилик курсатади.

Мусулмонлар эътиқоднинг асосий руқнларини бажаришни иккала жинс вакилларига ҳам баравар возиб қилиш билан ислом аёлларнинг қадрини оширганини қайд этади: амалларни бажаришни ҳар ой бир-икки кунга қолдира туриш асосий принципни бузмайдиган, прагматик ва саҳоватпешаликка асосланган ижозатдир. Бинобарин, беш руқннинг жинсларга алоқаси йўқ. Худди шунингдек, исломда аёллар қадами етмайдиган муқаддас жойларнинг ўзи йўқ. Аёллар муқаддас Каъбага кириши мумкин. Куддусдаги ибодатхонанинг ички ҳовлисини римликлар бузиб ташламасидан бурун у аёллар кириши мумкин бўлмаган жой эди, мабодо, у ерга бирор аёл кириб қолса, үлимга хукм қилинарди. Мусулмонлар шафелигига ўтганидан сўнг у ерга иккала жинс вакиллари ҳам қўйиладиган бўлди. Бинобарин, зарҳал конструкцияси ҳалигача Астрономик боғ рамзи бўлган ва Меъроҳнинг Ер юзидағи нуқтасини ифодаловчи Куббат аш-шахра жума кунлари фақат аёллар ихтиёрига бериб қўйилади, эркаклар эса унинг яқинидаги ал-Ақса масжидида ибодат қилиши мумкин. Худди бошқа жойларда бўлгани каби бу ерда ҳам жума намозлари пайтида эркак ва аёллар алоҳида-алоҳида гуруҳларга ажратилади. Бунинг сабаби ҳам прагматик асосга эга ва жавоб талаб қилмайди, яъниким, ибодат пайтида эркак ва аёлларнинг ўзаро аралashiши ва баданларининг бир-бирига тегиб кетиши чалғишига олиб келади.



Аёллар *sacratum*⁸⁵ га кириши мумкин, бироқ иккала томоннинг ҳам етакчи бўлишидан нима наф? Худонинг халоскор сўзи воситачиси ким? Агар иудаизмда аёллар Торага яқинлаша олмаган, христианликда причастие маросимида иштирок этолмаган бир пайтда исломнинг диний мажбуриятларни бажаришдан озод қилиши уларга аёллар хукуқини худди зикр этилган динларга ўхшаб, чеклаб қўядими?

Ислом бу ўринда муқаддас жойларни уларнинг ичидаги садо берадиган сўзнинг тажаллиси қадар кенгайтиради. Шариат учун китобга асос бўлган калом аёллар кўл теккизиши ва қироат қилиши учун очикдир. Куръоннинг илк матнига васийлик қилиш эркак кишига эмас, айнан Пайғамбарнинг завжайи муҳтарамаси Хадичагараво қўрилгани ҳам рамзий маънога эга.

Илохий каломни жамоа бўлиб ўқиш ҳақида гап кетганди, аёлларнинг ўрни хусусида исломнинг қиёси йўқ эканини айтиб ўтиш керак, тўғридан-тўғри сабабга кўра, ислом ҳеч кимни – эркакми, аёлми – бир-биридан устун қўймайди. Ибтидоий *Аластни* ёдда тутишимиз ва Буюк Аҳдга имон келтиришимиз барчамизга чинакам тақво ажрларини ёзади. Улар биз қанчалик ёдда тутсак, шунчалик азиздир.

Илом воситачилик қилмайди, бироқ маънавий етакчи ўз шогирди учун ибодат қилиб, зикр усуулларини таклиф этиш билан воситачи бўлиши мумкин. Бу замонавий вахҳобийлик фаоллигининг аёлларга қарши қаратилган мукаррап қўполлиги намунасиdir. Бундай фаоллар учун сўфиий шайх хурмат қилинадиган эмас, аксинча, йўқотилиши керак бўлган шахсадир. Юкорида зикр этилганидай, сўфизм ва ислом бошланғич маънавиятининг бошқа шакллари аёлларни кўпинча диннинг соф экзотерик⁸⁶ қуришишларида мавжуд бўлмаган йўлларга солар эди: ўз шогирдининг шаклланиши ва уни йўлга солища таъсир

⁸⁵ *Sacratum* (лат.) – муқаддас жой.

⁸⁶ Экзотерик [юнон. *exōterikos* ташки]. *маҳсус*. Сир бўлмаган ва оддий одамларга ҳам мўлжалланган (диний маросимлар, мистик таълимотлар ва х.к. хусусида). Тескариси эзотерик – Тарж.



кўрсатувчи сўфий шайх кўпинча муайян кишилар ёки жамият учун масжиднинг имомидан кўра мухимроқ аҳамиятга эга эди. Шайх у ёки бу жинс вакили бўлиши ҳам мумкин эди. Бунинг ёрқин ва теран намунаси сифатида замонавий Ливан авлиёси Фотима ал-Яшрутийани мисол қилиб келтириш мумкин. Бундай мисоллар жуда кўп. Кўпинча масжидлар факат эркаклар борадиган жой бўлиб қолган мусулмон жамиятларида пайғамбар мақбараси ёки авлиё кишининг аёлларга уларнинг гуллаган таъсирчан маънавиятига мос топиб берган муқаддас жой, Иригарай қайд этганидай, тўғри чизикдан кўра, ёпик айланана ичидадир. Шу маънода, Фаластин аёллари учун баъзи бир пайғамбарларнинг мақбаралари нечоғлик аҳамиятли бўлганини қайд этиб ўтиш керак. Ваххобийликнинг, Мадинадаги мақбарани истисно қилганда, аёлларнинг жамоат жойларида ҳар қандай кўзга ташланиши билан боғлиқ асабийлашуви уларнинг бундай ахволга барҳам бериш йўлларини ахтаришидан далолатдир. Бу масалада Расулулоҳнинг қабри парадигма сифатида эмас, истисно деб қаралади.

Шунга қарамасдан, кейинги йилларда аёлларнинг имомликка ўтиши масаласи, гарчи улар орасида бундай зиддиятли вазифани бажаришга рўйхушлик берадигани кам бўлса-да, бир неча жамоаларда кутарилган эди. Масжид имомининг авлиёларга хос воситачилик ваколатларидан бирортасини ҳам даъво қилишга ҳаққи йўқ: у *in loco divinis*⁸⁷ эга эмас; аммо вақтни белгилаш, ибодатга келувчилар ҳаракатини мувофиқлаштириш ва жамоанинг бирлигини кўрсатиш учун масжидда бўлиши керак. Гарчи баъзи бир маданиятларда унинг зиммасига қўшимча равишда рухоний маслаҳатгўйлик вазифаси юкланса-да, бу шаръий талаб эмас. Исломнинг сунний оқими мазҳабларининг тўртталасида ҳам бугунги кунда жамоада эркак киши бўлса, имом эркак бўлиши вожиблиги қабул қилинган. Кўпгина калом илми нуктадонлари агар жамоадагиларнинг барча-

⁸⁷ In loco divinis (лат.) — зикр этилган илохий моҳиятга. — Тарж.

си муслималар бўлса, аёл кишининг имом бўлишига изи беради. Бироқ аёллар эркакларга имом ўтиши мумкин эмас. На Куръонда, на ҳадисларда буни тасдиқлайдиган бирор матн бор: бу — ўрта асрларда қарор тоғиган ўзаро муросанинг маҳсули. Факат айрим кишиларгина буни шубҳа остига олади. Шундайлардан бири Ибн Арабий бўлиб, у аёлларнинг ибодат пайтида эркакларга имом ўтиш хукуқини химоя қилиб чиқсан эди⁸⁸. Аслида мусулмон дунёсидаги аёллардан чиқсан фаоллар имомликда обру-эътибор ва ваколатнинг ўқлиги туфайли бундай ахволдан деярли ташвишга тушмаган эди. Бирор киши масжид имоми бўлмай туриб ҳам диний пешво бўлиши мумкин. Бунинг тасдиғи сифатида Умм Ҳани, Оиша ал-Баъунийя ва Карима ал-Марвазийя сингари ўтмишдошларининг замонавий Мисрдаги вориси бўлган Бинт аш-Шатий сингари қалом илми мутахассисларини мисол қилиб келтирса бўлади.

Шу кунгача кечган баҳс-мунозаралар шариат масалаларига дахлдор бўлган метафизика ҳудудларини оралаб сусайиб борди. Кўриб турганимиздай, ислом қалом илми цуктаи назаридан эркак ва аёл жинсига оид принципларда тенгҳуқуқлиликка мойилдир, шу билан бирга, у амалий ижтимоий тузилмаларда тафовут жорий қиласи. Бу парадоксни тушуниш жинс билан боғлиқ исломий фалсафа моҳиятини тушунишdir, ушбу фалсафа ролларни юқоридан пастга қараб эмас, пастдан юқорига қараб таксимлайди.

Мусулмон дунёси ва тарихида аёлларнинг вазифаси турли-туман бўлиб келган.

Дехкон жамоаларида аёллар ташқарида ишлайди; шаҳар зодагонларининг аҳли аёли эса аксарият ҳолларда уйда бўлади. Бироқ ҳозирги кунда ижтимоий макон қатъий равишда жинссизланиб бормоқда, бу ҳол эркак ва аёлларнинг ним зоҳидона кийимларида кўзга ташланмоқда, бу маконда эркакларнинг кийими аксарият ҳол-

⁸⁸ Muhyiddin Ibn Arabi, *al-Futuhat al-Makkiyya* (Cairo, 1293 AH), I, 562 – 3.

ларда оқ бўлса, қора ранг кенг маънода ичкарининг, Каъбанинг ва, бинобарин, илоҳий Лайлонинг белгиси бўлиб, аёлликни ифода этади. Уй, яъни хусусий маконда ушбу белгиларнинг аҳамияти қолмайди ва уй ҳам, худди ижтимоий макон қатъий бўлгани ва қутблангани сингари, ранг-баранг бўлиб қолади. Жинсни муқаддас деб билишни рад этадиган ва тасодифий шавқни кўзғатувчи ишоралардан завқ олувчи модернизм ижтимоий маконни ранг-баранг қилиш орқали “уй” деб ҳисоблайди ва маълум бир жинс вакилларига нисбатан камситиш деб қаралувчи жинсга қараб ажратиш қолдиқларига қарши уруш ўзлон қиласди.

Шариат дискурсининг бошқа жиҳатлари ҳам изоҳ беришни талаб этади. Ислом қонуншунослиги – фикхнинг батафсил шартларини бир-бир кўриб чиқиши, исломнинг жинслар тенгҳуқуқлилиги хусусидаги қарашлари мантиқан тўғри бўлса-да, роль ва ҳуқуқларнинг тенглигини қарор топтириш мутлақо тескари натижага бериши мумкинлигини индивидуал мисоллар билан тушунтириш бизнинг вазифамизга кирмайди. Бундай лойиха, яқинда Ҳаифа Жавод уриниб кўрганидай, алоҳида бир китоб бўлиши мумкин эди; биз бир неча намунавий масалаларни шарҳлаб бериш билан чегараланишимиз зарур.

Балки мусулмон жамиятларининг энг кўп кўзга ташланадиган хусусиятларидан бири аёллар учун анъанавий бўлган кийим кийиш масаласидир. Кўпинча инсоннинг шариат ва мусулмонлик қадр-қиммати эркаклар учун ҳам алоҳида кийим кийишни назарда тутиши эсдан чиқиб қолади: мусулмонларнинг бутунлай анъанавий жамиятларида эркаклар жамоат жойларда сочини яшириб юради ҳамда қўл ва оёқларигина кўриниб турадиган узун ва кенг кийим кияди. Аммо мусулмон қонунчилигига уларнинг **аврати** аниқ белгилаб қўйилган: эркаклар баданининг камида киндигидан тиззасигача бўлган қисмини ёпиб юриши керак. Аёллар эса ҳадисга кўра, юзи, қўллари ва товонларидан бошқа ҳамма жойини ёпиб юришлари лозим.



Яна аёлларнинг **ҳижоб** деб аталувчи кийими маълум маънода “ўқиши қийинлаштирувчи яширин матн” ҳисоблашади. Фарблик баъзи бир феминист миссионерлар буни патриархат ва аёлнинг камтарона бўйсунувчанлиги рамзи деб билади. Мусулмон аёллар эса бунга ўзига хослик деб қарашади: 1970 йилларда шохга қарши намойишга чиққан кўплаб дунёвий аёллар ҳижобни айнан шунинг учун ва бўйсунмасликнинг ашаддий байроби сифатида кийиб олган эди. Франц Фанон⁸⁹ 1950-йилларда жазоирлик аёллар француزلар хукмронлигига қарши норозилик белгиси сифатида ҳижоб кийиб юришганини қайд этган эди. Бироқ мисрлик мутафаккир Сафиназ Козим айтганидай, ҳижоб бошқа аёллар учун ярим феминистликнинг тасдиги сифатида қаралиши керак. Ўзининг на зокатини жамоатчиликка кўз-кўз қиласидан аёл “кўз билан ўғирлаш” деб аталувчи нарсадан заар кўради, яъниким, нотаниш бўлган эркаклар унинг рухсатисиз рухсо-ридан баҳра олиши мумкин. Аёл жисмоний мавжудот сифатида юзини тўсиш орқали фақат оиласи ёки аёллар жамиятигагина ўз малоҳатини намойиш қилиш шарафи-га мусассар бўлади. Ҳижобга замонавий ҳаётнинг ноку-лай об-ҳаво шароитида қўл келадиган ахлоқий ёмғирпӯш деб қараш исломий аёлни анъана ёки мазмундан эмас, балки хўжакўрсинга бўладиган ҳашам ва эркакларнинг тасодифий кўз зиносидан эркин деб ҳисоблаш имконини беради. Аёлларнинг патриархал безак ёки ҳукуқлардан маҳрум бўлишига феминистларнинг эътирози ва бу ҳол уларнинг мақомини эркакларга нисбатан пасайтиради, деб ҳисоблаши, тўғрисини айтганда, **ҳижобга** нисбатан қарашларда бирор қадам ҳам олфа силжишни англатмайди.

Жинсларнинг ролига оид шариат тарбияси хусусида-ги бундан буёнги зиддиятлар кўпникоҳлик атрофида бўла-ди. Бу биологик сабаби бежавоб бўлган соф ибтидоий

⁸⁹ Франц Умар Фанон (1925 – 1961) – Фарбий Хиндистон психоаналитиги ва ижтимоий файласуфи. Баъзи бир неврозларга ижтимоий ҳаёт сабаб бўлади деган назарияси ва мазлум халкларнинг миллий озодлиги хусусида ёзган асарлари билан машхур. – Тарж.

институт — қуримдир: Даукинс ва бошқаларниң кузатишича, бу әркакларниң имкон қадар күпроқ аәлларга эга бўлишдай генетик майли оқибатидир; бунинг тескариси эса умуман кузатилмаган. Стивен Пинкер “*Ақл қандай ишлайди*” китобида кўпчиликка равшан бўлган бир нарсага эътиборни қаратади: “Эркакларниң репродуктив муваффақияти неча аёл билан никоҳ қургани билан ўлчанади, аәлларниң репродуктив муваффақияти эса неча әркак билан никоҳ қургани билан ўлчанмайди”⁹⁰.

Исломнинг табиийлиги, унинг фитрат борасидаги қатъияти ва бизнинг табиий тартибга ҳақиқий мансублигимиз ушбу яратувчилик меъёрининг шариат ахлоқий муҳити ичида сақланиб қолишини кафолатлади. Исломдаги кўпхотинлик аслида сомий институт — қурим экани аёнлашади, унинг ибтидоси, Тавротда қайд этилганидай, кўпинча урушда ва ижтимоий муҳофаза тизими кузда тутилмаган вазиятларда беваларни ҳимоя қилиш ва жамиятга қайтаишни кўзлаган қабила муносабатларига бориб тақалади. Бироқ у бундан-да универсалроқдир: классик индуизм әркак кишига тўртта хотин олишга рухсат берган, ҳозирги кунда мормон⁹¹ларгина эмас, кўплаб христианлар ҳам кўпхотинликни чин маънодаги Таврот турмуш тарзи сифатида қайта тиклашни ёқлаб чиқмоқда⁹².

Фарbdаги меъёрий никоҳ ва муносабат ақидаларининг инқизозига дуч келган кўплаб замонавий мутафаккирлар улги олиш мумкин бўлган намуна сифатида ушбу ибтидоий институт — қуримга юз бурмоқда. Брин Мор⁹³ коллежининг антропология бўйича профессори Филип Килбрайдинг “*Бизнинг замонамизда кўпхотинлик: қайта кашф этилган танлов*” китоби катта

⁹⁰ Stephen Pinker, *How the Mind Works* (London, 1997).

⁹¹ Мормон [ингл. mormon < Мортон 4-асрда яшаган пайғамбарниң номи]. 1830 йили АҚШда Ж. Смит асос соглан диний сектанинг аъзоси, уни издошлиари кейинчалик янги пайғамбар Мормон деб атаган. — *Тарж.*

⁹² Масалан, <http://www.familyman.u-net.com/polugamy.html> дан караб куришингиз мумкин.

⁹³ Брин Мор (Bryn Mawr) АҚШнинг Пенсильвания штатидаги Брин Мор шахрида жойлашган аәлларниң хусусий коллекци, Етти опа-сингил мактабларидан бири. — *Тарж.*



қизиқишларга сабаб бўлди. Одри Чэпмен хоним эса “*Эр-какни бўлишиши: мушкул вазиятми ёки танловми?*” деб номланган ундан-да машхуррок тадқиқот китобини ёзди, ўша пайтда, яъни 1996 йили аёллар ҳукуқлари фаоли Адриана Блейк эса “*Аёллар никоҳ лотереясини ютиб олиши мумкин: эрингизни бошқа аёл билан баҳам кўринг*” китобини нашр эттириди.

Ушбу тадқиқотлар турли перспектива – кўримлари нуқтаи назаридан кўпхотинликни ёқловчи учта улкан ахлоқий далилни келтиради. Биринчидан, институт – курим ўзининг манбаларида кўзда тутилганидай, айни кунларда Ер юзида фожиали даражада кўп бўлган аксарият нарсалардан маҳрум аёлларни урушдан сўнгги жамиятга қайтаришга имкон беради. Иккинчидан, у аёлларнинг фойдасига ишлаши мумкин: кенг оила ташкил топса, бир аёл ишга борганида бошқаси болаларга қараб туриши мумкин. Шу тариқа замонавий муносабатларнинг таҳдидли хавфи бўлмиш ишни ҳам, болаларни ҳам алдашга гўзал бир тарзда, яъни кўпхотинликни аёллар учун самимий эркин бир танлов эканини кўрсатиш билан барҳам берилади. Кармон Ҳардининг яқинда ўтказган тадқиқотидан равшан бўлишича, бу қуримнинг болаларга беражак имтиёзи бекиёс экан. Муаллиф XX асрнинг бошларида яшаган мормон кўпхотинлиларининг фарзандлари ўртасида жиноятга қўл уриш ҳоллари оиласдаги ахиллик кучли бўлгани учун ниҳоятда паст бўлганини қайд этади⁹⁴. Учинчидан, кўпхотинлик реал ҳодисадир; буни биз мусулмон сифатида, шариатнинг умумий реализмидан келиб чиқадиган асосий далил сифатида тан оламиз. Мусулмонлар замонавий Farb жамиятлари аслида мусулмон жамиятларидан кўра кўпхотинлироқ эканини қайд этади, фарқи шундаки, фарбча оиласвий алоқа ҳар қандай қонун қамровидан ташқарида мавжуддир. Масалан, Британия таҳтининг ҳозирги вориси кўпхотинлидир, анъанавий мусулмонлар Диананинг эри билан ажрашмоқчи

⁹⁴ B. Carmon Hardy, *Solemn Covenant: The Mormon Polygamous Passage* (Urbana and Chicago 1992), chapter 3.

бўлганини конституцион танглик келиб чиққанидан ҳам бемаънироқ ҳолат деб хисоблашади.

Ҳақиқий яккахудолик, ҳар доимгидай, реализмни тақозо этади. Эркаклар, биологик нуқтаи назардан, аёллари кўп бўлишини истайдиган қилиб яратилган, кескин ген инженерияси ишларини амалга оширган тақдиримизда ҳам улар шу ҳолича қолаверади. Замонавий Farb жамиятида бўлгани каби, агар эркак киши бир вақтнинг ўзида икки хотинли бўлса, улардан бири қонуний ҳукуқлардан ва ижтимоий мақомидан маҳрум бўлиб қолаверади. Ёки шариатда бўлгани каби, эркак уларнинг иккаласини ҳам қонуний хотин сифатида тан олиши мумкин. Мусулмонлар Farbда муросага асосланган, рухсат этилган ва ҳатто жангариларча ҳимоя қилинадиган эркакнинг эркак ва аёлнинг аёл билан бўладиган бундай муносабатларига оид келишувларни бемаъни деб билади: муросавий *ménage a trois*⁹⁵ ҳозиргача файриахлоқий деб қаралади. Бу викториан этикаснинг сўнгти сарқитими? Аслида, замонавий Farb қонунчилиги учун *ménage a trois* жуда мақбул ҳолдир, негаки, унинг аъзолари “гуноҳ” билан яшаб, никоҳ қуришни хаёлларига ҳам келтирмайди. Бундай вазиятнинг бемаънилиги изоҳ ҳам талаб этмайди.

Шариатнинг ушбу мавзумизга ёрқин мисол тариқасида эслашимиз мумкин бўлган, мусулмон жамиятлари мутлақо эсидан чиқариб юбормаган бошқа жиҳатлари ҳам бор. Конун жорий этувчи эгам иккала жинс мансуб оламлар йўлларининг ўзаро кесишувини баъзан аёллар, баъзан эса эркаклар ҳукуқлари сифатида белгилаб қўйган; ҳақиқий мусулмон жамиятлари аксарият ҳолларда илгариги хусусиятларга эътибор бермайди. Кўпинча ҳукуқшunoslar матнларни турлича талқин қиласди. Масалан, кундалик уй ишлари ички дўстона муносабатларнинг бир жиҳати сифатида намоён бўлади, аммо бу ҳолни фақат

⁹⁵ *Ménage a trois* (франц.) – уч кишилик оила, дегани. Ўзаро келишувга кўра, уч киши (эр-хотин ва улардан бирининг жазмаси) бирга яшаб, ўзаро жинсий алоқа қиласди. — Тарж.

аёллар маконига хос дейиш қийин, чунки булар айрим **мазҳаблар**, жумладан, шофиъийлик мазҳаби томонидан аёлдан кўра эркакнинг вазифаси деб қаралади. Оишадан Расулуллоҳнинг вафотларидан сўнг, ул зот уйда салотдан бўш вактларида нима билан машғул бўлар эди, деб сўралганида, у: “Ул зот оиласига хизмат қилар эди: уйни супуар ва кийимларни тикар эди”, деб жавоб берган⁹⁶. Шофиъийлик мазҳаби факихлари шунга асосланиб, аёлларнинг уй ишларини бажармасликларига оид ҳуқуқини ҳимоя қилади. Масалан, 14-асрда яшаб ўтган суриялик факих Ибн ан-Нақиб: “Аёлнинг вазифасига ион ёпиш, ун тортиш, овқат пишириш, ювиш ёки бошқа ишларни бажариб эрига хизмат қилиш кирмайди, чунки никоҳ шартномасига кўра, у эрига фақат ўзининг жинсий эҳтиёжини қондириш учун рухсат бериши қайд этилган, унинг бошқа қиладиган мажбурияти йўқ”⁹⁷, деб айтади.

Бунинг зиди ӯларак, ҳанафийлик **мазҳабида** бу ишлар хотин кишининг зиммасида деб ҳисобланади⁹⁸. Ислом фиқхини умумлаштиришни мушқуллаштирадиган яна бир эслатма қоидалар ва ёндашувларнинг турли-туман кўринишларидан иборат. Бу ерда батафсил тўхталиб ўтишга имкон бўлмаган яна бир соҳа бор. У болаларни васийликка олиш тўғрисидаги қонундир: ҳанафийлар ўғил бола 7 ёшга кирганидан сўнг отаси билан бирга яшаш учун онасининг олдидан кетишини афзал билади; қизлар эса биринчи ҳайз кўргунларига қадар онаси билан қолади. Моликийларда эса ўғил бола балофатга етгunga — **иҳтиломга** қадар, қиз бола эса турмушга чиққунча онаси билан қолади.

Шу тариқа исломнинг жинсга оид илоҳиётшунослиги чигалликлар ва муносабатлар турига қарши курашга киришади, бу ҳол ўз навбатида турли-туман фиқхий ақидалар, минтақавий аралаш-қуралашликлар, шунингдек, фи-

⁹⁶ Bukhari, *Adhan*, 44.

⁹⁷ Ibn al-Naqib al-Misri, *Umdat al-Salik*.

⁹⁸ Айрим мутахассислар музалифнинг бу қарашини ислом таълимотига зид деб ҳисоблайди. — Тарж.



зик аралаш-куралашликлардан кам бўлмаган метафизик аралаш-куралашликлардан боҳабар бўлишни талаб этади. Бу мушкулот исломнинг аёлларга муносабати хусусидаги юзаки хулосалар чиқариш хавфли эканидан огох қилиши керак. Бу ўринда ғарблик журналистлар, феминистлар ва уларнинг таъсирига тушган кишилар ўта номақбул ҳукмларга тобе бўлиб қолган. Аксарият ҳолларда бу ҳукмлар мавжуд мусулмон жамиятларини кузатиш натижасида пайдо бўлади; замонавий ислом дунёсининг аёлларга бўлган муносабати, бошқалар ҳамиша завқу шавққа тўлиши керак, қабилидадир деб ўйлаш бефойда ва ахлоқсизлик бўлур эди. Саудия Арабистонига ўхшаш мамлакатларда аёлларга ҳатто машина ҳайдашга ҳам рухсат берилмаслиги жинсларни ҳимоя қилувчи илоҳиётга мутлақо даҳли бўлмаган манманлик, эркакларнинг **нафси** зулми оқибатидир. Шу тариқа бугунги кунда бир неча мамлакатларда илоҳни инсон қиёфасида, бинобарин, эркак кўринишида тасавур қилиш ҳолларидан ўзини хақоратланган деб ҳисоблайдиган кишилар бошлаган "исломлаштириш"нинг анъанавий фикрҳо дискурсига ҳам ёки адолатга оид фош этувчи қатъиятга ҳам мутлақо алоқаси йўқ. Ушбу номувофиқлик ҳаётга жорий этилмаган сўфизм ўлчамини дин ҳаётга қайта татбиқ қилмагунча давом этаверади. Сўфизм аёлларнинг ҳурматини оширади ва, шунингдек, жинс билан боғлиқ шовинизм озуқа бериб турадиган **ego** — нафсни қийин аҳволга тушириб қўяди ва йўқотиб юборади. Биз ҳам кўплаб мусулмон мутафаккир аёллари йўлини тутиб, диннинг (муқаддас битиклар, классик тафсирлар ва маънавият воситасида тушунарли бўлган) этоси — асосий хусусияти кутган нарса билан постклассик мусулмон жамиятларининг симметрик бўлмаган тузилмаси ўртасидаги тафовутни аниқлашимиз керак. Ўша жамиятларнинг ҳам, худди христиан, яхудий, ҳинддува хитой маданиятларида бўлгани каби, зудлик билан ислоҳотни талаб этадиган жиҳатлари кўп.

Айни пайтга келиб, бизнинг "жасур" шовинизм, ёки 20-аср сўнгидаги феминизмнинг ҳайратланарли прототипи кутилмаган янгилик бўлди, деб мақтанмаётганимиз аник



бўлиши керак эди. Фиоренза эслатиб турганидай, нима бўлганда ҳам феминизм анъанавий ҳодиса эмас; унинг бальзи қўринишлари ҳар бир вижданли кишининг нафратини қўзғатади ҳамда аёллар ва жамиятга зиён келтириши турган гап, айни пайтда унинг бошқа қўринишларининг шариат ва космологияларимиз билан хайратланарли дараҷада ўхшашлиги бор. Биз илоҳнинг чиндан ҳам жинсдан ҳоли эканини таъкидловчи илоҳиётшуносликни илгари сурин билан “феминизм аёлларни жинс сифатида камситинга қарши” деган диалектикани эътибордан соқит этишта ҳаракат қиласига қарши инжа тушунчани ҳимоя қиласиз. Бундай илоҳиётшунослик инсониятга мана шундай тушунчага асосланган ҳақиқий кодекс ва оила меъёрларини тортиқ этади. Иригарай таъкидлаётганидай, жинслар “тенг эмас, аксинча, фарқлидир”, улар табиатан ўзаро тафовутли ролларга муносибdir ва айни ҳол ҳеч бир жинс даҳосини ерга урмайди, аксинча, рӯёбга чиқаради.

Биология тақдир экани турган гап, аммо у тақдир сифатида турли-туман имкониятлар беради. Аёллар дискурси оиланинг қадр-кимматини юқори қўяди; аммо муслималар Ислом тарихида олима булиш учун уйини узок вақт тарк ётган пайтлар кўп бўлган. Бундан юз йилча аввал шарқшунос Игназ Голдзихер ўрта асрлардаги муҳаллисларнинг тахминан 15 фоизи аёллар бўлганини, улар масжидларда дарс бергани ва ростгўйлиги учун ҳамма уларни ҳурмат қилганини кўрсатиб берди. Қоҳирадаги Сақлатуния мадрасаси сингари олий ўкув юртларида фақат аёллар фаолият кўрсатган ва уларни маблағ билан таъминлаган. Руф Родеднинг муслима мударрислар хусусида яқиндагина ўтказган тадқиқоти унинг ўзини фавқулодда мушкул вазиятга солиб қўяди:

“Агар АҚШ ва Европа тарихчилари аёллар анъанавий манбаларда кўзга ташланмагани учун ҳам уларнинг тарихини қайтадан ёзишга зарурат сезаётган бўлса, ислом олимлари эндигина ўрганила бошлаган манбаларнинг кўплигига дуц келмоқда. [...] Киши минглаб муслима олима-

ларнинг таржимаи ҳолини ўқиётиб, мусулмон аёллар четга чиқиб қолган, барча ҳуқуқлардан маҳрум ва ижтимоий жиҳатдан чекланган, қабилидаги қараашларга зид бўлган далилларга дуч келганидан ҳайратга тушади”.

Родед аксарият классик ислом ўқув юртларида мударрис аёллар сони ҳатто ҳозирги Farb университетларидагидан ҳам кўп бўлганини далил сифатида келтирганида биз ўрганиб қолган тушунчалар чок-чокидан сўкила бошлайди⁹⁹. **Ур**-масжид хусусидаги ҳадисдан сабоқ берган иймонлиларнинг онаси Оиша ҳамиша муҳим парадигмалигича, жонли, ақл-заковатли, художўй ва барча хотиралардан устунлигича қолаверади.

Аммо ўтмиш идеаллари — улгилари ўз ўрнига қайта тикланмагунча мусулмон жамиятларидағи қутбланув эҳтимоли сақланиб қолаверади. Farbлашган синфлар анъанавий таъбирларни улар Farb услугуга тўғри келмагани ва киборларнинг ўз-ўзини тасаввур қилишини қониқтирмагани учун рад этади. Ваҳҳобий ҳарфхўрлар сўфизмнинг аёлларни юксакка кутаришини ва унинг **ego** — нафсни ўлдиришга бўлган талабини рад килишда давом этаверади. Айнан шу кишилар ислом қонунлари жиҳатларини *ижтиҳод*га асосланиб ўзгартиришга бўлган қонунний даъватларни ўша қонунларни ахлоқ нуқтаи назаридан теран тушунгани учун эмас, аксинча, **усулни** беўхшов талқин этгани ҳамда ўша даъватлар Farb таъсири ва талабига менгзагани учун ҳам эътиборга олмайди. Анъана даҳосидан илҳомланган виждонли ўрта табақа ташаббусни ўз кўлига олиб, кескин қутблашиб бораётган жамиятларимизда дастур ишлаб чиқиш учун суннатга ҳар қандай нафсдан холи ва саховатли мусулмонча таъриф бера оладими, йўқми, буни вақт кўрсатади. Шубҳасиз, ўзликни бирор ишга тўла бағишиламасдан туриб, Ер юзида адолат ҳам, ҳамдардлик ҳам бўлмаслиги хусусидаги сўфиёна қарааш донишмандлар ўртасида энг юксак

⁹⁹ Ruth Roded, *Women in Islamic Biographical Collections* (London, 1994), pp.viii, 11.

мезонлигича қолаверади. Бироқ шуниси аниқки, ислом ишъанаси нафақат ўзига, қолаверса, Фарбга ҳам кўнгина масъул кишиларни ташвишлантираётган ролларнинг йўклиги тобора хавф туғдираётган маълум бир қоидаларнинг йўклиги устидан ҳукмрон бўлган жамиятнинг обекка туриб олишини кузатиш билан боғлиқ мунозараларда чин маънодаги кескин қарор қабул қилишда устуник қилиш имконини беради.

Мусулмон маданиятларининг ҳам патриархат, ҳам материархатдан иборат шаклланган жиҳатлари онанинг мақомига тегишилдири. Иригарай асарининг заиф жиҳати унинг ёни ўтиб қолган кишиларга нисбатан бефарқлигидир; у ҳам аксарият феминистлар қатори фақатгина *semblables*¹⁰⁰га ўралашиб қолганидир. У оиланинг репродуктив ва тарбиявий *telos*¹⁰¹ини қабул қилиш билан бир вақтда унинг бошқа, қариш томон табиий ҳаракат йўналишига ўтибор бериш кераклигини ҳисобга олмагани ғалатидир.

Ёши ўтиб қолган оналарни ҳурмат қилиш мусулмон дискурсининг характерли хусусиятларидан биридир. Ушбу дискурсда онага нисбатан хушмуомалалик ва садоқат, улар кўргизган раҳм-шафқатни яна ўзларига қайтариш муқаллас бурч экани қайд этилади. Ибн Умарнинг ҳикоя қилинича, бир киши Расулуллоҳнинг олдига келиб: “Мен оғир гуноҳ қилиб қўйдим, энди нима қилсан, тавбам қабул бўлади?” деб сўрайди. Ул зот: “Онангиз борми?” деб сўрайди. У киши, онам йўқ, дейди. Шунда Расулуллоҳ: “У ҳолда онангизнинг холаси борми?” деб сўрайди. У киши, бор, дейди. Шунда Расулуллоҳ: “У кишига хушмуомала ва содик бўлинг”, дейди (Имом Термизий). Бошқа кўплаб ҳадислар ҳам бор: “Кимки онасининг икки кўзи орасидан ўпса, оловдан ҳимояланган бўлади” (Имом Баийҳақий); “Аллоҳ чиндан ҳам онангизнинг гапини икки қилини сизга тақиқлаб қўйган” (Имом Бухорий ва Имом Муслим).

¹⁰⁰ **Semblables** (франц.) — “ўзига ўхшаганлар” дегани. -- Тарж.

¹⁰¹ **Telos** (юнон.) — “пировард якун” дегани. -- Тарж.



Бинобарин, ислом маданиятини тадқиқ қилаётган антропологлар доимо мураккаб ва иккига бўлинган иерархия хусусида маълумот беради. Унга кўра, хотинлар эрлари, эрлар эса оналари олдида бурчлидир. Модернизм ушбу алоқаларнинг дастлабкисини кескин тарзда, кейингисини эса парижонхотирлик билан заифлаштириб кўймоқда; оқибатда бир ёқлама ва ёши ўтиб қолганларни эътиборга олмайдиган янги бир иерархия вужудга келди, бу иерархия ёшларни кексалардан устун қўяди, у бир замонлар жамоанинг фахри бўлган ва унинг хотирасида муҳрланиб қолган кексаларни камситишнинг турли шаклларини назарда тулади. Тиббиёт соҳасидаги ютуқлар аёллар ва эркаклар ўлими ўртасидаги тафовутни унчалик камайтирмасдан туриб ҳам ўртача умрни узайтириш имконини бергани учун замонавий жамиятлар миқдори тобора ортиб бораётган аёлларни режимли, аммо ибодат қилиш имкони йўқ аёллар монастирларига файриихтиёрий узлатга жўнатмоқда. “Чикаго трибюн” газетасининг 1998 йилги сонларидан бирида ёзилишича, Америкадаги кекса кишилар яшайдиган уйларнинг 60 фоизига бирор марта ҳам меҳмон келмас экан. Бундай муассасалардаги жинслар нисбати умумий ҳисобга тўғри эканига эътибор килсак, улар орасида аёллар миқдори кўпроқлиги маълум бўлади. Бинобарин, тақдир ҳазилини кўрингки, Farbda ёш ва ўрта ўшдаги аёллар кенгроқ имкониятга эга-ю (айни пайтда диний имкониятни ҳисобга олмаганди), аммо уларнинг барчаси пировардида ёлғизлик узлатидан кўрқади.

Хулоса қиладиган бўлсак, ислом фояси аслида ҳам, салоҳият нуқтаи назаридан ҳам кўповозли экани кундай равшан, деб ўйлайман. Ишонаманки, ушбу фоянинг аъзоси бўлишни истаган аёллар ундан ўзига яаш учун қадр-киммат ва ва хурмат учун замонавий талабларни тасдиқлайдиган макон топа билади. Бундай лойиха сўнгги модерн ва постмодерн шароитларда шу пайтгача бўлганидан кўра реалроқ туюлади. Шу ўринда Марта Нуссбаумдан иқтибос келтирсам:



Инглиз-Америка ахлоқ фалсафаси универсалликка асосланган Маърифат даври идеалларидан анъана ва хусусийликка асосланган ахлоққа; принципларга асосланган ахлоқдан қадр-қимматга асосланган ахлоққа; системали назарий оқлов ҳолатларини ишлаб чиқишга багишиланган ахлоқдан назарияга шубҳа билан қаровчи ва маҳаллий донишмандликка ҳурмат билан қаровчи ахлоққа; ташқи дунёдан узилиб қолган шахсга асосланган ахлоқдан бошқаларга қўшилиш ва гамхўрликни ёқлайдиган ахлоққа; тарихга дахлсиз ахлоқдан муайянлик ва тарихий ахлоққа юз бурмоқда¹⁰².

Мусулмон феминистларининг, Қуръон аёлларга нафрат билан қарамайди¹⁰³, деб билишини тасдиқлайдиган Нуссбаум, маданиятдан воз кечиши туфайли бегоналашув оқибатида ортирилган жароҳат қайта тикланишига ҳали анича бўлган бирор маданиятга аъзолик туфайли етадиган заардан кўра оғирроқдир, деганида ҳак эди. Исломнинг жинсга оид дискурсини қайта тасаввур қилиш лойиҳаси ўзининг анахроник¹⁰⁴ акс садосига қарама-қарши ўлароқ, айнан шу сабабга кўра, тобора жозибадор бўлиб борса ажаб эмас.

¹⁰² Nussbaum, 'Virtue revived', *Times Literary Supplement*, 3 July, 1992, p.9.)

¹⁰³ In Okin, 106.

¹⁰⁴ **Анахронизм** [фр. anachronisme < юнон. anchronismos < ana тескари, орқага, карши + chronos вакт]. 1. Ўтмиш сарқити. 2. Бир даврда рўй берган нокеа-ходисаларни хато туфайли бошқа даврга тааллукли деб билиш, бирор нарсани нотўри ифода қилиш ёки тасвирлаш билан хронологик аниқликнинг бузилиши. — Тарж.



VII б о б

ЎТМИШНИ СОФИИИШ ҲИДОЯТИ:
БҮЮК АҲДНИНГ ДАВОМИ

Ислом, худди христианлик ва буддизм сингари, назарий жиҳатдан ҳам, тарихий анъанасига кўра ҳам дунёнинг илфор миссионерлик динларидан биридир. Дунёдаги улкан ва глобал эътиқодларнинг энг ёши бўлган ислом Куръоннинг “Тур ва огохлантири” амрини бажаришга киришмаганида бир неча номаълум араб монотеистларининг мазҳаби бўлиб қолган ва ярим оролдагилар уни қуршаб турган серфайрат христиан дини билан муроса қилгани сари йўқолиб кетишга маҳкум бўлур эди. Бунинг ўрнига Маккадаги жўшқин ҳёт улкан керигматик¹ ҳаракатни вужудга келтириди. Бу ҳаракат гуллаб-яшинаган ва илфор тамаддуллардаги сиёсий тартибларни ҳам енгиб ўта билди ва эътиборли жиҳати шундаки, маданийлаштиришнинг оддий қонунлари воситасида мустаҳкам диний тартибни ўз босқинчиларини ҳам сафига қўшиб оладиган даражада ўзгартира олди. Айни ҳол тарихни бор-йўғи иқтисод ва жамият ҳақидаги ҳикоядан иборат деб биладиган тарихчилар учун ҳануз жумбоқлигича қолмоқда. Ўз асосчисининг вафотидан 14 аср ўтибди ҳамки, Расулуллоҳ амаллари ҳалигача турли жамиятлар эътиборини оҳанрабодай ўзига тортиб келмоқда. Бинобарин, исломнинг ўз сафига бошқа дин вакилларини жалб эта билиш табиати дунё тарихининг мухим константа — доимий қийматларидан бирилигича қолаётгани ҳайратланарлидир, биз уни ҳали-ҳамон етарли даражада тушуниб олганимиз йўқ.

Биз мазкур бобда ушбу мураккаб ва шароитта мосла-

¹ Керигма (юнон. эълон қилиш) — Христиан динидаги дастлабки пайтларда Иса Масихнинг қийналиши билан боғлиқ эҳтирослар, унинг ўлими, кайта тирилиши ва худо ҳузурига кўтарилиши ҳамда унинг амаллари какида тилдан-тилга ўтиб юрган ривоятлар. Бу ўринда Мухаммад алайхиссалом суннатлари назарда тутилади. — Тарж.



шунчан динамика моҳиятини очиб беришга интилдик ва бу мавзу учта масала доирасида ривожланиб боради. Биринчидан, социологлар “бир диндан иккинчисига ўтиши” деб атайдиган ҳодиса исломнинг муқаддас битиклари ва илоҳиётшунослик контекстида нимани англатиши юзасидан бир неча дастлабки изоҳлар келтирилади. Иккинчидан, ислом тарихидаги бир диндан иккинчисига ўтишининг энг ёрқин нукталари ажратиб курсатилади, улар устувор академик талқинлар асосида берилади. Ниҳоят, мен бугунги кунда оммавийлашиб кетган Интернет “киберконверсияси” деб аталмиш янги ҳодиса хусусидаги зарур баъзи илк тахминларимни илгари сурмоқчиман. Мен уни улги сифатида олиб, исломни қабул қилишнинг жорий этилган назарий андозаларини ҳамда бир диндан иккинчисига ўтиш ҳодисасини янада умумий тарзда текшириб кўрмоқчиман.

Албатта, аввало, илоҳиётшунослик хусусида тұхтаби үтмасдан бўлмайди. Ислом аввал-бошданоқ ўзига тътиқод қилувчилар сафини кенгайтиришга ҳаракат қилиб келди; унинг асосий ҳужжати (Куръон)да худога тавсиф берилади, у, шунингдек, даъват ҳамдир. Макка ва унинг қабилалар яшайдиган ички ҳудудларида тулиб-тошиб ётган бутпарастликни ер билан яксон қилган Куръон ислоҳоти ўзидан олти аср олдин нозил бўлган назаретлик Исо ислоҳотидан кўра жадалроқ эди. Исо даъват қилган кишилар яхудий ва монотеист бўлгани учун ҳам қатъий қораланмаган эди, ҳазрат Муҳаммаднинг умматлари эса Куръонда таъриф-тавсиф қилинмаган. Шунинг учун ҳам Куръон бевосита тарихий контекстга урғу берадиган диний қарашларни тозалаш ёки такомилга етказишни талаб этмайди, аксинча, уларни сўзсиз рад этади. Бинобарин, ибтидоий ислом этос² и

² Этос (юнон. “табиат” ёки “характер”) — маъруза чоғида воизнинг ўз тингловчиларни ишонтириш йўлида характеристи ёки хиссиятларини намоён килиши. У сунувчи ёки воизнинг ўз тингловчиларни ишонтириш умидида намоён киладиган хиссияти — патосдан фарқ киласи. Қадимги классик муаллифлар наздида бу иккни сўнг бир-биридан кескин фарқ қилган, улар патосни бузмакор хиссият деб, этосни эса сокинрок хиссиятларни ифода килувчи тушунча деб билган. Этос табиий ёки ахлоқий характер, доимий хусусият, патос эса мувакқат ва кўпинча бузмакор хиссий ҳолатдир. Ренессанс даври ёзувчилари уларни бошқа бир йўсинада фарқлашган: этос характерни, патос эса хиссиятни ифодалаган. — Тарж.

қатъий тарзда баҳсли ва ўзгаришга мойилдир. Расулуллоҳ диний раҳнамолигининг энг юксак нуқтаси бўлмиш Арафот тоғида айтган хутбаси исломнинг буюк ваколатига тенг сўзлар билан тугайди: “Ушбу ҳақиқатни бу ерда йўқ кишиларга ҳам етказинг”³.

Ушбу дастлабки *sitz im Leben*⁴ га қарамасдан, бизга маълум манбалар Расулуллоҳ ўз диний раҳнамолигини фақат мажусий арабларга мўлжаллаганидан далолат бермайди. Мусулмонлар хотирасида қолганидай, Мухаммад фақатгина “Исмоил фарзандларининг йўқолган суруви”-гагина юборилмаган; у, ҳадисда баён қилинганидай, “бутун башариятга юборилгандир”; дарҳақиқат, ўрта асрлардаги калом мутафаккирлари бир овоздан таъкидлаганидай, ислом Аллоҳ юборган яккаю ягона универсал диндир. Ушбу мусулмонча классик нуқтаи назардан Исо фақат яҳудийлар пайғамбари эканига ишонар эди; шунинг учун ҳам христиан динининг кейинги яҳудийларга қаратилмаган миссияси *Preparatio evangelii*⁵ сифатида олдиндан белгилаб қўйилган эди. *Preparatio evangelii* исломга тайёр турган мажусий асосни бузиб ташлади. Баъзи бир замонавий тарихчилар, арабларнинг нажоткор тарқоқ тарихини бино этишдан йироқ бўлган Куръон уларга мутлақо қизиқиш билдиримайди, ҳеч қачон уларни муҳим ўтмиш ёки тарих эгалари деб ошириб тошириб мақтамаган, деган даъвони илгари суради. Гарчи раввинилар иудаизми диннинг асос солувчи муҳитига энг яқин яккахудолик дини бўлса-да, ислом қардош сомий халқлар учун иудаизмнинг қайта ёзилган нусхаси эмас. Модомики, пайғамбарлик миссияси табиатини қайта тиклашга бўлган уринишлар ишончли экан (энг ашаддий замонавий тарихчиларнинг деярли барчаси худди шундай деб ўйлади), исломнинг илохий табиати дастлабки пайтлардан бери ўз мақсадига кўра чиндан-да универсал бўлганини кўрсатиб бериш учун етарли далиллар мавжуд. Расулуллоҳнинг бир неча шогирд ва сахобалари

³ Bukhari, Hajj, 132.

⁴ Sitz im Leben (нем.) ҳаётдаги ўрин маъносида. — Тарж.

⁵ Preparatio evangelii (лат.) — янги хабар, яъни вахийга тайёргарлик.



араб миллатига мансуб бўлмаган: анъанада юонон Суҳб, форс Салмон, исломнинг илк **муаззини** ҳабаш Билол номлари сақланиб қолган.

Бундай тарғибот контекстига қарамасдан, Куръонда конверсия деган калиманинг ўзи йўқ. Чунки арабча сўз бўлмиш “ислом”нинг ўзи ушбу тушунча маъносини ҳам аниглатади. Бу сўз “хавфсизлик”, “нажот” ва “тинчлик” маъноларини билдирувчи ўзаги феъл бўлган отdir. Бинобарин, исломга кириш — фаол (мажхул бўлмаган) сифатдошdir, мусулмон бўлиш — ўзликни Аллоҳнинг нажоткорлик фаолияти доирасига киритишdir. Севувчи тангри (**ал-Вадуд**) сифатида инсониятни яратган зот бутун башариятга нариги дунёда омад тилайди. Куръонда бундай дейилади: “Эй мўъминлар, ёппасига итоат (**силм**)га киришингиз!”⁶ ва: “Аллоҳ кимни ҳидоятга нўллашни ирова этса, унинг кўкси (**қалби**)ни ислом учун (кенг) очиб қўяди”⁷. Шундай экан, Куръондаги адолатли ҳаёт кечиришга ўтиш тушунчаси тасодифий ҳоллардан бири эмас, у мусулмон кишининг Аллоҳга эришиш жараёнинг муносиб бўлиш учун тўсиқларни енгиг ўтиш ва курашишдай бир умр давом этадиган жўшқин ҳолатда яшашини назарда тутади. Мусулмончиликда “Исада” бўлиш, шунинг баробарида, эмин бўлиш кафолатини олишнинг маънодоши йўқ, чунки мусулмонлар учун сотериология Кутқарувчининг ўз гуноҳларини ювиш учун курбон беришини эмас, аксинча, чин эътиқодли кишининг эътиборни чалғитувчи нарсаларга қарши курашиши ва бевосита таважжух ҳиссини туюшини англатади. Бинобарин, мусулмон конверсиясига оид ривоятларнинг айрим изчил хусусиятларидан бири — чексизликни тусмollaш ва босқичма-босқичликдир. Исломни янги қабул қилганларга қаратса айтиладиган сўз мана булардир: “Сизлар жангда ғалаба қозондингиз; энди ғалабани мустаҳкамлашингиз керак”. “Қайта туғилганлар” ёки бир диндан иккинчисига ўтишнинг психотропик кўриниши

⁶ Куръон, “Бакара” сураси, 208-оят.

⁷ Куръон, “Анъом” сураси, 125-оят.



файритабиийдир. Динга янги кирган кишилар ассимиляция ва тақлиднинг суст жараёни хусусида кўп гапиради, бу жараёнда рационал исбот мухим аҳамият касб этади, деб қаралади⁸.

Куръон сотериологиясининг мусулмонча “конверсия” иборасини ёки унинг **исломни** мустаҳкамлайдиган яна бир жиҳатини ҳам тушуниш лозим булади. Анъанавий нуқтаи назардан исломда Августиннинг **conversio**сидан кўра эҳтирос камроқ ва у омадлироқдир, чунки у инсониятнинг озод бўлиш тарихини самовот ва рух хукмдори бўлган худо ҳамда ер ва танада устунлик қилувчи шайтон ўртасидаги улкан қарама-қаршилик деб тушунмайди. Исломда ибтидоий гуноҳ тушунчаси йўқ, унинг антропологияси умумий жиҳатлари билан лотин оталар христианлиги, бинобарин, Аквинский, Лютер ва Фарб анъанасининг асосий қисмидан кўра раввииналар иудаизмiga яқиндир. Бунинг зиди ўларак, унда Матфей Фокс “ибтидоий хайрли дуо”⁹ деб атаган нарсага яқин ақида бор ва у, хилқат холикдан ажralиб чиққан, деган тушунчани рад этади. Иноят инсон боласига хос хусусиятдир, у маҳлуқлар орасида юқори ўринни эгаллайди, ҳадисга кўра: “ҳар бир бола ўзининг чин табиати (фитрати) билан туғилади, фақат ота-онаси уни яхудий, христиан ёки зардуштийга айлантиради”. Бу ақида хусусида Куръоннинг “Аъроф” сурасидаги 172—173-оятларида ҳам таъкидланган, унда барча тирик жонзот Ер юзига тарқалишидан олдин Аллоҳнинг олдига гувоҳлик беришга чақирилгани хусусидаги Буюк Аҳд тўғрисида сўз юритилади. Ушбу иқтибосда ўша вақт хусусида бундай дейилади:

⁸ Бу ҳол иккита пухта тадқиқотда қайд этилади: Larry Poston, *Islamic Da'wah in the West: Muslim Missionary Activity and the Dynamics of Conversion to Islam* (New York, 1992); and Ali Kose, *Conversion to Islam: A Study of Native British Converts* (London and New York, 1996). Конверсиянинг боскичма-боскич жараёнлари тарқалишини қўйидагилар ҳам қайд этган: Lisbeth Rocher and Fatima Cheraooui, *D'une foi l'autre: les conversions à l'Islam en occident* (Paris, 1986), 21; and also Marcia Hermansen, ‘Roads to Mecca: conversion narratives of European and Euro-American Muslims’, *The Muslim World* 89 (1999), 79–80.

⁹ Matthew Fox, *Original Blessing: A Primer in Creation Spirituality* (Santa Fe, 1983).



Раббингиз Одам ўғилларининг беллари (*пушти камарлари*)дан зурриётлари (*руҳлари*)ни олиб, уларни ўзларига гувоҳ қилиб турив: “Мен Раббингиз эмасманми?” (деди). Улар: “Йўғе! (Раббимизсан!) Гувоҳлик бердик”, дедилар. Қиёмат куни: “Биз бундан гофил (бехабар) эдик”... дейишларини (билганимиз учун шундай қилдик).

Мавлоно (Румий) худонинг тажаллисига етишишни тавсиф этганида ушбу анъанадан мутлақо чекинмайди:

Бу (ҳаёт)дан аввал руҳлар сипеҳрдан юқори эди, улар ҳам фаришталар ичган идишдан нўж этар эди.

Менинг руҳим сенинг санъатинг уни ўша жойга тортгани учун ҳам қўллари билан чапак чалади.

Ислом табиатнинг намуна экани ва жоннинг мутлақо гуноҳсизлигига ишонч ҳосил қилгани боис Аллоҳга зикр тилиган ибтидоий гувоҳлик инсониятга берилганини эслатиб қўйишдан ўзга нарсани кўзламайди. Конверсия, ислом — эслаш (*зикр*)дир. У мавжуд бўлган нарсани ишкор этмайди, аксинча, ўзига “қайтиш” ва тасдиқлашдир. Айни шу сабабга кўра, янги мусулмонларнинг аксарият кўпчилиги ўзларини бир диндан бошқасига ўтгандар эмас, “қайтганлар” деб ҳисоблади. Бу ўринда аникроқ бўлгани учун “таниб олувчилар” деган тушунчани қўллаган маъқул. Испан тилида *reconocerse musulmán* деган оддий бир ибора бор, унинг маъноси ўзликни мусулмон деб танишдир.

* * *

Ушбу инсон табиати ва диний ҳаёт хусусидаги оддий ва равшан бўлган некбин қараашдан илҳомланган мусулмонлар кўхна дунёни музaffer фатҳ этувчилар сифатида Ер юзининг турли тарафларига тарқаб кетди. Ун-



дан сұнг диний тарихнинг эңг ҳайратланарлы воқеаларидан бири рүй берди, яъниким, черков оталари мамлакаттарининг күпчилиги ҳар қандай яккахудолик тарихига бир мартагина ёзиладиган оммавий хиёнатни бошидан кечирди. Александрия, Антиох, Куддус сингари улкан патриархал марказларда христиан дини бир неча аср олдин аста-секин илдиз отган эди, үша жойлар босқич-ма-босқич, аммо изчил тарзда янги динга үз жойини бұшатиб бера бошлади. Ушбу жараённинг етакчи тарихчиси қайд этганидай, “600 йилда назаретлик Исони худонинг ўғли эканига ишониб юрган күплаб әркак ва аёллар әндилиқда худога ишонади ва Мұхаммадни унинг пайғамбари деб билади”¹⁰.

Бунинг ёрқын мисоли Фазо шаҳридир. Бу шаҳарни христианлаштириш жуда секинлик билан амалға ошар әди ва араб босқинчилари унга кириб борганида

*Фазо ақолиси янги динни қабул қилиш хусусидаги даъватларга тайёр эканини маълум қилди [...] маҳаллий тарихчиларнинг гапига қараганда, улар шаҳар марказидаги улкан черковни масжидга айлантиришини илтимос қилған [...] Араблар келганида христианларнинг ҳаммаси ҳам исломни қабул қилишни истамаган; уларга Порфирий черкови (442 йили қүрилған) да ибодат қилиш ҳұқықи берилған, ушбу черков ҳалия� Фазо шаҳрининг үша жойида турибди!*¹¹.

Бу үринде ушбу жараёнга оид кескин мунозараларга сабаб бұлған талқынларга ҳакамлық қилишнинг мавриди әмас. Аммо күпчиликка маъкул бұлған қүйидаги натижаларни қайд этиб үтиш үринлидир. Бириңчидан, 1896 йили

¹⁰ Richard Bulliet, ‘Process and Status in Conversion and Continuity’, in Michael Gervers and Ramzi Jibran Bikhazi (eds), *Conversion and Continuity: Indigenous Christian Communities in Islamic Lands, Eighth to Eighteenth Centuries* (Toronto, 1990), 2.

¹¹ Gerald Butt, *Life at the Crossroads: A History of Gaza* (Nicosia, 1995), 78 – 9.



Сэр Томас Арнолднинг “**Ислом воизлиги**”¹² китоби чоп этилганидан сўнг кўпчилик христианларниң исломни қабул қилиши мажбурий эмас, аксинча, ихтиёрий бўлгани тасдиқланди. Бинобарин, мусулмонлар Испаниясининг бир замонавий тарихчиси “тарихчилар мусулмон фотиҳлари христианларни ўз тарафига оғдириб олмагани ва таъқиб қилмагани хусусида яқдил фикрдалар”¹³, деган эди. Иккинчидан, 1950 йили Д.С.Деннеттнинг “**Бошқа динга ўтиши ва дастлабки исломдаги жон солиги**”¹⁴ китоби пайдо бўлиши билан тарихчилар, кўпчилик халифалар файридинлар учун жорий этган камситувчи солиқни тўламаслик учунгина исломни қабул қилган, деган эски қарашни рад этди. Шу тариқа ўша солиқ миқдори унчалик кўп бўлмагани, унинг аксарият холларда динни қабул қилиш-қилмасликка боғлиқ эмаслиги маълум бўлиб қолди. Учинчидан, Ричард Буллиет 1979 йили чоп этилган “**Ўрта асрлар даврида исломни қабул қилиши**” монографиясида мусулмончиликка ўтиш ҳоллари мамлакатлар зabit этилиши била-ноқ содир бўлиб қолмагани, аксинча, уч-тўрт асрдан сўнг бўлганини кўрсатиб берди. Буллиетнинг ўзи буни “Динни қабул қилиш асрлари”¹⁵ деб атайди. Энди биз бу жараённи Миср ва Шимолий Африкадаги ҳудудлар 9-асрнинг ўрталарига келиб мусулмон мамлакатларига айлангани; Эрон бундан олдинроқ мусулмон давлати бўлгани; 12-асрнинг бошларига келиб эса Иберия ярим ороли аҳолисининг камида бешдан тўрт кисми мусулмончиликни қабул қилганига сўзсиз ишонамиз. Учала кашфиёт ҳам Левтционнинг 1979 йили ёзган қўйидаги хуло-

¹² Sir Thomas Arnold, *The Preaching of Islam: a History of the Propagation of the Muslim Faith* (Westminster, 1896). Ушбу тезиснинг дастлабки, аммо кенг тарқалмаган ифодаси мусулмонликни қабул қилган Абдулла Қуиллиамнинг қуидаги асарида берилади: *The Religion of the Sword: An Enquiry into the Tenets and History of Judaism, Christianity and Islam, with a view of considering which Religion has been the most Tolerant.* (Vol 1, Liverpool, 1891.)

¹³ J. McWilliam, ‘The Context of Spanish Adoptionism’ in Gervers and Bikhazi, op. cit., 76.

¹⁴ Cambridge (Mass), 1950.

¹⁵ Richard Bulliet, *Conversion to Islam in the Medieval Period: an essay in quantitative history* (Cambridge, Mass, 1979).

сасини тасдиқлайди: “ҳарбий босқындан сұнг зудлик билан одамлар ёппасига исломни қабул қилмаган”, бирок орадан бир аср ва күпроқ вақт үтгач бундай ҳол кузатылған¹⁶. Исломлаштириш жараёнига оид тадқиқоттар айни ҳолнинг кейинчалик, үрта асрларда ҳам мусулмон сулолалари забт этган Шимолий Ҳиндистон, Анатolia ва Болқон (ярим ороли) сингари худудларда кузатылғанини тасдиқлайди.

Левтцион ва Буллиет, қолаверса, шу сохани тадқиқ қылған бошқа кишилар гарчи хұжакұрсын учун үз дағыларини диннинг қонунийлиги билан асослашға интилған эса-да, мусулмон давлат тузилмалари деярли ҳеч қаңон бошқа динга мансуб кам сонли ахолини исломни қабул қилишга мажбурлаш йүлларини ахтартмаган. Исломни қабул қилиш, одатда, расмий сиқувға олиши ёки ҳақиқиي христианлик ёки бошқа институт — қуримларнинг тахмин этилаётган инқизози оқибати эмас, аксинча, мусулмонлар ва мусулмон бүлмаганлар үртасида кучайиб бораётган ижтимоий алоқалар таъсири эди. Дастрлабки босқынчилар қисман араб қабилаларини ислом воситасида бирлаштиришни истаган бұлса-да, ҳарбий шаҳарчаларда үзларини бегона ҳис қилишар эди. Фақат бұ ҳарбий шаҳарчалар улкан шаҳарлар даражасига етиб, маҳаллий ахоли вакилларини гадойтопмас қишлоқлардан гуррос-гуррос жалб қила бошлаганидан сұнггина фотихлар билан таслим бүлгелер үртасидағи мулоқот фаоллашды. Шу тариқа исломни қабул қилиш жараёни секин бошланғанда ва аста-секин жадаллашиб борди, исломни янги қабул қылғанларнинг үзи саводсиз омма күз үнгіда улғи олиш мүмкін бүлгелер шахсларға айланиб қолди. 11—12-асрларға келиб, исломга үтиш асри тугагач, уни қабул қилмаган бошқа ахоли масканларида истиқомат қилювчи кишиларни исломлаштириш сустлашиб қолди, бу ишни иккита бир-бирига үхшаб кетадиган ижтимоий гурух вакиллари давом эттира бошлади. Уларнинг бириңчиси гаркибига сайёх савдогарлар кирап, мижозларининг дунё-

¹⁶ Nehemia Levtzion (ed.), *Conversion to Islam* (New York, 1979), p.9.



даги энг устувор тамаддунга мансуб зотлар деб қараши, ўзини тутиши ва эътиқоди уларга улкан салобат бағишилар эди. Иккинчи гурухга кезгинди мистик сўфийлар ва авлиёлар мансуб бўлиб, улар файридинларни мўъжиза кўрсатиши ва хасталарни тузатиши, ўша халқларнинг тилларида ёзиш ва қўшиқ айтиш, кўпинча исломга ўтиш жараённида босқичма-босқичликка имкон беришга тайёрлиги ва илоҳиётни севишга даъватни ҳимоя қилиши билан ўзига жалб қилиб олар эди. Босния, Кашмир, Индонезия ва Фарбий Африка худудлари аҳолисининг исломни қабул қилишига тақвадорликнинг ушбу икки шакли: мулоқотдан иборат савдогарлик ва мистика имкон берди. Бу исломнинг савдогарлик ва мистикага йўл бериши на-тижаси эди.

Сўфий мистиклар, хусусан, Хиндистон субконтинентини исломлаштиришда муҳим рол ўйнади, айни шу ўринда Буллиет андозасидан файриодатий тарзда фойдаланилади. Хиндистондаги дастлабки ислом истилоларидан сўнг орадан ўтган уч аср мобайннида жуда озчилик бу динни қабул килган эди; Ўрта Шарқдаги жадаллашув жараёни – ислом ва ҳиндуизм ўртасида улкан концептуал тафовут бўлгани, шунингдек, ҳинд жамиятининг турли табақаларга бўлинниб кетгани ва турли үлчов бирликларидан таркиб топгани учун бўлса керак – бу ерда кузатилмади. Айни ҳол, гарчи пировард сиёсий ҳокимият ўшандан сўнг ҳиндуларнинг қўлида қолмаган бўлса ҳам маҳаллий динларнинг изчиллиги ва амалиётини сақлаб қолишига имкон берди. Аммо Хиндистон тажрибаси Арнолд ва Деннеттнинг тезисларини етарли даражада тасдиқлади, чунки Ричард Итон ва бошқалар ҳиндлар исломни кўпинча Хиндистондаги мусулмонлар ҳукмронлик қилган жойлардан кўра улар ҳукмрон бўлмаган жойларда кўпроқ қабул қилганини исботлаб берди¹⁷. Мусулмон сиёсий ҳукмронлигининг ёйилиши ва мусулмон динига ман-

¹⁷ Richard M. Eaton, 'Approaches to the Study of Conversion to Islam in India', in *Approaches to Islam in Religious Studies*, ed. Richard C. Martin (Tucson, 1985), 106 – 23.



суб кишилар миқдорининг (одатда, қуи касталар орасида) орта бориши бир-биридан фарқли иккита улкан жараён сифатида кўзга ташланади. Динни қабул қилиш аллақаерлардаги сultonларнинг сиёсати туфайли эмас, ислом ҳимоячилари билан мулоқот туфайли рўй берар эди.

Узоқ Шарқда Индонезия архипелаги тажрибаси мусулмонларнинг қуролли босқини натижасида исломлаштирилганини эмас, аксинча, илк танишув тезисини яна тасдиқлайди. Ислом ҳиндулар Хиндистонининг бир-бира га чамбарчас боғланиб кетган аҳолиси қонига бир неча асрлар давомида сингиб кетди, ҳатто бугунги кунда ҳам субkontinent аҳолисининг тахминан учдан бир қисми мусулмонлардир. Бунинг тескариси ўлароқ, Ява, Малайя ва Суматра (ороллари) гарчи, асосан, ҳинд маданий робитасида бўлса ҳам, камроқ қаршилик кўрсатган эди ва бугунги кунда Индонезия аҳолисининг 90 фоиздан ошиқроғи мусулмонлардир. Минтақанинг аҳоли яшайдиган бир неча минг оролларга бўлиниб кетиши мусулмонларнинг у ерларни забт этишига ва дengиз савдо-сотик йўлларида исломнинг ҳукмрон бўлишига қулай замин ҳозирлаб берди¹⁸. Шу тариқа (турли тамаддулларнинг) тўқнашув имкониятлари ошди.

Ушбу манзарани ислом прозелитизм¹⁹ и амал қилган барча-барча худудларда кузатиш мумкин. Биринчидан, соф миссионерлик институтлари — қуримлари етишмас эди: сўфийлик тариқатлари маданий воситачилар сифатида фаолият юритгани учун файдидинларни исломга тарғиб қилишни асосий мақсад қилиб олмаган эди. Иккинчидан, кишиларнинг асосий кўпчилиги исломни ихтиёрий равишида қабул қиласарди. Учинчидан, исломлаштириш аста-секин амалга оширилар, дастлаб ислом қадриятларининг мусулмонлар билан ёки қисман исломлаштирилган унсурлар

¹⁸ Marshall G.S. Hodgson, *The Venture of Islam* (Chicago and London, 1974), II, 542-51.

¹⁹ Прозелитизм [< юнон. — прозелит]. 1. Бошқаларни ўз динини қабул қилдиришга интилиш. 2. Янги қабул қилинган таълимот, янги эътиқодларга қизғин содиқлик. — Тарж.



билин танишиш ва, бинобарин, А.Д. Нокк “қүшилиб олиш”²⁰ деб атаган жараён орқали ўша жойда яшайдиган халқлар маданиятига кириб бориши таъминланар эди.

Бироқ шуниси аниқки, гарчи танишув ва қўшиб олиш андозалари социологик тузилма сифатида ишонарли бўлсада, улар индивидуал кишиларни исломни қабул қилишга ундан нарса айнан нима эканини билиб олишга имкон бермайди. Мусулмонларнинг бошқалар билан ижтимоий мулоқотига оид далиллар исломга бундай миқёсда ўтиш сабаблари нимада эканини тушунтириб бера олмайди. Боз устига, ушбу бошқотирма, бўлғуси дин ташвиқотчилари учун, мусулмончиликда танлаш ҳуқуки жозибадор эмас, қабилидаги кўплаб тўсқинлик қилувчи омилларнинг мавжудлиги туфайли янада мураккаблашиб кетди.

Шундай тўсқинлик қилувчи омиллардан бири динни қабул қилиш туфайли йиғилиб қоладиган ижтимоий ноқулайлик кўринишида зухур бўлди. Юлдузни кўзлаган ҳолда, ўрта асрларнинг барқ уриб ривожланаётган шахарлари бўлмиш Дамашқ ёки Бағдодга кўчиб келиб ижтимоий поғоналардан юқори кўтарилиш учун исломни қабул қилган эркак ёки аёл ўзи мансуб дин жамоасига қайта қўшилолмай қолиши мумкин эди. Чунки қўхна христиан ва индуизм гуруҳлари, одатда, кимнингдир ўз динидан қайтишини сотқинлик деб билар ва диндан қайтган киши ўз-ўзидан кастага мансублик мақомидан ҳам маҳрум бўлар эди. Рамзий маънода айтадиган бўлсак, ислом фиқҳи ушбу динга кирган кишиларнинг файридин ота-оналаридан муайян мулкни мерос қилиб олишига тўсқинлик қиласди. Ўрта асрларда исломни қабул қилган кўплаб кишилар учун жамоага қўшилиш туфайли эришиладиган имтиёзлар кўпинча тарқ этилаётган дин туфайли ҳосил бўлган муаммолар билан баб-баробар эди.

Иккинчи жумбоқ исломнинг дин сифатида ўзи кутаётган нарсаларга талабчан табиати билан боғлиқдир. Би-

²⁰ A.D. Nock, *Conversion: The Old and the New in Religion from Alexander the Great to Augustine of Hippo* (Oxford, 1933), 7.

роқ 8-асрда яшаган суриялик дәхқон ёки савдогар үзининг мутлақ саводсизлиги туфайли исломни қабул қилишнинг ilk қадами сифатида оғриқли хатна одатини тушунганды булиши мүмкін. Авлиё Павел, эндилікда үша дәхқон аждодларининг христианликни қабул қилишида Иброҳимдан қолган эски одатни бажо келтиришга хожат йўқ, деб ишни анча осонлаштириб қўйди. Бироқ ислом бундай ён бериш йўлидан бормади.

Диннинг руқнларини адо этиш тизими уни қабул қилмоқчи бўлганларни чўчитиб юборадиган ҳол эди. Ислом бир кечакундузда 5 марта намоз ўқишни, биринчи намоз кун чиқишидан олдин адо этилишини тақозо қиласи. Шунингдек, у рамазон ойида, айниқса, иссиқ иқлим шароитида жуда машаққатли бўлган рўза тутишни ҳам на зарда тутади. У ҳар йили бир марта мажбурий тарзда камбағалларга ўз бойлигининг кирқдан бир қисмини за кот сифатида беришга ундейди. Бу дин ўрта асрларда қиммат, ноқулай ва хавфли бўлган вазифа – Маккага ҳаж қилишни мажбурий қилиб қўйган эди. Дин, шунингдек, баъзи овқатларни истеъмол қилишда христианлар учун номаълум бўлган чекловларни ҳам жорий этади, шулардан энг кўзга кўринадигани чўчқа гўштини ейишни тақиқлашдир. Мазкур дин мусулмонларга ислом фикхида мусулмон бўлмаганлар учун истеъмол қилишга рухсат этилган спиртли ичимликларни ҳам тақиқлади.

Модомики шундай экан, биз ислом муваффакиятларини қандай тушунтира оламиз? Яна асосий масалага қайтадиган бўлсак, ғайридинлар исломни қабул қилишга камдан-кам ҳолларда мажбур этилган. Улар ўзларининг ибодат ва таълим жойларини сақлаб қолган ва исломнинг улкан дунёсида кичик бир жамоа сифатида яшаб қолаверган. Одатда, исломни қабул қилиш оиладан ва кишлоқдан, одатлар ва мағкурадан кечишига сабаб бўлар, янги ва талабчан жамоа ҳаётини қабул қилиш қатъий ва деярли зоҳидона мўттадиллик билан тавсифланадиган масжидда ибодат қилишда намоён бўлар эди. Буллиетга қўшилиб таъкидлайдиган бўлсак, мусулмонлар билан ижтимоий мулоқот кенгая боргани сари исломни қабул



қилиш тезлашгани нега одамлар, хусусан, христианлар осонлик билан мусулмон бўлиб кетганини тушунтириш учун етарли эмас.

Исломнинг муваффақиятига оид жозибадор далилларга мурожаат қилганимизда унинг табиати ва келиб чиқишини эсга олсак, айни муддао бўлур эди. Қайд этиб ўтилганидай, Қуръон политеистик²¹ дунёга, шунингдек, унинг ортида турган яхудий-христиан дунёсига қарши тараққиётдан четда бўлган ва таъкиб остида қолган мазҳаб вакиллари манфаатларини ҳимоя қилувчи далил сифатида вужудга келди. Қуръон ва унга қўшимча бўлган Расулуллоҳ ҳадислари муқаддас битиклар сифатида исломга ўтишга ундашнинг инсон рухиятига тўғридан-тўғри таъсир қилувчи дискурсидан таркиб топган. Қуръон дастлабки мусулмонларга, сизларнинг қолоқлигингиз барҳам топади, деб кафолат беради: “Биз эса у ерда ҳўрланган кишиларга марҳамат қилишни, уларни (хорлиқдан чиқариб, барчага) пешво зотларга айлантиришни ва уларни (Фиръавн мулкига) меросхўр қилишни истаймиз”²²

Қуръоннинг ва Расулуллоҳ ҳадислари дискурсининг ушбу “эркинлаштирувчи” тамойилини эътиборга оладиган бўлсак, ислом аввалбошданоқ қолоқ жамоаларга мурожаат қилганидан ажабланмаса ҳам бўлади. Бугунги кунда Америка Кўшма Штатларида исломни қабул қилаётган қора танли кишилар микдори оқтанли диндошлиярига нисбатан йигирма баробар кўпdir. Кўпинча Бобилнинг юончча гаплашувчи клерикал ва сиёсий киборларидан, кейинчалик эса улар ўрнини эгаллаган араб подшо-лигидан кескин ажратиб қўйилган дастлабки ўрта асрлар Яқин Шарқи аҳолиси ҳам худди шундай йўл тутиши мумкин эди. Христианлар ҳам, гарчи давлат сиқувга олмаган бўлса-да ва гарчи айни пайтда маълум бир ваколат берадиган, тасалли ва ваъданинг дискурси сифатида вужудга келган бўлса-да, анча четга чиқиб қолган

²¹ Политеизм — [фр. polythéisme < юнон. poly кўп + theos худо] фалс. Кўпхудолилик. — Тарж.

²² Қуръон, “Қасас” сураси, 5-оят.



эди, давлат динига ўтиш муайян имтиёзлар бериши мумкинлигига ишонч ҳосил қилаётган эди.

Бу ўринда ҳал этилиши лозим бўлган баъзи бир муаммолар ҳам борга ўхшайди. Яқинда Хиндистондаги қўйи каста вакилларининг исломни қабул қилишини бир социолог “норозилик учун стратегия”²³ деб атади. Нимадаидир норози бўлиб исломни қабул қилиш дин социологлари тан олган ҳодисадир, буни Ирвин Шайннер “Христиан динини қабул қилганлар ва Мейжи²⁴ Япониясидаги ижтимоий норозилик” китобида жуда батафсил тавсифлаб берган эди. Шайннер Мейжи ислоҳотлари оқибатида ўзининг ижтимоий мақомини йўқотган ҳар бир самурай норозилик белгиси сифатида протестантизмни қабул қилганини тушунтириб беради²⁵.

Ушбу хуносалар ишонарли эканига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Исломни қабул қилиш қарори, ўз табиатига кўра, қийин кечишига қарамасдан, христианлар ва кейинчалик Хиндистондаги қолоқ хиндулар оммавий тарзда ушбу динга ўтди. Бу ҳол замирига халоскорлик илоҳиётшунослиги сингдирилган Куръон хабари табиатидан келиб чиқади ва муайян жамиятнинг раҳбари мусулмон ёки бошқа динга мансуб бўлишидан қатъи назар, ижтимоий қолоқликка қарши норозилик воситаси ролини ўйнайди. Биз бунинг қаторига, албатта, диннинг жозибадорлигини ҳам қўшишимиз керак бўлади: у исошунослик ва илоҳий учликка хос зиддиятлари ёки веданталар²⁶ нинг чалкаш метафизикасидан безиб қолган одамларни ўзига ром этган оддий монотеизмдир. Бинобарин,

²³ Abdul Malik Mujahid, *Conversion to Islam: Untouchables Strategy for Protest in India*. (Chambersburg, 1989).

²⁴ Мейжи, тўлик номи Мейжи Тенпо, Япониянинг 1867 – 1912 йилларида императори бўлган Мутсухитонинг шахсий исми. У таҳтда ўтирган йиллар Япония феодал давлатдан янги дунёнинг энг кучли давлатларидан бирига айланди. — Тарж.

²⁵ Irwin Scheiner, *Christian Converts and Social Protest in Meiji Japan* (Berkeley, 1970).

²⁶ Веданта (санскр. Vedanta < veidam билмок, хабардор бўлмок). Хиндистондаги инсон руҳини илоҳ, дунё руҳи билан бир деб хисобловчи диний-фалсафий таълимот. Ведантага кўра, воқеликни фақат Браҳматина тушуна олади. Оддий кишилар учун эса воқелик – иллюзиядир. — Тарж.



Ламартиннинг исломни қадрлаши “амалий ва тасаввурга оид теизмдир. Бунга ишонадиган одамларни бошқа динни қабул қилишга кўндириб бўлмайди: киши мўъжизаларга тўла бўлган доктитик тизимдан бошқа томонга қараб эмас, оддий доктита тарафга силжиб боради”²⁷. Яна шуниси ҳам маълумки, дунёнинг энг кўхна ва теран христиан жамоалари исломни унинг кучли ва таъсирчан диний қобилиятга эга ҳимоячилари бўлмагандага тинчгина қабул қилмас эди.

* * *

Хозирги кунда ҳам исломни қабул қилишнинг бундай классик андозаларини қўллаш мумкин ёки мумкин эмаслиги ноаник. Диннинг миқдор жихатидан ўсиб бориши бор гап: дунё ахолиси орасида мусулмонлар миқдори 1900 йили 12 фоиз бўлган бўлса, 20-асрнинг охирига келиб бу кўрсаткич 20 фоизга етди, 2025 йилга бориб эса, 30 фоизга етиши ҳисоблаб чиқилган. Бироқ бу ўсиш, асосан, мусулмонлар кўп истиқомат қиласиган учинчи дунё жамоаларидаги табиий кўпайиш натижасидир. Замонавий исломнинг миссионерлик даражаси ва табиатини очиб берадиган ишонарли статистика мавжуд эмас.

Бироқ Фарбнинг анъанавий дини христианлик бўлиб келган давлатлари исломлашиш ҳолатини бошдан кечираётгани шубҳасиз. Демографик нуқтаи назардан, Африка—Америка мусулмон жамоаси бунинг ёрқин мисоли бўла олади. Уларнинг миқдори Америкада 4 миллионга етди. Мазкур жамоа вакилларининг боксчи Муҳаммад Али, жаз созандаси Жон Колтрейн ва дин фаолларидан бири бўлмиш Малcolm Икс сингари исломни қабул қилган машҳур кишиларга эргашиб, бу динга ўтгани оқтанли христианларнинг асрлар давомида қора танлиларга нисбатан ёмон муносабатда бўлиб келганига жавобан норозилик ҳаракати сифатида талқин этилиши тайин. Қора танлилар маданиятининг машҳур рэп мусиқаси, шунинг-

²⁷ Cited in Hisham Djant, *Europe and Islam: Cultures and Modernity* (Berkeley and London, 1985), 31.

дек, “Ислом миллати” деб аталувчи синкетик²⁸ харакатларнинг пайдо бўлиши, масжидга тўпланган жамоага гиламда ўтириш ўрнига стулда ўтиришга рухсат этишдай муайян ён беришлар орқали мусулмончиликнинг тарқалиш жараёни анча енгиллашди. Бу жараён христианликдан мусулмонча ўзига хосликка ўтиш учун дастлабки қадамлар сифатида кўзга ташланади²⁹. Замонавий Америка диний мухитининг улкан ўзгаришга юз тутишини бундай тушуниш исломни қабул қилишнинг юқорида қайд этилган икки назариясини тасдиқлади: 1) ижтимоий қолоклик туфайли келиб чиқадиган норозилик ва 2) астасекинлик билан динга қўшила бориш назарияси.

Бирмунча имтиёзларга эга бўлган этник гуруҳларнинг исломни нисбатан камрок, аммо изчил қабул қила боришини тушунтириш жуда мушкул. Гарчи ислом, асосан, “камбағаллар танлаётган имтиёз” бўлса-да, 1981 йили мазкур динни француз коммунистик партиясининг собик раиси Рожер Гароди³⁰ қабул қилган. Ёки исломни учинчи дунёнинг мустамлакага қарши кураш воситаси деб билган балет хореографи Морис Бежа³¹ сингари бугунги Америкада яшовчи оқ танлиларнинг тахминан 5 фойзи ушбу динни қабул қилгани ҳам унинг факат камбағаллар учун эмаслигини кўрсатади. Бироқ яшаш шароити яхши бўлган кишиларнинг исломга ўтишида уларнинг бирор нарсадан норози бўлгани аломатлари сезилмайди. Қисман айни шу сабабларга кўра бу хараткат бир қанча тадқиқотчиларнинг эътиборини тортди³².

²⁸ Синкетизм [фр. *syncretisme* <юнон. *synkrétilsmos* бирлашма, уюшма]. 1. Бирор нарсанинг бирлиги, бўлинмаслиги, унинг ибтидоий, мурғак холатини ифодалайди. 2. фалс. Эклектизмнинг бир кўриниши: турли-туман, зиддиятли, бир-бираига ўзаро мос келмайдиган қарашлар бирлиги. — Тарж.

²⁹ Nuri Tinaz, ‘The Nation of Islam: Historical Evolution and Transformation of the Movement,’ *Journal of Muslim Minority Affairs*, 16/ii (1996), 193-209.

³⁰ Rocher and Cherqaoui, 16-7; R. Garaudy, *Mon tour du siècle en solitaire: Mémoires* (Paris, 1989).

³¹ Rocher and Cherqaoui, 127.

³² Ушбу бобнинг 5-эскартмасига қаранг. Мусулмонлар орасида кенг тарқалган эътиборга молик китоблар бор. Улар сирасига Салим Ахмаддинг *Into the Light* (London, n.d.), номаълум киши таҳрир қилган *Islam Our Choice* (London, 1983 ва бошқа қайта нашрлари) ва ҳ.к.ни киритиш мумкин. Кўплаб аҳборотни мунтазам нашр этиладиган *Meeting Point: the Newsletter of the New Muslims' Project* дан олиш мумкин.



Исломни қабул қилған оқтандылар сони унча күп әмас (тахминан, 50 минг киши Буюк Британияда ва юз минг киши Францияда); бирок дунё, умуман олганда, Фарбнинг күз ўнгидә жадал ұзғарып бораётганини ҳисобға олсак, бу ҳодиса исломни қабул қилишнинг келгуси йұналиши ва далили глобал миқёс касб этиши мүмкінligини күрсатади.

Яңғы мусулмонлар фаолият күрсатыши учун қулай жой Интернетдир. У инсон құли билан яратылған әнг мураккаб ёдгорликтерден бири – шаклсиз Бобил миңорасига үхшайды. Үндаги мавжуд динлар, шу жумладан, ислом хам фақат химояланиш билан банд. Шунга қарамасдан, Интернет мусулмонлар билан бошқалар үртасидаги яңғы күринишдеги мулоқотта хизмат қилаётгани күзға ташланмоқда ва бизга исломлаштиришнинг одатдаги назарияларини имтиҳон қилиш учун яна бир имтиёзли күзқарашға имкон берадиган миссионерлік тарғиботи билан шуғулланишга шароит туғдидары.

Фарбдаги мусулмон диаспораси жамоалари орасыда Интернет ҳаммага маълум маҳаллий жамоалар қадриятларига мослашиб кетиш жараёнини сустлаштириб күймокда. Вебсайтлар Америка ва Австралияning узоқ худудларыда үз маданиятидан узилиб қолған ҳолда яшаётган мусулмонларга китоблар ва тасбеҳларга буюртма бериш, бўлғуси қайлиқларининг турар жойини аниқлаш, реал вактдаги аудио боғланув орқали ами маъруфларни тинглаш, электрон почта орқали үзларини ташвишга солаётган муаммоларни бошқа сон-саноқсиз мусулмонлар билан муҳокама қилиш имконини беради. Бир пайтлар маданиятларнинг тарқалишида доимий омил бўлган журрофиядан бундай ялпи воз кечиш бошқа жойдан күчидекелган ёки бошқа кичик гурухларнинг ассимиляциясига оид одатий социологик назарияларни жиiddий саволлар домига ташлайды. Ушбу ҳодисанинг миқёси жуда кенгdir: Шимолий Америка Ислом жамиятининг вебсайти (www.islamicity.org) 1999 йилнинг февралига қадар 2 миллионга яқин “хитлар”ни ёзиб олди, вебсайт ижод-

корларининг максади 21-асрнинг иккинчи ўн йиллигига қадар бир миллиард "хит"ни ёзиб олишдир.

Айнан шу масофани бекор қилиш бир диндан бошқасига ўтиш жараёнига катта таъсир кўрсатмоқда. Айдаҳо штатида истиқомат қилувчи фермер христианликдан бошқа динларга оид билим борасида ўз округи кутубхонаси захираси билан чекланиб қолмайди. У бир оз "серфинг"³³ қилиши, бирор дин ҳимоячиси билан ҳеч бир тўсиқсиз ва бемалол мулоқоти натижаси ўларок, номини маълум қилмай компьютерга киритилган Қуръон ва ҳадислар билан танишиши, христианликка қарши муҳкамаларга бағишлиланган адабиётни ўқиши ва аксарият мусулмон адабиётларида акс эттирилганидай, сабр-тоқатли бўлиб, диннинг аниқ суратини ҳафсала билан чизиши мумкин.

Янги ҳодиса: Интернет орқали исломни қабул қилган киши ёки "киберконверт" рўй берди. Мусулмонлар асос солган кўплаб исломий вебсайтлар ана шу кишини керакли нарсалар билан таъминлаб беради. Масалан, Белфастдаги Ислом маркази вебсайти³⁴ да янги мусулмонлар қандай қилиб ибодат қилиши мумкинлиги хусусидаги йўл-йўриқларни топиш мумкин. "Номусулмон саҳифаси"да "мавжуд қотиб қолган тушунчалар фош қилинади" ва ислом ҳақида кўпроқ билишни истаган динга мойил вебсайт шинавандаларига телефон орқали бепул уланиш таклиф этилади³⁵. Британиядаги бир сайтда ғурур туйғуси билан тўлиб-тошган мана бундай мазмундаги видеотасвирларни кўриш мумкин: "Биз турли дин ва ижтимоий табақага мансуб бўлган эркак ва аёлларни исломга ўтказдик"³⁶. Америкада Интернетда ислом тарбиботи билан шуғулланувчи маҳсус гуруҳ бўлиб, у ўзини "исломни

³³ Серфинг (ингл. surfing) – сув спорти, тезлик мусобакаси бўлиб, кирғозка караб ҳаракатланаётган тўлқинлар юзасида маҳсус пўйқаксимон ва пено пласт тахта устида тик турган холда, ҳеч нарсага суюнмасдан ҳаракатлашиш (массаси 10--12,5 кг; узунлиги 2,5-2,8 м). Австралия, Янги Зеландия АҚШ ва бошقا мамлакатлarda тарқалган. Елканли тахта билан кимӯзарга сузиш винд серфинг деб аталади. — Тарж.

³⁴ ireland.iol.ie/~afifi/Articles/articles.htm

³⁵ www.geocities.com/Athens/6810/nmp.html

³⁶ home.virtual-pc.com/wipecrc/wipeinfo.htm



веб-саҳифалар, электрон почта, Интернет орқали сұхбатлар, хат-хабарлар таҳтаси ва янгиликлар гурухлари орқали ёйишни күзлаган мусулмонлар жамоаси деб атайди[...] Мусулмонлар исломни кибернетика дунёсида кенгроқ ёйиш учун фаолроқ булишлари керак”³⁷. Яна бир аксилхристиан сайтида америкалик евангелист Жимми Свэгарт билан мунозара қилаётган мусулмон акс эттирилган видеотасвир ҳам бор³⁸. Бошқа бир сайтда эса Интернетдан фойдаланувчилар әътиборига исломни қабул қилган Юниэт³⁹ католик епископининг Таврот ҳақида ёзған китоби матни ҳавола этилади⁴⁰. Бразилиядаги бир сайтда эса португал тилида худди шунга үхшаш материал мавжуд⁴¹. Эдмонтон ислом ресурслари саҳифасида танланған “динга үтиш” масалалари мұхокама қилинади ва “Исо таваллуди байрам қилинишига қарши исломий муқобил тадбир” хусусида маслаҳат беради⁴². Европа мамлакатларига құчиб борған мусулмон гурухлари юритаётган ушбу сайтыларга құшимча равищда исломни қабул қилған бошқа дин вакилларининг үзлари очған вебсайттар ҳам бор. Улардан баъзилари үз-үзини кузатиш характеристирига эга, уларда соф миссионерлик йұналиши етишмайды. Масалан, Британиядаги “Мурабитун”⁴³ дунё ҳаралатын “ташкилоти юритаётган б 6 та сайт унга аъзо гурухлар учун мунозара минбаридир, бу минбар исломни қабул қилиш масаласида бошқаларга ёрдам қилишга жуда кам әътибор беради⁴⁴. Мазкур ташкилот турли мамлакатларда бир неча минг киши исломни қабул қилганини тарьекидлаб келади. Вебсайтларда факат мунозаралар ва динни янгитдан қабул қилғанлар учун рухоний маслаҳатлар

³⁷ members.aol.com/IslamTeam

³⁸ www.users.globalnet.co.uk/~iidec/iidec_frames.html

³⁹ **Юниэт** — Шарқ урф-одатлари ва интизомига каттық риоя этувчи, аммо Рим папасининг ваколатларини тан олуучи христиан дини вакили. — Тарж.

⁴⁰ www.mosque.com/goodialg.html

⁴¹ AvSete.fst.com.br/~sbmrjbr/alah.wav

⁴² syed.afternet.com/index2.htmfcconvert

⁴³ ал-Мурабитун (араб.) “Чегара гарнизонларида яшовчи киши” маъносини англатади. Бу ўринда хорижда яшовчи мусулмонлар маъносида келяпти. — Тарж.

⁴⁴ Рұйхат www.geocities.com/Athens/Delphi/6588/index.html да көлтирилген.



бериш билан чекланадиган саҳифалар ҳам мавжуд. Уларни исломни қабул қилган аёллар юритади⁴⁵.

Аммо исломни қабул қилишга даъват этувчи вебсайтларнинг аксарияти ўз мазмунига кўра прозелит⁴⁶лик характерига эга. Улардан “Испан мусулмонлари саҳифаси”га ўхшаш баъзилари, масалан, пуэрто-риколиклар⁴⁷ юритаётган саҳифа ёки Сингапурнинг “Мусулмонликни қабул қилган ассоциацияси” саҳифаси⁴⁸ мазмунан исломни қабул қилганларга тегишли. Испан вебсайтларининг аксариятини мусулмонликни қабул қилганлар юритаётганга ўхшайди, бугунги Испаниядаги ислом ташкилотларида мориск⁴⁹лар авлодлари устуворлиги хаммани ҳайратга солмоқда. Бинобарин, давлат тан олган ислом бошқарувининг бош котиби, мусулмонликни қабул қилган мадридлик мия жарроҳи бошқарувининг жуда гўзал вебжурнали⁵⁰га мутасаддилек қилмоқда. Унинг бир саҳифаси Каталониядаги исломга оид материалларга бағишланган бўлиб, муаллиф унда ўзига маълум бўлган юзлаб мусулмонликни қабул қилган каталонияликлар ҳақида маълумот беради⁵¹. Исломни қабул қилиш нафақат манба, қолаверса, ўта фаол янги мусулмонларга завқ-шавқ берувчи омил ҳам бўлиб қолмоқда.

Айни пайтда янги мусулмонларни диннинг ўтмишдаги миссионерлик тажрибаси билан боғлаб турувчи сайтиларнинг характерли хусусиятларидан бири уларнинг тасаввуфга қизиқиш билан қараётганидир, Фарбга кўчиб борган мусулмонлар анъянавий исломнинг ушбу жиҳатини уччалик менсишмайди. Бунаقا сайтилар кўп бўлгани учун тўла рўйхатини келтириш мушкул, бироқ айримла-

⁴⁵ members.aol.com/Samiyha/muslimah.html

⁴⁶ Прозелитизм < юнон. — прозелит]. 1. Бошқаларни ўз эътиқодига ўтказишга интилиш. 2. Янги қабул килинган таълимот ёки эътиқодга ута содиклик.

⁴⁷ members.aol.com/Samiyha/hispmuslim.html

⁴⁸ www.darul-argam.org.sg/info/aboutus.html

⁴⁹ Мориск [исп. morisco] — Реконкиста, яъни араблар забт этган Пиреней ярим оролини ўрта асрларга келиб христианлар томонидан кайта эгалланишидан сўнг Испанияда яшаб колган ва зўрлаб христианликка ўтказилган араб-бербер ахолиси вакили. — Тарж.

⁵⁰ www.verdeislam.com

⁵¹ www.webislam.com/tx_97_04.htm



рини санаб үтса бүлади. Масалан, Италияда *Giardino della Cognoscenza* сайти бор, уни анъанавий Нақшбандия тариқатини тарғиб қилувчи янги мусулмонлар юритади, сайтга мусулмон бўлмаган “изловчилар”⁵² ни жалб этиш мўлжалланиб, зеб берилган. Виртуал⁵³ зиёратчилар сайт саҳифаларига назар ташлаш орқали Нақшбандия тариқати ҳақида кўпроқ нарса билиш учун тақлиф этилади, унда бошқа кўплаб шунга ўхшаш сайтларнинг манзиллари келтирилган⁵⁴. Сайт ўқувчиларни 17-асрда Истанбулда вужудга келган жарроҳийлик тариқатини қабул қилган мусулмонлар юритадиган бошқа бир сайт сари етаклайди. Ушбу сайт бугунги кунда Фарбда бир неча минг янги мусулмон борлигидан хабар беради. Унда жарроҳийларнинг Италиядаги маънавий раҳнамосининг портрети ва қисқача таржимаи ҳоли келтирилади: сайт зиёратчиси раҳнамонинг рассом ва Милан университетида психологиядан маъруза ўқишидан боҳабар бўлади. Сайтга унинг сурати ва маънавий ҳаёт хусусидаги афоризмлари ҳам киритилган⁵⁵. Сунгра ҳалқаро “изловчи”га Америкадаги жарроҳийлик тариқати сайтига йўлланма берилади. Ушбу сайтда зикр этилган тариқатга хос бўлган гуманитар ва ишсизлар учун жамоат ишларига оид тафсилотлар, шунингдек, тариқатнинг Босния, Германия, Греция, Франция, Австрия, Канада, Испания, Мексика, Аргентина ва Бразилия⁵⁶даги ложа⁵⁷лари ҳам берилади. Худди шунга ўхшаш Шоҳмақсудий вебсайти зиёратчисига Америка Қўшма Штатларидаги 34 та ложанинг манзилгоҳи тақдим этилади⁵⁸.

⁵² www.geocities.com/Athens/Delphi/ 5291

⁵³ Виртуал [урта-лот. *virtualis* < лот. *virtus* жасорат, бардош; куч]. 1. маҳсул. Эҳтимол тутилган, факат маълум бир холатлардагина рўй бериши мумкин бўлган. 2. ахб. Жисмонан рўй бериши мумкин бўлмаган ёки реал, мавжуд нарсадан фарқли бўлган нарса. Виртуал хотира (ҳажми компютернинг жисмоний хотирасидан катта бўлган хотира) – Тарж.

⁵⁴ www.naqshbandi.org

⁵⁵ www.geocities.com/Athens/4044

⁵⁶ www.cco.caltech.edu/~kzehra/joa/who.html

⁵⁷ Ложа [фр. *logo* < францск. *laubja* сухбатлашадиган жой] бу ўринда тариқатнинг бўлинмаси маъносига. – Тарж.

⁵⁸ mto.shahmaghsoudi.org/cntrs_america.html



Аъзолари дунёнинг турли-туман бурчакларида истиқомат қиласидан ва факат электроника воситасида ўзаро мулоқотга киришадиган кибертариқат ёки сўфийлик тариқати ҳодисасига ислом мистицизми тарихидаги энг улкан муваффақиятлардан бири сифатида қаралиши керак. Кибертариқатлар унга аъзо бўлган кишилар гуруҳи ўртасида жамоа руҳини қарор топтиради, гуруҳ раҳнамоси таълимотини оммалаштиради ва шунингдек, сўфийларнинг янги тарафдорлар ахтариш анъанасини ривожлантиради. Бинобарин, айни пайтда фарблик изловчининг Шарқни кашф қилиш учун сафарга отланишига ҳожат қолмайди, у бунинг ўрнига 30 дан ортиқ вебсайтларга ёки Фарб мамлакатларида фаолият юритаётган сўфийлик тариқатига кириб қўя қолади. Маънавий раҳнамолар йўл-йуриғига етиша олмаётган бўлғуси аъзолар ушбу дискурсларнинг электрон талқинига амал этиши, китобларини сотиб олиши, масжидлардаги, ложалардаги ва анжуман марказларидаги улкан йигинларни томоша қилиши мумкин.

Тасаввуфнинг ушбу миссионерлиги жўшқин фаолиятининг бир чеккасида бошқа кибертариқатлар ҳам борки, улар ўзларини мусулмон деб ҳисобламайди, бироқ улар сўфийлик таълимоти унсурларини янги асрнинг эътиқод ва услублари билан бирга қаторга қўяди. Бу гурухларнинг ғамхўр раҳнамоси Мавлоно (Румий)нинг ўзларидир, ул зот асарлари Америкада бестселлер бўлган шоир ҳамдир. Тарихий Румий 13-асрнинг чин маънодаги диндор олими эди, бироқ у ўзининг янги асрдаги танланган, синкетик қиёфаси билан Интернетнинг либерал гуру⁵⁹аридан бирига айланиб қолди. Шундай қилиб, фарблик маънавият изловчи “Румийдан илҳомланган най мусиқаси”ни тинглаши ёки унинг шеърияти ихлосмандларининг муҳокама гуруҳига қўшилиши ёки Румийдан илҳомланиб чизилган рақамли рассомлик асарларини томоша қилиши мумкин⁶⁰. Фарбнинг Мавлонодан илҳомладиган мусулмон бўлмаган “сўфийлик тариқати” излов-

⁵⁹ Гуру [*<санскр. guru]*. индуизмда: устоз, маънавий устоз. — Тарж.

⁶⁰ www.egnet.co.uk/clients/music/tbh14m40.wav; www.Ressouli.com/Rumi.htm; www.onelist.com/subscribe.cgi/sunlight



чиларни “Электроник сүфийлик синфи”га таклиф этади. Бу синфда улар номини бирорга маълум қилмаган ҳолда, дин техникасини ўрганиши мумкин. Бу техника уларнинг аъзолигига зарар етказмайди, аксинча, мавжуд бўшлиқларни тўлдиради.

Баъзи тариқатларга мусулмонлар ҳам, мусулмон бўлмаганлар ҳам аъзо бўлиши мумкин. Шулардан бири Филаделфиядаги Бава Муҳайядин биродарлигидир. Бир тамил руҳонийси ва зоҳиди асос солган ушбу ҳаракат ўз асосчиси 1986 йили вафот этганидан сўнг ҳам Интернет туфайли қисман яшаб қолди. Ушбу тинчликсевар ва эстетик жиҳатдан мукаммал вебсайт зиёратчилари сўфийлик анъанасига асосан Филаделфиянинг бой чеккаларидан биридаги масжидга келгудай бўлса, сабзовотлардан тайёрланган белупул таом билан меҳмон қилиниши хусусида боҳабар этилади; бу ҳол янги аъзоларни жалб этиш учун жуда қулай имкониятдир⁶¹.

Бундай усул билан жорий этилган давомийлик фарблик “изловчи”га, дастлаб, исломни қабул қилишни хаёлига келтирмай туриб ҳам бирор сўфийлик гурӯҳи қарашларига қўшилишига имкон беради. Бу ҳол диннинг атрофни қуршаб турган маданияти билан яқиндан танишиш, баъзи бир урф-одатлар ва эътиқодни, орадан маълум бир вақт ўтиб эса, исломнинг ўзини қабул қилиш имконини беради. Кора танли мусулмонлар ҳаётида рўй берганидай, ушбу андоза Ноккнинг қўшиб олиш хусусидаги тезиси — иддаоси билан ҳамоҳангдир. Ушбу иддаога кўра, ибодатнинг янги тизимлари бир нарсанинг ўрнига иккинчисига амал қилишдан кўра дастлаб уни ёрдамчи ёки қўшимча нарса сифатида қабул қилиш ва олдинги диний эътиқодга амал этишни бироз муддат тўхтатиб, иккинчисига ўтиб кетиш осонлигини назарда тутади.

Ўта мураккаб манзарадан хулоса чиқарадиган бўлсак, Интернетдаги мусулмон прозелитизми иккита улкан контекстда пайдо бўлади: биринчидан, бошқа жойдан кўчиб

⁶¹ www.bmf.org.uz



келган мусулмонларнинг исломни қабул қилувчилар кўпайишини кўзлаб юритаётган сайtlари кўпинча христиан динига нисбатан кескин ёндашса, иккинчидан, исломни қабул қилганлар юритаётган сайtlар, одатда, мўлжални тасаввуф томон олади, тасаввуф бўлажак шогирдларга устознинг ром этувчи қобилиятини ишга солиш технологияси ёрдамида изловчиларни муҳим, зарарсиз, босқичма-босқич қадамлар билан динга олиб киради.

Ушбу мураккаб жараёнга академик тартиб беришга уриниш ҳамда Буллиет ва бошқалар тавсифлаб берган анъанавий исломлаштириш жараёнларини, агар улар ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлса, ўзаро фарқлаш янгича шароитда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бундан ҳам соддароқ тажриба ўтказишга олдин ҳам уриниб кўрилган эди. Ушбу тажриба пайтида мисол тариқасида турли-туман вебсайtlар орасидан мусулмонликни қабул қилган кишилардан юз нафарининг берган кўргазмалари танлаб олинди. Бундай ёндашувдан аниқ бир натижка кутиш қийин, чунки динни қабул қилган кишининг қандай ҳиссиётларни туйгани, тажрибаси бошқалар учун меъёр бўлиши мумкин эмас. Суҳбатлашувчи ёки саволноманинг йўқлиги бир диндан бошқасига ўтиш жараёнидаги муҳим жиҳатларни аниклашда кўриб чиқиладиган ота-онанинг ўзаро ажрашиб кетиши, алкоголизм сингари бекарор омилларни қайд этишда чалкашликларга сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, вебсайtlарнинг ўзи бошқа динга ўтиш борасидаги маълумотларни тўғри бермаслиги ва айни ҳол уларнинг асосий ҳаёт тарзига зид келиб қолиши ҳам мумкин. Бироқ шунга қарамасдан, бундан маълум бир эҳтиёткор хуносалар чиқариш ва улар исломни қабул қилишга оид анъанавий назарияларга ойдинлик киритиши мумкин.

Ўз дардини Интернет орқали ошкор қилган юз нафар исломни қабул қилган киши турли-туман гурухларга мансуб. Уларнинг тўртдан уч қисми америкаликлар бўлиб, турли-туман иқтисодий-сиёсий синф вакиллари-



дир. Ўша мусулмонликни қабул қилганларнинг тенг ярми аёллар экани Farbda исломни қабул қилган кишиларнинг тўртдан уч қисми аёллар экани хусусидаги маълумотларнинг тўғрилигини шубҳа остига қўяди⁶². Янги мусулмонларнинг ёши, умуман олганда, ўша ҳудудлар аҳолисининг ёшидан унчалик фарқ қилмайди. Уларнинг тахминан 80—90 фоизи 1993 йилдан сўнг исломни қабул қилган. Фақат икки кишигина исломни қабул қилишини мусулмонлар мамлакатида орттирган тажрибаси билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Беш киши собиқ христиан миссионерлари, олти киши эса либерал илоҳиётшунослик ва ҳалқчил литургия⁶³дан норози бўлган консерватив католиклар экан. Ўн беш киши христианликнинг Учлик⁶⁴ ақидасига шубҳа билан қарагани учун уни тарқ этибди. Яна уч киши собиқ яхудийлар, тўрт киши эса иудаизмга ўтишни мўлжаллаётганини қайд этади. Уч киши хитойлик, саккиз, балки ундан ҳам кўпроғи қора танли американклар, яна уч киши асл американклар экан. Шулардан етти нафари, балки, ундан ҳам кўпроғи оила қурганидан сўнг исломни қабул қилган экан. Олти киши эса туш ёки мўъжиза кўриб исломга ўтганини таъкидлайди. 29 та ҳисоботда эса исломни қабул қилганлар учун Куръонни ўкиш бу жараённи тезлаштиргани асосий омил сифатида келтирилади.

Энг долзарб мавзулардан бири динни қабул қилишга чөғланган кишининг ўзи қўяжак эҳтиёткор ва аник ("ёнғоқли пирогнинг бир бўлагини чайнамай ютиш каби енгил") қадам ҳиссидир, бироқ бу қадам муҳим, шу билан бирга, оила, таниш-билишлар ва кенг Farb жамияти учун ошиқча даҳмаза бўлиб кўринади. Айниқса,

⁶² Lucy Berrington, 'Secure in Sisterhood', *The Times*, November 9, 1993. For women converts see Carol N. Anway, *Daughters of Another Path: Experiences of American Women Choosing Islam* (Lee Hills, 1995); Harfiyah Ball, *Why British Women Embrace Islam* (Leicester, 1987); Laleh Bakhtiar, *Sufi Women of America: Angels in the Making* (Chicago, 1996).

⁶³ Литургия [юнон. leiturgia < leiturgeō ибодат қиляпман] — христиан динида черков ибодати (православларда — обедня, католикларда — месса) — Тарж.

⁶⁴ Учлик (рус. троица). Христианликда: учбир илоҳ (Худо-ота, Худо-ўғил ва Худо-муқаддас рух). Муқаддас учлик. — Тарж.



Америка Кўшма Штатларида исломни қабул қилиш ижтиомий жиҳатдан тоқат қилиб бўладиган ҳодиса эмас. 1979 йилги кишиларни гаровга олиш билан боғлиқ тангликдан бери мусулмонларга нисбатан салбий муносабат изчил равишда кучайиб борди, яқинда Ропер ўтказган жамоатчилик фикрини сўраб билиш натижаларига кўра, АҚШда сўралгандарнинг ярмидан кўпи исломни “моҳиятн Америкага қарши” деб баҳолаган, Америка — ислом муносабатлари кенгашининг маълум қилишича, 1997 йилга келиб мусулмонларни камситиш ҳолатлари 60 фоиз ортган⁶⁵. Америкада мусулмонликни қабул қилган кишиларнинг мутлақ кўпчилигини ташвишлантираётган нарса исломий ўзига хосликни ерга уриш холларидир. Бу кишилар доимий равишда бошқаларнинг ўзларига нисбатан ёвқараши ва ҳақоратлашларидан шикоят қиласи. Кичик бир Байбл Белт⁶⁶ шаҳарчасида истиқомат қилувчи вазирнинг қизи берган кўргазмалар ушбу муаммо моҳиятини очиб беради:

Мен бир куни тушдан кейин уйимга келсан [...] кимдир уйимнинг деразасини ўқ отиб, чилчил қилганини ва машиналаримдан бирининг ён томонига нуркаловчи бўёқ билан “ТЕРРОРИСТСЕВАР” деб ёзиб ташлаганини кўрдим. Полициячилар менга умуман ёрдам бермади. Айнан ўша куни кечаси Интернет орқали мусулмонлар билан сұхбатлашиб ўтириб, ташқарида ўқ овозини эшишиб қолдим. Улар қайтиб келиб, уйимнинг бутун қолган деразалари ойналарини ҳам чил-чил қилди ва ташқаридаги барча уй ҳайвонларимни ўлдириб кетди⁶⁷.

Айни ўша мусулмонликни қабул қилган қиз ўзига ҳужум қилингани ва оқибатда касалхонага тушиб қолга-

⁶⁵ www.usnews.com/usnews.com/usnews/issue/980720/20isla.htm

⁶⁶ **Байбл Белт** — АҚШнинг жанубидаги худуд номи. Унинг ахолиси Таврот битикларининг асл эканига ишонмайди, деб хисобланади; кенг маънода: кизғин диний ақидапарастлик хос бўлган худуд. — *Тарж.*

⁶⁷ www.algonet.se/~ulwur/reverts/amira.htm

ни, шу пайтгача унга нисбатан хушмуомала бўлган қўшниларининг жаҳлни чиқарувчи қилиқларини бир-бир санаб ўтади. У, гарчи энг яқин масжиддан 120 мил узоқликда яшаса-да, “Ислом хақида бир оз билганларим ҳам Интернетдан топган нарсаларимни ўқишидан, Интернет тармоғидаги чин дўстларим ва оиласи туфайли ортирилгандир”, дейди ва бинобарин, унинг руҳини ҳеч ким чўктира олмайди.

Исломни қабул қилган бошқа кишилар ҳам оиласи ва маҳаллий жамоалар ўзларидан юз ўғирганига ўхшаш фавқулодда вазиятлар хусусида хикоя қиласди. Ушбу мисолларда миссионер⁶⁸ ота-оналар исломни қабул қилган фарзандларини кимдир ўз тарафига оғдириб олган, деб ҳисоблагани, бошқа ота-оналар эса фарзандларининг исломга ўтишини ўзларига нисбатан ҳақорат деб билиб, полицияга ҳам арз қилгани қайд этилади.

Исломга нисбатан бундай рақибларча муносабат, динга қўшиб олиниш хусусидаги анъанавий назариялар ва киши табиатидаги атроф-муҳитга мослашувчалик жиддий муаммолар сирасига киради. Бирок, тақдир ҳазилини қарангки, айни шундай муносабат исломни қабул қилиш жараёнидаги етакчи омиллардан бири сифатида ҳам кўзга ташланади. Бошқа динни қабул қилишга оид кўргазмаларда тез-тез учрайдиган ҳол исломни ўрганишга бўлган дастлабки қизиқишга янги мусулмонлар, христиан дини ёки феминизмга нисбатан кескин нафрат ва ҳақиқий муҳаббат туртки бўлиб хизмат қилгани таъкидланади. Масалан, собиқ католик семинария⁶⁹си ўқувчиси нималарни ҳис қилганини бундай таърифлайди:

Мусулмон давлатлари ер билан яксон қилиниши керак [...] Мен ўз вазифамни мусулмонларни христиан динига ўтказиш деб билар эдим

⁶⁸ Миссионер [фр. missionnaire < лот. missio юбориш, топшириқ < mittere юбормок, жўнатмок] – бошқа динга мансуб бўлган ахоли ўртасида ўз динидан ваъз айтиш ва маърифий ишларни амалга ошириш учун юборилган шахс. — Тарж.

⁶⁹ Семинария [< лот. séminéum бирор нарса тўпланган жой, манба] – руҳонийлар тайёрланадиган маҳсус ўрта ўқув юрти. — Тарж.



[...] Бироқ икки йил давомида мусулмонлар билан бўлган мунозаралар ва мұқаддас китоблардаги мавзуларни тадқиқ қилгандан сўнг исломни қабул қилишига қарор қилдим⁷⁰.

Бошқа бир америкалик эса ўсмирилик йилларини ақидапараастлар радиостанцияларининг “пайғамбарлик бўйича синчилари” ваъзларига қулоқ тутиб ўтказганини ёзди. Унинг хотирлашича:

Синчиларнинг турли туман фитна назарияларини, Исроилни ва диний яҳудийпарастликни телбаларча қўллаб-қувватлаши, “ислом хавфи” хусусида оғзидан тупук сачратиб ваъз айтиши менда уларга нисбатан гайришуурый жозиба уйғотар эди.

Унинг қизиқиши қуйидаги тарзда ортиб борди:

Мен Америка – онлайн (AOL) ва Юзнет (Usenet) анжуманларининг динга оид саҳифаларига тез-тез кириб турадиган бўлдим ва у ердан исломга оид ўта қизикарли мунозараларга дуч келдим. [Шуни билиб олдимки] мусулмонлар, оммавий ахборот воситалари ва телевангелистлар⁷¹ зўр бериб таъкидлаётганидай, олабўжи ҳам, қонхўр ҳам, ваҳший террористлар ҳам эмас экан⁷².

Унинг (мусулмонлар ҳақидаги) тасаввурлари бутунлай ўзгариб кетибди ва маҳаллий масjidга мурожаат қилганида, уни мусулмонликка қабул қилишибди.

Собиқ францискан черкови рухонийси қуйидаги воқеани ҳикоя қиласи:

⁷⁰ www.algonet.se/~ulwur/reverts/amira.htm

⁷¹ Телевангелист (евангелистлар баптистларга яқин бўлган протестантлар сектаси) – телевидение орқали ўзи мансуб мазхабни тарғиб килувчи киши. – Тарж.

⁷² www.usc.edu/dept/MSA/newmuslims/yahiyeh.html



Мен бир куни кечқурун телевизорда янгиликларни күриб үтирган эдим, янгиликларда мусулмонлар ҳақида, одатдагидай, чала ҳақиқатдан иборат гаплар бошланди. Шундан сүнг мен исломни тадқиқ қилишига қарор қилдим ва үз хulosаларимни қозозга туширдим. Натижада күз үнгимда шайтоний оммавий ахборот воситалари тинмай магзава ағдарәётганидан мутлақо бўлакча манзара гавдаланди. Мен бу диннинг муҳаббат, маънавий ҳақиқат ва доимо Аллоҳни эсда тутиш борасида анча теран эканини англаб етдим⁷³.

Исломни қабул қилганлар ёзган юзта ҳисоботнинг саккизтасида оммавий ахборот воситалари исломни тинмай ёмонлаётгани боис уларнинг бу динга бўлган қизикиши ошгани ва оқибатда уни қабул қилгани қайд этилади. Бу хол Париждаги *Puits d'Hermitage* масжидида исломни қабул қилувчилар ишларига расман масъул бўлган Мустафо Тугуйнинг тажрибасини эсга солади. Унинг айтишича, французлар орасида маълумотли кишиларнинг исломни қабул қилишига сабаб бу динга нисбатан оммавий ахборот воситаларидағи салбий муносабат туфайли пайдо бўлган қизиқишидир⁷⁴.

Айнан шу сабабга кўра исломни қабул қилган кишилардан бир нечаси Интернетга кириш үзларининг асосий ахборот манбаи эканини айтади. Шулардан бири бўлмиш аёл киши үзининг солиштирма диний вебсайт очгани ва натижада исломга ўтганини ҳикоя қилади⁷⁵. Бир швед муҳандиси Куръонни бошдан-оёқ ўқиб чиққач, ушбу дин донишмандлигига ишонганини, бироқ анчагача Аллоҳга ишониши қийин бўлганини ёзади. Сўнгра у үзи яшаётан жой гўзалликларини суратга олиб юриб, классик “коинот ақли”ни ҳис этганини айтади:

⁷³ www.cadvision.com/ybernier/david.htm

⁷⁴ Adam Le Bor, *A Heart Turned East* (London, 1996).

⁷⁵ www.algonet.se/~ulwur/reverts/sara.htm

Ақл бовар қилмас ҳиссиётдан эсанкираб қолдим. Мен ўзимни улкан бир нарсанинг увоги, Аллоҳнинг борлиқ деб аталган улкан механизмининг бир тишичаси деб ҳис қилдим. Жуда гаройиб! Мен ўзимни ҳеч қачон бу қадар енгил, сергайрат ҳис қилмаган эдим. Кўзларим қайга боқса, ўша жойда Аллоҳ тажаллисини кўра бошлади.

Бундай жунбушига келган ҳолатда қанча турриб қолганимни билмайман, ниҳоят, бу ҳолат барҳам топди ва мен ҳеч нарса бўлмагандай ўйга қайтдим. Ўша дақиқалар менинг хотиррамда ўчмас из қолдирди. Ўша пайтлар Майкрософт эндигина компютерлар учун "Windows 95" дастурини сотувга чиқарган эди. Унинг бир қисми "Майкрософт нетуорк" нинг Интернет хизматидан фойдаланиш имкони берадиган дастурча эди. Орадан кўп утмай мен исломни муҳокама қилиш гуруҳлари Интернет тармогининг энг қизиқарли қисмларидан бири эканига ишонч ҳосил қилдим⁷⁶.

Айни шу муҳандис сўнгра ўша муҳокама гурухида бир америкалик исломни қабул қилган аёлни учратганини, ўша аёл уни олти ой ичида исломга киришга ишонтирганини ёзди.

Америкалик аёл бундай хотирлайди:

Мен 1995 йилнинг ёзида Интернетга кира бошладим. У ердан исломга оид жуда кўплаб фойдали нарсалар олдим. Жаҳон Интернет тармогидан ортириган билимим мени ниҳоят муайян қарор қабул қилишга унدادи⁷⁷.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ буларнинг барчаси кишини битта ғалати хulosага етаклайди: мусулмонларга қарши ҳиссиётлар кучайган дам-

⁷⁶ www.usc.edu/dept/MSA/newmuslims/karlsson.html

⁷⁷ www.algonet.se/~ulwur/reverts/tavis.htm



ларда исломни қабул қилувчилар сони кўпаяди ва Интернет ушбу жараёнга қулай имконият яратиб беради. Гарчи буни кўрсатиб бериш, масалан, масжидни ёқиб юбориш билан Интернет тармоғидаги исломни қабул қилгандар кўпайиши хусусидаги маълумотларни ўзаро солиштириб куриш учун маҳсус тадқиқотлар зарур бўлсада, бундай фаразлар асосли эканини тан олмасликнинг иложи йўқ. Бу эса бир диндан иккинчисига ўтиш асрлари хусусида ёзган Левционнинг “муваффақиятлар замира исломнинг рекламаси ётибди”⁷⁸ деган қарашига зид тарзда янграйди. Умуман олганда, бу ҳол бизга Интернет бир диндан иккинчисига ўтишда жадал ривожланиб бораётган восита вазифасини ўтамоқда, деб хulosса чиқариш имконини беради. У азалий норозилик ҳаракатини давом эттиради ва янги шароитга мослаштиради ҳамда замонавий ва тўғри сиёсий маданият устувор бўлган жамиятда мазлум жамоалар билан бирдамликнинг кучли анъанасини қўллаб-кувватлайди ва “қотиб қолган қолиплар”ни чилпарчин қилади.

Умуман олганда, бир диндан бошқасига ўтиш ҳодисаси жуда чалкаш ҳолдир ва у назариячи жамиятшуносларнинг енгил-елпи таҳлилини тан олмайди. Албатта, илоҳиётшунослар (уларнинг камида ҳалигача раҳмдил башоратга ишонадиганлари) дин қандай қилиб тарқалиши хусусида турли хил қарашларга эга бўлиши мумкин; уларнинг гапларига ҳурмат билан қулоқ тутиш керак. Бир диндан иккинчисига ўтиш шахс ва жамоа ўзлигининг туб илдизига дахл қилади, уни фақат (мойланмаган) ракамларнинг фийқиллашига йўймаслик керак. Ушбу бобга Оден⁷⁹ нинг қуйидаги амри билан хulosса ясасак, кўпгина илоҳиётшунослар, мусулмон ёки христиан бўлишидан қатъи назар, хурсанд бўлиши табиий:

*Сен саноқчилар билан бирга ўтирмаслигинг ва
Ижтимоий фанда саноқ билан шугулланмаслигинг керак.*

⁷⁸ Levzion, 12.

⁷⁹ Оден, Уистен Хью (1907–73) — инглиз–америка шоири (1939 йилдан АҚШда яшаган).

VIII б о б

ДИНИЙ БОШҚА¹ НИ ТАН ОЛИШ

Диний Бошқани қандай тан олиш замонавий илохиге ётшунослик зудлик билан ҳал этиши лозим бўлган ўта мураккаб масалалардан биридир. Динларни ўзаро киёслаш илмининг тез ривожланиши, оммавий ахборот воситаларининг глобаллашув жараёнидаги байроқдорлиги, инсоний муносабатларда диний эътиқоддан кўра прагматизмга асосланган сиёсий ва иқтисодий босимнинг устуварлиги ҳар бир диннинг бошқа динлардан ўзининг устунлиги хусусида анъянавий тарзда кафолатлар бериши ва файдидинлар бу борада мутлақо нотўғри йўл тутади, деган тушунчаларга шубҳа билан қараш тамойилини қарор топтирмоқда. Баъзи бир “плюралист”² мутафаккирларнинг фикрича, бирор диннинг устунлиги хусусидаги алмисоқдан қолган ва ўтмишдаги тоқатсизликни эсга туширадиган кафолатлар ахлоқий нуқтаи назардан нафақат шубҳали, балки тўғрилигини текшириб бўлмайдиган даражадаги ёндашув ҳамдир. Чунки бундай кафолатлар одатда муқаддас нарсаларга нисбатан мутлақо шахсий ва, бинобарин, нисбий мулоҳазаларга асосланган, ҳеч кимга тегиб кетмайдиган дахлсиз баёнлардан иборат бўлади.

Биз ушбу бобда исломий тафаккурни зикр этилганига ўхшаш йўналишда ўзгартиришга яқин-яқинларга довур бўлган уринишларнинг нақадар мантиқийлиги ва аҳамияти хусусида фикр юритмоқчимиз. Албатта, бундай мунозара амалий аҳамиятга эга экани аён. Ислом-

¹ 6-бобнинг 8-эскартмасига қаралсин.

² Плюрализм [фр. pluralisme < лат. plurālis кўп]. 1. фалс. Дунёнинг асосини кўплаб мустакил, бир-бирига боғлик бўлмаган руҳий мавжудотлар ётади, деб жисобловчи фалсафий таълимот. — Тарж.



нинг классик рукнларини камсонли этник гурухлар манфаатини ҳимоя қилувчи қонунлар нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиши аслида анъанавий ҳаёт тарзимиз “либерал давлат қонунчилигидан кўра кўпроқ эркинлик ваъда қиласди”³ деб сафсата сотадиган маддоҳ кишиларга хайриҳоҳлар кўплигидан қатъи назар, “исломлаштириш” стратегиясини бошидан кечираётган давлатларнинг мусулмон бўлмаган фуқаролари орасида ташвиш уйғонишига сабаб бўлди. Бундай қонунларнинг Куръонда мавжуд ягона одил худо ҳақидаги тушунчага уйғунлиги хусусидаги далил бошқа жойларда ҳам ривожлантирилиши керак; бироқ мен ушбу саҳифаларда мусулмонларнинг насх⁴га оид илоҳиётшуносликлари мулкни тасарруф қилишдан қонун йули билан маҳрум этиш тўғрисидаги қарашлардан ажратилишини ҳамда мулоқот ва ўзаро ҳурматни мушкуллаштирумайди, аксинча, мустахкамлайди, деб тушунилишини ёқламоқчиман. Агар биз буни кўрсатиб бера олсак, янги илоҳиётшунослик “плюрализм”ининг ахлоқий жиҳати ўз жозибасини йўқотиб қўйиши мумкин.

Ушбу далилни шакллантирувчи мусулмон сотериология⁵си дискурснинг ўзаро фарқ қилувчи бир неча реестри⁶ доирасида амал қиласди. Мазкур йўналиш эргашадиган йўлларни суннийликнинг ҳукмрон формал экзотерик илоҳиётшунослиги (**калом**) бўлмиш ашъария ва мотуридия билан чеклаш тўғри бўлур эди. Бу урин-

³ Muhammad Legenhausen, ‘Islam and Religious Pluralism’, pp.115-154 of *Al-Tawhid: A Quarterly Journal of Islamic Thought and Culture*, 14/iii (1997), see p.148.

⁴ Насх (ар.) “Бекор қилиш” маъносини англатади. Инглизча “supersession” сўзининг эквиваленти бўлган бу сўз исломдан олдинги динлар: иудаизм ва христианликнинг эскириб қолган ақидалариниbekor қилишни назарда тутади. — Тарж.

⁵ Сотериология (юнон. sôtérion < нажот + ингл. -logy- шунослик), хусусан, Исо масих амалга оширган ҳалоскорликни ўрганувчи илоҳиётшунослик. Бу уринда ислом ҳалоскорлиги — Тарж.

⁶ Реестр [поляк. rejestr < сўнгги лот. regestrum, registrum]. 1. эски. эски рўйхат. Мулкни тафтиши қилиш. | | 2. Ҳужжатлар, ишлар ва х.к.ни ёзиб бориш дафтари. — Тарж.

да мусулмон мистицизми меъёрий нуқтаи назардан **каломга** нисбатан камроқ исломий бўлгани учун эмас, аксинча, сўфийлик дискурслари шеърий тилининг тро-пикка хос ва эркин муболағалардан иборат англаш оғир бўлган табиийлиги билан боғлиқ қийинчиликлар туфайли истисно қилингапти. Шеърий тилнинг мақсади догматик ва қотиб қолган позиция – туримни қофозга тушириш эмас, аксинча, транс ҳолатига тушишни талқин этиш ёки шу ҳолатга тушиш ҳиссини уйғотищдан иборатдир⁷. Калом илми систематик илоҳиётшунослик сифатида муқаддас битикларни шарҳлаш ҳамда илоҳий матн ва рационал тартибининг формал ва фойдаланиш мумкин бўлган герменевтик принципларини ривожлантиришга жиддий эътибор беради, мистикани илҳом воситасида тушунишдан кўра ушбу масалани муҳокама қилиш учун амалий майдон ҳозирлаб беради. Бундан ташқари, сўфизм эмас, айнан **калом** илми, сўфийликдан фарқли ӯлароқ, шариат билан ўзаро муносабатга киришади ва мусулмон бўлмаганлар билан мулоқот қилиш шартлари учун дарҳол ахлоқий ва илоҳиётшунослик билан боғлиқ замин ҳозирлаб беради.

20-аср мусулмон илоҳиётшуносларининг жуда озчилиги ўзларини муросасиз илоҳиётшунослик плюрализми тарафдорлари сифатида кўрсатди. Эътиқодни замонавий тенгхукуқлилик аксиомаси билан уйғунлаштириш-

⁷ Анъанавий ислом лугатида бу **фаслдан** кўра **васл**, **маҳвдан** кўра **наға** истаги, ёки **иборатдан** кўра **ишорат** услубини ифодалайди. Куръонинг нахс қилишига сўфийларча ёндашишини кўриб чикишда, гарчи андалусиялик мистик Ибн Арабий (ваф.1240 йил) хакида "плюралист" деб кенг тар卡尔ган маълумотларни зиддиятларни бартараф этишга оид кам микдордаги баёнотларни шарҳлаш орқали мувозанатга келтириш талаб этилса-да, асосий эътибор файласуфнинг ўзига қаратилади. Масалан, унинг иккита рисоласида христианлар **муширикун** (кўпхудолилар) деб тавсифланади. Каранг: Muhyi'l-Din Ibn "Arabi, *Muhadarat al-abrar wa-musamarat al-akhbar fi'l-adabiyat wa'l-nawadir wa'l-akhbar* (Cairo, 1324/1906), II, 284; ва унинг *Tadhkirat al-khawass* асари, уни Рожер Деладри *Ibn 'Arabo: La Profession de Foi (Tadhkirat al-khawass wa'aqidat ahl al-ikhtizaz)* деб таржима қилган (Paris, 1978), 274. "Плюралист" ва "универсалист" тушунчалари Мавлоно шеъриятида ҳам учрайди. "Плюралист" тушунчасига карши далиллар хакида каранг: Legenhause, pp. 134 – 138.



ни ўйлаган ушбу мутафаккирлар илохиётшунослик плюрализми уруғларини Куръонга оид дискурслардан бутунлай йўқотиш учун герменевтиканинг мураккаб контекстуал⁸ ва деконструкцион стратегиясидан фойдаланаади. Бунга жанубий африкалик мутафаккир Фарид Эсакк Рашид Риданинг, Куръондаги илоҳий матнларни тафсир қилиш анъанасига кўра, “муслим”нинг маънодоши сифатида тушуниб келинган “**мўъмин**” тушунчасига аниқлик киритиш таклифини қайта тиклашга даъват қылганини мисол сифатида келтириш мумкин. Унинг назарида, “муслим” тушунчаси барча художўйларни қамраб олади⁹. Маҳмуд Айюб яқинда чоп этилган бир мақоласида худди шу оҳангда, олдинги динлар ҳозирги кунда ўз аҳамиятини йўқотди, қабилидаги классик доктрина — мабдага ёпишиб олган шайх Ал-Азҳар Муҳаммад Сайид Тантавий ва мисрлик машҳур телевоиз Муҳаммад ал-Шаъравий сингари замонавий илохиётшунослар рўйхатини келтиради ва уларни танқид қиласи. У ўз иддаосини тасдиқлаш учун энг машҳур диссидентлар сифатида инқилобий Эрон мулласи Сайид Маҳмуд Талиқоний ва покистонлик замонавий зиёли бўлмиш Фазлур Раҳмон сингари ноанъанавий шахсларни санаб ўтади. Бу иккала шахс ҳам иудаизм ва христианликнинг батафсил формулировкалари ҳатто исломнинг тарих майдонига чиққанидан сунг ҳам том маънодаги нажот воситаси сифатида ҳурмат қилиниши керак, деган қараш асосида мўмин ва кофир ким экани хусусидаги сунний ва шия таълимотлари

⁸ Контекстуаллаш (ингл. contextualisation) 1. Сўзинг маъносини тушуниб олишига ёрдам берадиган дискурс. 2. Бирор нарса мавжуд бўладиган ёки рўй берадиган бир-бирига боғлиқ шароитлар: мухит, жой. (“Британинка”)

⁹ Суннийларнинг бир муросага келгани Абу Ҳамид Фаззолийнинг *Al-iqtisad fi'l-i'tiqad* (Қоҳира, 1972) асарининг 209-саҳифасида шундай келтирилади: “Яхудийлар, христианлар ва барча бошқа динларга эътиқод килувчилар: зардуштийлар, бутпарастлар ёки бошқаларми, бундан катви назар, Куръонда келтирилганидай ва мусулмон жамоаси (“уммат”) ўзаро келишиб олганидай (“ижмо”) “кофир” деб хисобланishi керак. Эсакклинг мусулмон илохиётшунослигига Коперник инқилобини амалга ошириш таклифи *Qur'an, Liberation and Pluralism* (Oxford, 1997) асарида баён қилинган.



муросасидан воз кечди. Айюб уларнинг ушбу қарашларни тасдиқлайдиган Қуръон матнларининг асл маъносидан келиб чиқиш зарурлиги хусусидаги фикрлари ни янги ва муҳим таклифлар сифатида маъқуллади¹⁰.

Эсакк ва Айюб сингари мутафаккирлар олға сураётгандан плюралистик тезис — иддаонинг катта қучга эканини ҳеч ким инкор эта олмайди. Бу ҳол бошқа саволлар туғилиши эвазига баъзи бир дастлабки саволларга жавоб бўлиши, бошқа саволлар эса жавоб топилган саволлардан ҳам ўжарроқ чиқиб қолиши мумкин. Улардан бири инкор этмаслик қонуни ва Гэвин Д'Коста "трансцендентал агностицизм"¹¹ деб атаган нарсага ён бериш эҳтимолига дахлдордир. **Калом** анъанаси азалдан ушбу муаммонинг мавжудлигини тан олиб келади: 12-асрда яшаган илоҳиётшунос, ҳар бир дин ҳақиқий бўлиши керакми, деган иддаога жавоб излар экан, дунёнинг яратилган ва абадиятдан олдинги табиатига, яратувчи худонинг мавжудлиги ва мавжуд эмаслигига, монотеизм ва дуализмга, илоҳий башоратларнинг ҳаққонийлиги ва ҳаққоний эмаслигига ишонишнинг параллел равишда асосланганига сабаб бўлишига олиб келишини кузата туриб, "бу мумкин эмас"¹², деган холосага келиши мумкин эди.

Инкор этмаслик далили христианлик шароитида ҳар томонлама ривожланиш масаласи экани ва уни исломга

¹⁰ Энг диккатга сазовори "Бакара" сурасининг 62-оятидир: "Албатта, иймон келтирган зотлар, яхудий бўлганилар, насронийлар ва собиийлар (фаришталарга сиинувчилар) – (улардан) кайсалари (аввал кайси динда бўлганиларидан катви назар, иймонга келиб, ёлғиз) Аллоҳга, Охират кунига ишонсан ва яхши амаллар килса, ўшаларга Парвардигорлари хузурида ажр бордир ва улур учун ҳавфу хатар, ғам-андух йўқидир". Классик тафсир буни исломни қабул килган гайридинларни тавсифлаш учун келтиради. Айюб ўзининг яқинда чоп этилган асарида бунга карши фикр билдиради: "Nearest in Amity: Christians in the Qur'an and contemporary exegetical tradition", *Islam and Christian-Muslim Relations* 8/ii (July 1997), pp. 145–64.

¹¹ G. D'Costa, 'John Hick's Transcendental Agnosticism', in H. Hewitt (ed.), *John Hick's Philosophy of Religion* (London, 1990), 130–47. 1) Трансцендентал [нем. transzendental < лат. trānscedēre кўчмок, чегарадан ташкарита чиқмок]. Фалс. Кант фалсафасида: олдиндан берилган, тажриба туфайли ортирилмаган, ундан олдинги тажрибага боялиқ бўлмаган. 2) Агностицизм [ингл. agnosticism < юнон. agnōstos билиб бўлмайдиган]. фалс. Объектив борлик ва унинг қонуниятларини билиш мумкинлигини инкор киладиган фалсафий таълимот. – Тарж.

¹² Abu'l-Mu'in al-Nasafi, *Tabsirat al-adilla fi usul al i'tiqad*, ed. Claude Salama (Damascus, 1990), p.22.



нисбатан ҳам құллаш мүмкінлегини биз бундан бүён қайта таъкидлаб үтирмоқчы әмасмиз. Бироқ мұқаддас исломий битикларда плюралистик маълумотлар билан бөглиқ мураккаблик мавжуд. Бу битикларни таҳлил қилишда аңғанавий услуга әзтиёж сезилади. Ибтидоий мусулмон жамиятидаги үзлиken англашга оид бундай масалалардан бирини мұқаддас битикда тилга олинган масалалар қаторида санаб үтиш мүмкін. Биз Расулуллохнинг саҳобаларини “плюралистлар” деб тахмин қилишимиз мүмкінми (бу қараш тадқиқ қилиб күрілмаган ва тарихий нұқтаи назардан әхтимолдан узок); ёки улар ноҳақ бұлишганми (бу илохіётшунослық нұқтаи назаридан исботланмаган)? Учинчи тусмол шуки, саҳобаларнинг қарашлари үzlари яшаган шароиттагина тұғри келгани, бу ҳол мұқаррар равишида инкорни талаb этувчи радикал хulosаларни, ҳеч бұлмаганда, азалий ноаниқлик ёки контекстуал¹³ нисбийлик, Аллохни англаш қадар кенгаювчи ашъария субъективизми билан тенглаша оладиган самарали помстмодерн қарапат хусусидаги тахминларни ёқловчи матнларнинг “ошиб-тошиб ётгани” хусусидаги кафолаттарни кескин камайтиради. Плюралистлар үз обруси ни сақлаб қолиши учун ҳечқурса асрлар давомида бирлаштирувчи экзегетик¹⁴ қолиплар билан матнларни чегаралаб келган фундаментал методологик принциплардан воз кечиши керак бұлади. Булар сирасига Куръоннинг маълум бир парчаларини бекор қилиш, шаръий ҳадис дискурсини ҳамма нарсадан мухим деб билиш ва олимларга хос ижмо — консенсус назариясини Аллох истаги-нинг транстарихий ифодаси сифатида тушунишга ишо-ниш сингари жиҳатлар киради. Эсакк ва бошқалар бу-нинг үрнига янги бир экзегетик йұналишни таклиф эта-ди. Улар солномага эмас, аксинча, 20-асрнинг сұнгидаги дунёвий рух шакллантирган виждонга хилоф иш құлмас-

¹³ Контекстуал (“Контекст” сүзидан [фр. contexte < лат. contextus яки алока, чатишиб, бөвланиб кетиш]. Матннинг тугал маънени англатадиган кисими. — Тарж.

¹⁴ Экзегетика — [< юнон. exégésis изохламоқ]. Кадимги ва, асосан, диний матнларнинг ноаниқ жойларига талқин қилиш, исломда тафсир. — Тарж.



ликка асосланиб, баъзи бир матнларни бошқалари ёрдамида никоблаб кетади.

Исломда диний матнларни талқин қилишни суд орқали назорат қилиш тизими йўқлиги сабабли мана шу “динни топиш”дай услубни ўзгартириш билан моҳияттан кўп нарсага эришиш муқаррар экани равшан. Худди Эсакк ва Айюб қилганидай, Бошқани баҳолашда бағрикенгликни таъминлаш учун ижмодан боҳабар бўлиш, ҳадисни эътибордан соқит қилиш ва Куръон герменевтикаси аҳкомларини юмшатиш эътиқоднинг ҳар бир ўзига хос жиҳати экзегетик сабабига маълум бир шубҳа билан қараш ҳамда христиан динидаги солиштирма харакатлар тандидчиси Грэҳем Леонард “субъективизм зулми” деб тавсифлаган постмодерн нисбийлик ва секталар инқирози сабабларини очиб бериш имкониятини ошириш талаб этилади. Умуман олганда, бир қанча мусулмон мутафаккирлари — уларнинг сони жудаям кам — исломий либерализм заифлигини кўрсатиб берар экан, ундан кўп нарса кутади, ёки уни “озодликка элтувчи” деб билади¹⁵.

Мусулмонларнинг барча оятларни жой-жойига қўядиган, уларни анъанавий жиҳатдан идрок қилиш бутунлай нотўғри деб бўлмайди, қабилидаги дин нуқтаи назаридан керакли бўлган ишончни қабул қилувчи муқаддас битигини ҳаққоний баҳолаш сўфийларнинг Аллоҳни англаш борасидаги, ислом олдинги динни **насҳ** — инкор қиласи, деган классик талқинини тасдиқлаётгандай кўринади. Ушбу талқин насхни англатувчи ҳодисадир. Бир пайтлар араблар ўртасида илдиз отиб кетган бутпарастликка, кейинчалик, Мадина га ҳижрат қилингандан сўнг эса иудаизм ва христиан динларининг маҳаллий вакилларига қарши дастлабки мунозара контекстига бориб тақалувчи Куръон ва ҳадис охир-оқибатда барча динларга қарши далилларини ишга солади.

¹⁵ Биз рўйхатга машҳур мусулмон постмодерн илоҳиётшуноси жазоирлик Мухаммад Аркунни қўшишимиз мумкин. У анъанавий Аллоҳни билиш ва дин хукукига оид “транстарихий” карашлардан воз кечиш учун Дерридадан фойдаланади. Каранг: Robert D. Lee, *Overcoming Tradition and Modernity: The Search for Islamic Authenticity* (Boulder, 1997), 143 – 174.



Биз энди ушбу далиллар услубининг қисқача ҳисоботи ва табиати томон юзланяпмиз. Улар исломдаги насхга оид дискурсларнинг асоси ва кўпгина параметрлари¹⁶ ўрнини босади.

Куръон араб мажусийлигига мутлақо чек кўйди. Бу мукаддас китобда одамларга отамерос бўлиб келган дин камбағалларни эзган, индивидуал руҳнинг яшаб қолишини рад этган ва Аллоҳнинг вазифасини факат ярим оролдаги қабилаларга тегишли илоҳлар устидан мужмал назорат килувчи самовий худо мақомига тушириб кўйган даҳшатли оккулт¹⁷ бутпарастлиги сифатида тасвирланади. Куръон буни *ширк*, яъни бошқаларни Аллоҳнинг шериги деб билиш, уларни ҳам чин қудрат ва ирода эгаси деб ҳисоблаш деб қарайди. Унга кўра, бу хато бандаларини “ёқилғиси одамлар ва тошлар” бўлган абадий жаҳаннам ўтида куйдиради. Шуниси равшанки, унчаям содик бўлмаган Ҳикк экзегети¹⁸ ҳам динни Жон Ҳиккнинг И.Кантдан олиб ишлатган терминологиясини истифода этарак, “Биру борга эркин очиқлик” сингари ўта салбий атамалар билан тавсифлаши мумкин. Куръон эса ноумен¹⁹ ни феномен сифатида тасаввур қилиш бирдай қимматга эга бўла олмаслигини аник-равшан таъкидлайди.

Иудаизм ва христиан динларида, албатта, у қадар очиқ сўзланмайдиган бундай ўринлар талайгина. Куръоннинг барча сахифаларида (масалан, “Бақара” сураси-

¹⁶ **Параметр** [нем. Parameter, фр. paramètre < юнон. parametron – солишириб ўлчаяпман, ўлчаяпман.] 1. мат. Мазмуни кўриб чикилаётган масала доирасида доимий бўлган ва формула ва ифодаларга кирувчи катталик. 2. (*Одатда, кўпликда қўлланади*) Бирор курилма ёки системанинг кандайдир хусусиятини ифодаловчи катталик. — Тарж.

¹⁷ **Оккультизм** (лом. occultus — сирли) Инсоннинг ичидаги коинотда яширин кучлар борлигини тан олувчи ва уларни билиш факат маълум бир руҳий тайёргарликдан ўтган кишиларгагина насиб қиласи, деб ҳисобловчи тълимотларнинг умумий номи. — Тарж.

¹⁸ **Экзегет** (< юнон. exégētes мұфассир) — экзегетика амалиётчisi, тафсирчи. — Тарж.

¹⁹ **Ноумен** — Кант фалсафасида феноменинг тескариси, яъни “нарса ўзида”. Феномен эса “нарса биз учун”дир. Ноумен нарсаларнинг биздан ва бизнинг онгимиздан мустакил равишда мавжудлиги, феномен эса билиш жараёнда инсон ўзи учун кашф қилиши мумкин бўлган нарсадир.

нинг 136-оятида²⁰) иккала динга ҳам Аллоҳнинг чин пайғамбарлари асос солгани ва ўшандан бери марҳамат ва гуноҳлардан фориғ бўлишдай азалий мукаммал восита-лар уларнинг дикқат-эътиборида бўлиб келгани айтилади. У яна такроран шуни назарда тутадики, Аллоҳнинг инсониятга йўл кўрсатиши Тавротдаги пайғамбарлар билангина тугаб қолмайди. Куръонда бу хол яхудий бўлмаган пайғамбарларнинг намунали ҳаётини эсга олиш орқали исботлаб берилади²¹. Унда таъкид этиладики, “ҳар бир қавм учун (Аллоҳ йўлига) етакловчи — хидоят қилгувчи бордир” (“Раъд” сураси, 7-оят) ва “ҳар бир уммат ичидаги ҳам албатта бир огоҳлантирувчи — пайғамбар ўтгандир” (“Фотир” сураси, 24-оят), ёки шунга ўхшашиб “Аниқки, Биз ҳар бир умматга: “Аллоҳга ибодат қилинглар ва шайтондан йироқ бўлинглар”, деган вахий билан бир пайғамбар юборганимиз” (“Наҳл” сураси, 36-оят). Ҳатто ҳадисда ҳам Аллоҳнинг пайғамбарлари сони аник келтирилади, яъни Одам Атодан Муҳаммадга қадар бир юз йигирма тўрт мингдан кам бўлмаган пайғамбар ўтган²², дейилади.

Инсонларнинг гуноҳлардан фориғ бўлишига оид экспансив²³ илоҳий стратегияни бундай англаш ёки янаем аникроқ қилиб айтганда, дунёнинг ибтидоси гуноҳдир, деган кўзқарашдан йироқ ва унга фожиа тусини бермайдиган Куръон сотериологиясининг ўша гуноҳ деб аталаётган нарсани “ҳосилни йиғиб олиш” ёки “нажот” (*фалоҳ*) деб тушунишида катта ҳикмат бор. Классик экзегетикада тасдиқланган ва такомилга етказилган қуръоний қарашга кўра, на динларнинг ўзига хослиги ва на

²⁰ “Айтингиз (эй мўминлар), Аллоҳга, бизга нозил қилинган нарса (китоб)га ва Иброҳим, Исмоил, Исҳок, Яъқубга ва унинг авлодларига нозил қилинган нарсаларга, Мусога, Исога ва (барча) пайғамбарларга Парвардигорларидан берилган нарсаларга имон келтирдик. Биз улар ўртасидан бирортасини (пайғамбар эмас деб) ажратиб кўймаймиз ва Унга (Аллоҳга) бўйинсунувлармиз”.

²¹ *Худ ва Солиҳ кабиллар*, Куръон, “Аъроф” сурасининг 65 – 79-оятлари.

²² “Ali ibn Abu Bakr al-Haythami, *Majma'* al-zawa'id wa-manba' al-

zawa'id (Cairo, 1352AH), 1, 159;

²³ Экспансия [фр. expansion, нем. Expansion < лат. *expansio* кенгайиш, ҷузилиш] – бирор ҳодисанинг дастлабки чегаралардан ташқарига ёйилиши, таркалиши. – Тарж.



турли-туманлиги юзасидан тортишиб ўтирадиган нарсанинг ўзи йўқ; аслида, диннинг ўзи битта (**ад-дин**), турли эътиқодлар эса унинг бўлак ва тармокларидан бошқа нарса эмас. Раҳм сўзи Китобни бошдан-оёқ боғлаб тургани ва битиклар илгари ҳам “нозил қилингани” туфайли янги илоҳий ташаббуснинг ўзидан олдинги битикларга нисбатан олға силжиш бўлгани мутлақ ёки сўзсиз ҳодиса деб қаралмайди. Гўё унда инсоният ва Аллоҳ ўртасидағи муносабатларнинг янгича кўриниши таклиф этилмаган эмиш. Ислом учун Куръондан олдинги тарих тарихдан олдинги давр ҳисобланмайди. Инсоният тугал “нажотга эришиш” учун ҳазрати Мухаммадни кутиб ўтириши шарт эмасди.

Мана шу Аллоҳнинг ўз карамини дариф тутмай, тарихни ва дунё харитасини ишончли белгилар билан адодлатли тақсимлаганини англаш етишдир. Ўша белгилар Яратганинг ўзига ишорадир. Аллоҳ таоло Куръонда ботбот такрорланадиган ўзаро хурматга изн беради. У мусулмонлардан аҳли китобга қарата: “Бизлар ўзимизга нозил қилинган (Куръон)га ҳам, сизларга нозил қилинган (Таврот ва Инжил) га ҳам иймон келтирғанмиз. Бизларнинг илоҳимиз ҳам, сизларнинг илоҳингиз ҳам Бир (Илоҳ)дир”²⁴ деб айтишини талаб этади. Эсакк ва бошқалар тўғри қайд этганидай, Куръонда мана шу мазмундаги соғ плюрализмга яқин турувчи оятлар кўплаб учрайди. Хусусан, “Моида” сурасининг 44 – 48-оятлари мусулмонларга, қаерда бўлмасин, бошқа эътиқод вакилларига дуч келса, улар билан ўзаро муносабатда қўлланма вазифасини ўтайдиган премодерн²⁵ диний хужжатdir. Унда яхудий пайғамбарларига ва “ҳидоят ва нурга тўла” Исога нозил қилинган китоблар мақталади, Муҳаммадга эса ўша дин вакиллари орасида Қиёмат куни барча диний тафовутларни кўрсатиб, уларга ойдинлик киритгунга қадар Аллоҳ нозил қилган нарсалар билан хукм қилиш буюрилади.

²⁴ Куръон, “Анкабут” сураси, 46-оят.

²⁵ Премодерн — “Модернизмгача бўлган” деган маънода. — Тарж.

Мана шу оятлар, тұғри талқын қилингандай пайтда, иккита мақсадни күзлайды: бириңчидан, яхудий-христиан пайғамбарларини Мұхаммаднинг уларга музafferар во-рис эканини тасдиқлашы учун тан олиш ва, иккинчидан, унинг динининг олдинги күринишлари (*иудаизм, христианлик – Тарж.*) нинг омон қолган ҳимоячилари устидан “күриқчи” (**муҳаймин**) қилинганини тушунишдир. Ушбу йүриқнома исломни ўз-ўзини **аҳл уз-зимма**, яъни сұнгти ва универсал ҳақиқатнома²⁶ күриқчилари таклиф этган диний дахлсизлик ахдига рози бұлған жамоалар: яхудийлар ва христианларнинг ҳимоячиси сифатида тарихий жиҳатдан тушунишга ундайды. Тарихий мусулмон жамоалари Расулуллохнинг: “Кимки зимма вакилига бирор заҳмат етказса, Қиёмат куни мени ўзининг душмани сифатида күради”²⁷ деган огохлантиришига риоя этиб, кичик монотеистик жамоаларға нисбатан бағрикенгликтің қилиб келганини ҳамма билади. Бундай муносабат илдизи Куръоннинг оталарча назорат бурчини ҳимоя қилишига бориб тақалади, у 20-асргача ҳам яшаб келди. Туркларнинг Атос төғида сұнгти ҳоким бұлған кишининг 1912 йили у ерни босиб олган юонон аскарларининг ҳибсга олишини кутиб ўтирган пайтда француз журналисти билан қылған сұхбати эътиборга моликдир:

Атрофга бир қаранг. Мана бу минглаб роҳибларга бир қаранг; уларнинг монастырларини зиерат қилинг, улар билан савол-жавоб қилиб күринг. Улар нимадан шикоят қилишлари мүмкін? Биз уларнинг қоидаларига дахл қылдикми? Мұлкими топтадикми? Уларнинг мұқаддас жойларни зиёрат қилишига монелик қылдикми? Ҳатто уларнинг дүнёвий конституци-

²⁶ Ҳақиқатнома – инглиз тилидаги “revelation” сузининг таржимаси сифатида көлтириляпты. (*Revelation* 1. Илохий ҳақиқатни кашф қилиш ёки баён килиш; Аллох одамларга аён қылған бирор нарса. 2. Бирор нарсаны баҳолаш ва маълум килиш. 3. Кичик Осиёнинг ilk христианларига юборилган Қиёмат ҳакидағы битик. У Инжилта ҳам “Киёмат” номи билан күшилтін. – *Тарж.*

²⁷ Ahmad ibn Hanbal, *Musnad*, cited in Ibn Hajar al-'Asqalani, *Itrat al-Musnid al-Mu'tali* (Beirut and Damascus, 1414/1993), no.12440



яси номини ўзгартиридикми?.. Мен сиздан сұра-
япман, қайси миллат, қайси босқинчы уларга
нисбатан буюк инсониятга қылғандай буюк мұ-
роса ва буюк диний бағрикенглик билан мун-
сабатда бұлған? Улар бизнинг қонуналарымиз
химоясіда Рум императорлари давридан
жам әркинроқ бўлиб қолишиді... Улар бизнинг
қўлимиз остида сизлар Францияда роҳибларни
сиқувга олишингизнинг ноздан бирини жам кўрга-
ни йўқ... *Allez, Monsieur!*²⁸ Улар бизнинг
кетганимиздан афсус қиласди. Юнонлар, рус-
лар, серблар, руминлар, булғорлар, барча ро-
ҳиблар бир-бирини ўлгудай ёмон кўради. Улар-
ни бирлаштириб турган нарса исломни ёмон
кўришидир. Биз бу ердан кетганимиздан кейин
улар бир-бирининг гўштини ейди.²⁹

Муқаддас Қабр черкови ташқарисидаги ўриндиқда
бир-бирига ёв зиёратчи гурухлар ўртасидаги келишмов-
чиликни бартараф этиш учун ёрдам сұраб телефон қилиш-
га шай ҳолда чилим чекиб ўтирган иорданиялик мудрок
констеблнинг қиёфаси ҳеч кўз олдимдан кетмайди. То
шу кунгача ўша черковнинг калити, ялпи келишувга кура,
мусулмон кишининг қулида туради. Бу ҳол исломнинг
ўз-ўзини анъянавий баҳолашдаги, муросали деб бўлмас-
ку, лекин ишончли рамзиdir.

Ислом жамиятининг шунга ухшаш мусулмон бўлма-
ган жамоалар устидан муросали тарзда хукм юрита олиш
қобилиятини қайта-қайта намойиш этаётганини эмпирик
исбот тариқасида олиш мумкин. У тарихнинг, мусулмон
эътиқоди самимиятининг мураккаб лабораториясида си-
новлардан ўтгандир. Худди классик христианлик нуқтаи
назаридан иудаизм ўринини христианлик эгаллагани каби
олдинги динлар ўрнига радикалликдан узоқ бўлган ис-
лом дини майдонга чиқди. Аммо ўрта асрлардаги мусул-

²⁸ Allez, Monsieur (фр.) — Кетинг, жандо! — Тарж.

²⁹ John Julius Norwich, Reresby Sitwell and A. Costa, *Mount Athos* (London, 1966), p.84.



мон шаҳарларидағи яхудийлар ва христианларнинг яшаш шароитларини худди жаңнатдагидай бўлган деб тасавур қилиш хато булур эди. **Зимма** қоидалари мантиғи на плюралистик сотериологияда, на инсон ҳуқуқлари ва ялпи диний индифферентизм³⁰ нинг универсал фояларига асосланган замонавий дунёвий адолатда эди. Илк халифлар даврига бориб тақалувчи чиқимларни тартибга соладиган ва бошқа қонунлар яхудий ва христианларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўйган эди. Исломнинг тарихий ҳуқуқ амалиётига унинг мақтovга лойик эмаслигини тасдиқлайдиган кўплаб далиллар мавжуд, деб эмас, аксинча, христиан ва яхудий динларини ҳам бундан буён тугал деб бўлмайди, деган илохиётшунослик ҳукми тасдиғи сифатида қараш керак бўлади. Бу иккала дин ҳам муқаддас китобларга таянади ва, бинобарин, улар ҳам яшашга муносибdir.

Ушбу исбот муқаддас китобларнинг бир қанча оятларида ўз ифодасини топган. Бу ҳол ҳазрати Мухаммаднинг пайғамбарлиги исботи бўлган Куръон нозил бўлиши билан боғлиқ маълумотларга қарши иудаизм ва христиан динлари вакилларининг танқидларини ривожлантирган плюралистлар иқтиbos олишни ёқтирадиган дағал хомаки матнларни мўътадиллаштиради ва қайтадан контекстуаллайди³¹. Ушбу оятлар Расулуллоҳнинг Мадинадаги маънавий раҳнамолигининг сўнгги йилларида нозил бўлгандир ва шунинг учун дин амалиёти уларни олдинги сураларда айтилмай қолган нарсаларга батағсил тушунтириш берувчи изоҳлар сифатида далил қилиб келтиради³². Муҳтарам ўқувчим, менга дастлаб иудаизмни ташвишга solaётган нарса хусусида мулоҳаза билдиришга ижозат берсангиз.

³⁰ Индифферентизм (ингл.) 1. Бефарқлик холати, кизикиш ва жиддийликнинг етишмовчилиги; хусусан, дин ёки фалсафада нима тўғри ёки иотўғри эканига нисбатан кизикишининг йўклиги, агностицизм. 2. Барча динларга тенг ҳуқуқ берилиши; ҳакикат ёки хатога тенг ҳуқуқ берилиши. – Тарж.

³¹ “Контекста киритади” маъносида. – Тарж.

³² Francis Peters, ‘Alius or Alter: the qur’anic definition of Christians and Christianity,’ *Islam and Christian-Muslim Relations* 8/ii (1997), 165–76. Петерс ҳужжатлар асосида қандай қилиб “Куръон христианлик хусусидаги мушоҳадалардан унга қарши далилга айланба бошлагани”ни кўрсатиб беради (165-6.).

Расулуллоҳ шаҳри Мадинада яшаган яхудийлар эътиқод қилган ўзига хос раввинилар иудаизми пайғамбарлар динига ҳалакий³³ мушкулотлар қўшгани учун қораланиб келади. Баъзан мана шу нарса айрим имтиёзларга эга бўлган “бўйни йўғон” кишиларга қарши шикоят³⁴ билан жуфтлашиб кетади; яъниким, Қонуннинг маълум бир жойлари Исройлнинг бебошлиги учун берилган илоҳий жазо сифатида қаралади (“Нисо” сураси, 160-оят). Машхур ва тушунилиши қийин бўлган “Тавба” сурасининг 30-оятида эса яхудийлар Узайрни “Аллоҳнинг ўғли” деб билгани учун кескин қораланади. Бу билан уларнинг хатоси ҳам христианларнинг худди шундай хатосига teng деб ҳисобланади. Аммо дин амалиётида Узаирнинг ким бўлганини аниқлаш муаммолигича қолаверди. Баъзи бирорвлар уни Эзра деб билади. У Тавротни қалбакилаштиргани учун айбланиб келади³⁵. Бироқ Гордон Ниубай яқинда гап Идрис пайғамбар хақида кетаётган бўлиши мумкин, деган гояни илгари сурди, негаки, Яқин Шарқ яхудийларининг диний амалиётида у Метатрон³⁶ деб карамлади. Мана шу ҳолатда Қуръонда бу қарашларнинг танқид қилиниши қарайитларнинг³⁷ ҳамда раввиниларнинг Аллоҳга ҳеч бир шерикни тан олмайдиган моноте-

³³ Ҳалакий иврит тилидаги “Ҳалаках” сўзидан олинган. Ҳалаках Таврот замонларидан бери яхудийларнинг диний ахкомларга риоя этиши, кундалик хаёти ва хулқ-авторини тартибга солиш учун такомиллашиб келган қонунлар ва карорлар мажмуи. У Тавротнинг дастлабки 5 та китобидан кескин фарқли ўлароқ, Синай тогиди Мусо пайғамбарга келган вахидан келиб чиқкан оғзаки анъаналарни саклаб колиша бошқаларга таништиришни назарда тулади. (“Британника”дан) — Тарж.

³⁴ Аслиятда “јеремијад” — Тавротдаги “Иеремиянинг йиғиси” китобидан олинган булиб, ўифи, шикоят, шикоят қилиб айтилган ваъз маъноларини инглатаиди. Тарж.

³⁵ H. Lazarus-Yafeh, *Intertwined Worlds: Medieval Islam and Bible Criticism* (Princeton, 1992), 50–74. Муаллиф аксарият мусулмонлар бундай қарашга қўшил-маслигини кўрсатиб беради.

³⁶ Метатрон — яхудий миф ва ривоятларида фаришталарнинг энг улуғи булиб, баъзи холларда Подшонинг Шаҳзодаси (ёки фариштаси), Микоил фаришта, ёки илоҳий дунёга дохил бўлган Эноҳ (Идрис пайғамбар) деб ҳисобланади. (“Британника”дан) — Тарж.

³⁷ Қарайизм (иброний тилида qəräîm қарайитлар иброний тилидаги qāgā ўқимоқ сўзидан) — милодий 8-асрда Яхудийларнинг Бағдодда вужудга келган, раввинизм ва талмудизм рад этган ва ўз принципларида факат мукаддас битикка таянадиган доктринаси (“Британника”дан). — Тарж.



измнинг мазкур яратувчи фариштага сифиниш ёки эътиқод қилиш борасидаги муросасига қарши эътиrozларига мос келади³⁸. Мабодо, мана шу айният (идентификация) тұғри бұлса, қуйидагича хулоса қилиш мүмкін: Қуръон маълум бир яхудийларга қарши бошқа яхудийларнинг ёнини олган бұлиб чиқади, яъни бу билан бутун бошли динни әмас, маҳаллий кишиларнинг янглишишларини қоралайди. Худди мана шу йүсінде ишонч билан талқын этилиши мүмкін бұлған бошқа оялтар ҳам бор.

Шунинг учун ҳам Қуръонда баъзи бир яхудийларга нисбатан таънаю дашномлар бұлса-да, бу муқаддас китоб иудаизм динини бутунлай қораламайды, аксинча, унинг кейинги тадрижи чоғида пайдо бұлған баъзи бир қоидаларни ислом насх килгани жуда тұғри эканини қайд этади. Қуръонда Исонинг чормих қилингани ва, умуман, одамларни хочга қоқиб үлдириш учун яхудийлар жавоб-гар эмаслиги³⁹ аник-равшан баён этилиши Европада вужудға келған антисемитизм ислом тупроғида илдиз отмаганини исботлайды; дарҳақиқат, үрта асрлардаги Үрта-ер денгизи дунёси Самюэл Гойтейн иудаизм ва ислом үртасидаги “яратувчан симбиоз” деб атаган машхур тасифни исбот қилиб турибди⁴⁰. Сұнгы таҳлиллар гаонлар⁴¹, маймонийлар⁴², Истанбул раввинлари ва сефард-

³⁸ Gordon Newby, *The Jews of Arabia* (New York, 1988), 60-1. Бу эътиroz 7-асрда яшаган араб яхудийларига маълум бұлған Меркава битикларыда мавжуддир.

³⁹ Қуръон, “Нисо” сураси, 157-оят: “Холбуки, уни үлдирғанлари ҳам, османларни ҳам йўқ. Факат Бошқа бир киши Исога) үхшатиб қўйилди, холос”. (“Шуббиха лахум” ибораси турлича тушунилған ва турлича таржима килинган, аммо бу ерда улар окланадётгани аник.)

⁴⁰ Goitein, *Jews and Arabs* (New York, 1955), 130: “Иудаизм ҳеч качон үрта асрлардаги араб исломи билан бу қадар яқин ва самарали симбиозга дуч келмаган эди”. Ушбу күз қараш ва уни ифода килиш йусини зиддиятта сабаб бұлды. Бунинг учун қаралсın: Steven M. Wasserstrom, ‘Recent Works on the “Creative Symbiosis” of Judaism and Islam’, *Religious Studies Review* 16 (1991), 43–7.

⁴¹ Гаонлар (иврит тилида “улуворлик”, “ифтихор”) – Дағталаб Бобилдаги иккى нафар, кейинчалик эса Бағдод, Фаластиң, Дамашқ ва Мисрдаги энг обрули иешиваларнинг расмий унвони. 6-асрнинг охирдан 11-асрнинг үрталарига қадар (гаонат деб аталған дәр) гаонлар Талмудни талқын қилиш буйича энг мұттабар кишилар саналған. (“Кирилл ва Мефодий”) – Тарж.

⁴² Маймонийлар – яхудий файласуфи Моше бин Маймон (1135 – 1204) номидан олинган. У Испанияда туғилған, 1165 йилдан бoshлаб Мисрда яшаган, Салоҳиддиннинг сарой табиби. Таврот вахијлари билан араб аристотелизмини синтез қилишгә ҳаракат қылған. (“Кирилл ва Мефодий”) – Тарж.



ларнинг⁴³ бой тажрибаси Куръонда антисемитизм унсурлари йўқлигини аниқлашга имкон берди.

Анъанавий исломнинг христианликнинг ўрнини бошиш даъвоси жуда мураккаб характерга эга. Бу ўринда яна маҳаллий ва умумий мунозарани бир-биридан ажратишига эҳтиёж туғилади. Умумий мунозара (аксарият мусулмонларнинг ўз-ўзини англашига зид ўларок) ислом битикларининг ҳудудий сектантларга қаратилган танқидлари ўткинчи хусусиятга эга эканини ва Калседон⁴⁴ черковларининг асосий тамойилларидан иборат доктрина — мабдалари баён қилинган битиклардан доимий тарзда кўчирма олиб турганини тан олади. Биз сўнгги категорияда⁴⁵ ва қўйидаги Куръон оятлари ва хадисда Исломга берилган илоҳий мақомга қарши бир далил топамиш:

Эй аҳли китоб, (Исони худо дейиш билан) динингизда ҳаддингиздан ошмангиз! Аллоҳ шаънига эса фақат ҳақ гапни айтингиз! Албатта, Ал-Масиҳ Исо бинни Марям фақат Аллоҳнинг пайгамбари ва Унинг Марямга етказган Сўзи ҳамда Унинг томонидан бўлган Рӯҳ (соҳибидир), холос. Бас, Аллоҳ ва унинг пайгамбарларига иймон келтирингиз! “(Тангри) учта демангиз!” [...] (“Нисо” сураси, 171-оят)

(Исо айтди:) “Албатта, Аллоҳ (менинг) парвардигорим ва (сизнинг) парвардигорингиздир.

⁴³ Сефардлар — яхудийларнинг испан тилига якин бўлган сефард тилида сўзлашувчи кичик этник груп. Асли келиб чикиши Пиреней ярим оролидан бўлган сефардлар Шимолий Африка, Кичик Осиё, Болкон ярим ороли мамлакатлари ва Иероилда истиқомат килади. (“Кирилл ва Мефодий”) — Тарж.

⁴⁴ Калседон — кадим замонда Босфор бўғозининг шарқий кирғоғидаги шахар. У ерда бўлиб ўтган умумжаҳон кенгаши милодий 451 йили монофизитизм (Исада инсоний ва илоҳий ибтидонинг ўзаро кўшилиб кетишини таъкидловчи таълимот)ни ересь, яъни зиндик, яъниким, худосизлик деб эълон қилган. — Тарж.

⁴⁵ Категория [нем. *kategorie* < юнон. *kategoria*] — рўй берадиган воқеа-ходисаларнинг энг умумий хусусиятлари ва алоқасини инглматувчи илмий тушунча. — Тарж.



Бас, унга бандалик қилинг. Мана шу ҳақ йўлдир". Сўнг (яхудий ва насроний) фирмалар (Исо хусусида) ўзаро ихтилоф қилдилар ("Маръям" сураси, 36 – 37 оятлар)⁴⁶.

Киёмат куни христианлардан, нимага эътиқод қилгансизлар, деб сўраганида, "Худонинг ўғли Христга" деб жавоб беришанида, улар дўзахга бебош пода сингари бир-бирини сузган ва бир-бирининг орқасидан оловга қулаб тушган ҳолда ҳайдаб кирилади⁴⁷.

Сизлар, христианлар Исо бинни Марямни кўкларга кўтарганидай, мени кўкларга кўтармангиз; чунки мен Аллоҳнинг қулиман; шунинг учун: "Аллоҳнинг қули ва расули" деб айтингизлар.⁴⁸

Мусулмонларга келган ваҳий энг сўнгги илоҳий интервенцияни оқлаш учун, худди иудаизмга бўлган муносабатидагидай, аммо бу сафар ундан ҳам кескинроқ тарзда тарихан ривожланиб келган христианликка қарши далилларини жангта ташлайди. Ислом қатъий бидъатни кескин рад этади десак, масала у ўзига ўтмишдош динлардаги бузилишларни кўрсатиб бермаган, деган тарзда кўйилиб, унинг қонунийлиги шубҳа остига олиниши мумкин. Масалан, тез-тез билдириб туриладиган, Таврот матнларида асл ваҳийлар ишонарли тарзда сақланиб қолма-

⁴⁶ Ушбу оят хусусида Байдавийнинг несторианлар, якобинчилар ва мелкитлар ўртасидаги исошуносликка оид карашларни бир-бир санаб ўтган изохи "уни (Исони – тарж.) оддийгина қилиб Аллоҳнинг қули ва пайғамбари" деб хисобловчи монотеистлар (муваҳиддинлар)нинг карашита зид келиб колади. ("Abdallah al-Baydawi, Anwar al-tanzil wa-asrar al-ta'wil, Istanbul, 1329АН, 406.)

⁴⁷ Муслим, Имом, 81. Исошуносликка оид мунозараларда христианликнинг тажирланиши дин амалиётида учраб турадиган ҳолдир, аммо уни ҳадис мўътадиллаштиради. Ҳадисда Расууллоҳ мусулмонлар ўртасидаги бўлинниб кетишини башорат киласди ва коралайди: "Яхудийлар 71 ёки 72 мазҳабга бўлинниб кетишиди, христианлар ҳам шундай килишди. Менинг умматларим эса 73 мазҳабга бўлинниб кетади". (Термизий, "Имом", 18)

⁴⁸ Bukhari, Ahadith al-anbiya, 48.

ган, деган эътиrozлар сабаби шунда⁴⁹. Яна бир эътиборга молик нарса — Қуръоннинг Исонинг чормих қилинганини норозилик билан рад этишидир. Бу норозиликнинг моҳияти тарихийликдан кўра риторикдир. Мусулмон экзегетикасида христианлик янглиш бир тарзда ўз пайғамбарини ҳам яратилган, илоҳий деб ҳисоблаб ҳамда хочни ўзига рамз қилиб олиб, хатога йўл қўйгани айтилади⁵⁰. Хоч *sui generis*⁵¹ ер ва осмоннинг ўзаро чатишиши рамзиdir ва, бинобарин, у Қуръоннинг, беҳад комил Тангри кўп марталаб (ердаги ҳаётга) мукаммал интервенция қилган, деган қатъий кўрсатмасига карши чиқади. Ушбу доктрина — мабдани рад этиш учун рамзнинг ўзи йўқ қилинди.

Шу тариқа ислом онтологик нуқтаи назардан Исонинг мақомини оддий пайғамбар даражасига на сайтиради⁵²,

⁴⁹ М а с а л а н , Бухорийнинг “Фадаъил ул-Қуръон” китобининг З-бобида Ҳузайфа халифа Усмон Қуръон матнининг бутунлигини саклаб қолганини, акс ҳолда унинг бошига ҳам яхудийлар ва христианларнинг муқаддас битиклари куни тушиши мумкин бўлганини айтади.

⁵⁰ Ислом Йисо пайғамбарнинг ҳаёти ва зиммасига юклатилган вазифасига оид эбионаитларнинг (Исога эргашган дастлабки зоҳидлар мазҳаби вакиллари — Тарж.) талқинларини тан олади. Улардан айримлари тарихий характерга ҳам згадир: “Мұхаммаднинг яхудий христианлигига билвосита боғликлигига шубҳа йўқ. Бунинг натижаси чидан ҳам дунё тарихи миқёсидаги бир парадоксdir; яхудий христианлиги христиан черковларидан йўқолиб кетган бир пайдада исломда сакланиб қолди ва у то шу кунгача исломнинг йўналтириб турувчи импульси сифатида ўз ўрнига эга бўлиб қолди. Hans-Joachim Schoeps, R.-A. Bernheim, James, *Brother of Jesus* (London, 1997, p.269) дан иктибос. Бернхейминг Куддусдаги Жеймс раҳнамолик қилган хаворийлар черкови Павелнинг инкарнационизмни рад этиб, ҳалака кўринишларидан бирини амалиётда кўллагани хусусидаги кўзкарашибдан, исломнинг дунёйи тарихига изчил таъсир кўрсатган (гарчи бундай дейишга исботлар етарли бўлмаса-да) бўлиши мумкин, деган хулоса ҳам ўринидек туюлади. Аммо бу хол мусулмон илоҳиётшуносига Қуръон ишошунослиги мавжудлигини тасдиқлаш имконини беради.

⁵¹ *Sui generis* (лат.) — ўзига хос тарзда. — Тарж.

⁵² Қуръонда Исо Аллоҳнинг “калимаси” (“Нисо” сураси, 171-оят), яратилмаган логос (сабаб) эмас, аксинча, илоҳий талафуз: “... “Бўл!” деди, бас, (у) бўлди” (“Оли Имрон” сураси, 59-оят) деб тавсифланади. Бинобарин, барча тасодифий феноменлар илоҳий хусусиятта эга бўлган “калималар”дан иборатдир: “Бас, кайси тарафга юзингизни каратсангиз, уша томонда Аллоҳнинг “юзи” мавжуддир”, (“Бакара” сураси, 115-оят), “Биз унга бўйин томиридан ҳам яқинроқдирмиз” (“Коф” сураси, 16-оят). Аллоҳнинг бандаларига яқинлиги туфайли Қуръоннинг табиатан ва осмондан тушгани хусусидаги ривоятга асосланиб, илоҳий “рамз”ларга тез-тез мурожаат килиб туриши “инкарнация”га зарурат колдирмайди ва одамнинг умидсиз тарзда ҳар нарсага қодир Аллоҳдан ажралиб чиқканини таъкидлайди. Илоҳий китобни синчилаб кузатган ҳар бир киши бу тушунчанинг исломга бегона эканини кўриши мумкин.

аммо унинг маҳдий (мессия)лигини қораламайди ва айни ҳол илк қарашда файримантиқий бўлиб туюлиши мумкин. Аллоҳ Қуръоннинг тугал экани ҳамда ўз ишининг эсхатологик⁵³ аҳамиятга молик эканини эълон қилиш билан нега Исога уни юксакларга кўтарувчи маҳдийлик мақомини бериши керак эди, деган савол туғилиши табиий.

Диний амалиёт бундай пайғамбарлик циклининг “муҳри”га тегишли файримантиқий фикрга ечим топишга йўл излаётгани аниқ. Исо маҳдийдир, чунки у яхудий ривоятларига барҳам берди. Аммо Мухаммад эсхатологик (**ал-Ақиб**) пайғамбардир ва пайғамбарларнинг муҳридир (**Хотам ул-мурсалин**), чунки у шавкатли ва кенг миқёсли ривоятни тугаллади. Исо Мусонинг бутунлай тескарисидир, айни пайтда Ҳазрати Мухаммад эса Иброҳим пайғамбар кашшофи ва бошловчиси бўлган улкан бир анъананинг энг юқори нуқтасидир. Бинобарин, исломнинг асосий маросимлари кўпинча иброҳимий ва эсхатологик аҳамиятга молик нарсаларни бир-бирига чоғиширади. Кунига беш маҳал намоз ўқилиши Мухаммадни Иброҳим пайғамбар билан боғлаб турадиган **ташашхуд** илтижосига яқиндир. Маккага ҳажга бориш Иброҳимнинг қилган ишларини абадийлаштиришдир: ҳажга борганлар сув ичадиган қудуқни Исмоил қазиган деб ҳисобланади; икки тоғ уртасида у ёқдан бу ёққа бориб келиш Ҳожарнинг сув сўраб қилган илтижосини эсга солади ва шу билан бир вақтда Қиёмат куни сувсираб қийналишни ҳис қилишга хизмат қиласиди; ҳожилар мусулмончиликда Иброҳим ўғли Исмоилни курбон қилмоқчи бўлган деб ҳисобланадиган жойни зиёрат қилишади, унга яқин бўлган жойда, яъни Арафот тоғидаги маросим чоғида “кафан кийган” эҳромдаги ҳожилар олономони худди Қиёмат кунини эсга солади⁵⁴. Қуръонда “Иб-

⁵³ Эсхатология (юнон. *eschatos* — сўнгти, пировард ва *λόγος* — сўз, таълимот) — дунё ва инсоннинг сўнгти тақдирни ҳакидаги диний таълимот. — Тарж.

⁵⁴ Charles-André Gilis, *La Doctrine initiatique du pelerinage a la Maison d'Allah* (Paris, 1982) да мусулмон эсхатологиясига иброҳимий резонанс яхши тадқик қилинган.



роҳим яхудий ҳам, насроний ҳам бўлмаган, балки тўғри йўлдан тоймаган (ҳаниф) мусулмон бўлган..."⁵⁵ дейилади ҳамда диний тарихнинг муқаррар интиҳосини англатувчи ибтидога қайтиш Расулуллоҳ ҳаётининг мақсади ва уйғунлиги ифодаси ўлароқ майдонга чиқади.

Иброҳим пайғамбарга хос архетип⁵⁶ исломнинг ўз универсаллигини, яъни бошқа динларни такомиллаштирувчи илоҳиётшунослик эканини тушунишини англатади. Исҳоқ ҳам худди назаретлик авлоди Исо сингари соф иброний эди. Арабларнинг бобокалони бўлган Исломил ярим мисрлик бўлган. "Ибтидо" китобида: "Мен ундан буюк ҳалқ вужудга келтираман", деган ваъда Аллоҳга нисбат берилади (17:20); сўнгра Исҳоқ орқали очилган аҳдни батафсил ҳикоя қилиб бермоқ учун бу ҳикоят узилиб қолади. Сомийча қариндошликтин Миср қариндошлиги билан боялаган ислом ўз кенгайиши ва мансублигини яхудий бўлмаган дунёнинг ич-ичига қадар етиб боришини эълон қиласиди.

Шу тариқа сомийча ваҳийнинг Исломил пайғамбарга хос жиҳатига даҳлдор исломнинг интилишлари универсал экани аён бўлади. Ҳадисда айтиладики: "Илгариги ҳар бир пайғамбар факат ўз қавмига пайғамбар қилиб юборилган эди. Мен эсам (Ер юзидағи) одамларнинг ҳаммасига пайғамбар қилиб юборилдим"⁵⁷. Шундай қилиб, мусулмонлар эсхатологик жамоага айланди. Энг сўнгги жамоа биринчи бўлажак. Ҳадисда Инжилдаги Матфей баён этган Хушхабарда келтирилган узумзорда ишловчилар ҳақидаги ривоят⁵⁸ эслатилиб, мана бундай дейилади:

Мусулмонларнинг яхудий ва христианларга ўхшашибиги бир кишининг қоронги тушгунча бир

⁵⁵ Куръон, "Оли Имрон" сураси, 67-оят.

⁵⁶ Архетип [нем. Archétyp, фр. archétype < юнон. archē бошланиш + typos намуна] — Фалсафада, бирламчи шакл, намуна. | Швейцариялик файласуф ва руҳшунос олим К.Г.Юнг фалсафасида архетиплар барча психик жараёнларнинг замонида ётган жамоанинг ғайриаклий ибтидосининг структуравий унсурлари. — Тарж.

⁵⁷ Бухорий, "Ҳадис", Тошкент, 1997, 1-жилд, "Таяммум" китоби, 101-бет.

⁵⁸ Инжил, Матфей баён этган хушхабар, 20:1—16



гурӯҳ кишиларни ишга ёллаганига ўхшайди. Ўша кишилар: “Бизга сиз берадиган маошнинг кераги йўқ”, деб фақат тушдан кейингина ишлайди. У бошқа кишиларни ёллайди ва уларга: “Бугун қоронги тушгунча мана шу ишни тугатиб қўйинглар”, дейди. Улар пешин намози вактигача ишлашади ва шундай дейишади: “Фақат қилган меҳнатимизгина сизники бўлур”. У бошқа бир гурӯҳни ёллайди. Улар кун ботиб, қоронги тушгунча ишлайди, лекин улар худди олдинги икки гурӯҳ билан бирдай иш ҳақи олади⁵⁹.

*Angularis fundamentum*⁶⁰, Инжилнинг яна бир иасх қилинган ташбеҳи янада эҳтиёткорлик билан мослаштириб олинади:

Менинг олдимга келган пайғамбарлар ҳақида гапирадиган бўлсам, мен жозибадор ва чиройлиман. Аммо мен бурчагида бир гиштилик жойи қолган уйга ўхшайман. Унинг атрофини айланниб чиқсан кишилар: “Ўша гишт ҳам жойига қўйилса, яхши бўларди”, дейишар эди. Ўша гишт менман, мен пайғамбарларнинг муҳриман⁶¹.

Учинчи ҳадисда эса Расулуллоҳ нима учун жума мусулмонларнинг ибодат куни килиб олинганини тушунтириб беради. Мусулмонлар тарихдаги энг сўнгги дин вакиллариридир ва улар Қиёмат куни биринчи бўлишлари керак, бунинг рамзи эса шанба ва якшанбадан олдин келадиган жума кунидир⁶².

Бинобарин, хуносада Исломнинг асосий хужжатлари ушбу диннинг (эски хужжатларни) тузатиш ва халос-

⁵⁹ Bukhari, Mawaqit al-salat, 17.

⁶⁰ *Angularis fundamentum* (лот.) тамал тоши.

⁶¹ Bukhara, Manaqib, 18.

⁶² Bukhara, Jumu'a, 1.



корлик тарихи бўлишни назарда тутиши кўрсатиб ўтилиши керак; Куръондаги маълумотларни тўла тадқик қилган Жейн МакОлиф мана бундай хулосага келади: “Муҳаммад пайғамбар бўлганидан сўнг Таврот христианлигининг “халоскорлик” аҳамияти ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқчалик қилиб қолди”⁶³. Ҳалол талқин қилинган матнларда Аллоҳнинг янги Аҳди бошқа жамоаларга нисбатан бағрикенглик қилиш баробарида Иброҳим динини қайта таъмирлаган ислом аҳли билан қатъий бирга экани қайд этилади.

Ушбу мулоҳаза, аҳднинг мусулмончилик нуқтаи назаридан қараганда, тушунарлидир. Яқинда ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишиба, Куръон Таврот дараҷасида бўлмаган аҳддир. Эҳтимол, бунинг сабаби мусулмонларнинг муқаддас китоби алоҳида бир қавмга йўлланган, ёки мўлжалланган бўлмай, бутун инсониятга юборилганида бўлса керак, демакки, уни тарихий аҳд билан тенглаштириб бўлмайди”⁶⁴. Шунга қарамасдан, Куръоннинг “Аъроф” сурасидаги 172-оятда Аллоҳ билан ҳар бир инсон руҳи ўртасида дунё яратилмасидан бурунги ибтидоий аҳд хусусида сўз боради. Мусулмонлар ўз-ўзини англашига кўра, ислом дини инсониятнинг маълум бир булаги билангина келишув эмас, аксинча, ушбу ибтидоий ваъданинг эсхатологик қайта тикланишидир. Бунинг “аломатлари”дан бири “барча кишилар” (“Бакара” сураси, 125-оят)нинг уйини ҳаж пайтида зиёрат қилишдир:

Аллоҳ аҳд қилгач, уни ёэиб, Қора тошга жойлади. Каъбанинг атрофини айланган вақтда Тошни тавооф қилган кишилар: “Э Аллоҳ! Бу сенга сигинганимиз, ўзингга берган ваъдамизни бажараётганимиз, сенинг ёзганларингга имон

⁶³ Jane McAuliffe, *Qur'anic Christians: an analysis of classical and modern exegesis* (Cambridge, 1991), 290.

⁶⁴ David Burrell and Elena Malits, *Original Peace: Restoring God's Creation* (Mahwah, New Jersey, 1997), 9.

келтираётганимиз белгисидир”, дейшишининг маънини шулдир⁶⁵.

Илоҳиётшунослар пайғамбарнинг мана шу илк аҳдга асосланган муносабатни эсхатологик нуқтаи назардан қайта тиклаганини тасдиқлаш баробарида Аллоҳ билан Одам Ато авлодларидан маълум бир қисми ўртасида кейинчалик вужудга келган келишувнинг қонуний эканини ерга урмоқчи бўлади.

Диннинг пайғамбар ўлимидан сўнгги зафарли одимларини томоша қилиш билан бир авлод шаклланди. Бу авлод исломнинг универсал тарихдаги ўрнига дастлаб мана шу битик нуқтаи назари билан қараш руҳида тарбияланган мусулмонча ақл-заковат эгаси эди. Ислом ўзининг зафарли юришлари асносида урфдан чиқиб кетган иудаизмга эгалик қилишни ҳам зиммасига олиши мумкин эди: Фрейд сурбетларча қайд этганидай: “Аллоҳ ўз танлаган бандаларига Яхве ўз бандаларига кўргазган марҳаматдан кўра кўпроқ марҳамат кўргазди”⁶⁶. Гап христианлик хусусида кетганда шуни қайд этиш керакки, улкан патриархал шаҳарлар бўлмиш Антиох, Александрия ва бошқаларнинг мусулмон дунёсига кўшилиб кетишига христианликни урфдан чиқиб қолган дин деб ҳисобламайдиган Аллоҳ ҳеч қачон изн бермаган бўлур эди, деб иддао килинади. Мусулмонларнинг хукмронлиги хусусида гапирадиган кишилар уларнинг қўл остига ўтган шаҳарларни ҳалиям христиан шаҳарлари деб даъво қилади⁶⁷. Энг муҳими, ислом эндиликда Куддусда ҳукмронлик қилаётган эди, лекин кейинчалик у салиб юриши қатнашчилари, ҳозирги қунда эса сионизм қўлига ўтиб кетди, бироқ шунга қарамасдан, мусулмон тарихининг улкан бир бўлаги ушбу шаҳар мусулмонларнинг қўлида

⁶⁵ Abdallah ibn Alawi al-Haddad, *The Lives of Man* (tr. M. al-Badawi), (London, 1411/1991), 7.

⁶⁶ Sigmund Freud, *Moses and Monotheism*, (London, 1974), 92.

⁶⁷ Масалан. Мусулмонлар ғалабасидан авлиё Грегорий Паламас ниҳоятда ташвишга тушиб қолган эди. Каранг: Speros Vryonis Jr., *The Decline of Medieval Hellenism in Asia Minor and the Process of Islamization from the Eleventh through the Fifteenth Century* (Berkeley and Los Angeles, 1971), 426–7.



бўлган. Айни ҳол насх учун ҳассос ва салкам мұқаддас далилдир. Мусулмонлар Сулаймон пайғамбарнинг маҳобатли ибодатхонаси ўрнида Учинчи ибодатхона сифатида, Марк башорат қилиб айтганидай, “барча қавмлар ибодат қилиши учун уй” қилиб қурилган Қуббат ашшаҳрани ўзиники деб даъво қилишга ҳақли. Макка исломнинг Иброҳим ривоятини қайта тиклаганининг наёмиши эканини ҳисобга олсак, Қуддусга мазкур дин мозаикасининг кичик бўлаги ичидаги рамзнинг ҳамда бутун дунёни эгаллашдай улкан бир мақсадга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг тасдиги сифатида қаралади⁶⁸. Ушбу истак Қуббанинг универсал меъморий характерга эга экани, у худди ислом ҳукмронлиги сингари, Шарқ ва Фарбни бир-бири билан боғлаб туришининг нафис бир рамзиdir:

Аслида, Қуббат аш-шахра Шарқ ва Фарбнинг Спосализиоси ёки Нуптиалсидир⁶⁹; дунёнинг бошқа бирор жойида, ҳатто авлиё Маркнинг Венециясида ҳам Шарқ ва Фарб бир-бирига бу қадар қўшилиб кетмайдио бу бино мен кўрган бинолар ичida энг мұқаддаси эди⁷⁰.

Куддус шахридаги исломий обидалар ҳам нафис ва пухта қилиб қурилган Авлиё Пётр базиликаси ва бир замонлар маъжусийлар пойтахти бўлган Римнинг бошқа машҳур христиан обидаларидан кам аҳамиятга эга эмас. Шу билан бир вақтда ушбу исломий обидалар бошқа динларнинг ўрнини эгаллашининг мажозий белгисидир.

Битиклар билан ишлаш ва тарихнинг ана шу музaffer фар ҳақиқатларидан хабардор бўлган тарихчилар ва ўрта асрларда яшаб ижод қилган калом илоҳиётшунос-

⁶⁸ Ушбу масалага бағишлиланган китоблар талайгина. Мусулмонларнинг ўзини англаши ҳақидаги китоблар сирасига куйидагилар киради: Abd al-Wahid Pallavicini, ‘Vers la Terre Sainte,’ *Les Cahiers de l’Institut des Hautes Études Islamiques* 2 (1996), 45-50; S. Abdallah Schleifer, ‘The Virtues of Jerusalem’, *Islamica* IV (1998), 3 – 10.

⁶⁹ “Бир-бири билан тўй киладиган, ёки никоҳдан утадиган жойидир”, маъносида.

⁷⁰ Sachaverell Sitwell, *Arabesque and Honeycomb* (London 1957), 134.



лари, эътиқоднинг олдинги кўринишлари бугунги кунга келиб, **ботил**, яъни бузилган, деган муросали фикрни илгари сурган. Масалан, ашъарийлар илоҳиётшунослигининг етакчиларидан бири Шахристоний (ваф. 1153 й.) ҳеч ўйлаб ўтирмасдан: “Ушбу [ислом] қонун(и) бошқа барча қонунларни бекор қиласди”⁷¹, дейди. Ҳатто бугунги кунда ҳам Қоҳирадаги Ал-Азҳар университетининг толиби илмларидан Иброҳим ал-Лаққаний (ваф. 1631 й.) нинг шеърга солинган ақидасини ёд олиш талаб этилади. Унда мана бундай сўзлар бор:

Ислом насхи бошқа динлар ўрнини олди мангу-га;

*Буни рад этгандарнинг жазосини Аллоҳнинг ўзи берсин*⁷².

Унинг шархловчиси Байжурый эса фақат зарур сўзларни қўшиб қўяди:

*Бу мавзуга тегишли ҳадислар ниҳоятда кўп ва тавотур (огиздан-огизга ўтиб тарқалиш) даражасига етади ва шу маънода Пайғамбар (Уни Аллоҳ, раҳмат қилин ва унга Аллоҳнинг саломи бўлсин)нинг дини бошқа динлар ўрнини эгалади ва мусулмонларнинг ўзаро муроса (ижмо) си орқали қарор топади*⁷³.

Бошқа бир машҳур шахс, 13-асрда Суриядада яшаган хукуқшунос ан-Нававий ҳатто қўйидагиларни талаб ҳам қиласди:

Мабодо, бирор киши бошқа бир кишининг исломдан бошқа динга эътиқод қилишига ишонмаса, ўзи мусулмон эмас, ёки ўша кишини диндор эмас деб гумон қиласа, уларнинг мазҳабини

⁷¹ Muhammad al-Shahrastani, *Nihayat al-Iqdam fi‘ilm al-kalam*. Ed. A. Guillaume (London 1934), p.446.

⁷² Ibrahim al-Laqqani, *Jawharat al-Tawhid*, with the commentary of Ibrahim al-Bayjuri, *Tuhfat al-Murid* (Beirut, 1403/1983), 137.

⁷³ al-Bayjuri, *Tuhfa*, 137.

қонуний деб билса, гарчи исломни тан олиб, унга эътиқод қилса ҳам кофир саналади⁷⁴.

Ушбу ақидадан иқтибос олган замонавий илохиётшунос Нух Келлер шундай қўшимча қиласди:

*Бу фақатгина ан-Нававий ҳам вакили бўлган шофиъйлар фиқҳ мактабининг позицияси – турими бўлиб қолмай, бошқа З та сунний мактабнинг ҳам ёзib қўйилган туримидир: Ҳанофия (Ибн Обиддин, Радд ал-мухтор, 3.287), Моликия (Ад-Дардир, “Аш-Шарҳ ас-сагир”, 4.435), Ҳанбалия (Ал-Бахутий, “Кашиф ал-қина”, 6.170). [...] Муқаддас қонун нуктадонлари исломнинг бошқа динларни насх қилиши борасидаги қарашларида яқдил, чунки исломнинг мақсади аслида шудир*⁷⁵.

Аммо исломнинг олдинги динлар устидан фалаба қозонгани, мантиқан олиб қараганда, ўша динларга эътиқод қиласдиган кишиларга нисбатан абадий лаънат ёғдиришни талаб этмайди. Келлер бир хадисдан иқтибос келтиради: “Менинг Аллоҳнинг пайғамбари эканимни эшитган, аммо унга имон келтирмай ўладиган яҳудий ёки христиан дўзах ўтида куювчилар сафида бўлади”⁷⁶.

Ушбу мисол мусулмон бўлмаган қавм тақдири хусусидаги анъанавий калом таълимотининг бош масаласидир. Партикуляризм⁷⁷ теодицеяси⁷⁸ бошқа дин вакиллари амалини маъқулламаслик жоҳилликдан эмас, атайлаб рад

⁷⁴ Yahya al-Nawawi, *Rawdat al-talibin* (Beirut, 1412/1991), X, 70, cited in Nuh Keller, *Tariqa Notes* (n.p., 1996), 25.

⁷⁵ Keller, 25.

⁷⁶ Muslim, *Sahih*, cited in Keller, 24.

⁷⁷ Партикуляризм (лот. *particula* – зарра) илохиётшуносликдаги, Қиёмат куни ҳамма эмас, фақат айрим христианларгина нажот топиши мумкин, деб хисобловчи таълимот. — *Тарж.*

⁷⁸ Теодицея (франц. *theodicee* – худони оклаш, юнон. *theos* – худо ва *dike* – адолат) – раҳмдил ва кодир Аллоҳ фоясини дунё ёвузлиги – шайтон мавжудлиги билан муросага келтиришга, Аллоҳни яратувчи ва дунёнинг рабби сифатида борликнинг кора кучлари борлиги билан “оклаш”га уринаётган диний-фалсафий доктриналарнинг умумий номланиши. Уни 1710 йили Г.В.Лейбниц мумолага киритган. — *Тарж.*

этишдан келиб чиқади, деган қараш билан ҳал этилади. Исломда ибтидоий гунох (Одам Ато билан Момо Ҳавонинг гуноҳ қилиб жаннатдан қувилгани маъносида) доктринаси — мабдаси йўқdir. Ислом ҳадис сўзларида “ҳар бир бола ибтидоий инсоний **фитрати** билан дунёга келади⁷⁹, ушбу фитратга амал қилинса, у омад келтириши муқаррар”⁸⁰, деб ишонтириш билан, ҳар бир киши гунохи тасдиқланмагунча бегуноҳdir, (ҳатто Одам Ато билан Момо Ҳаво жаннатдан қувилгандаридан сўнг ҳам) бегуноҳлик бизнинг табиий ҳолатимиздир, бинобарин, жаннат Одам Атонинг авлодлари учун эришиш мумкин бўлган манзилдир⁸¹, дейди. Мана шу инсонпарварлик йўлини тутган қалом илмининг дастлабки нуктадонлари ақл-заковатни ахлоқий билимнинг автоном манбаи деб ҳисоблаган ва инсон ақлининг, ҳатто ўзига хос ваҳий келмаган пайтда ҳам Аллоҳни ва ахлоқий қонуннинг универсал моҳиятини билиб олиш учун умумий ваҳийни рад эта билиш қобилияти борлигини эътироф этишган. Фақат эҳтиёткор тажриба ва кузатув интуиция сифатида бизга тўйимли ва заҳарли овқатларни бир-биридан ажратиш имконини беради, худди шу тариқа инсонлар ўзига хос ваҳий ёрдамисиз ҳам яхшиликни ёмонликдан ажратиб олиши мумкин⁸². Дарҳақиқат, мотуридия тарафдорлари шу маънода ваҳий тушмаган ва мусулмон бўлмаганларни **мукаллаф** этиш, яъни мажбурлаш керак, деб ҳисоблаган, гарчи Аллоҳ уларга ваҳий туфайли нозил бўлган мукаммал қонунга эга бўлишни буюргаган бўлсада, Ул зотга акс садо бергани учун уларни кечиради, деб билади⁸³. Чунки улар ҳам, худди мусулмонлар сингари

⁷⁹ Muslim, Qadar, 25.

⁸⁰ Bukhari, Wudu', 75.

⁸¹ Одам Атонинг тавбаси қабул килинганидан сўнг; “Куръон”, “Бақара” сураси, 37-оят.

⁸² Nasafi, 473.

⁸³ Kevin Reinhart, *Before Revelation: the boundaries of Muslim moral thought* (Albany, 1995), 45, 48, 59. Ашъарийларнинг сўнгги турими анча тушкундир; масалан, Фаззолий инсон ақл-заковатининг ишончсиз ва хиссиятларга бериувчан табиатига боғлик бўлиб қолишдай оғир вазифани юклашга рухсат бермайди (74-бет). Мотуридия тарафдорлари эса дунёнинг индикативлигига бўлган дастлабки ва кўпроқ Куръонга хос бўлган ишончга асосланади.



тоифададир, аммо [Ислом дини] пайғамбари ва шариат хукмларидан ғоғил бўлишгани учун маъзур тутилади⁸⁴, улар функционал диний жамоа деб қаралиши керак, бу жамоа келгусида ўзини жаннат ёки дўзах кутиб турганини билади.

Ашъарийликнинг кейинги даври вакилларининг ўзини ваҳийнинг “юксак” нуқтаи назарига дахлдор деб билиши мусулмон бўлмаганлар ҳам Аллоҳни ва ахлоқ қонунини билишга мажбурдир, деган қарашни истисно қиласр эди. Шунга қарамасдан, аксарият ашъарийлар уларни шундай қилиши керак, деб ҳисоблар эди. Аллоҳнинг бирлиги ваadolатли эканини тан оладиган, аммо ваҳий ёрдамида нозил бўлган қонунидан ғоғил кишилар “мусулмонлар мақомидадир” ва нариги дунёда жаннатга тушишлари мумкин. Аллоҳнинг бир ваadolатли эканини билмасдан куфр ҳолатида ўлиб кетадиган кишилар, гарчи Аллоҳ уларни “ажр бериб эмас, ўзининг беадад марҳамати сабабли худди балофат ёшига етмай ўлиб кетган норасида гўдакларни туширгандай жаннатга туширса-да, ажр ҳам, жазо ҳам олишолмайди⁸⁵.

Гарчи калом илми шу тариқа ваҳий келмаган бир пайтда ҳам илохиётшунослик мавжуд бўлади (ашъария) ёки ҳатто зарур (мотуридия) деб ҳисобласа-да, Аллоҳнинг бандалари ўз даврининг пайғамбарини тан олиш мажбуриятидан озод этилмайди. Унинг дини бандаларининг эҳтиёжларига қараб илоҳий бир тарзда бичилган, бандасига эса уни қабул қилиш учун мӯъжизалар мукофот қилиб юборилган; бинобарин, Муҳаммаднинг пайғамбарлиги билан боғлиқ ишонарли аломатлар, булар жумласига унинг қулида Аллоҳга ҳамду сано айтган тош, ойнинг шикқа бўлиши, унинг бармоқлари орасидан оққан сувни киритиш мумкин⁸⁶; Кимдир у мӯъжиза кўрсатишда жоду ёки кўзбойлағичликдан фойдаланди, деб даъво қилса, бу даъвоси унинг Мусога

⁸⁴ Baghdadi, *Usul*, 262.

⁸⁵ Ўшаерда, 263.

⁸⁶ Ўшаерда, 161.



нисбатан килган даъвосидан яхшироқ эмас⁸⁷. Аммо олдинроқ ҳадисда қайд қилингани ва қалом илми муроғаси талаб этаётганидай, солиҳ амалларни қилғандаги на (охир) замон пайғамбариға бўйсуниш керак. Ашъария ва мотуридия вакиллари ўзлари айбдор бўлмаган холларда бундан бехабар эса, **фалоҳ** (нажот кутиш)-га номзод бўлади. Шунга қарамасдан, иккала мактабга мансуб илоҳиётшунослар ҳам айнан қайси нуқтада янги ваҳий динини қабул қилиш бошланишини аниқлашда ожиз қолмоқда. Рум илоҳиётшунослари Аллоҳни рад этишдай гуноҳи – чунки улар мусулмонлар ботиқ мис сфера⁸⁸ (кура)га эътиқод қиласди – учун ёки лотин салб юриши пешволари уларнинг **Chansons de Geste**⁸⁹ да қўпхудолилик дини деб кўйланган бу динни рад этишдай вазифани бажариш учун ёлланган, деб ишонгани учун айбдор бўлганми?⁹⁰ Гарчи турли хил қараашлар илгари сурилган бўлса-да, ислом илоҳиётшунослиги ҳеч қачон аниқ бир ақидага эга бўлмаган. Фаззолий ашъарийларнинг табиий билим борасидаги тушкунликларига қарамасдан, бир ишончли қўзқараашни илгари суради. У ушбу кўз қараши билан Куръондан олдинги (яъни жоҳилияят даври жамоалари) ўзларига янги ваҳий етарли даражада етказиб берилмагани учун исломни рад этиш йўлини тутган тақдирда ҳам **фалоҳ**га мустаҳиқ бўлиши мумкин, деб ишонишини баён қиласди. Куйидаги узун иқтибос Fazzolийнинг бу қараши муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади:

⁸⁷ Ўшаерда, 162.

⁸⁸ Daniel J. Sahas, "‘Holosphyros?’ A Byzantine Perception of “The God of Muhammad”, pp.109–125 of Yvonne Haddad and Wadi Z. Haddad (eds.), *Christian-Muslim Encounters* (Gainesville, Florida, 1995). Ислом заминининг яқинлиги ва у ерга мусулмон сайёхлар ва савдогарлар келиб туришига ва орадан (ислом пайдо бўлганидан бери) анча вакт ўтиб кетганига қарамасдан, 12-асрда юнон черковида мусулмонликни қабул килган кишилар Мухаммад сиғинган ботиқ курадан воз кечиши шиорини эълон килишга мажбур бўлишган.

⁸⁹ **Chansons de Geste** (фр.) “Харакат кўшиклари” маъносини инглатади. Франк кироли Шарл I (742-814) билан боғлиқ ривоятлар асосида пайдо бўлган француз поэмалари (“Британника”). – Тарж.

⁹⁰ Norman Daniels, *Heroes and Saracens: an interpretation of the Chansons de Geste* (Edinburgh, n.d.).



Гарчи жоҳилият даври аҳлининг аксарияти ё бир оз фурсат ёки **соат**, ёки бўлмаса, узоқ вақт жаҳаннам оловида куйса ҳам Аллоҳ улардан ўз раҳматини дариг тутмайди, чунки “Олов аҳли” атамаси айнан ўшаларга нисбатан қўлланиши мумкин⁹¹. Боз устига, мен бугунги куннинг художўй Рум христианлари ва туркларини Аллоҳ раҳматига олган, деб ҳисоблайман. Мен бу билан (Исломга) давват етиб бормаган Рум ва турк ерларининг олис жойларида яшовчи кишиларни назарда тутяпман. Ўша кишилар уч тоифага бўлинади:

[Биринчи] тоифага Мұҳаммад (соллаллоҳи алайҳи вассаллам) отини умуман эшиитмаган ва шунинг учун кечириладиган кишилар киради.

[Иккинчи] тоифага унинг отини эшиитган, унинг фазилатлари ва кўрсатган мўъжизаларини биладиган кишилар мансубдир. Бу кишилар ислом заминига қўшни ҳудудларда истиқомат қилишади ва ўзларини мусулмонлар деб билишади. Улар **кофир ва мулҳидин** (инкор қилувчи) лардир.

Ана шу икки тоифа ўртасида учинчи тоифа (вакиллари) бор. Улар Мұҳаммад (соллаллоҳи алайҳи вассаллам) номини эшиитган, аммо унинг фазилатлари ва тийнатидан бехабардир. Улар бунинг ўрнига болалигидан бошлабоқ, ҳудди бизнинг фарзандларимиз, мени Аллоҳ юборган, деб хиёнаткор бир тарзда пайгамбарлик даъво қилган Ал-Муқанна⁹² исмли ёлғончининг гапини

⁹¹ Фаззолий бу уринда Аллоҳнинг Одам Атога ҳар минг руҳнинг 999 таси “**баъс ан-нур**” (олов ахли)ни олиб чиқиши буюргани баён этилган машхур ҳадисга ишора киляпти. (Bukhari, Riqaq, 46; see Ibn Hajar al-'Asqalani, *Fath al-Bari sharh Sahih al-Bukhari* [Cairo, 1959], VII, 196.)

⁹² Фаззолийнинг гаплари “Дунё” нашридаги “Ал-Муқаффа”га тегишли бўлса керак. Тарихий шахс бўлган Ал-Муқанна (ваф. мил. 783 й.) ўзини Аллоҳнинг инкарнацияси, яъни руҳиман, деб даъво қилган ва Марқазий Осиёда конли қўзғалон кўттарган; ҳалк хотираси бундада ишларни Фаззолий даврига қадар яхши сақлаб колган. Каранг: “Abd al-Qahir al-Baghdadi, *al-Farq bayn al-firaq* (Cairo, 1328/1910), 257-8. Бизнинг манбаларда Муқанна чет эл босқинчиларига қарши курашган қаҳрамон сифатида талқин этилса, диний манбаларда у мана шунга ўхшаш сохта пайғамбар сифатида кораланади. — Тарж.

эшиштгандаи, мен Мұхаммадман, деб пайғамбарлық даъво қылған сохтақорларнинг сағсаталарини эшишишади. Менинг назаримда, булар [учинчи тоифага мансуб кишилар] биринчи тоиғадагилар қаторига құшилади. Гарчи улар пайғамбар номини эшиштан бўлса-да, аслида Расуллоҳнинг табиатига хос бўлмаган фазилатларни унга хос деб эшишган. Бу ҳол изла(ни)ш учун ҳеч бир турткি бермайди⁹³.

Хиндистоннинг 18-асрда яшаган энг машҳур мусулмон илоҳиётшуноси Шоҳ Валиуллоҳ ад-Деҳлавий етарли даражада мусулмон бўлмаганлар ҳам муваффақият (Аллоҳнинг марҳамати) га эришиши мумкин, деб таълим берган. У Куръоннинг “Ал-Аъроф” (руҳлар охир-оқибат жаннат саодатига эришиладиган жойга ўтиладиган “девор”)⁹⁴ сифатидаги машҳур эсхатологик хусусиятларига муносабат билдирап экан, ўзининг биографи сўзлари билан айтганда, мана бундай деб ёзади:

Аллоҳнинг номасини олмаган, шунингдек, тог тепасида Ул зотга эътиқод қилмасдан, ёки унинг мавжудлигини ҳам билмасдан, худди факат ўзининг табиий эҳтиёжларини қондирishi ни ўйлайдиган моллар сингари яшаётган кишилар ҳам Аърофда яшовчилар орасида бўлади. Улар ислом ёрлигини олган бўлсалар ҳам, жоҳилликлари сабаб, диндан фойда ола билмаган. Улар теран фикрлашга тўқсинглик қылған ша-

⁹³ Abu Hamid al-Ghazali, *Faysal al-tafrīqa bayn al-Islam wa'l-zandaqa*, ed. Sulayman Dunya (Cairo, 1381/1961), 206.

⁹⁴ Дин амалиёти Аърофга тегишли оят хусусида бир тұхтамга кела олмади (“Аъроф” сураси, 46-47-оятлар), бирок тепалик ғояси конуний талқин сифатида кабул килинган. Бу талқин етакчи сахоба Худхайфа ибн ал-Яманга нисбат берилади. Масалан, каранг: Ibn Jarir al-Tabari, *Jamī' al-bayan fi ta'wil ai al-Qur'an*, Shakir and Shakir ed., volume XII (Cairo, 1957), 452: “Баъзи бирорлар Одам Ато авлодларидан бир гурухининг яхши ва ёмон амаллари ўзаро тентидир, шунинг учун улар Аллоҳ тақдирларини хал этгунча ўша жойда тура туради. Сўнгра Аллоҳ уларни ўз марҳамати билан жанинг киритади”. Гарчи бу караш ҳеч качон мухим аҳамиятга молик, деб хисобланмаган бўлса-да, экзегетик анъянанинг аксарияти уни кабул қилган.



роитда униб-үсгән, тарбияланган. Улар фәқат мана бундай билимга қодир эди: мусулмонлар фалон-фалон нарсаларни тановул қыла-ди, фалон-фалон нарсалар эса ейиш учун ҳаром қилинганд [...] Улар худди түрт оёкли жони-ворт үхшаб, Аллоҳ хусусида ҳеч қандай ту-шунчага эга эмас. (Шунинг учун) Уларни айб-лаб ҳам, [исломни рад этиш учун] ёллаб ҳам бўлмайди⁹⁵.

Калом илми доирасида Куръон ваҳийсига жавобан Бағдодий ва бошқалар томонидан ривожлантирилган Фаз-золий ва Дехлавий таълимоти “кенг миқёсли умид”га йўл очиб бериши шубҳасиз. Илоҳиётшунослар Мухаммадга уммат бўлиш соғлом эътиқод ва ҳаёт муқаддаслиги учун максимал имкониятлар яратиб беришини олқишилар экан, Аллоҳнинг марҳамати Ислом чегараларидан нарига ҳам ёйилиши мумкинлигини худди мусулмончиликдан олдинги динларнинг баъзи бир ислом таълимотидан бехабар қавмлар то шу кунгача эътиқод қилиб келаётган шакллари чин маънода яккахудолик ғоялари ва илоҳий адолат принципини сақлаб қолганидай, осонгина қабул қилишлари мумкин. Бундай қавмларга келсак, улар учун насх тушунчаси ўта назарийдир. Илоҳиётшунослар ўз асосчиларининг ҳақиқий қарашлари нимадан иборат эканини билиб олиш учун бундай дин шаклларини тад-қиқ қилиб, улардан баъзилари бошқаларига нисбатан соғроқ ҳолда сақланиб қолганини, улар исломнинг мавжудлиги ўз индивидуал тарафдорларининг пировард тақдирини қоралайди, деб ҳисобламаслигини билиб олишлари мумкин. Шу ўринда, эркак ёки аёлнинг ўз маданий муҳитида мавжуд бўлган диний тутимларга қанчалик риоя қилаётгани сифатини баҳолаш мезонини фақатгина Аллоҳ билгувчиидир, деган ақидага амал қиласидиган мулоҳазали агностицизм⁹⁶нинг аҳамияти бекиёсдир.

⁹⁵ G.N. Jalbani, *Teachings of Shah Waliyullah* (Lahore, 1967), 158.

⁹⁶ Агностицизм [ингл. agnosticism < юнон. ἀγνῶστος билиб бўлмайдиган] фалс. — объектив борлик ва унинг конуниятларини билишни инкор қиласидиган фалсафий таълимот. — Тарж.

Кўриб чиққанимиздай, Куръон пировард фикрни айтишни Аллоҳнинг зиммасига юклайди, “Моида” сурасининг 48-оятида айтилганидай, Ул зотнинг ўзи динлараро мунозараларга ойдинлик киритади, деб ҳисобланади. Ҳадисда, ушбу ойдинлик киритилгандан сўнг ҳар бир пайғамбар ўз қавми учун шафоат қиласди, ҳатто чиқарилажак салбий илоҳий хукмни бекор қилишга тийиксиз жоҳиллик ҳам баҳона бўлолмаса-да, у юмшатилиши ёки ҳар бир қавм ҳимоячиларининг эсхатологик ҳимоясидан сўнг раҳм қилиниб, гуноҳ кечирилиши мумкин, дейилади. Бинобарин, Мусо адашган яхудийлар учун марҳамат сўрайди, Исо эса христианларнинг ёнини олади. Бундан ташқари, Ҳазрати Муҳаммаднинг якка ўзи марҳаматли пайғамбар ва Буюк Аҳднинг мужаддици сифатида қиласдиган Буюк шафоат олдинги дин тарафдорларининг ҳам гуноҳини сўраб олиш учун ислом дини чегараларидан ташқарига ҳам ёйилади⁹⁷. Бу ҳол постмодерн евангеллаштириш⁹⁸ деб тушунилмаслиги керак; бу Аллоҳ раҳматининг Расулуллоҳ орқали зухур булишидир.

Ушбу муҳокамалар қандай сотерилогия (нажотшунослик)ни яратиши мумкин? Шуниси аниқки, олдинги саҳифаларда баён этилган теологик тушунчаларни оддий замонавий маънода “инклюзив”, яъни ҳамма нарсани ўз ичига қамраб олган, деб бўлмайди. Исломнинг тарихдаги кўп марта рўй берган ҳалоскорлик интервенциялари тўғрисидаги далолатларини ҳисобга олсак ва агар биз “муслим” атамасини динга эътиқод қилиш маъносида тушунадиган бўлсак, мусулмон бўлмаган ва “аноним мусулмонлар”га ғамхўрлик қилишда иштирок этишга зарурат йўқлиги маълум бўлади. Гарчи Расулуллоҳ пировардидиа уларга нажот, ўзлари амал қила оладиган даражада Аллоҳга ибодат қилиш йўлини топиб берса-да, бу Муҳаммад шахсидан “аноним тарзда”, яъни онтология йули билан эмас, аксинча, табиий илоҳиётшуносликдан, улар-

⁹⁷ al-Murtada al-Zabidi, *Ithaf al-sada al-muttaqin sharh Ihya' "ulum al-din* (Cairo, 1311AH), 10, 494-5.

⁹⁸ Evangelisation (ингл.) 1. Инжилдан вაъз айтиш. 2. Христианликни қабул килдириш. — Тарж.

нинг ўз дин асосчиларидан етиб келган таълимотлар орқали, яъни эпистемологик йўл билан ҳосил бўлади. Ўша динларнинг йўриқномалари ё насх қилинган, ёки йўқ бўлиб кетган, аммо уларнинг худонинг бирлиги ва одиллигига оид умумий таълимотларини Ул зотнинг мавжудлиги ва табиий тартибининг афзалликлари ҳақида хулоса чиқариш ёки уни мустаҳкамлаш учун эсга олиш мумкин. Улар мусулмонлар эмас, аммо илоҳиётшунослар айтмоқчи, мусулмонлар қаторида ажр ёки жазо оладилар. Бинобарин, қалом илми ҳеч қачон олдиндан белгилаб қўйилувчи раҳмат ёки ўлимдан сўнг мусулмон бўлиш сингари чалкаш назарияларни ривожлантиришга эҳтиёж сезмаган. Шафоат қилиш ақидаси, табиий сабаб кучлари хусусидаги мотуридия оқими вакилларининг некбинлиги, тарих ва жуғрофияни бир-биридан кескин фарқ қиласидиган турли бўлакларга бўлиб юборувчи алоҳида шахсга нозил бўладиган ваҳийдан кўра ҳар бир пайғамбар келиши билан тафсилотлари тузатиладиган мантиқий ваҳийнинг даврий жараёни хусусидаги қатъият Бошқанинг **фалоҳи** (нажот топиши) масаласини нисбатан содда деб хисоблади.

Гарчи бу мусулмон битикларининг олдинги номаларни **насх** қилгани хусусидаги кафолатини сақлаб қолса-да, бундай кескин бўлмаган насх (олдинги илоҳий матнларни тузатиш) насх илоҳиётшуносликларининг иллюристлар қайта-қайта иқтиbos оладиган энг катта хавфларидан бири: манманлик гуноҳини бартараф этиши мумкин. Масалага газзолийча қараш юкнинг асосий қисмини айни шу бобда обдан таърифи берилган мусулмон бўлмаганлар зиммасидан олиб, мусулмонларнинг елкасига юклайди. Бу билан **bien-pensant**⁹⁹ мусулмон мусулмон бўлмаган қўшниси учун **фалоҳдан** маҳрум бўлиши мумкин. Бу уринда насх оғир масъулиятни бажаролмай қолишдан қўрқиш эмас, галабалар асоси деб тушунилса, мулоқотга ярамайдиган салбий маънио касб этиб қолади.

⁹⁹ Bien-pensant (*фр.*) тўғри ўйлайдиган, чин маъносида. – Тарж.



Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ҳар бир кишининг ўз қавмини нажот тарихининг марказида туради, деб даъво қилиши хатодир. Бу мукаррар суръатда манманликка, келишмовчиликка ва зиддиятга олиб боради. Фарб христианлигининг аксарият мазҳаблари ўзларини бошқа мазҳаблардан мутлақ устун деб даъво қилиш билан кўзга ташланаётган бир пайтда бошқа динларнинг асосларини кескин рад этмаган ёзма ақидаларга эга бўлган ҳамда шу сабабли асрлар давомида диний тинч-тотув яшаш даражасини сақлаб қола олган ислом сингари динга эътиқод қиладиган қавмлар бундай йўл тутмади. Бундай қавм бугунги кунда Бошқанинг хурматини жойига қўядиган илоҳиётшунослигини бошқаларга кўз-кўз қилиши мумкин. Ҳамма нарса ўзаро қоришиб кетган дунёда яшаш осон эмас, аммо динларнинг ўз-ӯзини тушунишнинг, худди шунингдек, шахснинг ўз-ӯзини тушунишнинг асосий жиҳатларидан воз кечишга мажбурламаслик эҳтиёжи Бошқани ёвузлаштирмаслик, тарих ва дунёни моний¹⁰⁰ часига қабул қилмаслик имконини беради.

¹⁰⁰ Монийлик дини Эронда З-асрда Моний асос соглан дин. Дунёни яхшилик ва ёмонлик, нур ва зулмат ўртасидаги муттасил курашдан иборат деб тушунадиган ақида. — Тарж.



IX б о б

БРИТАНИЯ ВА БҮҮОК АҲД

*“Худосизлик деб аталган сулукка амал қилиб,
мен ота-боболарим динига эътиқод қиласман...”*

Жон Милтон, *Авлиё Павелдан иқтибос*

1997 йилда эълон қилинган маълумотларга қараганда, 2002 йилга бориб Британия мусулмонлари сони Англия черковига қатнайдиган христианлар миқдоридан ошиб кетади. Ўша йили мусулмонларнинг сони 760 минг киши, англиканларники эса 756 минг киши бўлади¹. Дизраэлининг “алдайди, статистика ҳам ёмон алдайди” деган гапини тасдиқлайдими, йўқми, бундан катъи назар, ислом Британиянинг диний манзарасида кўзга ташланувчи ҳолга келгани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Ассимиляция жараёнлари миллий ўзига хосликнинг четларини емириб ташламоқда, бироқ дин асосий эътиқод ва амалиётларнинг сиқувга олиниши ва ўзгартирилишига қаршилик кўрсатишнинг одатий ўжар қолипига мослаша бормоқда. Бугунги кунда Британияда бҳангра илоҳиётшунослиги ёки эътиқоди йўқ, унинг ўрнига бҳангра мусиқаси баландроқ янграмоқда. Шунга қарамасдан, ёки шунга асосан, ислом муваффақиятли тарзда тез-тез бир авлоддан иккинчисига ҳам ўта бошлади. Бу комплекс характердаги муваффақият эди, кўпгина ёш мусулмонлар диннинг жамоа бўлиб ибодат қилиш ва маънавий мерос умидидан йироққа тушиб қоляпти, бу ҳол қишлоқда яшаб ўсган эмигрантлар авлодининг эътиқод ва урф-одатларнинг

¹ Rajeet Syal and Christopher Morgan, “Muslims Set to Outnumber Anglicans”, *Sunday Times*, 11 may, 1997.



синкетрик шакллари билан характерланувчи² диний тушунчаларнинг урбан, *номоцентрик*³ кўринишларини кашф қилиш феномени билан боғлиқдир. Турли шамоллар эсмоқда, мабодо масжидга бориш ўзига хос йўл кўрсатиш бўлса, жамоа ўзига яхши бир истехком ҳозирлаётгани кўриниб турибди.

Бундай танланган эврилиш воситасидаги яшовчанлик олис диндор ўтмиш *ressourcement*⁴ и билан уни курсаб турган Британия маданиятининг ўзаро таъсирини мактаб ва оммавий ахборот воситалари сингари кудратли маданий курол воситасида бирлаштириди. Динлар амалиёт билангина мавжуддир, жамоада баъзи бир воизларнинг нарсаларнинг моҳияти хусусидаги даъволарига қарамасдан, дастлабки эмиграциянинг поёнига етиши Британияда исломнинг йиллар ўтиши билан тобора инглизлашиб бораётганини кўрсатмоқда. Буюк Британия мусулмонларининг аксарияти бу мамлакатни ота юрт деб билади ва инглиз тилида сўзлашувчи жамоанинг **Q-News** сингари кундан-кун гуллаб-яшинаётган газеталарини ўзиники деб хисоблади. Айни пайтда уларнинг урду ва турк тилларида мұқобиллари бирин-кетин ёпилиб кетмоқда. Ҳатто дастлабки авлод маданиятининг сўнгги истехкоми бўлмиш воизлар минбари ҳам ўз миллатини ўзгартирумокда; Лондоннинг шарқий қисмидаги Ист Энда масжид маросимлари нафақат араб ёки силҳети тилларида, қолаверса, инглизчада бехато ўтказилаётгани кулоққа чалинади.

Ўн йилнинг нари-берисида зариф антропологик назарияларга янги синов майдони ҳозирлаш учун жиҳдий илмий изланишлар қилина бошлади ва катталашиб бораётган тушунчаларга яна ниманидир қўшиш бу тадқиқотлар мақсадига кирмайди. Бунинг ўрнига ушбу яқинлашув — конвергенциянинг улкан мазмунига оид баъзи бир норасмий мулоҳазалар ижтимоиётшунос олимнинг

² Ушбу жараён ҳакида маълумотга эга бўлиш учун каранг: Jessica Jacobson, "Islam in Transition: Religion and Identity among British Pakistani youth" (London and New York: Routledge, 1998); "Muslims in Britain' Searching for an Identity", New Community 13 (1987), pp.384 – 394.

³ Номоцентризм (ингл.) "марказида конун турадиган" деган маънода. — Тарж.

⁴ Ressourcement (франц.) — аслиятта қайтиш, қайта тунилиш, қайта тиклапши. — Тарж.



эмас, дин тарихчисининг қарашларидан фойдаланилган ҳолда баён қилинади. Агар биз кўпчилик мусулмонларнинг ушбу оролларга келиши ва муқим яшаб қолиши динимиз тарихидаги Реформациядан сўнгги энг муҳим воқеадир, деган ҳимоятаб мулоҳазани ўртага ташласак, Британия ва ислом ўзига хосликларининг теран структуралари янги аср эшик қоққан сари ўзаро яқинлашиб кетгани, яқинлашиши мумкинлигини мулоҳаза қилишга бўлган уринишларни зўр бериб оқлашимизга тўғри келади. Бундай таҳлилга имкон берадиган асбоблар, албатта, ўтмас асбоблардан беҳроқ бўлиши керак: инсон диний ақл моҳиятан нотурғун, англаш қийин бўлган нарса эканини ва унинг ҳаракат йўналишини мутлақо башорат қилиб бўлмаслигини тушуниш учун “диний мусиқачи” бўлиши шарт эмас. Бироқ иккала дунёда ҳам ўзаро кесишган ва бир-бирини бойитадиган тушунарли матнлар, тамойиллар ва ақл кўнникмалари мавжуддир, улар ҳар бир наррациянинг сифатини эмас, юза қисми-ни ташкил этишига қарамасдан, кўп нарса бериши мумкин. Эҳтимол, Оскар Уайлд: “фақат шалдир-шулдир одамларгина ташки кўринишга қараб хулоса чиқаришмайди”⁵, деганда динсизлик қилмаган бўлса керак.

Бугунги интеллектуал мұхитда истеъмолга кириб келган замонавий атамани ишлатсак, метанаррация билан боғлиқ сеҳргарликлар муаммога айланиб қолганини жонжон деб таъкидлашни истардим; “ислом” ёки “Британия-ча ўзига хослик” сингари категориялар тақдири хусусидаги мулоҳазалар, аввало, унинг параметрларини тушунириб бериши зарур. Шуни айтишим керакки, мен, дейлик, Клиффорд Геертз⁶нинг, ислом ер юзидағи ҳамма нарсани тушунишга ёрдам беради, деган фикрға қарши антропологик далилларини ҳурмат қилиш баробарида яқиндагина илдиз отган ижтимоий фанга оид тадқиқотлар тўлқини ёки тушунча ва ақидаларнинг мағзини тарих орқали чақишига бўлган фалсафий уринишлар ҳимоясига тоқат кила олмайман. Фикри ожизимча, деконструкция-

⁵ Оскар Уайлд, Дориан Грейнинг портрети, 2-боб.

⁶ Клиффорд Жеймс Геерта (1926 й. туғилган) — америкалиқ маданият антропологи, рамзий антропология ва интерпретацион антропологиянинг етакчи мударриси ва ҳимоячиси. — Тарж.

нинг ўзи наррация нуктаи назаридан ўрнини эгаллаши керак бўлган деконструкцияга нисбатан ҳассосдир: Лиотар, Деррида ва бошқаларнинг умумий жиҳати бор: улар французлардир, янаам ўзига хос жиҳати шундаки, улар *Lumières*⁷дан сўнг вужудга келган маданий муҳитда тарбияланган. *Lumières* француз католицизми ва француз миллатининг юзага келишига сабаб бўлган бир неча фалокатлар туфайли оёққа туриб олган билишга нисбатан тобора скептик ва апоретик ёндашув оқибатида вужудга келган эди. Худди галларнинг елка қисиши дунёқарашга айланиб кетгани сингари эҳтимол постмодернизмнинг ўзи ҳам деконструкцияланиши мумкиндир? Ҳар ҳолда унинг бирор (нинг қилаётган иши)га қозилик қилиш даъвоси барча тушунарсиз қироатларга ойдинлик киритиш истаги билан келиша олмайди.

Ашъарийликка ўхшаган, лекин худосиз бўлган постмодернизм замонавий маданият экзегетикаси (тафсири)-га таянади. Ушбу маданият ҳали ҳам ўз моҳиятига кўра, ҳукмрон мафкура ва расмиятчиликка қарши туриши билан урушдан кейинги ҳолатидан узоқлашиб кета олмаган. Лиотар ва Бартес⁸, чиндан ҳам, синчков кузатувчилардир; уларнинг тарих таҳлилчилари сифатидаги лойиҳаси атомизм⁹ни талаб этади. Бу ҳол профессионал тарихчилар йикқан далилларга мос келмайди. Эрнест Геллернинг кузатишича, у ислом дунёси тақдим этган метапаррацияга зид келади¹⁰. Геертз ва постмодернизм

⁷ *Lumières* (фр.) Siècle De Lumières ("Маърифатлилар асли") 17–18-асрларда Европадаги зиёдилар ҳаракати номи бўлиб, унда худо, сабаб, табиат ва инсон тушунчалари бир дунёқарашга синтез килинган ва уни кўпчилик мъкуллаган. Ушбу дунёқараш санъат, фалсафа ва сиёсатда инқилобий ўзгаришларга сабаб бўлган ("Британика"). – Тарж.

⁸ Ролан Жерар Бартес (1915–1980) – француз эссеисти, ижтимоий ва адабий танқидчиси. Унинг семиотика, рамзлар ва белгиларни формал ўрганиши борасидаги тадқиқотлари структурализм ва янги танқидни етакчи интеллектуал ҳаракатлар даражасига кўтаришга ёрдам берди. – Тарж.

⁹ Атомизм [фр. atomisme < юнон.]. фалс. – материалистик таълимот бўлиб, 19-асрнинг охиригача материя абадий, ўзгаришсиз ва бўлинмайдиган зарралар – атомлардан иборат деб хисобланган. Замонавий атомизм нуктаи назарига кўра, электронлар электр қувватининг "атомлари", фотонлар эса ёруғлиқ "атомлари"дир. Атомизм кент маъносидан объективнинг, жараённинг, хоссанинг (ижтимоий атомизм, мантикий атомизм ва бошқалар) дискретлилигини (узуклилигини) англатади. ("Кирил ва Мефодий") – Тарж.

¹⁰ Ernest Gellner, *Postmodernism, Reason and Religion* (London: Routledge, 1992).



антропологияси маҳаллий маданий системаларнинг моддий алмашинуви моҳиятини тушуниш воситаси вазифасини бажариши мумкин; бироқ у ислом дунёсининг турли ҳудудларидағи суннийлик институтининг ўқув дастури ва услуби билан қарама-қарши келиб қолган тақдирда самара бермаслиги мумкин. Халқ дини шаклида на-моён бўлган партикуляр — майда оқимлар постмодерн ўзгаришга мойил кузатувчиларни ўзига ром қилиб қўймоқда. Улар масжид ёки мадрасани камдан-кам ҳолларда тилга оладиган бўлиб қолди. Асрлар давомида Маккага ҳаж қилиш рамзи бўлган ва ундан қувват олган норасмий тармоқлар билан ўзаро боғланиб кетган ушбу муассасалар маҳаллий дин пешволари вилоятлар маданияти даражасига тушириб қўйган ислом маданиятига ҳақиқатан ҳам универсал маъно юклаган куринади. Ушбу муассасалар ва дин амалиётлари уларни адo этувчи кишиларнинг идрокидан мустақил равишда мавжуд бўла олмас эди, деб эътиroz билдириш ҳар хил маҳаллий мусулмон уламоларининг ҳаж сингари маросимлар чоғида бир-бирини ҳайратланарли тарзда енгил эътироф қилишини кўра билмасликни фош қилиб қўяди. Ислом тарқалган улкан ҳудудлардаги бундай эътирофнинг аниқ табиатини илғаб олиш чет кишилар учун ҳам қийин бўлиши мумкин. Назарий жиҳатдан қараганда, уни шариатнинг вужудда илдиз отишига йўйиш самара беради. Морис Мерло-Понтининг наздида, шу вужуд бизни манманлиқдан холос этади, чунки у турли маданиятлар ўзаро қоришиб кетган ягона универсал майдон ҳозирлаб беради¹¹. Ҳақиқий интерсубъективлик¹², ёки “интеркорпорейти”¹³ нинг асоси бўлган мусулмонлик ву-

¹¹ Mary Rose Barral, *The Body in Interpersonal Relations: Merleau-Ponty* (Lanham, MD: University Press of America, 1984). Унинг қарашларидаги ёнг мухим бўлган жиҳат вужудни инсон субъектини “моддийлашган рух” деб хисобловчи тушунчага асосланган интерсубъектив жой деб хисоблашидир. Бу қараш Декартнинг “вужуддан фойдаланувчи жон” деган қаршига зиддир. Бу ҳақда 90-бетга қаранг. У мусулмонларнинг танага асосланган фикх тажрибасини маданий қишиларни бирлаштирувчи асос деб хисоблаши мумкин.

¹² **Интерсубъектив** (ингл.). 1. Турли онга мансуб акллар ўргасида мулоткота киришиш (интерсубъектив мулокот). 2. Икки ва ундан ортиқ субъектлар фойдаланиши ёки улар учун жорий этилиши мумкин бўлган нарса. — Тарж.

¹³ **Интеркорпорейти** (ингл. *inter* ўрта, *corporeity*) — вужудга эга бўлиш ёки вужуд бўлишнинг сифати ёки холати, моддийлик) “моддийликлар ўртасидаги нарса” маъносида. — Тарж.



жуди, соф қонунлар манзили ҳамда мусулмон дискурсивининг бутун бошли номоцентрик структураси тамал тоши лингвистик идеализмнинг, тил воқеликни тасвиirlаб бермайди, аксинча, уни ҳосил қиласи, деган файришуурый (ва Куръонга мутлақо хос бўлмаган) ақидасига қарши туришда муҳим аҳамият касб этади¹⁴.

Геертз ва постмодерн кузатувчилар (Ислом) **уммат(и)ни** кескин тарзда бошбошдоқлашиб кетган, деб билишади; яна тарихчи ислом қавми дунёсидағи ҳар бир ўзига хосликни (мусулмонлик) вужуд(и)га асосланган ва унда тажрибадан ўтган ҳамда матнларда умумий тарзда баён қилинган мұттадил ва доимий моҳият билан фаол муносабатларда самарали деб қараши ҳам мүмкін. Суннийларнинг оддийгина битик бўлмаган меъёрий экзегетик қонуни асрлар давомида ҳудудий ўзига хосликнинг мажусий жиҳатларини ўзгартиради ва, пировардида, уларнинг ўрнини эгаллаб олиши ҳам мүмкін.

Агар биз ислом метанаrrациясими матндан келиб чиқсан ҳолда, ҳамма маъқуллаган сунний дастур нұктай назаридан аниқлаб олсак, уни құллаб-қувватлаган бўламиз. Байдавийнинг тафсири, **усул үл-Фикҳ**га оид китоблар ва ашъарийлар ёки мотуридийларнинг догматик синтезлари ва баъзи бошқа матнлар анъанавий ислом дунёсига ҳеч бир ўзгаришсиз тарқалиб кетган. Олганидан кўра кўпроқ берадиган ҳамда маданиятларнинг таниш ва изчил йўналишда ривожланишига доимий тарзда туртки берувчи қонунга асосланадиган дин системаси метанаrrация деб ҳисобланиши мүмкін; муқаддас битикларга муҳрланган абадий фундаментал муҳокаманинг ўзига хос ифодаси бўлган метанаrrацияга, назаримда, бу ўринда баҳо бериб ўтиришга эҳтиёж йўқ.

Ушбу метанаrrация Буюк Британияда инглизлик-

¹⁴ Ҳатто, тил воқеликни ҳосил қиласи, деб даъво килиш ҳам уни тасвиirlашига халал бермайди. Карапанг: See M.J. Devaney, ‘Since at least Plato and Other Postmodernist Myths’ (Basingstoke: Macmillan, 1997), p.4. Куръон нұктай назаридан, албатта, тилни Аллох берган. Вахоланки, Тавротнинг “Ибтидо” китобида уни бандаси яратган, дейилади. Мусулмон илохиётшунослиги битикларга асосланган теистик логоцентризмдан постмодернизмга қарши фойдаланиши мүмкін.

нинг ўзига хос хусусиятларига қўшилиб кетиш жараёни орқали қайтадан ранг-баранглашди ва йўналишини ўзгартириди. Бу жараёнга ёш авлод катта ёшлилардан кура “лаббай” деб жавоб берадиган ва унга кўпроқ қўшилётганга ўхшайди. Чунки катта ёшлилар қишлоқ жойларининг ўзга хос жиҳатлари руҳида тарбияланган, улар битикларни эмас, руҳоний шахсларни диннинг обру-эътибори манбаси сифатида билади. Баъзи ҳолларда мана шу нотуғри тушуниш худди Британияда янгитдан фаоллашиб кетган *тариқат*лардай, Ўрта Шарқ консерватизми орқали анъана билан қайтадан боғланишга; бошқача айтганда, исломни ўтмишдан ажратиб олиб, битикларни деб унинг муқаддаслигини бутунлай инкор қилишга сабаб бўлиши мумкин¹⁵. Аммо иккала ҳолатда ҳам Жанубий Осиёнинг файритабиий нарсалар, ҳатто сеҳргарликка асосланган жўн художўйлиги бу ўринда меъёрий анъанавий ва салафийлар¹⁶ га хос турли-туман скриптурализм¹⁷ларга йўл очиб бериши мумкин. Британияда партикуляризм универсаллашмокда, сунгра нотекис тарзда қайтадан партикулярлашмокда. Бу ҳол Браевининг художўйлигидан Деобанди, Таблиги, Шадҳили ёки ваҳҳобийликнинг тарафорлик хусусидаги замонга тезроқ мослашувчан иборалари томон силжиб бормокда ёки улар шунга қулай шароит яратмокда.

Шотланд деволюцияси¹⁸ бошлаган мунозаралар чоғида маълум бўлганидай, тарозининг бошқа палласида партикуляризмга teng кучга эга бўлган Британия нар-

¹⁵ Ron Geaves, *The Sufis of Britain: An Exploration of Muslim Identity* (Cardiff: Cardiff Academic Press, 2000).

¹⁶ Салафия (араб. “салаф” “ота-боболар”, “ұтмишдошлар” сўзидан) — Мусулмон дин арబбларининг умумий номи бўлиб, улар ислом тарихининг турли даврларida кадимги мусулмон қавми ёки “чин мусулмон боболар”нинг турмуш тарзи ва эътиқодидан улги олишга даъват қилган, улар ушбу соҳаларда кейинчалик жорий этилган янгиликларни бидъят деб хисоблаган. Бунга Куръонни рамзий-мажозий тафсир килиш усулидан тортиб, мусулмон дунёсида Фарб билан алокалари даврида жорий этилган турли янгиликлар ҳам киради. (“Ислам”, энциклопедический словарь, М. “Наука”, 1991)

¹⁷ Скриптурализм (ингл.) — диний битикларни сифати ёки ҳолати; муқаддас битикларга чинакам садокат (Вебстер (1913) лугати)

¹⁸ Деволюция (ингл. devolution, лат. devolvere сўзидан) — 1. Хуқук, ваколатлар, мулк ва масъулиятнинг бошқалар кўлига ўтиши, хусусан, марказий ҳукуматнинг ваколатларини маҳаллий ҳокимиятга топшириши. 2. Инқироз, орқага кетиш. — Тарж.

рацияси турати ва бу наррация ҳам чигаллиги жиҳатидан партикуляризмдан кам бўлмаган муаммоли категориядир. Одатда, ушбу наррацияни ҳалқ тилида “инглизлар” деб аташ қонунийдай туюлади ва бирор киши мана шу ном остида кўп минг нусхада китоб ҳам чоп этиши мумкин¹⁹. Аммо университетларда, шунингдек, баъзи ижтимоий соҳа маъмурлари орасида ҳам, Британия метанааррацияси бояси бошқа бояларни истисно қиласди, деган асосли қараш мавжуд. Бу ўринда ушбу сўроққа тўғридан-тўғри эътиroz билдириш шарт эмас; британлилик (инглизлик) аниқ бир кўринишга эга эмас ва биз анъанага кўра, унинг таркибий қисмлари деб хисоблаб келган нарсаларни бугунги кунга келиб, ўз худудларидан ташқарига тарқалаётган ислом, яъни глобаллашув зудлик билан емириб ташляяпти. Бир киши: “Шотландия мамлакат эмас, черковдир”²⁰ (Эрнест Баркер, 1947 йили) ёки 1951 йили бир газета шархининг муаллифи: “Инглизлар жуда жипслашган ҳалқ, улар ўз тарихининг олдинги даврларидагидан ҳам кўра жипсройдир”²¹, деб ёзган вактдан бери орадан минг йиллар ўтиб кетганга ўхшайди. Шунга қарамасдан, бундан кейинги саҳифаларда баъзи бир умумлашмалар келтирилди, уларни инкор қилгандан кўра ҳимоя қилиш осонроқ туюлади.

Ушбу мақоланинг баланси британияликларнинг мусулмончиликка бўлган ҳиссий муносабати ва исломни мамлакатнинг ижтимоий-маданий тўқималарига қайта киритиш орқали Ўз ва Бошқа ўртасидаги тангликни бартараф этиш йўлини излаш билан боғлиқ иккита кузатишни (сизнинг хукмингизга) ҳавола этади. Улардан бири Британия анъанавий диний ҳаётида исломга меҳмондустларча муносабатда бўладиган ўзгаришлар рўй бераётганидир. Аммо эътибор энг аввало исломнинг парадигматик. Бошқага берадиган таърифига қаратилиши керак. Индивидуал ўзига хослик ҳамиша рефлексив усул билан шаклла-

¹⁹ Jeremy Paxman, *The English: a portrait of a people* (London: Michael Joseph, 1998).

²⁰ Daniel Jenkins, *The British, Their Identity and Their Religion* (London, SCM, 1975) p.11.

²¹ Паксман иқтибос олган. 6-бет.



нади: биз қўшниларимиздан бутуслай бошқа одамлармиз. Британияликларнинг миллий ўзига хослиги Европа-нинг бошқа бир нечта халқлариникидан фарқ қилиши, бунинг сабаби унинг исломий рақибга қарши ўзига хосликни яратиш тарихи йўқ экани кейинги бўлимдаги му-нозарамизнинг асосини ташкил этади.

* * *

1998 йили адабиёт соҳасидаги Нобел мукофотига Португалияниң машҳур ёзувчиси Жозе Сарамаго са-зовор бўлди. Унинг ажойиб романларидан бирида лис-сабонлик мусаххихга ўз шахрининг янги тарихига оид гранкани тузатиш топширилади²². Ҳикояниң мазмуни шаҳарнинг энг фожиалилахзаси: унинг мусулмонлар қўлидан ахоли кирғинига сабаб бўлган салиб юришида қатнашаётган қўшинлар қўлига ўтишига назар ташлаш билан қоришиб кетади. Ўрта асрлардаги ягона бўлган ушбу даҳшатли кирғинда юз минглаб кишилар қурбон бўлган бўлса ажаб эмас. Ўзининг жонажон шахри эт-ник тозалаш оқибатида пайдо бўлганини англаб, руҳий жароҳат олган мусаххих китобнинг корректурасини салиб юриши қатнашчиларининг зўравонликларини пост-хок²³ чилар (ва постмодерничилар) учирив ташлагани сингари ўзгартиради. У гранкадаги даҳшатли воқелик тафсилотини яна бир карра кўздан кечириб чиққач, кўнгли суст кетиб, ўз касбидаги ўлса кечирилмайдиган гуноҳга қўл уради. Ницшенинг мусаххихи “Худо ўлган”, деган жумлага “йўқ” сўзини қўшиб кўйиш истагини енгади. Аммо матннаги “Салибчилар Лиссабон шахрини забт этди”, жумласига мутлақо ножоиз инкор қўшимчасини қўшиб кўяди. Мусаххих бундай тарихни ҳазм қиласди ва у ўзгариши керак эди. Сарамагонинг наздида, таҳрир қилинган Португалия миллий тарихи чоп этилганидан сўнгги бақир-чақирлар 700 йил олдин рўй берган воқеа туфайли бузилган ва эҳтиросларга

²² Jose Saramago, tr. Giovanni Pontiero, *The History of the Siege of Lisbon* (London: Harvill, 1996).

²³ Постхок (лат. post hoc, ergo propter hoc бундан кейин, шунинг учун, шу туфайли) мантик илмидаги нотўғри қоида бўлиб, вакт нуктаи назаридан олдинрок содир бўлган нарсани унга даҳли бўлмаган бошқа бир нарсага сабаб килиб кўрсатиш. — Тарж.

тұла миллій үзіга хослик борасида бир тұхтамға келиш мушкул эканини күрсатди. Португалияның миллій эпик достони “Лузиадлар”²⁴ “Одил фалак иродаси билан худосиз мусулмон (лар)га қарши кураш у(лар)-ни бутунлай қувиб чиққунга қадар тұхтамаслиги кепрак”²⁵ бұлган заминда гайдидинларни қириб ташлаша даьеват қылувчи мадхиядир. Миллатнинг үзіга хослиги исломий Бошқага қарши бир кайфият юзага келди, натижада бугунғи кунғи португал имомлари “мактабда, мусулмонлар португалларнинг душмани, деб таълим берилганидан ақли шошиб қолған (Португалияда туғилған ва португал бұлған) мусулмон үқувчиларни ҳар доим тинчлантиришга мажбур бұлади”²⁶.

Европадаги бошқа миллатлар ҳам одамларнинг қулоғига христианлар Европаси заминидаги ифлос жиноятчи деб күйилған мусулмон Бошқага қарши мунозара жараёнида шаклланғандыр. Испан тилидаги илк йирик адабий асар бұлмиш *Cantuar de mio Cid*²⁷ асрлар давомида испанларнинг ва исломнинг үзіга хослиги шаклланишига мухим хисса құшиб келди²⁸ ва дунёвийлаштиришдан омон қолди. 20-асрнинг испанлар үзіга хослигининг буюк назариячыси Мигел де Унамунога күра, у бой мұхожир

²⁴ “Лузиадлар” Португалия шоири Луиш де Камоэнс (1524 ёки 1525–1580) қаламига мансуб эпик достон. Васко да Гаманиң Хиндистонға дегиз сафари ҳақидаги асарда бу ҳалқнинг қаҳрамонлігін күйланады ва ақлнинг имкониятлары чеккіз эканға ишонч билдирилади (“Кирил ва Мефодий”).

²⁵ Luis Vaz de Camoens, *The Lusiads* (Harmondsworth: Penguin, 1952), p.80 (Canto 3).

²⁶ Nina Clara Tiesler, ‘No Bad News from the European Margin: the New Islamic Presence in Portugal’, *Islam and Christian-Muslim Relations* 12 (2001), 71–91, p.83.

²⁷ *Cantuar de mio Cid* (исп. “Саидимнинг құшиғы”) 12-асрнинг үрталаріда яратылған испан эпик достонидір.

²⁸ Қаранг: масаға: Bernard F. Reilly, *The Contest of Christian and Muslim Spain 1031-1157* (Cambridge, Mass., and Oxford: Blackwells, 1992), 252–3; Israel Burshatin, ‘The Docile Image: The Moor as a Figure of Force, Subservience and Nobility in the Poema de mio Cid’, *Kentucky Romance Quarterly* 31 (1984), 269–280; яна күпрок тасаввурға эта бұлшиң учун қаранг: Gamal Abdel-Rahman, ‘La literatura espacola ante la caida de Granada (la imagen del musulmán antes y después de 1492)’, in Abdeljelil Temimi (ed.), *Actes du Ve symposium international d’Etudes morisques sur le Ve centenaire de la chute de Grenade 1492-1992* (Zaghrouan: Centre d’Etudes et de recherches ottomanes, Morisques, de Documentation et d’information, 1993), 29–55. **Сид (Саид) афсонасы Францияда ҳам машихүр әди;** cf. Peter H. Nurse (ed.) *Le Cid, by Pierre Corneille; the text of the original edition (1637), edited with an introduction, notes and variants* (London: Harrap, 1978).

аслзодаларга қаршилик күрсатиши рамзига айланди²⁹. Ҳатто Янги Дунёда ҳам *cristianos y moros*³⁰ томошалари қишлоқларда ташкил этилади ва черков ретаблолари³¹ да Сан Хайменинг “Матаморос” сурати тасвирланади, бу билан мусулмонликни қабул қылганига ишониб бўлмайдиган муҳожирларнинг Янги Испанияга келиб номуқим яшашига ҳамда мусулмонларга қарши қаратилган кайфиятни ҳиндуларга қарши янги бир кайфиятга айлантиришга шама қилинади³².

Бошқа бундан ҳам даҳшатли мисолларни излаб тошиш учун узокқа бориб юриш шарт эмас. 20-асрнинг 90-йилларида косоволиклар ва Босния мусулмонлари бошига тушган кулфатларни сербларнинг ўзини миллат сифатида англашидаги изчил, ҳатто айтиш мумкинки, ўта изчил кайфиятнинг: ислом аждархосига қарши курашнинг энг юксак нуқтаси бўлгани билан изоҳлаш мумкин. Черногориялик архиепископ Петар Нийегос қаламига мансуб “Тоғ гулчамбари” асари Сербиянинг миллий эпик поэмаси ҳисобланади. Босниялик ва косоволик минг-минглаб қочқинларнинг телевидение орқали намойиш этилган тасвирларига мусулмонларни оёқости қилишини кўкларга кўтариб мақтаган мана шу поэма сатрлари субтитр сифатида берилди. Масалан, архиепископ ўз диндошларини Муқаддас урушга мана бундай даъват қиласи:

²⁹ Miguel de Unamuno, *La Enormidad de Espaça. Comentarios* (Lucero, Mexico: Editorial Seneca, 1945), 92-3. Унамунонинг Бошқанинг бошбош-доклигига қарши испан ҳакиқатининг “нол нуқтаси” сифатида **реконкиста** (христианлар ерини мусулмонлардан тортиб олиш) ташаббускори бўлган дон Пелайо ҳакидаги мулоҳазаларини билиш учун қаранг: Carlos Blanco Aguinaga, “Унамунонинг “yoísmo”си ва унинг анъанавий испан индивидуализмига муносабати” Ramón Martínez-López (ed.), *Unamuno Centennial Studies* (Austin: Department of Romance Languages, University of Texas, 1966), 45-6. да.

³⁰ *Cristianos y moros* (исп.) — “Христианлар ва маврлар (араблар)”

³¹ Ретабло (исп. меҳробнинг бир бўлгаги) — ҳалқ санъатидаги анъана булиб, дин саҳнлари ёки суратлари арzon материалга чизилади. Ретабло санъатида бир неча мавзу: Исонинг чормих қилиниши, Биби Марям ва бола, Гвадалупе Биби Марями устуворлик қиласи. — Тарж.

³² Marquez de Lozoya, ‘Los moriscos en América’, *Archivo del Instituto de Estudios Africanos* 14 (1960), 23-27; L. Cardaillac, ‘Le probleme morisque en Amérique’, *Mélanges de la Casa de Velazquez* 12 (1976), 283-306; Mercedes García-Arenal, ‘Moriscos and Indians: a comparative approach’, in Geert Jan van Gelder and Ed de Moor (eds), *The Middle East and Europe: Encounters and Exchanges* (Amsterdam and Atlanta: Rodopi, 1992), 39–55.



Жанг қилинг хоч учун ва шараф учун!
Кимнингки қиличи, юраги бўлса,
Исонинг муқаддас исми билан жанг –
Қилсин ва ўлдирсан худосизларни!
Сув ёки қон билан чўқинтирамиз!
Песларни ов қилиб ҳайдаймиз бундан.
Куйлайлик қиргинга чорловчи қўшиқ;
Қон теккан харсанглар чин меҳроб бўлсин!

Поэманинг бир жойида епископнинг ҳужумкор ваъзини бир мусулмон бўлиб қўяди ва шундай дейди:

Бу ер бизларнинг ҳам ватанимиздир,
Бир жойда икки дин бўлиши мумкин,
Худди бир қозонда икки таомдай
Яшасак бўлади аҳил ва иноқ.

Архиепископ бу таклифни рад қиласи ва поэма қуийдагича давом этади:

На кўрар бирор кўз, на муслим тили
Унинг ривояти сўзламай қолмас.
Кимки чўқинмаса, бошига қилич
Солинар бир куни, қутулолмайди.
Авлиё болага кимки чўқинса,
Насоро бўлади ва хошли бўлар,
Биродар сингари қутланади у.
Муслимлар уйига ўтлар қўйдик биз,
Куйиб, кунпаякун бўлди барчаси,
Шайтон малайлари қолмайди омон!
Сетиниедан мусулмонлар кўп бўлган
Чеклитчега шошиб равона бўлдик;
Баъзиларин тиккалайин сўйдик биз,
Ҳаммасининг ўйи ловуллаб ёнди,
Катта-кичик масжид қолмади омон,
Барининг ўрнида култепа қолди –
Нафратланмогига уни кўрганлар.³³

³³ N. Djegos, tr. James W. Wiles, *The Mountain Wreath* (London: Allen and Unwin, 1930), cited in Asim Zubcevic, 'Pathology of a Literature: Some Roots of Balkan Islamophobia', *Islamica* 2.3 (1996), 78–82.

Сербиянинг миллатчиларни хурсанд қиласиган, либералларни ташвишга соладиган ушбу миллий эпик поэмаси шати юлингган товуққа ўхшаб қолган Югославия мактабларида ўқитилади ва эъзозланади³⁴.

Узок Шарқда рус, хусусан, казакларнинг мусулмонлар хукмронлик қилган Волга, Сибир ва Кавказдаги ерларни тортиб олиш хусусидаги ривоятлари ҳалиям оғиздан-оғизга ўтиб юради. Улар татарларга қарши шафқатсиз курашчи Иван IV Грозний ва татарлар устидан гала-ба қозониш учун туну кун ибодат қилган ва қурдирган монастири Россиядаги энг катта ибодатхоналардан бири бўлган, “Россия меъмори” родонежлик авлиё Сергий сингари шахслар туфайли ўша ривоятлар бутун миллат ифтихори рамзига айланиб кетди. “Дмитрий Донской балладаси” рус адабиётининг тамал тошини қўйган адабий асарлар қаторига киради ва исломга қарши уруш очишининг янги Византияча даъватидир. У русларнинг миллий ўзига хослиги пойдеворини қўйган муқаддас зиддият ҳиссини акс эттиради³⁵. Бу асар мазмуни ва оҳангига кўра, “Всеслав” эпик достонидан фарқ қилмайди:

*Каттадир, кичикдир, омон қўймангиз,
Улар салтанатда урчib кетмасин.
Фақат танлаб олинг баъзиларини,
Оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас, етти минг –
Хурилиқо санам қолсалар бўлди³⁶.*

Россия кейинчалик испан инквизициясини ривожлантиришга киришиб, унинг баъзи бир позиция — туримлари ва усулларини ўзида жорий қила бошлади³⁷.

³⁴ Zubcevic, 82.

³⁵ R. Geraci, ‘Russian Orientalism at an impasse: Tsarist education policy and the 1910 conference on Islam’, in D.R. Brower and E.J. Lazzerini (eds), *Russia’s Orient: imperial borderlands and peoples 1700–1917* (Bloomington: Indiana University Press, 1997), 138–161. Рус исломофобияси билан танишиш учун қаранг: Ataullah Bogdan Kopanski, ‘Burden of the Third Rome: the threat of Russian Orthodox fundamentalism and Muslim Eurasia,’ *Islam and Christian-Muslim Relations* 9/ii (1998), 193–216.

³⁶ Roman Jakobson and Mark Szeftel, “The Vseslav Epos”, in Roman Jakobson and Ernest J. Simmons (eds), *Russian Epic Studies* (Philadelphia: American Folklore Society, 1949), 13–86, p.49.

³⁷ Billington, 70. Биллингтон Россиянинг якиндаги мафкуравий тозалаш тушунчаси Реконкиста (испан ерларини мусулмонлардан тортиб олиш) даврининг *lumpieza de sangre* концепциясига бориб тақалиппи мумкинлигини таъкидлайди.



Фернан Бродел (1902—1985) Пуатие жангининг “ choc éléctrique”³⁸ни Франция учун французлар миллий ўзига хослигининг муҳим лаҳзаси сифатида “le vraie première croisade”³⁹ деб атади. Исломга қарши ўз тақдирини ўзи белгилашдаги мана шу ва бошқа Каролинг⁴⁰ лаҳзалари “Европанинг туғилиши”⁴¹га олиб келган Франциянинг муҳим миллий эпик достони “Ролан ҳақида қүшик” да жуда яхши тасвиirlаб берилган.

Хатто ислом дунёси билан умумий чегараси бўлмаган Германияда ҳам мана шу қарама-қаршилик таъсизирида шаклланган дунёқарашиб намоён бўла бошлади. Бунга сабаб дастлаб Фаластинда ҳарбий тариқат сифатида пайдо бўлган Тевтор рицарлариdir. Улар 1268 йили Куддус яқинидаги Старкенберг қалъасидан айрилгач, немисларнинг буюк *drang nach Osten*⁴² сагасига ўзлари Суриядга ўрганган ҳарбий технологияси ва салиб юриши позицияси — турими тафсилотларини киритди. Рицарларнинг буюк усталари келиб чиқиши жиҳатидан мажусий пруссияликлар ва шимоллик сарасен⁴³ ларга бориб тақалади; Десмонд Зевард кўрсатиб берганидай, Тевтонлар ордени худудларининг доимий ваҳшийликлар оқибатида шарқ томон кенгайиб бори-

³⁸ Choc électrique (фр.) — электр шоки.

³⁹ Le vraie première croisade (фр.) — салиб юришининг ҳакикий пре-мъераси. Буни анахронизм сифатида инкор этиш мумкин. Дастлаби асарлар (*Roland*, the *Cid* romance) аслида салибчилар адабиёти эмас. Cf. Bandera Gómez, *El ‘Poema de Mio Cid’: poesía historia, mito* (Madrid: Gredos, 1969), 51; Norman Daniel, *The Arabs and Medieval Europe* (London: Longman, 1979), 81: “Унинг мотиви христианликнинг ёйилишидан кўра ушбу диннинг шарафидир”.

⁴⁰ Каролинглар (нем. Karolinger) — 687–987 йиллардаги Франк давлати хукмдорлари сулоласи. — Тарж.

⁴¹ Fernand Braudel, *L’identité de la France*. Vol 2: *Les Hommes et les Choses* (Paris: Arthaud-Flammarion, 1986), 105–106. Бродел, шунингдек, каролинглар даврида франклар ва германларнинг жанубдан бўлган хавф таъсизирида хозирги Европа интеграциясининг дарақуси сифатида дустона муносабатлар ўрнатганини ҳам таъкидлайди. Аммо бошқа бир киши бу таъкидни мусулмонлар яшаган Шимолий Африка маданий таъсирига берилмаслик учун қилинган, деб рад ҳам килиши мумкин.

⁴² Drang nach Osten (нем: “Шарққа юриши”) — Германиядандан шарқ томонда жойлашган славян ерларини босиб олиш сиёсати. Бу атама 12–13-асрларда яшаган немис мустамлакачиларининг шарқ омон юришлари пайтида пайдо бўлган. — Тарж.

⁴³ Сарасен — Ўрта асрларда мусулмон бўлган араб, турк ёки бошқа бир милллат вакили. — Тарж.



ши Аутремер⁴⁴ нинг иссиқхона мұхитида яратылған мұтлақ диний муносабатни ўзіда акс эттиради⁴⁵.

Учинчи рейхнинг *drang nach Osten* лойиҳасини қайта тиклашини мусулмонларга қарши салиб юриши нинг меросидан бошқа нарса деб түшүниш мүмкін эмас. Керак бўлса, Люфтваффиңг рамзи Тевтон рицарларининг хочи эди. Эс-эсчиларнинг этник харитани қайта тузиши рицарларнинг ўз ордени ҳукмронлик қилган ерларда юритган сиёсати ҳақидағи романтик хотира билан боғлиқ. Бу сиёсат мусулмон аҳолини бошқаришда салибчилар усулларидан фойдаланараб эди, албатта. Гитлернинг ўзи христиан эмасди, аммо ўз ваъзига кулоқ солғанларни салиб юриши сарасенларга қарши сұзамоллиги билан илҳомлантира билар эди. У ўзининг 1937 йили Нюрнберг қурултойида қилган маърузасида “бирбирига душман бўлган национал-социализм ва большевизм *Weltanschauungen*⁴⁶ уртасидаги тұқнашувни христианлик билан мусулмонлик уртасидаги тұқнашувга қиёслаган эди”⁴⁷.

Бунинг мутлақо тескариси бўлган Британия миллий ривояти исломга қарши тарихий, армагеддон⁴⁸ симон курашга киришувчи унсурлардан таркиб топмаган. Кэтлин Рейне кўрсатиб берганидай, “Британия масаласи” Артур афсоналари⁴⁹ ва, унчалик-мажусий-бўлмаган Му-

⁴⁴ Аутремер (лат. “чет зл”) — Европа давлатларининг салиб юриши даврида Мукаддас заминда барпо килган подшолиги (“Вебстер” луғати, Интернет, <http://www.everything2.com>).

⁴⁵ Desmond Seward, *The Monks of War: The Military Religious Orders* (revised edition Penguin: Harmondsworth, 1995), 95 – 140.

⁴⁶ *Weltanschauungen* (нем.) — дунёкарап. — Тарж.

⁴⁷ Norman H. Baynes (ed.), *The Speeches of Adolf Hitler, 1922-39* (2 vols, Oxford, 1942), I, 688 – 712; as loosely paraphrased by Alan Bullock, *Hitler, a Study in Tyranny* (revised issue Harmondsworth: Penguin, 1990), 365. Тахминий хулоса шуки, эллинистик христианлик инсон иродасини юксек баҳолаган бир пайтда ислом ва сомий дин “яхудий” коммунизми уни фаталистик, яъни Аллоҳнинг измизда деб билади.

⁴⁸ Армагеддон (иброний тилида “Мегиддо кири” бўлса керак) — Инжилда тилга олинган мана шу жойда дунё тарихининг интихосида Ер подшолари шайтона раЖнамолигига Аллоҳ кучлари билан жант қиласи. Тавротда бир марта “Вахийлар”да, Юханнога келган Вахийда (16:16) тилга олинади. — Тарж.

⁴⁹ Артур афсоналари — келт халк ривоятлари булиб, уларнинг марказида англосаксон босқинчиларига қарши курашган бриттлар кирорли Артур (5 – 6-асрлар) туради. Артур ва “Давра столи” рицарлари рицарларнинг ахлоқий идеалларини ўзіда мужассам этади (“Кирилл ва Мефодий”).

каддас жом⁵⁰ни эмас, унчалик-христиан-бўлмаганларни ахтаришдан келиб чиқсан. Мэлоридан Валтер Скоттгача бўлган Перселлинг “Кирол Артури”да, Жон Каупер Поусининг “Пориус”ида, Э.Уайт (ва Бриттен)нинг “Тош ичидағи қиличи”да ва сон-саноқсиз маҳаллий хикояларда Артур ҳакидаги афсоналар туркуми Британия эпик поэмалар яратишга жуда яқин келган нарса деб таърифланади⁵¹, у ерда мусулмонларга қарши жуда кам гапирилади ёки умуман гапирилмайди. Ушбу диний ривоят ўзига хосликка оид эмас, эзотерик — сирли рамзларга тўла: давра столи бурждир, у қиролнинг фалак остидаги хукмронлигини англатади, ушбу рамз Ўрта Шарқдан келиб чиқсан бўлса ажаб эмас. Афсоналардаги ахлоқий некбинлик, (шохнинг ўз жияни) Мордреддан мағлубиятга учралган фожиага қарамасдан, диннинг инглизларга хос хусусиятини бехато кўрсатиб туради. Артур ҳалок бўлмайди, уйқуга кетади. У ўз подшолигида адолатни қайтадан қарор топтириш учун яна қайтиб келади; у халоскор шахсадир, эҳтимол, кўздан яширин имом бўлиши ҳам мумкин. У бу билан уйкудаги келиб чикиши исмоилий бўлиши мумкинлиги эҳтимол қилинаётган Кристиан Розенкрайц ҳакидаги розикруцианизм (Европада 17—18-асрларда эзотерик донишмандликка бағишлиланган ҳаракат) афсоналарини эсга туширади.

Британиянинг миллий ўзига хослиги исломга муҳолиф позицияда — туримда шаклланмаган, дейиш билан Британиядаги мусулмонларнинг ўзига хослиги ва бошқалар билан бирга тинч-тотув яшашининг келажаги ҳақида осойишта некбинликка берилмоқчи эмасмиз, аксинча, Британия ва ислом наррацияларининг қалин муносабатларига анъанавий миллий ўзига хослик таркибининг асосий омиллари халал бермаслигини айтиб ўтмоқчимиз. Британияликларга, кўпроқ инглизларга хос муҳожирларни ёқтираслик ва ирқчилик ҳиссиётлари исломга эмас, ирланд ва маҳаллий америкаликларга

⁵⁰ Муқаддас жом (ингл. Holy Grail) — “Артур романслари”даги рицарлар излаган афсонавий нарса. Бу атама катта оғизли ёки майда идишни англатган. Лекин унинг кайдан келиб чиқсанни маълум эмас. — Тарж.

⁵¹ Kathleen Raine, *Golgonoza: City of Imagination. Last Studies in William Blake* (Ipswich: Golgonoza, 1991), 161–164.



қарши олиб борилган Стюарт жанглари чоғида пайдо бүлган эди.

* * *

Биз мамлакатнинг ўзи ҳақидаги тарихий ривоятларда исломга нафратни ифодаловчи мавзуларнинг йўқлиги хусусида баъзи бир мулоҳазаларимизни баён этар эканмиз, эътиборни айни пайтдаги Британия исломи ичидаги тангликларга қаратишимиш ва бу диннинг Бирлашган қиролликнинг тарихий ўзига хослиги ва, хусусан, унинг диний тўқималарига кириб бориши жараёнини тўғри баҳолашимиз керак бўлади.

Исломнинг Буюк Британияда мустахкам ўрнашиши мусулмон мамлакатларида анъанавий суннийликка қарши кураш бошланган пайтга тўғри келди. Ҳозир исломнинг бошига Эамон Даффи “мехробни шилиш” деб атаган ҳол тушган. Биз буни исломнинг ҳозир қўл урилаётган ислоҳоти деб атасак ҳам бўлади. Худди Лотин ғарбидаги Реформация сингари, бу ислоҳот ҳам трансцендентлик (ғайришуурый нарса)нинг имманентлик (табиийлик) устидан ҳукмронлигини ўрнатишни мақсад қилиб олган. Авлиёларнинг қабрлари бузиб ташланмоқда. Айни пайтда табиблар, воситачилар, тумор сотувчилар ва руҳоний брокерларнинг фаолияти шубҳа остига кўйилмоқда, буни олдинги авлод тасаввур ҳам қилолмас эди. Жазоир қишлоқларини зиёрат қилганлар уфқдаги гўзал бир ўзгаришни қўришлари мумкин. Африка исломи аста-секин жанубга томон силжиб, Африкадаги ислом динига айланниб бормоқда⁵². Маҳаллий қолоқликнинг кўхна қолиплари Р.Робертсон “глокаллашув” деб атаган нарса, яъни олис масофадаги (бу ҳолатда араб) меъёрларнинг маълум бир ҳудудда ўзлаштирилишига йўл бермоқда; бу “чет элга боришни истайдиган, аммо уйини ташлаб кетишни истамайдиган сайёҳ учун пиллапоядир”⁵³.

Британия мусулмонлари бепоён ислом дунёсининг бир бўлагини ташкил қиласди, бинобарин, улар ҳам ушбу

⁵² Eva Evers Rosander and David Westerlund (eds.), *African Islam and Islam in Africa: encounters between Sufis and Islamists* (London: Hurst, 1997).

⁵³ R. Robertson, *Globalisation: Social Theory and Global culture* (London: sage, 1992), 174.

тамойиллардан четда туриши мумкин эмас. Уларнинг Буюк Британиядаги бошқа жамоалар билан ахил ва инок бирга яшashi учун зарур бўлган нарсаларни аниқлаб олиш керак бўлади. Кекса авлод хурмат қилган уламолар учун чет эл бўлган бу ерда Фаззолий улги олиш керак бўлган зотдир; ёшларнинг аксарияти учун унинг ўрнини Ибн Таймия эгаллаб олган. Эскилар христианлар⁵⁴ ҳамда фикҳ ва амалиётнинг шофиыйча талқинига хурмат назари билан қараган. Бу ҳол уларга маҳаллий урф-одатлар билан янги амалиётларни ўзаро мослаштиришга имкон туғдирган ва шариатнинг худди шу тарзда бир тўхтамга келинган кўплаб аҳкомларини тафтиш қилишга омманинг қизиқишини оширишга йўл бериш билан мусулмонларнинг ижтимоий ва фикҳий анъаналарининг мослашувчанлигига кафолат берган⁵⁵. Ўзининг жиддий хавф-хатар пайтида “уруш илоҳиётшунослиги”⁵⁶ни ёзган Ибн Таймия фаол аксил-христиан булиб, ислом жамиятини соф кўришга оид қарашларида уни ташки кўшимчалар⁵⁷дан жон-жаҳди билан ҳимоя қиласди. Жамиятшунослар мусулмонлар билан христианлар ўртасида, дейлик, Индонезия ёки Назарет ва ёки Суданда ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар натижаси ўлароқ юзага келган тангликтининг кучайиб боришини ўзларича талқин килишни ёқтиришади, аммо уларнинг бу қараши хақиқий вазиятга унчалик мос келмайди. Мазкур ҳолат кейинги йиллардаги ислом дунёсига оид ғарбча талқининг, у университетларга асосланадими, ёки идораларгами, бундан қатъи назар, улкан хатоларидан бири рўй берётган воқеаларнинг марказида илоҳиётшунослик туришини тан олишни истамаслик бўлди. Камдан-кам ки-

⁵⁴ Tim Winter, “The Last Trump Card: Islam and the Supersession of Other Faiths”, *Studies in Interreligious Dialogue* 9 (1999), 133-155, pp.149 - 50

⁵⁵ Wael B. Hallaq, *A History of Islamic Legal Theories* (Cambridge: Cambridge University Press, 1997), 112-3; cf. Muhammad Hashim Kamali, *Principles of Islamic Jurisprudence* (Cambridge: Islamic Texts Society, 1991), 267 – 82.

⁵⁶ Johannes J.G. Jansen, *The Dual Nature of Islamic Fundamentalism* (London: Hurst, 1997), 34, 37. Унинг “бидъатта хасонлар айтиш” принципини ёқтирамаслиги янгитдан исломлашган монгол хонлигининг режаларидан асабийлашишига бориб тақалади. Бу хонлик ҳукмдорлар ва аскарлар ўртасида кенг миқёсли синкетизм (ўзаро аралшиб кетиш) га руҳсат берган эди.

⁵⁷ Mohammad Umar Memon, *Ibn Taimiya's struggle against popular religion: with an annotated translation of his Kitab iqtida' as-sirat al-mustaqim mukhalafat ashab al-jahim* (The Hague: Mouton, 1976).



шиларгина Германиянинг 16-асрга оид тарихини христианларнинг муқаддас илоҳиётшунослиги ва экклесиология⁵⁸ сини билмай туриб тушуниш мумкин деб ўйлайди. Боз устига, ислом дунёси хусусида баҳс юритилганда миллий дунёвий аслзодаларга қарши “мутаассиблар” ёки “исломчилар” деган қўпол атамалар ишлатилади. Аслида бундай категориялар ўта даражадаги калтабин илмий, сиёсий ва оммавий ахборот воситаларининг янглиш таҳлилида тез-тез кўзга ташланади. Одатда, кескинлик икки қутбли эмас, уч бурчакли бўлади. Унинг таркибиға Farb модернизми, анъанавий маданийлашган ислом ва трансцендентал исломизм ўртасидаги музокаралар ва бирбирини инкор қилиш киради.

Нафақат христианликка, қолаверса, исломнинг имманентлик⁵⁹ маълумотларига, хусусан, атрофдаги маданиятларнинг хатоларини қабул қилишга тарихий жиҳатдан ўта мойил бўлган тасаввуфга қарши бўлган, шовинизмни эsga туширувчи янги трансцендентализм⁶⁰ исломнинг аҳволини кўrsatib беришда муҳим аҳамиятга эга, бундан Британия исломи ҳам мустасно эмас. Коҳирадаги Ал-Азҳар университетида таълим олаётган турли миллатларга мансуб масжид ходимлари ўз мамлакатларига хушмуомала хизматчи бўлиб, Мадина ёки Риёдда таълим олганлар эса кўпинча мунозарачига айланиб қайтади. Миср таълими Фаззолий таълимотига асослангандир. Шаҳардаги шароитга христиан ва гарблаштирувчи омилларнинг, шунингдек, оммавий художўйликнинг мавжуд-

⁵⁸ Экклесиология [нем. Ekklesiologie < юнон. ἐκκλησία черков + logos фан] – илоҳиётшуносликнинг бир бўлаги бўлиб, унда кудсийлик, жамоа бўлиб ибодат килиш, бегунохлик ва чорквога ховарийларча садокат, унинг диндорлар нажот топишида етакчи рол ўйнаши хусусидаги далиллар келтирилади. – Тарж.

⁵⁹ Имманентлик [фр. immanent < лат. immānens (immanētis) хос бўлган] – фалс. Бирор предмет ёки ходисага хос бўлган, унинг табиатидан келиб чикадиган (“Кирилл ва Мефодий”). Имманентизм – Худо, ёки мавхум ақл, ёки рух дунёни тўлдириб туради, деб хисоблайдиган бир қанча назариялардан исталган биттаси (“Британника”). – Тарж.

⁶⁰ Трансцендентализм [нем. transzendental < лат. trāscēndere ўтиш, чегардан ташкарига чикиш] – Америкада 1830–60-йилларда вужудга келган фалсафий-адабий харакат. Харакатнинг номи ва бир қанча ғоялари И. Кантнинг “трансцендентал идеализм”идан, шунингдек, Ф. Шеллинг асарларидан олинган. Трансцендентализм романтизм нуктаи назаридан маърифий сенсуализм ва замонавий тамаддуни танқид килган. Асосий ғоялари: инсонни “вулгар-материалистик” манбаатлардан тозаловчи табиатта яқинлик, маънавий камолотта эришиш, микроКосм орқали макрокосмни интуитив тарзда идрок қилиш. – Тарж.



лиги билан эришилган. Мадина ёки Риёддаги дин таълими эса Ибн Таймия (таълимоти)дан олинган ва, асосан, рақобатга мойилдир. Кескин тафовутга эътибор беринг: Фаззолий издошлари мослашувчан ва кечиримлидир, Ибн Таймия издошлари эса, дурагайлашув гуноҳдир, деган қатъияти билан талабни юқори кўяди⁶¹.

Ваҳҳобийлик Британияда ҳам тобора илдиз отмоқда. Бу ерда Ибн Таймия қарашларининг энг зиддиятли жиҳатлари муҳокама қилинмоқда. Бу **ал-валаъ вал-барაъ**, яъни фақат тайинланган имомга содиклик; инсон қули билан яратилган ҳар қандай ҳокимият инкор қилинади, деган ақидадир. Христианлар ва бошқа китоб аҳли, айнан ўша имом қўл остида бўлишига қарамасдан, ваҳий ҳимояси — **зиммага** эга эмас⁶².

Ушбу сатрлар муаллифи Бирменгемдаги кичик бир масжидда сабоқ берәётган пайтда зикр этилган қарашнинг ёйилиб кетганидан хабар топиб қолди. Бир ваҳҳобий йигит каминадан: “Агар мен мусулмон мамлакатида бўлсам, Британия сайёҳларини ўлдиришим мумкин, агар мусулмонларга зарар етказадиган хавф туғилса ҳам шундай қилишим мумкинми”, деб сўраб қолди. Албатта бу савоннинг анъанавий суннийликка алоқаси йўқ; аммо ваҳҳобийликнинг баъзи бир экстремистик тармоқларида реал мазмунга эга. Мисрдаги сайёҳларга қилинган ҳужум учун масъулиятни ўз зиммасига олган жамоат, ўз ақидасига кўра, ҳақиқий ваҳҳобийлардир⁶³.

Ал-валаъ вал-бараъ ақидаси янги аксилийманентизм (ваҳҳобийлик)ни меъёрий анъанавийлик (суннийлик)дан ажратиб турган кўрфазнинг миқёсини ва характеристини кўрсатиб беради. Кейинги атамаларни Мавританиянинг машҳур моликий олимларидан бири шайх Абдулла ибн Байя ўзининг Калифорнияда ўқиган маъруzasида тилга олган эди. Бин Байя маърузасини эшитиш

⁶¹ Henri Kaoust, *Essai sur les doctrines sociales et politiques de Taki-d-Din Ahmad b. Taimiya* (Cairo: Institut Français d'Archéologie Orientale, 1939), 522-527.

⁶² Масалан, Саудия Арабистонида таълим олган Мухаммад Саид ал-Қаҳтаанийнинг *Al-Wala' wa'l-Bara'* According to the Aqeedah of the Salaf (New Delhi: Islamic Call, 1998) асарига каранг.

⁶³ Mahmud A. Faksh, *The Future of Islam in the Middle East: Fundamentalism in Egypt, Algeria and Saudi Arabia* (Westport CT and London: Praeger, 1997), 52.



учун йиғилган америкалик мусулмонларга қарата: “Ушбу заминда истиқомат қилаётган мусулмонлар ва хокимият ўртасидаги муносабат тинчлик ва шартномага асосланган муносабатдир. Бу ўзаро мuloқot ҳамда олди-берди муносабатидир [...] Үзларингиз яшаётган замин қонунларини ҳурмат килиш муҳим аҳамиятга эгадир”. Шайх классик фикх мусулмон бўлмаган қўшнилар билан тинч-тотув ва ўзаро ҳурмат асосида яшашни талаб этишини, ҳатто ибодат вақтини ўзгартириш, жамиятдаги ва иш жойидаги исломнинг ўзаро интеграциясига ёрдам бериш сингари фундаментал диний ақидаларга ҳам ўзгартиришлар киритишга изн беришини тушуниришдан тўхтамади. У ўз сўзида давом этади:

Биз ўзимизга жамоа сифатида хос бўлган нарсаларни асрашимиз, бироқ ўзимизга хос бўлмаган, аммо бизга ҳам тегишили умуминсоний нарсалар борлигини тан олишимиз керак [...] Биз илдизларимизни асрашимиз керак. Бизнинг диний илдизимиз чуқур, лекин шу билан бир вақтда ўзимиз ҳам дунёга очиқ бўлишимиз керак⁶⁴.

Анъанавий суннийликнинг бошқа дин вакиллари билан бирга яшаш ва мослашишга изн берадиган ҳуқуқий ва илоҳиётшунослик имкониятлари жуда кўп тарихий шароитларда намоён бўлган. Сон-саноқсиз мисоллар орасидан Полша ва Литвадаги кўхна мусулмон жамоаларини ажратиб кўрсатиш мумкин; улар атрофидаги католик муҳитга шунчалик сингиб кетдики, мусулмонлар орасидан Полшанинг икки нафар миллий қаҳрамони етишиб чиқди. Улардан бири Жалолиддин булиб, у 1421 йили Танненбергда Тевтон рицарларига қарши курашда Буюк Князни қўллаб-кувватлади. Иккинчиси эса маршал Жозеф Пилсудский (ваф. 1920 й.)дир. Унинг вафотидан сўнг Варшавадаги катта майдонлардан бири унинг номи билан атала бошлади. Бу минтақадаги ислом ўзини ўраб турган маданиятга масжид меъморлиги, парҳез ва ясантусан қилиб кийиниш, диний маросимлар чоғида поляк шовқинларидан фойдаланишда кўзга ташланадиган кенг

⁶⁴ http://sunnah.org/articles/muslims_in_nonmuslim_lands.htm.

миқесдаги мослашиш баробарида ўз ақидалари ва намоз үкишини сақлаб қолаётганини исбот қилмоқда⁶⁵.

Хитой мусулмонлари ҳам у ердаги шароитга мослашиш баробарида шароитни ҳам ўзларига мослаштириб олишда бундан кам бўлмаган. Буни Йуннанинг йуан этник гурухига мансуб хокими Сайиди Ажалл (ваф. 1279 й.) мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзи мусулмон бўлган бу киши вилоятда илк конфуцийлар ибодатхоналарини қуришга буйруқ беради ва Хитой маданиятини ёйишга масъуль бўлади. У императордан “Садоқатли ва раҳмдил” унвонини олишга эришади⁶⁶. Хитойда самовий динлардан бирининг ворислари деб тан олинган хуи мусулмонлари сочини ўриб юрган ва Конфуцийни пайғамбар ҳам деб ҳурматлашган. Уларнинг мусулмончилик амалиётидан хушбўй Хитой атиrlари анқиб туради, лекин, умуман олганда, диннинг ислом ақидалари муҳофизлари тушунган умумий талабларини бажаришда четга оғмаган. Бу ерда ҳам, худди Полшадаги каби яхши мусулмонлар яхши фуқаролар ҳам бўлган, улар ўзлари яшаган жамиятга юксак даражада интеграциялашув баробарида ассимиляцияга йўл кўймаган. Мусулмонларга хос бундай ижтимоий интеграция турли маданиятларда рўй берган. У диний Бошқа Вахший Педро, Иван Грозний ёки манчжурулар тимсолида таъқиб сиёсатини юргизган пайтлардагина барҳам топган.

Мусулмонларнинг бундай маҳаллийлашуви уларнинг ўзига хослигига бўлган ишончи ва бирорни сиқиб чиқаришдан кўра, шохларини қирқиб, серҳосил қиладиган ҳамда умумий манфаат тақозоси билан маҳаллий ўзига хосликлар, маҳаллий муроса ёки ўша жой аҳолисининг мусулмончиликдан олдин пайдо бўлган деб тахмин қилинаётган қонунларига мослашиш, ёки уларни ўзлаштиришга имкон берадиган нозик юриспруденция

⁶⁵ György Lederer, 'Islam in Lithuania', *Central Asian Survey* 14/iii (1995), 425–48; P. Borawski, 'Religious tolerance and the Tatar population in the Grand Duchy of Lithuania, 16th to 18th century', *Journal, Institute of Muslim Minority Affairs* 9 (1988), 119–133; B. Szajkowski, 'The Muslim minority in Poland', in S. Vertovec and C. Peach (eds), *Islam in Europe: the politics of religion and community* (Basingstoke: Macmillan, 1997), 91–100.

⁶⁶ P.D. Buell, 'Saiyid Ajall (1211–1279)', in E. de Rachewiltz, Hok-lam Chan, Hsiao Ch'i-ch'ing, and P.W. Geier (eds), *In the service of the Khan: eminent personalities of the early Mongol-Yüan period (1200–1300)*. (Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1993), pp.466–79.



туфайли амалга ошади⁶⁸. Мусулмон илоҳиётшунослигининг асосий ақидалари, ибодат шакллари ва хусусий фиқхнинг фундаментал соҳалари бўйича бошқа дин вакиллари билан бирга яшашни кафолатлаш учун камдан-кам ҳолларда ўзаро келишувга эришилмай қолган. Шунинг ўзиёқ исломнинг универсал дин була олиши ва маҳаллий турмуш тарзларини ривожлантира олиши мумкинлигини исботлаб беради. Айни ҳол тўлақонли араблик сари ташланган қадам босқичи эмас, аксинча, универсаллик ва ўзига хосликни мувозанатда тутиб турға оладиган барқарор исломнинг маҳаллий шакллариdir. Халқона ислом моҳияттан ўткинчи, хато ёки (бъязи бир шарқшунос мутафаккирлар *idée fixe* – тинчлик бермайдиган ғоя тикиштираётганидай, “Олий ислом” қоидалари одамларга ҳеч қандай эркка имконият қолдирмайди) диннинг асосий ақидаларига қарши деб эмас, аммо динга хос бўлган Аллоҳнинг ҳамма нарсадан устунлигини талқин қилиш жараёнидаги тескари ва чекланган ақидани ҳамда Куръоннинг илоҳий имманентлик хусусидаги ояларининг жойлардаги сон-саноқсиз талқинларини қўллаб-қувватлайдиган маҳаллийлашув хусусиятлари мажмую сифатида қаралиши мумкин. Илоҳий трансцендентлик⁶⁹ка *умматларнинг йўллари* ўзаро туташуви орқали эришилади; илоҳий имманентлик эса доимий ва кескин номувофиқлик орқали тушунилади. Масжид деярли ҳамиша жомедир, аммо сўфийлик биродарлиги эса *текке, даргоҳ*, ёки *даотанг*dir, масжид (мехроби) Маккага қаратиб курилади, аммо бирор авлиёнинг қабри ҳам дарвешлар биродарлигининг маҳаллий ўзига хосликларига асосланган фаол ядроси

⁶⁸ Масалан, (маҳаллий маданиятларга мослашиш воситаси сифатида маҳаллий *ижмо* учун), Gustav von Grunebaum, 'The Problem: Unity in Diversity', in Gustav von Grunebaum (ed.), *Unity and variety in Muslim civilization* (Chicago and London; 1955), 31; "биздан олдин келганларнинг вахий орқали нозил бўлган конунларни учун", Muhammad Hashim Kamali, *Principles of Islamic Jurisprudence* (Cambridge: Islamic Texts Society, 229 – 234).

⁶⁹ Трансцендентлик – имманентликнинг тескариси бўлиб, маълум бир соҳанинг, умуман олганда, дунёнинг чегарасига нисбатан нариги томонда бўлиш. Бир катор фалсафий оқимларнинг марказий тушунчаларидан биттаси. Ҳар қандай воқеилидан устун турувчи абсолютнинг тавсифи (неоплатонизмда бирлик); илоҳиётшунослик таълимларida – худонинг ергаги хаётдан ташкарида экани. Кант фалсафасида амалта оширилиши мумкин бўлган таҳжриба ("ходисалар дунёси") чегараларидан ташкарига чикувчи, назарий билиш (масалан, худо, рух, мангу яшаш ғояси) имкони бўлмаган нарса ("Кирилл ва Мефодий"). – Тарж.

булиши мумкин. Меъёрий ислом, яъни бугунги кунда мавжуд бўлган энг оммавий ислом, одатда, ўзаро муносабатлари барқарор бўлган юксак матн анъанаси ва кенг миқёсли куи анъаналарга эга. Ламин Санинҳ ва В.С.Найпол сингари кузатувчиларнинг, ислом маҳаллий ўзига хосликларга етарли даражада мослаша олмайди, аксинча, уларни (сайр қилиб юрувчи маҳдудлик, ёки ҳатто “араб империализми” сифатида) аста-секин йўқота боради⁶⁹, дейишига қарамасдан, антропологлар мусул-

⁶⁹ (Инглиз диний мутафаккири) Жон Уиклиффнинг Ламен Санинҳ ҳакидаги қатъий фикрига эътибор беринг: “Muhammad's Significance for Christians: Some Personal Reflections”, Studies in Interreligious Dialogue 1/1 (1991), 25–40, p.39: “Мусулмонлар уша жойнинг тилида ёзилган нарсаларни бошка дин битиклари воситаси сифатида бекор килиши ва шу тарика маҳаллий конунгкоидаларнинг ноёб ва мухим манбасини такиқлаб қўйди”, бу хол исломда Исломинг эркак жиснiga мансублиги феминистларга мушкуллик туғдирганидай, муаммо мавжуд, деган фикрга сабаб булиши мумкин. Бунинг амалда мусулмон маданиятларини камбағаллаштириб қўйгани, мусулмонларнинг муқаддас адабиётлари бойлигини бергани хусусида бир нарса дейиш кийин; масалан, кимдир эронликларнинг исломни қабул килганидан сўнгги форс тилининг фавқулодда яшовчалиги ёки турк **мавлид** кироатлари хусусида ўйлаши мумкин. Мавлид кироатлари чоғида турк тили замонавий Европа тилларида ибодат қиласидаган кишиларга нотаниши бўлган даражада муқаддаслаштирилади. Мусулмончилик нуктаи назаридан муқаддас битикини аник таржима килиш (карант: T.Winter, “Qur'an: Translations”, in Concise Encyclopedia of Language and Religion [London: Pergamon, 2001] чоғида учта хатога йўл қўйилади. Биринчидан, у “таржиманинг ютуқ ва камчиликлари туфайли христиан черкови дастлабки булинишга юз тутди”(A.C.Partridge, English Biblical Translation [London: André Deutsch, 1973]. З) қабилидаги мунозараларга йўл очиб беради. Иккинчидан, у, худди Тавротнинг таржимонлар томонидан қайта-қайта аксил-яҳудийлаштирилган сингари, теологик маъно бузилиши ва анахронизмга олиб бориши мумкин. Учинчидан, ибодат килиш ва ақида сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган жиддий таржима иерархия васийлигини талаб қилувчи ақиданини келиб чиқиш жараёнини ўз ичига олади. Бу талабни ислом кондира олмайди. Партиридж (232-бет) ўзининг мушкулот хакидаги қичқача фикрини: “христианларга иккита Таврот кеरак, биттаси тарихчи олим учун, иккинчиси, гарни файришуурый бўлиб туюлсада, муқаддас битик биз сўзлашадиган тилда ҳамма тушунадиган булиши керак, деб хисоблайдиган оми ҳалқ учундир”, деб хulosалайди. Шу маънода ислом араб тилидаги Куръонни мутахассислар ўрганиши ва художўйларча кироат билан ўқиши учун асрарб қўйиб, унинг маъносини одамлар тушуниб олиши учун тафсир килиш билан бу тўсикни енгиб ўтган. Арабчага ўхшаш, бирок сўзма-сўз таржима меъёр хисобланиб келган. Уолтер Бенжамин: “битикларни сўзма-сўз таржима килиш барча таржима турлари орасидаги энг мукаммалидир ёки шунга яқиндир”, деган эди (Walter Benjamin, ed. Hannah Arendt, tr. Harry Zohn, Illuminations [London: Fontana, 1973], 69.). Санинҳнинг позицияси Беллокнинг “христианлик Европа, Европа эса христианлик, деганидир”, деган фикрига (бутунлай конуний) карши фикрларнинг бир булагини ташкил этади; келажаги ноаник, якинда пайдо бўлган бу тамойил учинчи дунё мамлакатлари христианларини Farb маданиятидан илхомлантириб юборди. “Араб империализми” хусусидаги тезис учун карант: V.S.Naipaul, Beyond Belief: Islamic Excursions among the Converted Peoples (London: Little, Brown and Co., 1998).

мончиликнинг маҳаллийлашув борасида кўп асрлар давом этиши мумкин бўлган одатий эҳтиёткорлик ва ўзаро боғлиқ жараёнлар орқали муваффақият қозонаётганини, биз ҳарчанд, ҳақиқий жараён факат бир йўналишда ҳаракат қилиши мумкин, деб ҳисобламайлик, ушбу муваффақият исломнинг маҳаллий моҳиятга тўла кўшилиб кетишини англатмаслигини таъкидлайди. Масалан, Жанубий Хиндистонда яшовчи бир этнологнинг фикрини олиб курайлик:

Бизнинг тадқиқотимиз исломнинг тарқалиши, хусусан, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиёда тарқалишидаги маҳаллий шарт-шароит ва журофияга ўзининг асосий принципларига зарар келтирмаган ҳолда мослаша олишдай хусусияти мавжудлигини тасдиқлайди. Бу – чекка жойлардаги ўзининг асосий принципларига хавф тугдирмайдиган маҳаллий урф-одат ва анъаналярга имкон қадар мослашишдир. Бу – нафақат Карикал ёки Тамил штати, қолаверса, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиёдаги исломнинг муваффақиятини таъминлаб берган сир бўйса ажаб эмас⁷⁰.

Мен исломнинг Британияда бундан бўён қандай илдиз отиши йўлларини кўриб чиқар эканман, **ал-валаъ вал-бараъ** мафкурасининг бу ерда тарақкий этишига ишонламаслигимни айтмоқчиман; эҳтиёткор аксилислоҳотнинг баъзи бир кўринишлари унинг давом этишига ва, шубҳасиз, озчиликни ташкил этувчи жамоанинг бирлашган ва хушмуомала ҳаёти учун суннийлик исломи ресурсларининг шароитга мослашишига кафолат бериши мумкин.

* * *

Нихоят, энди асосий мавзуга қайтамиз. Мен ҳаётнинг исломий шакллари ўз марказидан кўра, олис жойларда кўпроқ мослашувчан эканини ва бу ҳол тарих нуқтаи назаридан моҳиятдан камроқ либерал бўлган маданиятларда маҳаллийлашув имкониятини ва ўзаро ри-

⁷⁰ J.B.P. More, 'The Marakkayar Muslims of Karikal, South India', *Journal of Islamic Studies* 2:1 (1991), 25-44, page 44.



вожланишни таъминлаб берганини кўрсатиб ўтган эдим. Агар маданий қурилмалар таниш бўлса, Британия ва ислом наррацияларининг жуда эластик экани ойдинлашади. Айниқса, ислом наррацияси худудий ўзгаликларга жуда мослашувчан эканини намойиш қилди. Ислом Британия диний манзарасида ўз қобигига ўралиб, бегоналашиб қоладими ёки муҳитга интеграциялашиб кетадими? Мен баъзи бир юзаки мослашувлар хусусида бирор фикр билдиришдан ўзимни тийиб, исломнинг диний эътиқоднинг британияча усули билан ўзаро муносабатга киришиб кета олишидай теран масалага эътиборимни каратмоқчиман.

Мушоҳада чоғида илк бор кўзга ташланадиган нарса исломнинг Британиядаги диний наррациянинг марказида турувчи христианликка нисбатан қардош дин эканидир. Иккала дин ҳам айни бир сомий заминдан ўсиб чиқсан ва ўз ақидаларини эллинлардан мерос қолган тилда шакллантирган. Фома Аквинский Фаззолийнинг “Мақосид” асарини, худди “Ведалар” ҳақида мулоҳаза юритгандай, осонгина ўқиши мумкин эди. Христианликнинг исломга оид илк тажрибаси даврида баъзи бир мутафаккирлар, гарчи бир киши янгилишган бўлса-да (масалан, дамашқлик Авлиё Иоанн⁷¹), янги динни христианликнинг бир шакли деб ҳам хисоблаган. Гарчи ўрта асрлардаги лотин христианлиги ҳам шу фикрда бўлса-да, икки анъананинг бир-биридан илхомланишини кўрган баъзи бир 20-аср олимлари исломни, исошунослик нуқтаи назаридан, ўз ўрнига кўйилмаган христианлик, деб ҳам баҳолашди. Ислом хусусидаги кенг қамровли ва маълумотларга бой христианча мулоҳазалар муаллифи Люис Массигон сомийлар дунёсининг бошқа йўл билан эришиб булмайдиган ҳақиқатини эълон қилиш учун бу динни моҳиятан қурдатли, нозил бўлган ва христианликнинг бокира аёлнинг тувиши, Исонинг рамзга айланиши сингари сирларини яширин бир шаклда ўз ичига қамраб олган илоҳий қўлланма дейиши билан улардан ҳам ўтиб кетади⁷². Яқин-

⁷¹ Daniel Sahas, *John of Damascus on Islam* (Leiden, E.J. Brill, 1972), 128 - 9.

⁷² David A. Kerr, ‘The Prophethood of Muhammad’, in Yvonne Yazbeck Haddad and Wadi Zaidan Haddad (eds.), *Christian-Muslim Encounters* (Gainesville etc.: University Press of Florida, 1995), 428 - 30.



гинада Ҳанс Кунг Таврот мезонларидан фойдаланиб, Мұхаммаднинг пайғамбарлиги қонуний эканини тасдиқлади. Ислом, шунингдек, буддизм христианликка “тузатишлар” сифатида муҳим аҳамият касб этди, деган фикр Ҳанс Кунгнинг ана шу тасдиғи бир қисмидир⁷³. Худди бошқалар каби, унинг ҳам инклюзив қараши амалда исломни христианликнинг күрінмас черковига тенглаштириб құяды.

Христианликнинг исломга нисбатан бундай қараашла-ри икки анъана бугунги кунда, гарчи бир-биридан кес-кин фарқ қылса-да, ҳатто үрта асрларда бұлганидан ҳам күра күпрок бир-бирига чатишиб кетган, бир-бирини уруғлантирадиган наррация бўлиши мумкин, деган фикрни назарда тутади. Бундай қараашлар, шунингдек, исошуносликни потенциал уруғлантириш ва конвергенциянинг энг умидбахш нұқтаси деб ҳисоблайди. Жуда оз кишиларгина Ниса қарорлари⁷⁴ ни диндорлар, мусулмонлар ёки бошқаларнинг майлларига мослаш учун тартибга келтириш керак, деб билади; бироқ бунинг фалсафий ва Тавротга танқидий нұқтаи назардан ёндашувчи бошқа сабаблари ҳам бор, Буюк Британиядаги күпчилік илоҳиётшунослар, ислом ва христианлик бир-бирини олдингига нисбатан камроқ тан оладиган бўлиб қолди, деган фикрда яқдилдирлар. Бугунгы кунда нео-ортодоксал (бъзан бартча⁷⁵, бъзан эса “радикал ортодоксал”) реакция

⁷³ Hans Küng et al, *Christianity and the World Religions: Paths of Dialogue with Islam, Hinduism and Buddhism* (London: Collins, 1986), 24–8. Исломда тузатиш тарихий ва, бинобарин, сомий Исони үз үрнига тиклаш шакини олади. Кунг Павеллинин әллиплаштириш стратегиясини рад этмаган холда, Жеймс құллаб-кувватлаган ибтидий монотеизмининг күчсизләниб колиши туфайли христианлик үз мавкеини йўқота бошлаган, деб ҳисоблайди. У исломнинг гүё яхудийларнинг Исога издош бўлган кишилардан иборат мазхаби эбионаимлардан келиб чиққана ҳакида сафсата сотовчи Х.Ж.Шоенс сингари тарихчиларнинг гапларига хайри-хохлик билан карайди.

⁷⁴ Ниса қарорлари (“Ниса-Константинопол кредоси” деб ҳам аталади) — христианларнинг милодий 325 йили Ниса шаҳрида эътиқод ҳакидаги яккаю ягона кредосидир. Уни роман-католик, шаркий православ, англикан ва аксарият протестант черковларигина кабул кылган. Хаворийлар ва Афанасий ақидаларини бъззи бир черковлар кабул кылган, колганлари кабул кильмаган.

Тарж.

⁷⁵ Барт, Карл (1886—1968) — швейцариялик илоҳиётшунос, либерал рационализмга карши бўлган диалектик илоҳиётшуносликни тарғиб кылган. “Худо ва илоҳиётшунослик сўзи” (1924), “Илоҳиётшунослик ва черков” (1928), “Кредо” (1935) сингари асарлар муаллифи. — Тарж.



ҳаммаёққа тарқалиб кетди. Ниса ортодоксия⁷⁶ сини бирдан йўқ қилиб бўлмаслиги равшан. Бироқ ушбу унитар⁷⁷ исошуносликнинг Британиянинг тан олинган илоҳиётшунослиги сифатида мавжудлиги исломнинг маҳаллий аҳоли эътиқод қиласидан динлар спектрида ўзини қай тарзда намёён қилиши мумкинлигини кўрсатиб беради. Британия диний тарихининг асосий тимсоли назаретлик Исодир; мабодо Британия исошунослигига унитар ва пелагийлик⁷⁸дай иттифоқдош сотериология (нажотшунослик) деб номланадиган муҳит бўлса, исломнинг ўрни аниқроқ ва муаммолардан холироқлиги мумкин бўлади.

Британияликларнинг муқаддас нарсалар хусусидаги ўзига хос тушунчаларининг асосий манбаси нима бўлиши мумкин? Артур ҳакидаги ривоятлар туркуми ана шу манба вазифасини бажаришга энг муносаб номзод бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Мен энди уларни илоҳиётшуносликнинг улкан траекторияси учун бошланиш нуқтаси деб ҳисоблашни истайман. У бугунги кунда Британиянинг диний тафаккурида унитар ва пелагийлик танглигини келтириб чиқарди.

Биз ҳам Кэтлин Рейнега қўшилиб британияликларнинг ушбу асосий наррацияси экцентрик, яъни ягона марказга эга бўлмаган христиан наррацияси эканини тасдиқлаймиз. Жомни излаш⁷⁹ католикларнинг евхаристик⁸⁰ эътиқоди ва эврилиши оддий мажози эмас; аксинча, ҳам

⁷⁶ Ортодоксия [< юнон. orthodoxos такводор] — бирор таълимот, дунёкарасида изчил, офишмай амал қилиш. — Тарж.

⁷⁷ Унитар [фр. unitaire < лат. unitas бирлик] — ягона, бирлашган, бир бутунни ташкил этувчи (масалан, давлатнинг яхлитлиги, федерал субъектларга бўлинмаслиги). — Тарж.

⁷⁸ Пелагийлик — 5-асрнинг бошларида Ўтраер денгизи мамлакатларида таркалган христиан роҳиби Пелагий таълимоти (Pelagius, тахминан 360 йилда туғилган ва 418 йилдан сўнг вафот этган), Августиннинг худонинг марҳамати ва тақдири азал хусусидаги концепциясидан фарқли ӯларок, инсоннинг нажот топишини ўзининг ахлоқий ва такводорлик борасидаги сайдъ-харакатларига боғлик, деб ҳисоблаган, шунинг баробарида “ибтидоӣ” гунохнинг авлоддан-авлодга ўтувчи кучини рад этган. Пелагийлик 431 йили З-умумжаҳон жомесида зиндикийлик сифатида кораланганд. — Тарж.

⁷⁹ Жомни излаш (ингл. grail кося, жом) — 1. Ўтра асрлар афсонасига кўра, гўё Исо сўнгти марта кечки овқатни ўша кося ёки ликопчадан еган. Шунинг учун рицарлар ўша идишни излашади. 2. Ўзок ва мушкул бўлган излаш. — Тарж.

⁸⁰ Евхаристия [юнон. eucharistia айнан миннатдорлик билдириш] — христианликнинг еттита сиридан биттаси бўлган причашчение. — Тарж.

келтча, ҳам платоник (соф рухий, ҳиссиёт билан боғлиқ бўлмаган) йўсундаги мистикадир. Афсонанинг энг кўхна қатламларида рицарларни ўзини қурбон қилиш орқали эмас, ўз ичидаги аждархонинг жиловини кўлга олиш орқали интизомли бўлишдай эврилишга чорлаган комил хукмдор ҳеч қачон ортодоксал христианларнинг битикларини хушламаган.

Бу британияликлар тасаввурининг кўхна қатламига тегишилдири. Мен ишонаманки, биз ҳар доим ушбу мамлакатнинг диний амалиётида, гарчи кам сонли, унитар-пелагийча бўлса-да, аммо изчил бир чеккани эгаллашимиз мумкин. Масалан, Жон Милтон (1608—1674) Артур мавзусида деярли бир эпик достон ёзди; гарчи у ўшанинг ўрнига “Йўқотилган жаннат” номли эпик достонини битган бўлса-да ва достон инглиз кишисининг христиан дини ҳақидаги энг буюк баёноти эса-да, шаклан черков белгилаб берган меъёрларга бўйсунади. Олимлар достоннинг мақсади ва матнига кескин ётфиксрилилкка әлтувчи восита сифатида қарашади. Милтон ўз ҳаёти давомида троица⁸¹ ва гуноҳни ювишга қарши бир хусусий рисола ҳам ёзди; биз унинг Ота Худонинг раҳматга асосланган қудрати ва Сахий Үғил ҳақидаги ривоят ҳақидаги бир қатор мутахассисларнинг асарларини ўқишини, унинг нажот ҳақидаги қарашлари парадигмаси ҳақидаги қатъиятини айнан мана шу манзара орқали тушунишимиз мумкин⁸². Набил Матар айтганидай, Милтоннинг назарида “араблар Англия учун нафақат ҳарбий соҳадаги қаҳрамонликлари, қолаверса, яратувчан тасаввури билан ҳам намуна бўла олади”⁸³.

Платоник фоялар ҳамроҳлигидаги ўша унигар-пелагийча кайфият Британия зиёлилари саҳнасига Ибн Ту-

⁸¹ Троица (rus.) — христиан динида Ота худо, Үғил худо ва муқаддас рух — учлиқдан иборат бир худо. — Тарж.

⁸² Michael Bauman, *Milton's Arianism* (Frankfurt am Main: P. Lang, 1987). Милтоннинг троицага эътирози унинг битикларида мавжуд бўлмагани, инкарнацияга эътирози эса “түғилган худо бўлиши мумкин эмас”, деган қарашдан иборат. Сўнгги датъо кейинчалик вужудга келган инглиз унитарианизми (Реформация даврида пайдо бўлган диний ҳаракат)да кўзга ташланади. У илоҳий моҳиятнинг мавхумлигидан баҳс юритади.

⁸³ Don M. Wolfe (ed.), *Complete Prose Works of John Milton* (New Haven and London: Yale University Press, 1953—1983), I, 299, cited in Nabil Matar, *Islam in Britain 1558-1685* (Cambridge: Cambridge University Press, 1998), 87.



файл сингари ислом уламолари чиқиши билан янада кучаяди. Унинг асарларини инглиз тилига Оксфорднинг арабшунос ва лод⁸⁴ шунос профессори Эдвард Покке таржима қилган. Милтон ўзининг “Кириш” асарида сарасенларни “уз империясини эркин маданиятни ўрганиш ва қурол кучи билан кенгайтирди”⁸⁵, деб мақтайди.

Бундай соҳил етакчи диний ёзувчилар ва мистикларни ўзига жалб этиб келган ҳамда пелагийча ва платоник мавзуларни фақат мустаҳкамлаши мумкин. Бундай мавзулар Кембрижда мударрислик қилган Эверард Дигби сингари кишиларнинг қўлида ўзига хос қурол бўлиб қолди. Э.Дигби “*Theoria analytica*” (1579) асарида инсон табиатининг (Одам Атодан мерос бўлиб келаётган) гуноҳкорлигини инкор этиш ва халоскор табиий билимнинг имкониятлари мавжудлигини исбот қилиш учун платоник манбалардан фойдаланади. Дигби билан Кембрижда бирга ишлаган замондоши, “Лэди Маргарет”⁸⁶нинг илоҳиётшунослик бўйича профессори ва “янги пелагийлар” ҳимоячиси Питер Баро (ваф.1596)-нинг худо фақат гуноҳларни ювиш орқали нажот бермагани хусусидаги қатъиятидан ҳафсаласи пир бўлади. Дости Антонио дел Корро (ваф.1591 й.) нинг “Худонинг ишлари жадвали” асарида “Троица хусусидаги [...] маънодор сукунат”нинг кўрсатиб берилишидан илҳомланган Баро:

Тавротдаги гуноҳдан фориг бўлиш худонинг ахлоқ тўғрисидаги қонуни декалог, яъни диннинг 10 та амрига риоя этилганини билдирган, деб иддао қиласди. Баро Лютер, Калвин ва эндиликда Чедертондан фарқли ўлароқ, қонун ва Инжилга қарши эмас, аксинча, уларни ўзаро бирлаштириш йўлидан борган кўринади. Эъти-

⁸⁴ Виллиам Лод (1573-1645) – инглиз прелати (рухонийси), Кантербери архиепископи. – Тарж.

⁸⁵ Matar, loc cit.

⁸⁶ Лэди Маргарет – Кирол Хенри VII (1485-1509 й.й. ҳукмронлик қилган)-нинг онаси ва Кембрижнинг Авлиё Жон ва Христ колледжлари асосчиси (“Британника”). – Тарж.

қод туфайли гуноҳдан фориг бўлиш худони ва бошқаларни чин дилдан севишга тенглаштирилади. Бу эсанкиратиб қуювчи эътироф эди⁸⁷.

Араб фалсафасидан қарздор бўлган Фичино ва Пико делла Мирандола сингари итальян платончилари қарашларини ўзлаштирган кейинги Елизавета асри "раҳмат" атамасининг августча ифодасига, шунингдек, унитарианизмнинг дастлабки ҳаракатларига карши кескин муносабатга дуч келди. Ушбу ҳаракат Европанинг бирор кунжагидан кўра Англияда ҳосилдор замин топиши мумкандай туюлар эди.

Платонча ва арабча фалсафий тушунчаларнинг ўзаро яқинлашуви Платон фалсафасидан қаттиқ таъсирланиб, илоҳиёт билан боғлиқ бўлмаган жиҳатларда ётфикрлилик сифатида илдиз отди, баъзи ўринларда ислом учун зарур бошпана вазифасини ўтаган хайрихоҳлик у билан чатишиб кетди. Исломнинг Farbdagi илк ва муҳим ҳимоячиси Ҳенри Стаббе эди. У 1676 йили қазо қилган Жеймс И.Стаббенинг шахсий шифокори ва Британиядаги илк мактаб бўлмиш Вестминстернинг талабаси эди. Ҳ.Стаббе Вестминстер мактабининг ўқув дастурига араб тилини киритди, у Пококенинг дусти эди. Ҳ.Стаббе "Исломнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти, Мухаммаднинг ҳаёти, унинг динини христианлар тухматларидан халос этиш ҳисоботи"⁸⁸ деб номланган китоб ёзиб қолдиради. Куйида унинг прозасидан бир намуна келтирамиз:

Бир тарафдан эркакларнинг эътиқодини улар тушуниши қийин бўлган, сабаб ва соглом фикр-га тўғри келмайдиган бир қатор теран тушунчаларга ишониш зарурати билан булгамайдиган; иккинчи тарафдан эса уларни кўплаб

⁸⁷ Mark R. Shaw, 'William Perkins and the New Pelagians: Another look at the Cambridge predestination controversy of the 1590's', *Westminster Theological Journal* 58 (1996), 281.

⁸⁸ Карапн: J.R. Jacob, *Henry Stubbe: radical Protestantism and the early Enlightenment* (Cambridge: Cambridge University Press, 1983); P.M. Holt, *A seventeenth-Century defender of Islam: Henry Stubbe and his Book (1632-76)* (London; Dr William's Trust, 1972).

бемаъни, қиммат ва ирим-сиirimга асосланган маросимлар билан банд қилмайдиган, боз устуга, эркакларни ўзларининг Аллоҳ ва Инсон олдидағи бурчи чегарасида тутиб туриш усули бўлган Диний Ибодатни хурсандчилик билан адo этиши – ислом динида амал қилиниши керак бўлган нарсалар мана шулардир⁸⁹.

Ушбу асарнинг яширин тарзда қўлдан-қўлга ўтган қўллэзмалари ётфирклиликнинг сўнгги шаклларига таъсир хам кўрсатгандай бўлди. Унитарианизм (Троицани тан олмаслик)нинг мунозарачиси Жон Толанд Стаббенинг матнини ўқигандан сўнг “мусулмон христиани” деган иборани қўллаган бўлса ажаб эмас⁹⁰; айни пайтда учтадан кам бўлмаган қўллэзма муҳтарам руҳоний Жон Диснейнинг шахсий кутубхонасига келиб тушади. У 18-асрнинг охирларида омма кўз ўнгидаги унитарианизмни қабул қилиш билан черков аъёнларини ваҳимага солиб қўяди⁹¹.

Стаббенинг асарида Ислом парадигматик Бошқа эмас, аксинча, инглизларнинг табиатига мос бўлган дин сифатида тавсифланади. Стаббе ирим-сиirimчи эмас, маънавийдир. У соддаликни, яъни католицизмнинг на зокат билан ишланган тош метафоралари ва Чарлзнинг бошни айлантирас даражадаги юксак англикан эътиқодидан кўра, масжиднинг тоза ва бўм-бўш деворини афзал билади⁹². Уни мураккаб дормалар қизиқтирумайди⁹³. У pragmatik ахлоқни қадрлайди. Бу унинг кўпхотинликни унитарианизмга хос тарзда ҳимоя қилишида яққол кўзга ташланади. Унинг ўта “инглизча” ҳалол ўйин тушунчасига ҳам зид келадиган билвосита азоб-

⁸⁹ Henry Stubbe (ed. Hafiz Mahmud Khan Shairani) *An Account of the Rise and Progress of Mahometanism, and a Vindication of him and his Religion from the Calumnies of the Christians* (second edition, Lahore: Orientalia, 1954), 177.

⁹⁰ Jacob, 154 – 7.

⁹¹ Holt, 10.

⁹² Рожер Скрютоннинг инглиз черковлари ҳакидаги мана бу гапини тақкослаб кўринг: “Архитектураси муҳташам, аммо содда ва сокин, унда француз готик черковидай юксакка буй чўзиш ҳам, италян ибодатхонасининг диний маҳрамлиги ҳам йўқ”.. *England: An Elegy* (London: Chatto and Windus, 2000), p.91.

⁹³ Тақкослаб кўринг: Mr Vincy in *Middlemarch* (chapter 13): “Мен хозир ҳам, худди ақидалар вужудга келмаганидан олдинги вактдагидай, черковнинг олдий ходимиман”.



ланиш ғояларига вакти йўқ. Стаббенинг мулоҳаза ва муҳаббат орқали нажот топиш хусусидаги қатъияти замондоши бўлган Жорж Хербертнинг карашларига якиндин. Баъзи бир ўқувчилар Ж.Хербертнинг “Муҳаббат мени кутлади” деб аталган йирик поэмасида “ўрта асрлардаги ислом метафизик шеърияти билан яқинлик борлигини ҳис қилиши мумкин”⁹⁴.

19-асрнинг бошларида Виллиам Блейк Артур меросидан, Кембриж платончиларидан ва Жэкоб Boehmning инглиз шарҳловчиларидан ва Сведенборгни танқидий ўқишдан руҳланган киши сифатида “пелагийлик-платонча” йўналишни давом эттирди. Худди Милтон сингари Блейк ҳам инглиз миллатини ўзининг “Пайғамбар китоблари” асарида маънавият соҳасидаги мулоҳазаларига мавзу сифатида олишга ҳаракат қиласр эди. “Ухлаётган қирол” иборасини қайта тиклаган Блейк “Албионнинг уйкуси”дан шикоят қиласи ва ватандошларини ўзларини Уризен — христиан девидан эмас, аксинча, янги илм-фаннынг механистик дунёқарашиб бўлган “кекса жаҳолат”-дан халос этишига даъват қиласи. Унинг фикрича, бу дунёқарашиб одамларни детерминистик, маънавиятни қашшоқлаштирувчи ва, бинобарин, тенглик ва машиналарни вахшийлаштирувчи тўр қопқонга туширади. У умид қилиб бундай дейди:

*Мен Албионни узоқ ва совуқ
 Faflat оромидан ўйготишим мумкин
 Бэкон ва Нютоннинг ёвуз пўлат билан ҳимояланган террори
 Албион узра осилиб турар
 Ва темирдай савалар уни.*

Албионнинг уйкуси, унинг “тunoҳи” бефарқлиkdir, нафис ва файритабии нарсаларни тушунишнинг дағаллашиб, йўқола боришиdir⁹⁵.

Рейненинг кузатишича, “Блейк ҳеч қаерда христиан илоҳиётшунослигидаги одамнинг бўйсунмаслиги ва гу-

⁹⁴ Clifford Longley, in *The Daily Telegraph*, April 2, 1999.

⁹⁵ Raine, *Golgonoza*, 172 – 5.



нохи туфайли жаннатдан ҳайдалиши хусусида сўз қотмайди; у бунинг ўрнига инсон ахволини абадий нарсаларнинг фафлатидан бири деб ҳисоблаган платонча қарашни маъқуллайди”⁹⁶. У ҳам худди Милтон каби, Платоннинг “10-Республика” китобидаги суратдан боҳабар эди. У ердаги руҳлар дунёга киришдан аввал фафлат дарёсидан сув ичишга мажбур эди. Улар сувдан тўйиб ичмагани учун дунёга келганидан сўнг ижодкор, диндор ва мусиқачи бўлади.

Блейкнинг нима учун ҳеч қачон черковга бормагани маълум. У Тавротнинг неоплатоник талқинидан илҳомланади. Айни ҳол унинг Тавротга бўлган қизиқшини оширади. Блейкнинг визуал санъатда эришган юксак натижалари “Иш китоби”⁹⁷даги гравюралар туркумидир. Улардан айримларини (Лондондаги Санъат музейи бўлмиш) Тейт галереясида ҳам кўриш мумкин. Биз бу ерда “Иш”нинг сабот ва ўзини кўз-кўз қилмаслик орқали камолотга етганини ва, шунингдек, маънавий маърифатини кўришимиз мумкин. Исонинг нажоткорлик учун ўзини қурбон қилиши ҳеч қаерда кўзга ташланмайди⁹⁸.

Буларнинг барчаси мусулмонларнинг нажот хусусидаги фикрларига мос келади. Блейкнинг гунохни уйқу сифатида тасвирлаши Куръондаги яратишга оид машхур муқаддима билан ўзаро боғлиқdir. Ўша муқаддимада бутун инсоният дунёга келишдан олдин Буюк Аҳдга шоҳидлик бериш учун Аллоҳ ҳузурига чақирилгани баён қилинади⁹⁹. Ислом ва, хусусан, унинг ичидаги сўфийлик анъанаси **ғафлат** принципини одамни доимо таъкиб қилиб юрувчи муаммо деб билади. Худди Блейк ва инглиз анъанаси каби, Куръон ҳам нажот тарихига бундай нигоҳ ташлаганида одамни дунёга келтирган ибтидоий

⁹⁶ Raine, *Golgonooza*, 172—3.

⁹⁷ “Иш китоби” яхудийларнинг муқаддас битиклари китоби булиб, дунё адабиётининг дурданаси ҳисобланади. Уни Тавротнинг “Кетувим” (“Мактублар”) деб аталган учинчي бўлимидан топиш мумкин (“Британника”).

⁹⁸ Kathleen Raine, *William Blake and the Book of Job* (London: Thames and Hudson, 1982).

⁹⁹ Куръон, “Аъроф” сураси, 172-оят. Каранг: G. Bowering, *The Mystical Vision of Existence in Classical Islam: The Qur’anic Hermeneutics of the Sufi Sahl At Tustari (d.283/896)* (Berlin and New York: Walter de Gruyter, 1980), 145—57.



генохга ўрин қолмайди. Биз бегона илохий ташаббус билан “нажот топмаслигимиз”, аксинча, Аллохнинг ёрдами билан ўзимизни қайтадан тиклашимиз керак бўлади.

Ушбу мавзу ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Блейк “Шорҳэм эйншентз” номи билан машхур гурух орқали Британия динининг чеккасида сўнгги ҳаракатларга ўз таъсирини ўтказади. Ўша ҳаракатлардан айримлари то шу кунгача давом этиб келяпти. Масалан, Бернард Шоу ва Оскар Уайлд ёки 20-асрдаги Британия илохиётшунослигининг ўзига хос кўриниши бўлган яширин унитар тамойил (тенденция), кембрижлик Жеофри Лампе¹⁰⁰ сингари шахслар мисолида кўзга ташланганидай, ҳақли суратда бемалол мана шу шажараға даъвогар булиши мумкин.

Хулоса чикарадиган вақт ҳам келди. Менинг бир неча мавзулар чегарасидан чиқиб кетган пайтларим ҳам бўлди, аммо бунга эҳтиёж борлиги аниқ эди. Фикримча, ислом нуқтаи назаридан бу диннинг Британия ҳаётига кириб бораётганини камсонли мусулмон жамоаларининг мослашуви ҳақидаги узун тарихнинг яна бир боби қилиб киритиш мумкин. Бундай жараён учун ислом фиқҳи ва тарихида етарли мисоллар мавжуд. Айтиб ўтганимдай, бу борада ваҳҳобийлик қарашларининг кучайиб бориши ягона тўsicқ булиши мумкин. У бирор жамиятга моҳиятган кириб борган динга қаттиқ қаршилик кўрсатади.

Британияликлар нуқтаи назаридан исломнинг кириб келиши мутлақо бегона дунёқарашнинг бостириб кириши деб эмас, аксинча, мавжуд турли динлар манзарасининг кенгайиши деб қаралиши керак. Ислом бу манзаранинг

¹⁰⁰ G.W.H. Lampe, *God as Spirit* (Oxford: Oxford University Press, 1977). Бу китоб ҳақидаги мулоҳазалар учун карант: Maurice Wiles, *Faith and the Mystery of God* (London: SCM, 1982), 117–129; айниқса, 127-бетта каранг, у ерда эмпиризмга асосланган инглизларнинг ушбу унитар импульси ҳақида яхши хулоса чиқарилади: “Троица символизми нафакат мулоҳаза ва ибодат учун кимматли йўлбошловчи бўлади, қолаверса, худонинг ўзига хос табиатини намоён килади. Троица символизми худопинг борлиги хусусида билишга интилиши ўзида намоён этади. Бу хол эзтиқоднинг экспериментал ва экспериментал табиатини ўзаро келишириш мушкул эканини англатади. For Lampe see C.F.D. Moule (ed.), G.W.H. Lampe: *Christian, Scholar, Churchman, a Memoir by Friends* (London and Oxford: Mowbray, 1982).

ўзига хосликларини олдинги асрларда шакллантириб берган эди ва у анъанага бегона эмас. Мен анъанани пелагийлик ва платонча деб тавсифладим. У исломнинг асосий масалаларини ўзиники деб билади.

Британияда истиқомат қилаётган мусулмонлар манашу алоқадорликни тадқиқ қилиши ва оммалаштириши керак. Британия мусулмонлари пешволари ўз қавмларининг гуллаб-яшнаши ва интеграциялашуви йўлида нафакат миллатлараро муносабатлар комиссиялари, ҳалол гўшт масалалари ва маҳаллий сиёсатнинг ўткинчи манзрасида, қолаверса, миллий маданиятнинг теран структурасида ўз ўрни қаерда эканини англаб етишлари керак бўлади. Британия мусулмонлари геолог бўлишлари керак, улар Буюк Британия диний изланишлар борасида кўп изҳоротларни вужудга келтирганини ва ўшаларга ҳақиқий мансублик ҳиссини туюши мумкинлигини, булар инсониятнинг фундаментал бутунлигини эслатиб туришини тан олишлари даркор. Британия мусулмонлари учун ўтмиш “бошқа мамлакат” булиши мумкин эмас.



X б о б

ИСЛОМ МАЪНАВИЯТИ: УНУТИЛГАН ИНҚИЛОБ

Шекспир айтганидай, “қон муҳокама этилмайди”. Таассуфки, бугунги кунда мусулмонлар сафи ўз гапига қўшилмайдиган кишилар билан тўлиб кетган. Кечаги глобал молия рамзи бўлган Жаҳон савдо маркази¹ бугунги кунда Farb ўзининг бошқариб бўлмайдиган йўлларини Шарқ томон буриши мумкинлигига ишонган кишиларни назорат қилишга қаратилган уринишларини барбод этган глобал исломнинг ҳайкалига айланди. Бу ўринда оқлашга хеч қандай ўрин йўқ. Кўпчилик чиранаётганидай, “жўжаларнинг катакка қайтиб келиши”ни талаб қилиш ҳамда Вашингтоннинг Истроил юритаётган этник тозалаш сиёсатига ён бериши уни авж олдириб юбораётганига норозилик билдиришнинг ўзи етарли эмас. Шаббир Ахтар қайд этганидай, ожизлик ҳам худди тизгинсиз қурдатдай, одамни бузиши мумкин. Аммо тушуниш дегани бирор нарсага розилик бериш ёки ҳамдардлик билдириш дегани эмас. Мақсадга эришиш учун бегуноҳ кишиларнинг қонини тўкиш энг бебош дунёвий утилитар ахлоқ белгисидир, у дин талаб қиласидиган мутлақ ахлоқий чекловларга нисбатан тескари кутбда туради.

Хали унчаям узоқ тарихга айланиб улгурмаган пайтларда “ултралар” кўпчилик эмасди. Дунё миқёсида исломга қайтадан ҳаёт баҳш этишга бўлган уриниш уларнинг юзидаги кичкина бир сўгал эди. Таассуфки, биз энди уларни менсимаслиқдай хурсандчиликдан ортиқ баҳраманд бўла олмаймиз. Экстремизм кенгайиб, унга йўл бертаётган оралиқ замин ўз жойидан силжиб ва чалкашиб кетди. Ва бу заминнинг Расуулulloҳ башорат қиласидан заифлашуви нафақат экстремистларнинг мағлубияти, қолаверса, улар туфайли дунёнинг турли бурчакларида яшов-

¹ Китоб Жаҳон савдо маркази — Нью-Йоркдаги энг баланд эгизак бино террористлар ҳужуми туфайли қулақ тушишидан олдин ёзилган. — Тарж.



чи ҳақиқий мусулмонларнинг обўрсизланиши билан тезлашиб кетди. Худди бошқа соҳаларда бўлгани каби бу масалада ҳам оммавий ахборот воситалари бизга нисбатан кескин қарши ишламоқда. Дэвид Кореш ўзининг умумий меъёрлардан четга чикувчи Тавротга оид хабарини христианликка ёки унинг адвентистлар қанотига боғламасдан, ҳеч қандай шармандалиқдан тап тортмай туриб ҳам “Киёмат ранчоси”дан эфирга узатиши мумкин. Аммо бирор бебош исломий гурӯҳ Қоҳирада швед сайёхларига бомба хужумини уюштиrsa, ўша пайтнинг ўзидаёқ бутун дунёга “жангари мусулмонлар” ҳақида гўнг сочилади.

Мабодо бу нарсалар давом этаверса, ислом ҳаракати маданий ва маънавий қайта тикланишга бўлган интилишларидан воз кечади ва парчаланиб кетган, ҳеч нарсадан тап тормайдиган майда-майда гуруҳлар кўринишида мавжуд бўлади. Бир замонлар мунозаралар ва ётфиксияларикка нисбатан ўзининг бағрикенглик қобилиятини кўрсата билган ҳамда бошқа динлардан устун бўлган дин тарихининг бу тариқа даҳшатли ва ҳақоратли интиҳо топиш эҳтимоли воқеликка айланади. Кейинги 15 йил давомида ислом тажрибаси, анъанавий ислом институтлари ва бошқа мусулмон ҳаракатларининг мусулмон кишиларни яшашга арзигулик, аммо ваъда қилинган хомхаёл “ислом давлати”га бошлаб бориш борасидаги муваффакиятсизлиги радикаллашувнинг ортиб кетишига сабаб бўлди.

Агар бундай пировард фалокатнинг олди тўсилса, хукмрон тамойил яна ташаббусни ўз қўлига олиши мумкин. Аммо у бунга эришиш учун ишни ўзининг кучи сустлашувни кескин танқидий таҳлил қилишда эканини тан олишдан бошлиши керак бўлади. Ислом ҳаракати ҳозирча муваффакиятсизликка учраётгани ҳаммага аён. Биз ўзимизга, қандай қилиб Мусулмон биродарлиги миллионлаб аъзолари бўлишига қарамасдан, 60 йил давомида такрор ва такрор омадсизликка юз тутган бир пайтда Носир сингари қассоб, омадсиз аскар, манман сафсатабоз эътиқодсиз бўлса-да, Миср сингари мухим аҳамиятга эга бўлган мамлакат раҳбарлигини ўз қўлига ола билди, деган саволни беришимиз керак. Бундай одамни



сиқиб юборадиган ва узоқ номувофиқлик контекстида методологиянинг яроқсизлиги учун кескин айблаш мақсадга эришишга тўсқинлик қила олмайди.

Айнан мана шу контекстда биз — хайратланарли, эҳтимол, муқаррар тарзда — ислом доирасида маънавий ҳаётни қайта тиклаш имкониятидан фойдаланиб қолишимиз керак. Мабодо у қачондир гуллаб-яшнаши керак бўлса, “исломнинг қайта тикланиши” ўзининг инқирозга юз тутгани ва ақлий ресурслари замонавий эҳтиёжларни қондириш учун етарли эмаслигини тан олишга мажбур этилиши лозим. Бунга жавоб қайта тикловчиларнинг мағкуралашган нео-исломидан устун бўлиш ҳамда кўпроқ классик ва асл мусулмон диалектикасига қайтиш шарти билан коллектив мухосаба, ўз-ўзини имтиҳон қилиб кўришга асосланиши зарур.

Касалликни ошкор қилувчи белги — иситма шуки, ислом ҳаракатининг инқирози ҳақидаги тушунтиришлар орасида ягона ишончли мусулмонча талқин бўлмиш, Аллоҳ буни қўллаб-куватлаши керак эмас, деган гап кўзга ташланмайди. Биз тез-тез Куръоннинг бир оятини эшишиб турамиз, унда “Албатта, Аллоҳ бирор қавм ўзларидаги нарсани (яхши ҳолатни ношукрлик билан ёмон ҳолатга) ўзгартирмагунларича, улардаги нарсани (яхши ҳолатни ёмон ҳолатга) ўзгартирмас”², дейилади. Бироқ бу принцип ҳеч қачон тўғри тушунилмаган кўринади. Ушбу муқаддас битик коллектив ижтимоий муваффакиятга эришиш учун шарт-шароит ҳозирлайдиган индивидуал ахлоқ ислоҳотини назарда тутади, деб тахмин қилинади.

Аммо бундай ахлоқ ислоҳотини обру-эътиборга тақво (нисбатан енгил иш) орқали эришилганми ёки у жоннинг бошқа вужудга кириши туфайли давом этяптими, деб ташвишланмасдан туриб, фикҳ мезони билан таққослашдан кўра хавфли нарсанинг ўзи йўқ. Оятда ахлоқий эврилиш эмас, маънавий эврилиш, яъни диндорлар **нафси**нинг ўзгариши хусусида сўз юритилади. Расулуллоҳ бизга бот-бот эслатишдан чарчамаганидай, агар ушбу тақво чин юракдан қилинмаган бўлса, унинг зоҳирлан (шариат) рукилар(и)га амал қилишининг қиймати бир

² Куръон, “Раъд” сураси, 11-оят.

пуллигича қолаверади. Ул зот айтадиларки, “хеч ким бу Боққа ўз ишлари учун кирмаяжак”. Айни пайтда замонавий ислоҳотчи (биз бош оғриқ “фундаментализм” сўзидан эҳтиёт булишимиз керак) ислом йўналишидан улги олувчи ва ахлоқнинг зоҳирий кўринишларига ӯралашиб қолган бирорларга қозилик қилишга оид асарлар ваҳий нима экани хусусидаги саволга жавоб бера олмайди. Аллоҳнинг бизнинг (шариатнинг) мураккаб қонун-коидалар(и)га сабот билан риоя этиш қобилиятимизни текширишдан бошқа иши йўқ, деб ҳисоблаш илоҳиётшунослиқдаги бемаънилиқдир. Ул зотни бизнинг меҳнатимиз ва ўзининг марҳамати билан тузалишимиз ва туғилган пайтимиздаги соғлигимиз ва мувозанатимизга қайтишимиз кўпроқ қизиқтиради. Ақидалар айнан мана шу ўринда аҳамият касб этади ва шунга шароит яратиб беради. Аммо унинг ўрнини боса олмайди.

Қуръони каримда ана шу нуқтаи назарга эътиборни қаратиш учун ҳайратланарли бир ташбех келтирилади. “Иброҳим” сурасининг 24 – 26-оятларида қўйидаги сўзларни ўқиймиз:

(Эй инсон), Аллоҳ пок Сўзга (яъни, имон калимасига) қандай мисол келтирганини кўрмадингми? (У сўз) худди бир яхши дарахтга ӯхшайдики, унинг илдизи (ер остига) ўрнашган, шоҳлари эса осмондадир. Парвардигорининг изни билан (у) мудом мева берур. Аллоҳ одамлар эслатма олишлари учун мана шундай мисолларни келтирур. Ёмон сўзнинг (яъни, куфр сўзининг) мисоли эса ер юзасидан (илдизи) узилиб қолган, бир жойда қарори йўқ нопок дарахтга ӯхшар.

Тағсир уламоларига кўра, бу ерда асосий эътибор иймон ва иймонсизлик **калималарига** қаратилгандир. Иймон сўзи табиий ўсиш, унинг ахлоқий ва ақлий ютуқлари бақувват илдизлардан куч олади, деб тасвирланади, илдизлар эса ўз навбатида эътиқоднинг асосини ташкил этади: кишиши инонтирган исботларнинг сифати ҳамда Аллоҳнинг мавжудлигига ишониш ва буни тўғри тушуниш ўша кишининг борлик реаллигига асосланганидан



далолат беради. Шу тариқа олинган мева — диний ҳаётдан олинган сезиларли фойда — доимий (“ҳар сафарлик”) дир, ўша мева (фойда) инсоннинг ўз муваффақияти эмас, у(лар) фақат “парвардигорнинг ижозати билан” келади. Эътиқодга асосланган соғлом ҳаёт мана шудир. Бунинг тескариси эса битта нарса: воқеликка эмас, хомхәёлга асосланган, бинобарин, “барқарорликка эриша олмаган” **куфрдир**³.

“**Бақара**” сурасининг бошида келган ва одамларнинг икки турга бўлинишини эслатиб турувчи мана шу оят амаллар ва эътиқод ўртасидаги муносабатни, улар орасидаги мавжуд иерархияни ҳамда ҳақиқий иймонга хос бўлган озиқланиш ва мева қилиш, олиш ва бериш ўртасидаги барқарор мувозанатни аниқ ифодалаб беради.

Биз иймоннинг замонавий фаол усулларига айнан мана шу мезон асосида баҳо беришимиз керак. Ёш “ултра” ўзининг баъзан асабий бебошликларга олиб келадиган қаттиқ ғазаби билан ҳамда миясига жиддий ўрнашиб қолган ва самарали бўлган нисбатан биқик масалалар ва ташвишларига андармон бўлгани билан Қуръоннинг мана шу тавсифига мос келадими?

Мен бу саволга ўзимнинг тажрибамдан келиб чиқадиган бир мисол билан жавоб бера қолай.

Мен Мисрдаги Аssiут университетидаги “Жамоат ул-исломия” деб аталган бир радикал “исломий” гуруҳ раҳбарини яхши танир эдим. Оти Ҳамди эди. У кўпчилик ҳавас қилса арзийдиган соқол қўйган, ҳар доим тишини мисвок билан тозалар, ўз вақтини копт христианларига бўлган нафрати хусусида воизлик қилиш билан ўтказар, улардан бир нечасига Ҳамдининг **хутбаси** натижасида ҳужум қилинган ва калтакланган эди. Унинг юзлаб издошлари бор эди; оқибатда Аssiут бугунги кунда муросасизлик ва ваҳҳобийлик усулидаги фаоллик кўрғони бўлиб қолмоқда.

Қиссадан ҳисса шуки, мен танишганимиздан сўнг орадан 5 йил ўтиб, яна шайх Ҳамдига рўпара бўлиб қолдим. Бу сафар у билан Коҳира кўчасида учрашар экан-

³ Ушбу оятларнинг тахлили учун қаранг: Habib Ahmad Mashhur al-Haddad, Key to the Garden (Quilliam Press, London 1990 CE), 78—81.

миз, түғриси, таниёлмай қолдим. Соқолини олдириб ташлаб, свитер ва шим кийиб олибди. Энг қизиги, у бир ғарблык қиз билан бирга юрган экан, қиз австралиялик бұлиб чиқди. Шайх уялганча үша қизга уйланмоқчи эканини айтиб берди. У билан гаплашганимизда, мусулмон-лик рукнларини мутлақо бажармай қўйгани, намоз ҳам ўқимаётгани, эндиғи мақсади Мисрдан кетиб, Австралияда яшаш ва пул орттириш экани маълум бўлди. Қандайдир жин уриб, исломий фаоллик амалиёти унга таъсир қилмай қўйибди, у яна “радикал мусулмон”га айланмасидан бурунги мавҳум ва оддий мисрлик йигитга айланниб қолибди. “Салафийча ёниб қул бўлиш” деб аташимиз мумкин бўлган бу ҳодиса кўпигина замонавий мусулмон маданиятларида тез-тез учраб туради. Киши 20 ёшдан энди ошган пайтида орттириладиган илк ташаббус орадан 7 – 10 йил үтгач, сустлашиб қолади. Ислом радикалининг чекига тез-тез тушадиган қамоқ ва қийноқ сингари қуръа иймонга содикликни чўзиши мумкин, бироқ шировардида ушбу янги мусулмонларнинг аксарияти салафий муносабатнинг иймонга үхшаш дунёсида яна ўз амалиёти учун на яхши, на ёмон бўлган илгариги ахволига тушиб қоладиганга үхшайди.

Экстремистлар фаоллигининг ушбу омонатлигидан худди унинг мазмунидан шубҳалангандай шубҳаланиш керак. Ҳақиқий мусулмон эътиқоди бу қадар нозик бўлмайди; Қуръонда таъкидланганидай, унинг илдизи “жуда мустаҳкамдир”. Қуръон оятида тавсифланган икки дарахт ҳақида хulosса қиласиган бўлсан, салафий экстремизми биринчи эмас, иккинчи дарахтдир. Гапнинг пўсткалласини айтсан, сахобалар орасида иймони ўзгарувчанлари бўлмаган: уларнинг садоқати ва художўйлиги ўлимларига қадар нихоятда соф бўлиб қолган.

Ёш мусулмонларни бунга үхшаш ўткинчи, аммо ваҳший фаолликка нима мажбур этади? Бугунги кунда мусулмон жамиятлари бошидан кечираётган бекарорликнинг деярли универсал ҳодиса экани муҳимлигини тушуниш учун одам детерминистик ижтимоий назарияларга қўшилиши шарт эмас. Ислом дунёси ўтиш жараёнининг энг оғат келтирувчи давридан ўтиб бормоқда. Европада беш юз йил давом этган иқтисодий ва илмий эврилиш



мусулмон дунёсида икки авлод умричалик вақтга сиқиб ташланди. Масалан, бундан 35 йил илгари Саудия Арабистонининг пойтахти худди минг йиллар олдин бўлгани каби, лойдан қурилган бир қулбадан иборат эди. Бугунги Ар-Риёд эса шиша билан қопланган миноралар, Кокакола машиналари ва у ёқдан бу ёққа елиб юрган “Кадиллак”лардан иборат улкан шаҳарга айланиб кетди. Бу энди фавқулодда ҳол, аммо янгилик қайсиdir маънода ҳар бир мусулмон жамиятига кириб бораётгани ҳеч кимга сир эмас, бундан фақат чекка-чеккаларда яшайдиган қабилалар мустасно бўлиши мумкин.

Бундай ўтиш даври ҳеч бир нарсани доимий қолдирмайдиган марказдан қочиш кучлари билан инсонларга хавф тугдира бошлайди. Ўша кучлар ён-веридан бошқалардан ҳеч кимга ўхшамайдиган жиҳати билан ажралиб туришида аскотадиган нарсани қидира бошлайди. Айни вазиятда бунинг учун ислом жуда қўл келади. Чунки улар исломга динни қабул қилиш ва иймон сингари табиий йўл билан эмас, хавф-хатарни сезгани учун (паноҳ истаб) интилади, уларда асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ва китоблардан ўрганиш мумкин бўлмаган анъаналарга ошно бўлиш орқали орттириладиган табиий диний қадр-қиммат етишмайди.

Бунинг қандай амал қилишини кўз олдига келтириш қийин эмас. Катта бир оиланинг фарзанди бўлган, иш топишда омади юришмаган, уйланишга етарли маблағи бўлмаган, эҳтимол, кескин каттариб кетаётган шаҳарга кўчиб ҳам келган араб йигити ўзини ҳеч бир белги бўлмаган чўлда адашиб қолган кишидай ҳис этади. Кунлардан бир кун эрталаб у газета дўконидан “Сайийд Кутб” китобининг бир нусхасини сотиб олади ва “дунёга қайта келган”дай бўлади. Унга мана шу керак эди: бир лаҳзада унда ўз кучига ишонч пайдо бўлади ва ӯраб турган муҳитни англаб етиш, хаётидаги муаммолар ва тангликларни ечиш, энг қизифи, ўзини, ҳаммадан зўрман ва ён-атроф назоратимда, деб ҳис қилиши учун қолип қўлида тайёр. У бирор гурухга қўшилиб олади ва ўзининг янги орттирган ишончини сақлаб қолиш учун, одатдагича, бошқа гурухларнинг хатти-харакатлари хато, қабилида фикр юрита бошлайди.



Албатта, бу мисол мусулмонлик худди шундай йўл билан қабул қилиниши кераклигини англатмайди. Динни қабул қилиш учун ақлий жиҳатдан тайёр бўлиш жараёни босиб ўтилиши ва бу жараёнда муқаддас жой ёки руҳоний бўлиш талаб этилади. **Тавба** ўзининг анъанавий шаклига кўра, хурсандчилик, қоникиш ва бошқаларни каттик яхши куришни назарда тутади. Бироқ унинг хавф-хатар туфайли вужудга келган замонавий кўриниши мусулмонларни биқиқ, бошқаларга нисбатан тоқатсиз ва ҳеч нарсани тан олмайдиган қилиб қўяди. Яна бир кўзга яққол ташланадиган жиҳати, у эътиқоди, қанчалик фаол бўлишидан қатъи назар, қандай тасодифий келган бўлса, шундай тез йўқолиб кетадиган одамларни пайдо қиласди. Диний фаолнинг озиқдан маҳрум бўлган руҳи оч қолиб, ҳолдан тоя бошлайди ва ниҳоят нобуд бўлади.

ИЧКИ ФАОЛЛИК

Биз бу тартибсизликка қандай барҳам беришимиз кепрак? Биз ишни исломнинг асли нима эканини эсга туширишдан бошлашимиз лозим. Олдинрок қайд этиб ўтганимиздай, динимиз изчил амал қилинганда, жаннатга йўлланма берадиган қоидалар қўлланмаси эмас. Аксинча, у инсон қалбини тозалашни мақсад қилиб олган ижтимоий, интеллектуал ва маънавий технологиялар мажмуидир. Аллоҳ таоло Қуръонда, қиёмат куни соғлом қалб (**қалбун салимун**)дан бошқа бирор нарсанинг фойдаси бўлмайди⁴, дейди. Пайғамбарнинг -- унга Аллоҳнинг раҳмати ва саломи бўлсин -- машҳур ҳадисида бундай дейилади:

*Танада шундай бир аъзо бор, агар у соғ бўлса,
тана соғломдир, агар у бузилган бўлса, бутун
тана бузилгандир. У қалбdir.*

Исломнинг бошқа барча амрлари мана шу амрга бўйсунишини ва уларга маъно юклашини ёдда тутган

⁴ Куръон, "Шуаро" сураси, 89-оят: "Факат Аллоҳ хузурига соғлом дил билан келган кишиларгагина (фойда берур)". Иброҳимнинг намуна бўлганини билиш учун каранг: "Ва-с-соффот" сураси, 84-оят: "Кайсики, Парвардигорига соғлом қалб билан келди". — Тарж.

ислом уламолари юракнинг “ҳолатлари”ни ўрганувчи илмни ва уни соғлом ҳолатга олиб келадиган усулларни яратишиди. Ўз вақтида ушбу илм **тасаввуф** номини олди. У инглиз тилида **суфизм** деб аталади. Бу ўша илмнинг анъанавий отидир. Биз уни бугунги кунда янайам тушунарли қилиб “Ислом психологияси” деб номлаймиз.

Мана шу нуқтада кўпчилик патини ёйган товусдай ҳурпайиб олиб, қайта-қайта машқ қилиб олинган эъти-розларини билдиради. Ҳукмрон тасаввуф на ақидалар системаси ва на тафаккур мактаби — **мазҳаб** бўлганини тушуниб олиш муҳим аҳамиятга эга. Аксинча, у турли исломий мазҳабларга мансуб кишилар риоя қилган тушунча ва амаллар мажмуидир; бошқача айтганда, у мазҳаб эмас, илmdir. Худди бошқа исломий илмлар сингари у ҳам пайғамбар — унга Аллоҳнинг раҳмати ва саломи бўлсин — ҳамда унинг саҳобалари замонида тасаввуф ёки кейинчалик пайдо бўлган шакли сифатида мавжуд бўлмаган. Бу ҳол унинг аҳамиятни пасайтирумайди. Пайғамбар замонасидан кўп йиллар ўтиб пайдо бўлган талайгина илмлар бор. Булар сирасига **усул ул-Фикҳ** ёки ҳадис илмининг сон-саноқсиз техник соҳаларини киритиш мумкин.

Албатта, бу ҳозир бизни **суннат** ва **бидъатнинг** нотўғри талқин қилинган соҳаларига етаклаб кетади. Замонавий дин фаоллари кўпинча мутлақо нотўғри талқин қилинаётган ушбу икки тушунчани ўзларининг ўтмас қуролига айлантириб олган. Шарқшуносларга хос бўлган одатий тезисга кўра, ислом “самарасиз сомий дин” сифатида ўз ривожланиши учун зарур бўлган механизмларни ишга тушира олмади ва у ўз асосчисининг вафотидан сўнг боши берк кўчага кириб қолди. Аммо бу дастлабки шарқшунос синтезчилар (Муир, Ле Бон, Ренан, Каэтани)нинг қарашларини шакллантирган 19-аср тарихчиларининг этник детерминизмига асосланган бемаънилиkdir. Охир замон дини сифатида пайдо бўлган ислом амалда кескин ўзгариб кетаётган ва тарихнинг интиҳоси ва энг “энтропик”(бурилиш, эврилиш — Тарж.) босқичи сифатида тавсифланаётган шароитга бемалол мослашиши мумкинлигини исбот қилиб берди.



Ислом қонуни — фиқхнинг классик таърифига кўра, **бидъат** нимани англатади? Ҳаммамиз мана бу машхур ҳадисни биламиз:

Янги бошланган нарсалардан эҳтиёт бўлинглар, ҳар бир янги нарса бидъатдир, ҳар бир бидъат нотўғри йўлга бошлишдир, ҳар бир нотўғри йўлга бошлиш эса жаҳаннамга етаклайди⁵.

Бу ҳол исломда кейинчалик жорий этилган, аммо илк мусулмонлар авлоди даврида маълум бўлмаган нарсалар рад этилишини англатадими? Классик уламолар бундай ҳарфхўр талқинни инкор этади. Келинг, Имом аш-Шофиййнинг сунний исломда тўла тан олинган таърифини олиб кўрайлик. Имом аш-Шофий бундай ёзди:

*Жорий этилган нарсалар (**муҳдасат**) икки хил бўлади. Улардан бири Қуръон матни, ёки Суннатга ёхуд илк мусулмонларнинг асарларига ва ёки мусулмонларнинг муроса (**ижмо**) суга зид келади: у “нотўғри йўлга бошлиш бидъати” (**бидъати далолат**)дир. Иккинчи нарса эса яхши бўлиб, ўша мўътабар нарсаларнинг бирортасига ҳам зид келмайди: у “қоралаб бўлмайдиган бидъат” (**бидъати гайр мазмума**)дир⁶.*

Классик уламоларнинг деярли барчаси бидъатнинг мақбул ва номақбул кўринишлари ўртасидаги асосий тафовутни тан олади. Масалан, Ал-Иzz ибн Абдулсалом (ислом тарихининг 5—6 ёки улкан мужтаҳидларидан) шундай уламолардан биридир. Унга кўра, бидъатлар шариятнинг 5 та аксиологик йўналиши — мажбурий (**бо-**

⁵ Ушбу ҳадис аслида **maxcis ал-омм** (умумга хосланган)нинг намунасиadir: у **усул үл-фиқҳ**нинг тез-тез кўлланиладиган амалидир, усул үл-фиқҳ яроксиз фикр бошқа бир зарур принципига зид келиб қолмаслиги учун ярокли деб хисобланади. Бошқа мисоллар учун қаранг: Ahmad ibn Naqib al-Misri, *Reliance of the Traveller*, tr. Nuh Ha Nim Keller (Abu Dhabi, 1991 CE), 907—8.

⁶ Ibn Asakir, *Tabyin Kadhib al-Muftari* (Damascus, 1347), 97.

жизб), тавсия қилинган (**мандуб**), ижозат берилган (**мубоҳ**), кораланувчи (**макруҳ**) ва тақиқланган (**ҳаром**) — ичига кириб кетади⁷.

Иbn Абдусалом “мажбурий бидъат” категориясиға оид қилиб қуидаги мисолларни келтиради: Қуръон ва ислом қонунини йўқолиб кетишидан кўрқиб, ёзувда қайд этиб қўйиш, Қуръондаги зиддиятларни ҳал этиш учун араб сарфу нахвини ўрганиш ва мұтазилаларнинг даъволарини рад этиш учун фалсафий илоҳиётшунослик (**калом**)ни ривожлантириш.

Иккинчи категория “тавсия қилинган бидъат”дир. Уламолар ушбу йўналишга мадрасалар қуриш, исломнинг яхшилиқка ундовчи жихатлари хусусида китоблар ёзиш, араб тилшунослигини синчилаб ўрганиш сингари фаолият турларини киритади.

Учинчи категория “ижозат берилган” ёки “бетараф бидъат”дир. Унга унни элаш ва Мадинада маълум бўлмаган турли услубларда уйлар қуриш сингари фаолият турлари киради.

Тўртингчи категория “қораланувчи бидъат”дир. Унга қурилаётган масжидлар ва Қуръонга ҳаддан ошиқ ҳашам бериб юбориш киради.

Бешинчи категория “тақиқланган бидъат”дир. Унга ноконуний солиқлар, малакаси ва билими етарли бўлмаган кишиларга қозиликни топшириб қўйиш, Қуръон ва суннатнинг маълум принципларига зид келувчи мазҳаблар ва дин амаллари киради.

Бидъат турларининг юқоридаги тарзда таснифланиши шариат адабиётига хос бўлиб, уни фикҳнинг тўрттала ортодоксал мактаби ҳам тан олади. Ислом тафаккури тарихида иккита муҳим истисно ҳол кузатилган: Ибн Ҳазм эълон қиласи Зоҳирий мактаби ва Ҳанбалия мактабининг Ибн Таймия вакили бўлган бир қаноти. Ибн Таймия ушбу масалада классик ижмога қарши боради ва бидъатнинг барча шаклларини, яхши ёки ёмон бўлишидан қатъи назар, исломга хос эмас, деб инкор этади.

⁷ Иқтибос олинган манба: Muhammad al-Jurdani, *al-Jawahir al-lu'l'iyya fi sharh al-Arba'in al-Nawawiya* (Damascus, 1328), 220-1.



Нега энди бугунги қунда мусулмонлар ишонган кўпигина нарсалар исломда номақбул бидъат деб рад этилиши керак? Бир омил, яъни хавф-хатардан пайдо бўлган ақлий чучишига қарши одамларни (муқаддас битикларнинг) мутаассибона ва ҳарфхўр талқинлар(и)дан чора излашга ундашини юкорида кўрсатиб берган эдик. Бошқа бир омил эса ваҳҳобийлик деб аталган ҳанбалиянинг янги ва маблағи кўп мазҳаби таъсирида пайдо бўлгандир. Унинг пешволари ҳар қандай тараққиёт эҳтимолини рад этиши билан ном қозонган.

Нима бўлганда ҳам, биз исломнинг янгиликни тан олиш ва уни ассимиляция қилиш қобилиятини мураккаб ва классик йўсинда тушуниш билан қуролланибигина мусулмон тамаддуни қандай қилиб янги муаммолар пайдо бўлиши билан уларни ечиш учун янги академик илмларни яратганини тушуниб олишимиз мумкин бўлади.

Янги илмларга хос бўлган ислом психологияси, гарчи у Куръонда яширин ва мавхум ҳолда мавжуд бўлсада, ислом маданиятида илк марта аббосийлар хукмронлигининг дастлабки даврларида муайян системага солинди. Биз Куръоннинг “солим қалб”га эришишга берадиган аҳамиятини хисобга олиб, ислом психологиясининг таъсири оммавий бўлгани ва кенг тарқалганидан хабар топганда ҳайратга тушмаймиз. Ислом шаклланган дастлабки тўрт асрда тафсир, ҳадис, сарфу нахв сингари илмлар борасида буюк асарлар яратилди, уламолар, шунингдек, **ал-қалб ас-солим** муаммосига эътибор қаратди. Илк марта Суфйон ибн Уйайна, Суфйон аз-Заврий ва Абдуллоҳ ибн ал-Муборак сингари кўплаб дастлабки зоҳидлар тобеъинлардан үрнак олишиб, бутун дикқатини юракни тозалаш санъатига қаратгани кўзга ташланади. Улар тавсия этган усулларга тез-тез рўза тутиш, кечалари намоз ўқиш, вақти-вақти билан издиҳомдан чекиниш ва **муробата**, яъни ихтиёрий жангчиларнинг Кичик Осиёнинг чегарада жойлашган қальаларида хизмат қилишни ўз вазифаси деб билиши кирар эди.

Бундай художўйлик ўша пайтлар муайян бир системага солинмаган эди. У нажотни пайғамбар қадрла-



ган нафсни тийиш, самимият ва ваҳийга ўта содиқликда деб билган барча мусулмонларни қамраб олган эркин бир категория эди. Ўша эркаклар ва аёллар қиёмат кунидан қўрқани учун **бақсаъун**, (“йифлоқилар”), ёки **зүҳҳод** (зоҳидлар) ва ёки **уббад** (“узлуксиз ибодат қилувчилар”) деган турли номлар билан аталган.

Аммо (хижрий) учинчи асрга келиб, биз бошқа бир диний мактабга тегишли деб тушуниладиган битикларни учратадиган битикларни учратадиган шахар ахолисининг ҳашам ва моддий бойликларга ружу қўйиши кўплаб мусулмонларни пайғамбар давридаги оддийликни қайта тиклаш учун муждалага ундади. Қалб мусаффолиги, бошқалар дардига шерик булиш ва доимо Аллоҳни ёд этиш ушбу тамойилнинг ўзига хос қўринишлари эди. Биз **муҳосаба** усулининг таърифига дуч келамиз: одамнинг нафси ҳакалак отиб кетишига йўл қўймаслик учун ўз-ўзини имтиҳон қилиб туриши. Яна **риёзат**, ички интизом ҳам таъкидланади.

Ўша пайтга келиб Куръон психологиясининг асосий принциплари ишлаб чиқилди. Махлуклардан бири бўлган инсон 4 та таркибий қисмдан иборат деб тушунилар эди: **жисм, ақл, рӯҳ ва нағс**. Дастрлабки икки қисмга камроқ изоҳ бериш ҳам мумкин. Учинчи ва тўртинчи категориялар (замонавий таълим олган кишиларга) камроқ танишдир.

Рӯҳ инсоннинг ўлим туфайли ҳам барҳам топмайдиган асосий моҳиятидир. Куръонда таъкидланганидай, илоҳий илҳомнинг бир қисми бўлган рӯҳни ақл билан англаб етиш қийин:

(Эй Муҳаммад), Сиздан рӯҳ ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “Рӯҳ фақат Раббимнинг ишидан-дир”. Сизларга эса жуда оз илм берилгандир”⁸.

Исломнинг дастлабки психологларига кўра, **рӯҳ** инсон танасининг ҳамма жойига кириб борадиган, аммо **қалбга** жамланадиган моддий бўлмаган борлиқдир. У

⁸ Куръон, “Исро” сураси, 85-оят.

инсон танасининг бу дунёга дахли бўлмаган қисмидир, у бандани Парвардигори билан боғлаб туради, агар банданинг омади чопиб қолса, нариги дунёда Аллоҳни кўришга имкон беради. Биз туғилганимизда ушбу рух зарарланмаган ва соф бўлади. Биз дунёning бемаъни ишларига қўшилишимиз билан, Куръонда таъкидланганидай, у “занг” (*ран*) билан қоплана бошлайди. Занг икки нарса: гуноҳ ва бемаъни ишлардан иборатdir. Улардан нафсни тийиш орқали кутулиш мумкин, шундан сўнгина диндор гуноҳлардан фориғ бўлади ва бутун диққатини Аллоҳнинг бевосита мавжудлигига қаратади, натижада занг тўкилади ва **руҳ** яна озод бўлади. Қалб солимлиги, нажот ва Аллоҳга яқинликка эришилади.

Бу бир қарашда жуда осондай туюлади. Аммо дастлабки мусулмонлар бундай бебаҳо нарсага шунга яраша ҳақ тўлаш орқали эришилади, деб ўргатишган. Юракнинг Авгий отхонаси⁹ни тозалаш жуда машақкатли ишдир. Диннинг мана шу ақидаларига зоҳирий амал қилиш жуда осон; аммо фақат илк қадамdir. Энг қийин нарса **мужоҳада**dir, яъни нафсга қарши ҳар куни жанг қилишдир. Куръонда таъкидланганидай:

Аммо кимки Парвардигорининг (ҳузурида) туриши (ва ҳисобот бершиши)дан қўрққан ва нафсини ҳаволанишдан қайтарган бўлса, бас фақат жаннатгина (унга) жой булур¹⁰.

Суфийларнинг амри шундан келиб чиқади:

“Нафсингизни **мужоҳада** тичоги билан кесиб олиб ташланг”¹¹.

Модомики, нафс назоратда экан, қалб тоза бўлади ҳамда у туфайли енгил ва табиий қадр-қиммат орттирилади.

Унинг мақсади нажотдан бошқа нарса бўлмагани учун

⁹ Авгий отхоналари – юонон мифологиясида Элида шоҳи Авгийнинг улкан ва нюхоятда ифлосланиб кетган отхоналари. Геракл дарё сувини шу ёкка буриб, отхоналарни бир кунда тозалайди. Бу унинг 12 жасоратидан биридир. *Кўчма маънода ўта тартибсизлик.* – Тарж.

¹⁰ Куръон, “Нозиот” сураси, 40 – 41-оятлар.

¹¹ al-Qushayri, *al-Risala* (Cairo, n.d.), 1, 393.



мана шу мухим аҳамиятга эга бўлган ислом илми класик исломнинг буюк олимлари томонидан изчил тушунтириб келинди. Ваҳҳобийлик, ёки шарқшунослик мафкуралари таъсирига тушиб қолган қўплаб мусулмонлар тасаввуфни ҳамиша исломдан четта бошлаб кетувчи оқим, классик уламоларнинг деярли барчасини тасаввуфга фаол аРАлашгани айни ҳақиқат, деб билади.

Хурросоннинг дастлабки уламолари Ал-Ҳаким ал-Нисабурий, Ибн Фуроқ, Ал-Кушайрий ва Ал-Байҳақий сүфий бўлишган. Улар аббосийлар даври исломининг академик анъанасини давом эттиришди. Имом Хужжат ул-ислом ал-Фаззолий эришган ютуқлар ўша давринг энг юксак чўққиси бўлган эди. 300 дан ошиқ китоблар, шу жумладан, араб фалсафаси ва исмоилийларни кескин инкор қилувчи китоблар, шофиъийлар **фиқҳига** оид учта катта дарслик, машҳур “**Усул ул-фиқҳ**” рисоласи, мантиққа оид иккита асар ва бир нечта илоҳиётшуносликка оид рисолалар муаллифи бўлган Фаззолий ортодоксал тасаввуфга бағишлиланган “Иҳя улум уд-дин” асарини ёзиг қолдирди. Ушбу китоб ҳақида Нававий бундай деб ёзган эди:

“Ислом ҳақида ёзилган китоблардан “Иҳя...” –
дан бошқаси йўқолиб кетган тақдирда ҳам у
барчасининг үрнини босиши мумкин”¹².

Имом Нававийнинг ўзи иккита китоб ёзган эди. У китобларида тасаввуфга бурчли эканини қайд этади. Улардан бири “Бўстон ул-орифин” (“Орифларнинг бўстони”), иккинчиси эса “**ал-Мақосид**” даб аталади (Бу китоб яқинда инглиз тилига таржима қилиниб, нашр этилди. *Sunna Books, Evanston Il.* Нуҳ На Мим таржими).

Тасаввуф моликийлар ўртасида ҳам машҳур бўлган. Ас-Совий, Ад-Дардир, Ал-Лаққаний ва Абдулваҳҳоб ал-Бағдодий – буларнинг барчаси суфийлик вакиллари эди. Қоҳиралик моликий хуқуқшунос Абдулваҳҳоб аш-Шаъроний тасаввуфга қуйидагича таъриф берган:

¹² al-Zabidi, *Ithaf al-sada al-muttaqin* (Cairo, 1311), I, 27.



“Суфийларнинг йўли Қуръон ва суннатда белгилаб берилган, у пайғамбарларнинг ва (юраги) тозаланган кишиларнинг ахлоқига мос яшашга асосланади. Уни Қуръон, суннат ва ижмо ақидаларини аниқ бузмагунча қоралаб бўлмайди. У мана шу манбаларнинг бирортасига ҳам зид келмаса, қоралаш мумкин эмас, фақат одамларнинг бошқалар ҳақидаги паст фикрини ёки номақбул манманликка берилишинигина қоралаш лозим. Суфийлар тутган йўлдан бехабар бўлган кишидан бошқа ҳеч ким уларнинг гапирган гапларини инкор этмайди”¹³.

Ҳанбалия тасаввуфи ҳақида гап кетганда, ҳар бир киши Абдуллоҳ Ансорий, Абдулқодир аж-Жиланий, Ибн аж-Жавзий ва Ибн Ражабдай мўътабар зотлардан бошқа кишиларни излаб ўтирмаса ҳам бўлади.

Аслида, ас-Суйутий, Ибн Ҳожар ал-Асқаланий, ал-Айний, Ибн Ҳалдун, Ибн Субкий, Ибн Ҳожар ал-Ҳайтамий, Байдавий, ас-Савий, Абул Шуъид, ал-Бағавий ва Ибн Косир¹⁴ каби тафсирчилар; Тафтазоний, ан-Насафий, ар-Розий сингари ақиданависларнинг барчаси ўрта асрлар исломининг буюк шахслари бўлган ва тасаввуфни қўллаб асарлар ёзган. Дарҳақиқат, уларнинг кўпчилиги суфийликдан илҳомланиб, мустақил асарлар ҳам ёзган. Уламоларнинг ислом тарихидаги буюк сулоласи – бунга усмонлилар ва мўғуллар ҳам киради – тасаввуф дунёқарашидан илҳомланган ва уни исломий илмларнинг марказий ва муҳим илмларидан бири сифатида хурмат қилган.

Исломнинг кейинчалик тасаввуфни қонуний деб тан олишига сабаб ушбу илм тармоқларининг динимизни мусулмон дунёсидан ташқариларга ҳам ёйиш ташаббуси бўлди. Ҳиндистон, қора танлилар Африкаси ва Жануби-шарқий Осиёни, асосан, кезгинди суфий муаллимлар исломлаштиришган. Худди шунга ўхшаш, жиҳод деб аталган ислом

¹³ Sha'ranī, al-Tabaqat al-Kubra (Cairo, 1374), I, 4.

¹⁴ Ибн Косир “Бидоя” асарида кейинги суфийлар хусусида танқидий фикрлар билдирган. Бирор, шунга қарамасдан, у ўз шоғирдларидан пайғамбарнинг ҳар таваллуд куни ўқишини илтимос қилган “Мавлуд” асарида консерватив ва сорлом тасаввуф олдида бурчли эканини ёзган.

мажбуриятини суфийлик жамиятлари катта ғайрат билан ўз зиммасига олган. 19-асрнинг буюк мужоҳидлари: Усмон дан Фодио (Хаузаленд (Нигерия)), ас-Саноусий (Ливия), Абдулқодир ал-Жазоирий (Жазоир), Имом Шомил (Доғистон) ва Падре кўзголони (Суматра) йўлбошчилари тасаввуфнинг фаол амалиётчилари бўлган ва у ҳақда мужодала пайтида асарлар ёзган. Бу дунёда, тасаввуф исломнинг сокин ва жангари бўлмаган шаклидир, деган даъводан бемаънироқ нарсанинг ўзи бўлмаса керак.

Биз бу гапларнинг барчаси билан бир парадоксга қарши турамиз. Агар тасаввуф бутун тарихимиз давомида мусулмон интеллектуал ва сиёсий ҳаётининг бир қисми сифатида эъзозланиб келган бўлса, нега бугунги кунга келиб, унга қарши бўлган овозлар янграб турибди? Бунинг иккита фундаментал сабаби бор.

Биринчидан, шарқшунос олимларнинг кенг тарқалган таъсири мавжуд. Луи Массигон 1922 йили ўзининг *Essai sur les origines de la lexique technique* (“Техник лексиканинг манбалари ҳақида эссе”) асарини ёзгунга қадар шарқшунос олимлар исломнинг “тақир ва ҳуқуқий” заминидан тасаввуфдан бошқа бирор унумдор ва сермаъно нарса ўсиб чиқмас эди, деган фикрда эдилар. Шарқшуносларнинг мусулмонлар тилларига таржи-ма қилинган асарлари мусулмон модернистларига қаттиқ таъсир кўрсатди. Ўзининг сўнгги асарларида ана шундай модернистга айланган Муҳаммад Абдуҳ исломдаги тасаввуф дискурсининг марказда туриши ёки ҳатто қонунийлигини шубҳа остига ола бошлади.

Иккинчидан, ваҳҳобийлик **даъво** билан чиқа бошлади. Бундан икки юз йилча муқаддам Муҳаммад Абдулваҳҳоб саудиялик бир қабилага қўшилиб, қўшни қабилаларга хужум қилганида бу ишларини моҳиятан исломнинг бошқа кўриниши бўлган янги хорижийлик байроби остида амалга ошира бошлади. Гарчи у Ибн Таймияни ёрдамга чорлаган бўлса-да, ҳатто унинг қарашларига ҳам тўла қўшилмас эди. Ибн Таймиянинг ўзига келсак, гарчи у баъзи суфий гуруҳларнинг кескин қарашларини танқид қиласа-да, хукмрон тасаввуфнинг бир тармоғига бўйсунар эди. Бу, масалан, унинг ҳижрий 6-асрда Бағдодда яшаган руҳоний Абдулқодир ал-Жилонийнинг асо-



сий асари бўлмиш “**Футуҳ ал-гайб**” (“Файб нарсаларнинг ошкор бўлиши”)даги баъзи бир техник нуктагарга шарҳ сифатида ёзилган “**Шарҳи футуҳ ал-гайб**” асарида яққол кўзга ташланади. Ибн Таймия бутун асар давомида ўзини Ал-Жилонийнинг содик шогирди сифатида курсатади ва устозини ҳар доим **шайхуна** (“бизнинг устозимиз”) деб атайди. Қодирия тариқатининг сўнгги даври адабиётида ибн Таймиянинг ўша тарикатга мансублиги тасдиқланади, адабиётларда у силсила, яъни қодирия таълимоти ўтиш занжирининг муҳим боғловчи бўғини экани қайд этилади¹⁵.

Аммо Ибн Абдулваҳҳоб ундан анча узокълаб кетади. Марказий Арабистондаги Нажд саҳросида туғилиб, вояга етган бу киши ҳукмрон ислом таълимотидан деярли бебаҳра эди. Унинг **даъвоси** пайдо бўлган ва машъум ном қозонган бир пайтда уламо ва муфтийлар бу даъвога Нажднинг машҳур ҳадисини татбиқ этишади:

Ибн Умар Расулуллоҳ (унга Аллоҳнинг раҳмати ва саломи бўлсин) бундай деганини айтади: “Эй Парвардигор, бизни Шомимизда ўз раҳматингга олгин; Эй Парвардигор, бизни Яманимизда ўз раҳматингга олгин”. Унинг ҳузуридаги кишилар: “Эй Аллоҳнинг расули, бизни Наждимизда ҳам”, дедилар. Бироқ Ул зот: “Эй Парвардигор, бизни Шомимизда ўз раҳматингга олгин; Эй Парвардигор, бизни Яманимизда ўз раҳматингга олгин”, дедилар. Унинг ҳузуридаги кишилар: “Эй Аллоҳнинг расули, бизни Наждимизда ҳам”, дедилар. Ибн Умар, Ул зот учинчи марта нимани ўйлаганини айтдилар, дейди: “Зилзила ва фитна бор, у ердан шайтоннинг шохи ўсиб чиқади!”¹⁶.

Кизиги шундаки, исломий заминлар орасида Нажддан яхши ном қозонган бирорта ҳам олим етишиб чиқмаган.

Аммо Нажддан етишиб чиқкан вахҳобийларнинг даъвоси Саудия Арабистонида нефт туфайли эришилган фа-

¹⁵ Карапнг: G. Makdisi's article “Ibn Taymiyya: A Sufi of the Qadiriya Order” in the American Journal of Arabic Studies, 1973.

¹⁶ Бухорий ривоят килган ҳадис. Таржимаси J. Robson, *Mishkat al-Masabih* (Lahore, 1970), II, 1380 дан олинди.

ровонлиқдан сүңг тобора қаттиқроқ әшитила бошлади. Коҳира ва Байрутдаги құплаб, ҳатто деярли барча нащриётларни ваххобийлик ташкилотлари маблағ билан таъминлаб туради. Шу тариқа улар тасаввуф ҳақидағи анъ-анавий асарларнинг чоп этилишига тұсқинлик қиласы, бошқа асарлардан эса ваххобийлик ақидасыга түғри келмайдын оятларни чиқариб ташлайды.

Ваххобийликнинг янгича хорижийлик табиати уни исломий тафаккурнинг бошқа шаклларига нисбатан тоқатсиз қилиб қўймоқда. Лекин унинг ўз изчил фикҳи бўлмагани (ваххобийлик ортодоксал мазхабларни инкор эта-ди) ҳамда фақат асосий ва жўн антропоморфик¹⁷ ақидага эга бўлгани учун ваххобийлик тарафдорлари орасида суюк, амёбасимон тез-тез бўлинишлар тамоили кўзга ташланади. Исломий гурухларни бундан бўён изчил мазҳаб, ёки ашъарий (ёки мотуридий) ақида ўз моҳиятига кўра бирлаштира олмайди. Улар бунинг ўрнига Қуръон ва суннатдан ўзларича шариат ва ақида олишга интилади. Оқибатда эса замонавий салафийлик шароитини оёқости қилувчи даҳшатли бўлиниш ва зиддиятдан бошқа нарса қолмайди.

Тарихимизнинг танглик юзага келган ушбу лаҳзала-рида уммат учун омон қолишнинг ягона реал умиди бор. У ҳам бўлса, мураккаб классик ижмо восигасида бир тўхтамга келинган “ўрта йўл”ни қайта тиклашдир. У асрлар оша машаққатли мунозара ва илмий изланишлар натижасида ишлаб чиқилган эди. Айнан шу ижмо бирлашиш учун асос бўлиши мумкин. Аммо у биз қалбларимизни покласак ва уларни қон-қардошлиқ, ҳурмат, бағрикенглик ва муроса сингари исломий қадриятлар билан тўлдирсаккина қайта тикланиши мумкин. Тасаввуфнинг ички ислоҳотни амалга ошира билиш қобилияти маҳсули бўлган ушбу янгиланиш ислом ҳаракати бирлигини қайта тиклаш учун мавжуд бўлган имкониятдир. Унинг тескариси эса қайта-қайта жазава билан йўғрилган мағлуби-ятларга олиб бориши тайин.

¹⁷ Антропоморфизм [фр. anthropomorphisme < юнон. ἀνθρόπος инсон + морфē шакл] — Фалс. Табиат ходисалари, хайвонлар, нарсаларга одамга хос хусусиятларни юклап, худони хам одам киёфасида тасаввур килиш. — Тарж.



ХІ б о б

МУТААССИБЛИК БАЛОСИ

Иккинчи мингийилликнинг сүнгги йилларида иккита муҳим воқеа рўй берди: коммунизм инқирозга юз тутди ва журналистлар тилида “ислом мутаассиблиги” деб аталадиган ҳодиса тўсатдан кучайиб кетди. Ислом ҳақида тўқилаётган афсоналар “янги, коммунизмдан сўнгти яшил хавф” деб аталмоқда. Энди бизга айтишларича, Farb ва коммунизм ўртасидаги рақобат аслида ислом ва христианлик ўртасидаги реал, тарихий ва минг йиллик курашдан кичик бир томоша ва эътиборни чалғитиши бўлган эмиш. Сэмюэл Хантингтон сингари муаллифлар постмодерн “мафкуранинг интиҳоси” ва христианлар Farbi, конфуцийлар Шарқи ҳамда камида ўртадаги 60 та мамлакатни қамраб олган мусулмон дунёси каби маданий уюшмаларнинг қайта тикланиши ҳақида ёзиб, арzon обру орттиридилар. Баъзан эса тўртинчи улкан уюшма ҳам тилга олинади: бу Farb христианлиги ва жанубдаги ислом ерлари билан кескин тарзда азалдан зиддиятда бўлиб келган Шарқий православ дунёсидир.

Ҳеч бир шубҳа йўқки, бугунги дунёдаги талотўпларни бундай осон талқин қилиш кўп одамларга жозибали туюлади ва муҳожирларни ёмон кўрадиганлар ва мутаассибларга жуда қўл келади. Бироқ қарама-қарши томонга ҳаракатланувчи турли тамаддуларнинг ўзаро тўқнашувидан ҳосил бўладиган ҳалқаро келишмовчиликларни зилзила зоналарининг “тектоника қатлами” назарияси билан тушунириш мумкинлиги ҳали реал исботини топгани йўқ. Яқинда Япония ва Америка Кўшма штатлари ўртасида юз берган савдо-сотик билан боғлиқ зиддиятга маданиятлар ўртасидаги тафовут асос бўлди, қабилидаги бемаъни умумлаштиришга йўл кўйиб бўлмайди. Мусулмон давлатлари ҳам тортилаётган замона-

ний зиддиятларни енгиб бўлмайдиган маданий тафовутлар сифатида талқин қилиш ҳам тўғри эмас. Яқин Шарқдаги зиддиятларнинг ҳар қандай эҳтиёткор деконструкцияси, одатда, уларни универсал хавотирларга сабаб бўладиган зиддият сифатида кўрсатишга ҳаракат қиласди. Аслида, бундай хавотирларнинг маданий қадриятларга боғлиқ жойи жуда кам. Улар, асосан, энергетика ва сув таъминоти ёки худуд талашиш туфайли нужудга келадиган тўқнашувлар сирасига киради.

Хозирги кунда фарб шарҳловчилари орасида уларнинг ўз дунёсидаги жиноятчиликнинг ошиб кетиши, нижкохларнинг бузилиши, уйсизлик, гиёхвандликнинг кенг тарқалиши сингари хавфларнинг ортаётгани ҳақидаги хавотир кучайиб бормоқда. Ўз ичида хавф сезган ҳар бир жамият беихтиёр ташқаридан душман ахтара бошлиди. Гитлернинг “Дунё яҳудийлиги” ҳақидаги мунозараси, Версал (тинчлик шартномаси)¹ ва Веймарнинг иқтисодий бошбошдоқлиги туфайли пайдо бўлган ишончсизлик бўлмаса, вужудга келмасди.

Мен бу майлнинг асл сабабини бугунги кунда Фарб ва ислом ўртасида мавжуд бўлган ўзаро бир-бирини тушунмасликда деб биламан. Фарб киночилари ўз томоша-бинлари эътиборини жамиятларидағи муаммоларни ечиш машаққатларидан чалғитиш учун уларнинг қорнини Яқин Шарқ террористлари ҳақидаги бўлар-бўлмас уйдирмаларнинг парҳез таоми билан тўйдирниб туради. Мусулмон дунёсининг бирор шаҳри ҳаётидаги кескин ўзгаришлар туфайли хавф-хатарга дуч келаётган муаллифлар ҳам улардан ортда қолмаслик учун ўз жамиятидаги муаммолар учун Фарбни айблашга ўтиб олган.

Бундай айбни бир-бирига тўнкаш оммавий коммуникациялар асирида кулгили туюлади. Агар Америка ёвуз бўлмаса, нега яқин шарқликлар унинг ёвуз эканига ишонади? Энг тақводор мусулмонлар терроризмдан даҳшатга тушса, кўплаб фарбликлар исломни мусулмонлар ҳаётининг кўзга ташланиб турган унсурлари бўлган намоз

¹ Версал тинчлик шартномаси 1919 йили Биринчи жаҳон урушига барҳам берган эди. Ўша йили 28 июн куни АҚШ, Британия империяси, Франция, Италия, Япония ва бошқа давлатлар бир тарафдан, мағлуб бўлган Германия эса иккинчи тарафдан унга қўл қўйган эди. — Тарж.



үқиши, оилавий муносабатлар қалинлиги деб эмас, экстремизм ва бузғунчилик деб тасаввур килади? (Канада-лик коммуникация назариётчisi – тарж.) Маклухан-нинг глобал қишлоғи (назарияси)га нима бўлди?

Энг қизиги, Интернет ва сунъий йўлдош телевидение-си ўзаро тушунмаслик деворини бузиб ташлашда муваффақиятсизликка учради ва учраяпти. Бунинг сабаби жуда оддий: одамларнинг аксарияти ҳукмрон оммавий ахборот воситалари маҳсулотини истеъмол қилишади. Ахборот йигаётган журналистлар учун одамлар хоҳлаган янгиликларни тарқатишда маълум бир чекловлар мавжуд. Ижтимоий дид, афсуски, фожиали ва даҳшатлидир. Мисол тариқасида Покистонни олиб кўрайлиқ. Бу мамлакатда Абдусаттор Идҳи деган диний олим бошқарадиган бир ислом хайрия жамғармаси бор. Бу жамғарманинг камбағал покистонликлар белугул даволаниши мумкин бўлган юздан ошиқ шифохона ва поликлиниклари мавжуд. Тинчликсевар Идҳи ва у мутасаддилик қилаётган шифохоналар ҳақидаги хабарни кечки янгиликларга чиқариш имконияти йўқ. Бунинг ўрнига 5–6 кишининг ўлимига сабаб бўлган бомба портлаган жойдан репортаж, зилзила ёки сув тошқини хусусидаги хабарлар берилади. Учинчи дунё мамлакатларида сиёсий зўравонлик ва табиий оғатлардан бошқа ҳеч нарса янгилик бўлмайди. Бу баъзи мусулмон радикаллари ишонаётганидай, цензура ёки мутаассибликнинг қўриниши эмас, аксинча, ўзаро рақиб бўлган оммавий ахборот воситаларининг одамлар эътиборини тортадиган хабар тарқатишга бўлган интилиши билан боғлиқ. Равалпинди ёки Пешаворда янги шифохонанинг очилиш маросимини кўрсатган телевидениенинг обруси ошиб қолмайди. Дунё аҳли сўнгги бомба портлагани ҳақидаги хабарни эшитишга кўпроқ қизиқади.

Бу, журналистлар ҳеч қандай жазога тортилмаслиги керак, дегани эмас. Масалан, диний зўравонлик Яқин Шарқдаги ҳар қандай жафокаш мамлакатдагидан кўра кескинроқ бўлган Буюк Британияда ОАВнинг етакчи принципларида Лондондеррида ҳар сафар республикачилар ёки лоялистлар (монархизм тарафдорлари) бомбаси портлагани пайтда телевидение ўз репортажига зўра-



вонликни қоралаётган католик ёки протестант епископининг чиқишини ташкил этиши белгилаб қўйилган. Шу йўл билан бирор диний гурухни меъёрдан чиқиб кетган хатти-харакатлар учун ҳамма бало-қазоларнинг айбдори қилиб кўрсатиш хавфи анча камайтирилади. Аммо бирорта гурух исломга дахлдорликни даъво қилиб, бундай сиёсий зўравонликка йўл қўядиган бўлса, мусулмон пешносининг Британия телевидениеси орқали уни қоралаб чиқишидан умид қилмасак ҳам бўлаверади.

Дунё воқелиги ҳамиша кимнингдир тор манфаатига мос келмай қолади. Ҳар бир жамиятнинг, у қанчалик зўр бўлишидан қатъи назар, албатта, ўзига яраша қоронги томони мавжуд. Менинг назаримда, бу ерда хавф одамнинг ўзига ўша қоронги тарафни кўриш ва воқеликни менсимасликка йўл қўйиб бериш, яъни турли-туманликдадир.

Биз Farbdagi исломга оид турли қотиб қолган қарашларни синдириш учун бир оз вақт ажратишимииз лозим бўлади. Уларнинг аксарияти пайдо бўлишига ОАВ сабабчидир. Бироқ агар биз ўша қотиб қолган тушунчаларнинг кўзгуга тушган аксини эсга олсак, мусулмон дунёсининг хозирги кунда Farbni қандай идрок қилаётганини билиш билан уларнинг моҳиятига кириб бора оламиз. Мусулмон мамлакатларида мавжуд “фундаменталистик” тамойил негизида кўплаб омиллар ётганини билиб оламиз, аммо бу ўринда Farb тамаддунининг ҳақиқий моҳиятини тўсиб қўювчи никоб пайдо бўлиши, эҳтимол, ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгандир. Кўпларниң назарида, бу никоб қўлга қурол олишни ва улар кучи билан жангта киришни оқлайди.

Мусулмонларнинг Farbga бундай муносабати узоқ тарихий илдизга эга. Христианлар модернизмдан олдинги мусулмон дунёсида яشاши, сафар ва савдо-сотик қилиши мумкин бўлган бир пайтда мусулмонларнинг у ердаги яхудийларга зўрга тоқат қилаётган Европани зиёрат қилиши жуда мушкул эди. Европаликларнинг мусулмонларни кўришга кўзи йўқ эди. Айтишларича, Усмонлилар империясининг Елизавета Англиясидаги ilk әлчиҳоналаридан бири ходимлари Портсмут соҳилига қадам босинидан олдин баптизм одати бўйича чўқинишга мажбур

этилган экан. Мусулмонларнинг Европа ҳақидаги тасаввури яқин-яқинларгача мавхум бўлиб келган. Ўрта ер денгизи шимолидаги ерлар ойда-йилда бир марта юви-надиган, тушунарсиз ва интиҳосиз диний урушлар доми-га тушиб қолган варварларнинг намлиги кучли ва чан-галзор жойлари деб тасаввур қилинганд.

Европа мутаассиблигини бундай тасаввур қилиш мусулмонларнинг тушунчалари шаклланишида муҳим аҳамият касб этган. Ҳозирги кунда ҳам Мисрдаги кўпчилик дехқонлар Англияда масжидларга рухсат берилганига ишонмайди. Европа улар кўзига Исонинг ҳақиқий таълимотини ифлос бир тарзда бузган қитъа бўлиб кури-нади. Улар тақводорларнинг шавкатли, соф ва меҳмондуст қадриятлари худосиз ерларга етиб бормаган, деб ҳисоблайди.

Яқинда рўй берган иккита воқеа ҳозирги пайтда мавжуд бундай муносабатга таъсир кўрсатди. Биринчидан, Наполеон Мисрни забт этган вақтдан бери Яқин шарқликлар Европага саёҳат қилиб, у ердаги янги фанларни ўрганиш имкониятига эга бўлган. 19-асрда яшаган ёзувчи Рифъат ат-Таҳтавий сингари кишилар у ердан технологиянинг янги ҳаётга кўрсатаётган самарали таъсири ҳақидаги завқ-шавққа тўла таассуротлар билан қайтишган, бу ҳақда мақолалар ҳам ёзганлар. Мусулмон аслзодаларининг Farb ҳақидаги қарашлари икки авлод умри давомида бутунлай ўзгариб кетди ва 20-асрнинг бошлирига келиб ўрта синф вакиллари ўзининг ким эканини билиб қолганидан сунг саросимага туша бошлади: бир тарафдан, мустамлакачилар босқини ва ҳукмронлигидан ғазабланса, иккинчи тарафдан, аста-секин мустамлакачилар тамаддунидан завқлана бошлади.

Шу тариқа ўзига хос маданий шизофрения — паришонхотирлик касали ривожлана бориб, мусулмон жамиятларига ёки, умуман олганда, учинчи дунё жамиятларига бўлгинчилик кайфиятини уйғотувчи таъсир кўрсата бошлади. Мустамлакачилик системаси мустамлака ерлардаги маданият ва таълим марказларини ёпди ва улар ўрнида ўзларига садоқат билан хизмат қилувчи менежментнинг европалашган ўрта бўғинини оммавий тарзда тарбиялаш учун Европа русумидаги мактабларни оча бош-

лади. Мустамлакачилик тизими фақат университетлар таъсис этмади. Мисрнинг британиялик ҳокими лорд Кромер огоҳлантириб айтганидай, бундай институтлар миллатчилик ҳаракатига бош бўлиб, мустамлакачилик бошқарувига хавф туғдириши мумкин бўлган диний зодагонни эмас, маҳаллий маданий зодагонни ўқитиши керак эди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мафкуравий иқлим ўзгариши билан Европа империялари ниҳоят ўз байроқларини бир оз туширишга мажбур бўлгач, Яқин Шарқ жамиятлари кескин бўлинишларга юз тутди. Собиқ ҳукмрон элита: турк аслзодаларининг Миср подшохи саройи сингари қолдиқлари ҳаддан ташқари эринчоқ ва коррупциялашган ҳамда ҳукумат ишларини юритиш тажрибасига эга эмас эди. Ўрта синфларнинг улкан бўлаги: технократлар, мактаб ўқитувчилари, давлат хизматчилари каби фарбча дунёқарашга мойил ҳамда ўз мамлакатларининг маҳаллий ва анъанавий қадриятларига нафрат билан қарап эди. Шаҳар ва қишлоқ оммаси эса халқ динининг турли шаклларига эътиқод қилас, на фуқаролик жамияти қуриш ва на сиёсий ислохотлар ўтказиш учун ташвиқ қилишга қизиқиш билдирад эди.

Бундай ижтимоий бошбошдоқлик баробарида янада чигал мураккабликлар мавжуд эди. 20-асрнинг дунё тартиби миллий давлат принципига таянар, Яқин Шарқ мамлакатларидан эса ана шу принципга амал қилиш талаб этиларди. Аммо ҳеч ким миллий давлат фақат Фарб жамиятига хос бўлган тарихий тараққиёт маҳсули эканини ва бошқа тамаддуналарга хос дунёнинг демографик ва маданий манзараси Фарбнинг бу муассасига тўғри келмаслигини тушунмас эди. Мустамлакачилик давридан сўнг пайдо бўлган зодагонлар ҳар бир нарсада Фарбга тақлид қилишга уринар эди. Улар миллий байроби, футбол командаси, миллий пул бирлиги ва почта маркалари бўлишини истар ва ушбу рамзлар пайдо бўлиши билан қолган ҳамма нарса ҳал бўлиб кетади, деб ўйлар эди.

Аммо Яқин Шарқ манзараси бундай лойиҳани қабул қилишга тайёр эмас эди. Ижтимоий бўлиниш маданий бўлиниш ҳам эди: омма анъанага содик бўлган бир пайдада зодагонлар Европа қадриятларини афзал кўрар эди.



Омма араб тилида, зодагонлар эса инглиз ёки француз тилида сўзлашар эди. Улар кийими, озиқ-овқати, оиласвий турмуш тарзи ва интилишлари билан ўзаро рақобатлашар, Париж, Лондон ва Римда устувор бўлган меъёрларнинг тўхтовсиз ўзгариб туришига қараб, гоҳ ҳакикий, гоҳида эса чалкаш бўлар эди.

Бу мустамлакачилик бошқарувининг бошқа бир ўшандан кам бўлмаган солиққа оид мероси, яъни минтақанинг халқаро чегаралари туфайли янада ёмонлашиб кетди. Тарихда ҳеч қачон Иордания, Ирок, Ливан, Жанубий Яман ёки Ливия деган давлат бўлмаган. 20-асрнинг бошларига қадар бу минтақа Истанбулдаги Усмонлилар сultonининг ягона хукмронлиги остида бирлаштирилган, Макка, Бағдод ва Тирана сингари узоқ ерлар узра ҳам ягона байроқ ҳилпираб турар эди. Бу қадар бепоён, қашшоқ, аммо ниҳоятда тинчликсевар ва барқарор заминда сон мингта кам сонли элатлар ўз билганича кун кечирав эди. Друз, шиа, яздийлар, христианлар, яхудийлар ва бошқа диний гурухлар; араблар, турклар, албанлар ва бошқа этник гурухлар. Усмонлилар империяси миллий давлат эмас эди, аммо шу билан биргаликда, европаликлар тушунчасидаги бошқа давлатлар устидан ҳукм юргизадиган метрополия² мамлакати ҳам эмас эди. У маълум маънода Америка Кўшма штатларини эслатарди. Худди АҚШ сингари Усмонлилар давлат тизими фуқароликни этник гурухларга асосланмасдан белгилар эди. Франция французларнинг, Германия немисларнинг ватани бўлса, Америка этник келиб чиқиши ким бўлишидан қатъи назар, американликларнинг ватанидир; Усмонлилар империяси ҳам Истанбулдаги сultonнинг ҳокимиётини тан олган турли этник гурухларнинг ватани бўлган.

Биз дунёвийлашган миллий зодагонлар европача эмас, америкача андозани улги билиб, замонавий Яқин Шарқ тақдирини яратганида яқинда бутун минтақани домига тортган фожиапинг олдини бемалол олиш мумкин эди, деб ҳеч иккиланмасдан айтишимиз мумкин.

Ирок мисолида бу гапимизнинг тасдигини кўрамиз. Бу мамлакат Усмонлилар қўл остидаги сокингина бот-

² Метрополия (лат.) — бош шахар, ёки мамлакат. Тарж.

қоққа ўхшар эди. Унинг диний қавмлари усмониларнинг ислом фикқидан олинган **миллат** системаси остида ўз ишларини тартибга солиб турар эди. Яхудийлар ўртасидаги можаролар яхудий судлари, христианлар ўртасидаги келишмовчиликлар эса христиан судлари томонидан куриб чикилар эди ва ҳ.к. Бадавийлар қабиласига чўлда ота-боболари тутими билан яшашга ижозат берилганди. Курдлар сultonни ўзининг отлиқ аскар билан таъминлаб турган ўта садоқатли этник гуруҳ сифатида қадрланар эди. Ўз ҳолича яшайтган жанублик шиалардан давлатга садоқатдан бошқа нарса талаб этилмас эди. Бундай мувозанат 400 йил давом этди.

1917 йили британияликлар Ироққа бостириб кириб, уни мустамлакага айлантирганидан, 20-асрнинг 50-йилларига келиб, бир неча бор давлат тўнтириши уюштирилганидан сўнг нима бўлди, у мустакил бўлдими?

Миллий давлат парадигмаси Ироқдаги демографик вазиятни тартибга солища иш бермаётгани аён бўлиб қолди. Чегарани маҳаллий эмас, мустамлакачи кўл тортган бўлиб, у ўша ерда яшовчи аҳоли ўртасидаги ҳақиқий тафовутларни эмас, аксинча, мустамлакачи маъмурият бошқариши учун қулай бўлиши ҳисобга олиниб тортилган эди. Аслида мусулмонларга бегона бўлган фарбча миллатчилик тушунчалик курдларнинг алоҳида давлат барни этиш истагини уйғотиб юборди. Жанубда яшовчи шиалар ўзларини камситилган деб ҳис қила бошлади. Бундай шароитда макон яхлитлигини сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли шафқатсиз кучга таяниш эди. Саддам Ҳусайнисиз ёки унинг тимсолисиз Ироқ бир кечада йўқ бўлиб кетиши ва ундан-да реалроқ бошқарув структураси юзага чиқиши мумкин. Шиалар Эрон билан яқин иттифоқчи бўлган давлат тузади, шимолда эса курдларнинг ўз давлати қарор топади. Сунний араблар эса Бағдод атрофи ва ундан шимолроқдаги ерларга эгалик қила бошлайди³.

Аммо бундай бўлинниб кетиши на ҳокимият тепасидаги режимнинг, на Фарнинг стратегик манфаатларига мос

³ Муаллиф ушбу китобни бундан З йил бурун ёзгани учун унданаги баъзи бир мулоҳазалар, далил ва фактлар Яқин Шарқда рўй берган кейинги ўзгаришлар оқибатида анча эскириб қолди. — Тарж.



келади. Дунё ҳамжамияти Миллатлар лигаси яратган принципларга амал қилиб, мустамлака бошқарувидан мерос қолган чегараларнинг қонунийлиги (дахлсизлиги)ни ҳар доим қўллаб-кувватлаб келади. Бу билан Farb дунёси ироқликларнинг ҳарбий диктатурадан ҳамиша азият чекишини ёқлаб келмоқда.

Ироқдаги воқеалар илгари усмонлилар империясининг Яқин Шарқдаги вилоятлари бўлган деярли барча мамлакатларда тақрорланмоқда. Усмонлилар даврида христианлар, яхудийлар, друзлар ва шиалар сингари камсонли гуруҳлар алоҳида қишлоқларда, шахар маҳаллаларидағи ўзига хосликларини асрлар давомида саклаб қолишига имкон берган жамиятларда ўзлари хоҳланча яшаб келди. 1946 йилга келиб Франция Ливан ҳудудини Суриядан тортиб олиб, унга мустақиллик берди ва конституциясини қабул қилди. Унга кўра, мазкур мамлакат президенти ҳамиша христианлардан бўлиши керак. Ливан ҳам бир неча йил христианлар ҳукмронлиги остида чўлоқланиб яшаб, сўнгра даҳшатли фуқаролар уруши домига шўнғиб кетди.

Динга дахли бўлмаган, аксинча, нотўғри чегаралаш оқибатида юзага келган, бу ерлар учун мутлақо хос бўлмаган ҳамда кўпинча миллий давлат деган ахлоқий жиҳатдан шубҳали тушунча билан бундай таранг муносабатларга осон ечим топиб бўлмайди. Менинг назаримда, Боснияга қарши Сербия ва Хорватия тажовузининг (кўпчилик айтиётганидай, бесунақай) ечимини Америка Кўшма штатлари топиб бергани муҳим аҳамиятта эга. Британия ва Франция қуроллари ва муҳожир кўнгиллиларни ҳисобга олмаганда, янги, этник жиҳатдан тоза ва, бинобарин, нисбатан барқарор давлатлар пайдо бўлишини кузатиб туришдан бошқасига ярамади. Барқарор мамлакат турли этник ва диний ўтмишга эга бўлган фуқаролардан ташкил топиши керак деб биладиган Америка эса Босниянинг кўпмиллатли давлат бўлиб қолишини ҳимоя қилиб чиқди. Давлат департаментида ҳам бунга қарши бўлган овозлар янгради, виждансиз журналистлар буни ўзларича номақбул деб ҳам чиқди; бироқ Американинг пировард жавоби кечикиши, унинг **де факто** мавжуд бўлган Дейтон битимида қайд этилган этник бўли-

нишга тоқат қилиши бу мамлакатнинг ўз сиёсати бўлмай, уига Европа ўтказган босим натижаси эди.

Ушбу муроҳазалар Яқин Шарқ ва собиқ Усмонлилар империяси ўрнида вужудга келган бошқа мамлакатлар бугунги кунда нима учун нотинч ўлкаларга айланиб қолганини тушунтиришга ёрдам беради. Араб дунёси хозирги кишиларнинг хотирасидан олдинги даврда 1517 йилдан 1917 йилгача бирорта ҳам каттароқ фуқаролар урушини бошидан кечирмаган ва шарқликларга хос вазминлик тимсоли эди. Бугунги кунга келиб эса у сайёрамизнинг энг бекарор минтақаларидан бирига айланиб қолди. Ислом асосида барпо этилган ижтимоий ҳаётнинг гарбча ҳаёт тарзи билан алмаштирилиши, ваъда берилганидай, эски келишмовчиликлардан озод бўлишга эмас, доимий бошбошдокликларга олиб келди.

Аммо бошқа бир омил ҳам бор. Эҳтимол, одамларга ташвиқ қилиш ва улар оромини бузишнинг энг яхши шули қўшнилар юртига тажовузкор ва ақлли босқинчининг бостириб кириши бўлар. 1948 йили Яқин Шарқда айнан мана шу ҳол рўй берди. Мусулмон дунёсининг хозирги аҳволи ва кейинги ўн йилликлар давомида вужудга келган, анъанавий тарзда тафаккур қиласидаган мусулмонлар учун ҳақорат бўлиб туюладиган диний экстремизмнинг турли шакллари биз асосий фактни – 1948 йили Истроил давлатини ташкил этиш учун фаластиналарнинг ери тортиб олиниб, ўз ватанидан қувфин қилинганини эсда тутмагунимизча тушунарсиз бўлиб қолаверади.

1948 йилнинг бошида Фаластин араб мамлакатлари орасидаги анча ривожланган ва халқи ўқимишли бўлган бир мамлакат эди. Унинг аҳолиси зичлиги, ҳар квадрат милга ҳисоблаганда, Франция кўрсаткичига тўғри келарди. Христиан ва мусулмон бўлган фаластиналарлар араб миллатчилигининг ҳам, араб дунёсини Европа технологияси ва тафаккурига таништиришнинг ҳам олдинги марраларида эди. Ўша йил охирларига бориб фаластиналар ватангадога айланди. Уларни уйларидан хайдаб чиқариш жараёни яқинда Болқон ярим оро лида рўй берган этник тозалашлардан ҳам даҳшатлироқ бўлган эди.



Мусулмон дунёсида “**ан-Накба**”, фалокат деб аталаған ушбу воқеа Фарбнинг минтақага оид тушунчаларини тезда ўзгартириб юборди. Араблар худди немисларнинг жиноятлари учун товон тұлаётгандай эди. Агар яхудийларга Германиянинг бир қисми, масалан, Бавария берилганида мусулмонлар бу иш адолатдан бұлды, дейишилари мүмкін эди. Аммо фаластиналарға нисбатан этник тозалаш ўтказиш бемаъни ва хато иш эди. Араб дунёси кутилмаганда янги ва душман давлат ўзини иккига бүлиб ташлаганини күриб қолди. Құшни мамлакатлардағи демографик вазият юзлаб, минглаб фаластиналар қочқинлар келиши билан ёмонлашиб кета бошлади. Масалан, Ливан аҳолиси бир ой ичида 20 фойз ортиб кетди. Иордания аҳолиси эса 30—35 фойз күпайди.

Бундай фалокатга дуч келган фарблашган зодагонларнинг орзу-умидлари чиппакка чиқди. Фарбликларнинг фақат Исроилни құллаб-кувватлаши, фаластиналарнинг ўз ерларига қайтиб келишига йўл очиши ёки уларнинг дехқончилик қилиб келган далалари, қишлоқлари ва ишидан айрилгани учун товон пули олишига имкон яратиш учун Исроилга босим ўтказищдан бош тортиши ушбу минтақа аҳолисининг Фарбга завқ-шавқ билан қарашига штурм еткәзди. Бир ислом воизи айтганидай: “Агар Фарб шариати шу бўлса, бизга унинг умуман кераги йўқ”. Фарбнинг араблар ва мусулмонларға нисбатан нафрати шу даражага етдики, уларнинг назарида халқаро тартибининг муҳим принциплари бузилганидан кўра бутун бошли араб давлати ер билан яксон қилиб ташлангани афзал эди.

Фарбнинг нафратига дучор бўлган миллатчи ҳарбий режимлар социалистик блокка юз тутиб, Тито ва Хрущев билан ноз-карашма қила бошлади. Пуфаксимон қуруқ гап-сўзлар билан ўтган йиллардан сўнг, “Фаластин — фаластиналар учун!” даъвоси билан ярим-юлук урушлар ҳам бўлди. 20-асрнинг 80-йилларида коммунистик блок инқиrozга юз тутиши билан ҳамма нарса барбод бўлди, Исроилнинг кучи олдида ожиз қолган араб режимлари обрўси тутдай тўкилиб кетди. Кўрфаз урушидаги мағлубият ўша режимлар фақат бир нарсага: Исроил билан тинчлик шартномаси имзолаш эвазига Фарб-



дан молиявий ёрдам олишга қодир эканини намойиш этди, холос.

Бугунги вазият Яқин Шарқдаги аксарият мамлакаттардаги ҳарбий хунталарнинг курдати ўша ернинг ўзида эмас, Фарбда эканини кўрсатмоқда. Айни пайтда Миср ва Тунис ҳамда Фарбнинг миңтақага суқилиб кириши учун қулай бўлган бошқа мамлакатлар халқлари ўз режимларини тобора кўпроқ сўкмоқда.

Эндиликда мўътадил фикрловчи кишилар бу муаммо ечимини демократияда деб билмоқда. Агар ахоли ўз мамлакатларидағи режимлардан нафратланса, нима қилиш кераклигини ўзи ҳал этиши лозим. Аммо кўпгина Яқин Шарқ мамлакатларида амалда бунинг имкони йўқ. Фарбпараст режимлар, маълум сабабларга кўра, демократия жорий этилишига ижозат бермаслиги тайин. Шунинг баробарида Фарб ҳам ўзи ишонган ҳалқ ваколат берган ҳукумат тўғрисидаги универсал қадриятни миңтақадаги дўстларига нисбатан қўллашга рўйи хуш бермаётir. Кўрфаз бўйидаги фарбпараст режимларнинг аксарияти абсолютизм (ҳокимиятнинг бир киши қўлида жамланиши)га мойиллик билдиримоқда. Яман сингари демократиянинг ҳақиқий шаклларига эга бўлган араб режимларининг эса Фарб билан муносабатлари унчалик ҳам илиқ эмас.

Жазоир Фарбнинг демократлаштиришга бўлган муносабатига жуда яхши мисол бўлади. 1830 йили Франция босиб олган бу мамлакат мустамлакачилик даврида ўзига хос хусусиятларидан деярли бутунлай айрилаёзди. Хатто 20-асрнинг 50-йилларида ҳам араб мактабларида ўқувчиларнинг ўз она тилларида таълим олиши тақиқланган эди. Ҳар бир бола ***Nos ancetres les Gaulois etaient blonds*** (“Бизнинг аждодларимиз галлар оқтанили бўлишган”) сингари поэмаларни ёд олишга мажбур этилар эди. Жазоир ***La France musulmane***, яъни мусулмон Францияси эди. Франция осонлик билан Жазоирни бўлиб юборишни истамас эди. 1952–1956 йиллардаги озодлик уруши пайтида Франция Жазоир ахолиси ўн фоизининг, тахминан, бир миллион кишининг ёстигини куритди. Ушбу эпизод — Миллион нафар жафокаш киши инқилоби — мусулмонлар тасаввуридаги Фарб онгига

нотаниш бўлган муҳим жиҳатдир. 1992 йили, социалистларнинг бир партия раҳбарлигига асосланган 30 йиллик турғунликдан сўнг, бу мамлакатда сайлов ўтказилди.

Ричард Никсон ўша йили чоп этилган “Лаҳзани ушлаб қолинг” китобида бундай деб ёзди: “Мусулмонлар қўчаларни бақир-чақир намойишлар билан тўлдириши мумкин, бироқ улар сўров ўтказиш орқали ҳокимиятни қўлга киритишга кодир эмас”. “Ислом нажот фронти” (ИНФ) вакили бўлган жазоирилик мусулмонларнинг фикри эса бутунлай бошқача. Сайловда 207 та ўрин учун кураш олиб борилди, шундан 188 тасини “Ислом нажот фронти” эгаллади. Ҳокимият тепасидаги хунта бор-йўғи 16 та ўринни эгаллади, қолган ўринларни эса социалистик партиялар ва мустақил номзодлар қўлга киритди.

11 январ куни ҳарбийлар ҳокимиятни қўлга олди ва сайлов натижаларини бекор этди. Улар ИНФни қонундан ташқари деб эълон қилди ва унинг минглаб раҳбарларини Саҳрои Кабир ичкарисидаги концентрацион лагерга жўнатди. Мусулмон йўлбошчилари Фарбни бу давлат тўнтиришини қоралашга даъват этди, аммо улар суккут сақлашдан бошқа нарсага ярамади. Санкциялар жориий этиш ниятидан йироқ бўлган Фарб давлатлари бу мамлакатдаги ҳукмрон режимни пул билан кўмиб ташлай бошлади. Халқаро валюта жамғармаси 300 миллион АҚШ доллари микдорида шошилинч ёрдам берди. 1994 йили яна президент сайлови ўтказилди. Унда ислом партияларининг иштирок этиши тақиқлаб қўйилди. Генерал Ламин Зеруал президент этиб сайланди, Фарб уни самимий табриклиди ва энди ҳамма нарса “изига тушиб кетади”, деб умид билдириди.

Бу билан мусулмон дунёсига нима шама қилинаётгани аниқ эди. Мабодо, демократия Фарбнинг суйган диктаторларини жамиятнинг консерватив қадриятларига шерик бўлган машхур арбоблар билан алмаштиришини на зарда тутса, унга тоқат қилинмайди. Афсуски, ҳали бу машъум сабоқ ҳам кам экан. Ислом ҳаракати ўз раҳбаријатининг ҳокимиятдан четлаштирилиши билан парчаланиб кетди. Манфаатлари топталган ўша халқнинг маълум бир бўлаклари режимнинг ваҳшийликларига қарши қўлига қурол олди. Албатта, ҳокимият ҳам қараб турма-

ди. Шу вақтгача 50 мингдан ошик жазоирликлар үлдірлди. “Эмнести Интернешнел”нинг 1995 йилги маълумотларида таъкидланганидай:

Хавфсизлик кучлари минглаб одамларни үлдирди. Одамларни суд қилишда халқаро меъёрлар асосидаги адолатга риоя қилмаслик ҳоллари давом этмоқда. Маълум қилишларича, қийноқ ва шафқатсизлик, айниқса, қамоқда ушлаб туриш пайтида кенг тарқалган. Йил давомида хавфсизлик кучлари ҳисбсга олган кишилар “драксиз шүқолган”.

Ё ниҳоят адолатли сайлов ўтказилади, ёки бўлмаса, бу даҳшатлар абадий давом этади.

Албатта, чиркин Farb матбуотида ёвуз ақидапарастлар демократияни қабул қила олмаслиги хусусидаги бақир-чакирлар бўлиб туриши табиий ҳол. Аммо ИНФ раҳбариятининг илгор фикрлайдиган қисми Жазоир ўз ҳукмронлиги остида демократик давлат бўлиб қолишини очик-ойдин баён этди. Унинг маънавий раҳнамоси Шайх Абдулҳамид бин Бадис бундай деб ёзган эди: “Ҳеч ким одамларнинг розилигисиз уларни бошқарини мумкин эмас. Ҳокимиятни кимгadir бериш ёки тортиб олишни одамларнинг ўзи ҳал қиласи”. Жазоир мусулмонлари саҳнасидаги ваҳҳобийлар демократия принципини ёмонотлик қилаётгани түғри, улар мусулмонларга, ҳокимиятни Аллоҳнинг қонунини бекор ёки майиб қилиши мумкин бўлган партияларга беришни динимиз тақиқлади, деб даъво қиласи. Бироқ ИНФнинг Европадаги бош вакили Анвар Ҳаддам тез-тез норозилик билдирганидай, Жазоирдаги етакчи ислом ҳаракатининг мақсади ўзини ҳокимият тепасига олиб келиши мумкин бўлган демократия тажрибасини (жорий этишни) тўхтатиб қўйиш эмас. Бу мамлакатдаги етакчи исломий партия раҳбари Рашид ал-Ғаниушийнинг демократик сиёсий бошқарув билан исломнинг бир-бирига зид келмаслиги хусусидаги бир неча китоблари Тунисдан бошқа мамлакатларга ҳам тарқалди.

Farbning калтабин стратегияси натижасида айни пайтда ўта ҳақоратомуз вазият вужудга келди. Бундай

вазиятда Фарбни қаттиқ қўллаб-қувватлаётган Яқин Шарқ мамлакатларида ҳам ҳалқнинг ваколатига эга бўлган ҳукуматга хайрихоҳлик ўта сустлигича қолмоқда. Бунинг тескариси ўлароқ, Farb давлатларининг демократияни жорий этган мамлакатлардаги жараёнлардан асабийлашиши давом этётган куринади. Бундан чиқариладиган яна бир хулоса шуки, шу вақтгача араб дунёсининг ҳеч қаерида демократия ва дунёвийликка эришилмади. Бу икки тушунчадан бири иккинчисини инкор қиласди.

Аксарият мусулмонлар ўзларининг мана шундай тартиб остида яшаётганига гувоҳ бўлади. Бугун Farbning ушбу минтақага мутлақо салбий таъсир кўрсатаётгани аён бўлиб қолмоқда. Farb Истроилга ҳомийлик қилмоқда, бу давлатнинг ўзига қўшни бўлган давлатлар ерига бостириб кираётганидан кўз юммоқда, ҳатто бунинг учун пул ҳам тўлаётир. Жазоир мисолидан сўнг, демократлаштириш араб дунёсига хос жараён эмас, деган бир қараш пайдо бўлди.

Бундай шароитдаги ижтимоий ва исиқологик ҳаётда яшаб бўлмаслиги аён. Демократия, сўз ва мажлис қилиш эркинлигини таъминлайдиган, қатағонга йўл бермайдиган механизм мавжуд эмас. Farb Эрон сингари ўзига ёқмаган давлатларни инсон ҳукуқларини камситгани учун айблаб келади, шу билан бир вақтда, ўзига дўст бўлган мамлакатлардаги бундай камситишларга қарши лом-мим демайди. Режимлар нафақат ўз ҳалқнинг муҳаббатидан, қолаверса, ишончидан ҳам айрилганини яхши билади. Миллатчиликдан ҳафсаласи пир, диндан эса бегона бўлган режимлар йўлбошчилари Farbga тобора кўпроқ суюниб қолмоқда. Ҳаммаёқни исломий мухолифат босиб кетган бир шароитда ички мухолифатни нима қилиш керак? Уни шафқатсизларча бўғиб ташлаш керак.

Кийнокларни қўллаш фақатгина сўроқ қилишнинг тасодифий қуроли эмас. Кўпгина мамлакатларда у давлатни бошқарув тизимининг ажralмас қисми ҳамdir. Ва у яна одамнинг фурурини ўлдирадиган восита сифатида инқирозга юз тутганга ўхшайди. Бугунги кунда диндорларнинг, худди ўтмишда бўлгани каби таъқиблар кучайгани



сари эътиқоди ҳам мустаҳкамланиб бормокда. Менга Зайнаб ал-Фаззолийнинг — у Мисрнинг катта таъсир кучига эга бўлган мусулмон фаолларидан биридир — кундалигидан бир парча келтиришга ижозат берсангиз:

Мени ҳолдан тойиб қолган пайтларим қийнаш учун замбилда олиб кетишар эди. Улар ўз қамчиси билан инфекция тушиб улгурган яраларни қайтадан савалаб қонатиб юборарди. Бу пайтда яралар бир оз тузалиб, пўсти кўча бошлиған бўларди. Мен ҳолсизликдан оёқда туролмай шиқилиб тушганимда ҳам бирор одамини сувб турадиган у ёки бу айёrona мослама ёрдамида калтаклашни давом эттиришарди. Ҳатто ҳушимни йўқотганим ҳам уларни тўхтата олмас эди: улар мени кўпроқ қийнашни истар эди, шунинг учун қийноқларни давом эттириб, танамга соглиқ учун заарли бўлган аллақандай дориларни укол қилишар эди. Мени қийнаётган кишининг қамчиси соат оша, кун оша итлар билан, итлар эса мажбурий ва чидаб бўлмас ҳолат билан алмашар эди. Ўлим ёқасида турган мендек ожиз бандасига фақат Аллоҳнинг ўзи нажот бериши мумкин эди. Мен Ул зотнинг марҳамати билангина бу қийноқларга чидашим мумкин эди. Хомхаёлларига асир бўлган дўзахий золимлар мени ўзларига бўйсундиришни асосий мақсад деб билар ва бу борада ѡч қандай разилликдан тап тортмасди. Улар менинг қаршилигимни синдира олмагач, ўзларининг жагига муштлар ва ақлдан озган кишиларникуга ўхшаган ҳатти-ҳаракатлар қиласди. Бундай қийноқлар Аллоҳга ишонган ва унинг сулукини тутган киши учун бефойда эди.

Араб дунёсининг Данте асарларида тасвирланган камоқхоналарида диний рух мустаҳкамланади. Омон қолган киши — голиб, ҳалок бўлган эса — ғозийдир. Бундай шароитда (хукмрон) режим худди христианлар билан мусобақалашган Рим империяси сингари голиб бўла олмайди.



Ушбу система 30 йил давомида кучайди. Диндорлар таъкиб этилмоқда. Режимлар халқнинг қаҳр ва ғазаби олдида ўз кучини йўқотиб бормоқда. Бу қаҳр режимларнинг Farbdagi ҳомийларига ҳам қарши қаратилгандир.

Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Тазийқ ўтказувчилар орасида илгари кузатилмаган ва мутлақо янги, ташқи дунёнинг кўзига ташланмайдиган, сунъий, кескин шароит вужудга келмоқда.

Айни масала ушбу бобнинг асосий мавзусидир. Мабодо бирор киши замонавий ислом радикализми ҳақида фақат бир нарсани тадқиқ қилса, у ҳақиқий исломга ўхшаш бўлиши керак. Айни пайтда жаҳон жамоатчилиги исломга нисбат бераётган инсон ҳуқуқларининг шармандали тарзда поймол қилиниши, ўзга дин ва миллат вакилларига нисбатан тоқатсизлик ва терроризм аслида бу динга дахли йўқ тўдаларнинг, мутаассибларнинг ва кўпинча худобехабар муртадларнинг ишидир. Консерватив ва чин мусулмонлар ҳеч қачон терроризмга кўл урмаган.

Ушбу постнорматив исломнинг илдизи қаерда? Биринчидан, гарчи мен ҳар бир диний норозилик ҳаракатини ижтимоий-иктисодий омиллар даражасига туширишга уринишларга шубҳа билан қарасам-да, учинчи дунё мамлакатлари шаҳарларида сўнгги 30 йил давомида вужудга келган кескин кўчишни эсга олиш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Коҳира аҳолиси ҳар йили 700 минг кишига кўпаймоқда, бу шаҳар аҳолисининг сони у ердаги хоналар сонидан уч баробар кўпdir. Ҳар бир мусулмон давлати пойтахтини каталак уйлар ҳалқаси ўраб олган: Туркиядаги *geçekondus*, Жазоирдаги *bidonvilles* (камбағаллар яшайдиган хароба кулбалар) да қишлоқлардан шаҳардаги моянадан умид қилиб кўчиб келган кишилар ноконуний уйлар қуриб олади.

Бу кишилар сиёsat билан мутлақо қизиқмайди. Уларнинг *авлиё*ларни анъанавий тарзда хурмат қилиш орқали динга эътиқод қилишини ҳамма билади. Аммо фарзандлари хусусида бундай деб бўлмайди. Фарзандларнинг маълумоти юқорироқ бўлади, улар баъзан бирор университетга ҳам кириб ўқииди ва у ерда илм-фан, тиббиёт ёки муҳандисликдан таълим олади, сўнгра тобо-



ра шишиб бораётган демография иш жойидан сиқиб чиқаргани туфайли ишсиз қолади. Улар шаҳарнинг анъанавий синфлар системасида ўзига ўрин тополмай, янги ички қувғинлар синфи сафига қўшилади.

Улар ўзига уй топиш учун ичкарига юзланади, аммо оталари динидан қониқмайди. Қишлоқ заминидан юлиб олингани учун уларнинг бўйни соҳиби тариқатлар ва авлиёлар мақбаралари ва (диний) маросимлар тармоғига эга бўлган деҳқонларча эътиқодга ёр бермайди. Ёшлар назарида бу тармоққа интеллектуал вазминлик ва сиёсий саъи-ҳаракат етишмайди, шунинг учун улар бошқа бир йўналишга юз тутади.

20-асрнинг 60-йиллари охирига қадар бу ёт синф гоҳ марксизм, гоҳ аҳмоқона ва иркӣ жиҳатдан фаол бўлган миллатчиликка асосланган баасизм⁴дан дардларига дармон излар эди. Баасизм ҳозирги кунда ҳам Суря ва Ироқдаги режимлар ҳукмронлигини таъминлаб келмоқда. Аммо 1967 йилги урушда “Араб миллий ишончи” партияси мағлубиятга учрагач, унинг ўрнига бошқа бирор партия юзага келиши керак эди. Унинг ўрнига ваҳҳобийлик деб ном қозонган секта пайдо бўлди. Бу ҳол ёнилар учун айни муддао эди.

Ваҳҳобийлик 18-асрнинг охирларида Марказий Арабистон чўлларида ислоҳот ҳаракати сифатида вужудга келган эди. Бу минтақа ҳамиша олис бир жой бўлиб, ё фавқулодда заиф диний эътиқод, ёки бўлмаса, тоқатсиз дин соғлиги учун кураши билан от қозониб келган. Исломнинг дастлабки асрода Тамим маҳаллий қабиласи экстремист хорижийлар сектаси учун кўплаб ёшларни ўз тарафига оғдириб олади. Улар ўз сектасига мансуб бўлмаган кишиларни коғир деб билар ва уларни зудлик билан ўлдириш керак деб ҳисоблар эди. Гунохга йўл қўйган ҳар бир мусулмон коғир деб эълон қилинار ва ўлимга ҳукм этилар эди.

Яқин Шарқдаги хорижийлик ҳаракати хижрий 3-асрга келиб, инқирозга юз тутди. Аммо ваҳҳобийлар мана шу тамойилни қайта тирилтирди. Унинг асосчиси Мұхаммад ибн ал-Ваҳҳоб, мусулмон дунёси мажусийликка

⁴ Баасизм (араб. баас — уйғониш) — Араб социалистик уйғониш партияси. 1968—2003 йилларда Ироқда ҳукмрон партия бўлган. — Тарж.

юз тутди, деб хисоблаб, тез орада янги давлат барпо этди. Диннинг ута софлиги тарафдори бўлган ваҳҳобийлар назарида, художўйликнинг мавжуд анъанавий шакллари мусулмонларнинг сиёсий инқирозига сабаб бўлаётган эди. Улар Аллоҳ авлиёларга эътиқод қилган ва Ул зотнинг ўзига бевосита эмас, Расулуллоҳ орқали илтижо этиб, намоз ўқиган (**тавассул**)ларга токат қилган мусулмон қавмдан ўз марҳаматини дариф тутади, деб хисоблар эди. Ваҳҳобийлар иби Таймиянинг асарларидан ўз эътиқоди учун интеллектуал қарашлар системасини тоғгач, исломга у пайдо бўлган пайтдаги софлигини қайта-риш умидида мужодала бошладилар. Уларнинг наздида, гўё чин эътиқод кемасидан улоктирилган Куръон ва ҳадислар ўрта асрларда яшаб ўтган фақиҳлар ва илоҳиётшунослар чангалидан ҳамда асрлар лойқасидан озод бўлиши керак эди.

Тарихчилар ўша сабрсиз фаолларга, улар ҳам худди Европадаги Реформация даври мутаассиблари юритган сиёсатга ўхшаш йўл тутаётганини ва бу мутлақо кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатиб беришлари керак эди. Масалалар кўпинча бир-бирига жуда ўхшаш эди. Ўрта асрларнинг схоластик биноси бузиб ташланди, унинг ўрнини индивидуал онгда муқаддас битикка нисбатан шаклланган ишонч эгаллаши керак эди. Ўтмишнинг буюк алломалари ниҳоят гўрга тикилди, кўпинча улар шафқатсизларча лаънатланадиган бўлди. Авлиёлик ғояси илк диндорлар (уларнинг барчаси авлиё бўлгани учун авлиёликка муҳтож эмас эди)-нинг сўзлигига мавжуд бўлмагани учун унга шубҳа билан қараладиган бўлди. Масжидлардан безак ва ҳашамлар йўқ қилинди, илгариги пайтларда санъат намунаси бўлган мураккаб муқаддас рамзлар одамларнинг эътиборини чалғитади, деб хисобланадиган бўлди. Диний маросимлар ваҳийда ижозат берилган даражага қадар камайтирилди. Шаҳар ва кишлоқлар муқаддас анъаналардан тозаланди ва стандартлаштириш сиёсатига бўйсундирildi.

Ваҳҳобийлар Марказий Арабистон бўйлаб юришлар қилиб, муқаддас шаҳарлар бўлмиш Макка ва Мадинани ҳам забт этди. Бундан бутун мусулмон дунёси даҳшатга

тушди. Улар ўзларининг кромвелча ваколатига мос ра-вишда ваҳийга мос келмаган ҳар бир бинони бузиб таш-лади. Гумбаз ва миноралар кўзига балодай кўрингани учун ер билан яксон қилинар эди. Авлиёлар ва Расу-луллоҳ оила аъзоларининг мақбаралари вайрон этилди. Анъанавий уламолар ваҳший судга тортилди, бальзилари эса ўлдирилди. Тўртта анъанавий фикҳ мактаби таъли-мотлари тақиқлаб қўйилди.

Яқин Шарқда эмас, Европада хаста кишига менгзал-ган Усмонлилар империяси Мисрдан у ерга қўшин жўна-тиб, ваҳҳобий қабилаларни мағлуб этди ва анъанавий динни қайта тиклади.

1916 йили рўй берган ва Лоуренс бошчилик қилган Араб қўзғолони оқибатида Усмонлилар империяси бу-тунлай инқирозга юз тутгач, мўъжазгина Ҳошимийлар подшолиги икки муқаддас шаҳарни эгаллади ва 1926 йилга келиб, бутун дунё Макка ва Мадина устидан ваҳҳобийлар ўрнатган ҳукмронликни тан олди. Яна ҳақиқий фикҳ ва калом илми сиқувга олинди ҳамда мўттадил исломнинг самарали ранг-баранглиги ўрнига тоталитар калвинизм⁵ни жорий қилишга уриниб ку-рилди.

Гарчи ваҳҳобийлик 20-асрнинг бошларида яшаган ис-лоҳотчилар, хусусан, мисрлик Мухаммад Абдуҳ ва Ра-шид Ридога муайян таъсир қўрсатган бўлса-да, 20-аср-нинг 60-йилларига қадар деярли барча мусулмон олим-лар ва институтлар уни арабларнинг нефт туфайли орт-тирган бойликлари эвазига келган жирканч ходиса деб хисоблар эди. Саудия Арабистони кутилмагандан дин соф-лигини ўз худудидан ташқарига ёйиш учун молиявий кудратга эга бўлиб қолди.

У бир неча йўл билан амалга оширилди. Маккада “Мусулмон дунёси лигаси (робитаси)” тузилди, у ўз са-фига дунё мусулмонларининг ваҳҳобийлик илоҳиётшу-

⁵ Калвинизм — протестантизмнинг бир йўналиши бўлиб, унга Ж. Калвин асос солган. У Женевадан Францияга, Нидерландияга, Шотландияга ва Англия-га тарқалади. Калвинизм таъсирда нидерланд (16-аср) ва инглиз (17-аср) инки-лоблари рўй беради. Калвинизмга факат муқаддас битикни ва инсон тақдирни олдиндан белгилаб қўйилиши ҳакидағи ақидани тан олиш, руҳонийларнинг одам-лар најот топиши учун берадиган ёрдамини рад этиш, черков одатларини сод-далаштириш хос эди. — Тарж.

нослигига қатъий риоя этарак бирлашишини назарда туттар эди. Мисрдаги ва, хусусан, Ливандаги нашриётлар құлға олинди, уларда анъанавий исломий матиллар ваххобийлик ақидасига мослаштирилиб, таҳрір қилинган ҳолда қайта чоп этилди. Тасаввуфға оид теран асарлар соддадил бадавий сектантлар учун қарғыштай бир гап эди, шунинг учун улар аста-секин сиқувга олинди. Бутун дүнёда ваххобийликни ёйиш учун ислом марказлари, янги масжидлар курилиб, хайрия лойихалари амалга оширила бошлади.

Учта университетнинг барпо этилиши буларнинг барчасидан күра күпроқ таъсир кучига эга бұлган бұлса ажаб әмас. Булар Риёддаги Сауд университети, Мадина-даги Ислом университети ва Маккадаги Умм үл-Қура университетидир. Бу институтларнинг нефтта бой бұлган подшоликнинг тез күпайиб бораёттан масжид ва мактабларини мутахассислар билан таъминлаши билан бирга, мусулмон дүнёсini ваххобийлик ақидасига бүйсундиришдай яна бир халқаро вазифаси ҳам бор эди. Дүнёнинг турли бурчакларидаги ёш мусулмонлар учун минглаб стипендиялар жорий этилди ва ҳар мавсумда минглаб ёш ваххобийлар үз мамлакатларига уни тарғиб қилиш учун қайтиб келади. Дүнё мусулмонлари лигаси, шунингдек, Риёд шаҳридаги Ёш мусулмонларнинг умумжағон ассамблеяси үша мутахассисларни тайёрлаш учун миллион-миллион долларлық пулни үша университетларга үткашиб беради. Шу тариқа ваххобийлик бир авлод умри давомидагина деярли ҳар бир мамлакатнинг диний манзарасыда етакчи ва нифоқ уругларини сепувчи күчга айланди.

Ваххобийлик пойтахтлар атрофида пайдо бұлган каталяк үйлардан иборат шаҳарчаларда тап-тайёр мижозлар топти. Диний арбоблар үша жойларда бир неча институтлар ёки масжидлар қурди. Қайтиш оқими, янги ваххобийларнинг ёниб турған күзлари битмас-туғанмас пул маблағи билан бирғаликда унчалик қаттық бұлмаган қаршиликка дуч келди. Ваххобийларнинг кучая боришига фақат давлат жиғддий қаршилик құрсатар, уларнинг кучайиб кетаётганидан ва мусулмонлар үртасыда бўлинешлар вужудга келаётганидан хавотир-



ланар эди. Вебернинг кузатишича, ҳар бир диндаги муросасиз муқаддас битикка ишонишга даъват қилувчи ҳаракатлар жуда тез майда-майдада бўлакларга бўлиниб кетиш хусусиятига эга. Британиянинг ўзида протестантизмнинг З мингдан ошик диний сектаси бор. Ёш ваҳҳобийлар диннинг ортодоксал ва 4 та фикҳ мактаби ақидаларини рад этиб, уларнинг муқаддас битикларни тафсир қилишини меъёрдан кескин четга чиқиб кетиш деб баҳолади.

Бу арабларнинг хароба уйлари билан боғлиқ саҳнадир. Муҳожирларнинг қабила ва тариқат нималигини билмайдиган иккинчи авлоди ўзининг ижтимоий ҳаёт чеккасига чиқиб қолгани билан боғлиқ норозилигини ифода қилиш воситасини ваҳҳобийлик ақидасидан топади. Келиб чиқишига кўра, саҳронинг оқ ва қора соддаликлари га мойил ваҳҳобийликнинг бошқа мазҳабларни тан олмаслик табиати инсониятнинг ушбу ёввойи синфи излаётган руҳий озиқдир.

Такfir ваҳҳобийликнинг энг жозибадор принципи эди. У бирор кишини исломдан ташқарида деб эълон қилишдир. Ваҳҳобийлар талқинига кўра, бундай диндан чекинган киши факат ўлимга лойиқ, ушбу шафқатсиз ақида эса хорижийликдан олинган.

Такfir ақидасининг мужассам ифодаси “**ал-валаъ вал-бараъ**” (“садоқат ва оқлаш”) деган машҳур ақиданинг мағзини ташкил этади. Мусулмонларнинг классик сиёсий назариясида ислом дунёсидаги ёш болалар ҳам биладиган кичик бир ақида бор. Унга кўра, мусулмон давлатининг раҳбарига қарши, гарчи у диннинг баъзи бир рукнларини бузган тақдирда ҳам, исён кутаришга ижозат берилмайди.

Ислом энди шаклланаётган пайтда хорижийлар ваҳҳийларча кўзголонлар кўтарганда, илоҳиётшунослар жамиятни фуқаролар урушига гирифтор этгандан кўра, ёмон ҳукуматга чидаш яхшироқдир, деган холосага келган эди. Ҳеч ким муқаддас қонунни оёқости қиласидиган ҳукуматга бўйсунмаслиги лозим, аммо у қурол кўтармаслиги керак, чунки бундай қилса, оқибатда мусулмонлар бирлигига путур етади ва душманга дарвозалар очиб берилади.

Суннийликнинг ушбу тинчлантирувчи позицияси — туримига ваххобийлик назариётчилари тоқат қила олмайди. “*Ал-вараъ вал-бараъ*” ақидасининг маъноси одамнинг фақат ваҳийга тұла амал қиласынан давлатта бўйсунишини англатади. Агар ҳукмдор хатога йўл кўйса, унга қарши курашиб керак, чунки бу унинг *tagut*, яъни ёлғон ва бутпараст буйруғидир. Такводорлар дунёнинг шайтон васвасасига тұла нарсаларига меҳр қўймаслиги, порлоқ ва адолатли келажакка эришиш учун ўша ҳукмдорни ағдариб ташлаш йулида курашибиши даркор.

Ушбу янги хорижийлик⁶ бугунги кунда деярли ҳар бир маданият бошидан кечираётган феноменниң исломий кўриниши — сифиниш ҳодисасидир.

Бу сифииши, ёки социологик лаҳжада айтилаётганидай, янги диний ҳаракатми? “Аллоҳнинг болалари”-дан тортиб, “Муқкадас ой”, ёки “Ҳаре Кришна” издошлиаригача одамни адаштириб юборувчи диний эътиқод турларига сифинади. Бироқ улар учун умумий бўлган унсур кишини хайратга солади: уларнинг наздида, дунё ҳалокатга мустаҳик, ифлос ва ёвуздир. Жамият тўғри йўлдан оғиб кетган, фақат айрим кишиларгина ҳақиқат тарафидадир. Нажот топувчилар ва ҳалокатга маҳкумлар ўртасидаги тафовут мутлақдир.

Ушбу ҳодисани теизмлар билан чегаралаб бўлмайди. 1995 йили Токио метросида фалажловчи газ воситасида ҳужум уюштирилди. Ом Пировард ҳақиқат ибодатхонаси вакили ва ўша ҳаракат раҳнамоси Шоко Асаҳара необуддист эди. Бизга маълум қилишларича, у эришган ютуклар орасида сув остида ҳам нафас ола билиш кўнимаси ҳам бор экан. Бироқ унинг буддизм контекстидаги ғалати бўлган асосий ақидасига кўра, 1997 йилнинг 12 июн куни охирзамон рўй бериши керак эди. Ташқи дунё ёвуз ва гуноҳлари учун тавба қилмаган эмиш. Метро — зулмат дунёси, шунинг учун ҳақиқий диндорлар унга ҳужум қилиши керак эмиш.

⁶ Неохорижийлик — янгитдан пайдо бўлган хорижийлик ҳаракати бўлиб, унинг таркибида Ҳазарика ва Басрә сингари радикал кичик секталар мавжуд. Улар ўзларини колтан мусулмонлардан ажратиб кўрсатади, колтан мусулмонларнинг барчасини ўлимга ҳукм килади. Тарж.



Уларнинг наздида, жамиятни ёвуз деб эълон қилиб, култ — сифинишга қочиб ўтиш лозим. Араб тилида бу **такфир вал-ҳижра** дейилади. Айнан мана шу сўзлар замонавий араб дунёсида вужудга келган диний экстремистларнинг шиорига айланди: 20-асрнинг 70-йилларида **Такфир вал-ҳижра** гурухига мисрлик Шукри Мустафо раҳбарлик қилган эди. Шукри Мустафо, худди кутилганидай, мухожирларнинг иккинчи авлодига мансуб эди. У Мисрдаги етакчи диний ҳаракат бўлмиш “Мусулмонлар биродарлиги” таълимотига боши билан шўнғиб кетди. Биродарликнинг зўравонликка йўл қўймаслиги режимнинг кучая бориши ва қатағон қилиши натижасида обрўсизланиб қолганга ухшар эди. Шукри Мустафо шундан сўнг ўз фракциясини тузади. 1978 йили Мисрнинг етакчи диний мутафаккири шайх аз-Даҳабийни қўлга олиб, үлдиргандан сўнг мазкур фракциянинг номи машхур бўлиб кетади. Унинг тақводорлиги ва сиёсий зўравонликни инкор қилиши Шукри Мустафонинг наздида, ўзини сотқин деб эълон қилиш учун етарлидай эди.

Араб дунёсининг хурматли кишиларидан бири бўлган Шайх ал-Даҳабийнинг үлдирилиши янги хорижийлик эксплюзивизми (бирор киши ёки гурухнинг ўзини бошқалардан устун қўйиши)да мавжуд бўлган хавфни диний арбоблар бошига бало қилиб қўйди. Анъанавий ислом ҳеч қачон, хусусан, 11-асрда яшаган Фаззолий замонидан бошлаб, мусулмонларни лаънатлашга ижозат беришни истамаган. Расулуллоҳ бир ҳадисда бундай деган эдилар: “Бирор киши ўз биродарига: “Сен кофирсан”, деб айтса, улардан бири, албатта, шу номга лойик бўлади”. Хорижийлик ҳаракатининг кўнгли мана шу масалада суст кетади ҳамда барча мусулмонларга, авлиёларга ва гуноҳкорларга бирдай ҳаддан зиёд оғир талаблар қўйиши билан оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаради, үлим азобларига ҳар ким ҳам дош бера олмайди. Бироқ сунний мусулмончилиги бундай эксцентрик (файримантикий) диндорларга писбатан уларнинг ғайритабиий ёки сектантларга хос тушунчалари давлат хавфсизлигига таҳдид солмаган шайтларда муроса кўзи билан қараб келди. Ислом тарихида одамларни муртадлиги учун суд қилиш ҳоллари кам учрайди.



Аммо дарғазаб ёш ваҳҳобий қавмларнинг бундай қа-
зуистика⁷ учун вақти йўқ эди. Бу, уларнинг назарида,
индиғерентизм эди. Ўрта асрлардаги муқаддас битик-
ларда қайд этилмаган **мавлуд** сингари маросимлар фай-
ридиний, уларнинг карашларига қўшилмаганлар гунох-
кор ва муртад деб эълон қилинди. Дин руқнларини ба-
жаришдаги ялқовлик ундан чиқиш билан баробар эди;
бинобарин, Саудия Арабистонининг ваҳҳобий муфтиси
Абдулазиз бин Баз (беш вақт) намоз ўқимаган кишини
коғир деб хисоблайди.

Бундай экстремизм (жамиятни) бўлиб ташлайди ва
ўзидан-да кескинроқ экстремизмни келтириб чиқаради.
Яқинда Суданда буни тасдиқлайдиган бир воқеа рўй
берди. Бу ерда хукумат маълум маънода ваҳҳобийлик
ақидаларини қабул қиласди, аммо баъзи ўринларда праг-
матик йўл тутади, яъни суданликларнинг аксарияти та-
саввуф биродарлигига мансуб бўлгани ва ваҳҳобийликни
ўз диний хиссиётини таҳқиқлайди, деб хисоблагани учун
чорак миллионга яқин қаттиққўл ваҳҳобийларга қарши
туради. Шундай ваҳҳобийлардан бири бўлган саудиялик
миллионер Усама бин Ладен бу мамлакатдан Афғонис-
тонга жўнаб кетади.

1994 йилнинг 3 феврал куни Суданда рўй берган воқеа
ваҳҳобийликнинг энг некбин диндорлари ишончига ҳам
путур етказди. Омдурмандаги Ас-Савра масжида жума
намози вақтида тўрт киши автоматдан ўт очиб, 16 намоз-
хонни отиб ташлайди. Сўнгра одамлар Усама бин Ладенни
уйига хужум қиласди. Бин Ладенниң кўриқчи-
лари икки кишини ўлдиради, яна икки киши тутиб оли-
нади, уларни Судан ислом суди ўлимга маҳкум қиласди.
Ўша хукм қилинган кишилар ўзларини химоя қилиш
мақсадида одамлар намоз ўқиётган пайтда қирғин қилин-
ганини, қуролли кишиларнинг мақсади Суданни “бутпа-
растлик йифинлари ва шайтон биродарлари”дан тозалаш
эди.

Кизиги шундаки, ҳакам тўғри қайд этганидай, ўша

⁷ **Қазуистика** [фр. casuistique < лот. *cāsus* воқеа] — 1. Ўрта асрлар
холастикаси ва илоҳиётшунослигининг хусусий воқеаларни ҳам умумий ақида-
лар билан баҳолаш усули. 2. Кўчма маънода ёлғон, шубҳали холатларни химоя
қилишдаги топқирлик. — Тарж.

куролли кишиларнинг ваҳҳобийлик оқимига мансуб Ансор ас-Суннат сектаси масжидига бостириб киришига сабаб уларни етарли даражада ваҳҳобий эмас деб билганидир. Бундай дин соғлиги учун курашувчилар фикрича, фақат бир ҳовуч суданликларгина ҳакиқий мусулмонлардир, қолганларни эса қириб ташлаш керак.

Гарчи бебош ваҳҳобийларнинг қурбони суданлик араблар эмас, Истроил яҳудийлари бўлса-да, Фаластиндаги вазият ҳам шунга ўхшаб кетади. Бундай фожиалар хусусида етарли даражада хабар берилди. Фаластин ёки унинг ўрнида қолган ерда аҳолининг қишлоқ жойлардан араб дунёсининг турли жойларида гидек, янги хорижийлик ҳаракати учун қулай замин ҳозирланган шаҳарга кучиши 1948 йили фаластиналарининг ўз уйидан зўрлик билан ҳайдаб чиқарилишига олиб келди. Газа ноҳияси, Фарбий қирғоқ ва Ливандаги улкан қочқинлар лагерларида диннинг эски шакллари йўқолиб кетгани унинг экстремистик шаклларига унумдор замин ҳозирлаб бермоқда. Айни пайтда “Ҳамас”нинг етакчи кучи бўлган “Фаластин ислом ҳаракати”нинг террорчилик ҳаракатларига бевосита дахли йўқ, унинг “Иzz ад-дин ал-Қуссам” фракциясигина террорчи гурух деб хисобланади. Ваҳҳобийликдан улги олган бу фракцияга Саудия Арабистонида таълим олган бир киши раҳбарлик қиласи ва ўтган йили ўзининг Осло битимиға қарши эканини билдириб қўйиш учун террористик бомбаларни портлатишдан ҳам тап тортмади. Уларнинг кимлигини ўзлари бориб турган масжидларнинг номи ҳам аник кўрсатиб беради: масалан, Ибн Таймия номли масжид ваҳҳобийлар таълимотини қабул қилган ўрта асрларда яшаган олим номи билан аталади. Бу масжидга келиб турувчилар орасидан бир неча худкуш бомба портлатувчи етишиб чиқди.

Албатта, Фаластин қочқинлар лагерларида Осло битимларини бузиш туфайли ҳукумат ваҳҳийликларидан норози бўлиб, одамларнинг қаҳр-ғазаби янада кучайиб бормоқда. Ўша битим шартларига кўра, 1948 йили ўз ватанидан айрилган фаластиналарга, ўз ерларингизга қайтиш ҳақида ўйламай ҳам қўя қолинглар, деб айтишмокда. Абадий қочқинлик ҳаётидан бошқа нарсани тасаввур ҳам қилолмайдиган бундай кишилар учун худкуш-

лик унчалик ҳам даҳшатли нарса эмас. Жаннатга тушиш учун ўзини ўзи иортлатиб юбораётган йигит-қизларга нафрат кўзи билан қараётган фарблик журналистлар фаластинликларнинг тақрибан 50 йилдан бери жаҳаннамда яшаб келаётганини, Осло битими бу ҳолнинг абадий давом этишини назарда тутишини ҳам ҳисобга олиб қўйса, ёмон бўлмасди.

Эътибор қилиш керак бўлган яна бир ҳолат Афғонистон масаласидир. 20-асрнинг 80-йилларида стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган бу мамлакат Қизил Армия ва Farb ўртасидаги уруш саҳнасига айланиб қолди, бу урушда Farb ислом фаолларини ўзининг танлаш куролига айлантириб олган эди. 1989 йили Нажибулло режими қулагач, мамлакат фуқаролар уруши қаърига гарқ бўлди, эндиги уруш мусулмонлар ва коммунистлар ўртасидаги олдинги зиддиятдан ҳам даҳшатлироқ эди. Нега бундай бўлди?

Сувни яна ваҳҳобийлик лойқалатяпти. 1980 йилдан илгари бу мамлакатда ваҳҳобийлик йўқ эди, унинг аҳолиси тасаввуф тариқатига эргашувчи суннийлар, 12 имомга эътиқод қилувчи шиалар (Farb тарафида) ва тарқоқ исмоилийлардан иборат эди. Уруш бошлангач, Farbнинг курол-яроғи ва молиявий ёрдами кириб келиши учун асосий воситачи бўлган саудияликлар эндиликда қабила-қабила бўлиб яшамаётган афғонлардан кичик милиция гуруҳлари тузади ва уларни нисбатан прогрессив бўлган ваҳҳобийлик эътиқодига ўтишга кўндиради. Тез орада бошқа афғонлар ҳам тишидан тирноғигача куролланган ва хориждан келган, кўпинча ваҳҳобий бўлган минг-минглаб кўнгилли араблар билан кучайтирилган мана шу гуруҳларга қўшила бошлайди. Айни пайтда Қизил Армияга қарши жангларнинг асосий оғирлиги Аҳмадшоҳ Масъуд ва Бурхониддин Раббоний сингари тасаввуф тариқатларига хайриҳоҳ бўлган анъанавий мусулмон ҳаракатлари вакиллари зиммасига тушган эди; Кобулдаги марказий ҳокимият қулаши билан Ҳикматёр қўшинлари илгариги мухолифат гуруҳлари уни бош вазир қилиб тайинламагани учун норозилик белгиси сифатида шаҳарни ўққа тута бошлайди. Аввалги замонларда Афғонистонда мавжуд бўлган анъанавий ислом мазҳаблар ўтара-

сидаги бундай зиддиятларни ҳал этиш механизмларини ишлаб чиқкан эди. Афғонистоннинг ўзи, анъанага кўра, мазҳаблар эмас, аксинча, қабилалар ўзаро баҳслашиб келган мамлакат эди. Аммо ваҳҳобийлик экуменизм⁸га тоқат қилолмас эди. Ваҳҳобийлар шаҳарнинг атрофида ҳандақ қазиб, уни бомбардимон қилди. Қурол-яроғ захирасининг бениҳоя кўплиги ва янги хорижий дўстларининг доимий қўллаб-қувватлаши туфайли улар барча учун маъқул бўладиган миллӣ яқдил ҳукумат ташкил этиш тарафдорлари томоғига тиқилган абадий килтаноқ бўлиб қолаверади.

Ваҳҳобийликнинг ватани бўлган Саудия Арабистонининг ўзидағи вазият ҳам эндиликда фош бўлиб қолмоқда. Саудия подшоларининг анъанавий стратегияси, исломчилар эътиборини мамлакатдаги коррупциядан ҷалгитиш учун, уларни чет мамлакатларда миссионерлик фаолиятини олиб боришига жалб этиш мақсадида сүяк иргитишдан иборат бўлиб келди. Бу иш бир неча усул билан амалга оширилди. Улардан энг асосийси ҳажга келган мусулмонлар онгига ваҳҳобийлик ғояларини сингдиришга уринишидир. Бунинг учун турли тилларда кичик буклетлар чиқариб тарқатилади, уларда “соф” исломий ақида тушунтирилади ҳамда тасаввуф ва анъанавий диндорликнинг турли шаклларига қарши қаҳр-ғазаб ўтлари сочилади. Ҳаж давомида маҳсус чодирлар ўрнатилади ва ваҳҳобий воизлар “Аллоҳнинг меҳмонлари”га нутқ ирод қилишади. Бу мамлакатга келиб ишлаётган чет эллик мусулмон ишчиларга нисбатан шунга ўхшаш, ҳатто ундан-да баттар усул қўлланади. Саудия Арабистонидаги ваҳҳобийлик пайдо бўлган марказий вилоятлар: Нажд ва Қассимда намоз вақти кўчада юрган кишилар ҳибсга олининб, зўрлик билан масжидга олиб борилади.

Аммо 1990—91-йиллардаги кўрфаз урушидан сўнг ҳукумат ўзи яратган ваҳҳобийлик ҳаракатининг босимиға учрай бошлади. Фарб қўшинларининг подшоси икки муқаддас шаҳарнинг қуриқчиси ҳисобланадиган мамла-

⁸ Экуменизм [нем. Ökuménismus < лат. ecumenicus коинотга хос < юнон. οἰκουμένη мавжудотлар яшайдиган замин] — христиан динида барча христиан черковларини бирлаштириш ҳаракати. — Тарж.



катда сезиларли ва узок туриб қолиши ваҳҳобийлар на-
зарида тоқат қилиб бўлмайдиган провокация эди. Шун-
дай қилиб, террорчиларнинг илк бомбаси Риёд шаҳрида
портлади, натижада 4 нафар америкалик ҳарбий масла-
ҳатчи қурбон бўлади. 1996 йили эса мамлакат шарқидаги
Даҳран шаҳрида жойлашган ҳарбий базани юқ машина-
сига ортилган бомба портлатиб юборганида 19 нафар
америкалик ер тишлайди. Айборлар қийноққа солина-
ётган ва ўлимга ҳукм қилинаётганига қарамасдан, бу
жараён давом этмоқда. Подшолик фуқаролари бу ерда
мавжуд Farb қўшинлари ўзларини Саддам Хусайннинг
эҳтимол тутилган ҳужумларидан ҳимоя қила олишига
мутлақо ишонмайди, аммо подшо оиласини саудиялик-
лар ҳаётини қадимий поклигига қайтармоқчи ва ўзлари
нафратланаётган салбчиларни муқаддас заминдан ҳайдаб
чиқармоқчи бўлаётган ваҳҳобийлар исёнидан ҳимоя қила
олади, деб ҳисоблайди. Давлатнинг уларга жавоби киноя-
ли бўлди: Саудия давлатининг қонунийлигини таъмин-
лаб турган ваҳҳобийлик ақидаси ўзига хўрак берган қўлни
тишлаб олмоқда. Шундай қилиб, Саудия Арабистони-
нинг ўзи ҳам ваҳҳобийлик мутаассиблигига қарши таз-
йиқлар йўли билан курашаётган давлатлар рўйхатидан
жой олди. Илоҳиётшунос Сафар ал-Ҳавалийнинг боши-
га тушган воқеа жуда аянчлидир. Ал-Ҳавалий 70-йил-
ларда режимнинг тасаввуф ва анъанавий диндорликка
қарши курашдаги энг катта қуроли бўлган эди. У “Ашъ-
арийча ақидавий методологияни танқид” китобида ило-
ҳиётшунослик сунний мазҳабининг Ал-Азҳар сингари ул-
кан марказларида азалдан ўқитиб келинган ашъария таъ-
лимотига ҳужум қиласи. Бу китоб Саудия Арабистони-
нинг элчихоналари ва ташкилотлари орқали араб дунё-
сига бепул тарқатилади. Шу йўл билан китобнинг мил-
лиондан ошиқ нусхаси тарқатилган экан. Чала ҳақиқат-
лар, ёлрон иқтибослар ва ҳиссий мурожаатлардан, ал-
мойи-жамойи гаиплардан иборат китоб Қуръон ва ҳадис-
дан сўнгги энг ишончли маиба деб ҳисобланади ва унда
мусулмонларнинг интеллектуал анъанаси инкор этила-
ди. У шу тариқа ҳақиқий мусулмончиликка птур етка-
зив, ваҳҳобийлик ақидаси қабул қилинишига йўл очиб
беришда муҳим рол ўйнади. Бироқ подшо оиласига қар-



ши ваъзлар айтиб юрган Ал-Ҳавалийнинг ўзи ҳам бугунги кунда худди бошқа етакчи арбоблар қатори қамоқда ўтириби. Давлат жинни қайтадан кўзага қамашга уриниб кўрмоқда, аммо энди вақт ўтиб кетмаган бўлса гўрга эди.

Аслида бу харакатларнинг муддаоси нима? Мисрлик Ҳасан ал-Банна, жазоирлик Бин Бадис сингари дин ренессанси тарафдорларининг олдинги авлоди вакиллари ислом давлати учун нисбатан плюралистик андозани чизиб берган эди. (Унда) шариат тафсилотлари ҳеч қачон баён этилмаган бир шаклда амал қиласди. Маҳаллий маданият Farb таъсири деб аталмиш иблисни жиловлаб туриш учун қайтадан жонлантирилади. Ижтимоий дастурлар шаҳарда қашшоқ хаётдан азият чекаётган кишилар оғирини енгил қилишга йўналтирилади, аммо уларда социалистик ва статистик андоза кўлланмайди. Ислом давлатининг ушбу мусулмон биродарлиги кўриниши мөхиятан либерал капитализмнинг бир шаклидир. У мана бу ҳадисга асосланади: “Одамларнинг бир-бирига кўмаклашишига имкон беринг”, аммо бунда масжид ёки давлат фарвонлик учун керак бўладиган таъминотнинг маълум қисмини ўз зиммасига олиши шарт қилиб қўйилади.

Мусулмон биродарлиги сиёsatга аралашмаётган мамлакатларда унга тоқат қилинади. Ҳар бир киши бундан нима кўзланаётганини кўриши мумкин. Мусулмон ренесансининг ижобий ютуқларидан бири янги хароба уйлардан иборат шаҳарчаларда соғлиқни сақлаш хизматини таъминлагани бўлди. Масалан, Мисрда Носирнинг ҳар борганингда пора истаб турадиган калондимоғ ва кам маош олувчи тиббиёт ходимлари эгалик қиласидиган бепул халқ шифохоналари кичик күшхоналардан беҳроқ бўлган бўлса, Биродарлик шифохоналари реал ижтимоий эҳтиёжга мос келади.

Шунингдек, ревайвэлисталар⁹ режимлардан фарқли ўлароқ, нисбатан малакали ва табиий оғатлар вақтида қандай иш тувишни биладиган кишилардир. Масалан, яқинда Қоҳирада рўй берган, юзлаб кишиларнинг ҳаёти-

⁹ Ревайвэлист (ингл. revivalist қайта тикловчи) — қайта тиклаш таълимоти тарафдорлари. — Тарж.

га зомин бўлган ва минглаб кўп қаватли биноларни вайрон қилган зилзиладан сўнг ҳукумат жуда имиллаб ҳаракат қилас эди. Бу ишга масъул бўлган вазир таътилга чиқиб, дам олгани чет элга кетган ва ишларни назорат қилиш учун қайтиб келишдан бош тортади. Миср муста-килликка эришганидан сўнг илк марта бундай даҳшатли зилзила билан рўбару келган армия ва фуқаро мудофааси бўлинмалари саросимага тушиб қолади. Аммо ўша пайтда “Мусулмон биродарлиги” ва “Ал-Жамиийа аш-Шарийя”нинг интизомли бўлинмалари ва бошқа исломий хайрия жамғармалари ҳукумат бўлинмалари билан солиштирганда бир газ устун эканини намойиш этди. Улар Ҳусни Муборак режимини обрусизлантириб, диний ҳукуматнинг фаолияти ундан қўра беҳроқ булиши мумкинлигини кўрсатиб берди. Ошхоналар ва фавқулодда шифохоналар кўз очиб юмгунча бунёдга кела бошлиди. Масжидлар уйсизларга бошпана бўлди. “Мусулмон биродарлиги”га аъзо ўрта синфга мансуб кишилар ўз чўнтағидан фавқулодда молиявий грантлар ажрата бошлиди. Энг мутаассир жиҳати шунда эдики, ҳамма нарса анъанавий тарзда давлат зиммасига юклаб қўйилиб, хусусий ташаббуслар бўғиб ташланган, соқолли муҳандис фаоллар тошлоқ жойни қазиб, кўчаларни тозалаған, хизмат турларини қайта йўлга қўйган бир пайтда ҳукумат идоралари қофозбозлик қилишдан нарига ўтолмади.

Миср жамиятининг зилзила оқибатларини тугатиш вақтида кўзга кўринмаган ягона қисми диний экстремистлар, яъни ҳароба уйларда яшовчи ваҳҳобийлар эди. Улар, адолатли ислом ҳукумати буюрмаган ижтимоий фаолият билан шуғулланишга динимиз йўл бермайди, деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, **жоҳилият**, яъни ерда Аллоҳнинг ҳукмронлиги қарор топишидан олдинги даврдаги ҳар қандай ижтимоий ёрдам шакли инқироз пайтидаги тартибни саклаб қолишида кўл келади ва, бинобарин, гуноҳдир. Ултраваҳҳобийлар учун дин нуқтаи назаридан бажарилиши мажбурий бўлган ягона қонуний чора режимга қарши курашишдир. Сайёҳларни, полициядиларни, мусиқачиларни ёки ёзувчиларни — Нобел мукофоти лауреати Нажиб Махфуз ҳаётига суиқасд қилишга

уриниш бунга мисол була олади — отиб ўлдириш, хақиқий диний эътиқодни тарқатиш билан биргаликда жоҳилият даврида бажаришга изн берилган фаолият турларидир. Бу қўйидан бошлаб ислоҳ қилиш вактидир. Бироқ адолатли тартиб жорий этилса, у юқоридан бошлаб ислоҳ қилишга асосланади. Давлат одамларнинг, ҳатто бўйнидан судраб бўлса-да, жаннатга киришига кафолат бериши керак. Бундай давлат Калвин ихтиро этган, адолат тўхтовсиз ҳукмронлик қиласиган шишалар шахри Женеванинг бир кўриниши бўлади.

Бундай қарашларнинг муаммоли жойи шундаки, уларга эришилган тақдирда ҳам ҳеч ким амал қилмайди. Теократия¹⁰лар бундай мажбурий йўл билан инсон юрагидан шайтонни ҳайдаб чиқара олмайди, аксинча уни ичкарига чуқурроқ киритиб юборади. Улар шу тариқа диннинг унчалик муҳим бўлмаган принципларини кўркуона ҳимоя қилиб, моҳиятига зарар етказади. Дин билан давлат бир бўлган жойда давлат инқизозга юз тутса, унга аралашиб қолган дин ҳам обруғизланади. Бунга Эронда рўй берган воқеалардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. У ерда ҳукмрон режимнинг ноқобиллиги ва қатағонлари кўпгина собиқ эронлик диндорларнинг ўз эътиқодидан қайтишига сабаб бўлди. Саудия Арабистонида кўпчилик одамлар Аллоҳдан эмас, диний полициядан кўрқани учун намоз ўқиади. Улар шу тариқа диндорлар ниятига путур етказади ва (одамларни) бутпарастликнинг бир кўринишига етаклайди. Қизифи шундаки, мажбуровчи теократиянинг динни тиқишириши уни инқизозга олиб бориши муқаррар.

Мўттадил суннийлик ушбу мажбуровчи теократиядан ҳамиша хавфсираб келган. Баъзи гарблик муаллифлар орасида, Куръонда дин ва давлат ягона институт экани хусусидаги ижтимоий тартиб белгилаб қўйилган, христианларнинг “Қайсарники — Қайсарга, худоники — худога” принципини исломга нисбатан қўллаб бўлмайди, чунки дин ҳаётдаги ҳар бир нарсани Аллоҳнинг қонуни-

¹⁰ **Теократия** (юнон. theos — худо) бошқарувнинг бир тури бўлиб, унда (одатда монархик) давлат бошлиғи бир вактнинг ўзида диний раҳбар ҳам ҳисобланади. — Тарж.



га бўйсундиришга ҳаракат қиласи, деган қараш кенг тарқалган.

Мусулмон жамиятлари воқелиги бундай қарашнинг нотуғри эканини кўрсатиб турибди. Исломнинг узоқ тарихи подшолик ва авлоддан-авлодга ўтувчи сиёсий институт, шунингдек, одатда, давлатдан ва сиёsat санъатидан ҳазар қилувчи, аммо сultonнинг сотқинлигини, керак бўлса, унинг камбағалларга раҳмисизлигини қоралаб ваъз айтиш имкониятини қўлдан бермайдиган уламолар, масжид имомлари, қозилар ва ҳ.к. дан иборат бутунлай бўлакча диний институтдан иборат бўлган. Анъанавий ислом давлатларида ҳалқ оммаси уламоларни давлатга вакил қиласи, улар давлатнинг ҳалқ орасидаги вакиллари эмас.

Бир нарсани қайд этиш лозимки, ўрта асрлардаги христиан жамиятларида диний институтлар ва давлат ўртасидаги муносабатлар ислом заминидагига нисбатан яқинроқ бўлган. Бирлашган қиролликдаги тож кийдириш маросими ва бизнинг черков ҳокимиятини тан оладиган конституцион бошқарув тизимимиз ҳатто бугунги кунда ҳам давлат раҳбаридан бир вақтнинг ўзида черков бошлифи бўлишни ҳам талаб этади. Булар ўша симбиознинг қолдигидир. Аксарият анъанавий мусулмон давлатларида бундай қўшилиб кетишга йўл қўйилмаган, улар уддабурон нрагматизмни афзал билган.

Албатта, бундай тизим асримиз шароитида яшаб қола билмади. Аксарият ҳолларда мустамлакачилик тартиботи маҳаллий сиёсий жараёнларни йўқ қилиб юборди ва диний институтларни чеккага суриб ташлади ёки бекор қилиб қўйди. Масалан, Жазоирда ҳукмдор оила сургун қилинди ҳамда вилоятлардаги қабила йўлбошчисининг патронаж¹¹ ва бошқарув тизими бекор қилинди. Диний мадрасалар ёшилди. Ҳатто масжидлар ҳам аялмади: Жазоирда 1962 йилги мустақилликкача бўлган даврда шаҳардаги 180 та масжиднинг учтасини истисно қилганда, қолган барчасидан черков ёки бошқа мақсадларда фой-

¹¹ Патронаж [фр. patronage < patron ҳомий < лат.] 1. Чакалокларга ва баъзи беморларга кўрсатиладиган доимий даволаш-профилактика ёрдами. 2. Ҳомийлик қилиш.



даланилар эди. Мамлакатнинг катталиги жиҳатдан иккинчи ўринда турадиган Оран шаҳрида олти асрлик тарихга эга санъат обидаси бўлган бош масжид темири ўл шоҳбекатига айлантирилди. Бундай мисолларни қўплаб келтириш мумкин.

Асрлар синовидан муваффақиятли ўтган мусулмон сиёсий тизими ва диний институтларининг йўқ қилиб юборилишига қарши турган ислом уйғониш мафкуралари янги радикал сиёсий назарияларни ишлаб чиқди. Носири бу борада энг катта таъсир кучига эга бўлган Саййид Кутбни 1962 йили қатл этди. У дин ва давлатнинг радикал бирлиги хусусидаги назарияни олға сурган эди. Бу назарияга кўра, ислом пешволари ва давлатнинг раҳнамоси мусулмон уламоси бўлиши керак эди. Кутбнинг фикрича, дин ва давлатнинг бемаза дихотомияси исломнинг ҳалокатли тарзда тўғри йўлидан оғиб кетишига, уламоларнинг эса ўз ижтимоий масъулиятини унутишига имкон берди.

Замонавий таҳлилчилар бунда бошқарувга оид исломий назарияларнинг эмас, Фарб ғояларининг таъсири бор, деб ҳисоблади. Кутб ўзини уруш вақтида Виши¹² режимига хизмат қилган ва фашистлашган француз Алексис Кэррел¹³ олдида бурчли деб билар эди. Ўша кунларнинг ташвишлари билан овора бўлган Кэррел миллатнинг эссецияси¹⁴ — айни пайтда французылкнинг квантэссенция¹⁵си — васийлари ҳокимият жиловини ўз қўлида тутиб туриши, ҳақиқий инсоний қадриятларнинг бир қисми давлат бўлиши керак, деб ҳисоблар эди. Кутб ва Мавдудийга ўхшаш қатъий фикрли мусулмон мутафаккирлари исломий давлат андозасини яратди. Бундай дав-

¹² “Виши” — 1940 йилнинг июляи 1944 йилнинг августида Францияда немислар босқини даврида хукмронлик қилган сотқин режимнинг номи. А. Петен хукумати Виши шаҳрида фаолият кўрсатгани учун шу ном билан аталган. — Тарж.

¹³ Алексис Кэррел (1873–1944) — француз хирурги ва патафизиологи; 1904–39 йилларда АҚШда истикомат қилган. 1912 йили Нобел мукофотига сазовор бўлган. — Тарж.

¹⁴ Эссеция [нем. Essentia < лот. essentia] — моҳият. — Тарж.

¹⁵ Квантэссенция [нем. Quintessenz, фр. quintessence < лот. quinta essentia бешинчи моҳият] — Энг асосий, ута мухим. Антик фалсафада эфир — ердаги тўртта унсур — сув, ер, олов ва ҳавога қарама-карши қўйилган бешинчи унсур, яъни эфир. — Тарж.



лат исломни мусулмон кишиларнинг ҳақиқий мафкураси деб билади. Бу мафкурани ҳамма бирдай тушуниши лозим. Бинобарин, замонавий шароитларга қўчган ислом сиёсий партияга айланади. Дин узвларини давлат узвларидан ажратиб бўлмайди.

Бу тушунча 20-асрнинг 50-йиллари охири ва 60-йилларининг бошида “Мусулмонлар биродарлиги” тафаккурига суқилиб кира бошлади. Унинг мусулмонларнинг сиёсатга анъанавий муносабатини тан олмайдиган ва аксарият мусулмон жамиятларидаги мазҳаблар ранг-баранглигидан оғринадиган очиқдан-очиқ тоталитар салоҳияти ваҳҳобийлик ҳаракатининг кескинлиги ва эксклюзивизми (бошқаларни мутлақо тан олмаслик) билан мос тушар эди. Кутбнинг укаси Мухаммад Қутб Носирнинг тозалашларидан қочиб кетади ва Саудия Арабистонида мударрислик қила бошлайди, кейинчалик ўша ерда ваҳҳобийликни қабул қиласди. Ваҳҳобийликка хайрихоҳ бўлган яна бир мисрлик олим Мухаммад ал-Фаззолий билан биргаликда у биродарлик тафаккурини ўзгартиради. 1983 иили биродарликнинг анъанавий ва ваҳҳобий бўлмаган олий рахнамоси Умар ат-Тилмасанийнинг ўлимидан сўнг ваҳҳобийликнинг мисрлик диссидентлар ўртасидаги таъсири кучайиб кета бошлайди. Биродарликнинг ўта ваҳҳобийлашган илми толиблар қаноти бўлган исломий гуруҳлар (**Ал-Жамоат ал-исломийа**) биродарлик билан алоқасини узади ва режимни заифлаштишириш мақсадида зўравонлик ишлатиш учун босим ўтказа бошлайди. Гарчи бир оз бўлса-да, **Ал-Жамоат ал-исломийа**га мансуб деб хисобланган шахс кўзи ожиз воиз Умар Абдураҳмон АҚШда Жаҳон савдо марказига қилинган террористик хужумга аралашгани учун отнинг қашқасидай танилиб қолган эди. Қизиги шундаки, ваҳҳобийликнинг бир шаклини қабул қилган Умар Абдураҳмон бир неча йил Саудия Арабистонида яшаган эди.

Ваҳҳобийлаштиришнинг ушбу тамойили мусулмон дунёсида одамларнинг тинчини бузувчи оқибатларга сабаб бўлаётгани хусусида бошқа кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Бу ўринда мусулмонларнинг асосий кўпчилиги ва уларнинг институтлари ваҳҳобийларга жавоб бе-

ришга ва унга қарши курашишга қандай ҳаракат қилгани хусусида батафсил гапириб ўтиришнинг мавриди эмас, бироқ анъанавий дин мўтадиллиги тарафдорлари қайд этиб келаётган иккита қарашдан хабардор бўлиб қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Аввало, тажрибанинг кўрсатишича, репрессив дунёй режимларни, диний муҳолифатни қийнаш уни йўқ қилиб юборади, деган умидда қўллаб-кувватлаш сиёсати муваффақият келтириши даргумон. Бундай ҳолатда у диний муҳолифатнинг янада экстремистик шаклларини урчитиб юборади. Режимлар системани тинчлик йўли билан ислоҳ қилишга уринаётган мўтадиллик тарафдорларини менсимайдиган бўлса, обрусини йўқотади, ёшлар эса экстремизм ва куролли қўзғолон иштиёқида ёна бошлайди. Муаммонинг биринчи ечими – матбуотни эркинлаштириш ва исломий туйғуларни ифода қилишга йўл беришdir. Айни пайтда режимлар оғзига уришга уринаётган масжидлар барча воизлардан ўз ваъзларида ижтимоий ёки иқтисодий мавзуларни тилга олишни талаб қилади. Масжидларга ислом дунёсида асрлар оша мавжуд бўлган анъанавий озодлик ва улар бажариб келган вазифа қайтариб берилиши керак: яъниким, улар коррупция ва ваҳшийликлар танқид қилинадиган жой бўлиб қолиши лозим.

Мусулмонларнинг аксарияти ушбу гапнинг тасдиғи сифатида демократияга тоқат қилинадиган Малайзия ва Туркия сингари ислом давлатларини мисол келтиради. Бу мамлакатларнинг иккаласида ҳам диний партиялар хукмронлик қиласи, бироқ диний экстремизм деярли учрамайди. Нашр ишлари ва ташкилотчиликдаги эркинликлар ўша мамлакатларда кичик бир таянч нуқтасини қўлга киритиш учун қаттиқ курашиб келган ваҳҳобийларнинг қўлидаги куролни тортиб олиб қўйди. Иккала мамлакат ҳам, ўз хоҳишини жамоат олдида ифода этиш ва инсон ҳуқуқлари чекланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, мутаассиб ҳаракатлар ўз қарашларини (жамиятга) тикиштиришидан холи дунёлардир.

Иккинчидан, биз аксилислоҳотнинг мусулмонча кўриниши ибтидоси шоҳиди бўлиб турибмиз. Шишадан ибо-



рат фундаменталист шаҳарлар яратиш йулини излаётган, бироқ фуқаролар урушини келтириб чиқарган, режимларни репрессиянинг кескин шаклларини қўллашга мажбур этаётган звингличилар¹⁶ ва калвинчилар¹⁷га улар барча мусулмон мамлакатларининг қулини худди Афғонистон ва Жазоир сингари кўкка совурмасидан бурун қаршилик қўрсатилиши керак. Ақидапарастларнинг чиқишлирга ҳақиқий ислом нуқтаи назаридан келиб чиқиб, муносиб жавоб қайтариш учун ушбу аксилислотга эркинлик ва етарли маблағ бериш зарур бўлади. Бугунги кунда динни ўз чегарасидан ташқарида тарғиб қиласётган иккита давлат: Эронда ҳам, Саудия Арабистонда ҳам классик исломнинг ишонч ёрлиғи йўқ экани мусулмон дунёсининг улкан фожиасидир. Динга қизиқадиган ва ваҳҳобийлик жуда хавфли жинни кўзадан чиқариб юборганини тушуна бошлаган бошқа мусулмон мамлакатлари ҳаракатини қилиши ва анъанавий уламоларга қарши чоралар қўриши учун ижозат бериши керак бўлади. Ҳақиқий динни ҳимоя қиласиган, ваҳҳобийлик ҳаракатларига эса зарба берадиган китоблар жуда кўп, араб дунёсида айни пайтда диний китобларни чоп этишга бўлган чекловлар олиб ташланиши ва (ҳақиқий динни тарғиб қилувчи) китоблар кенг тарқалишига имкон берилиши керак. Мўтадиллик тарафдорлари ҳам сунъий йўлдош телевидениеси ва радиосидан фойдаланиш имконига эга бўлиши лозим. Муқобил йўл эса жамиятларда олдинма-кейин илиқлиқ бошлангунга қадар ваҳҳобий фракцияларнинг прогрессив тарзда кенгайиб боришидайдир.

Ушбу нуқтада мўтадил ва ваҳҳобий ислом ўртасидаги айни пайтда мавжуд зиддиятнинг ақидавий жиҳатларига оид гапларга чек қўйишимиз лозим. Биз ўта исломий ҳодиса деб тавсифланаётган зиддият — асосий масалани тадқиқ қилиб қўришимиз зарур бўлади. Юқорида

¹⁶ Звингличилар — Швейцария протестантлик реформациясининг мухим ислогоҳчиларидан бири Улрих Звингли (1484 – 1531) издошлари. Звингли 16-асрда ўз ҳаракати черковдан ташқарида бўлган ягона улкан ислогоҳчи эди. — Тарж.

¹⁷ Калвинчилар — Француз илоҳиётшуноси, Реформация рахнамоларидан бири ва калвинизм асосчиси Жан Калвин (1509 – 1564)нинг издошлари. Ж.Калвин ўта диний тоқатсизлиги билан ном козонган эди. — Тарж.



Япониядаги необуддизм ҳодисасига қисқача тұхталиб үтган эдик; айни жараёнларнинг қандай амал қилишини билиш учун бошқа динлардаги жараёлларни ҳам чукур тадқиқ қилишимиз керак бўлади.

Бу борада христиан динини кўп масалада бошланиш нуқтаси сифатида олиш мумкин. Кимdir христиан динининг айни пайтдаги йўналиши билан замонавий исломнинг ёки “Ом ҳақиқати” ибодатхонасининг ички шароити билан нима алоқаси бор, деб ўйлаши мумкин. Аммо Мализ Рутвен сингари ижтимоий таҳлилчиларнинг христианликни радикал тарзда ислоҳ қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари айни пайтда (исломда) куртак ёзаётган нарсаларга ўхшаб кетади.

Янги дунёда христианликнинг тез ривожланиб бораётган оқими католицизм ҳам, православие ҳам, протестантизм ҳам эмас; (бу оқим вакиллари) евангелистлар бўлиб, зардали ва либосларга бурканиб олган воизлардир, уларнинг юзи ва дунё ҳақидаги сўзларини электрон нур найчаси ёритиб турар эди. Евангелистлар христианлиги ҳар қандай янгиликдан холи эканини таъкидлашнинг ҳожати ҳам йўқ. Аслида “фундаментализм” сўзи 1910 йилдан бошлаб Чикагодаги Муди Таврот институти чоп этган **“Фундаменталлар”** деган 20 жилдли диний эътиқод ҳақидаги маълумотларнинг қисқача баёнидан олинган деб хисобланади. Ушбу ақида-парастликнинг ўзига хос хусусияти муқаддас битикларнинг ҳақиқий ва ҳеч нарса қўшилмаган тафсирига ишонишдир. Таврот ҳам, Инжил ҳам, уларда буюрилган ижтимоий-сиёсий амрлар Аллоҳ ҳақиқатининг чин ифодасидир. Жамият куриш учун керак бўлган ушбу лойиҳани Аллоҳнинг ўзи Китобида ниҳоятда батафсил ва ҳеч қандай саволга ўрин қолдирмайдиган қилиб тушиунириб берган; ўрта асрлар ҳамда замонавий ёки либерал протестант черкови муассасалари илоҳиётшуносилклари Аллоҳнинг каломига зид бўлган инкрустация — қурама нарсалардир.

Америка Қушма штатларида яқин-яқинларгача ушбу ақида-парастлик ва жорий этилган черковларнинг анъанавий дини ўргасидаги тафовут қишлоқ жойлардан иборат камбағал жануб билан саноатлашган ва маданияти



тарақкій этган шимол ўртасидаги тафовут ҳам әди. Ақидапарастлик ўз кучини Тақық даври сингари ташқи дунёдан узилиб қолған ҳодисаларда күрсатиши мумкин, бироқ 20-асрнинг 60-йилларигача ақидапарастлик, умуман олганды, Байбл Белтда илдиз отолмасдан қолиб кетди.

“Чодирдаги воиз” — кезгинді чол методи үрнини әгаллаган телевидение пайдо булиши билан тез орада бундай вазият ўзгариб кетди. Вилли Грехем илк марта 1951 йили телевидениеда пайдо бўлди, бошқа бир воиз Орал Роберте эса орадан уч йил ўтиб телевидениеда илк марта кўриниш берди. Эфир тўлқинлари орқали узатилган ваъз ва унда жамғармаларга моддий ёрдам беришини сўраб килинган илтимос оқибатида кутилмагандан телевангелистлар чўнтағи пулга тўлиб кетди. Нефт туфайли ортирилган бойлик ваҳҳобий диндорлар қўлини қанчалик узун қилган бўлса, Америка томошабинларининг бойлиги ҳам евангелистлар ва христиан ақидапарастларига бекиёс имкониятлар берди.

Евангелистлар ядросининг ижтимоий асоси ҳам Яқин Шарқда пайдо бўлган мана шу ваҳҳобийлик билан ҳайратланарли тарзда ўхшаш әди. Жилл Кепел кўрсатиб берганидай, 1970 йилга қадар евангелистлар, асосан, урушдан сўнгти гуллаб-яшнага жараёндан четга чиқиб қолған әди. Уларнинг аксарияти кишлоп жойларда ёки жанубдаги ва марказий фарbdаги кичик шаҳарларда истиқомат қилишар әди. Кузатувларнинг шаҳодат беришича, уларнинг 43 фоизи аҳолиси сони 2500 кишидан кам бўлган шаҳарчаларда яшаб келган.

20-асрнинг 70-йилларида иқтисодий жиҳатдан анча ривожланган жанубда ёш евангелистларнинг таълим олиш ишлари кескин яхшиланиб кета бошлади. 1960 йили уларнинг фақат 7 фоизи университетларга ўқишига кирган бўлса, 1975 йилга бу нисбат 23 фоизга етди.

Улар шаҳарларга кўчиб келган ёки энди саноатлашаётган ва гуллаб-яшнаётган жанубдаги ўта чакқон сафарбар аҳолига айлана бошлади. Айни ҳол Жерри Фалвелл сингари кишиларга табиий тарафдорларни кўпайтириб берди. Ёзувчи Френсис Фицжералдга кўра:

Фалвелл мутасаддиллик қилаётган ибодатхонага келувчилар янги ўрта синф (эҳроми)нинг учидатуради. Улар хизматчилар, техниклар, кичик бизнесменлар ҳамда янги заводлардаги малакали, чала малакали ишчилардир.

Фалвеллнинг ўта сафарбар, аммо шу билан бирга, нисбатан тортинчоқ муҳандислар ва технология талабаларидан иборат издошлари ҳёти ислом уйғониши фаолларининг ижтимоий келиб чиқишини ёдга солади. “Морал Мейжорити”¹⁸ ва ваххобийларнинг пешқадам вакиллари “аксиласлзодалар”ни яратишга уринмоқда. Уларга кура, “аксиласлзодалар” дунёвий зодагонга қарши бориб, күпинча идеаллаштириладиган ўтмишнинг трансцендент¹⁹ қадриятларига зудлик билан қайтиш орқали ислоҳот юритишни таклиф этади.

Албатта, бу ўринда ўхшашлик мутлак булиши мумкин эмас. Фалвеллнинг издошлари доимий сиёсий бузғунчилик йўлидан бормагани ва системани куч ишлатиш йўли билан ағдариб ташлаш учун ҳаракат қилмаганини ҳам қайд этиб ўтиш керак бўлади. Мен унинг сабабини демократик танлов имкони мавжудлигига кўраман, бу ҳол Пэт Робертсон ва унинг диндор республикачиларига ҳокимиятга тинч йўл билан эришиш йўлларини ахтаришга имкон беради. Афсуски, мусулмонларнинг аксарияти бундай танлов имкониятидан маҳрумдир. Бироқ шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, христианларнинг манфаати бир масалада мавжуд қонун билан тўқнаш келади, у ҳам бўлса, аборт масаласидир. Баъзи бир христиан экстремистлари қонунга бўйсунмай, аборт қилинадиган шифохоналарга ҳужумлар қилган, баъзи ҳолларда эса бу ишга қўл урган шифокорларни ўлдирган ҳам эди. Хуллас, **ал-валаъ вал-бараға** ишониш фақатгина мусулмон ваҳхобийларининг эксклюзив мулки эмас.

¹⁸ **Морал Мейжорити** — 20-асрнинг 70-йилларида баптист рухоний Жерри Фалвелл раҳнамолик килган фуқароларнинг ақидапарастлик ташкилоти номи. Бу ташкилот гомосексуалистларнинг ҳукуклари, абортни қонунийлаштириш сингари талаблар билан чиккан эди. — Тарж.

¹⁹ **Трансцендент** [нем. transzendental < лат. trānscedēre ўтиш, чегарадан чиқиш] — фалсафада билиш мумкин бўлмаган, азалдан берилган, тажриба туфайли ортирилмаган нарса. — Тарж.

Иудаизмга назар ташлар эканмиз, унда ҳам худди шунга ўхшаш манзарани кўришимиз мумкин. Фақат Торага мувофиқ яшаб келган ортодоксал ва ўта ортодоксал яхудийлар — **ҳаредимлар** 20-асрнинг 60-йилларига қадар кичик ва инқирозга юз тутаётган бир жамоа эди. 19-асрнинг дастлабки пайтларида яхудий маърифати — **ҳаскала** ёш яхудийларнинг аста-секин ортодоксал турмуш тарзидан воз кечиб, маълум маънода ташки дунёга қўшилишига сабаб бўлди. Яхудийлар эргашиши мумкин бўлган учта стратегия мусулмонлар олдидағи танлов имкониятини эсга солар эди. Ўша учта стратегия ҳам енгиг бўлмас Фарбнинг дунёвий оламига қарши қаратилган эди. Ислоҳотчи яхудийлар Торадан узоқлашиб қолган ва асимиляция сўқмофини танлаган эди. Консерватив яхудийлар урф-одатларнинг кўрсатмалари ва тақиқлари — **митсвотга** содиқ қолди, аммо яхудий бўлмаган жамият билан алоқа қилиб яшашга харакат қилди. Ортодоксал **ҳаредимлар** гетто²⁰ мухитини сақлаб қолиш учун дунёга дарчани ёпиб қўйди. Бундай тураг жойлар Шарқий Европада узок вақт сақланиб қолди.

Бироқ **ҳаредимлар** эндиликда Шарқий Европада яшамайди. Улар асосан АҚШ ва Истроилга кўчиб кетишиган. Шу тариқа ўз илдизидан узилиб қолгач, кўпчилиги ўтишнинг консерватив раввинлар маъқулламаган фалати жараёнини бошидан кечиришди, аммо улар ҳозирги кунда ўзларини иудаизмнинг ёрқин, уйғонишга хос ва фундаментал шакллари вакили деб билади.

Ёшларнинг ўз ортодоксал ўтмишидан воз кечишига сабаб бўлган нарса сионизм билан боғлиқ зиддият экани яққол кўзга ташланади. Ортодоксал раввинлар анъанавий тарзда Истроил давлатини тан олмай келар эди: ҳатто Куддусда бугунги кунда ҳам Натурей Карта яхудийлари ҳар сафар Мустақиллик қуни мотам рамзи бўлмиш қора байроқни осиб қўяди. Ортодоксал яхудийлар наздида, муқаддас заминни яхудий нажоткори²¹дан бошқа ҳеч ким

²⁰ Гетто (ит. Ghetto) — шаҳарнинг иркӣ ва диний нуктai назардан камситилган кишилар учун мажбурий яшаш жойи бўлган мавзеи. — Тарж.

²¹ Мессия [фр. messie < лот. messia < қад. яҳ. Mariah масих] — иудаизм ва христианликда: заминга илоҳий хокимият ўрнатиш учун келадиган нажоткор. — Тарж.

кутқариши мумкин әмас. Унинг фаолиятига йўл қўймасликка уриниш яхудийлик таълимотининг асл моҳиятига қарши қаратилган худосизлиkdir.

Аммо 20-асрнинг 60-йилларидан бери Истроил шаҳарларининг ўтмишидан бехабар, яқинда кўчиб келган аҳоли яшайдиган чеккаларида Торани янги, фундаментал ўқиш асосида ушбу ақиданинг ҳақиқат эканига шубҳа билдирила бошлади. “Неокараизм” деб аташимиз мумкин бўлган ушбу ақидапарастлик давлатнинг динсизлигидан хафсаласи ниҳоятда пир бўлган куч сифатида ислом ва христианликдаги янги ақидапарастликларни эсга солади. 1977 йили сионистлар Бегиннинг (Миср президенти) Садат билан музокара қилишга қарор қилганини эшитиб, саросимага тушиб қолганида айни ёзғириш сиёсий иудаизмнинг янги бир кўринишини пайдо қилди. Бу сиёсий куч ўз мақсадига эришиш учун ҳеч қандай бузғунчиликдан тап тортмас эди.

Ушбу ҳаракатнинг кашшофи Шабтай Вен Дов деган киши эди. Бен Дов ижтимоий келиб чиқишига кўра дунёвий эди, бироқ у бир думалаб, яхудий давлатининг қонунийлигини тан олмайдиган ақидапарастга айланиб қолди. Бундай ақидапарастлар табиатан Истроил давлатини аксилсионистларча тан олмаслиги билан әмас, аксинча, Истроил яхудийларга хос бўлмаган урф-одатлар ва қонулардан тозалангандা Масижнинг қайтиб тушишига ишониши билан ортодоксал эди. У, давлат бу жараёнга халал бермаслиги керак, деб ёзган эди. “Давлат қонунлари бизнинг унга қарши инқилобий курашда нима қилишимиз зарурлиги ёки зарур эмаслигини белгилаб берадиган қонунлар бўлиши керак әмас. Бундай қонун фақат Истроил Тораси бўлиши мумкин”.

Бен Довнинг шогирдларидан бири Йехуда Этзион диний, аммо “Гуш Эмуним” деб аталган раввин Каҳан раҳбарлик қилган сионистлар ташкилоти аъзоси эди. “Гуш”-нинг асосий мақсади араблардан тортиб олинган ерларда янги турар жойлар барпо этиш эди. Улар бир гурух, асосан, муҳандислардан иборат (ижтимоий келиб чиқишига эътибор беринг) дўстлари билан бирга Тоғ ибодатхонаси, яъни Ал-Ақса масжидини ва Куббат аш-Шахра (Умар масжиди)ни “ифлос нарсалардан тозалаш” режа-



сины тузади. Улар раввинлар билан шу масалада масла-хатлашади, бирок раввинлар намунали яхудийлар сифа-тида Учинчи ибодатхона биносига инсон қўл урмаслиги ва Масихнинг қайтишини кутиш кераклигини айтади. Аммо фитначилар, ўтакетган ақидапарастлар ўлароқ, рав-винлар ҳокимиятини тан олмасдан, Тавротнинг илохий матнларини ўзлари қандай тушунса, шундай иш тутишга қарор қилишиди.

Кишилар динамит жойлаштириш мумкин бўлган жой-ларни кўздан кечириб чиқди, хавфсизлик тизимини иш-дан чиқаришга уринди ва зарур портловчи моддаларни сотиб олди. Яхшиямки, улардан бир нечаси ҳибсга олинди ва фаластиналарнинг ўлимига сабаб бўлган бошқа бир жиноят учун сўроқ қилинди, оқибатда фитна барбод бўлди.

Йехуда Этзион режасининг амалга ошмасдан туриб ошкор бўлиши дунёвий яхудийларни қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Исроиллик академик Гидеон Аран бундай деб ёзган эди:

Хуфя ташкилот бошлиқларининг ҳисоб-китобига кўра, мабодо ибодатхона портлатилади-ган бўлса, бу ҳол юз миллионлаб мусулмонларни жиҳодга чорлаши, оқибатда бутун инсони-ятни кескин қарама-қаршиликка мубтало этиши мумкин эди. Улар буни самовий аҳамиятга эга бўлган Яъжуж-Маъжуж уруши деб талқин қиласарди. Исроилнинг ушбу узоқ кутилган оловли синовдан голиб бўлиб чиқиши Масихнинг бу ерга келишига йўл ҳозирлаб бериши керак эди.

Гарчи Фарб матбуоти бу кўнгилсиз воқеани билинмас эслатиб ўтган бўлса-да, олимлар ва уша ерда-ги мутахассислар ҳам хавотирга тушиб қолди. Ҳарварднинг Халқаро ишлар маркази портлаш рўй берганида бундай бузғунчилик учинчи дунё урушини бошлаб юбо-риши ҳамда минтақада ядро қуролини ишлатиш эҳтимоли бор қарама-қаршиликка сабаб бўлиши мумкин эди, деб ҳисоблайди. Лекин олиймақом яхудий раввинларнинг жавоби ҳам бундан кам бўлмаган аҳамиятга эга эди. Куддус шаҳрида Йонатан Бласс “ҳақиқат яхудий



қонунчилиги ва тафаккурининг ушбу ва олдинги авлодларга мансуб улкан алломаларига эмас, факат бизга зоҳир бўлди”, деб ҳисобловчи фитначиларнинг жоҳиллигини кескин танқид қиласди.

Фарбнинг учта динидаги диний радикализм ҳодисаси ҳам худди шунга ухшашдир. Яна шуни ҳам қайд этиш керакки, айни ҳол кейинги пайтларда ҳиндуизмда ҳам кузатилмоқда. Ақидапарастлик сомийлар тушунчасидаги ваҳий қилиб юборилган битикларнинг мавжудлигини назарда тутади. Ушбу тушунча, Ҳиндистонда фундаменталистик ҳаракатлар йўқ, деган холосага сабаб бўлади. Лекин улар мавжуддир. 1998 йили Ҳиндистоннинг БЖП (Ҳиндистон халқ партияси) уйғониш партияси ҳокимиятни қўлга киритади ва Неру тарафдорларининг ярим асрлик диний индифферентизм сиёсатини бекор қиласди. Унинг радикал қанотида ҳиндуларнинг шовинистик партияси бўлган “Шив Сена” 1995 йилнинг бошларида Махараштра штати ва Бомбай шаҳрида ғалабага эришиб, ҳокимиятни қўлга киритади. Унинг раҳнамоси Бал Тҳаккерай Бомбайда истиқомат қилаётган кам сонли 15 фоиз мусулмон аҳолини “файри-фуқаролар” ва “сотқинлар” деб атайди. Шаҳардаги ғалаёнлар юзлаб мусулмонларнинг ёстирини куритади.

Тҳаккерейнинг устози М.С.Голвалкар деган кимса эди. У ҳиндуизмнинг Farb динлари ва немисларнинг “халқ” – “*volk*” деб аталган романтик ғоялари таъсирида пайдо бўлган янги йўналишини тарғиб қиласди. Голвалкер наздида, ҳиндуизм анъаналари чин маънодаги ҳинду миллатчилиги – **ҳиндутва** учун етарли асос бўлиб хизмат қила олмайди. Шу тариқа у ҳинд битикларининг эркин асосини фарбликлар тушунчасидаги мұътабар битикларга айлантириш учун “сомийлаштиради”. Рам олий худо деб тан олинади. Черковга бориб ибодат қилишга ухшаш ибодат тури жорий этилади. Голвалкар ва “Шив Сена” партияси ҳиндуизм ислоҳотини ҳаётга жорий этади ва ҳинду ақидапарастлигига йўл очиб беришади. Аслида Farbга хос бўлган ақидапарастлик тез орада бу ерга ҳам етиб келди: бегоналашган иккинчи авлодга мансуб муҳожирлар ўз тақдиридан норози бўлиб, сиёсийлашган мұжодала воситасида давлатта ҳамда гүё ўзларининг бад-



бахтлигига сабабчи бүлгән камсоңлы этник ва диний гурхларга қарши курашга отланади. Аңъанадан сүнгиги Хиндистонда ёнгин хавфи ҳар қачонгидан реалроқдир ва, баъзи бир кузатувчиларнинг фикрича, Босниядаги уруш бунинг олдида хеч гап бўлмай қолади.

Мусулмон бўлмаган ўлкалардаги мана шу тамойилларни нима учун батафсил келтираётганим ўз-ўзидан равшан бўлса керак. Ваҳҳобийлик ва шовинистик либосдаги ислом уйғониши фақат исломгагина хос бўлган нарса эмас. У дунёнинг турли динларида юз берадиган ўтиш даврининг исломдагига ўхшаш зухур бўлиши, холос. Токио метросида содир бўлган воқеалар буддизм сингари тинчликпарвар дин ҳам бундан мустасно эмаслигини кўрсатиб берди. Юз берадиган воқеалар ўртача маълумотга ва ақлга эга бўлган кишиларнинг дунёдаги кескин ўзгаришларга қаршилик кўрсатиш нуқтаи назаридан ўз норозилигини билдириш воситаси сифатида аңъанани мафкурага айлантираётгани натижасидир. Раҳнамоларининг интеллектуал қашшоқлиги, ўзининг эса саводсизлиги ва бадиий жиҳатдан бепуштлигига қарамасдан, ушбу ҳаракатлар катта кучга эга ва 21-асрда муҳим аҳамиятга эга бўлишини ҳозирдан кўрсата бормоқда. Ҳиссиётларга тўла оммавий маданият ва мутаассиб сиёsatдонлар қаршилигига дуч келаётган бир пайтда нима қилишимиз мумкин? Биз бу ҳаракатларни ўша динларнинг ҳақиқий овози бир пулга қиммат, деб атаётганини эсда тутишимиз лозим. Биз ҳукмрон тамойилни бир ҳовуч эсини еб қўйган кишиларнинг қилмишлари сифатида баҳоламаслигимиз керак.

**XII б о б****АКСИАЛАМАЗХАБЧИАИК МУАММОСИ**

Мусулмон умматининг ўтган мингийилликдаги энг катта ютуғи интеллектуал бирдамликка эришгани бўлгани шубҳасиз. Ҳижрий 5-асрдан шу кунгача сулолалар ўртасидаги ўз қобиғини ёриб чиқишга қаратилган тўқнашувларни хисобга олмаганда, сунний мазҳаб вакиллари динга нисбатан деярли ўзгармаган хурматни ва ўзаро биродарликни сақлаб қола билди. Бошқалар учун мана шундай мушкул кечган узоқ давр мобайнида на улкан диний урушлар, на қўзғолонлар ва на таъқиблар уларни бўлиб юбора олмагани ҳайратланарлиди.

Диний харакатлар тарихи бунинг мисли кўрилмаган мұъжиза эканини эътироф этади. Макс Вебер ва унинг шогирдлари тушунтириб берган нормал социологик кўз қарашга кўра, динлар энди пайдо бўлган даврдаги бирдамлик кейинчалик ўзаро рақиб гурухлар раҳнамолигига майда-майда ўзаро душман гурухларга бўлинниб кетади. Христиан динида бунга ёрқин мисоллар кўп; бироқ бошқа мисолларни ҳам келтириш мумкин, улар сирасига дунёвий эътиқод бўлмиш марксизм ҳам киради. Шу нуқтаи назардан қараганда, исломнинг мана шу кўргуликдан қутулиб қолгани ҳар қандай мақтовга лойиқ ва эҳтиёткор таҳлили талаб этади.

Албатта, бунинг соғ диний сабаби бор. Ислом сунгги динdir, у “уйга элтувчи сунгги автобусдир” ва шунинг учун ҳам вақти-вақти билан бўлинниб кетишидай инқироздан илоҳий йўл билан ҳимоялангандир. Абдул Вадод Шалабий “маънавий энтропия”¹ деб атаган нарса ислом пайдо бўлганидан бери амал қилиб келгани айни ҳақиқат-

¹ Энтропия [нем. Entropie, фр. entropie < юнон. επ...га, ичкарига + τρόπος кайрилиш, эврилиш]. 1. физ. Жисмнинг ёки жисмлар системасининг иссик ҳолати тавсифларидан бири: системанинг мукаррар жараёнларда ўсиб борувчи ва мукаррар бўлмаган жараёнларда доимий ҳолда колувчи ички тартибсизлиги ўлчови. 2. Тиб. Киприкнинг ичкари томон қайрилиши. -- Тарж.



дир. Бу фактни күллаб-кувватловчи бир қанча ҳадислар ҳам бор. Шунга қарамасдан, узокни күра билиш қобиляти умматни тарк этмади. Исломдан олдинги динлар осонликча ёки қийинчилик билан динсизлик ва кераксиз нарсага айланиб қолар эди; бироқ исломий тақво, сифати пасайшига қарамасдан, шундай механизмларни яратдикі, улар диннинг шавкати оламни тутган пайтлардаги бирдамлик хиссини хозирги кунгача сақлаб қолиш имконини бермоқда. Амирлар ва сиёсатчиларнинг ахмоқона ишлари қаёққа бошлашидан қатыи назар, исломда диндорларнинг биродарлиги, христианлик ва бошқа эътиқодлар дастлабки пайтларда эришиб, сұнгра йўқотган муваффакиятлар бир минг тұрт юз йилдан бери давом этиб келяпти. Сабаб — ислом динидаги ваҳийнинг мусулмон жамоаси аъзоларининг енгіб бұлмас пировард ва қатыйи принципи сифатида яшаб келаётганидир. Бу сабаб оддий ва ҳар қандай баҳсдан устундир: Аллоҳ бизга бу динни ўзининг сұнгги қаломи сифатида юборди, шуннинг учун у ақида, намоз ва комил ахлоқ сифатидаги зарурат күринишида қиёматта қадар давом этади.

Бундай изоҳ эътиборга молик, деб ўйлайман. Бироқ биз тарихимизнинг дастлабки босқичларида умумий қоидадан четта чиқиб кетган баъзи бир оғрикли нұкталарни тушунтириб беришимиз керак бұлади. Имом Термизий ривоят қылган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўzlари саҳобаларига: “Ораларингизда кимки мендан күпроқ яшаса, улкан бир мунозаранинг шоҳиди бұлади”, деган эканлар. Илк муртадликлар: Усмон розиаллоҳу анхуга қарши қақшатқич құзғолон күтарилгани; Али розиаллоҳу анху билан Талҳа, сұнгра эса Муъавия ўртасидаги тұқнашув, хорижийларнинг қонли тұқнашувлар туфайли бұлиниб кетиши — буларнинг барчаси (пайғамбарнинг вафотидан сұнгги) илк күнлардан бошлабоқ мусулмон давлати танасига ихтилоф ханжарлари бұлиб санчилди. Факат уммат уламоларига хос бұлған соғлом фикр ва муҳабbat дастлабки бүлгінчилик даражасини енгіб ўтиб, кучли ва уйғун суннийликни яратады. Бу ишда уларга авлиёлиги ёрдам берганига шубҳа йўқ. Суннийлик соғ диний майдонда мусулмонлик тарихининг 90 фоиз вакти мобайнада 90 фоиз умматни бирлаштира олди.

Агар биз ўзимизни узок ўтмишда бўлиб ташлаган кучларга яқинроқ назар ташласак, бу ҳол ҳозирги тобора катталашиб бораётган пароканда вазиятимизни тушуниб олишга ёрдам беради. Бундай кучлар ниҳоятда кўп бўлган, улардан бъязи бирлари ниҳоятда тарқоқ бўлганини ҳам кўрамиз; лекин улардан иккитасигина диний мафкура етовида бўлгани учун омма ўртасида машҳур бир шаклга кирганини ва кўпчилик эътиқод қиласидиган дин ва уламоларга қарши қўзғолон тусини олганини кўриш мумкин. Улар етарли асос билан хорижийлик ва шиалик номларини олди. Сунний исломдан фарқли ўла-рок, улар иккаласи ҳам ажралиб чикқан гурух ва кичик ҳаракат эди; бироқ шунга қарамасдан, иккаласи ҳам ис-ломнинг диний ҳокимият манбай масаласидаги етакчи қарашлардан фарқли бўлган иккита улкан қарашни ифода қила олиши билан таниш мухолифлик анъанасига мойиллигини намойиш этди.

Улар ўзлари илк халифаларнинг ахлоқий инқирози деб ҳисоблаган ҳолга қарши туриш билан Али розиаллоҳу анхунинг ўлимидан сўнгги издошларининг диний ҳокими-ят назариясини ривожлантириди. Бу назария олдинги эга-литар² далиллардан ажралиб чикқан бўлиб, диний ҳокими-ятта имомларнинг харизматик³ ворислигини ҳадя этди. Биз бу ўринда ушбу юяга мусулмонликни қабул қилган бъязи собиқ шарқий христианларнинг таъсири бўлгани ёки бўлма-ган масаласини тадқиқ қилиш учун тўхталиб ўтирмақчи эмасмиз. Улар ҳаворийларнинг Исога мистик ворислиги foяси руҳида тарбияланган эди. Ушбу ворислик черковга Исонинг хотирасини келгуси авлодлар учун ёд этишдай ноёб қобилият ато этди, деб тахмин қилинади. Диккатта сазовор жиҳати, шундаки, шиалик ўзининг турли шаклла-ри билан ибтидоий ислом жамиятидаги қатъий диний ҳокимият етишмаслигига жавоб сифатида ривожланди. Адолатли халифалар даври тугаб, умавий хукмдорлар ўзларидан “Чин мусулмонларнинг амири” ўла-рок, кутил-

² Эгалитаризм [фр. egalitarisme < egalite тенглик] — Фалс. ҳусусий мулкни тенг бўлиш орқали ижтимоий зиддиятларга барҳам бериш назарияси. — Тарж.

³ Харизма [фр. charisme < юнон. charisma илохий армуон, илохий илти-фот] — ўта қобилиятлилик, шахснинг интеллектуал, маънавий ёки бошқа маса-лада бошқалардан ажралиб туриши, устунлиги. — Тарж.

ган турмуш тарзидан анча узоқлашиб қолгач, фиқхнинг бир-биридан кескин фарқ қилувчи ва янги-янги пайдо бўлаётган мактаблари диний масалаларда кучли ва обрўли ҳокимият мансаби номига унчалик ҳам мос келавермас эди. Христианларнинг имомни гуноҳсиз деб билиши жозибадорлиги сабаби ана шунда.

Имомчилик пайдо бўлишининг бундай талқини шиалик кенгайишининг иккинчи улкан босқичини тушунтириб беришда қўл келади. 5-асрдаги суннийлик уйғониши муваффақиятидан сўнг шиалик инқирозга юз тута бошлади. Бу даврга келиб суннийлик ниҳоят изчил бир системага айлангандай эди. Шиаликнинг исмоилийликда зухур бўлган ўта шиддатли қаноти, Имом Фаззолийнинг кучли зарбасида дуч келди. **“Ботинийлар (исмоилийлар) жанжали”** китобида уларнинг катта кучга эга бўлган махфий ақидалари фош қилинади ва рад этилади. Шиаликнинг бундай инқирози фақат (хижрий) 7-асрнинг иккинчи ярмида, Чингизхон бошлиқ мӯфул қўшинлари исломнинг марказий ерларини ишғол қилиб, кулини кўкка совургач, барҳам топди. Ҳужум тасаввур қилиб бўлмас даражада қақшатқич бўлган: айтишларича, Ҳирот шаҳрида истиқомат қилган юз минг кишидан унинг кули кўкка совурилган харобаларида фақат қирқ кишигина омон қолган экан. Вақти-вақти билан рўй бериб турган истилолар тўлқинида яқинда исломни қабул қилган туркман кўчманчилари ислом ерларига кириб кела бошлади. Улар ўлиқ шаҳарларнинг тирик қолган сунний уламолари билан бирга ялпи қўркув ва талотўп мухитида ҳамда ҳалоскорни кутиш ҳолатида жон-жон деб шия эътиқодининг экстремистик кўринишларига айланиб кетди. Бир пайтлар суннийликка содиқ бўлган мамлакат — Эронда шиаликнинг ғалаба қилиши айнан ўша фожиали даврга бориб тақалади⁴.

Исломнинг дастлабки йилларида бошқа бир йирик мухолиф ҳаракат хорижийлик эди. Бу сўзниг маъноси

⁴ Қақшатқич жанг 873/1469 йили рўй берди. Унда Эроннинг монгол ҳукмдори (сунний) Оқ Куюнли сулоласига мансуб туркмандардан енгилади. Ўз навбатида уларни 906/1501 йилда Шоҳ Исмоил енглади. У мамлакатда сафавийлар бошқарувини жорий киласди. Ушбу бошқарув Эронни зўравонлик билан шия мамлакатига айлантиради. (*The Cambridge History of Iran*, VI, 174–5; 189–350.)

“ајралиб чиққанлар” бўлиб, хорижийлар халифа Али розиаллаҳу анху ўзининг Муавия билан мунозарасини маҳкама воситасида ҳал этишга рози бўлгани оқибатида унинг қўшинидан ајралиб чиққани учун шу ном билан италган эди. Куръондаги: “Хукмни фақат Аллоҳ чиқариши мумкин” деган шиорга амал қилиб, улар Али ва унинг кўплаб етакчи саҳобалар ҳам бўлган қўшинига қарши ҳижрий 38-йили Нахравон жангига енгилгунига қадар қаттиқ жанг қиласди. Жангда уларнинг 10 мингдан ошиғи ҳалок бўлади.

Гарчи илк хорижийлар ер билан яксон этилган бўлсада, хорижийликнинг ўзи яшаб қолди. Ўз ақидасига кўра, у шиаликнинг тескарисига айланиб кетди. У ҳар қандай мерос қилиб олинган ёки харизматик раҳнамоликни рад этар, диндорлар жамоаси раҳнамосини тайинлашда тақвадорлик асосий мезон бўлиши кераклигини таъкидлар эди. Бу ҳол ўтмишдан мерос бўлиб қолган жўн бир мезон билан баҳоланаар эди: илк хорижийлар тақво масаласида, ҳар бир муслим учун энг катта гуноҳ куфрдир, деган кескин ақидаси билан жуда қаттиққўл эди. **Такfir** (мусулмонларни исломдан ташқарида деб эълон қилиш) тушунчаси хорижийлар гурухларига Хузистоннинг олис тоғ туманларига вақтинча кўчиб чиқиш ва умавийлар ҳокимиятини қабул қилган мусулмон турар жойларига хужум қилиб туриш имконини берарди. Ўша хужумлар пайтида хорижий бўлмаганлар қиличдан ўтказилар, бу ҳол Ал-Ҳажжож ибн Юсуф сингари бағритош умавий амирларнинг шафқатсиз жавоб чораларини кўришига сабаб бўлар эди. Бироқ хорижийларнинг хужумлари, ахволи бир қараашда ночор эканига қарамасдан, давом этаверарди. Халифа Али розиаллоҳу анхуни Нахравон жангидан омон қолган Ибн Мулжам ҳалок этади. Ҳадис олими, **суннанинг** энг мўътабар тўпламларидан бири муаллифи Имом ан-Насай ҳам 303/915 йили Дамашқда хорижий мутаассиблар томонидан худди шу тарика ўлдирилади.

Худди шиалик сингари хорижийлик ҳам Ироқ ва Марказий Осиёда, баъзи ҳолларда эса бошқа жойларда ҳам ҳижрий 4 – 5-асрларда бекарорликка сабаб бўлди. Худди шу нуқтаи назардан фалати тарихий воқеа рўй берди.



Суннийлик эндилийкда пухта ишлаб чиқилган мукаммал системага бирлашган уламоларнинг аксарияти йўлини бирлаштира олди. Бир-бирига ракиб ҳаракатларнинг жозибадорлиги кескин камайиб кетди.

Воқеа шундан иборат эди. Эгалитар хорижийлик ва иерархияга асосланган шиалик сингари икки қанотдаги оқимлар ўртасида жойлашган сунний ислом узоқ вақт мобайнида ҳокимиятни қандай тушунишига оид баҳслар билан овора бўлиб қолди. Суннийлар наздида, ҳокимиятнинг нима экани Куръон ва Суннатда белгилаб қўйилган. Бироқ бутун ислом дунёсига саҳобалар ва тобеъинларнинг у ердан бу ерга кўчиб юриши оқибатида турли ҳикоятлар шаклида сочилиб кетган сон-саноқсиз ҳадислар билан тўқнаш келган Суннат баъзан талқин борасида турли қийинчиликларга дучор бўла бошлади. Ҳатто бир неча юз минг ҳадис орасидан саҳиҳ ҳадислар ажратиб олинганидан сўнг ҳам бир-бирига, ҳатто Куръон оятларига зид ҳадислар учрар эди. Бу ўринда хорижийларники сингари бир ҳовуч ҳадисларни ажратиб олиб, улардан ақида ва қонунлар ясашдай жўн ёндашув иш бермас эди. Кўзда оташланиб турган ички зиддиятлар жуда кўп, уларнинг талқини ҳам ўта мураккаб бўлгани туфайли қозилар Куръон ва ҳадислар тўпламиининг тегишли саҳифасини очиш билан бирор шаръий ҳукм чиқаришга қийналарди.

Илк уламолар ваҳий келган битиклар ўртасидаги зиддиятнинг асосий сабабларини пухта тадқиқ қилишди. Теран ақл эгалари мунозаралар чоғида кўпинча ўта мукаммал ва кучли хотираларини ишга солар эди. Ислом **усул ул-фиқҳи** – юриспруденцияси фанининг асосий қисми бундай зиддиятларни ушбу диннинг бош идеалига садоқатни кафолатлайдиган изчил механизм яратиш орқали ҳал этиш томон ривожлантирилди. “**Таъаруд ул-адилла**” (“далилларнинг ўзаро зиддияти”) атамаси энг нозик ва мураккаб фиқҳий тушунчалардан бири эканини ислом усул ул-фиқҳини ўрганувчи ҳар бир толиби илм яхши билади⁵. Ибн Кутайба сингари ilk уламолар бу

⁵ Масалан, каранг: Imam al-Haramayn al-Juwayni, al-Burhan fi usul al-fiqh (Cairo, 1400), §§ 1189 – 1252.



масалага бутун бошли китоб бағишлишни ўз бурчи деб билган.

Усул уламолари ваҳий келган матнлар ўртасидаги зиддиятга уларнинг турли талқинлари ўртасидаги зиддият сифатида қараш керак, деб билган. Қонун эгаси (Аллоҳ)нинг Расулуллоҳ (с.а.в.)га ваҳий келган хабаридаги зиддиятлар эса бу қолинга сифмас эди. Ислом хабари Ул зотнинг вафотларидан олдин мукаммал тарзда нозил бўлган эди; кейинги уламоларнинг вазифаси бу хабарни ўзгартириш эмас, тафсир қилишдан иборат эди.

Ушбу тушунча билан қуролланган ислом уламоси мурракаб матнларни тадқиқ қиласр экан, уни ҳал этишда бир қатор дастлабки академик синов ва усулларни ишга солади. Илк уламолар яратган системага қўра, мабодо иккита Қуръон ва ҳадис матни бир-бирига зид келиб қолса, уламо дастлаб матнларни, зиддият араб тилини хотуғри талқин қилишдан пайдо бўлмадимикин, деган шубҳа билан лингвистик нуқтаи назардан таҳлил қилиши керак бўлади. Агар зиддиятни бу усул билан билан бартараф этиб бўлмаса, уламо текстуал, ҳуқуқий ва историографик усуллар билан улардан бири **max(i)**, яъни фақат маҳсус ҳолатларга дахлдорми, ёки йўқлигини, бинобарин, бошқа матнда баён қилинган умумий принципдан ўзига хос истисно экани ёки эмаслигини аниқлашга ҳаракат қилиб кўриши зарур. Фақих, шунингдек, Қуръон ояти фақат бир **иснод** (ҳадиснинг аҳад сифатида машҳур бир тури) билан боғлиқ ҳадисни, шунингдек, қўплаб **иснодлар (мутаватир ёки машҳур)** билан таъминланган ҳадисни бекор қилиши мумкинлиги хусусидаги принципдан келиб чиққан ҳолда, хабарларнинг матний мақомини ҳам баҳолаши лозим. Мабодо, фақих ушбу механизмларнинг барчасини қўллаб бўлганидан сўнг ҳам зиддият барҳам тоғимаса, у матнлардан бирини бошқаси формал **насҳ**, бекор қилгани эҳтимолини тадқиқ қилиб кўриши даркор.

Насҳ принципи **таъаруд ул-адилладай** нозик масалани кўриб чиқаётган сунний уламолар Расулуллоҳ

* Mohammad Hashim Kamali, Principles of Islamic Jurisprudence (Cambridge, 1991), 356 – 65

(с.а.в.)нинг ҳаётлик даврида кўп маротаба асл экани исботланган матнларга асосланганинг ёрқин далилидир. Саҳобалар Расулуллоҳ имом ўтиб юрган кезлар **ижмоз** орқали кўп нарсани ўргатганини, ўзларини тарбиялаганини, ёвой маъжусийликдан яккахудоликнинг соғлом ва раҳмдил йўлига олиб келганини, умматлар тўғри йўлдан бориб, саодатга эришишлари учун Аллоҳ ҳидоятини нозил қилганини яхши билар эди. Бунга шароб ичишнинг босқичма-босқич бекор қилингани ёрқин мисол бўла олади.

Куръоннинг дастлабки оятларидан бирида уни ичиш номақбул дейилади, кейинчалик қораланади ва ниҳоят тақиқланади⁷. Яна бир мисол ундан ҳам муҳимроқ принцип, намоз ўқишига даҳлдордир, илк умматлар уни бир кунда икки марта ўқишишар эди, аммо Меъроздан сўнг намоз беш марта ўқиладиган бўлди⁸. Исломнинг илк даврларида **мутъа** (вақтингчалик никоҳ)га рухсат берилган эди, аммо кейинчалик ижтимоий шароитлар ривожланиб, аёлларга нисбатан ҳурмат ортиб, ахлоқ қатъийлаша боргани сабабли бундай никоҳ тақиқлаб қўйилди⁹. Бунга яна бошқа мисоллар ҳам бор, уларнинг аксарияти ҳижратдан кейинги ёш умматларнинг шароити кескин ўзгариб кетган йилларга бориб тақалади.

Насхнинг икки тури бор: очиқ (**сарих**) ва яширин (**зимни**). Биринчисини осонгина фарқлаш мумкин. Бу гурухдаги матнларда илгариги бошқарув ўзгариб бораётгани яққол кўзга ташланиб туради. Масалан, Куръоннинг “Бақара” сурасидаги 144-оятда мусулмонларга Куддусга қараб эмас, Муқаддас Каъбага қараб намоз ўқиши буюрилади. Ҳадис китобларида тез-тез бунга зид келадиган ҳолатлар бор; масалан, Имом Муслим келтирган ҳадисда қуйидагиларни ўқиймиз: “Мен сизларга қабрларни зиёрат қилишни тақиқлаб қўйган эдим; аммо энди зиёрат қиласверишингиз мумкин”¹⁰. Ҳадисшунослар буни шарҳлар экан, исломнинг дастлабки пайтларида бутпа-

⁷ У ш б у масалага оид оятлар: «Бакара» сураси, 219-оят, «Нисо» сураси, 43-оят ва «Моида» сураси, 90-оят. Қаранг: Kamali, 16 – 17.

⁸ Kamali, 150.

⁹ Kamali, 150 Shatibi, al-Muwafaqat, III, 63 дан иқтиbos олади.

¹⁰ Muslim, Jana'iz, 100.

растлик амалиёти ҳали одамларнинг эсидан чиқиб кетмагани, қабрларни зиёрат қилиш янги мусулмонларнинг у ерда **ширкка** йўл қўйиши эҳтимолидан қўрқиш туфайли тақиқлаб қўйилганини қайд этади. Мусулмонлар юрагида биру бор худога ишонч кучая боргани сари бундай тақиққа ҳожат қолмагани учун у бекор қилинди. Бугунги кунда мусулмонларга қабрларни зиёрат қилиш ва ўлганлар руҳига бағишлиб, Куръон тиловат қилиш ва **охиратни** эслаш тавсия этилади.

Насхнинг иккинчи кўриниши эса нозикроқдир, у кўпинча илк уламоларни фавқулодда комил инсонлар деб атар эди. Унга олдинги матнларни бекор қилувчи ёки уларни сезиларли даражада янгиловчи, бироқ уларнинг янгиланганини қайд этмайдиган матнлар киради. Уламолар бунга кўплаб мисоллар келтирган. “Бақара” сурасидаги иккита оят бунга мисол бўлиши мумкин. Бу иккала оятда бева аёлларнинг эрининг уйидан чиқиб кетиши муддати хусусида икки хил йўриқ берилади (240-оят ва 234-оят)¹¹. Яна ҳадис китобларида Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз саҳобаларига айтиб берган бир воқеа келтирилади. Ўша ҳадисда Расулуллоҳ хасталиги туфайли ўтириб намоз ўқиганларида саҳобаларига ўзининг орқасида ўтиришлари лозимлигини уқтиради. Бу ҳадисни Имом Муслим ривоят қиласи. У ривоят қилган яна бир ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.) ўтириб намоз ўқиётганда саҳобалар тик турган эдилар, дейилади. Бундай зиддият синчовлик билан қилинган хронологик таҳлил натижасида ҳал этилди. Унинг натижасига кўра, сўнгги воқеа биринчи воқеадан сўнг содир бўлгани аниқланади ва шунинг учун биринчисидан кўра устувор харакатерга эга¹².

Насхнинг аниқлик киритиш усули уламоларга **таъруғул-адилла** билан боғлиқ тан олинган масалаларни ҳал этиш имконини берди. У нафакат ҳадис илмларини пухта ва батафсил билишни, қолаверса, тарихдан, **сира** (пайғамбарнинг хаёти, одоб-ахлоқи, кийиниши, еб-

¹¹ Kamali, 155.

¹² Sayf ad-Din Ahmed Ibn Muhammad, *Al-Albani Unveiled: An Exposition of His Errors and Other Important Issues* (London, 2nd ed., 1415), 49–51.

ичиши)дан ҳамда ҳадиснинг келиб чиқиши ва тафсирини шубҳа остига оладиган вазият юзасидан саҳоба ва уламолар билдирган мулоҳазалардан боҳабар булишни тақозо этади. Баъзи ҳолларда ҳадис уламолари, маълум бир ҳадисга даҳлдор зарур маълумотни олиш учун керакли бўлган жойни аниқлаш мақсадида, бутун ислом оламини кезиб чиқар эди¹³.

Барча саъй-ҳаракатларга қарамасдан, насхни исботлаш мумкин бўлмаган ҳолларда **салаф** уламолари тадқиқотни давом эттириш зарурлигини тан олган. Улар ичида муҳими **мати** (ҳадис *иснодидан* кўра, ўғирилган мати) таҳлилидир¹⁴. “Аник” (**сарих**) мулоҳазалар **киноявий** мулоҳазалардан устунликка эга, деб ҳисобланади. “Бир маъноли” (**муҳкам**) сўзлар турли маъноларга эга бўлган “тафсир этилаётган” (**муфассар**), “тушунарсиз” (**хафи**) ва “**мушкул**” сўзлардан кўра устувордир. Бир-бирига зид келувчи ҳадисларни ҳикоя қилувчиларининг мавкеига ҳам қарашиб керак бўлади. Бу ўринда ўша ҳадисдаги воқеаларга бевосита даҳлдор кишининг ҳикоясини афзал деб билиш лозим. Бунга машҳур мисол тариқасида Маймуна ҳикоя қилган ҳадисни келтириш мумкин. Ҳадисга кўра, Расулуллоҳ (с.а.в.) унга **эҳром** боғламаган пайти уйланган. Унинг ҳадиси бевосита гувоҳнинг сўзлари бўлгани учун ва соғлом иснодга асосан, ўзига зид бўлган Ибн Аббоснинг ҳикоясидан устун туради. Ваҳоланки, Ибн Аббос, Расулуллоҳ ўша пайт эҳром боғлаган эди¹⁵, деб айтади.

Яна “такиқ рухсат этилган нарсадан устувордир” кабилидаги кўплаб қоидалар мавжуд. Ҳудди шунингдек, ҳадислар ўртасидаги зиддият барча тегишли **фатвонлар** ўзаро таққосланиб, баҳолангандан сўнг саҳобанинг **фатвоси** билан ҳал этилиши, ниҳоят, **қиёсга** мурожаат қилиниши мумкин¹⁶. Бунинг мисоли сифати-

¹³ M. Z. Siddiqi, *Hadith Literature, Its Origins, Development and Special Features* (Revised ed. Cambridge, 1993), 3, 40, 126.

¹⁴ **Матиннинг** камчилиги, гарчи **исноди** тўғри бўлса ҳам, уни заифлаштириб кўяди. (Siddiqi, 113-6).

¹⁵ Kamali, 361.

¹⁶ Мураккаб қиёс мавзусининг баъзи бир шарҳлари учун каранг: Kamali, 197-228; Sayf al-Din al-Amidi, *al-Ihkam fi Usul al-Ahkam* (Cairo, 1332/1914), III, 261 – 437, IV, 1 – 161.



да қуёш тутилиши билан боғлиқ салот (**салот ул-күсүф**) ҳақидағи ривоятлар көлтирилади. Уларда неча марта рукуъ қилингани ёки саждага бош күйилгани ҳақида турлича фикрлар баён этилади. Ривоятларни синчиклаб ұрганиб чиққан ва ушбу зиддиятни юқорида таърифлаб үтилган механизмлардан бирортаси востиғасида ҳам ҳал этолмаган уламолар қиёслаш йўлидан борди. Унга кўра, модомики, зикр этилган намоз ўқиши “**салот**“ деб аталар экан, ундан кейин бир марта рукуъ қилиниб, иккى марта саждага бош күйилади. Бошқа ҳадислардан эса воз кечиш керак¹⁷.

Энг аввало, Имом Шофий манба матнлардаги бирбирига зид келувчи ӯринларни ҳал этиш усулларига ана шундай эхтиёткорлик билан ёндашган ва қилни қирқ ёриб вахий бўлиб келган манбаларга асосланиб, шариат ҳукмларини яратиш йўлини туттган эди. Ўз замонаси фақиҳларининг тайсаллаши ва норозилигига дуч келган Шофий одам боласи қилиши мумкин бўлган хато эхтимолини рад этадиган ва **фиқҳ**-га асос бўладиган изчил методологияни яратиш мақсадида бетакрор “Ислом ҳукуқшунослигига оид рисоласи”ни ёзди. Кейинчалик унинг бояларини фақиҳлар ва дин қонунининг етакчи анъаналари турли йўллар билан қабул қилди; улар бугунги кунда шариатни формал тарзда қўллашда асос вазифасини ўтамокда.

Шофийнинг исломий ҳукмларни сон-саноқсиз гувоҳликлардан ажратиб олишда хатоларни имкон қадар камайтириш системаси **усул ул-фиқҳ** (“фиқҳ илдизлари”) номи билан машхур бўлиб кетди. Исломнинг бошқа формал ўкув предметлари сингари усул ул-фиқҳ салбий маънога эга бўлган бидъат эмас, балки илк мусулмонлар даврида ҳам мавжуд бўлган тушунчалардан принцип яратиш эди. Ўз вақтида сунний ислом тафсирчилигининг ҳар бир иирик анъанаси ушбу “илдизлар” (усул)нинг ўзига хос тартиботини яратди, шу тариқа баъзи ӯринларда бир-биридан фарқланувчи “шохлар” (“**фурӯҳ**”, яъни амалиётга оид ўзига хос ҳукмлар) вужудга келди. Гарчи ушбу тафовутлардан келиб чиқувчи

¹⁷ Kamali, 363–4.

мунозаралар баъзан қизғин тус олса-да, улар исломнинг дастлабки икки асрда усул ул-фикҳ, бундай бошбошдоқ келишмовчиликка барҳам бермасидан олдинги улкан бўлгингчилик ва қонунга оид келишмовчиликлар билан таққослаганда, ҳеч нарсага арзимайди.

Гарчи 4 имом: Абу Ҳанифа, Малик ибн Анас, аш-Шофийй ва Ибн Ҳанбал ўша тўртта улкан мазҳаб асосчилари ҳисобланса-да, мабодо, бизга уларнинг ким эканини фарқлаб беринг деб қолишиша, уларнинг мазҳаблари “бидъатга берилиб кетмасликнинг нозик усувлари”dir, уларни кейинги уламолар авлоди тўла системага солди, деган хуносага келишимизни алоҳида таъкидлаб ўтиришга ҳожат ҳам бўлмаса керак. Сунний уламолар тўрт имомнинг улуғворлигини тез орада тан олди ва ҳижрий учинчи асрнинг охирларидан сўнг бирор мактаб вакили бўлган уламонинг бошқа мактаб принципларига риоя этганини камдан-кам ҳолларда кўрамиз. Буюк муҳаддисларнинг барчаси бир ёки бошқа мазҳаб, хусусан, Имом Шофийй мазҳаби тарафдори бўлган. Бироқ ҳар бир **мазҳаб** ичида етакчи уламолар ўз мактабининг “илдизлар” ва “шохлар”ини такомиллаштира ва тозалай борганини кўрамиз. Баъзи ҳолларда тарихий шароит бунга нафақат йўл берар, ҳатто шуни тақозо ҳам қиласр эди. Масалан, Имом Абу Ҳанифанинг Куфа ва Басранинг ибтидоий фикҳ мактаблари асосига тикланган мактаби уламолари Ироқда тарқалган баъзи **ҳадис**ларга шубҳа билан қарар, сабаби, у ерда бўлгингчилик таъсири кучли бўлгани туфайли сохта нарсалар кўп тарқалган эди. Аммо кейинчалик Бухорий, Муслим ва бошқа муҳаддислар тўплаган ҳадислардан фойдаланиш имкони пайдо бўлгач, ҳанафий уламоларнинг кейинги авлоди ўз мазҳабини таҳрир ва тафтиш қилишда бундай **ҳадис**лар тўпламини эътиборга оладиган бўлди. Бу жараён уламолар ҳижрий тўртинчи ва бешинчি асрларда балофат ҳолатига етгунга қадар икки аср давом этди¹⁸.

¹⁸ Кўпинча, нега энди бутунги кунда факат тўртта мактабга эргашиш керак, деган савол берилади. Жавоб аниқ: назарий жihatдан нега уларнинг сони айнан тўртта бўлиши кераклиги мантиқка тўғри келмаса-да, тарихий далилга кўра, ўша тўртта мактабнингтина кўллаб-кувватлашга асос бўладиган мукаммал китоблари мавжуд. Ибн Ҳалдун ўта ҳарфхўр бўлган зохирия мазҳаби хусусида бундай деб

Айнан ўша пайтда мактаблар ўртасидаги ўзаро бағрикенглиқ ва яхши фикр муносабатларини ҳамма бирдей қабул қиласидиган бўлди. Буни Имом Фаззолий шакллантириди. Унинг ўзи шофийлар *фиқҳи* хусусида 4 та китоб, шунингдек, “*Ал-Мустасфа*” ни ёзган эди. Имом *усул үл-фиқҳ* ҳақидаги илғор ва эҳтиёткор асарлари туфайли жуда юксак қадрланади. У самимиятни ёқлаши ҳамда уламолар ўртасидаги хўжакўрсинга қилинаётган илмий рақобатни иқи сўймаслиги билан ўзи “мазҳабга мутаассибларча садоқат” деб атаган ҳолни кескин қоралар эди. Ваҳий бўлиб келган манбаларни нотуғри талқин этишдай хатарли йўлга тушиб қолмаслик учун ҳар бир мусулмон тан олинган мазҳабга эргашиши ва у ҳеч қачон, менинг мазҳабим бошқа мазҳаблардан устундир, деган қопқонга тушиб қолмаслиги керак. Усмонилар империясининг сўнгти даврини арзимас бир ҳол сифатида истисно қилганда, сунний исломнинг буюк уламолари Имом Фаззолий асос соглан анъанага содик қолди ва бошқаларнинг мазҳабини ҳам хурмат қилиш йўлидан борди. Кимки анъанавий исломнинг гўзал хулқли ва ҳурфикарли уламолари қўлида таълим олган бўлса, бу фактдан хабардор экани турган гап¹⁹.

Баъзи бир шарқшунослар каромат қилганидай, тўрттала мактаб тадрижи, яъни ижобий қонуннинг то-

ёзиди: “Бир пулга киммат кишилар баъзан зохиря мактабига эргашишини ва ўша китобларни ўқиб, улардан хукукшуносликнинг зохиря тизимини ўрганмокчи бўлади, бироқ аросатда колади ва кўп сонли мусулмонларнинг мухолифлиги ва норозилигига дучор бўлади. Улар бу йўлда бидъатчига ҳам айланаби колади, иегаки, ўқиётган китобларнинг калитини музлумлар уларга бермаган бўлиб чиқади”. (*Muqallima*, tr. F. Rosenthal [Princeton, 1958], III, 6.)

¹⁹ “Ўз хурматини билиш ва босиклик, бошқа уламоларни хурмат қилиш, умматларнинг ташвишларига ҳамдардлик, дунёкараши ҳамиша кенг, донишмандлиги мукаммал ва бағрикенглиги бемисал бўлган Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи вассалламга эргашиш буюк уламоларга хос бўлган хусусиятлардир”. Imam Yusuf al-Dajawi (d. 1365 АН), *Maqalat wa Fatawa* (Cairo: Majima' al-Bu uth al-Islamiya, 1402), II, 583. “Ҳакикий адодат барча имомларнинг кадрини юксак билишдир; Кимки *ижтиҳод* даражасига етмагани учун *мужтаҳид мазҳаби* га эргашса, бошқа имомлар ўз имомидан фарқ қилишидан хафа бўлмайди” (*Shatibi, I'tisam*, III, 260.) Уламолар турли мазҳаб вакилларининг бир-бирини хурмат қилишига оид мисолларни кўплаб келирган. Масалан, дамашқлик иллюхийтшунос олим Шайх Иброҳим ас-Самадий (1662 йили вафот этган) худодан 4 та ўғил беришни сўраб илтижо килиди. У фарзандларининг ҳар бири тан олинган мазҳаб вакили бўлишини, шу тарика ўз хонадонига тўрт хисса раҳмат ёғилишини истайди. (*Muhammad al-Amin al-Muhibbi, Khulasat al-athar fi a'yan al-qarn al-gadi "ashar* [Cairo, 1248], I, 48.)



заланиш ёки кенгайиш қобилияти йўқолиб кетмади. Аксинча, мавжуд мураккаб механизмлар етарли малакага эга бўлган шахсларга Қуръон ва **Суннат**дан **шариатни** келтириб чиқаришга изн беригина қолмасдан, уларнинг ўзини ҳам ўша амалларни бажаришга мажбур этар эди. Аксарият уламоларнинг фикрига кўра, бирор синчи (эксперт) манбалар билан тўла танишиб, академик нуқтаи назардан зарур бўлган турли шартларни бажарса, унга ўз мактабининг кенг тарқалган хукмларини бажаришга рухсат берилмайди, балки ўзига вахий билан нозил бўлган манбалардан хукмлар чиқариш шарт қилиб қўйилади. Бундай киши **мужтаҳид** деб аталади, бу атама Муъад ибн Жабалнинг машхур ҳадисидан олинган²⁰.

Баъзилар, мусулмон киши синчиларнинг хукм шаклини олган фикридан четга чиқишга уриниб, тўғридан тўғри Қуръон ва Суннатга мурожаат килиш учун кучли ва машҳур олим бўлиши керак, деб бу йўлни рад этишга мойилдир. Одамларнинг манбаларни нотўғри тушуниш оқибатида шариатга зарар етказиб қўйиши реал нарсадир. Ортодоксал мактаблар пайдо бўлмасидан бурунги даврда ибтидоий мусулмонлар келишмовчилик ва ўзаро ихтилофлар домига тушиб қолган эди. Исломгача бўлган даврда бутун бошли динлар муқаддас битиклар тафсирчиларининг нотўғри йўлга бошлаши оқибатида инқизотга юз тутди, исломнинг бошига ҳам шундай кунлар тушмаслиги муҳим аҳамиятга эга эди.

Исломни бидъат ва бузилишлар хавфидан ҳимоя килиш мақсадида усулнинг буюк уламолари мукаммал шартларни яратди, ўзини мужтаҳидлик ҳуқуқига эгаман деб билувчи ҳар бир киши уларни бажариши зарур²¹. Бу шартлар сирасига: а) вахийни тил билан боғлиқ

²⁰ “Аллоҳнинг расули унга Аллоҳнинг раҳмати ва саломи бўлсин — Муъад ибн Жабални Яманга юбормоқчи бўлганида ундан сўради: “Агар бирор ишга козилик килиш керак бўлиб колса, қандай килиб хукм чиқарган бўлар эдингиз?” У жавоб берди: “Аллоҳнинг китобида нима дейилтанига қараб”, Расуллоро: “Мабодо, Аллоҳнинг китобидан топмасангиз-чи”, деб сўрадилар. У: “У холда Аллоҳнинг расули суннатлари асосида ўз ҳукмимни чиқаришга (**ижтиҳоди рашӯи**) харакат киласман”, деб жавоб берди. (Abu Daud, Aqdiya, 11.)

²¹ Kamali, 366-393, especially 374-4; see also Amidi, IV, 219 – 11.



чалкашликлар асосида нотўғри талқин қилиш ҳоллари ни камайтириш мақсадида араб тилини мукаммал билиш; б) Қуръонни, Суннатни, ҳар бир сура ва ҳадисни, вахий келиши билан боғлиқ шарт-шароитларни, Қуръон ва ҳадисларга ёзилган шарҳларни мукаммал билиш, юқорида баҳс юритилган тафсир усусларининг ҳеч бирини кўздан қочирмаслик; в) ҳадис илмининг ро-вийлар ва матнни баҳолаш сингари маҳсус предметла-рини билиш; д) саҳобалар, тобеъинлар, буюк имомлар-нинг қарапшларидан, келишув (ижмо)га эришилган ҳолатларни билиш билан бирга фикҳ китобларида ту-шунтириб берилган ҳолат ва мулоҳазалардан хабардор бўлиш; е) фикҳий қиёс илми, унинг турлари ва шарт-ларини эгаллаш; ё) ўз жамияти ва ижтимоий қизиқиш (маслаҳат)ни билиш; ж) шариатнинг умумий мақсадла-ри (мақосид)ни билиш; з) юксак ақл-заковат ва шах-сий тақводорликнинг исломга хос бўлган ҳамдардлик, ҳалимлик ва камтарлик билан омухта бўлиб кетиши.

Ушбу шартларни бажарган олим **мужтаҳид фил-шаръ** деб ҳисобланиши, унинг мавжуд ҳукмрон маз-ҳабга эргашиши шарт эмас ёки бунга рухсат берил-майди²². Айни шундай ҳолатда баязи бир имомлар буюк шогирдларига ўзларига танқидий кўз билан қара-масдан, тақлид қилишларини тақиқлаб қўйган. Бирок билим ва тажрибаси бу қадар юксакликларга кўтари-ла олмаган кўпчилик уламолар **мужтаҳид фил-маз-ҳаб** даражасига етиши мумкин. Бунинг маъноси шуки, бундай олим ўз мактабининг ақидаларига қаттиқ ишон-ганича қолади, аммо (четдан) олинган фикрни ўз маз-ҳабида мавжуд қарапшлардан фарқлай билади. Бундай кишилар сирасига, масалан, моликийлардан Қози Ибн Абдул-Барр, шоғиийлардан И мом ил-Нававий, ҳана-фийлардан Ибн Обидин ва ҳанбалийлардан Ибн Кудамани мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу олим-ларнинг барчаси ўзларини мазҳабларининг фундамен-тал тафсир принциплари издошлари деб билганлар, аммо амалда мазҳаблари доирасида янги ҳукмлар чи-қариш учун олимлик ва мулоҳаза юритишда катта таж-

²² Kamali, 386-8.

риба орттирган эди. Мужтахид имомлар ижтиходга оид маслаҳатини айнан ўша синчиларга берар эди. Имом Шофиййинг “Агар сен менинг ҳукмимга зид келадиган ҳадисни топган бўлсанг, ҳадисга амал қил”²³, деган йўриғи бунга мисол бўла олади. Шуниси равшанки, бугунги кун муаллифлари нимага ишонишидан қатъи назар, бундай муҳокамалар саводсиз исломий омма эмас, имомнинг нозиктаъб шогирдлари фойдаланиши учун мулжалланган эди. Имом Шофий ҳеч қачон қассоб, тунги қоровул ва эшакбоқарлардан иборат оломонга мурожаат қилмаган.

Усул уламолари мужтахидларнинг бошқа бир тоифаси рўйхатини келтиради; лекин улар орасидаги тафовут ўта нозик бўлиб, бизнинг мавзумизга тегишли эмас. Қолган тоифаларни икки қисмга бўлиш мумкин: 1) мазҳаб йўл-йўриқларига амал қиласидиган Куръон ва ҳадисдан хабардор, уларнинг замирида ётган ҳолатлар хусусида мулоҳаза юрита оладиган **мұттабиъ**²⁴ (“издош”), 2) мазҳабнинг минглаб ақидалари ортидаги мулоҳазаларни батаф-

²³ **Мужтахид** ўз мулоҳазасида **ижмога** ёки асосий принципларга, ёки бир маъноли матнга, ёки очик киёс (*alqiyas al-jali*) га ҳеч бир исботсиз карши борадиган бўлса, унинг мукаллидига ўз қарашини одамларга етказишига ёки ўша асосда фатво беришига йўл қўйилмайди... бироқ ҳеч ким ву нарсаларга хукукшунослик, очик киёс, бир маъноли матнлар ва бошқа нимадир аралашиб қолганини ёки қолмаганини билмайди; буни билиш учун киши усул ул-фикхни ўрганиши ва ўзини фикҳ уммонига ташлаши керак”. (Imam Shihab al-Din al-Qarafi, al-Furuq (Cairo, 1346), II, 109.)

²⁴ Имом аш-Шатабий буни қўйидаги иктибос мисолида тушунтириб беради, у бошдан оёб **тақлид** бўйича ортодоксал позиция – туримнинг бундан кейинги кискача баёнини бериш учун хизмат килади: “Шарият ҳукмларига амал қиласидиган киши уч тоифанинг бирига мансубдир. [I] У **мужтахид** бўлиши мумкин, бу холда ўзининг **ижтиҳоди** туфайли чиқариладиган фикҳий хулосаларга амал килиши керак бўлади. [II] У нихоятда билимдон **муқаллид** ҳам бўлиши мумкин. Бу холда унга эргашиши учун йўлбошли, амал қилиши учун ҳукм чиқариб бергувчи кози ва тақлид килиши учун уламо зарур бўлади. Кўриниб турибдики, у етарли даражада билимга эга бўлган киши сифатида йўлбошлига эргашади. Бунинг исботи шуки, мабодо у йўлбошичининг ўзи мурожаат килган масаладан бехабарлигини билса ёки бу жада гумон килса, ўша йўлбошига эргашиши, ёки чиқарган ҳукмини қабул килишига изн берилмайди; дарҳакиқат, илмли ёки илмсиз киши ўзи малакаси етарли бўлмаган деб хисоблаган кишига худди бемор киши тақдирини табиб бўлмаган киши кўлига топшириши мумкин бўлмаганидай, тақлид воситасида эргашиши мумкин эмас. [III] У **мужтахид** даражасига етмаган бўлиши мумкин, бироқ далил ва унинг контекстини тушунади ва маълум бир масалаларда баъзи ҳукмларни бошкасидан устун қўйиш зарурлигини англай билади. Бу холда кимдир унинг нимани афзал биллаётганини, қараашларини тан олиши ёки олмаслиги шарт. Башарти, ўша қараашлар тан олинса, у ушбу масала юзасидан худди мужтахиддай бўлади; тан олинмаса, у худди мутахассис бўлмаган бошқа оддий мусулмонлар сингари бошқа мужтахидларга эргашишга мажбур бўлади. (al-I'tisam (Cairo, 1913-4) III, 251 – 3.)

сил билмай туриб уламоларига ишонгани учун осонгина тақлид йўлига ўтиб оладиган муқаллид (“тақлидчи”).

Шунинг учун ҳам **муқаллидга** мазҳабнинг формал исботларини таниб олгунча ўқиши тавсия этилади. Бироқ яна шуниси аниқки, ҳар бир мусулмон ҳам олим бўлиб кетавермайди. Олимликка жуда кўп вақт талаб этилади. Умматлар нормал яшами учун бухгалтерлик, аскарлик, қассоблик ва шу сингари бошқа касбларни ҳам эгаллаши талаб этилади. Ҳатто уларнинг барчаси етарли даражада ақл-заковатга эга деб ҳисоблаган тақдиримизда ҳам ҳаммаси буюк уламолар бўлиб кета олмайди. Куръони каримда таъкидланганидай, кам билимга эга бўлган диндорлар малакали мутахассисларга мурожаат қилишлари зарур: “*Агар бу ҳақда билмайдиган бўлсангиzlар, аҳли зикрлардан (яъни, Таврот ва Инжилни биладиганлардан) сўрангизлар*”²⁵ (Олимларнинг фикрича, “аҳли илмлар” уламолардир.) Бошқа бир оятда мусулмонларга мутахассис бўлмаганларга йўл-йўриқ кўрсатадиган мутахассислар гурухини тузиш ва қўллаб-қувватлаш буюрилади: “*Уларнинг ҳар бир гуруҳидан бир тоифа чиқмайдими?!* (Қолғанлари) динни ўрганиб, қавмлари уларга (жангдан) қайтиб келгач, (гуноҳдан) сақланишлари учун уларни огоҳлантирмайдиларми?”²⁶ Илоҳий битикларни тўғри тушуниш учун керак бўладиган олимликнинг төранлиги ва фавқулодда огоҳлантиришлар бизга ваҳийни бузишларига қарши юборилгандир, яна шуниси равшанки, оддий мусулмонларнинг бурчи ўзларининг мулоҳазаси ва чекланган билимига таянишдан, мутахассисларнинг фикрига эргашишдан иборат. Ушбу бурчни ибтидоий мусулмонлар яхши билар эди: халифа Умар розиаллоҳу анҳу Абу Бакр розиаллоҳу анхунинг буюрганларига “Мен Аллоҳ олдида Абу Бакрнинг фикридан бошқача фикрда бўлишдан уяламан”, деб амал қиласар эди. Ибн Масъуд розиаллоҳу анҳу ўз навбатида том маънодаги мужтаҳид бўлишиган қарамасдан, баъзи масалаларда Умар розиаллоҳу анхуга эргашар эди. Аш-Шаъбига кўра: “Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг 6 саҳобаси: Абу Масъуд, Умар ибн

²⁵ Куръон, “Нахл” сураси, 43-оят.

²⁶ Куръон, “Тавба” сураси, 122-оят

ал-Хаттоб, Али, Зайд ибн Собит, Убай ибн Каъб ва Абу Мусо (ал-Ашъарий) одамларга фатво берар эди: шулардан ҳам уч нафари қолган уч нафарининг фойдасига ҳукм чиқаришдан воз кечган эди: “Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ўз ҳукмидан Умар фойдасига, Абу Мусо – Али фойдасига ва Зайд эса Убай ибн Каъб фойдасига”.

Европа қитъасидаги мамлакатлар мусулмонлари мустақил йўл тутгандан кўра, буюк Имомнинг суннатга йўл бошловчи оқилона ҳукмига суюниши мақбулроқдир. Негаки, уларнинг жуда оз қисмигина ушбу масалада танлаш имконига эгадир. Бунинг сабаби оддий: кимdir араб тилини билмай туриб, маълум бир масалага оид барча ҳадисларни ўқиб чиқиши истаган тақдирда ҳам бу ишнинг уддасидан чиқа олмайди. Турли сабабларга кўра, инглиз тилига фақат ўнга яқингина ҳадислар тўплами таржима қилинган, холос. 300 дан ошик тўпламлар эса мутлако таржима қилинмаган. Улар орасида Имом Ахмад ибн Ханбалнинг “*Муснад*”, Ибн Аби Шайбанинг “*Мусаннаф*”, Ибн Хузайманинг “*Саҳиҳ*”, Ал-Ҳакимнинг “*Мустадрак*” ва бошқа кўп жилдли тўпламлар сингари йирик китоблар бор. Ушбу китобларда на Бухорий, на Муслимда ва на бошқа китобларда топиладиган сон-саноксиз сахих ҳадислар бор. Улар ҳали инглиз тилига таржима қилинмаган. Ҳатто биз мавжуд таржималар аслига мос деб ҳисоблаган тақдиримизда ҳам араб тилини билмайдиган кишилар *шариат* ҳукмларини тўғридан-тўғри Китоб ва Суннат асосида чиқаришга уринмагани маъқул. Таржима қилинган ҳадислар асосида *шариат* ҳукмларини чиқариш суннатнинг аксариятидан беҳбарликка ва уларни эътибордан сокит қилишга, бино-барин, катта бузилишларга олиб келади.

Келтиралажак иккита мисол етарли, деб ўйлайман. Сунний мазҳаблар фикҳ билан боғлик ишларни кўриб чиқишида керак бўладиган ақидаларида озгина ноаниқлик бўлган ҳолда ҳам қонуний жазо (*ҳудуд*) берилмаслиги принципи мавжуд ва *қози* ана шундай муҳмалликлар мавжудлигини исботлаш учун фаол харакат қилиши керак. Оддий ўкувчи ҳам “Саунд Сикс” тўпламида бунинг тасдифини топа олади²⁷. Бироқ *мазҳаб* ақидаси Ибн Аби Шайбанинг “*Муаннаф*”, ал-Ҳаризийнинг “*Мус-*



над”, Мусаддад ибн Мусарҳаднинг “**Муснад**” ида келтирилган ҳадисга асосланади. Унда шундай дейилади: “**Худудни** муҳмаллик воситасида даф қилинг”²⁸. Имом ас-Санъоний “Ал-Ансоб” китобида ушбу ҳадиснинг (пайдо бўлиш) шароити хусусида ривоят қиласиди: “Бир киши мастилигига Умарнинг олдига олиб келинади, у **ҳадд**, яъни гуноҳкорни саксон қамчи уришни буюради. Жазо берилгач, гуноҳкор киши: “Умар, сиз мени хафа қилдингиз! Мен, ахир, кулман! (Қуллар жазонинг ярминигия олиши керак)”, дейди. “Умар бундан қаттиқ мутассир бўлади ва Расууллоҳнинг ҳадисини келтиради: “**Худудни** муҳмаллик воситасида даф қилинг”.

Мусулмонларнинг ҳаж пайтида истиғфор қилиши бошқа бир мисолдир. Ҳадисга кўра: “Хожининг ва ҳожи гуноҳини сўраётган бошқа кишиларнинг гуноҳи кечирилади”. Ушбу ҳадис шу пайтгача инглиз тилига таржима қилинган биронта ҳам ҳадислар тўпламида учрамайди, аммо у Ат-Табаранийнинг “**Ал-Муъжам ас-сағир**”, Ал-Баззарнинг “**Муснад**” сингари тўпламларда ва бошқа кўпгина асарларда **иснод** сифатида учрайди.

Ислом қонунини бузиб қўйишдан художўларча қўркиши туфайли ўтмишнинг кўпчиллик буюк алломалари – уларнинг 99 фоизи – мазҳабга содик бўлишган. Нотинч 14-асрда Ибн Таймия ва Ибн ал-Қайум сингари бир ҳовуч файрификрлилар²⁹ пайдо бўлди, аммо ҳатто улар ҳам чаласавод мусулмонларга мутахассис ёрдамисиз ижтиҳодга қўл уришни тавсия қилмаган. Номлари зикр

²⁷ У ш б у ҳадиснинг бир версияси Имом Термизий (“Худуд”, 2) да бор, лекин у заиф бўлган Язид ибн Зиёдни ўз ичига олувчи иснодга илова килиб берилган.

²⁸ Ibn Abi Shayba, *Musannaf*, XI, 70.

²⁹ У ш б у уламолар ҳакида карант: Ahmad ibn al-Naqib al-Misri, tr. Nuh Keller, *Reliance of the Traveller* (Abu Dhabi, 1991), 1059-60, 1057-8. Ибн ал-Қайумининг ушбу масалага муносабати доимий бўлмаган. У “Иълам ал-Муваккаиъин” асарининг баъзи жойларида ҳар бир мусулмон тўғридан-тўғри Куръон ва Суннат асосида ҳукм чиқариши малакасига эга, деган фикрни иллари сурʼатанга ўхшайди. Бирок бошқа ўринларда эса у кўпроқ зиёлиларга хос қарашни иллари суради. Масалан, у бундай деб ёзади: “Имомнинг мазҳабига содик муфтий, ўзининг назарида тўғрирок бўлган бошқа бир мазҳабга асосланиб, фатво берини мумкинми? [Жавоб шуки] агар у ижтиход амалиётида ўша имомнинг принципиалирга эргашса ва илоҳий каломни таҳқиқа киласа [яъни, **мужтаҳид фил-мазҳаб** бўлсан] гина ўзи тўғри деб билган бошқа бир мұжтаҳиднинг фикрига эргашиши мумкин”. (*I’lam al-Muwaqqi’in*, IV, 237). Бундай ёндашувнинг каморови кенг, бирор шунга қарамасдан, у юксак малакали муфассирга эргашишдан кўра, ҳар сафар “далил”га эргашишдай оддийигина тушунчадан жуда йирокдир.

этилган муаллифлар номи яқиндагина қайта тиланган ва машхур қилинган ҳамда уларнинг классик исломнинг ортодоксал таълимотига таъсири унчалик кўп бўлмаган, буни улар асарларининг ислом дунёсининг улкан кутубхоналарида сақланиб қолган атиги бир неча қўлёзмаси ҳам исботлаб турибди³⁰.

Шунга қарамасдан, ўтган (19-) асрда рўй берган ижтимоий бўронлар пайтида авторитар таълимотдан воз кечишни ёқлаган кўплаб уламолар пайдо бўлди. Ушбу мужодаланинг энг машхур намояндлари Муҳаммад Абдуҳ ва унинг шогирди Муҳаммад Рашид Ридо эди³¹. Улар Фарбнинг фалабасидан шошиб қолиб, мусулмонларни “**мағлид** кишанлари”ни итқитиб ташлашга ва тўртта мазҳаб ҳокимиятини рад этишга ундар эди. Бугунги кунда баъзи бир араб мамлакатлари пойтахтларида, хусусан, маҳаллий ортодоксал таълимот анъанаси за-

³⁰ Ибн Таймиянинг асарлари факат бир нусхадаги қўлёзмалар сифатида мавжуд; Суюти ва Ан-Нававий сингари буюк алломалар асарларига қиёсланганда, хатто бошқаларининг ҳам жуда кам кўчирилгани кўзга ташланади. Унинг асарларининг қадимги қўлёзмалари рўйхатига каранг: C. Brockelmann, Geschichte der arabischen Litteratur (2nd ed. Leiden, 1943-9), II, 126-7, Supplement, II, 119-126.

³¹ Абдухга ўз навбатида унинг устози ва ҳамкори Жамолиддин Афғоний (1839-97) таъсир кўрсатган эди. Афғоний ўтиш даврини бошидан кешираётган Намиқ Камол ва (бир оз кейинчалик) Зиё Кўкулла ва Сатиъ ал-Хусарий сингари “Ёш усмонлилар” авлодига мансуб деб хисобланар эди. Ушбу авлод вакиллари Farb давлатларининг муваффакияти ва Усмонлилар армияси мағлубиятидан каттак руҳий жароҳат олишган эди. Улар “кўхна моҳият”ни саклаб колган холда аслиятни кўллаб-кувватлаб, тарихий мусулмон маданиятидан воз кечарак, маданий янтиланишига эришиш мумкин, деб ўйлар эди. Бутун 19-аср давомида улар аслиятни излашдан онгли равишда ёки бошқача илхомланган эди. Миллатчи файласуфлар Хердер ва Ле Бон Франция ва Германия учун худди шунга ўхшаш ўз миллий маданиятиларининг “оригинал манбалари”га асосланган уйғониш-эссециал (аслиятга кайтиш) лойиха яратган эди. Хердер ҳамда Ле Боннинг асарлари ўша пайтлар мусулмон дунёси ҳалклари тилларига таржима қилинган ва кўлмакул килиб ўқилган эди. Афғоний теран мутафаккир эмасди, бирор үнинг памфлетлари ва мақолалари ўзи ва Абдух мухаррирлик килган “Ал-Ўрват” журналида чоп этилар ва катта таъсир кучига эга эди. Унинг ўзи тарғиб килган панисломий мағкурага ёки исломнинг рамақижон ва тарихга зид версиясига ишонган-ишонмагани номаъдум. Афғоний ўзининг мусулмонлар пешвоси эканини унтиб калам тебратган пайтлар кўпинча фавқулодда шубҳаланувчи сифатида кўзга ташланар эди. Масалан, у Ренан билан мунозараға киришиб, араб тамаддунининг инкизори хусусида калам тебратадиб, ислом ҳақида бундай деб ёзади: “Шуниси равшанни, ушбу дин каерда қарор топмасин, ҳамиша илм-фанни бўғишига интилди ва хайратланарлиси шуки, буни амалга оширища зулм унга тайёр дастёр эди”. (Ренанга жавоб, translated by N. Keddie in *An Islamic Response to Imperialism: Political and Religious Writings of Sayyid Jamal al-Din "al-Afghani"* (Berkeley and Los Angeles, 1968), 183, 187. Абдухнинг ушбу мақоланинг араб тилига таржимаси чоп этилмаслиги учун озмунча тер тўкмагани ажабланарли эмас.



ифлашиб қолган жойларда, ёш арабларнинг ҳадислар тўпламини қўлга киритиб, улар билан уйларини тўлдираётганини ҳамда кенг қамровли ва мураккаб адабиётларни гўё И мом Шофийй, И мом Аҳмад ва бошқа буюк имомлардан кўра камроқ бузишни қўзлаб, пухта ўрганаётганини кўриш мумкин. Бундай масъулиятсизларча ёндашув, гарчи кенг тарқалмаган бўлса-да, ўзаро кескин тафовутли фикрларга йўл очиб бериши муқаррар. Айни ҳол ислом ҳаракатининг бирлиги, самараодорлиги ва унга бўлган ишончга путур етказган, минг йил олдин буюк имомлар ҳал этиб кетган масалалар юзасидан кескин баҳслар қўзғаган эди. Ҳозирги пайтда фаолларнинг масжидларни кезиб юргани, бошқа намозхонларни, гарчи улар **фиқҳ**нинг етакчи имомлари хукмларига амал қилаётган бўлса-да, эътиқодида қусур бордай танқид қилаётгани оддий ҳолга айланиб қолди. Бундай бемаънилик келтириб чиқараётган кўнгилсиз ва сурбетларча муҳит саводи унчалик яхши бўлмаган кўплаб мусулмонларнинг масжидга бутунлай келмай қўйишига сабаб бўлмоқда. Ҳеч ким дастлабки уламоларнинг, мусулмонлар суннатнинг бир-биридан фарқ қилувчи талқинларига тоқат қилиши керак, чунки бундай талқинни мўътабар уламолар қилган, деган қарашини эсга олмайди. Суфён аз-Заврий айтганидай: “Мабодо, сиз бирор кишининг уламолар ўртасида тортишишга сабаб бўлган ишни қилаётганини қўрсангиз ва буни тақиқланган деб ўйласангиз, ўша кишига ўша ишини қилишни тақиқлашингиз дуруст эмас”³². Бундай сиёsatга тескари бўлган йўл, албатта,

³² Уламолар, шунингдек, ислом юриспруденциясининг мана бу етакчи принципидан ҳам иктибос келтиради: “Нотўғри (**муникар**) деб хисобланган нарсани уламолар ўзаро келишиб (ижмо) нотўғри демагунча коралаш дуруст эмас. (Dajawī, Fatawa, II, 583). И мом ад-Дажавий ҳам (II, 575) куйидаги фикрни илгари суради: “Уламолар ўртасида қарашлардаги тафовут уммат устига ёғилган буюк **раҳмат**” дир. Умар ибн Абдулазиз бундай деган эдия: “Расууллоҳнинг сахобалари – уларга Аллоҳнинг раҳмати ва саломи бўлсин – розилик бермаган нарсалар мени ҳам рози килмайди. Улар рози бўлмаган ишларни қилган кишиларга раҳмат инмайди”. **Тобеъин**лар орасидаги буюк мухаддислардан бири Яхе ибн Саид бундай дейди: “Илм ахла тавсия ахлидир. Улар бир-биридан фарқ қилувчи фатволар беришда давом этмоқда, бирор уламо бошқасига фикри бўлак бўлгани учун тавна килиши мумкин эмас”. Аммо оддий кишилар, бъязи бир фракциялар истаётганидай, ўз хукмларини тўғридан-тўғри Куръон ва Суннатдан олса, уларнинг фикрлари бундан-да зиддиияти булади. Энди Тўрт Мактаб минглаб мактабларга айланиси кетади. Ўша кун келса, мусулмонлар бошига фалокат устига фалокат ёғилади, ҳеч қайсимизга бундай кунни кўриш насиб этмасин!”

мусулмон жамоасини ўз ичидан заҳарлайдиган парокандалик ва адоватга олиб келади³³.

Фарб таъсирида пайдо бўлган глобал маданият одамларга болалигиданоқ “фақат ўзини ўйлаш”, ўрнатилган ҳокимиятга қарши курашиш фикри сингдирилаётгани туфайли баъзан уларнинг ўз хаддини билиши учун тийилиши, бўйсуниши қийин кечмоқда³⁴. Барчамиз маълум бир маънода фиръавнга менгзаймиз: манманлигимиз туфайли табиатан кимдир ўзимиздан кўра зиёлироқ бўлиши ва кўпроқ билиши мумкинлигини тан ололмаймиз. Оддий мусулмонлар араб тилини билмасдан туриб ҳам **шариат**дан ўzlари учун хукм чиқариб олиши мумкинлигига ишониш ушбу манманликнинг тобора ваҳшийлашиб бораётганидан далолатdir. Ўzlари чиқарган хукмдан мағрурланадиган, лекин манбаларнинг мураккаблигидан бехабар ва чин уламолик нуридан бебахра ёшлар учун бу ҳол алдаб қўювчи қонқон бўлиши мумкин ҳамда исломнинг ҳақиқий йўлидан чалғитиш, мусулмонлар ўртасида қасдан бўлмаса-да, кескин зиддиятларга олиб ке-

³³ Бу нарса 18-асрнинг бошларида тушуниб етилди. Шоҳ Валиуллоҳ ад-Дехлавий (*Hujjat Allah al-Baligha*, I, 132)нинг кузатишича: “Уммат то шу кунгача... тўртга **мазҳабга тақлид** воситасида амал килиш масаласида яқдил бўлиб келди. Ушбу яқдилликда яккод фойда ва имтиёзлар бор, айникса, гайрат бутунлай сўниб колган ва руҳлар ўз эхтиросларидан маъстур бўлишга маҳкум этилган кунларда ҳар ким ўз фикри борлигидан лаззат олар эди”. Бу бизга исломнинг турли фикрлар эхтимоли ва конунийлигини рад этидиган тоталитар дин эмаслигини эслатиб туради. “Мусулмон уламолари **мужтаҳид** ўзининг шариат ҳукмларини чиқаришда конуний ижтиходи масаласида гунохга йўл кўйиши мумкин эмас. [Фақат] Бишир ал-Марисий, Абу Бакр ал-Асами ва мұтазалийлар ва ўн иккى имоммәз эргашувчи шиалар таълимоти сингари киёс илмини рад этувчиларгина ҳар бир фикхий мумаммо учун ягона тўғри хукм борлигига, кимки унга эришмаса, гунохкор эканига ишонадилар”. (Amidi, IV, 244). Албатта, бу исломнинг илоҳий раҳмати, соғлом ва саҳиҳ бағрикенглиги рамзиdir. “Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, оғирилкини хоҳламайди” (Куръон, “Бакара” сураси, 185-оят). “Мен қийинлаштириш учун эмас, осонлаштириш учун юборилганман”. (Бухорий, “Илм”, 12.) “Аллоҳнинг расулига – унга раҳматлар ва саломлар бўлсин – хеч қаҷон иккى фикрдан бирини ташлаш имкони берилмаган эди. Агар гуноҳ бўлмаса, улардан осонорогини ташлар эдилар”. (Бухорий, “Манокиб”, 23.) Бирок Дехлавий яшаган даврда одамлар Суннининг ушбу принципини менсимагани учун шикоятларга сабаб бўлган жараён бугунги кунга келиб янада заҳарлирок бўлиб колди. Энг зарарли нарса шуки, нафқатта кучта айланди, батъи бир давраларда кўхна мусулмончиликка хос хушмуомалалик ва бағрикенгликка асосланган **адаб** йўқолиб кетди, одамлар бошقا мусулмонларнинг ўзиникидан бошқача бўлган фикрини кабул килиши қийин бўлиб колди.

³⁴ Кўпгина ёш мусулмон фаоллари, эхтимол, ўзини доимий хавф остида сезгани учундир, Имом Моликдай алломанинг фикх хусусида берилган 40 саволнинг 36 тасига, билмайман, (**ла адри**) деб жавоб берганига карамасдан, ўз дини ҳакида ниманидир билмаслиги мумкин эканини тан ололмайди. (Amidi, IV, 221.)

лиш билан интиҳо топади. Диннинг барча йирик алломалари — улар сирасига турли мазҳабларга тегишли бўлган ва шогирдларидан ҳам шуни талаб этган ҳадис синчилари киради — унутилиб бораётганга ўхшайди. Ўз қадрини бошқалардан баланд қўйиш соғлом фикр ва исломий масъулият устидан улкан ғалаба қозонди.

Куръони карим мусулмонларга ақли ва тафаккур қудратини ишлатишни буюради; юксак таълимотларга эргашиш борасида бу қудратдан ниҳоятда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш талаб этилади. **Усул үл-Фиқҳ** билан бошқа бир ихтисослашган фан ўртасида узоқ муддатли ўқиб-изланишини талаб этадиган кескин тафовутнинг ўзи йўқ, деган асосий тушунча ҳурмат қилиниши лозим. **Аксилмазҳаб** тамойилига ортодоксал жавоб тайёрлаган Шайх Сайд Рамазон ал-Бутий ўзининг “*Аксил-мазҳабчилик: исломий шариатга ҳавф солаётган улкан бидъат*” китобида ҳукм чиқариш илмини тиббиёт илмига таққослади. Мабодо бирорвнинг фарзанди оғир касалга чалиниб қолса, у тегишли ташхис қўйиш ва фарзандини даволаш учун тиббиётга оид китобларни титадими ёки малакали шифокорнинг олдига борадими? Тўғрисини айтганда, унинг эси жойида бўлса, кейинги йўлни танлайди. Динда ҳам худди шундай. Аслида бу тиббиётдан ҳам муҳимроқ ва потенциал нуқтаи назардан ҳавфлироқdir: манбаларни ахтаришга ҳаракат қилишимиз учун аҳмоқ, масъулиятсиз, ўзимизча муфтий булишимиз лозим. Бунинг ўрнига бутун умрини суннатни ўрганишга бағишилаган уламоларни, камроқ хато қилишимизга имкон берадиган қонун принципларини тан олишимиз даркор.

Айни пайтда астрономиядан олинган яна бир ташбехни келтириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Биз Куръон суралари ва ҳадисларни юлдузга менгзашимиз мумкин. Оддий кўз билан, телескоп ёрдамисиз уларнинг аксариятини яхшироқ кўриб бўлмайди. Башарти, биз аҳмоқ ёки манман бўлсак, уни ясашга уриниб кўришимиз мумкин. Мабодо, анча-мунча нарсага ақлимиз этадиган ва камтар бўлсак, Имом Молик ёки Ибн Ҳанбал ясад кетган ҳамда кейинги авлодларга мансуб буюк мунажжимлар тозалаған, ярқиратган ва такомиллаштирган телескопдан фой-

даланишдан хурсанд бұламиз. Қолаверса, **мазҳаб** бизга исломни максимал даражада тиник күриш имконини берадиган аниқлик асбобидан бошқа нарса эмас. Агар үз асбобимизни ишлатадиган бұлсак, бизнинг ҳаваскорона саъй-харакатларимиз күришимизни бузиши шубҳасиз.

Шу ўринда учинчи бир мисолни келтириш ҳам жоиз. Күхна бино, масалан, Сараеводаги Бегова масжиди унда намоз үқийдиган баъзи бир кишиларга мукаммал бұлиб туюлмаслиги мумкин. Ёш ташаббускорлар ушбу бинони янада кўркам ва мукаммал қилиш истагида ёниб (ва шубҳасиз, ўзларининг вақт билан боғлиқ таржех (яхши кўрган нарса)ларидан келиб чиқкан ҳолда) унинг остидаги пойdevор ва дахмаларни очиб кўриши ҳамда меъморчиллик принципларини ўзларича тушуниш асосида тепаларидағи улкан бинони тутиб турган асос ва устунларни замонга мослаштироқчи бўлиши мумкин. Улар, албатта, үз ишини оғизда маъқуллайдиган бир-иккита кишидан бошқа бирорта профессионал меъморни маслаҳат учун безовта қилмайди, шунингдек, бино структурасини асрлар синовига бардош берадиган даражада мустаҳкам қилиб яратган кишиларнинг китoblари ёки хотираларини ўқиб ҳам ўтирулмайди. Уларнинг файрати ва ғуури бунга вақт ҳам қолдирмайди. Гурух-гурух бўлиб, пойdevорлар орасидан чўкич ва пармаларини олиб чиқиб, кўр-кўрона файрат билан ишга киришади.

Сунний исломга нисбатан ҳам худди шундай муносабатда бўлинаётгани ўта хавфлидир. Бино кўп асрлар давомида үз душманларининг қақшатқич зарбаларига бардош бериб келди. У факат үз ичидан заифлашиши мумкин. Исломнинг зиёли рақиблари бундан хабардор экани шубҳасиз. Юксак тақвдорлиги, буюк сунний имомларнинг тўртта мактабда шариатни мукаммал қонун ҳолига келтирганидан сўнгги қатъийлиги ва қобиллигига қарамасдан, илк мусулмонларни, парчалаб ташлаган тарқоқлик ва **фитналар** томошаси кўпгина кишилар миясига адоватни жойлаган кўринади. Мен улкан мазҳабларга ҳужум қилаётган кишилар ислом душманлари қўлидаги онгли қурол, демоқчи эмасман. Бироқ бу ҳол ортодоксал мұқобил ислом маблағ тополмай, оч-наҳор турган бир пайтда улар нима учун машхур бўлиш ва яхши пул



топишга интилишни давом эттиражагини тушунтиришга имкон беради. Ҳозирги кунда **мұжтаҳид** эканидан фуурланган, тақлидни камтар ва зарур фазилат әмас, аксинча, гунох деб билған түрли-туман қарашлар яна юз күрсатадиганға үхшайды. Улар ибтидоий тарихимизда мусулмонлар бошига түрли балоларни ёғдирған әди. Ҳар ким үзининг ҳақлигига ишонған қақшатқич зиддиятлар оқибатида үзаро уйғунликдаги тұртта мазхаб үрнига миллиардлаб мазхабларға әга бўламиз. Исломни барбод қилиш учун бундан кўра зўрроқ схемани ҳеч қачон кашф этиб бўлмаса керак³⁵.

³⁵ Сўнгти мушоҳада сифатида ушбу боб фикхни замонавий шароитларга жавобан кенгайтириш ва ривожлантиришга қарши эътиroz деб тушунилмаслиги кераклигини қўшиб қўймоқчи әдим. Айни пайтда ўта жиiddий ижтиход талаб этилмоқда; ушбу китобда айтилған фикр шуки, бундай ижтиходни хаваскорлар әмас, юксак малакали уламолар амалга ошириши шарт.

... ва интиҳоси

Шаҳрин уфунати бизни ўлдирди, Собит-о,
Яратгандан сўрармиз bogни илжико қилиб.

Собит

Шаҳар одамни, жумладан, фуқароларнинг юрагини ҳам бўғади. Ҳадяларга локайдлик тушунмовчиликка, **хоби гафлат** Алцҳаймер хасталигига, айни пайтда инсониятнинг аксарияти учун эса у ўлимнинг совук бир нафасига айланди. Атроф-муҳит фожиаси эвазига келган тактик яшаш бизни жазава онларида ҳаяжонга солади. Лахзалар кулга, ажрашишнинг шахсий ва ижтимоий қабрига, руҳий инқироз ва наркозга айланна бормоқда. Тараққиёт хусусидаги шиорларга қарамасдан, Мачадо билан бирга: “одамлар билан тинч-тотув, ичимиизда эса ўзимиз билан уруш қилиб яшашдан” азият чекиб, Набоков сингари “бешикнинг жаҳаннам узра тебранишига” ишониб яшаяпмиз.

*Historia monotheistica*¹ халоскорлик лахзалари ва юлдузлар буржи деб аталадиган ёрқин, ҳаммага етиб борувчи ёки кӯҳна шавкат қолдиги бўлмиш динларни яккалам этгандир. Биз коинот ва тарих мавзусининг такори бўлган Буюк Аҳд меросида физика қонунларидан четга чиқиши кузатамиз, бошқача айтганда, улар худди инглиз шоири Виллиам Блейк (1757 – 1827)нинг “Уризен ҳақидаги китоби”дагидай, бизни пўлат занжир билан кишинлаб олади. Ислом ўз шавкати билан ибтидоий чин инсонлигимизга қайтишга имкон беради, у имонимизни соғайтирувчи ҳаёт тарзи билан постмодерн ҳаёт уммонидан сузиси ўтишга имкон берадиган нажот қайифидир. Замонавий киши **puer aeternus**² сифатида ҳар доим меҳмон кутиладиган хонада ўтирувчи, ҳеч қачон ўзини

¹ *Historia monotheistica* (лот.) – яккахудолик тарихи.

² *Puer aeternus* (лот.) – абадий бола.

(бирор ишга) тұла бағишлий олмайдиган ва фақат реал келажакка ишонадиган киши бұлиб гавдаланағы; айни пайтда *homo Islamicus*³ бутун инсониятнинг негизини ташкил этган маънавиятдан хабардор, машиналар ва нафс эриштира олмайдиган сирлардан воқиға катта ёшли кишидир. Уйнинг үзіда дилкашлик мавжуд: у әркак ва аёллар, болалар ва кексалар муносабатга киришиши учун керакли меъёрдир. Бу меъёр шахснинг гуноҳлардан фо-риғ бўлиш ва нафсдан воз кечиш йўлини излашида асқатадиган зарур ҳаётий тажрибани самимий бир тарзда ўртоқлашиша кўл келади.

Фарбнинг демократик мамлакатларида яшайдиган пост-модернизм ва бошқа барча қалбаки озодликлар жомини сипқорган ва пировардида исломни барча маъноларнинг шубҳасиз калити деб ҳисоблаган биздай кишиларни фақат битта оғриқ қийнайды, у ҳам бўлса, Буюк Аҳд ворисларининг суннатнинг соғ гўзаллигига бўлган эътибордан чалғиб, бошқаларга ҳамдард бўлиш сиёсатидан кўра нафсга учиб, уни топтаётгани ёки суннатни нурсиз, аммо ҳар нарсага қодир қудрати билан тўсиб қўйиб, замонавий ва жозибали тарзда нарсапарастлик худоси бўлиб гавдаланаётгани томошасидир. Замонавий ҳаёт мушкулотларининг кескинлиги, аммо инсон баҳтсизликларининг кундай равshan миқёси: қаровсиз кексалар, миллионлаб ёлғиз оналар, наркоман болалар, уйсизлар, мутаассиб ирқчилар, табиий туризмни қайта таҳrir қилиш хавфини туғдираётган прагматик биоэтикачилар⁴, тартиб деган фанера остида бижғиб ётган барча заҳарлар бизни Эрнест Геллер вақтдан устун турадиган сўнгги дин деб атаган нарса томон итариғи ва Аллоҳ барча исмларини ўргатган диннинг потенциал шон-шуҳратини намоён қила-ди.

³ *Homo Islamicus* (лат.) — ислом кишиси.

⁴ *Биоэтика* (ингл.) — биологик тадқиқот ва амалиётларнинг этика, яъни ахлокка оид жихатларини ўрганувчи фан. — Тарж.



ТАРЖИМОНДАН

Тұғриси, менга ушбу китоб құлөзмасини келтириб беришгач, нимага құл ураётганимни билмасдан тез ишга киришиб кетганимдан кейинчалик афсусланган пайтларим ҳам бұлды. Негаки, постмодернизм, постструктуралыизм, аналитик фалсафа сингари замонавий фанлардан хабардор бұлмаган оддий үқувчига бу китобни ўқиши оғирлиқ қылмасмекин, унинг бошини нотаниш атамалар, баъзида муаллиф услубини сақлашга ҳаракат қилиш оқибатида юзага келган мураккаб жумлалар билан қотниш шартмикин, деган истихолаларга ҳам бордим. Нима бұлса бұлды дедим-у, таржимани уч йил деганда туғатдим.

Энди ўйлаб курсам, ўзбек тилига бундай мураккаб матнларни бевосита инглиз тилидан таржима қилиш урф бұлмаган, улар факт рус тилидан ағдарилиб келган экан. Ҳарқалай, русча-узбекча лугатлар, озми-күпми, бор. Улардан фойдаланиш мумкин. Лекин йирик инглизча-узбекча лугатлар йўқлиги сабабли инглизча-русча, инглизча-туркча лугатлардан, “Британника” ва “Кирилл ва Мефодий” энциклопедияларининг электрон версиялари, бошқа изохли ва кўп тилли электрон лугатлардан, ҳатто Интернетдаги сайтлардан, шунингдек, 2000 йили Минске да чоп этилган “Постмодернизм” ва “Философия” энциклопедияларининг электрон версияларидан ҳам фойдаланишга тўғри келди. Ҳатто айрим холларда, инглиз тилидаги баъзи бир атамаларнинг ўзбек тилида араб тилидан кириб келган маънодошини айнан келтириш учун аввал ўша атамани рус тилига, сунгра рус тилидан лугат ёрдамида араб тилига таржима қилишга ҳам тўғри келган пайтлар бұлды. Таржима жараёнида турли манбалардан муаллиф келтирған иқтибослар, агар улар ўзбек тилига таржима қилинган бўлса, чалкашликка йўл қўймаслик учун ўшалардан олинди. Бунга Қуръони каримнинг йи-

рик динишунос олим Абдулазиз Мансур қилган таржимаси, Имом Бухорийнинг 4 жилдлик “Саҳиҳи Бухорий”, 1992 йили Швецияда ўзбек тилида чоп этилган “Инжил” китобларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ўзбекчага таржима қилинмаган манбалардан олинган иқтибослар муаллиф матнидан таржима қилинди.

Умуман, китоб ўзи нима ҳақда, деган савол тувилиши табиий.

Аввало, муаллиф ҳақида бир-икки оғиз. Тимоти Уинтер (Абдулҳаким Мурод) 1960 йили Лондон шаҳрида таваллуд топган. Кембриж ва Ал-Азҳар университетларида, шунингдек, бир неча Яқин Шарқ мамлакатларида таҳсил олган. Араб тили магистри. 1986 йили Ўзбекистонга ҳам келиб кетган. Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилган. Ҳозирги кунда Кембриж университетининг илохиётшунослик факултетида ислом тадқиқотлари бўйича университет маъruzачиси. Унинг асосий илмий фаолияти дунёда исломнинг дастлабки йилларида тўплаб, нашр этилган йирик ҳадис тўпламларини нашрга тайёрлайдиган “Суннат лойиҳаси”га директорлик қилишdir. Унинг назарида айни пайтда араб тилидаги китоблар дўконида сотилаётган ҳадис нашрлари номукаммалdir, шунинг учун энг қадимги ва ишончли қўллэзмалар асосида янги нашрлари тайёрлаш мақсадга мувофиқdir. Унинг энг сўнгги китоби “Ислом ва мусулмонларни тушуниш” 2002 йили Уилям Грехем билан ҳаммуаллифликда АҚШнинг Кентукки штатида нашр қилинган. М.З. Сиддиқийнинг “Ҳадислар китоби”ни арабчадан инглиз тилига таржима қилган.

Муаллиф бугунги исломга илғор қарашлардан келиб чиққан ҳолда баҳо беради, динимизнинг бугунги дунёдаги ўрни ва ролини кўрсатиб беришга ҳаракат қиласи. Унинг баъзи бир қарашларида Фарб тафаккурига хос бўлган ва бизга файритабиий туюладиган, лекин теранроқ назар ташланганда, чуқур ва атрофлича таххил кўзга ташланади. Айниқса, муаллифнинг ақидапарастлик, мусулмон жамиятида аёллар ва уларнинг ҳақ-хукуқлари қандай таъминланаётгани хусусидаги мулоҳазалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Муаллиф Фарб феминистларининг, мусулмон дунёсида аёлларнинг хукуқ ва эркин-



ликлари поймол қилинмоқда, деган даъволарига жавобан, христианлик ва исломнинг илоҳий манбаларидаги жинсга бўлган фундаментал муносабатни таҳлил қилиб кўради ҳамда исломда аёлларга нисбатан ҳеч қандай чеклашлар йўқ эканини исбот қиласди. Бундай мулоҳазалар ўзбек китобхонига модерн жамиятда ўз динининг ўрнини белгилаб олишида ёрдам беради.

Америкалик келажакшунос олим Олвин Тоффлер “Учинчи тўлқин” китобида “Биз эмбрион ҳолатидаги келажакни кечаги куннинг оддий қолипига тиқа олмаймиз. Бу борада ортодоксал муносабат ёки кайфият ҳам қўл келмайди”, деб ёзган эди.

Умуман олганда, жаҳоннинг етакчи оммавий ахборот воситалари бўрттириб кўрсатаётганидай, ақидапарастлик фақат ислом динига хос тушунча ҳам, ходиса ҳам эмас. Буни бошқа динларда ҳам кўриш мумкин. Дунёдаги глобаллашув жараёни маълум маънода ҳар бир динга дахл қилаётгани, ҳар бир жамият ёки ҳудудда ҳукмрон бўлиб келган диннинг ёнига бошқа бир дин кириб келаётгани мавжуд манзарани бутунлай ўзгартириб юбормоқда. Бугунги кунда динлар ўртасидаги чегара муайян давлат ёки жамият чегарасидан эмас, ҳар бир шахснинг юрагидан утадиган бўлиб бормоқда. Афсуски, баъзи ҳолларда бошқа дин вакилларига нисбатан бағрикенглик қилиш кийин кечяпти. Бундан ташқари, у ёки бу диннинг илгари бошқа динлар ҳукмронлик қилиб келган ҳудудларга ёйилиши ўша ерлардаги ижтимоий норозилик белгиси сифатида ҳам кўзга ташланмоқдаки, айни ҳолни Т. Унтер жуда яхши таҳлил қилиб берган. Унинг назарида хаёт жадал ўзгариб бораётган бугунги кунда юзага келаётган мисли кўрилмаган мураккаб ижтимоий муаммоларга жавоб тониш учун муқаддас диний манбаларни ҳар ким ўзича талқин қилиши, у ёки бу масалани шаръий қилиб олишга уриниши уммат ўртасидаги кескин парчаланишга, тўртта мазҳаб ўрнига миллионлаб секталар вужудга келишига сабаб бўлади. Бундай фожиага эса мутлақо ўйл қўйиб бўлмайди.

Муаллиф бизнинг дин мутафаккирларимиздан фарқли ўлароқ, ваҳҳобийлик оқимининг пайдо бўлиши ва бошқа жойларга ёйилишини фақатгина дин контекстида



эмас, ижтимоий-иқтисодий, ҳатто сиёсий контекстда олиб таҳлил қиласиди, бу ҳол ўқувчига оқимнинг пайдо бўлиш сабаблари хусусида ёрқин тасаввур беради. Айни ҳол мустақилликдан сўнг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги динни ўзларининг гайриқонуний, сиёсий мақсадларига эришиш йўлида ниқоб қилиб олган турли оқимларнинг асл муддаоси нима эканини тушуниб олишда муҳим аҳамият касб этади. Муаллиф 4 та диний мазҳабнинг бирини иккинчисидан устун қўймаган ҳолда уларнинг муайян масалага ечим излаш борасидаги принципиал фарқларини кўрсатиб беришга ҳаракат қиласиди, араб мамлакатлари ва Европадаги мужтаҳидлик даъвосини қилиб юрган баъзи бир чаласавод муллаларга унинг асл маъносини бутун мураккабликлари билан тушунтириб беради.

Шу ўринда Т.Уинтернинг араб ва турк тилларини яхши билишини, турк тилидаги манбалардан буюк бобо-калонимиз Алишер Навоий ижодини ҳам яхши ўрганганини таъкидлаб ўтиш жоиз. У ҳатто бир ўринда А.Навоийдан иқтибос ҳам келтириб ўтади.

Таржима баъзи нуқсонлардан холи бўлмаслиги табиий. Шунинг учун у ҳақдаги ҳар бир мулоҳазани миннатдорлик билан қабул қиласиз.

Мен таржима жараёнида яқиндан ёрдам берганлари учун ўзбек тили услуги нуктадони, дўстим Муртазо Қаршибойга, араб тили бўйича йирик мутахассис ва таржимон Ҳожимурод Отакуловга, диншунос олим Жон Мұхаммад Батт жанобларига миннатдорлик билдираман.

Фахриёр

МУНДАРИЖА

Гапнинг ибтидоси...

Минг йиллик аломат сифатида	6
Модернизм тугашига ишонч	30
Суннат бирламчилиги	46
Мадинанинг қоришик таровати	68
Оила инқирози	90
Ислом, Иригарай ва жинс масаласи	110
Ўтмишни соғиниш ҳидояти: Буюк Аҳднинг давоми	168
Диний Бошқани тан олиш	200
Британия ва Буюк Аҳд	235
Ислом маънавияти: унутилган инқилоб	271
Мутаассиблик балоси	290
Аксилмазҳабчилик муаммоси	335
<i>...ва интиҳоси</i>	360
<i>Таржимондан</i>	365

ТИМОТИ Ж. УИНТЕР

ХХI АСРДА ИСЛОМ

(*Постмодерн дунёда қиблани топиш*)

*Инглизчадан Фахриёр (Фахриддин Низомов)
таржимаси*

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2005

Мұхаррир *A.Ахмедов*
Бадий мұхаррир *M.Самойлов*
Техник мұхаррир *D.Габдрахманова*
Мусаххиха *H.Охунжонова*

Босишига рухсат этилди 13.01.2005. Бичими 84x108¹/₃₂. Петербург гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоги 16,8. Нашриёт-хисоб табоги 16,2. Адади 3000 нусха. Буюртма № 851. Баҳоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кӯчаси, 41**

T - 41

Тимоти Ж. Уинтер

ХХI асрда ислом (Постмодерн дунёда қиблани топиш) /Ф. Низомов тарж. — Т.: «Шарқ», 2005. — 368 б.



XXI АСРДА ИСЛОМ

Минг йиллик аломаш сифатида

Модернизм тугашига шонч

Суннат бирламчилиги

Мадинанинг қоришиқ таровати

Оила инқизози

Ислом, Иригараӣ ва жинс масаласу

Ўтмишни соғиниш ҳидояти:

Буюк Аҳднинг давоми

Диний Бошқани тан олиш

Британия ва Буюк Аҳд

Ислом маънавияти: унумилган инқизоб

Мутаассиблик балоси

